Жаннат Исмоилова

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИ



ЖАННАТ ИСМОИЛОВА

63.3(5Ўз)
Ф58 Ч
И-91

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИ

(1916 йил қўзғолони мисолида)

O'zMU
TARIX
FAKULTETI
ARM

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи

Тошкент — 2003

63.3
И81

Исмоилова, Жаннат.
Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари (1916 йил қузголони мисолида) – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи., 2003. – 336 б.

Ушбу асар узбек халқининг Узбекистон мустақиллиги учун олиб борган курашларининг тарихига багишланган. Хусусан, 1916 йилда Фарғона водийсида миллий озодлик курашларининг моҳияти ва йўналиши архив манбалари, ҳужжатлар ва хотиралар асосида илмий таҳлил қилинган. Асарда Фарғона водийсидаги қўзғолоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблари, қўзғолон жараёни, мардикорларнинг кейинги ҳаётлари ва унинг тарихий аҳамияти кенг ёритилган.

Мазкур асар тарих билан қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

ББК 63.3 (5У–2 Фарғона)

И $\frac{2306020600 - 28}{M352\ (04) - 2003}$ қатъий буюртма, 2003

ISBN 5-635-02077-1

© Жаннат Исмоилова, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003 й.

КИРИШ

> Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.
>
> *Ислом Каримов*

Юртбошимизнинг ушбу фикрлари тарихий ҳақиқатни акс эттириб, мустақиллик ва озодлик учун олиб борилган курашлар тарихини махсус ўрганиш ва оммалаштиришни тақозо этади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини холис ўрганиш ва оммалаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори муҳим ўрин эгаллади. Мазкур қарорда Республика тарихчилари олдига ўзбек халқининг ўзлигини англаш билан боғлиқ бўлган муҳим тарихий муаммолар, хусусан, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихи каби бошқа кўплаб масалаларни илмий асосланган ҳолда халққа етказиш вазифаси қўйилди[1].

Ўзликни англаш, миллий ғурурни тарбиялаш, миллий онгни ўстириш билан боғлиқ тарихий муаммоларидан бири — аждодларимизнинг ўз эрки, Ватан озодлиги йўлида мустамлакачилик кишанлари ва зулмига қарши кураш олиб борган курашлари тарихидир.

Бу муаммолар мустабид тузум шароитида ўзининг холисона талқинини ололмади ва ололмасди ҳам. Чунки империалистик асосида қурилган давлат ўзи олиб бораётган зўравонлик, ғайримиллий сиёсатига қарши халқни бош кўтаришга ундовчи миллий туйғуларни кучайишидан манфаатдор эмасди. Ваҳоланки, халқнинг озодлик курашлари тарихимизнинг устунларидан биридир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбек миллати, аввалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, уз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт

бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир»[2]. Ҳақиқатан ҳам истиқлол учун курашларнинг тарихий илдизлари узоқ даврларга бориб тақалади. Милоддан аввалги VI-V асрларда Аҳмонийлар, IV асрда юнонистонлик Александр (Искандар Зулқарнайн) босқинларига, милодий VII-IX асрларда Араб халифалигига, XIII асрда мўғуллар тажовузига қарши олиб борилган озодлик курашлари халқнинг ўзлигини, эркини сақлаб қолиш ва тиклаш йўлидаги фидойилигининг намунаси эди. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошида озодлик учун курашлар Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши қаратилди. Озодлик учун олиб борилган бу курашларда ҳам ўн минглаб кишилар қурбон бўлди, кўпдан-кўп шаҳар ва қишлоқлар харобага айланди.

Айниқса, 1916 йилдаги халқ курашлари алангаси бутун ўлкадаги шаҳар ва қишлоқларни чулғаб олди ва миллий озодлик кураши тарихида чуқур из қолдирди. 1892 йилдаги Тошкент ва 1898 йилдаги Андижон қўзғолонларидан фарқли ўлароқ, бу қўзғолон биринчидан, Туркистон ўлкасидаги барча шаҳар ва қишлоқларни қамраб олган, иккинчидан, унда ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик ва қорақалпоқлардан иборат маҳаллий аҳоли ҳамда турли табақа вакиллари иштирок этган. Шу билан бирга, бу қўзғолонларда эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Учинчидан эса, бу қўзғолон чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қаттиқ зарба берди.

1916 йилдаги қўзғолон Фарғона водийсида кенг қамровли ва шиддатли бўлган. Айнан шу даврда водий ўлкада сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан алоҳида мавқега эга бўлган. Мустамлакачилик зулмига қарши кўтарилган қўзғолонларнинг бешдан уч қисми айнан ана шу водийда кўтарилган. Кейинчалик ҳам совет даврида Фарғона водийси мустақиллик учун кураш марказига айланган. Совет ҳукуматининг талончилик ва зўравонлик сиёсатига қарши курашлар айнан шу ерда бошланди ва давом этди. Бу курашларнинг илдизи 1916 йил қўзғолонига бориб тақалади. Буларнинг барчаси Фарғона водийсидаги 1916 йилги миллий озодлик курашининг долзарблигидан далолат беради ва уни махсус, атрофлича, тўла ўрганишни тақозо этади.

Мустамлака давридаги миллий озодлик курашлари тарихининг аҳамияти эса шу билан белгиланадики, ўша жараёнда олға сурилган ғоялар бугунги кунда миллий мафкуранинг тарихий илдизлари

ҳамда миллий ғоянинг моҳияти ва йўналишларини чуқурроқ ўрганиш имкониятини берди.

Совет даври тарихий адабиётида кўрилаётган мавзунинг кўп жиҳатлари ўзининг холис баҳосини топмаганлиги Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари тарихини янгича асосда ҳар томонлама тадқиқ этишни тақозо этувчи яна бир омил ҳисобланади. Зеро, ўша кезлари 1916 йил воқеалари умуммиллий кураш сифатида эмас, балки синфий қарама-қаршиликнинг намоён бўлиши тарзида талқин этилган эди. То шу пайтгача ўрганилмай келинган ушбу муаммонинг бутун жиҳатларини тадқиқ этиш 1916 йил қўзғолон тарихининг яхлит манзарасини тиклаш имконини бериш билан бир қаторда пировардида ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб борган курашларидаги қаҳрамонлик анъаналарига оид илмий қарашларнинг чуқурлашиб боргани сари жамият маънавий-маърифий ҳаётини янада такомиллаштириш ва миллий тикланишни таъминлаш вазифаларига ҳам хизмат қилади.

Ушбу муаммога доир дастлабки маълумотлар илмий истеъмолга XX асрнинг 20-йиллари бошидан киритилган. Бироқ 20-йиллардаги нашрлар бундай масалага нисбатан холисона ёндашув билан эътиборни тортади. 1916 йил қўзғолони тарихига биринчи бўлиб Т.Рисқулов ўзининг «Шарқ озодлиги учун кураш тарихидан» номли мақоласида мурожаат этган. Г.И.Сафаров ва Т.Рисқулов Туркистон ўлкасининг Еттисув вилоятидаги қўзғолонлар гувоҳи ва иштирокчиси эди. У ўз мақоласида қўзғолоннинг сабаб ва йўналишларини изоҳлаб, уни чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатининг маҳсули сифатида ифодалайди. Унинг фикрича, қўзғолонда фақатгина маҳаллий аҳоли иштирок этган, масалан, темир йўл ишчилари ҳам мустамлакачилик руҳи билан тарбияланган бўлиб, халққа эмас, ҳукуматга ёрдам берган, ҳатто қўзғолонни бостиришда қатнашган[3].

Муаллиф мустабид ҳукуматнинг ўлкадаги мустамлакачилик фаолияти, иқтисодий зулми, «кўчириш сиёсати» маҳаллий аҳолининг ерсизланиши, қашшоқланишига олиб келгани ва қаттиқ норозилигини уйғотганлигини алоҳида таъкидлайди.

Т.Рисқулов ўз мақоласида ва кейинчалик чоп этилган рисоласида қўзғолон моҳиятини тўғри баҳолай олди. Масалага оид архив ҳужжатларини илк бор илмий таҳлил қилишга уринди. Унинг фикр-мулоҳазалари асосли бўлса-да, етарли далиллар билан атрофлича асосланмади. Шунга қарамай, унинг ишлари 1916 йилги қўзғолон тарихини ўрганишда илк муваффақиятли уриниш бўлиб, масаланинг моҳиятини тўғри ёритиб бераолган.

20-йиллар ўрталарида қўзғолоннинг 10 йиллигига бағишланган қатор мақолалар чоп этилиши муносабати билан 1916 йил қўзғолонининг моҳиятига бағишланган баҳслар қизиб кетди.

1926 – 1927 йилларда Т.Рисқулов, А.Шестаков, П.Галузо, П.Федоров, И.Меницкий ва Н.Кузьминларнинг қатнашувида "Коммунистическая мысль" журналининг саҳифаларида олиб борилган мунозарада муаллифлар қўзғолонни прогрессив кураш бўлганлигини тан олсалар-да, унинг асл моҳиятини баҳолашда узоқ тортишдилар. Айникса, И.Меницкий, Н.Кузьмин томонидан қўзғо-лоннинг мустақиллик ва озодликни тиклашга қаратилганлигини инкор этилиши бошқа муаллифларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Улар 1916 йил қўзғолонини синфий кураш сифатида кўрсатишга уриндилар. Т.Рисқуловнинг ҳақли эътирозлари туфайли уларнинг қарашлари тан олинмади[4].

1936 йилга келиб қўзғолоннинг 20 йиллиги муносабати билан ушбу муаммо тарихига доир яна қатор нашрлар эълон қилинди. Ўша даврда республика раҳбари бўлган Файзулла Хўжаев қўзғолон ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этиб, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ахолининг сиёсий ҳуқуқсизлиги ва қашшоқланишига олиб келганлигини таъкидлайди, қўзғолонни юзага келтирган омилларни кўрсатиб ўтади. Қўзғолонларнинг сабабларини тўғри шарҳлаган Файзулла Хўжаев уларнинг мақсад ва йўналишларини очиб беришга журъат этолмаган. Ўша вақтдаги ҳукмрон мафкура тазъйиқи бунга йўл бермади. Муаллиф қўзғолонни чор ҳукуматига қарши қаратилганлигини таъкидласада, унинг мақсади мустақиллик учун кураш эканлигини кўрсата олмаган[5].

Шу даврда чоп этилган бошқа мақолалар, хусусан, Т.Рисқулов асарларида ҳам худди шундай ёндашув ҳукмрон бўлиб, бу ҳол ўша даврдаги сиёсий-мафкуравий муҳит таъсирининг инъикоси эди. XX асрнинг 50 – 60-йилларида 1916 йил қўзғолонининг тарихини ўрганиш бўйича ишлар жонланиб кетди. 1951-55 йилларда Тошкент, Фрунзе, Ашхобод ва Олмаотада ушбу масалага оид илмий конференциялар ўтказилди. Бу конференцияларнинг фаолияти тегишли адабиётларда батафсил ёритилганлиги туфайли унинг баъзилари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Чунончи, 1954 йилда КПСС МК ва СССР Фанлар академиясининг ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий конференция тарих фанини сиёсатлаштиришда катта роль ўйнади. Туркистонни Россияга «қўшиб олиш» ҳақидаги асоссиз

даъволарни қарор топтириш, Октябрь воқеалари ва совет тузумининг афзаллигини тарғиб этиш конференциянинг бош мақсади бўлди. Конференция кун тартибига «Урта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил қўзғолонининг моҳияти» деган мавзу ҳам киритилди[6]. Ҳ.Турсунов бош маърузачи, Т.Е.Елеуов /Қозоғистон, А.Г.Зима /Қирғизистон/, О.К.Кулиев /Туркманистон/ ва П.А.Ковалевлар /Ўзбекистон/ республикалар бўйича маърузачи сифатида сўзга чиқдилар. Бош маърузада Қозоғистондаги Кенесари Қосимов, Фарғона водийсида кўтарилган Етимхон ва 1898 йилдаги Андижон қўзғолонлари қораланиб, «реакцион ҳаракат» деб эълон қилинди. Ҳ.Турсунов 1916 йил қўзғолонини баҳолашда унинг қатнашчиларини табақага ажратиш ва масалани шу асосда ҳал этиш лозимлигини уқтириб ўтди. Унинг таъкидлашича, қаерда қўзғолонлар маҳаллий юқори табақа вакиллари бошчилигида шиддатли ўтиб, русларга, яъни ҳукуматга катта талафотлар келтирган бўлса, ўша қўзғолонларни «реакцион ҳаракатларнинг ўчоғи» деб таърифлаш керак эди. У Жиззах ва Еттисув вилоятидаги воқеаларни ана шундай «реакцион ҳаракат» сифатида баҳолади.

Маърузада 1916 йил қўзғолони вақтида, мустақилликни тиклашга интилган илғор фикрли кишилар пантуркчи, панисломчи, буржуа-миллатчи унсурлар деб қораланди. Улар хонлар, беклар ҳокимиятини тиклаш, чет эл агентурасининг ёрдамида Урта Осиё ва Қозоғистонни Россиядан ажратиб олишга интилишда айбландилар.

Аммо, архив ҳужжатларида 1916 йил қўзғолони ва унда қатнашган юқори табақа вакилларини хорижий мамлакатларга алоқадорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамон топилганича йўқ. Бундай даъволар аслида нотўғрилиги ўз даврида Россия Давлат Думасида ҳам қайд қилинган эди[7].

Бош маърузачининг бу мулоҳазалари Т.Е.Елеуов, А.Г.Зима, О.К.Кулиев, П.А.Ковалевларнинг чиқишларида ҳам маъқулланди. Конференция сунгида қабул қилинган қарорда ҳам шу фикрлар ўз аксини топди.

Бундай қарашлар XX асрнинг 60-70-йилларда чоп этилган барча нашрларда ҳам сақланнб қолди[8]. Москва ва Урта Осиё республикаларининт қатнашувида тайёрланиб, 1960 йилда чоп этилган «Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане» номли архив ҳужжатлари тўпламида ҳам шу қарашлар ҳукмрон эди. Тўпламда янги ҳужжатлар эълон қилинган бўлса-да, қўзғолоннинг

мустабид ҳукуматга қарши йўналишини кўрсатиб беришда улардан фойдаланилмади.

1962 йилда Ҳ.Турсуновни "Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил қўзғолони"га бағишланган йирик тадқиқоти чоп этилди[9]. 1916 йил қўзғолони тарихини минтақа бўйича яхлит ёритилиши тадқиқотнинг катта ютуғи бўлса-да, муаммонинг ниҳоятда кенг қамровли бўлганлиги туфайли айрим вилоятлардаги қўзғолонлар юзаки ва умумий тарзда кўрсатилди, кўп жойлардаги қўзғолонларни ёритиш муаллиф эътиборидан четда қолди. Хусусан, Фарғона водийсидаги қўзғолонлар ҳам ушбу асарда батафсил ва тўла акс эттирилмади. Шунингдек, асарда қўзғолон қатнашчиларини тергов ва суд қилиниши, уларни мардикорликка олиниши ва турмуш тарзи ҳам ўзининг тўлиқ аксини топмади.

Ушбу тадқиқотда яна бир қатор жиддий хатолар мавжуд эди. Чунончи, унда 1916 йил қўзғолони «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг объектив ва прогрессив оқибатларининг намунаси» деб таърифланади. Қўзғолон «рус ишчилар синфининг таъсирида кўтарилганлиги, Россиядаги инқилобий ҳаракатнинг таркибий қисми бўлганлиги» таъкидланади. Ваҳоланки, Т.Рискуловнинг 20-йилларда ёқ берган маълумотига кўра, Туркистон темир йўлларида ишлаган рус пролетариати қўзғолонларни бостиришда фаол қатнашган эди. Россиядан ажралишга қаратилган қўзғолонни «Россияга Ўрта Осиёни қўшиб олинишининг прогрессив оқибати»[10] сифатида баҳолаш эса мантиққа мутлақо зид эди.

Муаллифнинг бундай хулосалари тарихий далилларга эмас, балки партиянинг сиёсати ва расмий қарашларига асосланган эди. Бу ўша йилларда тарих фанини сиёсатлаштиришнинг маҳсули эди.

Ҳ.Турсунов асарининг Фарғона вилоятидаги қўзғолонлар тарихига бағишланган қисмида 5 та уезд бўйича бор-йўғи бир неча йирик ғалаёнларгина қайд этилади, холос. Ушбу муаллифнинг Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолонига бағишланган китобида ҳам юқорида баён этилган камчиликлар учрайди[11].

1916 йил қўзғолонини Қирғизистон Республикаси доирасида ёритган К.Усенбоевнинг асарида ҳам Фарғона водийсидаги қўзғолонга қисман тўхталиб ўтилган[12]. Унда қўзғолоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблари чуқур ва атрофлича ёритилди, тегишли архив манбалари чуқур таҳлил қилинди. Қўзғолон воқеалари Фарғона вилоятидаги қирғизлар яшайдиган манзиллар мисолида ёритилди. Х.Усенбоев ҳам ўша даврдаги ҳукмрон расмий қарашлардан четга чиқа олмади ва қўзғолонни чор ҳукуматининг

мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган озодлик кураши сифатида таърифласа-да, Россиядан ажралиш мақсадини кўзламаганлигини таъкидлайди.

Асарда Фарғона водийсида ўзбеклар ва қирғизлар биргаликда чор ҳукуматига қарши курашганликлари уқтириб ўтилган.

А.П.Ковалев 1916 йилда мардикорликка сафарбар қилинганларнинг фаолиятига бағишланган китобида муаммога доир қизиқарли маълумотларни келтирган бўлса-да, аммо мардикорликка доир масалалар бутун ўлка бўйича таърифланади. Фарғона водийси воқеалари умумий тарзда шарҳланади. Муаллиф гўё мардикорлар Россиядан революционлашиб келганлиги ва ватанига қайтгач, большевиклар тарафида туриб иш юритганликларини қайд этади[13].

1916 йил қўзғолонига олиб келган шарт-шароитлар З.Д.Кастельскаянинг асарида махсус ўрганилган бўлиб, унда ҳам Фарғона вилоятидаги қўзғолонлар деярли ёритилмаган[14].

Н.А.Абдураҳимова, А.С.Содиқов, Ш.Б.Шамамбетовларнинг Туркистонда мустамлака давридаги сиёсий жазоларга бағишланган асари бу ўринда алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, унда чор ҳукуматининг бу борадаги сиёсатининг ваҳшийлиги кўрсатилади[15].

Хуллас, совет даврида 1916 йил қўзғолони тарихи бўйича яратилган тадқиқотларда жиддий илмий-назарий хатоликларга йўл қўйилган бўлиб, бу, энг аввало, ўша даврда фанда синфий курашлар, марксчаленинча услубий ёндашувлар ҳукмрон бўлгани билан изоҳланади. Тарих фанининг сиёсатлаштирилиши ва ҳукмрон мафкурага бўйсундирилиши ўтмишга, жумладан, 1916 йил қўзғолонига ҳам холисона баҳо беришга йўл қўймаган. Аммо уларда илк бор архив ҳужжатларининг умумлаштирилиши қўзғолон тарихини ўрганишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлди. Бироқ мазкур нашрларга албатта танқидий кўз билан ёндашиш лозим бўлади ва улар бугунги кун талабларига – тарихни ҳаққоний ва холисона акс эттириш талабига жавоб бера олмайди. Агарда қўзғолонлар умумий тарзда баён этилгани ва натижада вилоятлар, хусусан, Фарғона водийсидаги қўзғолонлар тарихи жуда юзаки урганилгани эътиборга олинса, бу масалаларни махсус, чуқур, атрофлича ёритиш зарурияти янада аниқлашади.

Туркистонда 1916 йил қўзғолони тарихи хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилган. 1954 йилдаёқ АҚШда Э.Соколнинг 1916 йил қўзғолони тарихига оид асари чоп этилган бўлиб, унда қўзғолон Россиянинг мустамлакачилик тартибларига қарши қаратилганлиги алоҳида таъкидланади[16].

Мазкур воқеаларга Туркистон тарихига оид инглиз, немис, турк тилларида чоп этилган адабиётларда ҳам қисқача таъриф берилган бўлиб, қўзғолоннинг Туркистон халқларининг озодлиги учун кўтарилган миллий ҳаракати, кураши бўлганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади. Айниқса, туркистонлик муҳожирларнинг турк ва немис тилларидаги асарлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, воқеалар гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланганлиги билан қимматлидир. Боймирза Ҳайит, Аҳмад Закий Валидий, Абдулла Ражаб Бойсун, Чигатой, Меҳмет Сарай кабилар талқинида бу воқеа озодлик кураши сифатида таъкидланади[17].

Хорижий тарихшуносликка эътибор кучайган бугунги кунда улардан фойдаланиш имкони туғилиши билан кўп масалалар, хусусан, жадидларнинг қўзғолонга муносабати, қўзғолон иштирокчиларининг тақдири, қўзғолоннинг уюштирилиши каби масалалар ҳақида муҳим маълумотлар аниқланмоқда. Бу борада тарихчилар олдида ҳали кўп изланишлар турибди.

Совет тузуми ва коммунистик мафкура ҳукмронлигига барҳам берилиши, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритилиши билан тарих фанида ва унинг тадқиқотчилари онгида катта ўзгаришлар содир бўлди. Тарихий ҳақиқат тиклана бориб, фанда янгича услубий ёндашувлар қарор топа бошлади. Барча тарихий муаммолар қаторида 1916 йил қўзғолони ва, умуман, Ўзбекистоннинг мустамлакачилик давридаги тарихини ҳам миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ва янгича ёндашув асосида ёритишга қўл урилди. Мазкур йўналишда яратилган тадқиқотлар орасида Г.Рустамова ва М.Абдураҳимованинг XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг биринчи чорагида чор ҳукуматининг Туркистондаги сиёсий-маъмурий тизимини ўрганишга бағишланган тадқиқоти катта аҳамият касб этади[18]. Унда чор ҳукуматининг сиёсий бошқарувининг мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик хусусиятлари, унинг халқ ҳаётига етказган азиятлари атрофлича, илмий асосда ёритилган бўлиб, бу масаланинг чуқур таҳлили 1916 йил қўзғолонининг сабабларини англаб етишда муҳим роль ўйнайди.

Ф.Исҳоқовнинг тадқиқотида эса мустамлака даврида чор ҳукумати эришган улуғмиллатчилик сиёсати ва унинг оқибатлари чуқур таҳлил этилади[19].

Ҳ.Содиқовнинг XX аср бошларида чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий озодлик ҳаракати тарихига бағишланган докторлик диссертациясида ҳам миллий озодлик ҳаракатларига умумий тарзда таъриф берилган[20].

К.Ахмаджоновнинг тадқиқоти эса Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига бағишланган тарихшунослиқдаги илк холисона тадқиқотдир[21]. З.Чориевнинг докторлик диссертациясида XX аср бошларидаги мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари ва халқнинг оғир ҳаёти кўрсатилиб, чор ҳукуматининг 1916 йилда Туркистон аҳолисини мардикорликка сафарбар этиш жараёнига тегишли масалалар атрофлича ўз ифодасини топган. Бироқ унда қўйилган масалалар умумминтақа доирасида кўрилиб, Фарғона водийсига оид масалалар батафсил ёритилмаган[22].

О.Суюнованинг Туркистондаги 1916 йил қўзғолонига бағишланган тадқиқотида эса воқеалар фақатгина Сирдарё вилояти доирасида бой архив маълумотлари асосида ёритилган[23].

Д.Зиёева томонидан мустабид тузумга қарши 1916 йил қўзғолони ва халқ курашлари тарихшунослигини чуқур ва атрофлича таҳлил этилиши, истиқлол учун курашлар тарихини тўғри ва ҳаққоний ёритилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди[24].

1916 йил қўзғолонини ёритган К.Усенбоев (Қирғизистон Республикаси доирасида) ва Г.Ҳайдаров (Тожикистон Республикаси доирасида)лар ўша даврдаги ҳукмрон расмий қарашлардан четга чиқа олмадилар[25].

Мазкур тадқиқот манбалар ва архив маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, уларни тарихийлик нуқтаи назаридан баҳолаш асосида яратилди. Тарихни миллий истиқлол ғоялари нуқтаи назаридан ўрганиш талабларидан келиб чиқиб миллий озодлик ҳаракатининг ғоявий асослари, йўналишини аниқлашга алоҳида урғу берилди. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг ўтмишни ўрганиш ва тарихий хотирани тиклаш ҳақидаги фикрлари, тарих фанини ривожлантириш ва оммалаштириш ҳақидаги кўрсатмаларига алоҳида эътибор қаратилди, жамият сиёсий онгини ўстириш, унда Ватанга содиқлик ҳиссини тарбиялашда миллий озодлик ҳаракатини олиб борган аждодлар номини тиклаш тўғрисидаги тавсияларига асосланилди.

Шунингдек, архив ҳужжатлари ва бошқа турдаги маълумотлар асосида 1916 йилда Фарғона водийсида истиқлол учун курашнинг сабаблари, унинг бошланиши ва ривожланиши, мағлубиятга учраши ва тарихий аҳамияти, мардикорликка сафарбарлик ва мардикорларнинг Россиядаги турмуш шароити масалаларини изчил ёритиш, қўзғолон моҳиятини очиб бериш бош мақсад қилиб қўйилди.

I БОБ

1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛОНИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САБАБЛАРИ

1.1. ХАЛҚ НОРОЗИЛИГИНИНГ СИЁСИЙ САБАБЛАРИ

XIX асрнинг 50 – 70-йилларида чор Россияси Қўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлигига қарши босқинчилик юришларини олиб борди. Кескин ҳарбий муҳорабалардан сўнг Қўқон хонлиги забт этилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги эса мустақилликдан маҳрум этилиб, Россия империясининг вассалига айлантирилди. Ўлканинг энг обод ва унумли ҳудуди, хусусан, Қўқон хонлиги ерлари, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг маълум қисми Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Бу ерда миллий давлатчилик барҳам топиб, унинг ўрнида мустамлакачиликка асосланган Россия ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими жорий этилди. Шундай қилиб, ўзбек ва бошқа туб аҳоли асрлар оша давом этиб келаётган ўзига хос миллий бошқарув тизимидан зўравонлик билан маҳрум этилди.

1876 йилда чор ҳукумати томонидан Қўқон хонлиги тугатилгандан кейин Фарғона вилояти тузилди. Унинг таркиби Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон ва Ўш уездларидан иборат эди. Ўша йили Марғилон шаҳрининг ёнида Янги Марғилон номида рус шаҳарчаси ташкил топди (1908 йилдан эса у Скобелев номи билан аталади). Бу шаҳар асосан вилоятнинг маъмурий маркази ҳисобланиб, ҳарбий губернаторнинг идораси жойлашди. Унинг аҳолиси рус ва бошқа европаликлардан ташкил топди. Туркистон ўлкасининг энг обод ҳудудларидан бўлган Фарғона вилояти турли-туман бойликлари билан

шуҳрат қозонганди. XX аср бошларида Фарғона вилоят аҳолисининг сони 2 миллиондан ортиқ бўлиб, ўлкада биринчи ўринда турган. Қўқон шаҳрида – 120167, Андижонда – 86741, Наманганда – 81163, Марғилонда – 48148, Ушда – 44202, Скобелев (Фарғона)да – 12746 киши яшаган. Қўқон шаҳри аҳолисининг сони бўйича Тошкентдан кейин (271.023) иккинчи ўринда турган. Аҳолининг 80 фоиздан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилган[1].

Вилоятда ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо, деҳқончилик ва чорвачилик кенг ривожланган. Ўлкада стиштирилган пахтанинг 60-70 фоизи ва ипакнинг ўрта ҳисобда 90 фоизи Фарғона вилоятида стиштирилган. Бу вилоят саноат соҳасида салмоқли ўринни эгаллаган. У ерда 1914 йилда заводларнинг сони 309 та, Сирдарё вилоятида 183 та ва Самарқанд вилоятида 93 та бўлган[2].

Демак, Фарғона вилояти Туркистон ўлкасининг саноат маркази, пахта ва ипак макони ҳисобланиб, минтақада мавқеи баланд бўлган. Маълумки, 1867 йил 11 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Бу лавозимга генерал К.П.Кауфман тайинланган эди. У 1867 йил 7 ноябрда Тошкентга келиб ишни бошлаб юборди. Унга ҳукумат томонидан катта ваколат берилиб, халқ орасида уни "ярим подшо" деб юритиш одат тусига айланди. К.П.Кауфман ўлканинг ягона бошлиғи сифатида ҳарбий маъмурият, суд, молия, маориф ва бошқа ташкилотларни бошқарди.

К.П.Кауфман ва ундан кейинги генерал-губернаторлар[3] бевосита ҳарбий вазирликка бўйсуниб, унинг кўрсатмалари асосида иш юритганлар. Улар сиёсий жиҳатдан хавфли шахсларни Сибирь ва бошқа жойларга сургун қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Генерал-губернаторлар ўлка ҳаётининг барча соҳалари бўйича бошқариб, "ўзига хон, ўзига бек" қабилида иш тутишган.

Генерал-губернатор идорасининг қошида махсус кенгаш тузилган бўлиб, унинг таркибига генерал-губернатор ёрдамчиси, ҳарбий ва молиявий вазирликларнинг ҳар биридан биттадан вакил, Тошкент суд палатасининг прокурори, маҳаллий деҳқончилик бошқармасининг раҳбари ва генерал-губернатор идорасининг иш бошқарувчиси киритилган.

Кенгашда ер, солиқ, маориф ва молияга тегишли масалалар бўйича қарорлар чиқарилган. Генерал-губернатор у ёки бу қарорни тасдиқлаш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги идора (канцелярия) ижро органи ҳисобланиб, уч бўлимни ўз ичига олган. Биринчи бўлимда раҳбарлик масалалари ўлка маъмуриятининг шахсий таркиби билан шуғулланган. Иккинчисида ер-сув, қурилиш, алоқа, мактаб ва санитария масалалари бўйича иш юритилган. Учинчисида молия ва ер солиғига тегишли масалалар кўрилган.

XIX асрнинг охирлари – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлигига Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятлари кирган. Уларни харбий губернаторлар ва уезд бошлиқлари бошқарган (1-жадвал).


Жадвалдан шу нарса кўринадики, генерал-губернаторнинг идораси ва кенгаши вилоятлар учун олий раҳбар органи ҳисобланган. Улардан кейин бошқарув тизими вилоят ҳарбий губернаторлигига ва булар ўз навбатида уезд, волость бошқармаларига уланиб кетган. Офицерлардан тайинланган уезд бошлиқлари зиммасига қўшинга бошчилик қилишдан ташқари тинчлик, тартиб ва хавфсизликни таъминлаш, маҳаллий маъмурият ва судни назорат қилиш, солиқларни тўплаш, савдо ва саноатни ривожлантириш юклатилган[4].

Вилоят ва унга буйсундирилган уезд бошқармасида ишловчиларнинг орасида маҳаллий миллат вакилларидан бирор киши бўлмаган. Масалан, Фаргона вилоят губернатори ва унинг ёрдамчилари, маслаҳатчилари, иш юритувчи ходимлари, бухгалтерлари, қуриниш буйича мутахассислари, сунъий суғориш ва божхона назоратчилари, солиқларни аниқлаш ва алоқа булимининг хизматчилари, маорифчилар, ер ўлчовчилар ва полициянинг барчаси европаликлардан иборат бўлган. Банк ва фирмаларда ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин эди.

Бир нечта қишлоқ ва яйловлардан ташкил топган волостларга маҳаллий миллат вакиллари бошчилик қилганлар. Волость бошлиғининг қўл остида хизмат қилган оқсоқоллар ва элликбошилар солиқларни ўз вақтида тўплаш, мажбуриятларни амалга ошириш ва тартибсизликларга йўл қўймаслик билан шуғулланганлар. Волость бошлиқлари тартиб буйича сайлов воситасида сайланган. Номзодликка вилоят ҳарбий губернатори ва уезд бошлиғи томонидан чор ҳукуматига ва унинг юргизаётган сиёсатига содиқ кишилар танланган.

К.К.Пален томонидан ўтказилган ревизия маълумотларига[5] қараганда волость бошлиғи лавозимига даъвогар кимсалар халқ хизматини эмас, балки шахсий манфаати ва имтиёзларга эга бўлишликни ўйлаганлар[6]. "Волость бошлиғи амалда аҳолининг манфаати учун хизмат қилишни ўйламайди, – деб ёзган эди К.К.Пален. – Мансабни катта харажатлар билан эгаллаб, ўзини рус ҳукуматининг беки, деб ҳисоблайди. Ҳамда ўзини ғайриқонуний йўллар билан бойлик орттиришга ҳақлиман, деб билади"[7].

Волость бошлиқлигига номзодлар ҳар эллик хонадон номидан биттадан волость йиғилишларида сайланарди. Бойлар ва умуман маҳаллий юқори табақа вакиллари орасидан икки-уч номзод


Генерал-губернатор
Кенгаш
Идора
Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори
Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори
Фаргона вилояти ҳарбий губернатори
Еттисув вилояти ҳарбий губернатори
Каспийбуйи вилояти ҳарбий губернатори
Уезд бошлиқлари
Уезд бошлиқлари
Уезд бошлиқлари
Уезд бошлиқлари
Уезд бошлиқлари
Волость бошқармаси
Волость бошқармаси
Волость бошқармаси
Волость бошқармаси
Волость бошқармаси
Қишлоқ маҳкамаси
Қишлоқ маҳкамаси
Қишлоқ маҳкамаси
Қишлоқ маҳкамаси
Қишлоқ маҳкамаси

кўрсатилган ва улар орасида қаттиқ кураш борган. Номзодлар сайловчиларни меҳмон қилиш, томошалар уюштириш ва овозларни сотиб олишга кўп маблағ сарфлаганлар. Сайлов вақтида у ёки бу номзоднинг тарафида турувчи гуруҳлар кўпроқ овозни қўлга киритиш учун ҳеч нарсадан той-маганликларини граф Пален келтирган қуйидаги маълумотлар тасдиқлайди: "Бу гуруҳларнинг бошлиқлари сайлов ташвиқоти ва овозни сотиб олиш учун жуда катта маблағ ишлатадилар. Айрим вакилларда бундай харажатлар 40-50 минг сўмни ташкил этади. Бу катта ҳажмдаги пул салмоқли фоиз билан қайтариш шарти билан судхўрдан олинади. Шу тариқа катта маблағ муттаҳам кишиларнинг қўлига ўтиб, волость ҳаётининг ёмонлашишига олиб келади. Сайлов жараёнидаги олди-сотдилар, туҳмат ва қоралашлар, тус-туполонлар аҳоли ўртасида қаттиқ низо ва келишмовчиликларни туғдиради.

...Волостнинг ҳаёти фақат сайлов вақтида издан чиқибгина қолмасдан, ўзаро ҳисоб-китоб ва даъволар ойлаб, ҳатто йиллаб давом этади. Уезд бошлиғига кўплаб шикоятлар ёғилади. Волость бошлиғи лавозимига ўта олғир, эпчил ва муғамбир соҳиблар сайланади"[8].

К.К.Пален ҳақиқий аҳволни холисона ёзган бўлса-да, лекин сайлов муносабати билан юзага келган тўс-тўполонлар, келишмовчилик ва порахўрликни бартараф этишга чор маъмурияти томонидан кўрилган чораларнинг фойдаси бўлмади, деган сўзларига қўшилиб бўлмайди. Аслида, у жамоа аҳлининг ўзаро келишмовчилиги ва норозилигидан манфаатдор бўлган. Халқ орасида бирдамлик ва аҳилликнинг ҳукм суриши босқинчилар учун хатарли эди. Бундан ташқари, чор маъмурияти у ёки бу номзод учун сарфла-наётган маблағдан ўз улушини олиб турган.

Волость бошлиғи сайлангач, уезд ва вилоят бошлиғининг тасдиғидан ўтгандан кейингина лавозимни эгаллаш ҳуқуқини олган. Бунга пора бериш йўли билан эришилган.

Волость бошлиғи оқсоқоллар ва элликбошилар билан мансабини суиистеъмол қилиб, солиқ ва бошқа тўловларни ортиғи билан олган. Ҳатто ғайриқонуний равишда пул ва бошқа нарсаларни ундиришга ҳаракат қилганлар. Ёқтирмаган одамларини турли йўллар билан жазолаганлар[9] .

Улкада рус суди ва қозилик (халқ) суди иш юритган. Қозилик судига сайловлар ҳам порахўрлик ва тўполонлар билан ўтказилган. Унинг фаолияти чор ҳукумати томонидан чегараланган. У шариат асосида оилавий ва маиший масалаларни, ўзаро уришган ва келишолмаган кишиларнинг айбини кўриши мумкин эди. Қозилик судлари вилоят суди ва прокурори назоратида турган. Йирик

жиноий ишлар, сиёсий жиноятлар, солиқлар, мол-мулк ва даромадлар бўйича чиқарилган қарорларга қарши қилинган ҳаракатлар рус судларида кўрилган. Истиқлол учун курашганлар ҳам рус судларига берилган. Судьялар маҳаллий тилни билмаганликлари учун таржимонлар хизматидан фойдаланганлар.

Хонлар даврида қозилик лавозимига номзодлар ҳар жиҳатдан қаттиқ текшириш ва синовдан ўтказилиб, муносиб кишиларгина тайинланган. Аммо чор маъмурияти масаланинг бу томонига унчалик аҳамият бермай, асосан, у ёки бу номзоднинг ҳукуматга содиқлиги ва итоаткорлигини ҳисобга олган. Натижада кўп ҳолларда қозилик лавозимига чаласавод ва нодон кишилар тайинланган.

Шундай қилиб, мустабид ҳукуматнинг бошқарув тизимида тамомила европаликлар ишлар эди, у улуғмиллатчилик руҳи билан суғорилган бўлиб, туб аҳолини миллий-сиёсий ҳуқуқлари билан ҳисоблашмас, уларга ишчи кучи сифатида қарашга асосланган эди.

Бу 1911 йил 31 октябрда Туркистон генерал-губернатори вилоят ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқларига берган кўрсатмасида яққол ўз аксини топган эди: "Туб аҳолига нисбатан ҳамиша қаттиқ муносабатда бўлиб, ҳамма соҳаларда рус номи ва рус манфаати асосий ўринни эгаллаши лозим. Бизнинг биринчи вазифамиз рус казаклари ва крестьянларининг манфаатларини таъминлашдан иборатдир"[10].

Бундай мақсадлар мустабид ҳукумат ҳукмдорлигининг барча соҳаларида изчиллик билан амалга оширилди.

Масалан, В.П.Наливкин "туб аҳолини қаттиқ назорат ва таъқиб остида ушлаб, қилич билан ўлка бўйлаб изғиб, туб аҳолининг юрагига қўрқув ва ваҳимани солиб туришни" тавсия этган. У аҳолини қафасда ушлаш зарурлигини сурбетларча уқтириб ўтган[11].

Бундай сиёсатни амалга оширишда мустамлакачи ҳукумат маъмурияти ўлкада яшаётган русларни қуроллантиришга катта аҳамият берарди. Масалан, 1912 йилги маълумотга қараганда, Туркистон ўлкасидаги руслар қўлида 3140 милтиқ, 2.912.935 та патрон ва 6100 дона қилич[12] ҳамда шайланган 63 минг кишидан иборат қўшин бўлган. Шунингдек, минглаб полициялар шаҳар, қишлоқ ва овулларни кезиб юрган. Ўлкада "махсус муҳофаза бўлимлари" мавжуд бўлиб, улар чор маъмуриятининг "кўз-қулоғи" ҳисобланиб, вазифалари туб аҳолининг юриш-туриши ва хукуматга муносабати ҳақида маълумотларни тўплашдан иборат бўлган. Ўлка аҳолиси чор ҳукумати учун шу даражада ишончсиз эдики, империядаги барча губерниялар ички ишлар вазирлигига қарашли бўлган ҳолда, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳарбий вазирлик тарки-

бига киритилди. Ҳарбий вазирлик ўлкани бошқариш ва у ерда ҳукуматнинг манфаатларини таъминлаш, императорнинг мустамлакачилик сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин эгаллаган.

Ўлкада вазият кескинлашган вақтларда ҳарбий ҳолат эълон қилиб, ўлканинг олий ва ўрта маъмурий лавозимидаги кишиларга чексиз ҳуқуқлар берилиб, қатағонлар авжига минган. Ҳарбийлар мутахассис бўлмасалар-да, ҳаётнинг барча соҳаларига аралашиб, саводсизларча раҳбарлик қилганлар. Ўлкани текширган К.К.Паленнинг берган маълумотига кўра, "Туркистонда кўпгина ҳукумат муассасалари йўқлигидан вилоят губернаторлари ҳамма маъму-рий ишларни, шунингдек, хўжалик, техника ва иқтисодий ишларни олиб борганлар".

Ҳатто улар пахтачиликка ва сунъий суғоришга, қурилиш ва ободончилик, маориф ишларига аралашганлар.

Вилоят ва уездларга ҳарбий кишиларнинг бошчилик қилиши иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожланишига катта тўсқинлик қилди. Бу ҳолатнинг сурункасига давом этиши орқасида туб аҳолининг қашшоқланиши тобора кучайиб борди. Шунга қарамай, чор маъмурияти ўзининг адолатсизлик ва зўравонликка асосланган сиёсатини давом эттириб, халқнинг нафрати ва газабига учради.

Натижада маъмурият билан халқ ўртасидаги муносабат кескинлашиб, низолар чиқиб, қамалган ва судланган кишиларнинг сони ошиб борди. Масалан, суд 1905 йилда — 3447, 1906 йилда — 2667, 1907 йилда — 4837, 1908 йилда — 4897, 1909 йилда — 5341, 1910 йилда — 6315 кишилар устидан ҳукм чиқарган[13]. Бу рақамлар ўз даври учун салмоқли бўлиб, мустамлакачилик сиёсатининг маҳсули сифатида намоён бўлган.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида ҳукм сурган сиёсий, маъмурий тизим мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик руҳи билан суғорилган. Бундай сиёсат Туркистон генерал-губернатори ва ўлканинг урушиб олинишида бевосита қатнашган А.Н.Куропаткиннинг 1916 йилда туб ва рус аҳолисининг вакиллари ҳузурида сўзлаган нутқида ҳам ўзининг тўла ифодасини топди[14].

Улуғмиллатчилик сиёсати ўлканинг барча соҳаларида изчиллик билан амалга оширилиб борилди. У айниқса, Россиядан ўлкага минглаб кишилар кўчириб келтирилишида ҳам яққол намоён бўлди. Бу сиёсат ўлкани руслаштиришга қаратилган эди. Ҳатто алоҳида "кўчириб келтириш бошқармаси" ҳам тузилиб, у ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланди. Ўлкада ўрнашадиган кишиларга имтиёзлар берилган. 1916 йилда ўлкага кўчириб келтирилган руслар

унумдор ерларга жойлаштирилди, бу ҳол туб аҳолининг талай қисмини ер ва сувдан маҳрум этилишига олиб келди. Бу борада, айниқса, қозоқ ва қирғизлар катта талафот кўрдилар.

1906 йилда Марғилон уездидан 159 минг десятина ерни олиниши режалаштирилди. Хусусан, Ичкилин волостидан — 65 минг, Наймандан — 23 минг, Аравондан — 40 минг ва Бостондан — 30 минг десятина ер тортиб олинди. 1913 йилда Андижон уездидан 708829 десятина ер олинди. 1915 йилда ҳам Фарғона вилоятида минглаб десятина ерларни Россиядан кўчириб келтирилувчиларнинг фойдасига мусодара қилиш режаси тузилди.

Рус посёлкаларидаги аҳоли бир хил даражада бўлмай, уларнинг орасида бойиб кетган қулоқлар ута камбағал туб аҳолини менсимай, оёқости қилиб хўрлаганлар. Бундай золимликлар ва боқиб турган ерларидан маҳрум бўлиш миллий низо ва курашларни юзага келтирди.

Юқорида келтирилган тарихий далиллар Туркистонда мустабид ҳукумат миллий зулм ва мустамлакачиликка асосланган сиёсат юритганлиги, маҳаллий халқни сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиб, миллий манфаатларини таҳқирлаганини яққол кўрсатиб беради.

Бундай муносабат, шубҳасиз, Туркистон халқларининг кескин норозилиги ва қаршилигига сабаб бўлди. Буларнинг бари мустабид ҳукуматнинг кучли таъқиби ва тазйиқи остида тутиб турилган мазлум халқнинг бош кўтаришига олиб келган сиёсий омиллар эди.

1.2. ҚЎЗҒОЛОНГА САБАБ БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАР

Мустабид ҳукумат Туркистон халқларига нисбатан нафақат сиёсий ва миллий, балки жуда оғир иқтисодий ва маънавий зулм ўтказди. Бу борадаги сиёсат, айниқса аграр соҳада кескин кечди. Улка босиб олингандан кейинги дастлабки йилларда ерга бўлган муносабатда кескин ўзгариш бўлмади. Бироқ бу узоқ давом этмади. Чунки мустабид ҳукумат ерга нисбатан ўзининг сиёсатини ишлаб чиқиб, ундан олинадиган даромадларни имкони борича тезроқ кўпайтиришни истарди. К.П.Кауфман мулк ерларини бир қисмини давлат қўлига ўтказди, амлок ерларидан бир хилда солиқ олиниши ҳақида фармон берди. Вақф ерлари қисқартирилиб, улардан ҳам солиқ олинадиган бўлди.

1886 йили "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом" қабул қилинди. К.П.Кауфманнинг таклифлари асосида ернинг амлок ва мулк хиллари йўқ қилиниб, шу жойда ишлаётган

деҳқонлар ерларини меросга қолдириш ва олди-сотти қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар[15]. Бундай тартиблар хонликлар давридан қолган катта ер эгаларига зарба бериб, чор ҳукуматининг йўлига тўсқинлик қилувчи кучлар синдирилди.

Тегишли ҳужжатга эга бўлган вақф эгаларининг манфаатлари ҳисобга олиниб, ерлар уларнинг ихтиёрида қолдирилди. Янги вақфлар берилишига эса фақат генерал-губернаторнинг рухсати бўлиши шарт қилиб қўйилди. Кўчманчиларнинг ерлари эса тамомила давлат мулкига айлантирилиб, улардан жамоат бўлиб фойдаланишга рухсат берилди.

К.К.Паленнинг фикрича, Туркистон Россия таркибига киритилгандан кейин ердан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам ўзгарди. Бу ўзгаришларга кўра бутун ўтроқ аҳолининг ердан фойдаланиши бир хил бўлди, ерни ўз қўлида фойдаланмасдан сақлаб турувчилар қолмади. Солиқ тўлашда маълум енгилликлардан фойдаланиб келган майда мулкдорларнинг ҳамма табақалари йўқ бўлди. 1886 йилги "Туркистон низоми" нинг 255-моддасига мувофиқ барча ўтроқ аҳоли меросдан қолган ва ўзи фойдаланиб келган ерга эгалик қилиш ҳуқуқини олди"[16].

Демак, чор ҳукумати ўзининг манфаатини таъминлаш мақсадида ердан фойдаланишни тартибга солди. Сиртдан қараганда ушбу тадбир ҳар жихатдан фойдали бўлиб кўринса-да, аммо унинг самарасидан туб аҳоли фойдаланмай, асосан, чор ҳукумати ва сармоядорларига катта даромад келтирди. Айниқса, бу пахтачилик соҳасида яққол кўзга ташланди.

XX асрнинг бошларига келиб чор ҳукуматининг аграр сиёсатининг мустамлакачилик хусусиятлари авжига чиқади. У XIX асрнинг 80-йилларида ўлкада тўқимачилик саноатининг талабига жавоб берадиган Америка пахтасини иқлимлаштириш тобора ривожлантириб борди. Бу эса ўз навбатида деҳқонларнинг ҳаётини янада оғирлашишига олиб келди. Айниқса, пахтанинг 60 фоизини етказиб берувчи Фарғона водийсидаги аҳолининг аҳволи ниҳоятда ёмон-лашди. Чунки водийда пахта яккаҳокимлигини жорий этиб борилиши қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини, айниқса, ғалла етиштиришни қисқаришига олиб келди. Натижада, озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашди. Тўғри, Россиядан ғалла келтирилиб турилди. Бироқ у водийга олиб келингач, юқори нархларда сотиларди. Бу эса аҳолининг иқтисодий аҳволига зарар етказди. Россия тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлаш мақсадида ўлкада, биринчи навбатда, Фарғона водийсида пахтачиликни ривожлантириш учун Америка пахта навлари иқлимлаштирилди. Бу пахта ҳосили, толасининг узунлиги ва умуман сифат

жиҳатидан маҳаллий навларга нисбатан анча яхши бўлиб чиқди. Узбек пахтакорларининг тажрибаси ва билими туфайли Америка пахтаси XIX асрнинг 80-йилларидан бутунлай иқлимлаштирилиб, XX аср бошларида пахта майдонларининг талай қисмини ташкил этди (2-жадвал)[17]. Жадвалдан маълумки пахта майдони 1908 йилда — 187.633, 1913 йилда — 270.902 ва 1915 йилда — 300.146 десятинага кўпайди.

2-жадвал

Уездлар	1908 Десятина	1909 Десятина	1910 Десятина	1911 Десятина	1912 Десятина	1913 Десятина	1914 Десятина	1915 Десятина
Андижон	53,955	58,871	70,844	80,101	77,602	79,836	94,342	101,919
Қўқон	34,98	36,907	42,800	46,208	43,773	47,594	50,757	51,166
Наманган	33,941	37,065	40,435	44,500	42,141	43,470	42,730	43,426
Скобелев	61,683	62,175	68,681	85,315	82,573	90,008	93,550	89,634
Уш	3,069	4,394	5,443	9,860	9,477	9,994	10,373	14,101
Жами	187,633	199,412	228,203	265,984	255,566	270,902	291,752	300,146

Экин майдонларининг кенгайиши билан пахтани етиштириш ҳажми ошиб борди. Агар водийда 1905 йилда 11.326.336 пуд пахта терилган бўлса, 1909 йилда у 19.288.254 пудга етди. Кейинги йилларда ҳам пахтанинг ҳажми ортиб борди. 1915 йилга келиб 177.093.500 сўмлик пахта етиштирилди[18]. Аммо бу билан пахтакорларнинг ҳаёти яхшиланмади. Аксинча, улар қашшоқлашиб борди. "Пахтачилик,— дейилади манбада, — пахта районларига жуда катта маблағларни келтирди. Бироқ улар фирмалар, судхўр ва пахтанинг олди-сотиси билан шуғулланувчи кишилар ҳамёнига тушди. Ўрта ҳол деҳқонлар пахтадан бойимадилар, майда хўжаликлар эса хонавайрон бўлдилар"[19].

Маблағ, иш ҳайвонлари ва қуроллари етишмаслиги ор-қасида пахтакорлар фирма ва судхўрлардан қарз олишга мажбур бўлганлар. Бир пуд пахтанинг қиймати 1 сўм 85 тийин турган ҳолда қарз пули 2 сўм 77 тийинга берилган. Қарзни тўлаш имкони бўлмаслиги орқасида пахтакорлар мол-мулки ва бир парча еридан айрилган. Айрим маълумотларга кўра, 1912 йилда пахтакорлар давлат ва хусусий банклардан ҳаммаси бўлиб 156.712.000 сўм қарз эдилар. Шунинг 80.979 минг сўми (51%) Фарғона вилоятига тегишли бўлган[20].

Мустабид ҳукуматнинг солиқ сиёсати ҳам халқни талон-торож қилишга асосланганди. Солиқ ва мажбуриятлар тури жуда кўп эди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, чор ҳукумати ўлкани босиб олгандан кейинги дастлабки ўн йилликда хонлар давридаги солиқ тизимини сақлади. Чунончи, хирож ва танап солиқлари йиғилди (улар ҳосилнинг 1/5 ва 1/3 қисми ҳажмидан олинган). Кўчманчиларнинг ҳар бир хонадонидан 3 сўм 50 тийин миқдорида солиқ олиб турилди. 1886 йилда "Улкани бошқариш ҳақида Низом" қабул қилингандан кейин солиқ тартибларига айрим ўзгартиришлар киритилди. Бунга кўра сувли ва баҳорикор ерларда деҳқончилик билан шуғулланувчи кимсалардан ялпи даромаднинг 10 фоизи ҳажмида давлат ер солиғи олинадиган бўлди. Кўчманчилардан эса ҳар бир ўтов, яъни хонадондан 4 сўмдан олиш жорий этилди.

Юқорида кўрсатилган солиқлар билан бир қаторда маҳаллий ўлпонлар (земский сбор) олинган. Шунингдек, давлат томонидан белгиланган турли мажбуриятларни натура ва пул билан олиш татбиқ қилинди. Савдогар ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи кишиларга ҳам солиқ солинган эди.

1911 йилга оид маълумотларга кўра жамоа ер солиғининг талай қисмини — 715.101 сўмини Андижон уезди, 611.221 сўмини Скобелев уезди қоплаган. Ҳамма уездлардан олинадиган солиқларнинг асосий қисмини жамоа ерларидан олинадиган солиқ пули (2.576.443 сўм) қоплаган (3-жадвал).

3-жадвал[1]

Уездлар	1908 Десятина	1909 Десятина	1910 Десятина	1911 Десятина	1912 Десятина	1913 Десятина
Андижон	53,955	58,871	70,844	80,101	77,602	79,836
Қўқон	34,985	36,907	42,800	46,208	43,773	47,594
Наманган	33,941	37,065	40,435	44,500	42,141	43,470
Скобелев	61,683	62,175	68,681	85,315	82,573	90,008
Уш	3,069	4,394	5,443	9,860	9,477	9,994
Жами	187,633	199,412	228,203	265,984	255,566	270,902

1911 йилда вилоятдан олинган солиқларнинг умумий хажми 2.792.653 сўмни ташкил этган. Бироқ ҳукуматнинг даромади бу

билангина чегараланмай маҳаллий ўлпонлардан ҳам хазинани тўлдирган (4-жадвал).

4 жадвал[22]

Маҳаллий ўлпонлар	Андижон уезди	Қўқон уезди	Наманган уезди	Уш уезди	Скобелев уезди	Жами (сўм)
Қишлоқ жамоасидан	100781	229344	203696	66466	280719	881506
Хусусий ер эгаларидан	1750	1368	1968	1704	4695	11485
Шаҳардаги кўчмас мулклардан	2700	11999	5320	816	4550	25385
Кўчманчи аҳолидан	12420	5844	13629	13723	1945	47561
Руслардан	672	–	211	445	223	1551
2% ли фабрика ва завод биноларидан	24653	21108	12800	864	24907	83892
Жами	142976	270164	237184	84018	317039	1051380

Мазкур жадвалдан маҳаллий ўлпон қишлоқ жамоасидан: Скобелев уездидан - 280.719 сўм, Қўқондан — 229.344 сўм, Намангандан — 203696 сўм ҳажмида олинган. Хусусий ер эгаларидан олинадиган ўлпон ҳам анча ҳажмни ташкил этган. Бу жиҳатдан фабрика ва заводларга тегишли ўлпон ҳам салмоқли ўринни эгаллаган. Умум ҳисобда эса давлат ер солиғи ва маҳаллий ўлпонлар 3.884.031 млн сўмдан ошиб кетган. Бу солиқ ва ўлпонларнинг қанчалик катта ва оғирлигини англаш учун ўша йиллардаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархига солиштирилса равшан бўлади. Бир пуд буғдой — 1 сўм 20 тийин -- 1 сўм 40 тийин оралиғида, бир пуд ун — 2 сўм 10 тийин, 1 қадоқ мол гўшти — 9 тийин, 1 пуд шакар — 6 сўм 50 тийинга сотилган. Агар кўрсатилган бозор нархини давлат ер солиғи ва маҳаллий ўлпон орқали олинган пулларга таққосланса, чор ҳукуматининг солиқ тизими ниҳоят адолатсизлиги ва оғирлиги билан ажралиб туради. Водийда аҳолининг устига ишлаб бериш мажбурияти ҳам

("натуральная повинность") юклатилган эди. Унга кўра, аҳоли сунъий суғориш тармоқларини таъмирлаб туришга ишчи кучи ва маблағ ажратган. Бу уларга катта юк бўлиб тушган. 1911 йилда бундай мақсад учун Андижон уездида — 50889, Қўқонда — 35598, Наманганда — 99394, Ўшда — 8592, Скобелевда — 7860, жами 273143 киши жалб қилинган. Буни пулга чаққанда — 158.876 сўмни ташкил этган. Сарфланган турли материаллар 54800 сўм турган[22]. Булардан ташқари сунъий суғориш соҳасида ишлашга келмаганлардан 84195 сўм олинган. Йўлларни тозалаш ва таъмирлашнинг харажатлари "йўл мажбурияти" ҳисобига аҳоли зиммасига юклатилган. 1911 йилда вилоят бўйича бу ишда 186.000 киши ишлатилиб, меҳнати 131911 сўм, материаллар эса 58950 сўм баҳоланган[23] .Умумлаштирганда аҳолининг "йўл мажбурияти"га сарфлаган меҳнати 190860 сўмга борган. Шу тариқа вилоят аҳолиси ҳам ўз маблағини сарфлаши орқасида ночорликда яшашга мажбур қилинди. Бунинг устига-устак волость бошлиқлари, оқсоқоллар ва миршабларнинг маошларини тўлаш ҳам аҳолининг зиммасига юклатилган эди (5 жадвал, сўм ҳисобида)[24] .

5-жадвал

Уездлар маъмурияти учун	Волость	Миробларга	Оқсоқолларга	Жами
Андижон	21320	9000	32380	62700
Қўқон	24000	4702	27800	56502
Наманган	21254	15170	16069	52493
Ўш	9900	2300	14603	26803
Скобелев	17000	10063	27235	54299
Эски Марғилон шаҳри	3200	—	—	3200
Жами	96674	41236	118087	255998

Жадвалда кўрсатилишича, маҳаллий маъмурият вакилларини таъминлаш учун аҳолидан 249.997 сўм сарфланган. Халқ оммасининг суягигача шиладиган бошқа тўловлар ҳам мавжуд бўлган. 1904 йилда қизил ярим ой жамиятига, Россия флотини мустаҳ-

камлашга, урушда бева ва етим қолган оилаларга, яралорларга ёрдам учун вилоят бўйича 258.867 сўм йиғиб олинган[25]. Турли-туман оғир солиқлар аҳоли аҳволини шу даражада ёмонлаштирганки, натижада деҳқонлар ердан фойдаланишдан бош тортганлар. Манбада таъкидланишича, улар бундай йул тутишга солиқларнинг ҳаддан ташқари оғирлигидан мажбур бўлганлар. Айниқса, Скобелев уездида ерларидан воз кечган деҳқонлар кўп бўлган.

Натижада, ўша тоифадаги кишиларнинг тўланмаган солиқлари Скобелев уездида — 97.837 сўм, Андижонда — 18.184 сўм, Ўшда — 17.056 сўм ва Наманганда — 2.602 сўмни ташкил этган[26]. Бинобарин, улар ердан фойдаланмаслик йўли билан ўзларини солиқлардан озод қилганлар. Ўтмишда деҳқонлар аҳволи доим ҳам бирдай бўлмаган, лекин уларнинг ўз ихтиёрлари билан ердан фойдаланишдан воз кечганликлари тарихда камдан-кам ҳодисадир. Бу ҳам чор ҳукумати олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг аянчли томонларидан биридир.

Мустамлака даврида экинзорларни ёппасига босган турли ҳашаротлар, жумладан, чигирткалар билан курашиш ва харажатларни қоплаш ҳам туб аҳоли зиммасига юклатилган эди. Ўлка бўйича бу мушкул ишга ҳар йили 1.442.340 иш кучи[27], Фарғона вилоятида 229.784 иш кучи сафарбар қилинган[28]. 1914 йил август ойида бошланган биринчи жаҳон уруши аҳолининг ҳаётини мисли кўрилмаган даражада ёмонлаштириб юборди. Биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги ва нархининг кўтарилиши, турли касалликларнинг авж олиши ва зулмнинг тобора кучайишига олиб келди. Айрим маълумотларга қараганда, уруш вақтида гўштнинг бир қадоғи 20 тийиндан 50 тийинга, шакарнинг бир қадоғи 14-15 тийиндан 30-35 тийинга, уннинг бир пуди 2 сўм 10 тийиндан 4 сўм 20 тийинга кўтарилган. Сигир ва қўйларнинг ҳам нархи ошган. 50 сўмлик от 100-200 сўмгача сотилган. Отларнинг нархини оширишга уларнинг фронтга жўнатилиши сабаб бўлган[29]. Нарх-наво кунда эмас, балки ҳар соатда ошиб борган. Бир гази 10-12 тийин турган чит 30-40 тийингача кўтарилган. Кўрсатилган нархлар озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича 80-100 фоизга, газламалар эса 300-400 фоизга қимматлашган[30].

Нархларнинг ошишига Россиядан ғалла келтиришнинг 50 фоизга камайиши ҳам сабаб бўлди. 1916 йилда ўлкага 14 млн пуд ғалла кам келтирилиши натижасида нарх-наво авжига чиқди. Шунингдек, пахта майдонларининг кенгайтирилиши ҳам ғалла майдонлари қисқариб, буғдойнинг етишмовчилигига сабаб бўлди. Чор ҳукумати

қандай бўл-масин уруш харажатларини қоплаш мақсадида солиқ ва мажбуриятларни ошириб борди. 1915 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги қошида тузилган кенгаш Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларининг молиявий масаласини муҳокама қилиб, ўлкада маҳаллий аҳолининг пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларидан олаётган даромади гўё ошганлиги туфайли солиқларни кўпайтиришни тавсия этди. Утроқ ва кўчманчи аҳолидан олинадиган маҳаллий солиқни 30 фоизга кўтариш ҳал қилинди. Бу Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимини вақтинча бажарувчи Мартсон томонидан тасдиқланди[31] . Бундан ташқари, туб аҳоли ҳарбий хизматни ўтамаётганлиги рўкач қилиниб, уларнинг даромадларидан 21 фоизини солиқ ўрнида тўлашга мажбур қилинди[32] .

Уруш даврида мустабид ҳукумат маъмуриятининг вакиллари туб аҳоли орасида кенг кўламда ташвиқот юргизиб, сунъий равишда туб аҳолининг онгига "ватанпарварлик", "императорга содиқлик" руҳини сингдиришга қаттиқ ҳаракат қилди, мажбурий хайр-эҳсонлар уюштирди. Бу халқ оммасининг аҳволини янада мушкуллаштирди. Куропаткиннинг маълумотига кўра, фронтга ёрдам учун ўлкадан Россияга қуйидаги моллар жўнатилган[33] :

Пахта	40.899.244	пуд
Пахта ёғи	3.109.000	пуд
Гўшт	300.000	пуд
Совун	229.000	пуд
Кигизлар	38.004	кв.м.
Балиқ	473.928	пуд
От	70.000	бош
Туя	12.797	бош
Ўтов	13.441	дона

Улардан ташқари, туб аҳолидан фронт учун 2.000.000 сўм, фақат Андижон уездидан эса бир йил ичида фронтга ёрдам сифатида 200.000 сум йиғилган[34] . Шундай қилиб, уруш баҳонасида чор ҳукуматининг иқтисодий зулми янада кучайди.

Мустабид ҳукуматнинг шаҳар аҳолисига нисбатан ўтказган иқтисодий зулми ҳам қишлоқлардагидан, аграр соҳадан кам эмас эди. Маълумки, ўлкада, хусусан, Фаргона водийсида XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида хом ашёни қайта ишловчи янги саноат корхоналари пайдо бўлиб, ривожлана бошлади. Уларнинг асосий қисми пахта тозалаш ва ёг заводларидан тащкил топган эди. Умуман,

заводлар сони 1900 йилда 67 та бўлса, 1914 йилга келиб 309 тага етди. Бу корхоналарда юзлаб ўзбеклар, асосан, қора ишларга жалб қилинган. Улар кўпроқ мавсумий ишчилар ҳисобланиб, муайян корхонада мунтазам меҳнат қилмаганлар[35]. Уларнинг меҳнат шароитлари жуда оғир бўлиб, иш ҳақи арзимаган эди. Водийда шаҳар аҳолисининг анча қисмини ташкил қилган тўқувчи, темирчи, кўнчи, этикдўз, маҳсидўз, дурадгор, кулолчи ва бошқа ўнлаб касб эгаларининг ҳаёти ҳам оғир бўлган. Россиядан тайёр саноат молларини, шу жумладан, газламаларнинг келтирилиши ҳунармандларни синдирди.

Халқ оммасининг иқтисодий қийинчиликлари ва азоб-уқубатлари маънавий ҳаётнинг қашшоқлиги билан боғланиб кетди. Умуман, чор ҳукуматининг сиёсий ва иқтисодий соҳада юргизаётган мустамлакачилик сиёсати маънавиятни ҳам қамраб олган.

Чор ҳукумати биринчи навбатда ислом динининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий мавқеига зарба берди. Дин пешволари маъмурият томонидан қаттиқ назорат ва таъқиб остига олинди. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва солиқ тўлашнинг жорий этилиши руҳонийларнинг норозилигини уйғотди. 1909 йилда рус журналларидан бирида босилган мақолада туб аҳолининг инсоний ҳуқуқларига, динига, маорифига, маданият ва саноат жиҳатидан ривожланишига, миллий манфаат ва ер масалаларига чор ҳукумати эътибор бермаётганлиги кўрсатиб ўтилган[36]. Ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи ушбу мақоладаги фикрларнинг тасдиғини Фарғона вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ҳам бутун ўлкада бўлгани каби туб аҳолига сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмади. Айниқса, маориф, фан ва маданиятнинг ривожланишига йўл қўйилмади.

1909 йилда Фарғона вилоятида 159 мадраса 5.320 талабани, 1143 та мактаб 11.145 ўқувчини қамраб олган эди[37]. Бу ўқув масканлари аҳолиси зич бўлган Фарғона водийси учун жуда кам бўлган. Чор ҳукумати мадраса ва мактабларга маблағ ажратмай, уларни вақф ерларидан олинадиган арзимаган даромадларга боғлаб қўйди, мадраса ва мактабларни қолоқлик ва ночорликда сақлашга ҳаракат қилди. Чор ҳукумати маҳаллий аҳоли орасидан маъмурият учун рус тилини, оддий ҳисоб-китобни эгаллаган, маҳаллий аҳоли билан маъмурият ўртасида воситачилик қилувчи таржимонлар, содиқ хизматчиларни, мансабдорларни тайёрлаш мақсадида рус-тузем мактабларини очди. Аслида, чор маъмурияти бундай ўқув юртлари воситасида туб аҳоли ёшларини руслаштиришни ҳам

мўлжаллаган эди. Шу боис, уларни маълум миқдорда маблағ билан таъминлаб турди. У ўлкада асосан рус гимназияси ва мактабларига ғамхурлик қилиб, етарли даражада давлат ҳисобидан маблағ ажратди. Маблағ етишмаслиги орқасида рус-тузем мактабларини таъминлаш туб аҳолининг зиммасига юклатилади. Масалан, ўлка бюджетидан маорифга ажратилган пулнинг 74 фоизи рус, 26 фоизи эса рус-тузем мактабларига тақсимланган. 1905 йилда Фарғона вилоятида 10 та рус-тузем мактаблари бўлган[38] .

Чор ҳукумати бир томондан рус аҳолисининг маънавий ҳаётини таъминлаб, иккинчи томондан туб аҳолини қашшоқлаштириш сиёсатини юргизди. Бунга эришмоқ учун мадраса ва мактабларнинг ривожланишига йўл бермади. Буни К.П.Кауфманнинг сўзлари ҳам яққол ифодалайди: "Мадраса ва мактаблар, — дейди у,— ўтмишда, яъни хонлар даврида анча сиёсий ўринни эгаллаган. Улар давлат бошқарувига ўз таъсирини ўтказиб, имтиёз ва даромадларга эга бўлганлар. Рус давлатининг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин уларнинг аҳволи ўзгартирилди. Эндиликда улар ҳимоясиз ва назоратсиз бўлганликлари сабабли вақф ерларини бошқарувчи кишилар анча ўзбошимчалик билан иш юритмоқдалар. Натижада улардан олинадиган даромадларнинг баракаси учмоқда. Мактабларда ўқувчиларнинг сони камайиб ва таълим-тарбия ишлари сусайиб кетди. Бундай ҳолатни мадрасаларнинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Шу тариқа бизнинг душманимиз бўлмиш руҳонийларнинг обрўйи халқ кўз ўнгида тўкилмоқда"[39] .

XX аср бошида Туркистонда, хусусан, водийда маърифатпарварлик ҳаракати намояндалари бўлмиш жадидларнинг ташаббуси ва иштирокида янги усул мактаблари очилиб, ўқитув услуби ва билимни ўзлаштириш анча такомиллаштирилди. Бироқ бундай замонавий мактабларнинг сони кўп эмас эди.

Юқорида қайд этилган сабабларга биноан туб аҳолининг деярли катта қисми саводсизлик ва маънавий жиҳатдан қолоқлик гирдобида яшашга мажбур этилди. Булар сиёсий ва иқтисодий омиллар билан биргаликда 1916 йил қўзголонларининг заминини шакллантирди. Мустабид ҳуку-матнинг сиёсий зулми аҳолини ҳуқуқсизликда сақласа, иқтисодий зулми қашшоқликка, маънавий зулми қолоқликка олиб келди. Буларнинг бари халқнинг норозилигига сабаб бўлиб, қўзголоннинг иқтисодий, сиёсий заминига асос сифатида хизмат қилди.

I.3. ИМПЕРАТОРНИНГ МАРДИКОРЛИККА САФАРБАРЛИК ХАҚИДАГИ ФАРМОНИ ВА УНИНГ АКС-САДОСИ

XX аср бошларида Россия империясининг ич-ичидан емирилганлиги биринчи жаҳон уруши вақтида яққол кўзга ташланди. Россия урушда кетма-кет мағлубиятга учраб, катта талафотлар курди. Мамлакатдаги очлик ва қашшоқлик ҳукуматга қарши мухолиф партия ва ишчиларнинг курашини янада қизитиб юборди. Натижада чор ҳукумати ички ва ташқи душманлардан иборат икки ўт орасида қолди. Минглаб кишиларнинг фронтга жалб қилиниши ҳарбий корхоналар, конлар ва темир йўлларда ишчи кучларининг етишмаслигига ва маҳсулотларнинг камайиб кетишига олиб келди. Ҳукумат бу ҳолатни маълум даражада бўлса ҳам бартараф қилиш мақсадида маҳаллий аҳолини фуқароларнинг фронт орқасидаги ишларга жалб қилиш ҳара-катига тушди.

Император Николай II 1916 йил 25 июнда Астрахань губернияси, Сибирь ва Туркистонда истиқомат қилаётган туб аҳолини фронт орқасидаги ишларга жалб қилиш ҳақида фармон эълон қилди. Унда шундай дейилган: "Ҳаракатдаги қўшин жойлашган жойларда мудофаа иншоотларини қуришга ва давлат мудофаасига молик бошқа ишларни бажаришга 19 ёшдан 43 ёшгача булган туб аҳоли жалб қилинсин. Фармон Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Оқмула, Еттисуворти вилоятлари ва бошқа жойларда амалга оширилсин"[40] . Фармон Туркистон ўлкасида қаттиқ қаршиликка дуч келди. Авжи ҳосилни йигиб олиш мавсумида бир неча юз минг кишини ёппасига фронт ортига жўнатилиши катта иқтисодий талафотни келтириб чиқариши турган гап эди. Айниқса, ўн миллионлаб сўм эвазига етиштирилган пахтани териб олмаслик нафақат деҳқонларни, фирмаларни, банкларни, қолаверса, давлатнинг ўзига ҳам катта зиён келтириши барчага аён эди.

1916 йил 30 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимига тайинланган А.Н.Куропаткин император фармонидан кейин ўлкада юз берган аҳвол билан танишиб, ўзининг тассуротларини ҳарбий вазирликка маълум қилади. Унинг кўрсатишича, туб аҳоли ва маъмурият фармонни бажаришга тамомила тайёр бўлмаган. Шунга қарамай, мардикорликка сафарбар этишга шошилинч билан киришилганлиги орқасида фожиали воқеалар юзага келган. Еттисув қирғизлари, шунингдек Фарғона вилоятидаги қирғизлар Хитойга ўтиш тараддудини кўришга

киришганлар. Туркманлар эса Афғонистонга ўтиб кетишни мўлжал-лаганлар[41] .

"Россияда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган кишиларни ҳарбий қисмларга сафарбар этиш жараёни бошланишига икки йил бўлишига қарамай, ҳанузгача охиригача етказилган эмас. Шундай булгандан кейин, — дейди А.Н.Куропаткин, — Туркистонда қисқа вақт ичида мардикорликка одамларни жалб этиш қийин"[42] . Чунончи, фармонни ута қисқа вақт ичида тезлик билан амалга оширилиши ўтроқ халқнинг пахтадан оладиган даромадидан ва келаси йилги пахта етиштиришга тайёргарликдан, кўчманчиларни чорва моллардан маҳрум этилишига олиб келади.

Давлатга юз миллионлаб сўм фойда келтирадиган пахтадан ва қўшинни гўшт таъминотидан маҳрум этиш тузатиб бўлмайдиган талафотга учратади[43] . Натижада ўлкада тартибсизлик ва ғалаёнлар бошланиб кетади. Шу боис А.Н.Куропаткин мардикорликка олиш муддатини 15 сентябргача қолдиришни ҳарбий вазирликдан сўраган. Унинг бу таклифи инобатга олиниб, қўшимча ваколатлар берилган. Хусусан, Туркистон ҳарбий округига бош қўмондонлик қилиш ҳуқуқи, одамларга ўз ўрнига бошқа кишиларни ёллашга, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда у ёки бу одамни мардикорликдан озод этишга рухсат берилади[44] .

А.Н.Куропаткин император фармонини бажариш жараёнида маҳаллий маъмурият вакилларини ўз лавозимини суиистеъмол қилганликларини тан олишга мажбур бўлган. Унинг маълумотида айтилишича, Фарғона ва бошқа вилоятларда волость бошлиқлари, оқсоқоллар ва элликбошилар, фармонга императорнинг ўзи имзо чекканлигини назар-писанд қилмай уни амалга ошириш ўрнига порахўрлик ва зўравонлик билан шуғулланиб, бош тортганларни қамашгача борганлар[45] .

Наманганда аҳоли "пора бермаганлиги учун кўп одамларни қамоққа ташлаганликлари хақида" арз қилганлар. Бу ерда 60 кишига мўлжалланган қамоқхонага 400 киши жойлаштирилган. Император фармонидан фойдаланиб, бойлик орттиришга ҳаракат қилган маъмурият вакилларининг бир нечта мансабдорлари лавозимларидан бўшатилгани ҳақидаги маълумотлар А.Н.Куропаткиннинг кундалигида ҳам қайд этилган[46] .

А.Н.Куропаткин ҳукуматнинг кўчириш сиёсати (айниқса кўчманчиларни ерсизлантирилиши) халқ норозилигини келтириб чиқарганини қайд этади. У император фармонини қўзғолонга туртки бўлганлигини таъкидлаб, шундай ёзади: "Туркистон аҳолисини

мардикорликка сафарбар этиш хақидаги фармон қўзғолонларни кўтарилишига баҳона бўлди. Бу шошилинч равишда эълон қилинган, тезликда амалга оширишга қаратилган ҳаракат туб аҳоли ва ўлка маъмуриятини оғир аҳволга солиб қўйди. Оилавий рўйхат ва метриканинг йўқлиги 19 ёшдан 31 ёшгача эркакларни мардикорликка олишни жуда қийинлаштирди. Аҳоли орасида мардикорликка олиш никобида ҳарбий хизматга ёки уни қириш мақсадида фронтга олиб бориб, ўққа тутилиши ҳақидаги миш-мишларнинг тарқалиши халқни қаттиқ ташвишлантирди"[47] .

Хуллас, Туркистон ўлкасидаги мустабид маъмурият раҳбари А.Н.Куропаткин тилга олинган фармоннинг эълон қилиниши ва маъмурият вакилларининг бошқаришда йўл қўйган хатоларини қўзғолонларга сабаб сифатида кўрсатиб, бу билан бир қаторда деҳқонларнинг қарз эвазига ерсизланиши ва қашшоқланиши, волость бошлиқлари ва қозилар бойларнинг тарафида туриб иш юритишлари ҳам халқнинг норозилигига ва қўзғолонга олиб келганлигини таъкидлайди[48] .

Дарҳақиқат, император фармони адолатсизлик ва зулмдан сабр-косаси тўлиб-тошган халқнинг норозилигини янада оширган муҳим омил сифатида намоён бўлди. Буни англаган Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин мавжуд аҳволни императорга ошкора маълум қилди. Чунки у ўлкадаги фожиали аҳвол учун жавобгарликни бўйнига олишни истамаган эди.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш жоизки, XIX асрнинг охирлари — XX аср бошларида Туркистонда чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсати авжига чиқди. Ўлкада ўрнатилган сиёсий-маъмурий тизим ўта ҳарбийлаштирилган бўлиб, уни генераллар ва офицерлар бошқарарди. Бу тизим туб аҳоли манфаатлари, тарихан шаклланган миллий урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳисобга олинмаган ҳолда шакллантирилиб, ғайритабиийлиги билан ажралиб турарди. Миллий давлатчилик ва қўшин тугатилди, туб аҳоли вакиллари олий ва ўрта бошқарув лавозимларига яқинлаштирилмади.

Туб аҳоли вакиллари маҳаллий маъмурият лавозимларига, яъни волость бошлиғи, оқсоқол, элликбоши ва миршабликка тайинланган бўлсалар-да, лекин улар ҳукуматнинг жойлардаги итоаткор хизматкорлари эди, холос. Уларнинг зиммасига фақат солиқларни йиғиб бериш, ҳукумат кўрсатмалари ва топшириқларини амалга ошириш, халқнинг кайфиятидан хабардор бўлиб, кўз-қулоқ бўлиш юклатилган.

Ўлкада ҳукм сурган сиёсий тизимнинг моҳияти ва йўналиши мустамлакачиликка асосланган бўлиб, туб аҳолини тинимсиз ишлатиб, кучи ва ишлаб чиқарган маҳсулотидан фойдаланиш, табиий бойликларни ўзлаштириш ва руслаштириш сиёсатини амалга оширишдан иборат эди. Шунингдек, халққа сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмай, қолоқлик ва қашшоқликда ушлаб туришга қаратилган сиёсат юргизилди. Сиёсий тузумга монанд равишда ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати шаклланди. Ўлкадаги ер-сувларнинг, умуман, табиатдаги барча бойликларнинг эгаси чор ҳукумати бўлиб, имкони борича уларни талаш йўлидан борди. Ўлкани хом ашё манбаига айлантириш мақсадида пахтачилик ривожлантирилди. Натижада ўлкада, хусусан, Фарғона водийсида пахта яккаҳокимлигининг пойдевори бунёд этилди. Бу эса ўз навбатида деҳқонни бир парча сридан маҳрум бўлиб, қашшоқланишига олиб келди. Қарзга ботган деҳқонлар мардикор ва чорикорларга айландилар. Ун минглаб қишлоқ батраклари шаҳарга бориб, дуч келган ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва уларга солиқ солиниши ҳам чор ҳукуматининг хазинасига фойда келтирди.

Пахтачиликнинг узлуксиз ривожлантирилиши озиқ-овқат маҳсулотларини, биринчи навбатда ғалла майдонларини қисқаришига олиб келди. Натижада ўлка аҳолиси Россия ғалласига қарам қилиб қўйилди. Шу тариқа чор ҳукумати ҳам пахтадан, ҳам ғалла келтириб сотишдан икки ёқлама катта фойдани қўлга киритиб, халқ босқинчилар томонидан икки тарафлама шилинди. Бундан ташқари, турли солиқлар ва мажбуриятларнинг оғирлиги халқнинг тинкасини қуритди. Шаҳар аҳолисининг ҳаёти ҳам гоятда оғир эди. Россиядан тайёр саноат молларининг кўплаб келтирилиши ҳунармандчилик соҳаларига анча қаттиқ зарба берди. Айниқса, газлама тўқиш касби билан шуғулланувчи ҳунар эгалари фабрика моллари билан рақобатлашишга ожизлик қилиб синдилар. Натижада тикувчилик ва унга боғлиқ соҳалар инқирозга учрадилар. Кўнчиликда ҳам шундай аҳвол рўй берди. Умуман айтганда, ўлканинг Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг аҳволини мисли кўрилмаган даражада ёмонлаштириб юборди.

Чор ҳукуматининг ўлкада юритган сиёсий ва иқтисодий тадбирлари маънавий ҳаётга хам ўз таъсирини ўтказди. У турли йўллар билан миллий маданиятнинг ривожланишига йўл бермади. Аввалambор, ислом динининг мавқеи ва салоҳиятига зарба берилди.

Мадраса ва мактабларнинг замон талабига монанд равишда ривожланишига тўсқинлик қилиниб, онгли равишда қолоқликда сақлаб турилди. Айниқса, ўлкада саводсизликнинг ҳукм суриши маънавий ҳаётни қашшоқланишида салмоқли ўринни эгалади. Натижада фан ва маданият жаҳон тараққиётидан анча орқада қолди. Мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатининг маҳсули сифатида юзага келган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт истиқлол учун курашларнинг замини ва сабабларини шакллантирди. Мана шундай шароитда императорнинг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармони тўла етилиб турган озодлик курашларининг кўтарилишига катта туртки бўлди, у бамисоли яшин алангасидек бутун ўлкани ўз ичига қамраб олди.

II БОБ
ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНИНИНГ БОШЛАНИШИ ВА ВОҚЕАЛАР РИВОЖИ

2.1. АНДИЖОН УЕЗДИДАГИ ХАЛҚ ҒАЛАЁНЛАРИ

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган 5 та вилоят орасида Фарғона вилояти иқтисодий жиҳатдан алоҳида мавқега эга эди. Водийда чор ҳукуматининг пахта яккаҳокимлигини вужудга келтиришга қаратилган иқтисодий сиёсати кескин оқибатларга олиб келган эди.

Фарғона вилояти 5 та уезддан ташкил топган бўлиб, улардан бири Андижон уездидир. Андижон уезди таркибига 22 волость ва Андижон шаҳри кирган. Андижон уездининг ҳудуди 12859 *кв км* ни ташкил этган[49].

Қўзғолонлар Андижон уездининг деярли барча қишлоқлари ва шаҳарда бўлиб ўтди. Уезднинг маркази бўлган Андижонда императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши қўзғолон кўтарилди. Бу ерда маъмурият вакиллари фармонни амалга ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш учун 1916 йилнинг 9 июлида шаҳарнинг марказий майдони Жомеъ масжиди олдига уезд аҳолисини тўплайди. Маълумотларга кўра 200-400 киши тўпланиб, тез орада тўпланганлар сони 8-10 минг кишини ташкил этган[50] . Уезд бошлиғи И.А.Бржезицкий бошчилигида мингбошилар, оқсоқоллар ва элликбошилар тўпланиб, халойиқни мардикорликка даъват эта бошлаганлар. Қаҳр-ғазаби тўлиб турган оломон: "Мардикорликка бормаймиз", — деб бақира бошлайди. Шовқин-сурон ва тўс-тўполон авжига чиқиб, халқнинг норозилиги қўзғолонга айланиб кетади. Бу қўзғолоннинг қатнашчиси воқеани шундай тасвирлайди: "Шаҳар амалдорлари мардикорликка бориш

ҳақида оғиз очганларида, халқ орасидан "Мардикорликка бормаймиз!", "Мардикорлик зулмини тортмаймиз!", "Бойларнинг ўзи мардикорликка борсин!" каби хитоблар янграб, қўзғолон бошланди. Мингбошилар бундай хитобларга қарамасдан, оломонга дўқ қила бошладилар. Бундан ғазабланган халқ "Золимларни улдириш вақти келди!" — деб улардан бирини мажақлаб ташладилар. Буни кўрган чор ҳукуматининг амалдорлари ва маҳаллий бойлар[51] янги шаҳар томон қоча бошладилар. Уларнинг кетидан қўзғолончилар қўлларида таёқ, кетмон, пичоқ, тош ва бошқа нарсалар билан қувиб кетдилар ва тахминан бир ярим чақирим йўл босгандан сўнг, чор маъмурияти аскарлари билан қонли тўқнашув бошланди"[52] .

Кучадаги бу тўқнашув ҳақида расмий ҳужжатларда ҳеч нарса дейилмайди. Афтидан, чор маъмурияти уни яширишга ҳаракат қилган. Уша қонли тўқнашувда Усмонжон Раҳимов қочиб кетаётган чор ҳукуматининг шаҳар ҳокими тушган извошини тўхтатмоқчи бўлиб, отнинг жиловини тортган. У извошни тўхтатганда, бир солдат қилич солиб унинг қўлини тирсагигача кесиб ташлаган[53] .

Солдатлар билан тўқнашувда Шарифбой, Саидаҳрор, Ҳожибой, Мақсудали Қори ва бошқа кишилар яраланганлар, бир неча киши эса оғир жароҳатдан ҳалок бўлган. Қўзғолон қатнашчиси Йўлдош Мирзаевнинг айтишича, кишилар даставвал маҳаллаларда тўпланишиб, мардикорликка юборишларига қарши норозилик билдирганлар. Улар "ўлиш ёки қолиш", "золимларга бўш келмаймиз!" — деган сўзлар билан шовқин-сурон қилганлар. Демак, қўзғолонлар энг аввало маҳаллада бошланган. Бу ерларда маъмурият вакиллари одамларни калтаклаб, ҳибсга олганлар. Лекин бу чоралар халқни қўрқита олмади. Халқ Жомеъ майдонига тўплана бошлади. Қўзғолончилар ўтин бозорида саксовулларни ва бозордаги катта соябонларнинг узун ёғочларини олиб ва осмонга кўтариб шовқин-сурон бошладилар. Одамларнинг қўлларида тош ва ғиштлар ҳам бор эди. Оломон орасида аёллар ва болалар ҳам кўринар эди[54] . Қўзғолонда аёллар ва болаларнинг иштироки унинг оммавий тус олганидан далолат беради. Қўзғолон давомида солдатлар кучадаги қаршилик кўрсатган кишиларни ўққа тутганлар. Кучада ҳалок бўлган уч киши ҳам шулар жумласидандир.

Қўзғолончиларнинг юқорида шарҳлаган гувоҳликларини Андижон уездининг бошлиғи И.А.Бржезицкийнинг бошқармага юборган ахбороти анча ойдинлаштиради: "Бугун Жомеъ масжидида

императорнинг Олий фармонини аҳолига эълон қилдим ва тушунтирдим. Тўпланганларнинг кўпчилиги мени хотиржамлик билан тингладилар. Аммо мадрасанинг ёш ўқувчилари "мардикорликка бормаймиз", — деб бақиришди. Улар бу ҳаракатлари билан оломонни қўзғатиб юбордилар. Менинг тинчланинглар, деган сўровим таъсир этмай, оломон бақиришни давом эттирди. Аввал мен оломонга таркалишни буюриб, кейин ўзим гарнизон бошлиги ҳузурига бориб, ундан қўзғолонни бостириш учун ҳарбийларни юборишни сўрадим. Тахминан 500 кишилик оломон Скобелев шоҳкўчаси бўйлаб юрди. Мен эса уларни Гултепа майдонида учратдим ҳамда оқилона иш юритишга ва тартибга чақирдим. Халқ эса уруш харажатларини тўплашга рози эканликлари, лекин мардикорликка боришга қаршилигини айтди. Мендан одамларни фронтга олмасликларини талаб қилдилар. Акс ҳолда, ҳозир барча элликбоши ва мансабдорларнинг ўлдирилишини ва мол-мулкларининг таланишини айтдилар"[55].

Уезд бошлиги халқнинг талаби ва дўқини писанд қилмай, ўз сўзида қаттиқ туриб, фармонни бажаришни талаб қилган. Оломон ҳам бўш келмай, қўлларидаги таёқ, болта, кетмон ва шунга ўхшаш нарсаларни осмонга силкитиб, фармонни бажармаслигини маълум қилган. Натижада икки томон ўртасидаги зиддият қизиб, очиқ курашга айланиши аниқ бўлиб қолади. "Менинг, — дейди уезд бошлиғи, — бир неча бор тинчлик билан тарқалиш, масалани хотиржамлик билан муҳокама этиш ҳақидаги мурожаатларимнинг фойдаси бўлмади. Оломон полицияга яқинланди, мен солдатларга оломонни суришни буюриб, агар оломон тарқалмаса қурол ишлатишимни маълум қилдим. Оломон эса қулоқ солмай солдатлар ва полицияга қарата тош, кетмонларни ва таёқларни отдилар. Бир солдат ва бир неча полиция ходимлари жароҳатландилар. Шундан кейин мен қуролларни тайёрлашни буюрдим. Тош ёмғирдек ёғилиб, оломон "уларни уринглар, ота олмайди", — деб қичқириб бизга ташланди. Шу боис мен солдатларга отишни буюрдим, туб аҳолидан 10 киши жароҳатланди, оломон қочди"[56].

Бу ва бошқа манбаларда кўрсатилишича, Андижон шаҳридаги қўзғолонда мадрасаларнинг талабалари, яъни зиёлилар олдинги сафда туриб, ўз халқи манфаати учун курашган. Шунинг учун уезд бошлиғи Фарғона ҳарбий губернаторига ёзган рапортида Жомсъ ва Холбек қушбеги мадрасаларини беркитиб, талабаларни тарқатиб юборишга рухсат беришни сўраган[57].

Бошқа маълумотларга қараганда, қўзғолонда 12 киши жароҳатланган[58]. Абдуллажон Холматов, Мақсудқори Нишонбоев, Носир Абдураҳмонов, Мамасодиқ Рўзибоев, Мулламагзум Мирзаазизхўжаев, Абдужалил Нодиров, Ҳожимад Ҳасанбоев, Усмонжон Мараимов шулар жумласидандир. Саидазим Маъзумов, Сайидиброҳим Тўраев ва Абдуқодир Ҳамроқулов отишмада ҳалок бўлдилар[59]. Шундай қилиб, адолатни талаб қилиб чиққан тинч аҳоли золимларнинг ўқи остида қолганди.

Шу куни кечқурун чор маъмурияти оқсоқолларни тўплаб, халқ қаршилик кўрсатса ҳукумат қурол ишла-тишини маълум қилади[60].

Андижон шаҳридаги қўзғолон бостирилди. Уезд маъмурияти вакиллари ҳукуматдан ғалаёнларни Қўқондаги қўзғолонлар таъсири сифатида кўрсатиб, руза ойи бўлганлигини сабаб қилиб, сафарбарлик ҳақидаги ҳар қандай буйруқларни бир оз кечиктиришни сўради[61]. Маъмурият вакиллари қўзғолонда фаол қатнашганларни ҳибсга олди (6-жадвал)[62].

6-жадвал

№	Исм ва фамилияси	Ёши	Илова
1.	Абдусаттор Ҳаким Оқсоқол	21	Қўзғолон иштирокчиси эканлиги ҳақида 11 та оқсоқол гувоҳлик берган
2.	Акбар Умарбоев	25	Полиция ва пристав томонидан гувоҳлик берилган
3.	Маматали Каримов	21	3 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган
4.	Мамажонмулла Отахонов	29	2 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган
5.	Жўрақори Зунунбоев	26	2 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган
6.	Тожибой Муҳаммаджонов	25	Пристав ва полициячи томонидан гувоҳлик берилган
7.	Ахтем Янгилдин /татар/	38	2 та полициячи ва пристав томонидан танилган
8.	Ашурали Исмоилбоев	27	2 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган
9.	Муллаабдулхон Ашуралиев	32	4 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган

10.	Абдужаббор қори Рўзибоев	49	Уезд бошлиғи ва полициячи томонидан гувоҳлик берилган
11.	Юсупжон Тошпўлатов	41	3 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган
12.	Остонқул Юсупбоев	40	Полициячи томонидан гувоҳлик берилган
13.	Соли Аминов	25	2 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган
14.	Юсупохунхўжа Муҳаммадшарифхўжаев	61	4 та полициячи томонидан гувоҳлик берилган

Қамалганларнинг кўпчилигининг ёши 20-40 орасида бўлганлиги диққатни жалб этади. Бу шуни кўрсатадики, ёш авлод ўзининг жасорати ва эрксеварлиги билан ажралиб турган. Ҳужжатда уларнинг касби қайд этилмаган. Балки улар мадраса талабаларидан бўлсалар ажаб эмас[63] . Бу ҳужжатда қўзғолоннинг фаол қатнашчиларидан Ҳожимат Ҳасанбоев, Остонқул Юсуфбоев, Салим Аминов, Абдужалил Қодиров, Абдуллажон Холматовлар ҳам алоҳида қайд этилган [64] .

Андижон қўзғолонининг бостирилиши халқнинг руҳи ва ғайратига таъсир кўрсатмади. Аксинча, унинг акс-садоси атроф қишлоқларга тарқалди. 10 июлда Олтинкўл волостига қарашли Далварзин қишлоғида қўзғолон кўтарилиб, оломон мардикорларнинг рўйхатини беришни талаб қилади. Рад жавобини олгач, волость бошлиғи ва унинг икки соқчиси Темирбой Пайғамбарқулов ва Каримжон Абдулваҳобхожиевлар ўлдирилади[65] . Қўзғолоннинг жонли гувоҳи Абдулла Ҳасановнинг хотирлашича: "Бош кўтаришдан олдин қишлоқнинг ҳар жойида йиғилишлар бўлиб, чор ҳукуматига қарши қўзғолон кўтаришга аҳд қилганлар. Шундан кейин зулм остида жуда қашшоқлашган ва нафратга тўлиб-тошган камбағаллар, жумладан, Муҳаммадазим Умрзоқов, Шодмонали Саидалиев, Маҳмуд ака, Исмоил ўз атрофларига қишлоқ камбағаллари ва ўзига тўқ (аммо унчалик бой бўлмаган) кишиларни уюштириб, қишлоқдаги амалдорлар турадиган жойга борадилар. Улар билан бир қаторда отам ва мен ҳам бориб, қўзғолонда қатнашдик. Ҳаммамизнинг мақсадимиз зулмдан ва мардикорликка боришликдан қутулиш эди. Шунинг учун бизларга қараб қишлоқ мингбошиси Ҳакимбек ва унинг миршаблари ўқ узишга ҳаракат қилдилар. Шу ондаёқ қўзғолончилар уларга тош, таёқ, болта ва пичоқлар билан ҳужум қилиб, Ҳакимбек мингбошини ва иккита

миршабини ўлдирдилар. Мингбошига пичоқни биринчи бўлиб Муҳаммадазим Умрзоқов урди. Қишлоқ мингбошиси ва миршабларни ўлдиришда камбағал деҳқон Шодмонали Саидалиев катта жасорат кўрсатди"[66] .

Бу ерда Абдулла Ҳасанов қўзғолончилар билан маъмурият вакиллари ўртасидаги тўқнашув ҳақида қимматли маълумотларни беради. Унинг сўзларини, хусусан, волость бошлиғи ва миршабларнинг ўлдирилишини расмий ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Тўқнашувнинг эртасига солдатлар келиб қишлоқ аҳолисини шафқатсизларча жазолаганлар. "Солдатлар хотинларни ва қизларни, ҳатто кампирларни ҳам аямай калатаклаб судрадилар. Қочиб юрган эрлари ёки ўғилларини топиб беришларини улардан талаб қилдилар. Буни эшитган қўзғолончилар ўз оилаларини сақлаб қолиш учун қайтиб келиб таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Абдулла ва унинг отаси Қувватов, Муҳаммадазим Умрзоқов, Маҳмуд ака, Исмоил, Шодмонали Саидалиев, Қорабой Исмоилов ва бошқалар ҳибсга олиндилар"[67] .

Айрим маълумотларга кўра, шаҳарнинг Қатортерак деган жойида ҳам қўзғолончилар билан солдатлар ўртасида тўқнашув бўлиб, улардан икки киши солдатлар ўқидан ҳалок бўлган.

Элликбоши Муҳаммадрасул Муҳамедовнинг Далварзиндаги қўзғолон ҳақидаги маълумоти ҳам эътиборга лойиқдир. Унинг сўзича, волость бошлиғи Далварзинга келиб аҳолини йиғишни буюрган. Одамлар тўпланганидан сўнг, у мардикорликка олиш тўғрисида фармон ҳақида сўз очади. Шу онда оломон ичида кекса кишилардан бир нечтаси чиқиб: "Туркистон бизнинг қадимий ватанимиз. Бу ерда уруш йўқ, руслар немислар билан урушмоқдалар, бунинг бизга алоқаси йўқ, урушни ўзлари чиқардилар, шу боис ҳам ўзлари бизнинг ёрдамсиз ҳал этсинлар", — деб хитоб қиладилар[68] . Бу ҳақиқатни акс эттирувчи сўзлар оломон томонидан маъқулланиб, шовқин-сурон авжига минади. Волость бошлиғи қўрққанидан осмонга ўқ отиб, элликбоши билан қочиб қутуладилар. Қўзғолоннинг олдинги сафларида Мамарасул Мадёров, Исмоилхожи Шокиров, Тожибой Тошматхалфаев, Саидтоҳир Алиев, Ҳасанбой Мулла Қувватов, Тешабой Ҳамдамхожиев, Ҳазратқул Ҳамдамхожиев, Муҳаммадазим Умрзоқов, Маҳмудали Хидирбоев, Отажон Ортиқов, Усмонали Қодирқулов, Мирза Фузайлиддиновлар бор эдилар [69] .

12 июль куни Мойғир волостидаги Чуама қишлоғида ҳам ғалаён бўлиб ўтади. Оломон мустамлакачи маъмуриятнинг халққа

ўтказган зулмининг ижрочиси бўлган оқсоқол Қирғизбой Каримбоевнинг хонадонига бостириб кириб, уни остин-устун қилиб ташлайди. Оксокол уйда йўқ бўлганлиги сабабли унинг отасининг уйига ҳам бостириб борадилар. Элликбоши Қипчоқбой Боймирзаевни ҳам дуппослаб ўлдирдилар[70] . Абдулла Исломов, Маматқул Абдулқосимов, Омонбой Ризақулбоев, Акбарали Аҳмадалиев, Туйчибой Тўрақулбоев, Маҳмудали Тўхтасинбоев, Ғанибой Маманазаров, Мираҳмад Парпибой Абдувалиев, Эргашбой Мадраимов, Жумақўзи Усмонполвонов, Муллахолмат Жамолохунов, Мирзаёқуб Сулаймоноқсоқолов, Дилдорали Темирбоев ва Қирғизбой Ризақулов сингарилар қўзғолоннинг олдинги сафларида турганлар. Улар оқсоқолнинг хонадонига ҳужум қилишда етакчилик қилганлар. У ердаги 200 минглик векселлар, васиқалар, ҳужжатларни ёқиб ташладилар[71] .

Бундай воқеалардан саросимага тушган уезд бошлиғи И.А.Бржезицкий Фарғона ҳарбий губернаторига ёзган рапортида: "Менинг шахсий кузатишларим бўйича хулоса қилиб айтганда, аҳоли ўз ихтиёри билан мардикорларни бермайди... бир вақтлар халқ орасида катта обрўга эга бўлган маҳаллий маъмурият ҳозирги кунда ҳатто мардикорликка бориш зарурлиги ҳақида гапира олмаяптилар", — деган эди[72] .

И.А.Бржезицкий Фарғона вилояти бошлиғи бўлган ҳарбий губернатор А.И.Гиппиусдан улкада ҳарбий ҳолат эълон қилинганидан фойдаланиб, аҳолини мажбуран мардикорликка олиш, халқ суди ишларини вақтинчалик тўхтатиш, мактаб ва мадрасаларни ёпиш, аҳолига Жиззахдаги қўзғолоннинг оқибати фожиа билан тугаганини маълум қилиш, ғалаёнларнинг сабабчилари ва раҳбарларини жазолаш учун тезликда ҳарбий дала судларини ташкил этиш, агарда аҳоли белгиланган вақтда мардикорларни етказиб бермаса, у ҳолда улар яшаб турган жойларни давлат ихтиёрига ўтказиш ва аҳолини эса отиб ташлаш лозимлиги ҳақида кўрсатма беришни сўради[73] . Лекин бундай дағдаға ва чоралар аҳолининг норозилигини тўхтата олмади. Андижон уездининг Донқайма, Қуштепасарой, Миробод, Ғофурчек, Чангитма каби қишлоқларида ғалаёнлар давом этди.

Олтинкўл волостининг Донқайма қишлоғида ҳам шу каби воқеа содир бўлди. Мулла Қаюмҳожи Масаитов, Эгамберди Сирожбоев ва Раҳмонберди Раимбердиевлар бошчилигидаги 200 дан ортиқ ғалаёнчилар қишлоқ оқсоқоли Муҳаммадиса Саримсоқовнинг уйига бостириб кириб, мардикорликка олинувчилар рўйхатини талаб қилиб олдилар [74] .

Избосган волости пристави Орловский Ҳаққулободга аҳоли билан гаплашиш учун келган эди. Лекин аҳолининг асосий қисми йиғилмаганлиги учун Норин волостига жўнайди. Шу куни кечқурун Хўжавот ва Полвонқўл қишлоқларидан 1000 га яқин киши таёқ, тош билан қуролланган ҳолда Хўжавот жамоа оқсоқоли мулла Сотиволди Абдуқодирҳожиевнинг уйини ураб оладилар ва ундан рўйхатни талаб қиладилар. Аҳолини тинчлантириш учун қилган ҳаракатлари зое кетгач, оқсоқол вақтдан ютиш учун волость бошқарувчисидан рўйхатни олиб келиш баҳонасида волость бошқарувчисига дарҳол хабар беришга улгурган. Зўрлик билан етиб келган Норин волости бошқарувчиси бир неча ўқ узиш билан оломонни тарқатади ва унинг ташкилотчиларидан 8 кишини, жумладан, Темирбой Абдувоитов, Жўланбой Мадраим Қўрбошиев, Муҳаммадсаид Мадаминов, Раимберди Худойбердиев, Исматилла Диёрбоевни Андижон қамоқхоналаридан бирига жўнатади[75] .

12 июлнинг ўзидаёқ Андижон уездининг 10 дан ортиқ қишлоқларида шундай халқ ғалаёнлари бўлиб ўтди. Масалан, Қўштепа сарой қишлоғида ғалаён кўтарган оломон волость бошқарувчисининг соқчи йигитини дўппослаган[76] . Миробод қишлоғида эса 200 киши атрофидаги оломон элликбошилардан мардикорларнинг рўйхатини беришни талаб қилдилар. Хавотирга тушган элликбошилар қочадилар, оқсоқол эса яширинишга улгуради. 13 июль куни эрта билан Муллаабди Мадалиев ва Муллаусмон Ҳасанбоев шаҳарга оқсоқол Ҳамдам Каримқуловни қидириб келадилар. Шу ернинг ўзида уларнинг иккаласи ҳам ҳибсга олиниб, қўзғолонга бош бўлганлардан Жўракал Ортиқов, Раимберди Содиқов, Абдурасул Шерматовлар орқасидан қидирув эълон қилинади[77] .

8 июль куни Чек-Офтобачи қишлоғидан Усмонҳожи Пармонқулов, Отажон Бойбача, Мамадали Ҳожиев, Раҳмонберди Йўлдошҳожиев Индимозор қишлоғи оқсоқоли Ўтамбой Норматбоевни тўхтатиб, ундан мардикорлар рўйхатини талаб қилиб олиб йиртиб ташлайдилар. 12 июль куни оқсоқол уйига қайтмоқчи бўлганида, унга қишлоқда нотинчлик бошлангани ҳақида хабар берадилар. Оқсоқол шу куни шаҳарда қолган. Шу куни кечасиёқ Ғофурчек, Чек-Офтобачи қишлоқларидаги 300 атрофидаги аҳоли оқсоқол Ўтамбойнинг уйига бостириб борганлар. Оломонга Буваназар Ҳожиев, Отажон Бойбача, Мамадали Ҳожиев, Қўчқор Қозиқулов, Аҳмадали Абдуназиров, Ирдувон Ғофуров, Умарали Сотиболдиев, Усмонҳожи Пармонқулов ва Мамадқассоб Аҳмад-

хўжаевлар бош бўлганлар[78] . Оқсоқолни топа олмагач, унинг ўғли Йўлдош Утамбоев ва қариндоши мулла Саитқулни боғлаб қўядилар ҳамда агарда оқсоқолни топмасалар, уларни ўлдирамиз деб огоҳлантирадилар. Оқсоқолни қидириб шаҳарга борган Анвар Ҳожиев, Усмонҳожи Пармонқулов ва Мамадқассоб Аҳмадхўжаевлар ҳибсга олинадилар[79] .

Халқ ғалаёнлари тобора шиддатли тус олиб, авжга чиқа бошлади. Қайси шаҳар ёки қишлоқда фармон эълон қилинса, ўша ерда қўзғолон кўтариларди. Масалан, 13 июль куни Жалақудуқ волостининг Суфи қишлоқ аҳолиси подшо фармонини эълон қилиш учун тўпланган, бошиданоқ оломон орасида шов-шув бошланади. Волость бошқарувчиси оломонга мардикорликка сафарбарликнинг мақсад ва тартибларини тушунтиради. Кейин улардан: "Мардикорликка боришга рози бўласизларми?" — деб сўраганида халқ орасидан: "Йўқ, мардикорларни бермаймиз!" — деган ҳайқириқлар эшитилиб, ғазабга тўлган оломон оилавий рўйхатларни ва китобларни талаб қила бошлаганлар[80] . Рўйхатларни келтириб беришгач, оломон уларни кўздан кечириб "бу бошқаси экан", — деб таёқ ва тош билан қуролланган ҳолда қўзғолонни бошлаб юборадилар. Оломон фармонни эълон қилган волость бошқарувчисининг мирзаси мулла Йўлдошмирза Сулаймонхўжаев, Қизилоёқ қишлоғи оқсоқоли Йўлдош Ҳаитбоев ва уларни ҳимоя қилганлардан Сафархўжа Қосимхўжаев, Абдулқосим Содиқхожиев, Носирхўжаларни тоза дўппослайдилар[81] .

Қўзғолон иштирокчиларидан бири Абдулқосим Йўлдошев уни шундай хотирлайди: "Бизнинг турар жойимиз Суфи қишлоғининг қўзғолон бўлиб ўтган кўчасида жойлашган эди. Шунинг учун мен қўзғолонни қай ҳолда бўлганлигини ўз кўзим билан кўрганман. Мен кўчадаги шовқин-суронни эшитиб чиққан эдим, бир тўда камбағалларни акам Исмоил Мадазимов бошчилигида Суфи қишлоғининг амалдорларидан бири Қорабой Эминни қувлаб кетаётганларини кўрдим. Шу ондаёқ мен ҳам уларга қўшилиб кейинги воқеаларда қатнашдим. Биз қишлоқнинг тўрт чорраҳа кўчасига келиб, амалдорларга қарши курашаётган камбағалларнинг катта тўдасига қўшилдик. Биз келгунимизча қўзғолончилар уларни (амалдорлар назарда тутилади — *Ж.И.*) бир нечтасини тош, таёқлар билан оломон қилиб, улдириб қўйган экан...

Бир неча соатлардан сўнг, чор ҳукуматининг аскарлари келиб қишлоғимизни остин-устун қилиб, кўп кишиларни қалтакладилар ва қамоққа олдилар. Тахминан 50 кишига яқин қўзғолончилар

қамоққа олинган эди... Суфи қишлоғида бўлган қўзғолонга атроф-теваракдаги қишлоқлардан ҳам кўп камбағаллар келган эдилар"[82] .

Суфи қишлоғидаги қўзғолоннинг яна бир иштирокчиси Усмонали Тўхтасинов уни шундай тасвирлайди: "Суфи қишлоғида бўлиб ўтган халқ қўзғолонида бир нечта атроф қишлоқларнинг, жумладан, Жалақудуқ қишлоғи аҳолисининг қатнашганлигини гувоҳиман. Бизнинг қишлоғимиз аҳолиси чор ҳукуматининг амалдорларига оғир ва турли хилдаги солиқларни тўлаганлар. Юқоридаги сабаблар ва мардикорликка олиш тўғрисидаги хабар Суфи қишлоғида қўзғолон кўтарилишига олиб келган эди. Бу ердаги қўзғолонда бизнинг қишлоғимиздаги камбағаллар қашшоқлашган ва хонавайрон бўлган Қаландаров Ёқуб бошчилигида фаол қатнашганларидан менинг хабарим бор эди. Қўзғолондан кейин бизнинг қишлоғимиздан камбағал деҳқон Холмат Худойбердиев, чоракор Хўжамберди Эгамбердиев, чоракор Тожиқул ва Қаландаров Ёқубларни солдатлар қаттиқ калтаклаб қамоққа олганликларини ўз кўзим билан кўрган эдим. Буларнинг ичидан Қаландаров Ёқуб чор ҳукумати томонидан осиб ўлдирилди"[83] .

Архив манбаларида келтирилган маълумотларга кўра, Суфи қишлоғидаги қўзғолонда Жалақудуқ қишлоғидан Мирзасултон Понсадов, Умрзоқ Исаев, Мулла Анорбой Тўхтабоев, Абдуқаюм Мадраззоқов, Хўжамберди Эгамбердиев, Сулаймон Турақулов, Холмат полвон Худойбердиев; Дунг қишлоғидан Шамсиддин Мадраимов, Оқчаохун Исмоилхўжаев; Оқбулоқ қишлоғидан Анорбой Йулдошдуванаев; Асака қишлоғидан Тиллабой Мамасодиқов; Андижон шаҳридан Мадамин Содиқмирзаев, Темирбой Қосимбоев, Тошмат Болтақориев; Суфи қишлоқдаги қирғизлардан Мазакирбой Мулламадраимов, Худойберди Понсад Нодирбоев; Урчи қишлоғидан Мадкарим Қушвоқов, Қутибой Шомирзаев, Сафарбой Ғойиббоев; Ингичка қишлоғидан Муллаабдулхалфа Муллатоиров; Қоратегинчи қишлоғидан Қипчоқбой Бекназаров ва бошқалар иштирок этганлар[84] .

Капа қишлоғидан Муллайўлдош Холназаров, Сотиболди Ҳожиев, Абдуҳошим Раҳмонқулов, Ҳайдарали Умаров, Абдухолиқ Раҳмонқулов, Тошмат Абдулқосимовлар бошқа шахси аниқланмаган кишилар билан биргаликда кечқурун тўпланишиб подшо фармонига қарши бош кўтарадилар. Қишлоқ оқсоқолининг мирзаси Умархўжа Мирзасултоновни мардикорлар рўйхатини тузишда айбладилар. Қўзғолон кўтарганлардан юқорида қайд этилган шахслар билан биргаликда жами 16 киши ҳибсга олинган[85].

13 июль куни Урмонбек қишлоғида ҳам ғалаён кўтарилиб, унда барча аҳоли иштирок этади. Қўзғолон иштирокчиларидан бири Йўлдош Мадазимов уни шундай тасвирлайди: "Биз жабр-зулм ўтказаётган чор ҳукуматига қарши қўзғолон кўтардик. Бутун қишлоқ аҳолиси кетмон, таёқ ва пичоқлар билан қуролланиб, озодликка чиқиш учун курашдик. Биз Довудбек элликбошининг уйига бостириб кирдик ва уни ўлдирмоқчи бўлдик, аммо бизнинг бу мақсадимиздан хабар топган Довудбек ва бошқалар қочиб кетган эканлар. Уларни бир неча соат қидириб топа олмадик. Урмонбек қишлоғида чор ҳукуматининг солдатлари қўзғолончиларни қўлга туширмоқ учун кўп ҳаракат қилди, аммо фаол қўзғолончилар ҳар томонга тарқаб кетган эдилар. Мен ҳам яшириниб эдим"[86] .

Норин волостининг Яшиқ қишлоғи оқсоқоли Муллаабдужалил Абдураҳмонов Илётон қишлоғида катта оломон тўдаси йиғилиб уни қидираётганини эшитиб, Тўда қишлоғига жўнаб қолди. Чунки оломон мардикорлар рўйхатини талаб қилишини у жуда яхши билар эди. Уни қўриқлаб Муминхўжа Турсунқулов билан икки ўғли Ҳайдар ва Акбар ҳам жўнадилар. Улар халқ қозиси Муллаюнусали Тўрақулов уйида тўхтайдилар. Эртасига 14 июль куни эрталаб Илётон қишлоғидан Усмон Алмонбоев бошчилигидаги 500 га яқин киши Тўда қишлоғига кириб келади. Усмон Алмонбоев оломонни оқсоқолнинг олдига бориб рўйхатни тортиб олишга ундайди, ҳамда "энди илётончиларни мардикорликка оладилар, сизлар бунга йўл қўйдинглар, бошқа жойлардаги аҳоли волость бошқарувчисими, оқсоқол ёки элликбошими барибир ўлдирдилар", — дейди. Унинг бу гапларини эшитган Муминхўжа Турсунқулов: "Сен нотўғри қилаяпсан, рус подшоси билан курашиш мумкин эмас", — деган. Бундан жаҳли чиққан Усмон Алмонбоев: "Бу менинг ишим, керак бўлса ҳозирнинг ўзидаёқ минг кишини тўплашим мумкин", — деб жавоб берган[87] .

Бир оз вақт ўтгач, халқ қозиси Тўрақуловнинг олдига оломон орасидан 5 киши, жумладан, Хушвақт Мусабоев ва Усмонқул Мавлонҳожиевлар бориб, оқсоқолдан рўйхатни беришни талаб қиладилар. Тўрақулов оқсоқолни қўшни ҳовлида эканлигини айтганда оломон ўша томонга юради. Шу пайт уйдан оқсоқол Абдураҳмонов чиқиб қолади. Уни кўрган оломон рўйхатни талаб қилиб, барибир ҳеч ким мардикорликка бормайди, деб бақира бошлайди. Усмонқул Мавлонҳожиев эса оқсоқолнинг қўлидан ушлаб, "оломон ичига тортинглар", деб ҳайқиради[88]. Хушвақт Мусабоев ва Усмон Алманбоевлар ҳам шу сўзларни қайтариб

бақирадилар. Маҳаллий аҳолидан Хонбўта Абдуқодиров оломонни бошқариб турган. Шу пайт халқ қозиси Тўрақулов оқсоқолни тортиб, ҳовлисига олиб киради. Бу ҳолни кузатиб турган Мўмин Турсунқулов оломоннинг бу ҳаракатини қоралаганда қўзғолончилар уни ўртага тортиб олиб, ура кетадилар. Отасига ёрдам бермоқчи бўлган Ҳайдар ва Акбар ҳам оломоннинг калтаги остида қолган. Хушвақт Мусабоев эса "Мўминхўжа ва унинг ўғилларини ур", деб бақиради[89] .

Илётон қўзғолонини оқсоқол Муллаабдужалил Муллаабдураҳмонов шундай тасвирлайди: "Мен уйдалагимда пешин вақтида бизнинг сувчимиз Муллабобо Ҳасанбоев келиб, менга Илётон қишлоғида (Яшиқ қишлоғидан 2 чақирим нарида) тупланган катта оломон мени сўраётганини айтди. Бу вақтгача мен аҳолини подшо фармонидан норози бўлиб, мендан рўйхатни тортиб олмоқчи эканликларини билмаган эдим. Аҳолининг рўйхати ҳар беш йилда бир марта тузилар эди, айни вақтда эса янги рўйхат тузилмаган, лекин охирги 3 йилдаги аҳоли сонига бир оз ўзгариш ва тузатишлар киритилган эди. Аҳоли эса бизни янги рўйхат тузган, деб ўйлади. Оломонга ишонмаганим учун тўғри Тўда қишлоғига йўл олдим. Кечқурун қишлоққа келсам, волость бошқарувчиси уйда йўқ экан. Танишим Гайназар Мулласаид Назаровнинг уйида қолдим. Эртасига уйдан чиқишим биланоқ оломонга кўзим тушди. Улар мендан тўхташимни сўрадилар. Шу вақт "Полвон" лақабли Усмон Мавлонҳожиев қўлимдан ушлаб "оломон орасига олиб кир", — деб бақирди... Мўминхўжа мени унинг қўлидан юлқиб олди ва мен қочдим"[90] .

Илётон қишлоғидаги ғалаёндан сўнг унинг иштирокчиларидан Хушвақт Мусабоев, Усмонқул Мавлонҳожиев, Усмонамин Алманбоев, мулла Хонбўта Абдуқодировлар ҳибсга олиндилар[91] . Шу тариқа Андижон уездидаги қўзғолонлар бир-бирига занжирдек уланиб кетди.

Мардикорликка олинувчилар рўйхатини тузиш маҳаллий маъмурият вакиллари — оқсоқол, элликбошиларга топширилганлиги, улар фармон ижросига шу тариқа ёрдам бергани учун халқ ғазабига учрадилар. Ғалаёнчилар зарбаси энг аввал шуларга, кейин эса уларни бостирган солдатларга қаратилди. Маҳаллий маъмурият бундан қўрқиб, ўз лавозимидан ҳам воз кечиб, қочиб кета бошлади. Ҳукумат маъмуриятни ўзига содиқ кишилардан тузишга киришди. Туркистон генерал-губернатори вазифасини вақтинча бажарувчи М.Р.Ерофеевнинг Андижонга жўнатган теле-

граммасида бу ҳақида шундай дейилган: “Андижон уездидаги маъмурий ҳаёт тизимини тиклаш учун дарҳол ҳал этувчи чоралар кўрилсин. Қочиб кетган маҳаллий маъмурият ўрнига ўз ҳукуматингиз орқали янгисини қўйинг... ҳозирча мен сизнинг ихтиёрингизга вилоят ҳарбий қўшинини юбораман...”[92] .

Жалақудуқ волостининг Кўтарма қишлоғи аҳолиси ҳам подшо фармонига қарши бош кўтариб, галаён бошлади ва қишлоқ оқсоқолини қидириб уйига бордилар. Уни тополмагач, уйини титкилаб, рўйхат изладилар, қариндошларидан оқсоқолни топиб беришни талаб қилдилар. Қўзғолон ташаббускорларидан 22 киши ҳибсга олинди[93] .

Андижон уездидаги Мойғир волости аҳолиси ҳам ғалаён кўтарди. Қўзғолонни бостириш учун Андижон уезди бошлиғининг ёрдамчиси 20 та казаклар билан етиб келиб, уни тарқатди[94].

Қўзғолончилар зарбаси дастлаб рўйхатларни йўқотиш ва уни тузганларга қаратилган бўлса, кейинчалик тобора кескинлашиб, мустабид ҳукумат қўшинларига қарши қаратила бошланди. Масалан, 14 август куни Андижондан 4 чақирим узоқдаги йўлда 15-20 кишидан иборат оломон отлиқ аскарларга ҳужум қилади. Улар ўт очиб қўзғолончиларни тарқатгач, оломон қамишзорга яширинади[95] .

15 август куни Қўштепа қишлоғидаги аҳоли ҳарбий қисмга ҳужум қилади. Тўқнашув натижасида аҳолидан 1 киши ҳалок бўлган[96] .

Шу тариқа халқ қўзғолонлари бутун Андижон уезди ва, умуман, водийни қамраб, вазият ниҳоятда кескинлашди. 1916 йил 18 июлда Фарғона ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус ҳарбий вазирнинг ёрдамчиси П.А.Фроловга қуйидаги ахборотни юборди: “Воқеанинг жадаллик билан ривожланаётганидан жуда хавфли аҳвол юзага келди. Ғалаёнлардан диний ва сиёсий мақсадларда фойдаланиш орқасида улар янада қизғин тус олишига шубҳа йўқ. Аҳволни фақат ҳуқуқи чегараланмаган ҳокимиятгина қутқариши мумкин... Вилоятда ҳарбий ҳолат эълон қилиниши ва шунга монанд менга кенг ҳуқуқ берилишини сўрайман. Фарғонани ғалаёнлардан ҳоли этиш учун бор кучни сарфлайман... бироқ вазият қатағон (репрессия) қўллашни, қишлоқлар ва шаҳардаги маҳаллаларни вайрон қилишни ва ерларни давлат фойдасига тортиб олишни тақозо этади. Бу ҳақида мен туб аҳолига мурожаатнома тарқатдим ва ўзимнинг даҳшатли чораларимни зарурият туғилса амалга ошираман”[97] . Ҳарбий губернаторнинг ушбу ахбороти

водийда, шу жумладан, Андижон уездида халқ қўзғолонлари чор маъмуриятини анча эсанкиратиб ва ваҳимага солиб қўйганини кўрсатади. Унинг фикрича, аҳвол шу даражада хатарли бўлганки, фақат одамларни шафқатсизларча қириш, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантириш билан қўзғолонларни бостириш мумкин бўлган. Ҳарбий губернаторнинг халққа қарата қилган дўқи ва қўрқитишларига қарамай, қўзғолонлар давом этаверган.

Масалан, Норин волостининг Хўжавот ва Полвонқул қишлоқларидан 1000 га яқин аҳоли таёқ ва тошлар билан қуролланган ҳолда Хўжавот оқсоқолининг уйини ўраб олиб, ундан рўйхатни беришни талаб қиладилар. Оломонни тинчитиш учун оқсоқолнинг қилган ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. Сунгра рўйхатни волость бошқарувчисидан олиб келишади, деб аҳолини чалғитиб, ўзи ёрдам чақиришга улгурди. Зўрлик билан етиб келган Норин волости бошқарувчиси ва солдатлар оқсоқолни оломон ўртасида кўрадилар. Бир неча ўқ узиш билан оломон тарқатилиб, қўзғолонни бошловчилардан 8 киши — Темурбой Абдувоҳитов, Жуланбой Мадраимқўрбошиев, Муҳаммадсаид Мадаминов, Раимберди Худойбердиев, Исматилла Диёрбоев, Иброҳим Абдувалиев, Раимберди Бердиқулов ва Барот Одилбоевлар ҳибсга олиниб, Андижондаги аристонлар уйига жўнатилган[98] .

Балиқчи волостининг Холмурод-Қўрғонча ва Қаландар-Қўрғонча қишлоқларидан 30 га яқин оломон элликбоши Эсонали Раимқуловни уйидан олиб чиқиб, уни аҳоли рўйхатини тузганликда, халқдан берухсат урушга ишчиларни юборишга розилик берганликда айблаб дўппос-ладилар. Рўйхатни талаб қилганларида элликбоши: "Менда рўйхат йўқ", — деб жавоб берди. Шунда таёқлар билан қуролланган оломон уни калтаклаб ўлдирди[99] .

Жўрабой Уста Тошев, Тўрабой Дўстматов (Қаландар-Қўрғонча қишлоғидан) ва Абдураҳмон Муллаҳусаинов, Орзиқул Мусабоевлар (Холмурод-Қўрғонча қишлоғидан) қўзғолоннинг ташаббускорлари сифатида ҳибсга олиндилар.

Оломон бу билан тинчимади. Улар Холмурод-Қўрғонча қишлоғидаги элликбоши Йўлдош Эркўзиевнинг уйига қараб йўл олдилар. Уни уйда йўқ эканлигини кўриб, муҳрни олдилар ва жиянни Урумбой Мадқобулҳожиевдан элликбошини топиб беришини талаб қилиб, уни дўпписладилар[100].

Қўзғолон бостирилгач, юқорида қайд этилган қўзғолончилардан ташқари Мадалим Эгамбердиев, Исҳоқ Ўрозбоев (Ўроз

Суфиев), Тожибой Муродов, Мусулмонқул Искандаров, Бойтўра Мадазимов, Йўлдош Мадазимов ва Ҳожимурод Азимовлар ҳам подшо фармонига қарши бош кўтариб, ғалаён уюштирганликда айбланиб, Туркистон ҳарбий округи судига топширилдилар[101] .

Қўзғолон иштирокчиси Йўлдош Мадазимов эса ғалаённи шундай тасвирлайди: "Холмурод-Қўрғонча қишлоғида қорақалпоқлар ва ўзбеклар яшаб деҳқончилик қилганлар... Қишлоғимизда Эсонали элликбоши бизни чор ҳукуматининг хизмати учун мардикорликка юбормоқчилиги билиниб қолди. Шундан кейин биз камбағал Тожибой Муродов, Жўра ва Орзиқул Матисов бошчилигида элликбошига қарши ҳужум қилдик ва Эсоналини ўлдирдик. Йўлдош элликбоши эса қочиб кутулди. Икки кундан кейин қишлоғимизга солдатлар келди ва 60 га яқин кишини қамоққа олди. Солдатлар қишлоқ аҳолисини, ҳатто аёлларни ҳам калтакладилар ва мол-мулкларимизни таладилар. Мен тўқайларда қочиб юрган эдим, аммо ўғлингни топиб берасан, деб кампир онамни қамаб қўйганларини эшитиб, ихтиёрий равишда ўзимни солдатларга топширдим. Мени Андижон турмасига қамадилар"[102] .

Андижон уездига қарашли шаҳар ва қишлоқларда кўтарилган қўзғолонларни ва умуман, халқнинг мардикорликка муносабати ва кайфиятини англашда уезд бошлиғи И.А.Бржезицкий ўз бошлиғига ёзган ахбороти муҳимдир. У қуйидагиларни қайд этади: "Туб аҳолининг ихтиёрий равишда император фармонини бажариши амри маҳол. Тинчлик ва осойишталик фақат мардикорликка олишгача давом этиши мумкин. Аммо уни бошлаш биланоқ қўзғолонлар яна кўтарилиши ҳеч гап эмас. Маҳаллий нуфузли кишилар халқ олдидаги ишончни шу даражада йўқотганларки, улар аҳоли билан мардикорлик хусусида сўзла-шишдан жуда қўрқиб қолганлар. Қўзғолончилар томонидан элликбошилар ва оқсоқолларнинг ўлдирилиши оқибатида қўрқув ва ваҳимага тушиб ўзларининг вазифаларини адо этишга ҳам тоқатлари қолмаган. Маҳаллий маъмурият вакиллари ҳаётдан шу даражада узоқлашиб кетганларки, ҳатто қўзғолонларни ким бошқараётганини ҳам билмайдилар. Халқ билан мардикорлик масаласи бўйича олиб борган тушунтиришларимизнинг барчаси беҳуда кетди.

Натижада ҳамон нотинчлик ва тўс-тўполон ҳукм сурмоқда. Вилоят ҳарбий губернаторининг ташаббуси билан ихтиёрий равишда мардикорликка сафарбар этиш ҳақида эълон берилган эди. Аммо бир неча кишиларгина ўз ихтиёрлари билан ариза берган эдилар, холос. Ваҳоланки, мардикорликка олинувчилар сони

10000 киши деб белгиланган эди. Мардикорликка ихтиёрий ёзилганлар эса илгари рус маъмурияти хизматидаги одамлар бўлиб, қишлоқ аҳолисидан битта ҳам ариза йўқ. Хужанд, Марғилон, Қўқон, Андижон, Тошкент, айниқса, Жиззахдаги қўзғолонлар умуман маҳаллий аҳолига ишониш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатди"[103] .

Уезд бошлиғи маҳаллий аҳолига ён босмай ва қулоқ солмай, ҳарбий ҳолатни жорий этиш ва аҳолини мардикорликка боришга мажбур қилиш учун қуйидаги чораларни таклиф этди:

1. Туркистон ўлкасидан шошилинч равишда барча руҳоний пешволарини ҳайдаб чиқариш;

2. Ҳарбий ҳолат вақтида халқ судларининг, яъни қозиларнинг фаолиятини тўхтатиш;

3. Ҳарбий ҳолат вақтида мадраса ва мактабларни ёпиш;

4. Тезликда ҳарбий дала судини тузиб, қўзғолончиларнинг ишини кўриш ҳамда уларнинг раҳбарларини барчасини осиб ўлдириш;

5. Аҳолига Жиззах қўзғолонининг нима билан тугалланганлигини маълум қилиш;

6. Шундан кейин ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанча одам юборилиши лозимлиги ва қайси вақтда жўнатилиши ҳақида кўрсатма берилиши керак;

7. Агар белгиланган муддатда мардикорлар юборилмаса, у вақтда ҳар бир шаҳар ва қишлоқларга жазо отрядларини юбориб, исёнчиларни отиш ва қишлоқларни вайронага айлантириш лозим;

8. Мардикорликдан бош тортган кишиларнинг ерлари давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Демак, уезд бошлиғи туб аҳоли устидан олиб борилаётган бусиз ҳам оғир сиёсатни янада кучайтириб, қандай бўлмасин, император фармонини зўрлик ва куч билан бажаришга эришишга ҳаракат қилади. У ҳукумат фармонини ваҳшийларча, қирғин ва вайронагарчиликлар билан бўлса-да, амалга ошириш йўли билан халкни жиловда қаттиқ ушлашга даъват этади. У, айниқса, руҳонийларга нисбатан чексиз нафратини изҳор этиб, уларни ватанига қайтмаслик шарти билан сургун қилишни сурайди. Бундай муносабат бежиз бўлмаган. Зеро, руҳонийлар, зиёлиларнинг илғор вакиллари қўзғолонда фаол қатнашиб ёки хайрихоҳлик билдириб турдилар, ҳукумат сиёсатига қарши тарғибот олиб бордилар.

Андижон уезд бошлиғи И.А.Бржезицкий император фармонини бажаришга ва ўзини кўрсатишга қаттиқ киришиб, Андижон шаҳар оқсоқоли Шерматмирзага маҳаллий юқори табақа вакилларининг қатнашувида мардикорлик масаласи бўйича волость бошлиқлари, оқсоқоллар, мингбошилар, қозилар, мударрислар ва имомларни йиғишни буюради. Шунга биноан унинг хонадонида жами 900 киши тўпланди[104]. Бу ерда император фармонини бажариш ва мардикорликка сафарбарликни уюштириш масаласи муҳокама қилинади. Даставвал оқсоқол Шерматмирза сўзлади: "Император фармони бажариладими, йўқми? Қўзғолонларни бартараф қилиб, масалани ҳал этадиган иккита йўл бор: бири, халқ тинчлик йўли билан ихтиёрий равишда мардикорликка боришга розилик билдириши, иккинчиси, маъмуриятнинг куч ишлатиш ва зўравонлик билан фармонни амалга ошириши".

Нотиқ Жиззах қўзғолонининг фожиали оқибатлари тўғрисида гапириб, масалани зўравонликсиз ва қон тўкишсиз ҳал этишга чақирди. Шундан кейин музокаралар бошланиб ҳар ким ўз фикрини айтди. Афсуски, бу фикрлар ҳужжатда берилмаган. Съездда қозилик судларининг бошлиғи, шаҳар депутати Мирали Умарбоев бошчилигида Миркомил Мўминбоев, Темирбек Аҳмадбеков ва Поншохўжалардан иборат вакиллар (депутация) сайланди. Уларни уезд бошлиғи қабул қилиб, суҳбат ўтказади.

Вакиллар мардикорликка олишни иложи йўқлигини уезд бошлиғига маълум қиладилар. Бу хусусида улар қуйидагиларни маълум қилишган: "Савдо ва пахтачилик билан шуғулланадиган аҳолини банк ва фирмалар олдида олган мажбуриятлари катта маблағни ташкил этади. Фарғонада ерни ишлаш ва буғдойни йиғиб олиш учун ўз ишчи кучи етишмайди. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли қашқарлик ва бухороликларни ишга ёллаганлар. Аҳолининг асосий қисмини айни дала ишлари қизиб турган бир паллада мардикорликка сафарбар қилиш аҳолининг ўз вақтида пахта ҳосилини йиғиб ололмаслигига ва банк ҳамда фирмалар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келади. Шуни назарда тутган ҳолда сафарбарлик муддатини кечиктириш ёки бўлмаса улар ўрнига сафарбарликка Қашғар ва Бухоро аҳолисини жалб этиш масаласини кўриб чиқиш лозим"[105].

Уезд бошлиғи маҳаллий аҳоли то подшо фармонига қарши тартибсизликларни тўхтатмагунча ҳамда Фарғона вилояти Олий фармонни муваффақиятли бажармагунча вазиятни юмшатиш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди ва қуйидагича

жавоб беради: “Подшо фармони фақат Россияга қарашли халқларга тегишли, қашқарлик ёки бухороликларга эмас. Фарғона вилоятининг 2 млн аҳолисига 50.000 ишчи бериш талаб этилган. Мардикорликка кетаётганлар эса бемалол ўз ўринларига далада ишлаш учун қашғар ва бухороликларни ёллашлари мумкин. Подшо фармони биз учун қонун, у сўзсиз ижро этилиши лозим, мен норози бўлаётган аҳоли билан энди гаплашмайман, қурол билан тартиб урнатаман, жабрланувчилар сони мени қизиқтирмайди. Эллик йил давомида маҳаллий аҳолининг туплаган миллионлаб маблағи бир сонияда йўқ бўлиб кетиши мумкин”[106].

Халққа уезд бошлиғининг бу жавоби етказилгач, Андижонда истиқомат қилувчи Исроилхўжа Тиллахўжаев халқни подшо фармонини бажармасликка, Андижондан ихтиёрий равишда мардикорликка бориш ҳақидаги мунозараларни тўхтатишга чақиради.

Уезд бошлиғи қўллаган чораларга қарамай, хавфли вазият ҳамда норозилик давом этди. Унинг ўзи аҳволни шундай изоҳлайди: “Маҳаллий аҳоли ҳамон тўлқинланмоқда, ички осойишталик ҳали кўрингани йўқ, аҳолининг кўпчилиги ўз мулкини бекитиб, шаҳардан қочмоқдалар. Савдогарлар ўз молларини шаҳардан олиб чиқиб кетиб, дўконларда арзимаган мол қолдирмоқдалар. Кўчаларда ҳаёт жонланмай қолган. Кишиларни қайтариш қийин бўляпти”[107]. Уезд бошлиғининг мазкур сатрлардаги маълумотларидан маълум бўлишича, Андижон уезди қўзғолон ва тўс-тўполонлар орқасида ниҳоятда хавф-хатарли аҳволга тушиб қолган. Шаҳар ва қишлоқлар ҳувиллаб қолган. Катта меҳнат ва машаққат ила етиштирилган пахта, ғалла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини йиғиштириш жуда қийинлашиб, уларнинг нобуд бўлиш ҳолати юзага келган. Буни яхши англаган маҳаллий нуфузли кишилар мардикорликка сафарбарликнинг муддатини узайтиришни маъмуриятдан сўраганлар. Лекин бу илтимос инобатга олинмади. Шунинг учун ҳам нуфузли кишилар орасида фармонга қарши зимдан нафрат уйғонган эди. Масалан, юқорида кўрсатилган депутация аъзоси миллионер Миркомил Мирмўминбоевни олайлик. У водийнинг ҳаётида салмоқли ўринни эгаллаганлиги учун у ҳақида бир оз тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Миркомил Мирмўминбоев 1860 йилда Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган бўлиб, маълумотларга қараганда, унинг 18 млн сўм маблағи, 5 та пахта тозалаш заводи, бепоён ерлари бўлган. У чор ҳукумати юргизаётган мустам-

лакачилик сиёсатига нафрат билан қараган, ўзининг Туркиядаги дўстларига йўллаган мактубларида "руслар бизни жуда хўрлаяптилар", деган иборалар бор эди. У халқнинг дарди ва алами билан яшаган. Ўзи туғилиб ўсган Андижоннинг мавқеини кўтариш учун шаҳарда мадраса, масжид, касалхона ва бошқа ободончилик ишларини амалга ошириш мақсадида ўз даври учун катта ҳажмдаги маблағни, яъни 500 минг сўмни ажратади. Аммо чор маъмурияти унинг обрўсининг ошиши ва халқнинг кўзини очилишидан қўрқиб, турли баҳоналар билан бу ишларни амалга оширишига рухсат бермади. Аксинча, чор маъмурияти унга туҳматлар уюштириб, қамади ва обрўсини тўкиш учун барча чораларни кўрди. Бу ҳаракатларнинг асосий сабаби, Миркомил Мирмўминбоевнинг миллатпарварлиги ва чор ҳукуматидан норозилиги билан боғлиқ эди.

У 1916 йил февраль ойида уч ойлик қамоқдан қутулгандан сўнг ҳам ўз шахтидан қайтмади. У императорнинг мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармонига қарши иш юритди. Қўқон, Марғилондаги нуфузли ва сирдош одамларига мардикорликка қарши чора кўришликни сўради. Масалан, Қўқондаги мингбошига йўллаган мактубида шундай деган: "Мардикорликка юбориш масаласи бўйича Қўқон шаҳрининг аҳолиси ва бойларига одамларни бермасликни қаттиқ маслаҳат беринг. Қўрқмангилар, Россиянинг аҳволи оғир, буни ўзим бориб кўрдим ва билдим. Менинг устимдан шикоят қилишганида ҳеч нарса қила олмадилар, чунки 150 минг сўм бериб қутулдим. Ҳозирги шароитда чор амалдорларига минг сўм берилса, улар хотини ва болаларини беришга тайёрдирлар. Энди биз учун "кусфуруш"ларнинг қонини ичадиган вақт келди. Андижоннинг ихтиёри менда. Бу хатнинг жавобини тезликда юбор"[108] .

Кўриниб турганидек, Миркомилбой чор ҳукумати, маъмурият вакилларининг кирдикорларини фош этиб, халқни қўзғолон кўтаришга даъват этган. Шу маънода унинг марғилонлик Саидмамат Эшонга ёзган хати ҳам диққатга сазовордир: "Маълум бўлсинки, сиз ўз халқингиз билан якдил бўлишингиз лозим. Мардикорлик масаласи бўйича қўрқмасдан одамларни бермасликни айтинг, чунки Россиянинг аҳволи жуда оғир. Менинг ишим бўйича ҳеч нарса қилиша олмади. Мен бўлсам, 150 минг сўм бериб қутулдим. Туркиянинг аҳволи яхши. Мардикорликка қарши қўзғолон кўтариш осон, фақат бирдамлик бўлса бас, ўқи ва жавоб бер, хатни махфий ушла"[109] .

Миркомилбойнинг қалбида истиқлол учун кураш жўш урар, шунинг учун ҳам у жадидлар билан биргаликда Андижонда "Шўрои исломия" партиясини ташкил этилишида фаол иштирок этганди.

Умуман олганда, маҳаллий юқори табақа вакилларининг кўпчилиги қалбида чор ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши бўлганлар. Чунончи, чор маъмуриятининг вакилларидан бири узининг бошлиғига ёзган рапортида "маҳаллий аҳоли, айниқса, руҳонийлар сиртдан бизга хайрихоҳлик кўрсатади, лекин уларнинг кўпчилиги кўнглида русларни душман ва золимлар сифатида қарайди. Олий ҳазрат императорнинг фармони қўзғолонларнинг кутарилишига сабаб бўлгани йўқ. У туртки бўлди, холос. Аслида, қўзғолонлар туб аҳолининг русларга (бу ўринда мустамлакачи Россия империяси назарда тутилади — *Ж.И.*) нисбатан душманлигидан юзага келди"[110] .

Ҳақиқатни ифода этувчи ҳужжат маҳаллий юқори табақа вакилларининг норозилиги ва нафратини яққол кўрсатади. Одатда, мадраса, масжид ва мактабларда император тилга олиниб, унинг шаънига "хутба" ўқиларди. Маъмурият текширганда Жомеъ масжидида "хутба" дастури йўқлиги аниқланди[111]. Бу намоз олдидан императорни улуғлаш ва унга яхши тилакларни изҳор этиш "ҳужжатсиз", яъни юзаки қилинганлигидан далолат беради. Бундай ҳолатнинг маъмурият томонидан қораланиши руҳонийларнинг амалда император номидан хутба ўқишга норози бўлганларини билдиради, албатта.

Подшо фармонига қарши чиққан ва аҳоли орасида чор ҳукуматининг сиёсатига қарши ташвиқот ишларини олиб борган маҳаллий аҳоли вакиллари аёвсиз жазоланган. Ана шундай шахслардан бири Исроилхўжа Тиллахўжаев бўлиб, у Андижондаги шаҳар йиғинида халқни подшо фармонини бажармасликка чақиради. "Аҳолини ҳаяжонлантирувчи мишмишларни тарқатгани учун" у чор маъмуриятининг қарорига биноан ҳибсга олинган[112] .

13 июль куни Чанкент волостидан қишлоқдаги чорва молларни рўйхатдан ўтказишдан бош тортган ва аҳоли тўпланишига сабабчи бўлган Мирзақул Боймирзаев, Мулламирза Йўлболдиев, Муллакулли Кебекбоев, Мулламуҳаммад Норалиев, Ўрмон Аттакуров ва Гойибберди Норматовлар Андижондаги қамоқхонага жўнатилади[113].

Норин волостида истиқомат қилувчи Усмонамин Алмонбоев ва Муллахонбўта Абдуқодировлар эса аҳолини армия учун отларни

етказиб бермасликка ундагани ва "қишлоқ оқсоқоллари рўйхатга ўзлари хоҳлаган одамларини ёзаяптилар", деган гапларни тарқатганликда айбланиб, ҳибсга олинадилар[114] .

Андижон шаҳрида яшовчи бозор қоровули Тожихўжа Султонхўжаев эса аҳоли орасида "мардикорликка бормай, унинг ўрнига пул тўлови билан қутулса бўлар экан", деган гапларни тарқатгани учун жазоланган[115] . Подполковник Розалион-Сошальскийнинг хабарида ҳам ана шундай ташвиқотчилар ҳақида ахборот берилган. Унда маълум қилинишича, Норин волостининг Кайкин қишлоғидан бўлмиш Хўжамуҳаммад Саидаҳмад Эшонов 1898 йилги Андижон қўзғолонида иштирок этган. Унинг уйида турли йиғилишлар бўлиб турган ва унда мардикорликка сафарбарлик ҳаракатларига қарши чиқиш масалалари муҳокама этилган. Далварзин қишлоғида истиқомат қилувчи Мирза Сайфиддинов ва унинг икки ўғли ҳам полиция томонидан таъқибга олинган. Улар ҳам аҳоли ўртасида подшо фармонига қарши ташвиқот ишларини олиб борганлар.

Туркистон райони муҳофаза бўлимида Андижон уездидаги аҳолини ғалаён кўтаришга ундаётган ва улар орасида подшо фармонига қарши ташвиқот ишларини олиб бораётган шахслар алоҳида рўйхатга олинганлар. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мадаминхўжа Абдуллахўжаев (Андижон шаҳри)
2. Мадраимхўжа Имом (Андижон шаҳри)
3. Миркомил Мирмўминбоев (Андижон шаҳри)
4. Гадим (Андижон шаҳри)
5. Убайдулла Махсум — Андижон тузем мактаб ўқитувчиси
6. Аҳмадхўжа Иброҳимбоев (Андижон шаҳри)
7. Муродали Шакаров (Асака станцияси)
8. Абдулла Қодирҳожи — Андижон шаҳри Уйлик оқсоқоли
9. Хўжа Фозилбоев — оқсоқол
10. Султонмаҳмуд Холботиров — оқсоқол
11. Аҳмадбекҳожи — оқсоқол
12. Пошшохўжа Умархўжаев — оқсоқол
13. Лутфулла Махсум Қосимов — оқсоқол
14. Ёқубалихўжа Ҳожибоев — оқсоқол
15. Рузиохун Назарбоев — оқсоқол
16. Мулла Исҳоқ Халифаев — оқсоқол
17. Абдураҳмон Тоирбоев — оқсоқол
18. Ҳожимуҳаммад Саидаҳмад Эшонов — Кайкин эшони, Норин волости

19. Шамсиддин Мирза Сайфиддин ва унинг икки ўғли (Далварзин қишлоғи)

20. Тошкентлик эшон

21. Эшон (Найнов қишлоғи, Хонобод волости)

22. Ёрбоши қишлоғи мулласи

23. Сочи ошоқ қария, ташвиқотчи (Найнов қишлоғи)[116] .

Андижон уездидаги қўзғолонларнинг акс-садоси шаҳардаги рус савдо-саноат вакилларини ҳам ташвишга солиб қўйди. Вақтинчалик Фарғона вилоят ҳарбий губернатори вазифасини ўтаб турган полковник П.П.Иванов бошчилигида 3 августда ўтказилган кенгаш кун тартибига қуйидаги 4 масала қўйилган:

1. Рўй берган ҳодисаларнинг сабаби нима?

2. Нима учун туб аҳоли ҳозир тинчланди?

3. Мусулмонларнинг ихтиёрий равишда мардикорликка бориши мумкинми?

4. Маҳаллий аҳолида ватанпарварлик руҳи (бу ерда Россияга садоқат назарда тутилган – *Ж.И.*) борми?[117]

Йиғилишда биринчи масала бўйича анча музокаралар олиб борилди. Йиғилганларнинг кўпчилиги қўзғолон сабабини "подшо фармонини халқ нотўғри тушунганлигида" деб таъкидладилар. Баъзилар эса фармон эълон қилинганида халқнинг яшаш шароити ҳисобга олинмаганини тан олдилар. Бошқа сўзга чиққанлар эса бу "панисломчиларнинг тарғибот ишлари маҳсулидир", деб уқдирдилар. Лекин бу фикрни исботлаб берувчи бирорта ҳам далил келтира олмадилар.

Иккинчи масала бўйича муҳокамада эса аҳолининг нисбатан тинчланиши маъмурият қўллаган чораларнинг оқибати эканлиги таъкидланди. Уларнинг фикрича, "Жиззахдаги қўзғолонга қарши қаратилган қатағонлар, аёвсиз жазолар туб аҳолига Россиянинг куч-қудратини намойиш этган".

Учинчи масала бўйича (мусулумонларнинг ихтиёрий равишда мардикорликка бориш ёки бормаслиги масаласи), энг аввало, уларнинг яшаш шароитлари ва иқтисодий сабабларга боғлиқлиги аниқланди. Маълум бўлишича, ихтиёрий равишда мардикорликка ёзилаётганлар асосан қиморбоз, кўкноричилар ва қашшоқлардан иборат эди[118] .

Тўртинчи масала бўйича, яъни вилоятда ватанпарварлик руҳи борми ё йўқми, саволига салбий жавоб берилди ва маҳаллий халқ Россияга қаршилиги таъкидланди. Баъзи шаҳарларда мардикорликни ёқлаб ўтказилаётган намойишлар халқнинг ҳақиқий хоҳиш-

иродасини акс эттирмай, фақат алдамчиликдан иборатдир, деган хулосага келдилар[119] .

Мазкур берилган жавобларга Андижон шаҳридаги нуфузли кишилар имзо чекканлар. Улар орасида стат маслаҳатчи Исаенко, шаҳар депутати Лензин, солиқ инспектори Якстир, Сибирь савдо уйи вакили инспектор Самсоновский, Бешбош савдо саноат фирмаси бошлиғи, тиш доктори Раубаум-Вайлашников, инженер Томагиевский ва бошқалар бор эди.

Архив манбаларидан маълум бўлишича, андижонликлар Еттисувдаги қозоқлар билан биргаликда курашишга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Андижон уездининг таржимони Сулаймон Келгинбоев Еттисувдаги қўзғолон бошлиқлари ҳузурига нотариуснинг собиқ таржимони Ҳаққулни ва бир қариндошини юборишга тайёргарлик кўрган. У ўз одамлари орқали Андижон аҳолиси Еттисувдан қўзғолончиларнинг келиб, чор ҳукуматидан озод бўлишда ёрдам берилишини сабрсизлик билан кутаётганликларини маълум қилмоқчи бўлган. Сулаймон Келгинбоев Андижон уездининг бошлиғи полковник Полюдов бошчилигидаги қўшин билан биргаликда қўзғолонни бостириш учун Еттисувга борганида бу ерда Макслдин волостининг бошлиғи Сақбий билан махфий равишда суҳбатлашали. Улар Фарғонадаги воқсалар ҳақида маълумот беришни сўраганлар. Сулаймон Келгинбоев Андижон билан Еттисув қўзғолончилариаро алоқа ўрнатилишида воситачиликни бўйнига олган. "Андижон аҳолиси,— деб ёзади Туркистон район хавфсизлик бўлимининг бошлиғи, — кейинги вақтларда ҳақиқатан ҳам Еттисувдаги қўзғолонга катта қизиқиш билан қарамоқда. Аҳоли Еттисув қозоқларидан чор ҳукуматидан қутулиш учун ёрдам беришларига умид боғламоқда. Сулаймон Келгинбоев ўзининг ишончли кишиларини Еттисувга юборишга муваффақ бўлган"[120] . Аммо бу тадбирнинг нима билан тугалланганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Шунга қарамай айтиш мумкинки, андижонликларнинг четдан ёрдам олиш нияти эҳтимолдан ҳоли бўлмаган.

Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: Император Николай II нинг туб аҳолини мардикорликка олиш ҳақидаги фармони зулм ва адолатсизлик гирдобида яшаётган андижонликларни курашга отлантирди. Бу кураш даставвал Андижон шаҳрида бошланиб, унинг таъсири уезддаги барча қишлоқларни қамраб олди. Бу ерлардаги қўзғолонларда аҳоли чор ҳукуматига қарши ғазаблари ва нафрат-

ларини ошкора намоён этдилар. Қўзғолонлар уезд таркибидаги Далварзин, Чуама, Чужа, Донқайма, Чек-Офтобачи, Капа, Туда, Султонобод, Хўжаобод, Полвонқул, Суфи, Андижон, Қаландар-Қўрғонча, Бобоғозий, Яшиқ, Кўтарма, Чоқон каби қишлоқларида аланга олди.

Бу қўзғолонлар шаҳарда кўтарилган қўзғолонларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди. Катта қишлоқларда қўзғолон қизғин тус олиб, маъмуриятни эсанкиратиб қўйди. Шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам қўзғолончилар билан ҳарбий қисмлар ўртасида қонли тўқнашувлар содир бўлди. Бир нечта кишилар ўлди ва яраланди. Андижон қўзғолонининг акс садоси водийнинг кўп жойларига тарқалди.

2.2. НАМАНГАН УЕЗДИДАГИ ҚЎЗҒОЛОНЛАР

Наманган уездининг ҳудуди 15273 *кв км* ни ташкил этиб, унинг таркибига 28 та волость ва Наманган шаҳри кирган[121] . Халқ ғалаёнлари Наманган уездининг деярли барча волость ва қишлоқларига ёйилган.

Халқ қўзғолонлари Наманган уездида ҳам қизғин тус олиб, дастлабки қўзғолон Наманган шаҳарида 11 июль куни бошланди. Архив ҳужжатларининг кўрсатишича, шаҳарнинг марказий қисми – Курашхона майдонида бир неча минг киши йиғилган. Уларнинг орасида аёллар ҳам бўлиб, оломоннинг олдинги сафларида турганлар[122] .

Наманган уездидаги капитан Румянцевнинг гувоҳлигига кўра, қўзғолон эрта билан соат 8 да бошланган. Оломон маъмурият вакилларининг гапларига қулоқ солмай, шовқин кўтара бошладилар. Шу вақтда солдатлар етиб келиб, бир оз бўлса-да, оломон орасидаги осойишталикни сақлаб турган. Лекин қўзғолончиларнинг нафрати ва ғазаби сўнмай, "солдатлар кетса биз ҳам тарқаламиз", деган ҳайқириқлар эшитилган. Шунга биноан солдатлар орқа томонга олинса-да, аммо қўзғолончилар мардикорларнинг рўйхатини беришни ва рўйхат тузишни тўхтатишни талаб қилганлар. Румянцевнинг тинчланиш борасидаги чақириғи ва қурол ишлатиш ҳақидаги дўқлари ёрдам бермади. Аксинча, оломон янада кўпроқ ғазабга тўлиб солдатлар ва полиция ходимларига ташланиб, уларнинг қуролларини тортиб олишга ҳаракат қиладилар. Шундан сўнг, Румянцев милтиқ ва пулёмат билан қуролланган солдатларга ўққа тутиш ҳақида буйруқ беради. Қонга беланган

оломон орасида 60 га яқин киши ўлган ва яраланган[123]. Бошқа ҳужжатда ўлганлар 50 киши деб кўрсатилган[124]. Шунингдек, 16 киши ўлдирилганлиги ва 30 киши ярадор бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот бор[125].

Қўзғолон вақтида шаҳар кўчаларида оломон тўпланаётган эди. Оломоннинг куч-қудратини, қўзғолончиларнинг иродасини ҳеч қандай ўқ отишлар ва дўқлар синдира олмади. Улар оқсоқоллар, қозилар, полиция хизматчилари, умуман, чор маъмуриятининг барча мансабдорларини ўлдирамиз, деб бақирардилар.

Маълум бўлишича, қўзғолондан олдин эрталаб соат 7 да эркак ва аёллардан иборат оломон мардикорликка олинувчилар руйхатини талаб қилиб Лаббайтоға қишлоғи оқсоқолининг хонадонига борганлар. Бироқ оқсоқол оиласи билан қўшниларнинг ҳовлиси орқали қочишга улгурган[126] . Бу қўзғолонга доир бошқа маълумотлар ҳам мавжуд. Қўзғолонни бостиришда иштирок этган прапоршчик Орбеловнинг айтишича: "Аҳоли пулемётлар ва милтиқлардан икки марта ўққа тутилди. Ҳар бир отишмада 15 тадан 94 мартагача ўқ отилди"[127] . Отишмадан сунг, аҳоли ерга ётиб олди. То оломон тарқалмагунча, жазо отряди ҳам 2 соат давомида майдонни тарк этмади[128] .

Шу куниёқ Наманган гарнизони бошлиги округ ҳарбий қўмондонлигига: "11 июль куни Наманганда жуда улкан оломон тўдаси ҳар қандай дўқ-пуписаларга қарамай, қурол ва пулемётларга ёпишдилар.Шунда қурол ишлатишга тўғри келди. 12 киши ўлди ва 38 киши яраланди", деган мазмунда телеграмма жўнатди[129] .

Қўзғолоннинг ташаббускорлари Абдураҳмон Розиқбоев, Йўлдошхўжа Исмоилхўжаев, Бойхонбой Йўлдошмирзаев, ака-ука Мулла Усмонқори, Маҳмуд Зокиров, Мамасодиқ Маҳмудбоев, Юнусбой Ёқуббоев, Дадабой Орифбоев, Абдуазиз Суфиев, Жалолиддин Увайсов, Муллаабдуқодир Мусабоев, Тошпўлат Базилбоев, Шарифхўжа Отабоев, Нуриддинҳожи Мақсудҳожиев ва бошқалардан иборат бўлиб, улар доимо қўзғолоннинг олдинги сафида бўлганлар[130] .

Қўзғолон вақтида ярадор бўлган ва ҳалок бўлганларнинг кўпчилигини аҳоли иложи борича ўзи билан олиб кетишга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам манбалардаги ярадор ва ҳалок бўлганларнинг сонини аниқ кўрсатиш анча мушкул, лекин бу талафот аянчли ва бешафқат бўлгани айни ҳақиқатдир. Қўзғолонда кўплаб аёллар иштирок этганлар. Улар орасида ярадор бўлганлардан Қози Гузар маҳаллалик Умринисобиби Алихонбоева ва ҳалок

бўлганлар орасида Ҳурматбиби Ниёзбоевалар ҳам бор эди[131] .

Чор маъмурияти "маҳаллий аёлларнинг бош кўтариб чиқиши шариатга тўғри келмайди", деб ваъзхонлик қилди[132] .

Наманганда 2-участка судьясининг хабар беришича, Ортиқбой Абдурасулов дўкондорларга тезда дўконларини ёпиб, Курашхона майдонига боришга чақирган. Нуриддинҳожи Мақсудҳожиев эса кўзғолон вақтида оломоннинг олдинги сафларида борган[133] .

Шарифхўжа Отабоев, Ёқубжон Абдураззоқбоевлар эса эски шаҳар бўйлаб аҳолини Курашхона майдонига боришга даъват этиб юрганлар[134] .

Полиция пристави Федоровнинг берган маълумотида, кўзғолончилардан Маҳмуд Зокиров ва Мамасодиқ Маҳмудбоевлар кўзғолонда фаол иштирок этганлар. Ғалаён вақтида Маҳмуд Зокиров полициячи Мирзаевнинг револьверига ташланиб: "Сен городовой маош оласан, сени ўлдириш керак, менинг охирги ўғлимни солдатликка тортиб олишмоқчи", деб дўқ урган. Унинг ёнидаги Мамасодиқ Маҳмудбоев эса уни қўллаб-қувватлаган[135] .

13 июль куни эса, полковник Колюхов император Николай II га Наманган кўзғолони ҳақида қуйидаги телеграммани жўнатади: "Наманганда 3-4 минг кишилик оломон тўпланди ва соат 7 дан 15 минут ўтганда рота чақирилди, 16 киши ўлди ва 30 киши яраланди"[136] .

Туркистон район муҳофаза бўлимининг ёрдамчиси Розалион Сошальский томонидан тузилган ахборот ҳам кўзғолон ҳақидаги тасаввурни янада бойитади. Унинг айтишича, 11 июль куни эрталаб соат 8 да Наманган шаҳрида бошланган кўзғолонда бир неча минг киши қатнашган. Унда ўзбек аёллари салмоқли ўринни эгаллаб, эркаклар билан биргаликда ўз нафрати ва ғазабини изҳор этган. Маъмурият вакилларининг аҳолини тинчитишга қаратилган ҳаракати ва ҳарбий қисмни ишга солиш ҳақидаги дўқларининг ҳеч фойдаси бўлмаган. Аксинча, оломон янада қизишиб ҳужумга ўтган. Улар "ур!" деб бақиришиб, солдатларнинг қуролларига ташланганлар[137] . Ҳарбий қисм командири прапорщик Орлов буйруғи билан милтиқ ва пулемётлардан қўзғолончиларга қарата ўқ узилган. Натижада 50 киши ўлдирилган ва яраланган. Оломоннинг бир қисми ўқ узилгандан кейин ҳам тарқалмай, волость бошлиқларини, оқсоқолларни, судьяларни ва полициянинг ҳаммасини ўлдирамиз, деб бақиришган. Улар икки соат давомида шу тарздаги сўзларни бақириқ-чақириқ билан изҳор этиб турганлар[138] .

Архив ҳужжатларида қўзғолон вақтида ўлдирилган қуйидаги кишиларнинг номлари сақланган (7-жадвал).

7-жадвал

№	Исм ва фамилияси	Яраланган
1.	Абдужаббор Муҳаммад Салимбоев	чаккасидан
2.	Юсуфбой Заитбоев	кўкрагидан
3.	Қосимбой Расултоев	қулоғидан
4.	Ҳасанбой Йўлдошбоев	бошидан
5.	Мирали Абдуазизҳожиев	буйнидан
6.	Муҳаммадбек Юсуфбоев	биқинидан
7.	Охунбой Давлатбоев	биқинидан
8.	Абдукарим Мирзабоев	биқинидан
9.	Қорабой Юсуфбойсуфиев	қулоғидан
10.	Ғани Магзулотабоев	қовуғидан
11.	Номаълум: кўк халатда, 35 ёшларда, мўйлови бор	кўкрагидан
12.	Номаълум: оқ кўйлакли, ўрта бўйли, 24-25 ёшларда, соқоли бор	буйнидан
13.	Акромбой Ибрагимбоев	буйнидан
14.	Абдураззоққожи Расулбоев	буйнидан
15.	Боситхон Соқибоев	кўкрагидан
16.	Исмоилжон Ибрагимбоев	кўкрагидан
17.	Ботирхўжа Маъруфхўжаев	қовуғидан
18.	Дадахон Иномбоев	биқинидан
19.	Каримбой Мирзабойсуфиев	кўкрагидан
20.	Миразиз Қурбонбоев	бошидан
21.	Йўлдошбой Дадабоев	кўкрагидан

Аммо бу манбаларда ҳалок бўлганларнинг аниқ сони қайд этилмаган[139] .

Қўзғолоннинг эртасига 12 июлда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус Наманган шаҳрида нуфузли кишиларни тўплаб, мажлис ўтказди. У мардикорлик рўйхатини тузишга доир масалаларни тушунтириб, умумий рўйхат тузмасликни буюрди. Сунъий суғориш ишларига, яъни ҳашарга одамларни қандай жалб этилаётган бўлса, шу тарзда иш юритишни айтган. Бунга кўра

ҳар олти хонадондан бир киши мардикорликка олиниши лозим эди. У шу тариқа вазиятни юмшатиб, император фармонини иложи борича тинчлик йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилди[140]. Аммо кўп ўтмай, у ўз фикридан қайтишга мажбур бўлди. Чунки маъмурият вакилларидан бирининг "рўйхат тузишни тўхтатиши ҳукуматнинг тайинсизлик ва қатъиятсизликда айбланишига олиб келиши ҳамда унинг мавқеига путур етказиши мумкин", деган фикрлари А.И.Гиппиусга таъсир этди.

10 июль куни Шўрқўрғон қишлоғига етиб келган қишлоқ ҳўжалиги бўйича рўйхат қилувчи статистик гуруҳ 11 июль куни эрта билан ўз ишини бошлади. Пешинга яқин волость бошқарувчисининг маҳкамаси олдида оломон йиғила бошлади ва масжидга қараб юрди. Бир оздан сўнг у ердан 300-500 атрофидаги киши бошқарма томон шовқин билан келиб, волость бошқарувчисидан мардикорлар рўйхатини беришни талаб қила бошладилар[141]. Шунда волость бошқарувчиси Тожибойхўжа Жамолиддинов рўйхат маҳаллий оқсоқолда эканини айтганда, оломоннинг бир қисми уша заҳоти волость бошқарувчиси билан биргаликда оқсоқолнинг уйига борадилар ва ундан рўйхатни тортиб олиб, йиртиб ташлайдилар. Кейин эса улар волость бошқарувчисидан барча оилавий рўйхатларни талаб қила-дилар. Оломоннинг ғазабидан қўрққан волость бошқарувчиси пастга қараб битта оилавий рўйхат китобини иргитади. Оломон бирпасда уни йўқ қилиб ташлади. Бундан ҳам қониқмаган қўзғолончилар статистик гуруҳнинг рўйхатларини талаб қила бошлайдилар. Бу рўйхат ҳам оломонга берилди ва бир зумда улар томонидан бурда-бурда қилиб ташланди. Сўнгра аҳоли орасидан "рўйхат тузган волость бошқарувчисини ўлдириш керак", деган хитоб янгради ҳамда улар болохонага чиқиб у ердаги волость бошқарувчисини дўппослаб, болохонадан ташлаб юборгандилар[142]. Шундан сўнг аҳолининг бир қисми у ердаги статистик гуруҳ аъзоларини дўппосладилар. Пастдаги оломоннинг қолган қисми эса тўғри волость бош-қарувчисининг уйига қараб жўнади. Унинг уйига бориб, у ерда сақланаётган барча ҳужжатларни йўқ қилиб ташлайдилар[143].

Наманган шаҳридаги 2-даҳанинг пристави Грабарчук Наманган уезди бошлиғига ёзган рапортида қўзғолонни қуйидагича тасвирлаган: "...болохонани ураб олган 1000 га яқин оломон волость бошқарувчиси Тожибойхўжадан рўйхатни беришни талаб қилдилар. Болохонадаги мулозимлар зудлик билан пастга қараб бўш бланкаларни улоқтирдилар. Волость бошқарувчиси оломон олдига

чиқмаганлиги сабабли аҳолининг бир қисми болохонага бостириб чиқди. Юқоридан ташланган ҳужжатлар, рўйхатлар аҳоли томонидан ёқилди. Ёнаётган рўйхатларни кўрсатиб аҳоли Петровга "Қандай яхши-а", деб мурожаат қилди. Халқнинг қаҳридан қўрққан амалдор Петров уларнинг ҳаракатини олқишлашдан бошқа иложи йўқ эди"[144] .

Аҳоли қишлоқ оқсоқоли Пулатбой Муҳаммадхолиқов уйига борди. Улар қишлоқ оқсоқолидан мардикорлар рўйхатини беришни талаб қилдилар. Оқсоқол рўйхатни берди-ю, ўзи кўздан ғойиб бўлди[145] . Қўзғолон пешин соат 3 да бошланиб 6 ларгача давом этди. Қўзғолон бошланишидан аввал волость бошқарувчиси Бешкапа оқсоқоли Келдибой Эгамбердиҳожиевни Марғилон йўлидаги телеграф симларини қай аҳволда эканини билиш учун жўнатган эди. Болохонадан тушиб келган оломон оқсоқолни кўриб қолиб, дуппослай кетди. Улар орасидан зўрға қочиб қутулди. Қишлоқ марказидан 2-3 чақирим нарида унга яна 6 киши ҳужум қилади ва ундан муҳр, вексел ва пул ҳужжатларни тортиб оладилар[146] .

Қишлоқ хўжалиги бўйича статистик гуруҳнинг инструктори Н.И.Чернов қўзғолоннинг шахсан гувоҳи сифатида шундай тасвирлайди: "Менинг 4 кишидан иборат отрядим 11 июль куни эрталаб Капа волости бош-қарувчисининг буйруғи билан тўпланган оқсоқоллар ва элликбошилар билан учрашиши керак эди. Капа волос-тининг оқсоқоллари солиқ китоблари ва аҳолининг рўйхати билан келдилар. Соат учларгача ҳаммаси яхши эди. Шу вақтда элликбошилар келишлари лозим эди. Лекин уларнинг ўрнига соат учларга яқин аҳоли тўплана бошлади. Бирпасда 300 га яқин оломон тўпланди. Мен шунча одамни йиғилиши яхшиликка олиб келмаслигини сездим. Кейин волость бошқарувчисини чақиришларини сўраб, баланд овозда норозилик билдирдим. Шунда оломон индамасдан ўрнидан туриб, масжидга кириб кетди, улар орқасидан волость бошқарувчиси ҳам кетди. Бир оз ўтгач, волость бошқарувчиси қайтиб чиқди. Мен унга тезроқ отларни беришини ва бизларни жўнатиб юборишини илтимос қилдим. У эса "бу оддий ҳодисалардан бири, ҳаммаси яхши бўлади", деб мени тинчлантирди. Оломон ёшларни мардикорликка жўнатишга қарши бўлаётганини тушунтирди. "Агар бирор ҳодиса юз берса, биз қурол билан уларни тинчитамиз", деб бизларни тинчлантирди. Шу вақт оломон масжиддан чиқиб, биз томонга шовқин солиб кела бошлади. Улар оилавий рўйхатларни беришни талаб қилдилар. Волость бошқа-

рувчиси ва бизнинг гапимизга қулоқ солмадилар. Шунда биз рўйхатларни ташладик. Оломон яна рўйхатларнинг нусхаларини талаб қилди. Мен тоза бланкаларни ташлашни буюрдим. Буларнинг ҳаммаси бирпасда оломон томонидан йиртиб ташланди. Бизнинг қуролсиз эканимизни билган оломон болохонага бостириб чиқди. У ерда волость бошқарувчисини дўппослай бошладилар. Волость бошқарувчиси мен томон йиқилаётган вақтда мени ҳам сиқиб кела бошладилар. Шунда мен болохонадан кўчадаги оломон устига сакрадим ва кўприк томон қочдим..."[147]

Бўлиб ўтган қўзғолон ҳақида шаҳарга ҳеч ким хабар бера олмади. Наманган уезди бошлиғининг буйруғига биноан Наманган шаҳри 2-даҳа полиция пристави Грабарчук зудлик билан соат кеч 9 да Шўрқўрғонга етиб келди. Қишлоқ гузаридаги 2 та чойхона олдида 100 га яқин киши турар эди. Улар приставни кўришлари биланоқ дарҳол яшириндилар. Полиция дарҳол қўзғолон ташаббускорларини қидириш ишларини бошлаб юборди. 11 июлдан 12 июлга ўтар кечасидаёқ қўзғолонда фаол иштирок этганлардан Муҳиддинбой Миркаримбоев, Отамирза Бойбобоҳожиев, Муҳаммадали Маматқулов, Абдураҳмон Муҳаммадюсупов, Эргашхўжа Шерматхўжаев, Мулламаматқул Хўжамбердиев, Маматюнус Уста Нурматов, Нишонбой Худойбердиев, Асланбой Умарбоевлар ҳибсга олинадилар[148].

14 июль куни эса Хужаназар Маллабоев, Маллабой Эрназарбоев, Пирназар Ғойиббой Назарбоевлар, 15 июль куни эса Пулдошбачча Алимбоев, Раимбой Саидбоев, Мулла Тўйчибой Раимбоев ва бошқалар ҳам ҳибсга олинган. Булардан ташқари Муллақўшоқ Раимбоев, Саидбой Хўжамбердиев, Муҳаммад Уста Ҳаитбойҳожиев, Нишонбой Худойбердиев, Мадраим Бобохўжаев, Тўрғунбой Отабоев ва бошқалар ҳам ҳарбий судга топширилганлар[149]. Умуман, қўзғолондан сўнг 120 киши қўзғолонда иштирок этганликда айбланди[150].

12 июлда Қуйи Олмос қишлоғида эркак ва аёл қўзғолончилар оқсоқол Ниғматилла Мирзаалибоевни дўппослаб, мардикорлик рўйхатини тузишга йўл қўймадилар. Шовқин-сурон солаётган оломоннинг қаршисига югуриб борган қоровулни кўрган қўзғолончилар уни ўртага олиб дўппосламоқчи бўладилар. "Ур уни!" — деб унга ташландилар. Қоровул дарҳол револьверидан ўқ узиб, ўзига йўл очди ва қочишга улгурди. Аввал у Юқори Ашт

қишлоғидаги уйига борди, у ердан отга миниб Поп қишлоғига қочиб қолди[151]. Шундан сўнг қўзғолончилар тарқалди. Аммо бу билан кураш тўхтамади.

Қуйи Олмос қишлоғи аҳолиси 17 июль куни яна катта ғалаён кўтарди. 500 га яқин оломон Ашт волостида мардикорлар рўйхатини тузган Мадмуса Тошматов, Уста Мирзашариф Адинбоев ва Юқори Ашт қишлоғи оқсоқоли Раҳмонназар Айитбоевларни ўлдирди. Бундан ташқари волость бошқарувчиси ва оқсоқолнинг уйи батамом остин-устун қилиб, барча китоб, ҳужжат ва қоғозларни йўқ қилиб ташладилар[152].

13 июлда Терговчи волостидаги Чиндовул қишлоғининг аҳолиси бош кўтарди. Бу ердаги қўзғолон ниҳоятда шиддатли бўлиб, 1000 га яқин оломон қўзғолон бошлади. Улар шовқин-сурон билан пристав Блатдан мардикорликка бормасликларини изҳор этиб, рўйхатларни беришни талаб қилдилар. Блат подшо фармонини тушунтириб, оломонни тинчланишга чақирди. Қўзғолончилар орасидан: "Мардикорликка бормаймиз, бизлардан солиқлар ва отларимизни олдилар, энди одамлар ҳам олинадими?" деган хитоблар эшитилди. Улар пристав Блатни ўраб олиб ўлдирмоқчи бўлдилар. Лекин у рўйхатни бериб, тўппончадан ўқ узиб қочишга улгурди. Қўзғолончилар эса волость идорасини бузиб, ҳужжатларни қўлга киритдилар. Бу ишларнинг бошида Эшон Понсад Бурхонов, Исмоилхўжа Бурхонхўжаев, Қорабой Бойбобоев, Дадабой Юнусов, Валихўжа Султонхўжаев, Аҳмад Дадабоев, Музаффархўжа Иноятиллахўжаев, Ҳакимхўжа Тиллахўжаев, Мумин Содиқбоев, Абдужалил Абдуқодиров ва бошқалар раҳнамолик қилиб турганлар. Қўзғолон иштирокчиларидан 48 киши ҳибсга олинади[153].

Шу куни Уйчи волостига қарашли Уйчи қишлоғида катта қўзғолон бўлиб ўтди. Унга Муллаумрзоқ Бобожонов, Аҳмадали Бойвачча Ҳасанбойҳожиев, Муллаабдураим Қаюмбоев, Отахонхўжа Раимжон Мухторов, Муллаабдужалил Муллаабдулқодиров ва Абдухалил Мадраимбоевлар бошчилик қилдилар. Оломон элликбоши Худойберди Пирматҳожиевни калтаклаб, элликбоши Мирза Таълатбобо Абдугафуровнинг уйига бостириб кирадилар[154].

Поп қишлоғи аҳолиси ҳам подшо фармонига қарши бош кўтариб, қишлоқ оқсоқолидан мардикорлар рўйхатини тортиб олди ва уни йўқ қилиб ташлади.

15 июль куни Уйчи волостидаги Қизил Равот қишлоғида масжид ёнида 400 кишилик оломон тўпланиб, қишлоқ оқсоқоли

Тухтаназар Қулбоевнинг хонадонига бостириб кирганлар. Улар бу ерда мардикорлар рўйхатини олмоқчи бўлганлар. Аммо улар оқсоқолни тополмай, хотини Турсунбиби Норқуловдан эрини топиб беришни талаб қилганлар ва мардикорлар рўйхати қаерда эканлигини сўраганлар. Сўнгра улар унинг хонадонида тинтув ўтказиб, сандиғидаги қимматли ҳужжатлар, пул ва ҳоказоларни талаганлар. Қўзғолонни тайёрлаш ва оқсоқолнинг уйига ҳужум уюштиришда Бегматмахсум Мулла Бойматов, Турдибойҳожи Аҳмадбоев, Йўлдош Дустматов, Бобирқул Мавлонқулов, Мақсудоҳун Назаров, Қурбонали Бобошев, Мирзааҳмад Нодирбоев, Мирзаҳамдам Бойчибоев, Мирзаназархўжа Назаров ва Муллабойбобо Ҳасанбоевлар фаол қатнашдилар[155] .

Худди шу куни Ёрқўрғон қишлоғида ҳам халқ қўзғолони аланга олди. 400-500 кишилик оломон аввал қишлоқ оқсоқоллари Худойбердиҳожи Тошмуҳамедов ва Пўлатҳожи Устабоевлардан мардикорлар рўйхатини олмоқчи бўлдилар. Аммо рад жавобини олгач, оқсоқолларни то ҳушидан кетгунча дўппосладилар. Рўйхатлар, оқсоқол Тошмуҳамедовнинг 395 сўм пули, тўппонча ва муҳрини тортиб олдилар. Қўзғолоннинг олдинги сафларида Ширимбой Бойбобоев, Аҳмадали Султонвалибоев, Отабой Абдурасулов, Девонбегибой Полвонов, Тухтабой Холиқбоев, Бобомирза Мирзабоев, Турсунбой Долимбоев, Абдуғафур Зиёмерганов, Абдуқаюм Ҳасанбоев, Абдуҳамид Ғофуроталиқов, Шамсиддин Уста Бобосв, Нишонбой Орифбоев, Абдунаби Оталиқов, Болтабой Мамараҳимов, Ўринбой Муминбоев ва Умрзоқ Йўлдошбоевлар турганлар[156] .

Наманган уездидаги қўзғолонлар бир-бирига занжирдек уланиб кетган эди. Июль ойининг биринчи ярмида Чадоқ волости бошқарувчиси Муллағози Худойбердиев Чадоқ участкаси приставидан эркакларнинг рўйхатини тузиш ҳақидаги буйругини олган эди. Волость бошқарувчиси эса элликбоши ва оқсоқолларга ҳам шундай буйруқ берган. Аҳоли рўйхат тузилишидан норози бўлиб, бу ишда волость бошқарувчиси ва оқсоқолларни айбдор, деб ҳисоблади.

14 июль куни Муллағози Худойбердиев Чадоқ қишлоғи оқсоқоли Мирзаумид Мирзаражабовни ўз ҳузурига чақириб, Чадоқ қишлоғида баъзи бир одамлар волость бошқарувчиси ва оқсоқолни ўлдирмоқчи эканликларини, бу ҳақда бир киши хуфия равишда хабар берганини, бу ҳаракатнинг бошловчилари эса Жилибой Каримбоев, Туйғун Ниёзматов, Насриддинқори Муҳаммада-

минхўжаев ва Ваққосхон Мадалиқориев эканликлари ва қўзғолон 15 ёки 18 июлга мўлжалланганлигини айтди[157] .

Ҳақиқатдан ҳам 15 июль куни эрта билан оқсоқол Ражабовнинг уйини кимдир тақиллатади. Эшикни очган оқсоқолнинг ишчиси Бурибой Исомиддинов элликбоши Холмирза Холматов ва майдондаги катта оломон тўдасини кўради. Элликбоши Холмирза Холматов ундан оқсоқолни чақиришни талаб қилади. Оқсоқол йўқ, деб рад жавобини олгач, элликбоши оломон билан уйга бостириб кирганда, оқсоқол яширинишга улгурган эди. Шундан сўнг, оломон волость бошқарувчисининг уйига келиб шовқин сола бошлайди. Волость бошқарувчиси Муллағози Худойбердиев хотини Ҳурматбиби Йўлдошбоева билан қочиб, қўшниси Муллажон Бобожоновнинг деворидан ошиб тушадилар. Шу вақт қўшнининг синглиси Асалбиби Мирзаулуғова девор устига чиқиб олиб, оломонга волость бошқарувчиси уларнинг ҳовлисида эканлигини айтиб берган. Волость бошқарувчисининг қариндошлари йиғлаб ундан волость бошқарувчисининг қаердалигини айтмаслигини илтимос қилдилар. Лекин Асалбиби "қипчоқни аяманглар, чунки у болаларимизни руйхатга киргизди", деб бақиради. Буни эшитган оломон Бобожоновнинг ҳовлисига йиғила бошлайди. Шунда Худойбердиев яна девордан ўз уйига ошиб тушади. Буни кўрган оломон унинг орқасидан уйига бостириб кириб, волость бошқарувчисини дўппослай кетади. Биринчи бўлиб Жилибой Каримбоев, кейин Туйғун Ниёзматов ҳамда Абдусамат Абдураимбоевлар кирдилар. Улар волость бошқарувчисини дўппослаб, кучага олиб чиқдилар ва оломонга топширдилар[158] .

Қоровул Ниёзбой Ашурбоевнинг гувоҳлик беришича, 15 июль куни эрта билан Юқори Чадоқ оқсоқоллигига номзод Нажмиддин Жалолов уни ўз олдига чақириб одамларни тўплашни буюрган. Ашурбоев бундан бош тортади. Бир неча вақтдан сўнг у кўчага чиққанда, у ёқдан- бу ёққа чопиб одамларни масжидга чақираётган Ғиёс Зайлиевни кўради. Соат 10 ларда масжидга борган Ашурбоев у ердаги катта оломонга дуч келади. Уларга Мулламирзамақсум Шокиров, Насриддинқори Хужаев, Иброҳим Азизмуҳамедов, Мулламурод Мадиёров, Абдураим Жалилов ва бошқалар бошчилик қилаётган эди[159] . Қўзғолондан сўнг унинг иштирокчиларидан Жилибой Каримбоев, Туйғун Ниёзматов, Абдусамат Абдураимов, Наби Шодибоев, Абдусаттор Абдураимов, Юнусполвон Машарипов, Шарип Изминов, Саид Тошполвонов, Мадамин Мирзиёев, Муҳиддин Сараев, Нажмиддин Жалолов, Шамат

Тошбоев, Дадахон Саиджалилов, Муяссар Ниғматов, Маражаб Маниёзов, Асалбиби Мирзаулуғова, Гулчанбиби Бобожонова, Норбиби Устарозиқова, Бобохужа Азизхўжаев, жами 90 киши ҳибсга олиниб, Туркистон ҳарбий округи судига топширилади[160] .

17 июль куни Ашт волостининг Пнук қишлоғида аҳоли пичоқ, тош ва таёқлар билан қуролланган ҳолда қишлоқ оқсоқоли Абдуназар Норматовнинг уйига бостириб киради. Унга ўт қўйиб, ўзини тошбўрон қиладилар. Сўнгра элликбоши Мулламуҳаммад Собиров ва котиб Муллаабдумўмин Муллашарафовлар дўппослаб ўлдирилди. Собировнинг хонадонига ҳам ўт қўйилди. Қўзғолончилардан Исмоил Тошмаров, Мадали Тўхтабоев, Ҳакимбой Назаров, Мадали Саидалиев, Амир Хўжаев, Аҳмад Мирзаев, Ҳаким Абдуқодиров, жами 21 киши ҳибсга олинади[161] .

Куриниб турганидек, Пнук қишлоғидаги қўзғолон анча қизғин тус олган ва рўйхат тузишда иштирок этган маҳаллий маъмурият вакиллари қаттиқ жазоланган. Ана шундай шиддатли қўзғолонлардан бири айнан 17 июль куни Ашт волостининг Юқори Ашт қишлоғида бўлиб ўтди. Оломон Абдураззоққожи Калонов, Муҳаммад Мулла Мансуров, Саид Насимхўжаев, Собир Ғозиев, Бегмат Бойматов, Аминжон Қодиров, Ҳамид Мирзахонов, Сафар Ҳамдалиев бошчилигида волость бошлиғи Раҳмонназар Саидбоевнинг уйига ҳужум қилиб, у ердаги барча жиҳоз ва ҳужжатларни йўқ қиладилар. Саидбоевнинг ўзини тош, таёқ ва бошқа нарсалар билан дўппослаб ўлдирадилар[162]. Бу ишда жонбозлик кўрсатган Абдураззоқ Шоазизов, Тўхтаназар Холматов, Бобо Розиев, Аминжон Абдуқодиров, Ҳамид Мирзахонов, Тожибой Матқобулов, Собир Ғозиев, Бобожон Ниғматжонов ва бошқалар қамоққа олинадилар[163] .

Ўша куни Жарбулоқ қишлоқ аҳолиси волость оқсоқолининг уйи ва дўконини бузиб ташлади. Улар тош, таёқ ва темир парчалари билан қуролланган эдилар.

Намангандан 50 чақирим наридаги Хўжаобод қишлоғида оломон қишлоқ котибидан рўйхатларни тортиб олиб ёндирдилар. Бундай воқеалар Машад, Тошқўрғон, Уйғур ва Ворзиқ қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди[164] .

Ана шундай йирик қўзғолонлардан бири Қуйи Ашт қишлоғида бўлиб ўтди. 16 июль куни кечга томон волость бошқарувчисига Қуйи Ашт қишлоғида истиқомат қилувчи Камолхўжа Эшонхўжаев аҳолини бозор майдонига йиғиб, уларни волость бошқарувчисидан рўйхатни тортиб олиш учун курашга чақиргани ҳақида хабар

келади. Шу куни аҳоли кам тўпланганлиги сабабли йиғилиш ҳайитнинг биринчи куни – 17 июлга қолдирилган эди[165] . Аслида, 15 июль куниёқ волость бошқарувчисининг олдига Камолхўжа Эшонхўжаев, Ширбой Турсунбоев, Раҳматилла Жаъфаров ва муфтий Муллаилёс Шоаслоновлар билан биргаликда рўйхатни беришни талаб қилиб борадилар. Лекин волость бошқарувчиси Адинбоев яшириниб олган эди.

Шундай қилиб, 17 июль куни эрта билан бозор майдонида Камолхўжа Эшонхўжаев ва унинг тўрт ўғли Бобохўжа, Исохўжа, Бурхонхўжа ва Камолхўжа ҳамқишлоқлари Шербой Турсунбоев, Абдуқодир Ҳамдамов, Қузибой Мирзабоев, Мулласодиқ Солиполвонов, Муллаилёс Шоаслонов, Дадахўжа Исмоилхўжаев, Бойбобо Абдуназаров, Абдулла Аҳмедов, Раҳматулла Абдуназаров бошчилигидаги 1000 га яқин катта оломон тўпланади[166] . Улар таёқ, болта, тош ва пичоқлар билан қуролланган эдилар. Муфтий Муллаилёс Шоаслонов эса оломон орасида юриб: "Мусулмонларга озодлик, болаларимизни солдатликка бергандан кўра ўлганимиз яхши", деб бақиради[167] .

Бу орада Камолхўжа Эшонхўжаев бир неча одам билан бошқарувчининг уйига борди, уни тополмагач, укаси Мадмуса Тошмухамедовни майдонга олиб келиб, ундан мардикорларнинг рўйхатини талаб қиладилар. Мадмуса эса бундай рўйхат йўқлигини, агарда ишонмасалар, маҳкамадаги дафтарларни текширишлари мумкинлигини айтганда, оломон уни маҳкамага олиб боради. Маҳкамага кирмасданоқ, оломон Мадмусани дўппослади, сўнгра бинони остин-устун қилиб, ойна, эшикларни синдирди, қарз китобларини йўқ қилди. Айнан шу вақтда келиб қолган волость бошқарувчисининг мирзаси Мирзаҳусан Акбархўжаев у ердаги нарсаларни ҳимоя қилмоқчи эди, оломон уни ҳам ўртага олиб дўппослади. Маҳкамани талон-торож қилгач, улар волость бошқарувчисининг уйига ўтиб, уни тинтув қилиб, ўт қўядилар[168] . Қўзғолонда айниқса Камолхўжа Эшонхўжаев, Учулбиби Тошматова, Тўхтаназар Тошматов, Низомидин Зиёвутдинов, Дадабой Маюсупов ва бошқалар фаол иштирок этганлар[169] .

Сўнгра қўзғолончилар волость бошқарувчисининг амакиси Уста Мирзашариф Адинбоевнинг уйини ҳам остин-устун қилдилар.

Болта, таёқлар билан қуролланган Зоитбой Муллақосимов, Есан Ширматов, Шорустам Мадмусаев ва Мамажон Муллахонов Жарбулоқ қишлоғига борадилар. У ердаги волость бошқарувчисининг иккита дўконига ҳужум уюштирадилар.

Қўзғолонда эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам иштирок этдилар. Улар орасида Ҳамробиби Муҳаммадаминова, Ўғилбиби Тошматова, Нориниса Турсунова, Ҳамропошша Камолхўжаева, Барнобегим Бўрибоева, Самарбону Ширбоева, Ойимбону Мадалиевалар бор эди[170]. Қузғолонда иштирок этганлардан 79 киши ҳибсга олинади[171].

Наманган уезди бўйича жуда кўп қишлоқларда қўзғолонлар бўлиб ўтди[172].

Шундай қилиб, қўзғолонлар бутун Наманган уезди бўйлаб аланга олди. Бу қўзғолонлар чор маъмурияти, рус савдо-саноат доираси вакиллари ва бошқа нуфузли кишиларни қаттиқ ташвишга солди. Шу боис Фарғона вилояти ҳарбий губернатори лавозимини вақтинча бажарувчи П.П.Ивановнинг кўрсатмасига биноан махсус мажлис чақирилиб, унда врач Лосев, солиқ инспектори Поповский, прапоршчик Орбелов, руҳоний Лаврентьев, судьялардан Лебедов, П.П.Иванов, Марков, Кириллов, Ежов ва бошқа кишилар қатнашиб, Наманганда, умуман, ўлкадаги қўзғолонларнинг сабаблари ҳақида фикрлашдилар ва қуйидаги хулосага келдилар: "Императорнинг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармони ўз-ўзидан қўзғолонларни кўтарилишига сабаб бўла олмайди. Мардикорликка ихтиёрий равишда сафарбар этиш асосан қўрқитиш ва сиқув остида, самарасиз амалга оширилмоқда. Зеро, туб аҳолида Россияга нисбатан ватанпарварлик руҳи йўқ"[173].

Мустабид ҳукумат вакиллари ҳақиқатни аниқлаш ўрнига, туб аҳолини фанатизмда айблаб, қўзғолоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабабларини инкор этганлар. Уларнинг масалага бундай ёндашишлари табиий ҳол эди. Чунки улар чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатининг тарафдорлари ва ижрочилари бўлиб, ўз айбларини тан олишни истамасдилар.

Наманган уездидаги курашлар тоғли жойларда яшайдиган қирғизларни ҳам ўз бағрига тортди. Қирғиз олими К.Усенбоевнинг маълумотларига қараганда, 12 июлда Қирғиз-Қўрғон волостининг аҳолиси бош кўтариб, мардикорлик рўйхатини қўлга киритганлар. Волость бошлиғи эса қочиб кетган[174]. Найман волостида қўзғолончилар император фармонига қарши чиқиб, "мардикорликка боргандан кўра, амалдорлар билан курашда ўлганимиз яхши", деб бақирганлар. Улар Токтонали Бекболотов бошчилигида фронт орқасига ишга боришдан бош тортиб, тоққа яширинганлар. Волость бошлиғи уларни қайтаришга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир ўз овулларига қайтиб келмадилар. Фақат октябрь ойининг охирида

совуқ тушиши ва Намангандаги қўзғолонларнинг бостирилиши муносабати билан ўз жойларига келганлар. Қўзғолонлар Наманган уездидаги Қизилжар, Оқйўл, Теген ва бошқа қирғиз волостларида ҳам кўтарилди. Таласбой Алибосв бошчилигидаги оломон фармонга буйсунишдан бош тортиб Турдўқ номли тоғ чўққиси томон кетдилар. Бу ерга бошқа жойлардан қирғизлар келиб қўшиладилар. Чиниқбой ва Саркул исмли кишилар Таласбойнинг энг яқин сафдошлари сифатида иш юритдилар. Таласбой бошчилигидаги қўзғолончилар волость бошлиқлари ва бошқа мансабдорларга қарши ҳужум қилдилар[175].

Қиш совуғи қўзғолончилар аҳволини оғирлаштирди. Бундан фойдаланган чор маъмурияти қўзголонни ваҳшийларча бостириб, Таласбой ва Чиниқбойни улгунича савалади. Оқйўл волостининг аҳолиси эса тоққа бош олиб кетади. Сасиқ Таналиев бошчилигидаги қўзғолончиларга Карвондаги одамлар ҳам қўшилган. Қўзғолонлар Кетмонтепа, Чотқол, Тўққизторо ва умуман, уезднинг бошқа тоғлик жойларини ҳам қамраб олганди.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Туркистон генерал-губернаторига қуйидаги мазмунда ахборот беради: "Наманган ва қисман Андижон уездидаги қирғизлар Курумес довонидаги кўчманчи қўзғолончилар билан алоқа ўрнатганлар... Наманган уездининг Сусамир волостида нотинчлик. Шунингдек, уезднинг Чотқол волостида аҳвол яхши эмас. Афтидан қўзғолон тўлқини Норин дарёси қирғоқлари ва Пишпек волости бўйлаб тарқалади. Тўққиз Торога келган ҳарбий қисм тартиб ўрнатади. Аммо тула тинчликни таъминлаш учун Сусамир, Чотқол ва Кетмонтепага пулемёт билан қуролланган ҳарбий қисмни юборишни сўрайман"[176].

Кетмонтепа волостидаги қирғизлар ҳам волость бошлиқлари ва овул оқсоқолларига ҳужум қилиб, рўйхатларни ёндирдилар. Қўзолонда қирғиз халқининг оқини Тоқтогул Сотилганов муҳим ўрин эгаллади. У қўзғолончиларни император фармонига қарши курашга даъват этди. Жониш Кокиев, Борулдай Жакипов ва Молдонали Шоруков бошлиқ қўзғолончилар ҳам мардонавор курашдилар. Улар пиликли милтиқ, найза, таёқ ва бошқа нарсалар билан қуролланиб, маъмурият вакилларига қарши ҳужумларни уюштириб, мол-мулкини таладилар[177].

Пировардида, қирғизларнинг қўзғолонлари шафқатсиз равишда бостирилди. Уларнинг фаол қатнашчилари ҳибсга олинди. Натижада кўп қирғиз овуллари вайронага айлантирилди ва чорва моллари таланди. Бу эса қирғизлар орасида қашшоқлашган

кишиларнинг кўпайишига олиб келди, қирғиз халқига катта иқтисодий зарба берди.

Наманганликлар андижонликлар сингари Еттисув вилоятидаги қўзғолончилар билан биргаликда курашишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг вакилларидан икки киши – Холмирза Азимбоев ва Абдураим Усмонохунов Сариғбош волостидаги (Пишпек уезди) қирғизларни чор ҳукуматига қарши курашишга даъват этганлар. Улар биргаликда қўзғолон кўтарганлар. Қўзғолончилар ҳибсга олиниб, ишлари судга оширилади[178]. Демак, Наманган уездидаги қўзғолонларда ўзбеклар қирғизлар билан биргаликда чор ҳукуматига қарши курашдилар.

Уезд ва умуман, водийдаги истиқлол учун курашларнинг юзага келишида руҳонийларнинг ватанпарвар ва илғор вакиллари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган эди. Зеро, Наманган шаҳрида Маҳмудхон деган ўқимишли киши: "Мардикорликка боргандан кўра ўлган яхши", деб қўзғолон кўтаришга чақирган. Бу қўзғолоннинг раҳбарларидан бири Қирғизбой мадрасасининг мударриси Носирхонтўра ва Додохон деган кимсалар бўлган. Додохон қўзғолон вақтида ҳалок бўлган[179].

Бободархон волостида нуфузли эшон Маъруфхонтўра Муҳаммадхон аҳоли орасида чор ҳукуматига қарши ташвиқот юргизган. Туркистон район хавфсизлик бўлимининг бошлиғи уни "Россиянинг ашаддий душмани ва панисломчи", деб таърифлаган. Эшон, "тез орада Россия йўқолиб, хонлик тикланади", дея халқни мардикорликка олишса, руҳан тушмасдан, Россияга борганда ҳарбий таълим ва қуролдан фойдаланишни ўрганишни маслаҳат берган. Бундан мақсад, келажакдаги қўзғолонларда ғалабани таъминлаш ва чор ҳукуматини ағдаришдан иборат бўлган. Эшон бунинг учун қулай фурсат келишига ишонарди[180].

1916 йил 20 июлда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Асакага келиб император фармонини тарғибот қилиш ва ихтиёрий равишда мардикорликка сафарбар этишлик учун волость бошлиқларини ва бошқа нуфузли кишиларни йиғади ва шундай дейди: "Ҳозирда сизлар императорнинг хоҳиш-иродасига қарши туриб, ғалаён кўтармоқдасиз, ғалаёнларни бостириш учун фронтдан солдатларни келтиришга тўғри келади. Шундай қилинса, биз кучсизланиб Германия ғалаба қозонади. Сўнгра бу ерга келиб бизнинг таъзиримизни беради"[181]. Ҳарбий губернатор бу каби тарғибот ишларини давом эттиради. У туб аҳолининг ҳаётида руҳонийлар тутган ўринни ҳисобга олган ҳолда 23 июль куни бир

гуруҳ рус амалдорлари билан Наманган шаҳридаги Жомеъ масжидига келади. Бу ерда дин пешволари, маҳаллий маъмурият вакиллари ва нуфузли кишилар бор эди. Чамаси 700-800 атрофида тўпланган одамларга қарата А.И.Гиппиус: "Мен сизларни ва оломонни бу ерга тўпладим. Аммо бундай оломон хавфли эмас, фақат ёмон ниятли оломон қўрқинчлидир. Бундай оломон тўс-тўполон билан учраган кишини ураверади. Қонун бу хилдаги оломонга қаршидир. Ёмон ниятли оломон Жиззахда ўзини кўрсатган эди. У ерда қўзғолончилар уезд бошлиғини ўлдириб, оиласини қийнадилар, бир қанча русларни ўлдирдилар. Шунинг учун ҳам Жиззах шаҳри таг-туби билан бузиб ташланди. Атрофидаги қишлоқлар ҳам йўқ қилинди. Аҳоли тураржойларидан ҳайдалиб, мол-мулки ва ери давлат фойдасига мусодара қилинди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси императорнинг фармонини тушунмасликдан келиб чиқди. Мен сизларга мана шуларни айтмоқчи эдим"[182]. Бу ерда ҳарбий губернаторнинг асл мақсади Жиззах қўзғолончиларига қўлланилган жазо наманганликларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлигини огоҳлантириб ўтиш эди, албатта. Бу билан у халқни қўрқитишни ва қўзғолонларнинг олдини олишни мўлжаллаган эди.

"Хонлар даврида, – деб сўзини давом эттиради ҳарбий губернатор, – кимнинг оти бўлса, ҳарбий хизматни ўтасин, деб фармон берилган. Кимки бош тортса, қаттиқ жазоланган. Мен ҳам одамларни мардикорликка шу тарзда олишим мумкин эди. Бир йигитга мардикорликка боришни буюрар эдим, йўқ деса калласини олардим, иккинчиси ва учинчисини ҳам шу тарзда калласини олардим. Буни кўрган тўртинчи киши ихтиёрий равишда розилик берар эди. Ёки бўлмаса маҳаллий савдогарни чақириб, ўғилларингни мардикорликка бер, деб айтардим. Агар, йўқ, деса ўлдирардим. Яна бир гап, ҳар бир қишлоққа белгиланган одамни беришликни топширардим, бажарилмаса уни ёндиришга буюрардим. Эслатаман, хонлар даврида мана шундай қаттиқ жазолар қўлланилган. Рус ҳукумати қудратли бўлса-да, у раҳмдил, бундай ёмон ишларни қилмайди"[183].

Ҳарбий губернаторнинг бу сўзлари ўтмишни сох-талаштириб бўлса ҳам, қандай бўлмасин, наманганликларни қўрқитишга қаратилган, ҳеч қачон юқорида қайд этилган жазолар хонликлар даврида қўлланилмаган. У вақтларда ватан манфаати учун курашлардан маҳаллий аҳоли ҳеч қачон бўйин товламаган. Мазмунан, ҳарбий губернатор ўзини энг адолатли амалдор сифатида

намойиш этмоқчи бўлган. Лекин у қўзғолонларни шафқатсизларча бостиришини халқ билар эди. Унинг иккиюзламачилиги тез орада юзага қалқиб чиқди. У мусулмонларни анқов ва содда деб бир дамга бўлса-да, мусулмон бўлмоқчи бўлди. Аввалига у туб аҳоли орасидан нуфузли кишилардан 18 кишини ўз ҳузурига чақирди. Кейин ўтирганларга: "Сизларнинг ораларингизда ақлли кишилар борми? Улар мени эшитсин, мусулмонларда аҳмоққа калтак, ақлли кишига насиҳат, деган нақл бор", деди. Шундан сўнг у генераллик либосини ечиб, эгнига тўн ва бошига салла кийди. "Мен, – деди у, – мусулмон бўлмасам-да, турк ва араб тилини биламан, шу тиллардаги китобларни ўқий оламан. Мен Қуръони Каримни кўп ўқиганман ва Оллоҳнинг бу китобини севаман. Ҳозир уни ўқийман. Икки мударрис ёнимда туриб, тўғри ёки нотўғри ўқиётганлигимни айтишсин". У Қуръоннинг бир неча сураларини ўқигач, уни тўғри ўқилганини мударрислар тасдиқладилар. Губернатор Қуръонни "ҳурмат қиламан", деб уни ўпади ва "энди менга ишондингизларми?" деб халққа мурожаат қилади[184]. Шовқин-сурон билан "ишонамиз!" деган овозлар эшитилди. Ниҳоятда мамнун бўлган губернатор эгнида тўн ва бошида салла билан турган ҳолда, бамисоли шайхулислом каби қуйидаги сўзларни айтди: "Менинг фарзандларим! Ўзингизни вайнг, ишни ёмонлаштиришга олиб келманг, болаларим, ақлли бўлинглар. Бу ерда сизларни ерларингиз бор, бу ер учун қон тўкиш тақозо этилади. Шундай қилинмаса, бошқалар ерни тортиб олиши мумкин. Уруш сизлардан узоқда кечмоқда. Худо кўрсатмасин, душман ғолиб келиб, Россияни енгса, у келиб сизнингизни эгаллайди. Буни бутун Россияда истиқомат қилаётган барча халқлар яхши биладилар. Унинг қўшинларида руслардан ташқари латишлар, поляклар ва мусулмон татарлар хизмат қилмоқда. Сизнинг ерга эгалигингиз руслар ва ҳукумат томонидан муҳофаза қилинмоқда. Албатта, сизларни ҳам ҳарбий хизматга олиш мумкин эди, бироқ сизлар кўрқоқсизлар, иккита қароқчи сизларнинг олтита кишингизга ёт деса, юзларингиз билан ерга ётасиз, бунақалар солдатликка ярамайди. Сиз урушга одатланмагансиз. Сиз савдо қилиш, ўқитишни биласиз, лекин уларни уруш вақтида кераги йўқ. Сиз кетмон билан ишлашни биласиз. Шунинг учун фронт орқасидаги ишларда фойдангиз тегади!"[185].

Шу тариқа ҳарбий губернатор "мусулмон қиёфасига" кириб, туб аҳолини ихтиёрий равишда ва "бахтли ҳаёти" учун чор

ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этиб, император фармонини сўзсиз бажаришга чақирди. У халқ орасида одамларни мардикорлик ниқобида фронтга юборар эмиш, деган сўзларни чиппакка чиқариш ниятида туб аҳолини қўрқоқликда айблаб, шу тарзда солдатликка ярамасликларига ишонтирмоқчи бўлди. Аслида, мустамлакачилар Туркистонни босиб олиш жараёнида ўзбекларнинг ватанпарварлик ва жанговарлик руҳида эканлигига гувоҳ бўлганлар. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати маҳаллий аҳолига ишонмай, улар ҳарбий хизматга олинмаган. Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг бу тариқа найранглари халқни бир оз ҳайратлантирган бўлса-да, лекин ишонтира олмади.

Аммо ҳарбий губернатор А.И.Гиппиус маъмуриятга ёзган ахборотларида гўё унинг ҳаракати туфайли Фарғона вилоятида тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб, ихтиёрий мардикорликка олиш муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳақида маълумот берган. Масалан, А.И.Гиппиус 23 июлдаёқ Бош Штаб бошлиғига юборган телеграммасида: "Фарғона вилоятидаги шаҳарлар аҳолисининг кайфияти тез ўзгармоқда. Осойишталик ва Россияга нисбатан ватанпарварлик руҳи кўзга ташланмоқда. Бугун 23 июль соат 11 да Наманганда руҳонийлар ва нуфузли кишилар билан суҳбатлашдим. Уларнинг орқасида жуда кўп оддий кишилар турган эди. Менинг сўзларим нафақат мамнуният, балки тантана билан қарши олинди. Кўрқори томонидан Қуръон ўқилганидан сўнг баланд овоз билан император шаънига хутба ва русларнинг урушда ғалаба қилишларига фотиҳа ўқилди. 200 кишидан иборат мардикорликка олинган кишилар чап қўлларига қизил мато бойлаган ҳолда она тилида ватанпарварликка бағишланган шеърни баланд овоз билан ўқидилар. Бу манзарани суратга олиш учун фотографни чақирдим. Катта қози менга: "Император фармонига бўйсунмаслик халқнинг хаёлида йўқлигини императорга телеграмма орқали етказинг, деди. Биз, мана 40 йилдирки, императорнинг содиқ фуқаролари сифатида яшадик. Бундан кейин ҳам унга вафодорлигимизча қоламиз.

Қўзғолонлар халққа фармонни яхши тушунтирилмаганлиги орқасидан юзага келди. Фожиали тўс-тўполонлар содир бўлди, эндиликда халқ ўзининг ҳарбий губернаторига ишонади, қўзғолон кўтаришга даъват этувчиларга эргашмайди", деди[186]. – Мен, – деб ёзади ҳарбий губернатор, – бу сўзларга ишонаман. Негаки халқ менинг сўзларимни эшитаётганида йиғлади"[187].

Олдинги саҳифаларда ихтиёрий равишда мардикорликка сафарбар этишнинг сохталиги ҳақидаги далиллар келтирилган эди.

Шунинг учун ҳам ҳарбий губернаторнинг бу хусусдаги мақтовлари ҳақиқатни акс эттирмайди. Умуман, ҳарбий губернаторнинг "мусулмон қиёфасига кириши", 200 кишилик намойиш ўтказиб, қозига нутқ сўзлатиши барчаси олдиндан тайёрланган спектакль эди, холос. Қўзғолонлар давом этаверди. Улар маҳаллий аҳолининг подшо фармонига, уни бажариш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган чор маъмурияти ва баъзи маҳаллий маъмурият вакилларига нисбатан қаҳр-ғазаби нақадар кучли эканлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Наманган шаҳри ва уездида мустабид ҳукумат ва император фармонига қарши курашларда халқ оммаси фаол қатнашиб, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини қўпориб ташлашга қаттиқ бел боғлади. Қўзғолонлар чор ҳукуматига жиддий хавф туғдирдики, уларнинг қатнашчиларидан ўнлаб кишилар ўлдирилди, жароҳатланди. Қўзғолонларда аёлларнинг иштироки уни нақадар шиддатли ва кенг миқёсда булганлигидан далолат беради. Қўзғолонлар Шуркўрғон, Қуйи Олмос, Чиндаул, Уйчи, Қизил Равот, Ёркўрғон, Чадоқ, Пнук, Юқори Ашт, Қуйи Ашт, Жарбулоқ, Хўжаобод, Наманган, Илётон, Чуст, Пашқарон, Киргиз-Қўрғон, Ворзиқ, Уйғур, Поп ва бошқа қишлоқларда аланга олди. Қўзғолонлар давомида, энг аввало, фармон ижросига ёрдам берган маҳаллий маъмурларга мардикорлар рўйхатини тузгани учун кескин зарба берилди. Халқ норозилигини жиловламоқчи бўлган ҳарбий отрядлар ҳам қўзғолончилар томонидан жиддий қаршиликка учради. Шу тарзда бутун Наманган шаҳри ва уездидаги курашлар оммавий тус олди.

2.3. ҚЎҚОН УЕЗДИДАГИ КУРАШЛАР

Қўқон уездининг ҳудуди 13123 *кв км* ни ташкил этиб, унинг таркибига 23 та волость ва Қўқон шаҳри кирган[188] . Бошқа уездлар каби бу ерда ҳам барча волость ва қишлоқлар халқ қўзғолонлари алангаси ичида қолди. Қўзғолонлар 8-9 июль кунлари Қайнар волостининг Катта Авғон, Найманча ва Аравон волостининг бир неча қишлоқлари ҳамда Қўқон шаҳрида деярли бир вақтда бошланди. 8 июль куни Катта Авғон қишлоғидаги аҳоли элликбошилар томонидан рўйхатларни текшириш ишлари ўтказилаётганини кўриб ғазабга тўлади. Йиғилаётган оломон қаттиқ ғазабланиб, шовқин-сурон солгач, маъмурият вакиллари дарҳол қишлоққа волость бошқарувчисини соқчилар билан чақирти-

ришади. Пристав Классовский ва подполковник А.Г.Китаев қишлоққа етиб келадилар. Солдатлар билан оломон ўртасида юз берган тўқнашувда қўзғолончилардан тўрт киши ва бир қария ярадор қилинди. Солдатлар 10 кишини ҳибсга олиб, қўзғолонни бостирганлар[189]. Шу куннинг ўзидаёқ А.Г.Китаев Фарғона вилоятининг ҳарбий губернаторига Катта Авғон қишлоғидаги қўзғолон ҳақида телеграмма жўнатади[190].

Аравон волости бошқарувчиси Гозиёглиқ қишлоғида чор маъмурияти томонидан рўйхат тузиш ҳақидаги буйруқни олгач, ўз қўл остидаги хизматчиларга 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган барча эркакларни рўйхатга олишни буюради. Қишлоқ оқсоқоллари рўйхат тузишда бир неча хатоларга йўл қўядилар. Бойларнинг болалари рўйхатга киритилмайди. Шусиз ҳам ғазабга тўлиб турган оломоннинг важоҳатини кўрган қишлоқ оқсоқоллари уларни волость бошқарувчисига жўнатади. 350 атрофидаги аҳоли волость бошқарувчисининг олдига бориб, ундан аҳволни тушунтиришни талаб қиладилар[191]. Волость бошқарувчиси Иброҳимжон Ҳасанбоев оломон орасида ҳаммадан кўп шовқин солиб бақираётган йигитни отишга буйруқ берганда оломон волость бошқарувчисининг хизматчисига ташланиб, волость бошқарувчиси ҳамда унинг мирзаси ҳам оломон томонидан дўппослаб ўлдирилади[192].

Подполковник Китаев Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига берган рапортида бу қўзғолон ҳақида шундай ҳисобот беради: "9 июль куни эрталаб соат 5 дан сўнг биринчи даҳа пристави Гозиёглиқ қишлоғида волость бошқарувчисининг канцелярияси олдида катта оломон тўдаси турганини ва у ердан ўқ овози эшитилгани ҳақида менга хабар берди. Мен ўша заҳоти соқчини нима гап эканлигидан хабар олиш учун жўнатдим ва ўзим кийина бошладим. Уезд бошқармасига келиб, дарҳол бўш бўлган полициячилар ва гарнизондан пиёдалар взводини жўнатиш ҳақида буйруқ бердим. Эрталаб соат 6 яримларда ҳарбий команда ва пиёда полициячилар билан араваларда приставлар Классовский, Тушманов ва Юфимевичлар билан воқеа содир бўлган жойга етиб келдик. Канцелярия олдида 300 га яқин қўзғолончилар турган эди. Оломон ўраб олиниб, 316 киши ҳибсга олинди. Улардан 51 киши қўзғолоннинг ташкилотчилари, 24 киши иштирокчи эди, уларнинг кўйлакларидаги қон ғалаёнда иштирок этганини тасдиқлайди деган гумон билан, 241 киши эса қўзғолон бўлган жойда ҳибсга олинди[193].

Шу куни Қўқон уезди бошлиғи Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига қуйидаги тарзда телеграммани жўнатди: "Бугун эрта

билан соат 5 ларда катта оломон волость бошқарувчисининг Ғозиёғлиқ қишлоғидаги канцеляриясига келди. Улар волость бошқарувчисини кўчага олиб чиқдилар. Оломон томонидан волость бошқарувчиси, унинг мирзаси, бир йигит ўлдирилди. Аҳоли орасидан эса бир киши отиб ўлдирилди. Мен полициячилар ва 25 кишидан иборат ҳарбий наряд билан келиб оломонни ўраб олдик. Тартибсизликлар мардикорликка чақирув сабабли рўй берди. Терговчига дарҳол хабар бердим, 328 киши ҳибсга олинди"[194].

Россия Давлат Думаси аъзоси Ю.Жаъфаров эса Думанинг ҳисоботида бу қўзғолонни шундай тасвирлайди: "9 июль куни волость бошқарувчиси эркакларнинг рўйхатини тузишга киришади. Рўйхат тузишда порахўрлик, кўзбўямачиликка йўл қўйилган, деб гумон қилган аҳоли рўйхатни кўрсатишни талаб қилган. Бунинг ўрнига оломон волость бошқарувчисидан дўқ-пуписа эшитади. Бунинг устига у бир неча кишиларни кўрсатиб, бу солдатликка ярайди, бир ёки иккита ўқ билан буларни ётқизолмайсан, деган. Волость бошқарувчисининг бу гапи "аҳолини солдатликка олади" деган фикрни келтириб чиқарди. Бу гап бирпасда бутун қишлоққа тарқалди ва аҳоли волость бошқарувчисининг ҳузурига йўл олди. Улар рўйхатни талаб қилганларида волость бошқарувчиси уларга бошқа қоғозни кўрсатди. Ёлғон гап очилгач, эртасига аҳоли яна волость бошқарувчисининг олдига келади. Волость бошқарувчиси уларни дўқ-пуписа билан кутиб олади ва оломон орасида рўйхат тузишда ҳақиқат билан иш қилинмаяпти, деб бақираётган қўзғолончини отиб ташлайди. Ана шундан кейин оломон волость бошқарувчисига ташланади"[195].

Қўзғолондан сўнг унинг иштирокчиларидан 256 киши ҳибсга олинди[196]. Чунончи, Ғозиёғлиқ қишлоғидан Тўхтасинмуҳаммад Собиров, Назармат Тошматов, Нурмуҳаммад Ашурмуҳамедов, Жўрабой Жумабоев, Ҳамроқул Уматқулов, Бобораим Абдураимов, Худойберди Маражабов, Раимбой Алимбоев, Асқарбой Бегматов, Ботир Раҳмонқулов... жами 33 киши. Аравон қишлоғидан Холарали Умарбоев, Отабой Ҳамидбоев, Абдуқодир Мадраимбоев, Жўрабой Тухтабоев, Абдусаттор Абдураззақов, Эгамберди Имомбердиев ...жами 16 киши. Қашғар қишлоғидан Маматқул Илёзбоев, Мирзабой Масалиев, Нурматҳожи Абдувалибоев, Қўзибой Абдусаторов, Бекмурод Мадалиев, Турдибой Тошматов, Дадабой Ҳасанбоев, Йўлдошбой Ортиқматов, Кимсанбой Пирматов ...жами 29 киши. Туркман қишлоғидан Тошмат Чўтбоев, Турдиали Ёрмуҳамедов, Аҳматбой Абдужалилов, Тешабой Асрорқулов,

Ҳусанбой Пирматов, Султонбой Қосимбоев ...жами 15 киши. Чамашби қишлоғидан Эрмат Шерматов, Турдиқул Долибоев, Аҳмаджон Исмадиёров, Нишонбой Пирмуҳамедов, Бекатбой Назарбоев ...жами 18 киши. Барзанчи қишлоғидан Аҳмадали Суфибоев, Комилжонҳожи Муллаўзиматов, Шожалил Ғойибназаров, Назарали Юсуфалиев, Муллажон Раимқулов, Қўқон шаҳрининг Ғиштлик масжид маҳаллисидан Муҳаммадғози Муллаумарқулов ва бошқалар ҳибсга олинганлар[197].

Ғозиёғлиқ қишлоғидан қайтаётган уезд бошлиги бирин-кетин келаётган икки отлиқ йигитга дуч келиб, улар Шокалон саройи олдида 2000 дан ортиқ аёллар ва эркаклардан иборат оломон шовқин-сурон билан Авғонбоғ томон келаётгани ҳақида хабар берадилар. Уезд бошлиғи оломонни Қайнар волостидаги канцелярияга келаётганини сезиб, дарҳол Авғонбоғдаги ҳарбий асирлар лагери бошлиғи подполковник Чуйкиндан ёрдам сўрайди. Зудлик билан етиб келган подполковник бошчилигидаги ярим рота йўлни тўсиб олади. Солдатларни кўрган оломон ўша заҳоти тўхтайди. Олдинги сафда турган Қурбонали Рўзибоев, Мамаюсуф Аҳмадбоев, Ортиқбой Муллатошматов, Мусулмонқул Алимбоев, Мамасоли Тошназаровлар рўмол силкитиб, оломонни тарқалишга чақирадилар[198]. Уезд бошлиғи дарҳол қўзғолон ташкилотчиларини ўраб олишни буюриб, қўзғолон ташаббускорлари ва қўзғолон иштирокчилари ҳибсга олинадилар[199]. Оломон орасидаги аёллардан ҳатто 1000 рубл эвазига ҳам ўз ўғиллари ва эрларини фронт орқасига юборишга рози эмасликлари ҳақидаги сўзлар эшитилиб турарди[200]. Подполковник Китаев етиб келганида оломон тинчиган эди, шу сабабли у ҳарбий командани қўйиб юборган.

Шу куни соат 4 ларда Найманча қишлоғида оломон тўпланаётгани ҳақида хабар топган участка пристави подполковник Китаев билан ўша жойга жунайдилар. Бу ерда улар катта оломонни кўрадилар. Оломоннинг олдинги қаторида турган аёллар бақириб, шовқин солар эдилар. Уезд ҳокими К.В.Мединский соқчиларга аёлларни четлатишни буюрганда, шу пайт аҳолидан бир киши уезд ҳокимига қараб тош отади. Буни кўрган уезд ҳокими уни қувлаб кетади. Қўзғолончини белбоғидан ушлаб олмоқчи бўлганда, у қочишга муваффақ бўлган. Уезд бошлиғининг шу пайт юрак хуружи тутиб қолади ва экипаж олдида турган йигитга уни тутишни буюради[201]. Йигит ҳам қочоқни танигани учун уни қувлаб утирмай, отасини олиб келади. Отаси ўғли Йўлчиматни уйга югуриб келгани ва қаергадир ғойиб бўлгани ҳақида айтади. 9

июль куни Йўлчимат Худойбердиев ушланди, тергов қилинганида у ҳеч қандай тош отмаганлиги, аксинча, қўрқиб қочганлиги ва пахтазорда бекиниб ётганлигини айтган. Шу тариқа Йўлчимат Худойбердиев ҳибсга олинади. Подполковник Китаев томонидан ушланган, лекин қочишга муваффақ бўлган Ҳайдарали Тошматовга қидирув эълон қилинади[202].

Шайхлар қишлоғидаги қўзғолон ўзгача бошланган. 9 июлдан 10 июлга ўтар кечаси Шайхлар қишлоғида масжид имоми Мулла Аҳмадқул Муҳаммадазизов оқ кийимда оқ от устига миниб иккинчи Бочқир қишлоқ жамоасини кезиб, аҳолини қишлоқ оқсоқоли уйига бориб, ундан мардикорларнинг рўйхатини тортиб олишга чақиради. Оқсоқолнинг эса хоҳ ўлиги, хоҳ тиригини олиб келишни буюради[203]. Қўзғолончилардан мироб Ясанбой Мадаликбоев қишлоқ бўйлаб "оқсоқолни олдига боринглар", деб бақириб юрган. Шу вақтда оқсоқол Файзиобод қишлоғидаги масжидда эркакларнинг рўйхатини тузиш билан овора эди. Имом Муллааҳмадқул Ҳазратшо қишлоғидан ўта туриб савдогарларга дўконларини ёпиб, оломонга қўшилишга чақиради[204]. Бу ердан 1000 га яқин оломон отлиқ Муллааҳмадқул бошчилигида оқсоқолни ушлаш учун Файзиободдаги масжидга қараб юрадилар. Оломон аввал масжидга етиб келган Алимқул оқсоқолдан рўйхатни талаб қилади. Яқинлашиб келаётган оломоннинг кайфияти ҳақида оқсоқол огоҳлантирганда, у отга ўтириб, уйига қочиб қолади. Бир неча вақтдан сўнг оқсоқолга оломон уйига яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар берадилар. Оқсоқол ўша заҳоти оиласини олиб, уйини қулфлаб, волость бошқарувчисининг олдига қочади. Муллаалимқул бошчилигидаги оломон оқсоқолнинг уйига бостириб кириб, уни остин-устун қилиб ташлайди. Кейин уйини ёқиб ташлайдилар. Аҳмадали рўйхатни топиб, йиртиб ташлайди ва қўлма-қўл бериб юборади[205].

Қўзғолонда Шайхлар қишлоғидан Муллааҳмадқул Муҳаммадазизов, Муллақодирқул Мадмуродов, Абдураҳмон Муллақурбонов, Жамолиддин Раҳмонқулов, Эркабой Тошматбоев, Ҳамроқул Худойбердиев, Искандар Дусматов, Йўлдошбой Қушназарбоев, Шопошша қиш-лоғидан Мамаюсуф Ботиралиев, Шўр қишлоқдан Имомназар Раҳмонқулов, Исроил Ашуралиев, Бочқир қишлоғидан Мамажон Йўлдошбоев, Нурмат Шакулбоев, жами 29 киши ғалаёнда фаол иштирок этганлари учун ҳибсга олинадилар[206].

Ганжиравон қишлоғида 200-300 атрофидаги оломон волость бошқарувчисининг уйига бориб, подшо фармонини тушунтириб

беришни сураган. Волость бошқарувчиси махфий равишда Қўқон уезди бошлиғига бу ҳақда хабар бергач, уезд бошлиғи Мединский дарҳол 40 кишидан иборат ҳарбий қисмни жўнатади. Солдатлар оломонни ушлаб, қўл-оёқларини боғлайдилар ва 3 та аравада шаҳарга олиб бориб, аҳолини қўрқитиш мақсадида айлантириб олиб юрадилар[207]. Ганжиравондаги қўзғолонни Россия Давлат Думасининг аъзоси Жаъфаров шундай тасвирлайди: "Ганжиравон қишлоғида волость оқсоқолини баъзи бир кишиларни рўйхатга киргизмаганлиги ҳақида гумон қилган аҳоли мардикорлар рўйхатини беришни талаб қилдилар. Волость бошқарувчиси бу ҳақида уезд бошлиғига хабар беради. Уезд бошлиғи қишлоққа зудлик билан қуролланган солдатларни Қўқон даҳаси пристави бошчилигида жўнатди. Волость бошқармаси ҳовлисида турган барча қўзғолон иштирокчилари ҳибсга олиниб, боғланиб, араваларга ўтказилиб шаҳар кўчалари бўйлаб олиб юрилган. Йўлда учраган маҳаллий аҳоли аёвсиз дўппосланган. Аҳоли ҳар томонга қараб қочиб, дўконлар ёпилган. Яна казаклар чақирилади. Шундан сўнг бозор майдонига Қўқон уезди бошлиғи Мединский келиб, аҳолига қараб: "Котлет учун майдаланган гўшт ҳақида тушунчага эгамисиз. Агарда ўзингизни шу аҳволда тутсангиз, барчангизни котлетга айлантираман", деб дўқ урган[208].

Қўзғолон кўтарган оломон волость бошқарувчисининг уйини талон-торож қилади. Қўзғолон бостирилгач, унинг иштирокчиларидан 139 киши ҳибсга олинган[209]. Улар орасида Йўлдошбой Азимбоев, Абдуқосим Юсуфбоев, Турсунбой Йўлдошбоев, Абдураҳмон Ортиқбоев, Мадумар Раҳмонбердиев, Исоқбой Шоҳожибоев, Мадкарим Рўзиматов, Тоштемир Дўсманов, Эрмат Қўзибоев, Шодиқул Абдукаримов, Соибназар Марасулов, Исмоил Мадаминов, Раҳмонберди Ҳасанбоев ва бошқалар бор эди[210].

10 июль куни ҳам халқ ғалаёнлари давом этди. Шу куни Серово станциясидан 16 верст нарида жойлашган Янгиқўрғон қишлоғи аҳолиси оқсоқолга ҳужум уюштирган [211].

11 июлда Қўқон шаҳридаги ғалаён қонли тўқнашувга олиб келди. 500 атрофидаги оломон подшо фармонига қарши ғалаён кўтариб, пичоқ ва револьверлар билан полицияга қаршилик кўрсатиб, "русларнинг хизматига ҳеч кимни бермаймиз", деб норозилик билдирганлар. Полицияга ёрдамга чақирилган ҳарбий команда аҳолини ўраб олганди, бу ҳаракат қонли тўқнашувга айланиб кетади[212]. Ғалаёнларнинг тўхтовсиз давом этаётганини кўрган Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус Қўқонда

бир қанча нуфузли кишиларни тўплаб, уларга подшо фармони ҳақида бирмунча тушунтириш ишларини олиб борди. Улар ўз ўрнида халқ орасидаги қўзғолонларнинг бошланишига асосан қуйидагилар сабаб бўлганини айтганлар:

1. Сафарбарликнинг шарт-шароитларини тўлиқ тушунтирмаслик;

2. Аҳоли ёшининг аниқ кўрсатилиши эса мажбурий чақирувни ҳеч қандай имтиёзга эга эмаслиги ҳақидаги гушунчани келтириб чиқарди;

3. Тўсатдан ва зудлик билан бажарилиши лозим бўлган фармон аҳолига ўйлаб кўриши учун имкон бермади, айниқса, рўза вақтида;

4. Аҳоли ҳар қандай тушунтиришларга қарамай, ўзларини солдат сифатида чақирилаётганларига тўла ишондилар[213].

Шу куни А.И.Гиппиус Туркистон генерал-губернаторига "Қўқонда мен нуфузли кишиларни тўплаб олий фармонни яна тўла-тўкис тушунтириб бердим", деган мазмунда телеграмма жунатади[214].

Бочқир участка пристави 4 июль куни Риштон волости қишлоқ оқсоқолларига эркакларнинг рўйхатини тузишни буюрганда рўйхат тузиш бирмунча тинч ўтгандай бўлди. Лекин 9 июль куни Риштон волости аҳолиси норози бўлиб, тўплана бошладилар. Улар орасидаги ташвиқотчилар мардикорлар рўйхатини тузишга йўл қўймасликка, чет жойларда рўйхатларни тортиб олаётганларини, волость бошқарувчиларини ўлдираётганлари ҳақида хабар берадилар. Шундай ташвиқотчилардан бири Муллажалол Абдуқаххорхўжаев эди[215]. 10 июль куни Риштон қишлоғи масжидида тўпланган оломон рўйхат масаласини муҳокама қилиб, рўйхатни тортиб олишга қарор қилдилар. Оломон Муллажалол, Муллаасрорхўжа Бобохўжаев, Машокирхўжа Мадалибоев, Акбархўжа Бобоҳожиев бошчилигида қишлоқ оқсоқоли Мирзасангин Мирзабадаевни чақиртириб, ундан рўйхатни талаб қиладилар[216].

Бу ҳақида волость бошқарувчиси Комилжон Жалолов Бочқир участка пристави Самойловга хабар берганда у 12 июль куни эрта билан маҳаллий маъмурият вакилларини масжидга тўплашни буюради. Шу куни масжидга нафақат нуфузли кишилар, балки 500 га яқин катта оломон тўпланади[217]. Пристав сафарбарликка чақириқ ҳақидаги эълонни ўқигач, "Олий фармонга бўйсунасизларми?" деган саволига ҳеч қандай жавоб берилмаган. Шундан сунг пристав қишлоқ оқсоқолидан рўйхатни талаб қилган Муллаасрорхўжа ва Акбархўжа Бобохўжаевлар, Машокир Мадалибоев,

Жалол Абдуқаҳҳорхўжаевни бирма-бир чақириб ҳибсга олдиради. Шунда Бобохўжаев волость бошқарувчисига ёпишиб "нимага бизни приставга айтдинг", деб оломонга "унга ташланинглар", деб бақиради. Улар орасидан эса "волость бошқарувчиси ва приставни ўлдиринглар", деган ҳайқириқлар эшитилади[218] . Муллаасрор ва Муллаакбар Бобохўжаевлар ва Машокир Мадалибоевлар ерга ётиб олиб, ўзларини олиб кетишга йўл қўймайдилар. Бу вақтда оломоннинг бир қисми Абдуқаҳҳор Хўжаев бошчилигида "уларнинг қаршисидан чиқиб, ҳужум қиламиз", деб масжиднинг орқа томонига полицияни йўлини тўсиш учун югурадилар ҳамда таёқ ва тошлар билан қуролланадилар. Ҳар томонлама оломон билан қуршаб олинганини кўрган пристав отишга буйруқ беради[219].

Риштон қишлоғидаги ғалаённи Бочқир участкаси пристави Самойлов қуйидагича тасвирлайди: "Бошқа хабарларга қараганда Риштон аҳолиси 3 кундан бери қўзғолонга тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг ташкилотчилари Муллаасрорхўжа Бобохўжаев, Шамирҳожи, Пулатбой Йўлдошбоевлардан иборат экан[220]. Шунинг учун 12 июль куни эрта билан соат 10.00 да мен соқчиларни тўплаб, Риштон қишлоғига бордим. Аҳоли масжид олдида тўпланиб, мени кутаётганлигини эшитиб, отни масжид олдига қўйиб ичкарига кирдим. У ерда 500-600 атрофида аҳоли тўпланган эди. Бир кун аввал ҳарбий губернаторнинг аҳолига чақириғи тарқатилган эди. Мен уни яна бир марта ўқиб бердим ва оломонга: "Сиз хавотирланаётган рўйхат тузиш тўхтатилди, аҳолининг ўзи сафарбарликка борувчиларни аниқлайди; подшонинг фармони нима бўлишидан қатъи назар бажарилиши лозим, мақсади ёмон кишиларнинг гапига кирманг, агар шундайлар учраса, дарҳол менга хабар беринг", деб уқтирдим[221]. Бу гаплардан сўнг аҳолининг кайфияти янада ёмонлашди. Бунинг оқибати ёмон бўлишини билгач, мен ғалаён ташкилотчиларидан 7 кишини ҳибсга олдим. Уларга пристав орқасидан боришни буюрганимда, улар норозилик билдирдилар. Муллаасрорхўжа Муллабобохўжаев волость бошқарувчисига ташланди, оломон қолганларни қутқариш учун бостириб келди. Пристав дарҳол қуролларни тайёр қилишни буюрди. Оломон шовқин-сурон билан бошқарувчига норозилик билдирди. Улардан бири волость бошқарувчиси Муллакомилжон Муллажамоловнинг қўлидан тортиб, қуролсизлантирмоқчи бўлди. Мен ҳибсга олинганлар ва маъмурият вакилларини қурол ўқталиб масжид ичидан олиб чиқдим ва эшикни ёпиб соқчилар билан оломонни ушлаб турдим. Улар отга ўтириб жўнадилар. Лекин

масжиднинг орқа томонидан оломоннинг бир қисми чиқиб, ёнмаён кўчада маъмуриятнинг йўлини тўсмоқчи бўлди. Икки соқчининг отини ҳам олиб қўйдилар. Мен ўз одамларим билан аста-секин кўчама-кўча кета бошладим. Оломон ҳам таёқ, тош ва пичоқ билан қуролланиб, орқадан бораверди. Шу тариқа оломон бизларни ҳар томонлама ўраб олди. Аҳоли орасидан "волость бошқарувчисини ушладилар", деган овоз эшитилди. Шунда мен отишга буйруқ бердим. Отишмадан сўнг оломон бир оз тарқалди ва бизларга йўл берди. Аҳолидан уч киши Исмоилхожи Мулламадаминов қовугидан, Мадалибойвачча Парпибоев биқинидан, Султонхожи Мадалиев бошидан яраланди.

Шундан сўнг мен дарҳол уезд бошлигига телеграмма жўнатдим. 2,5 соатдан сўнг ҳарбий команда етиб келди. Улар 9 кишини ўтган воқеаларнинг сабабчиси сифатида ва 3 кишини оқсоқолдан рўйхатни тортиб олганлари учун ҳибсга олдилар. "Жўрабой Муллатошматовни эса Бекобод қишлоқ жамоаси мирзаси ҳузурига оломон билан бирга бориб, ундан рўйхатни бермасанг ўлдирамиз", деб зўравонлик қилгани учун ҳибсга олдилар. Ҳарбий команда етиб келганида аҳоли тарқаб қолган эди. Жами 13 киши ҳибсга олиниб, Қуқон турмасига жўнатилди"[222].

Бироқ бундай чора халқ ғалаёнларини тўхтата олмади. Риштон волостининг Тўда қишлоғидаги ғалаён аҳолининг оқсоқолдан рўйхат талаб қилишидан бошланди. Бочқир пристави аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқчи бўлса-да, лекин оломон орасидаги баъзи кишилар, асосан, мадраса талабалари аҳолини ҳокимиятга бўйсунмасликка чақирадилар. Шунда чор ҳукумати қурол ишлатиб, аҳолини тинчлантирмоқчи бўлади. Натижада аҳолидан 3 киши яраланиб, 12 киши ҳибсга олинади. Улардан иккитаси мадраса талабалари эди[223].

Қудаш волостининг Қирқ Кетмон, Бешқалъа Поён, Бешқалъа Бола қишлоқлари аҳолиси 12 июль куни кеч томон подшо фармонидан норози бўлиб, элликбошиларни дўппосламоқчи эканликларини айтганлар. Бундан хабар топган элликбошилар дарҳол волость бошқарувчисининг ҳузурига келиб, ўша ерда ётиб қоладилар[224]. Эрталаб таёқ, тош, кетмон, болта, ўроқ ва ҳоказолар билан қуролланган 500-600 кишилик оломон волость бошқарувчисининг уйига келади. Оломон ғазабини кўрган волость бошқарувчиси қочиб қолади. Оломон Қудаш қишлоғига келиб, волость бошқарувчисини беришни талаб қилади. Қузголончилар уезд бошлигининг ёрдамчиси казаклар билан келаётганини эшитмагунча

ҳеч қаёққа жилмаганлар. Бу хабарни эшитгач, оломон тарқаган, улар кетгач, у ерда жуда кўп тош уюмлари қолган. Қўзғолон давомида то казаклар етиб келгунича оломон иккита элликбошини калтаклашга улгурганди[225]. Улар Қирқ Кетмон қишлоғининг элликбошиси Мадали, қишлоқ оқсоқолининг отаси Турсунқул эди. Элликбоши Мавлонқулнинг уйи эса талон-торож қилинган[226].

Қўзғолон ташаббускорларидан: Самарқул Самарқўзиев, Муҳаммадзиё Абдуқодиров, Бобоназар Тошматов, Ҳожиматбой Норматбоев, Эгамберди Масодиқов, Саримсоқ Йўлдошматов, Қурбонқул Мадқосимов... жами 18 киши ҳибсга олинади[227].

Қўқон уездининг волость ва қишлоқларида ғалаёнлар бир-бирига занжирдек уланиб кетаверган.

21 июль куни А.И.Гиппиус Бош Штаб бошлиғига шундай хабар қилади: "Чексиз бахтиёрлик билан маълум қиламанки, гапларимнинг таъсири, плакатларни тарқатиш ва агентларнинг ҳаракати оқибатида Фарғонадаги аҳвол ўз жойига тушиб, 3 кундан бери вилоятда ҳеч қандай воқеа содир бўлмади. Қўқонда бозор ва кўчалар одам билан тўла, руслар орасидаги ваҳима ўтди. Ўтган тартибсизликларни дала судлари ва оммавий дорга осиш ишларини тугатгандан сўнг зудлик билан ҳарбий ҳолатни бекор қилиш ва вилоятдан ортиқча ҳарбий қисмларни олиб чиқиб кетишни илтимос қиламан"[228]. Вилоятнинг бош раҳбари А.И.Гиппиуснинг фақат кўрқитув, яъни ҳарбий куч ишлатиш орқасида қўзғолонларни бостирилганлиги ҳақидаги сўзлари ҳақиқатни акс эттиради. Унинг император фармони буйича олиб борган тушунтиришлари, кенг кўламдаги таш-виқотлари ва ваъдаларига ҳеч ким ишонгани йўқ. Чунки чор маъмурияти ўзининг иккиюзламачи ва адолатсизлиги билан аллақачонлар ишончни йўқотган эди. Буни яхши англаган чор маъмурияти қандай бўлмасин, туб аҳолига ўзининг ҳарбий қудратини намойиш этишга ҳаракат қиларди.

1916 йилнинг 21 июлида Туркистон генерал-губернатори вазифасини вақтинчалик бажарувчи М.Р.Ерофеев вилоят ҳарбий губернаторларига қуйидаги мазмунда телеграмма юборади: "Ўлка шаҳар ва қишлоқларида император фармонига бўйсунмаётган халойиққа таъсир қилиш мақсадида ҳарбий намойиш уюштирилсин. Бу намойиш ҳарбий машқ билан олиб борилсин. Аҳоли шуни билсинки, уларга қарши курашда мана шу ҳарбий ҳаракатлар амалда кўрсатилади"[229].

Айрим маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятидаги қўзғолончилар Фарғона водийсига ўтиб курашни давом эттириш

ҳаракатига тушганлар. Бу ҳақида хабар олган вилоят ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус 27 июлда Қўқондан Тошкентга қуйидаги мазмунда телеграмма юборган: "Тошкентга боришни тўхтатдим, чунки Самарқанд вилоятидан тоғларга қочган аҳоли "Исёнчилар гуруҳлари"ни тузиб, Жиззах, Зомин ва Шаҳристон томондан Фарғона тоғларига келиб ўрнашмоқчилар. Бу эса водийда яна қўзғолонларнинг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида солдатларни темир йўл орқали Мельников бекатига жўнатдим. Улар Исфара қишлоғига бориб ўрнашадилар. Бу ердан 50 *км* масофадаги Работ деган жарликка самарқандликлар келиши мумкин"[230]. Аммо бу ерга улар етиб кела олмадилар.

31 июлда Фарғона вилоятининг янги ҳарбий губернатори П.П.Иванов Қўқонда банк ва савдо-саноат фирмаларининг вакиллари ҳамда бошқа нуфузли кишиларни йиғиб, қўзғолон сабабларини аниқлаш бўйича савол-жавоб ўтказади. Мажлис қатнашчилари якдиллик билан қуйидаги фикрни баён этдилар[231]:

1. Император олийларининг мардикорликка сафарбар қилиш ҳақидаги фармони маҳаллий аҳоли томонидан нафрат ва ғазаб билан қарши олинди. Бу қўзғолонларнинг кўтарилишига олиб келди. Маҳаллий аҳолининг фармонга душманлик ва нафрат кўзи билан қараши қўзғолонларнинг юзага келишига асосий сабаб бўлмай, унинг илдизи анча чуқурга бориб тақалади. Туб аҳоли Россия билан иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани орқасида бойиганлиги ва ўлкада рус ҳокимиятининг ўрнатилишига қарамай, ҳеч қачон Россияга дўст бўлган эмас. Бунга урушқоқ ислом ғояси сабаб бўлмоқда. Арабистон ва Туркия билан доимо алоқада бўлиб, юз минглаб кишиларнинг ҳажга бориши аҳоли орасида мусулмон фанатизмини қувватлаб, панисломизм ғоясининг уруғлари сепилмоқда. Аммо буларнинг ҳаммаси аҳолини Россиянинг куч-қудрати ва шавкатига ишонган вақтларида қуруқ сўзлар бўлган эди. Аммо биринчи жаҳон уруши муносабати билан, айниқса, Россиянинг фронтдаги мағлубиятлари эшитилгандан кейин Россия туб аҳолининг назарида ўз куч-қудрати ва салоҳиятини йўқотган давлат сифатида гавдаланди. Шунингдек, уруш орқасидан заифлашган Россия чекка ўлкаларни ҳарбий қисм билан таъминлай олмаслиги ҳақидаги фикрлар ўлкада тарқалди. Умуман олганда, Россиянинг оғир аҳволи туб аҳолида чет эл ҳукмронлигидан қутулишга ва ғалаба қилишга ишонч ҳосил қилди.

2. Ҳарбий қўшинларнинг тезкорлик билан иш кўриши, темир йўлларнинг қўриқланиши, қўзғолонларнинг, айниқса, Жиззах

қўзғолонининг шафқатсизлик билан бостирилиши кўрнамак аҳолининг кўзини очди ва улар орасида бирмунча тинчликни таъминлади.

3.Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус-нинг аҳолига мурожаатномасида эълон қилинишича, аҳоли мардикорликка мажбурий эмас, балки ихтиёрий равишда бориши мумкин эканлиги таъкидланган, бу ўз навбатида халойиқ орасида фармонни бекор қилинганлигини англатди.

4. Генерал А.И.Гиппиуснинг сафарбарлик ишлари орқасида ёрдам фонди тузилди ва оммавий равишда пул тўплай бошланди. Ҳар бир ҳовлидан 50 руб.дан, ихтиёрий равишда борувчилар учун 700 руб.дан қилиб белгиланди. Айнан ихтиёрий равишда мардикорликка ёлланганлар аҳолининг энг паст табақасидан, жумладан банги, қиморбоз ва шуларга ўхшаш жамиятнинг "носоғлом" кишиларидан ташкил топди[232].

Қўзғолоннинг авж олиб кетишига эса қуйидаги шарт-шароитлар сабаб қилиб кўрсатилди:

1. А.И.Гиппиуснинг кетма-кет эълон қилган 2 та эълоннома-сидан сўнг, ўлкада вазият ниҳоятда кескинлашди ва чалкашиб кетди. Маҳаллий аҳолида эса мардикорликка фақат хоҳлаган одам боради, деган тушунча ҳосил бўлди.

2. Аҳоли мардикорликка ихтиёрий борувчилар учун катта маблағ тўпламоқда, агарда пулга ёлланганлар мардикорликка боришдан бош тортсалар ва мажбурий сафарбарлик жорий этилса, унда албатта қонли тўқнашувнинг келиб чиқиши аниқ.

3. Сиртдан аҳоли тинчигандек бўлгани аниқ эмас эди. Шунинг учун ҳам мажлис иштирокчилари Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини ўтаб турган полковник П.П.Ивановдан ўлкани бошқаришда кучли ва аёвсиз сиёсат олиб боришни илтимос қилдилар. Акс ҳолда, озгина бўлса-да, иккиланиш ўлкадаги рус савдоси, рус саноати ва қолаверса, бутун Россия манфаатини ҳалокатга олиб келиши мумкинлигини уқтириб ўтдилар[233].

Шу тариқа чор ҳукумати вилоятдаги аҳволни ниҳоятда қалтис эканлигини, агарда ўз вақтида керакли чоралар кўрилмаса ўлкада рус ҳукуматининг мавқеи тамомила тушиб кетишини, бунинг оқибати эса нималарга олиб келишини жуда яхши тушунар эди. Шарҳланаётган ҳужжат қўзғолон тарихини ўрганишда ва мустамлакачилик сиёсатини ёритишда ўта қимматлидир. Аввалambор, ҳужжатга имзо чекканларга эътибор берайлик: судья Марков, фирма вакили – Багрянский, Трифонов, Қўқон божхона бошлиги

Солитинов, пахта заводларининг бошқарувчиси – Луцкий, уезд бошлиғи, маслаҳатчи – Мединский, фирма вакили – Молодцев, фирма вакили – Нарцисов ва бошқалар. Бу кимсаларнинг ҳаммаси мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатининг раҳнамолари булганликлари учун ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда фикрларини изҳор этганлар. Ҳужжатдаги император фармони қўзғолонга фақат туртки бўлганлиги, халқнинг чор ҳукуматига юракдан душманлиги ва ихтиёрий равишда мардикорликка олишнинг сохталиги ҳақидаги фикрлар асослидир. Мажлис қатнашчиларининг туб аҳолига ишонмасликлари хусусидаги сўзларига ҳам қўшилиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам мустамлакачилик сиёсатининг азоб-уқубатларини тортаётган халқ ҳеч қачон золимларга мойиллик билан қараши мумкин эмас эди. Қўқон шаҳридаги савдо-саноат доиралари, чор маъмурияти ва бошқа нуфузли кишилар бу ҳолатни яхши англаб, ҳукуматдан имкони борича ҳарбий кучни кучайтириш ва унга таянган ҳолда ўлкани мустамлакачилик исканжасида ушлаб туришни талаб қилдилар. Уларнинг тан олишича, шундай қилингандагина пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини, ички ва ташқи савдо бойликларини Россиянинг қўлида сақлаш мумкинлигини уқтириб ўтдилар. Улар "рус манфаати" ва "рус ишини" оғишмай ҳимоя қилишни ва бунга эришмоқ учун ҳеч нарсадан тоймасликка чақирдилар. Бу чор маъмуриятининг манфаатларини ҳам таъминлар эди. Шу боис ҳужжатга уларнинг вакиллари ҳам имзо чекдилар. Умуман олганда, мажлис аҳли мустамлакачилик руҳи билан суғорилган эди. Маҳаллий маъмурият амалда чор маъмурларига хайрихоҳлик билдирса-да, халқ орасида аксинча подшо фармонига қарши чиқишга даъват этганлар.

Буни Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори М.Р.Ерофеевга берилган маълумотдан ҳам кўришимиз мумкин. Унда: "Чор маъмурияти Фарғона ва Самарқанд вилоятларида халқ ғалаёнларининг бошланиши, аҳолининг подшо фармонига қарши чиқиши қози, мулла ва эшонларнинг икки томонлама иш олиб боришини сабаб қилиб кўрсатди. Улар, бир томондан ўзларини чор ҳукуматига содиқ қилиб кўрсатсалар, амалда эса аҳоли орасида маҳфий равишда мардикорликка боришга рози бўлмаслик, подшо фармонига қарши чиқиш ҳақидаги ташвиқот ишларини олиб борганлар. Юқорида қайд этилган шароит туфайли аҳоли руйхатларни йиртиб, волость бошқарувчилари, оқсоқоллар, мирза ва полициячиларга қарши ҳужум қилмоқдалар", деб кўрсатилган эди[234].

Қўқон уездининг Конибодом қишлоғида яшовчи Акбархўжа Тошкентга бориб, у ердаги фронт орқасига жўнатилаётган мардикорларнинг аҳволи ва шарт-шароитларини кўрди. 12 июль куни у уйга қайтиб келгач, тошкентликлар мардикор беришдан қатъий бош тортаётганларини, уларда "маҳаллий аҳоли руслар босиб олган вақтдан бошлаб 100 йил давомида ҳарбий хизматга чақирилмайди", деган фармон борлигини уқдираётганлиги ҳақида гапириб берди ҳамда тошкентликлар генерал-губернаторни калтаклаганлари, чор ҳукумати эса фармонни ўзи ўйлаб чиқаргани ҳақидаги хабарларни тарқатган. Унинг барча хатти-ҳаракатлари чор ҳукумати томонидан таъқиб остига олинган.

21 ва 22 июль куни Конибодом қишлоғида халқ қозиси Муллатўрахонхўжа Эшоновнинг уйида йиғилиш бўлиб ўтган. Унда халқ қозиси ва имом аҳолига ҳукуматнинг талабини бажармасликка даъват қилган[235]. Юқорида қайд этилганлардан ташқари Ашурбой Тошхўжаев, Алимбой Юнусов, Боймуҳаммад Дўстмуҳамедов, Мирза Мавлон Худойберди Сотиболдиев ва Мулла Норча ҳам аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини олиб боришда иштирок этганлар[236].

Қўқон шаҳридаги ташвиқотчилар халқни ҳукуматга қарши курашишга чақириб, қурол-аслаҳа жамғарганлар. Улар орасида Мирзаҳамдамйўлчи Йўлдошбоев – оқсоқол, Саидбек – Исфара гузарининг вакили, Абдураззоқзиё Зокирхўжа – қози, Орифжон Ҳусаинов – савдогар, Акбархўжа – Исфара гузарининг адвокати, Кор – фирманинг собиқ вакили, Обид чатоқ Маҳмудов – собиқ муҳаррир, Конибодомдан Амирбой Араб, Мулла Мусажон, Дадабойҳожи Мусалиев, Акбархўжа – Конибодом қозиси[237]. Конибодом қозиларидан бири Абдуллажон Олимжонов, Аширбой Араб, Дадабой Солихўжаев ва Бсймат Дўстматовлар Россияга қарши ташвиқот юргизганлар.

Демак, Қўқоннинг юқори табақаларининг илғор вакиллари яширинча ташвиқот ишлари билан шуғулланиб, халқни озодлик курашига отлантирган.

Ўлканинг хавфсизлик бўлими рўйхатида Қўқон уездидаги ҳукуматга қарши ташвиқот ишларини олиб борган қуйидаги кишиларнинг рўйхатлари сақланган: Абдусамад Раҳимжонов (Конибодом), Муллаэшонхон Юнусҳазратов (Қўқон), Сулаймон Шайх (Қўқон), Абдураҳмон Афанди Шоназархўжаев (Қўқон), Аҳмад Бадриддинов (Конибодом), Давлат Муродов (таржимон), Абдулла Афанди Тожи Эрмуҳамедов (Қўқон), Эшон Шоолимхонхўжа Раҳимхўжаев (Туркат қишлоғи), Эшон Юнусҳазрат

(Қўқон), Садриддинхон Муҳиддинов (Тўрақўрғон қишлоғи), Эшон Мусахон Тўра (Қўқон), Исмоилжон Исабоев (Конибодом), Зокирхўжа Орифхўжаев (Қўқон уезди қозиси), Машадраим Ҳамид ўғли (Конибодом), Абдураззоқ Зиёбоев (Қўқон), Отажон Ҳасанбоев (Қўқон), Абдумўминҳожи (Қўқон), Аширбой Араб Шодибоев (Конибодом), Муллахудойберди Сотиболдиев (Конибодом), Мулласулаймонқул Алимбоев (Конибодом) ва бошқалар.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, халқни курашга отлантирувчи ташвиқотчилар қаторида эшонлар, қозилар ва бошқа нуфузли кишилар ҳам бўлган. Улар тарғибот ишларини ошкора равишда эмас, масжидларда ўзаро учрашув ва суҳбатларда яширин ҳолда олиб борганлар. Бу билан улар ўз ватани ва халқининг манфаати учун курашганлар. Уларнинг бундай ишлари ҳақидаги маълумотлар хавфсизлик бўлимининг айғоқчилари томонидан етказиб турилган. Ташвиқотчилар орасида ўқитувчи, адвокат ва айрим пахта тозалаш завод эгаларининг борлиги ҳам ватанни озод қилиш гояси жамиятнинг барча тоифаларини қамраб олганлигини кўрсатади. Бундай ҳолат Ўш ва Ўзган шаҳарларида ҳам кузга ташланган эди. Аммо айрим нуфузли кишилар ҳукумат тарафида турганлар. Масалан, Давлат Думасининг собиқ аъзоси Солижон Алимжонов ўзининг тан олишича, халқ уни пул эвазига ҳукуматга сотилиб мардикорликка сафарбар этишга сабабчи бўлганликда қоралаб ўлдиришга аҳд қилганлиги учун у оиласи билан Қўқон шаҳридаги руслар турадиган жойга ўрнашган[238].

Қўзғолон бостирилгандан кейин ҳам чор ҳукуматига қарши ташвиқот тўхтамади. Манбаларда 1916 йил 22 августда кечқурун Қўқон шаҳридаги чойхонада Мадумар Мадғозиев исмли киши: "Ўзбеклар билмайдики, Россиянинг фронтдаги талафоти катта ва уни тўғрилашнинг ҳеч иложи йўқ, шунинг учун ҳам чор ҳукумати мардикорликка олишга мажбур бўлди – ҳукуматда маблағни етишмаслигидан ҳарбий заём чиқарилиб, уни олишга маҳаллий халқни мажбур қилаётир, мардикорликка бориб ўлгандан кўра шу ерда ўлиш афзал", деб ташвиқот юргизганлиги ҳақида маълумот сақланган[239] . Бошқа бир манбада эса ота-бола тошкентликлар "агар ўзаро келишиб, бир кунда ҳамма жойда қўзғолон кўтарилганда душманни тор-мор этиш ва Туркистон мустақиллигини тиклаш мумкин", деб ташвиқот юргизгани қайд этилади[240].

Ўз навбатида мустабид ҳукумат раҳбарлари ҳам халқ орасида ташвиқот олиб боришдан чарчамаган. Масалан, Фарғона генерал-губернатори А.И.Гиппиус Қўқондан ўта туриб шаҳардаги боғда

мардикорликка ихтиёрий равишда борувчиларни (500 га яқин киши) тўплашни буюрди. Улардан ташқари бу ерга нуфузли кишиларнинг фарзандлари, ёшлар, қариялар, қора ишчилар, қозилар ҳам тўпландилар. А.И.Гиппиус оломонга ҳар галгидек аввалги гапларини қайтариб, жумладан яна шундай деди: "Бизга норози бўлаётган ишчилар умуман керак эмас, агарда ихтиёрий борувчилар мўлжалланган сондан оз бўлса, унда мен ишчиларни мажбурий равишда рўйхатга киргизмайман, ҳокимият эса Фарғона водийсидан ҳафсаласи пир бўлиб, ундан юз ўгиради ва фармон бекор қилинади. Уруш тамом бўлгач, ҳукумат давлатга оғир кунларда қайси халқлар ёрдам берганини ҳисоб-китоб қилади ва шунда Туркистон ўлкаси ўз-ўзидан ажралиб чиқади. Ҳукумат бу халқнинг тил озодлиги, дин озодлиги ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқларига муносиб эмас, деб топади, чунки ер қон билан қўлга кири-тилади ва ундан фойдаланиш қон билан ҳимояланади"[241]. Бу билан А.И.Гиппиус Туркистон халқларининг дини, тили озод эмаслигини, ўз ерига ўзи эгамаслигини беихтиёр тан олади ва унга эришиш учун Россия манфаати йўлида қон тўкишга чақиради.

Нутқининг охирида А.И.Гиппиус халқни ўз ихтиёри билан умумий душманга қарши курашда рус қўшинларига қўлларидан келганича ёрдам беришлари кераклиги ва бу билан подшо уларга ҳадя этган неъматларни ўз авлодларига қолдириш учун, уни ўз қонлари билан ювиб оқлаб олишлари лозимлигини уқтириб ўтди[242].

Демак, унинг фикрича, Туркистон аҳли ўзининг киндик қони тўкилган ерларини ҳам оқ подшонинг неъмати сифатида қабул қилиб, ўзи яшаб турган ерини қон билан ювиб олмоғи даркор эди! Бу фактлар чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсатини нақадар шафқатсиз инсоний ва миллий ҳуқуқларни таҳқирлашга асосланганлигидан яна бир бор далолат беради. Чор ҳукумати ўлка аҳолисини мардикорликка жўнатиш учун ҳар қандай йўллардан фойдаланди. Уларнинг мардикорликка ихтиёрий бориш ҳақидаги сиёсатлари ҳам ўз натижасини бермади. Чор маъмурияти томонидан уюштирилган намойишлар, турли хил эълонномалар аҳолини ўз ихтиёри билан мардикорликка жўнашига эришишга ёрдам бера олмади, ҳеч қандай натижа чиқмади, халқ ҳаракатлари давом эта берди. Мардикорликка "ихтиёрий" равишда борувчилар рўйхати ҳам аслида мажбурий тарзда тайёрланган бўлиб, катта норозилик туғдирганди. Туркистон генерал-губернаторига Туркистон райони хавфсизлигини сақлаш бўлими бошлиғи

М.Н.Волковдан келган хат шундан далолат беради. Унда ёзилишича: "Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи қўрбоши 200 киши атрофидаги аҳоли розилигини олмасдан, ихтиёрий равишда борувчилар рўйхатига қўшиб қўйди. Қўқонлик Абдураҳмон Абдухолиқов ва Исмоилжон Иброҳимовлар қўрбоши улардан сурамасдан рўйхатга ёзиб қўйганини, аслида эса ўзлари умуман фронт орқасига ишлагани боришни хоҳламаганларини айтиб, норозилик билдирдилар...[243] Умуман олганда, маҳаллий аҳоли мардикорликка ихтиёрий боришга ҳеч қачон рози бўлмаган"[244].

Россиянинг урушда кетма-кет талафотга учраши уни ўлкадаги обрусига анча салбий таъсир кўрсатди. Аҳоли орасида "Русларнинг урушда енгилаётгани, уларнинг талафоти жуда катта экани, бу эса Туркистон аҳли учун жуда қулай вазият бўлиб ҳизмат қилиши мумкинлиги" ҳақида шов-шувлар тарқала бошлади. Бундай ҳолат қўзғолонларнинг янада авж олишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, Фарғона вилояти аҳолиси орасида "чор маъмурияти бу билан тинчимайди, мардикорларни жўнатгач, 2 ойдан сўнг яна ўлган ва ярадорлар ўрнига ишчиларни беришни талаб қилади. Шунинг учун урушда ҳалок бўлгандан кўра, ўз еримизда ўлганимиз афзалроқдир", деган гаплар тарқалган[245]. Қўқон шаҳри аҳолиси эса "ҳеч қандай тайёргарчиликсиз ва келишиб олмасдан қилинган ҳаракатлари рус қўшинлари томонидан тезликда бостирилгани, эндиликда руслар барча станцияларни ўз қўшинлари билан тўлдириб ташлагани"ни афсус-надоматлар билан гапирганлар[246].

1916 йилги қўзғолон даврида жадидларнинг айрим вакиллари ҳам халққа ёрдам беришга ҳаракат қилганлар. Улар подшо фармонини бекор қилиш, жуда бўлмаса, мардикорларнинг сонини камайтириш учун ҳаракат қилганлар. Қўқонда истиқомат қилувчи Сариқбой Акаев аҳолидан Давлат Думаси Мусулмонлар фракцияси аъзоларига подшо фармонини бекор қилишни илтимос қилиб ва бу илтимосни Дума мажлисларидаги йиғилишларнинг бирида кўриб чиқишларини умид қилиб, пул жамғармаси тўплаган. Бунда унга Аравон қозиси Зокирхўжа, Бешариқ қозиси, Конибодом қозиси, Риштон қишлоғида истиқомат қилувчи волость бошқарувчиси Шокир, қўқонлик Мирзаҳамдам Йўлдошбоевлар ёрдам берганлар[247]. Йиғилган маблағни С.Акаев шахсан Тошкентга бориб Россия Давлат Думаси аъзолари Тевкелев ва Керенскийга топширган[248].

Қўқон шаҳридаги элликбошилар эса аҳолига Давлат Думаси аъзоси Тевкелев Тошкентдан Самарқандга жўнаганини, у ердаги баъзи бир маҳаллий маъмурият вакилларини ўз лавозимидан

четлаштирганини эълон қилдилар. Улар яна халққа Тевкелев Жиззахдан кейин Андижон ва Қўқонга ташриф буюришини, шунда депутатларга ўзларининг ночор аҳволларини тушунтиришлари зарурлигини уқтирганлар[249].

Шундай қилиб, Қўқон шаҳри ва уездини қамраб олган қўзғолонлар аҳолининг турли тоифа вакиллари томонидан қўллаб-қувватланган. Мустамлакачилик зулмидан беқиёс азият чеккан халқнинг ундан халос бўлиш иштиёқи қўзғолон кунларида кескин намоён бўлган. Сабртоқати тугаган мазлум аҳоли мустабид тузум ва унинг маъмуриятининг ҳарбий кучлари, айниқса, фармон ижрочилари бўлган маҳаллий маъмурларни шафқатсиз жазоладилар.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийсининг Андижон, Наманган ва Қўқон уездидаги воқеалар баёнидан маълум бўлишича, халқ ғалаёнларида ёши 20 дан 60 ёшгача бўлган эркаклар иштирок этганлар. Демак, ғалаёнлардан ёшу қари баробар қатнашган. Улар мустабид ҳукуматнинг адолатсизликларидан, иқтисодий, маънавий жиҳатдан ниҳоятда эзилган эдилар.

Император Николай II нинг 1916 йил 25 июнда эълон қилган 19-43 ёшдаги эркакларни зўрлик билан узоқ ўлкаларга номаълум муддатга олиб кетиш ҳақидаги адолатсиз фармони ва бу фармонни амалга ошириш жараёнидаги адолатсизликлар уларни ғазабини қўзғатиб юборган.

Мардикорликка олинувчи эркаклар рўйхати тузила бошланиши биланоқ улар кўчага чиқиб, аввал шу рўйхат тузувчиларни жазоладилар, кейин эса уларни жазолашга келган ҳарбий кучлар билан тўқнашдилар.

Демак, ғалаёнлар мустамлакачиларнинг навбатдаги зулмига қарши бошланиб, кескин тус олди. Қўзғолончиларнинг "Золимларнинг куни битди", деган даъватлари мустамлакачилар билан қатъий ҳисоб-китоб қилишга, яъни уларнинг зулмига чек қўйишига отланганлигидан далолат берарди.

Демак, ғалаёнлар стихияли тарзда бошланиб, аста-секин уюшган ва аниқ мақсадга йўналган тус ола бошлаган. Бироқ бу ўринда яна бир нарсага эътиборни қаратиш лозим.

Кўп ҳолларда тунда қишлоқ ёки шаҳар кўчаларида халқни ғалаёнга даъват этиш ҳоллари содир бўлган, демак, қўзғолонларнинг бошланишиданоқ, уларни уюштиришга ҳаракат бўлган. Аммо бу маълум режа асосида бормаган. Кейинги мақсадлар ҳам аниқ бўлмаган, ғалаёнчилар "золимлардан ўч олиш, уларни йўқотиш" мақсадида бош кўтарганлари, ўз ҳаракатларининг пировард-

натижасини ўйлаб кўрмаганлар. Чунки бунга фурсат йўқ эди, воқеалар ривожи жуда тез кечмоқда эди.

Қўзғолонлар тафсилотини бу қадар батафсил баён этишдан мақсад, биринчидан, уларнинг ана шу жиҳатларини, яъни бошланиши ва ривожланишининг яхлит манзарасини тасаввур эта олиш бўлса, иккинчидан, илгари номаълум бўлган воқеалар тафсилотини аниқлаш, қўзғолончилар номини тиклаш эди.

Айнан шу сабабли қўзғолонлар ҳар бир қишлоқ, шаҳар мисолида алоҳида, батафсил ёритилди.

Хуллас, 1916 йил қўзғолони халқнинг сабр-косаси тўлганлиги ва мустамлакачилик зулмига қарши бор кучи билан курашганлигини намоён этди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, нима учун қўзғолон шу қадар оммавий тус олса-да енгилди? Бунинг сабабини фақатгина ҳарбий жиҳатдан ҳукуматнинг устунлиги билан изоҳлаш, фикримизча нотўғри. Чунки ғалаёнлар минглаб кишиларни қамраб олган ҳолларда ҳам кичик отрядлар уларни қурол билан тезда тарқатган.

Фикримизча, бунда қўзғолоннинг стихияли бошланиб, шиддат билан кенгайгани, уларни ҳеч бўлмаса уезд миқёсида бирлаштирувчи раҳбар ёки марказлари бўлмагани, халқ ҳаракатларининг режасиз бўлганлиги ҳам сабаб бўлган.

Асосий ҳарбий кучи фронтда бўлган чоризмнинг кичик отрядлари ғалаёнларни кетма-кет бостириб улгурганлиги сабаби ҳам шунда эди. Агар бир неча қишлоқ ёки шаҳарлар аввалдан келишиб бир пайтда ёки бир йўналишда бош кўтарганида "кўпчилик озчилик"ни енга олиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Бироқ бу мулоҳазалар қўзғолончиларни уқувсизликда айблаш учун асос бўла олмайди, бу объектив шарт-шароитлар билан боғлиқ эди. Чунки чор ҳукумати халқни эллик йил ҳарбий ишдан ва қуролдан узоқда сақлади, таъқиб ва тазйиқларга зўр бериб, халқни ҳар қандай яширин фаолиятига йўл бермади.

Халқ орасида нуфузга эга бўлган, илғор фикрли кишиларнинг ҳар бир қадами таъқиб остида эди. Бу иш билан шуғулланувчи махсус жосуслар тинимсиз иш олиб борардилар. Боз устига, ғалаёнлар фармон ижро этилиши билан бошланиб кетганди.

Айрим вилоятларда, масалан, Самарқанд вилоятининг Жиззах уездида содир бўлгани каби қўзғолонни уюштириш ва Россиядан ажралиб мустақил бўлишга интилиш ҳоллари ҳақида Фарғона водийсида ҳужжатлар учрамади. Эҳтимол, бу мақсадлар халқнинг қалбидаги азалий орзу бўлса-да, ғалаёнларда аниқ айтилмагандир.

Ҳар ҳолда бу ҳужжатлар асосан мустабид ҳукумат вакиллари қаламига мансублигини ҳам унутмаслик керак, лекин мазлум халқ "золимларни битказиш" пайига тушганлиги аниқ ва равшан кўриниб турибди.

Хуллас, Андижон, Наманган, Қўқон уездларидаги қўзғолонлар мисолида Фарғона водийсидаги 1916 йил воқеалари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилибгина қолмай, халқнинг бу даврдаги кайфияти, имкониятлари, салоҳиятини аниқлаш имконини беради.

III БОБ

ҚЎЗҒОЛОНЛАРНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

3.1. СКОБЕЛЕВ УЕЗДИДАҒИ ҚЎЗҒОЛОНЛАР

Фарғона вилоятидаги Скобелев уездининг ҳудуди 14069 *кв км* ни ташкил этиб, унинг таркибига 21 та волость ва Марғилон шаҳри кирган. Бошқа уездлардаги қўзғолонлар Скобелев уездини ҳам ўз ичига қамраб олди. Уездлаги биринчи ғалаён 10 июль куни уезд маркази Марғилон шаҳрида бошланди. Архив ҳужжатларига кўра шу куни шаҳар полицмейстери подполковник А.Я.Пахотин Ўрдатаги майдонига барча шаҳар элликбошиларини йиғиб, подшо фармонининг мазмунини тушунтирмоқчи бўлган. Шу вақт телефон орқали пристав Ўрдатаги майдонида элликбошилардан ташқари катта оломон тўдаси тургани ҳақида хабар беради. Шундан сўнг полицмейстер барча даҳаларнинг оқсоқоллари, пристав ва полиция хизматчиларини олиб, эрта билан соат 9.00 да Ўрдатаги майдонига етиб келади. А.Я.Пахотин оломон орасидан амаллаб ўтиб, чойхона супасига чиқади. Шовқин кўтарган оломон бақириб А.Я.Пахотиннинг гапиришига йўл қўймаган. Шу алфозда 10 дақиқа ўтгач, оломон уни айланасига ўраб, калтаклайди[250]. Пристав револьверини ўқталиб, амаллаб оломон орасидан чиқиб олади. У чойхонанинг орқа томонидан чиқиб, отга миниб бозор орқали ўрда томонга кесиб чиқмоқчи бўлади. Йўлда унга учта полициячи ва Қаландархона қисмининг оқсоқоли қўшилади. Ўрдатагига келганда у ерда бир тирик жон йўқ эди. Фақатгина ерда 4 та оқсоқол, полиция ва соқчиларнинг ўлиги ётар эди, холос. Оломон бу ишни 1,5-2 дақиқа ичида бажарган эди[251].

Кун давомида полиция қўзғолонда иштирок этганлардан 63 кишини ҳибсга олади[252]. Аҳоли бутунлай кучалар, гузар, бозорларни тарк этиб, уйларига яширинган эди. Қўзғолонда фаол иштирок этган Тожибой Мадалиев уни шундай хотирлайди: "...Мен ва бошқа кўп сондаги "эски чопонлилар", хашакфурушлар амалдорларга ҳужум бошладик. Мавлонбек ва Маҳмудбек мингбошиларни оломон остида ўлдирдик. Шу хилда бир ўзбек миршаби ва полиция старшийси ҳам ўлдирилган эди. Шундан кейин мен ўз ҳамроҳларим билан Ўрдатагида жойлашган кино биносига бир полициячини қувлаб бостириб кирдик. Бу ерда шахсан мен ўзим деворга осилиб турган подшо Николай суратини олиб йиртиб ташладим ва уни тепкиладик. Шундан сўнг мен ўртоқларим билан ўз маҳалламизга қайтдик. Шу куни кечки пайт Фарғонадан казак солдатлари Марғилонга етиб келди, қўзғолончиларни калтак остига олиб, қамадилар. Казак солдатлари бизларни йўғон таёқлар билан шундай калтакладиларки, бизлар ўз ҳушимизни йўқотдик. Жазоланганларнинг бадани қонга бўялди ва қаттиқ жароҳатланди"[253].

Қўзголоннинг фаол иштирокчиларидан яна бири Мавлон Лайлаев эса қўзғолонни шундай таърифлайди: "Эрталаб Ўрдатагига тахминан 20 мингга яқин киши йиғилди. Бу ерга тез орада чор ҳукуматининг амалдорлари ва маҳаллий бойлар ҳам қўлларида қоғоз ушлаган ҳолда етиб келдилар. Шундан кейин Маҳмудбек мингбоши халққа қараб: "Осмон баланд, ер қаттиқ, шунинг учун ҳам ҳеч қаёққа биздан қочиб қутулолмайсизлар, мардикорликка боришларинг шарт", деди... Шунда қўзғолон бошланди. Мен биринчи бўлиб Маҳмудбек мингбошини ерга йиқитиб, энди қўлга тушдинг-ку, деб икки қўлим билан томоғидан бўғганлигим учун хириллаб овози чиқмай қолди. Шу ондаёқ оломон мингбошини болта, тош ва ғиштлар билан уриб, ўлдирди. Шундан кейин мен бир тўда ҳамроҳларим билан, Маҳмудбекнинг уйини куйдирамиз ва мол-мулкини талаймиз, деб кетдик. Қўзғолончиларнинг олдинги сафида мен кетаётган эдим. Шунинг учун йўлда Ҳамид миршаб менга ўқ узди, аммо ўқ менга тегмади... Оломон Ҳамид миршабни ҳам бирпасда тош ва ғиштлар билан уриб, пачақлаб ташладилар. Бошқа бир казак миршаби қилаётган ишимизнинг устига келиб қолиб, менга қилич солди ва бўйнимни ярадор қилди. Дарҳол ўртоқларим бўйнимга тупроқ сепиб, белбоғ билан боғлаб қўйдилар. Казак миршаби эса қочиб қутулди... Қўзғолондан сўнг Ақшак қишлоғига, ўгай отамникига қочиб кетдим. Эртасига шаҳарга

тушган бир деҳқон, агарда мени топиб бермасалар шаҳар аҳолисининг ҳаммасини ўлим жазосига тортишлари тўғрисида хабардор қилди. Бу хабарни эшитиб битта мен сабабли шаҳар халқи қирилмасин, деб шаҳарга қайтиб келдим ва қамоққа олиндим. Янгибоғдаги маҳкамада оёқ-қўлларимни боғлаб, ўн бир маротаба казак солдатлари мени ерга копток сингари урдилар"[254].

Шундай қилиб, халқнинг чор ҳукуматига қарши қураши унинг маҳаллий амалдорларидан ташкил топган мингбошилар, оқсоқоллар ва бошқаларга қуллаган жазоларида ҳам ўз ифодасини топди. Бу ҳақда қўзголон қатнашчиси Раҳмон Раззоқов шундай хотирлайди: "Халойиқ учига рўмол ўралган таёқларни осмонга кўтариб, мардикорликка бормаймиз, ур, деб бақирардилар. Оломон амалдорларга ҳужум қилиб Маҳмудбек ва Мавлонбекни ўлдирдилар. Мен Маҳмудбек мингбошининг ўлигини хотинлар томонидан тошбўрон қилинишини ўз кўзим билан кўрдим. Мингбошиларни ўлдиришда ўзим ҳам бевосита қатнашдим. Одамлар мингбошиларни тепасида туриб, худога шукур, золимлардан қутулдик, деб шукроналар қилардилар"[255].

Қўзголонни уюштиришда шаҳарнинг нуфузли кишилари Қаландархонанинг қозиси Қосимхўжа Юсуфалихўжаев ва унинг укалари Умархон ва Мукаррамхонлар муҳим ўринни эгалладилар. Айниқса, Мукаррамхон халқ манфаати учун катта хизмат қилди. У қўзголондан бир кун олдин тунда маҳаллама-маҳалла от чоптириб, халойиқни бош кўтаришга даъват этган эди. Қўзголон бошланишини у қуйидагича тасвирлайди: "Мукаррамхоннинг тарғиботидан сўнг, яъни рўза саҳаридан кейин халойиқ янги боғда жойлашган полиция маҳкамаси олдига тўпланиб, чор ҳукуматининг амалдорларининг чиқишини талаб қилди. Аммо улар қўрқиб, халқ кўзига кўринмадилар. Шундан кейин халойиқ Қаландархона даҳасидаги Жармасжидга келди. Бу ерда ҳам кўп одамлар тўпланиб турган эди. Ҳаммамиз Қосимхўжа қозидан "Сиз қози була туриб нима учун адолатсизликка қарши чиқмайсиз?!" деб ҳақиқатни талаб қилганимизда, у чидолмай бизнинг томонимизга ўтди ва бизлар билан бирга Саидаҳмадхўжа заводчиникига борди. Заводчи бой шаҳарнинг энг катта нуфузли кишиларидан бўлиб, мардикорликка олишнинг тарафдорларидан эди. Саидаҳмадхўжа 4-5 минг атрофидаги оломонни ўзига қарши келаётганини билиб, Фарғонага қочибди. Оломон орасида унинг заводида ишлайдиган ишчилар ҳам бор эди"[256].

Демак, қўзғолон даставвал Қаландархона даҳасида бошланган. Бу ердан оломон мардикорликка сафарбар этишнинг тарғиботчиси Саидаҳмадхўжани жазолаш учун унинг уйига боришган. Уни топа олмагач, шаҳардаги Урдатаги майдонига боришган. Бу ерда уларнинг сони тинимсиз кўпайиб борган. "Биз,– дейди ўша Кимсан Иброҳимов, – Урдатагига келганимизда у ерда ҳам кўп сонли кишилар йиғилганини кўрдик. Орадан кўп ўтмай чор ҳукуматининг мансабдорларидан бири мардикорликка олиш тўғрисидаги фармонни ўқиб тамомламасиданоқ, эски йир-тиқ чопон кийган бир киши камбағалларнинг елкасидан-елкасига эмаклаб ўтиб, фармонни ўқиётган мансабдорга ташланди ва уни қўлидан қоғозни юлиб олди. Мансабдор эса унга ўқ отишга чоғланди-ю, улгура олмади. Қўзғолончилар амалдорларга қарши қўзғалдилар. Мен эса Урдатагидаги полиция будкасидан телефон орқали Фарғонадан аскар чақиришга интилаётганларини кўриб, Музаффар Ғофуров билан телефон симини уздик[257]. Телефон симларининг узилиши ва унинг оқибатида солдатларнинг ўз вақтида етиб кела олмаслиги одамларни зудлик билан тарқалишга ва солдатлар ўқидан сақлашга имкон яратган. Аммо кечга яқин солдатлар келиб, маҳаллаларни кезиб, одамларни калтакладилар ва қуйидаги кишиларни ҳибсга олдилар: Низомиддин Қорабоев, Мадраимқори Мирсодиқов, Нишонбой Абдуллабоев, Муҳаммадрасулқори Мадраимқориев, Ҳошимжон Мадраимов, Иброҳим Абдуқодирҳожиев, Насриддин Нажмиддинов, Ҳошимхўжа Раимов, Осим Абилқосимов, Эшонхонхўжа Орифхўжаҳожиев, Камолжон Мадмусабоев, Камолиддинҳожи Хамелев, Рустамбой Солибоев, Аҳмадбек Муллақурбонбеков, Олимжон Мавлонбоев, Охунжон Бойбуваев, Нурмат Мамасодиқов, Орифжон Абдураҳмоналиев, Аҳмаджон Жамшидов, Тошмат Салайохунов, Солижон Зоидбоев, Дадажон Ҳасанбоев, Маҳмудали Аҳмадалиев, Муҳаммадмуса Аминов, Аҳмадали Мамажонов, Ғофуржон Умурзоқов, Ҳамдам Маматҳожиев, Нишонбой Исмоилов, Саидбой Мусабоев, Отабек Каттабеков, Турсунбой Тошматов, Қурбонбой Болтаев, Ашурбой Қосимсуфиев, Холматҳожи Ёқубжонҳожиев, Раимохун Хўжаохунов, Искабой Шамсихўжаев, Зокиржон Шокиржонов, Раимжон Матяқубҳожиев, Қосимхўжа Юсуфалихўжаев, Умархон Юсуфалихўжаев, Мукаррамхон Юсуфалихўжаев, Нурмуҳаммад Мағзумов, Мавлон Лайлаев, Муминжон Абдулмуталипов, Абдураҳмон Мамажонов, Муҳаммаджонҳожи Омонбоев, Исмоил Мирзаолимов, Мамарасул Оғалиқов, Абдулҳамид Исоқбойхўжаев,

Раимбобо Ҳаитбоев, Ҳакимжон Охунжонов, Маллабой Қосимбоев, Ҳошимҳожи Азизбоев, Абдухалил Ёқуббоев, Ғофуржон Абдухалилов, Холиқжон Бадалбоев, Мадхолиқ Қипчоқбоев, Абдураимжузум Абдусолимаҳзумов, Тожибой Мадалиев, Уста Камолиддин Нажмиддинов, Низомхўжа Мулламадалиев, Эргаш Абдуқодирҳожиев, Комилхўжа Уста Эгамбердиев, Комил Хўжабоев, Сайдуллажон Мадалимов, Қодиржон Масодиққожиев, Аҳмадали Аҳмадбоев, Аҳмадхўжа Зоитхўжаев, Муҳаммадали Ҳабибуллаев, Тақдирбой Мирзакаримов, Муллаолимқул Мирзакамолов, Мамашариф Раҳмонқулов, Саидумархўжа Юнусалихўжаев, Шермат Марасулалиев, Рустамхўжа Содиқхўжаев, Азимпошшабиби Юнусалихўжаева, Хожалбиби Мақсудбоева ва Тошбиби Саримсоқхўжаева... жами 82 киши[258]. Ҳибсга олинганлар орасида ака-ука, ота-болалар ҳам бор эди. Бир оиладан бир вақтнинг ўзида бир неча киши ҳибсга олинган. Масалан: ака-ука Қосимхон, Умархон ва Мукаррамхан Юсуфалихўжаевлар, Муҳаммадиброҳим Мирсаидов ва унинг ўғиллари Муҳаммадрасул ва Ҳошимжонлар шулар жумласидандир. Азимпошша, Хожалбиби ва Тошбиби сингари аёлларнинг ҳибсга олиниши ўзбек аёлларининг қўзғолонда фаол иштирокидан далолат беради.

11 июль куни Асака волостида ҳам ғалаён бўлиб ўтди. Шу куни Файзиобод волостининг Эшонгузар қишлоғида ҳам халқ подшо фармонига қарши бош кўтарди. Файзиобод волостининг турли қишлоқларидан йиғилган оломон тақлар ва тошлар билан қуролланган ҳолда Файзиобод халқ қозиси Мулласоибназар Устамадмусаевнинг ҳузурига бордилар. Улар қозини мустабид ҳукуматга халқ номидан мардикорларни беришга рози эканликлари ҳақидаги ҳужжатни беришликда айблаб, уч олмоқчи бўладилар[259]. Оломон қози ўтирган масжидга бостириб кириб, уни тутиб олди ва ўргага олиб дуппосладилар. Скобелев уезди участка пристави Яхъин етиб келиб, оломонга мардикорликка олиш тартиби ҳақида тушунтирмоқчи бўлганда, газабга тўлиб турган оломон унга ҳам қўлоқ солмай чор ва маҳаллий маъмурият вакилларига қарата тош ота бошлайдилар. Пристав Яхъиннинг унг елкасига тош тегиб яраланади, волость бошқарувчиси билан икки казак ҳам енгил яраланади[260]. Шундан сўнг Яхъин отишга буйруқ берган. Оломондан 3 киши ўлиб, 4 киши яраланган[261].

Бу қўзғолонда Ингичка қишлоғидан Шодмонхўжа Холхўжаев, Муҳаммадназар Соитбоев, Бобожон Азимхўжаев; Бўстон қишлоғидан Жўрабой Норалиев, Унурбой Марасулов; Қумтепа

қишлоғидан Омонбой Дадабоев, Эржонбой Муҳаммадбоев, Абдулламуҳаммад Раҳимов; Файзиобод қишлоғидан Жабарқул Ҳасанбоев, Турсунқул Абдухолиқов, Муллаусмонхўжа Муҳаммадраҳимов; Лангар қишлоғидан Норимбек Довудбеков; Равот қишлоғидан Мақсуд Марасулов – жами 31 киши ҳибсга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилган[262].

Ёзёвон волостидаги қўзғолонлар эса 11 июль куни Эски Марғилондан Наманганга борадиган йўлда аҳоли тўпланиши билан бошланган. Участка пристави 3-4 минг атрофидаги аҳолини тинчлантиришга ва тарқалишга ундаган. У Наманган томон яқинлашган сари жуда кўп оломоннинг зич тўдасига дуч келган. Пеникан қишлоғига яқинлашганида унинг йўлини оломон тўдаси тўсгач, орқага қайтишга мажбур булади. Кейин оломон агарда тарқалмаса ўт очишга буйруқ берилади, деб огоҳлантирилди. Бир оз вақт ўтгач, аҳоли томонидан таёқ ва тошлар отила бошланди. Бир казак офицери лат еб, оломон орасидан отилган ўқдан оти яраланади[263]. Шундан сўнг казаклар отряди оломонни ялписига ўққа тутади. Оломон қочади. Ўлган ва ярадор бўлганларни аҳоли ўзи билан олиб кетган. Тахминан улар 10-12 кишини ташкил этади. Айнан шу вақт ичида Ёзёвон волости бошқарувчисининг уйига ўт қўйилган эди. У ердаги барча ҳужжатлар ёниб кул бўлган[264]. Қўзғолонда бир элликбоши ва мироб оломон томонидан ўлдирилган.

Яккатут волостида 10 июль кунидаги халқ ғалаёни бир қанча қишлоқларни ўз ичига қамраб олди. Волость бошқарувчиси Мансурхўжа Салимхўжаев барча оқсоқоллар ва элликбошиларга ҳузурига тўпланишни буюрди. Барча йиғилгач, волость бошқарувчиси уларга подшо фармонини тушунтириб дарҳол рўйхат тузишни айтади. Элликбошилар ишга киришадилар. Улардан фақат биргина элликбоши Бобобек Муминбоев шоша-пиша жўнаб қолади. Кечга томон ҳамма элликбошилар уйга тарқаладилар. Элликбоши Араббой Юсуфбоев уйга келиши билан унинг олдига Йўлдошбой Тожибоев келиб Муллазокир Муҳаммадзокировнинг боғида қандайдир йиғилиш бўлаётганидан хабар беради. Боғга етиб боргач, у ерда Муллаэрназар Қўшназаров, Холмуҳаммад Муҳаммадхўжаев, Раҳмонали Муродалиев, Комил Муҳаммадумаров, Ҳошимбек Ғозибеков, Муллараҳмон Устарозиқов, Эргашбой Тожибоев, Муҳаммад Юнусхўжаев ва Акбар Муродалиевлар мардикорликка чақириб, уларнинг болаларини рўйхатга ёзган барча маъмурият вакилларини ўлдириш кераклиги ҳақида суҳбат-

лашмоқда эдилар. Яна улар халқни сафарбарликка қарши бош кўтаришга чақириш лозим, деб топдилар. Буларни эшитган Юсуфбоев аввалига дарҳол волость бошқарувчисига хабар бермоқчи бўлади, лекин тартибсизликлар тезлик билан бошланмаса керак, деб ўйлаб ўз даласини суғоришга кетади[265].

Аммо йиғилиш тамом бўлиши биланоқ, унинг қарорига биноан Яккатут ва қўшни қишлоқлар бўйлаб отда Бобобек Муминбеков, Исмоил Шокиров, Назар Уста Касапов, Каримбой Қаландаров, Ҳақназар Дадабоев, Раҳмон Эгамбердиев, Абдуолим Раҳматбоев, Боитбой Нишонбоев, Муҳаммадюсуфамин Ёдгорбоев ва Муҳаммадумармулла Холмуҳамедовлар аҳолини "урушга" чақирадилар[266]. Барча мусулмонларни эртага Яккатутда бўладиган йиғилишга даъват этадилар. Бу йиғинда мардикорликка сафарбарликка қарши қандай чоралар кўриш мумкинлиги муҳокама этилиши лозим эди. Бу чақириққа деярли барча аҳоли жавоб берди. Яккатут қишлоғидаги масжид олдида унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли эрта билан соат 11 ларда тўплана бошлади. Аҳоли қаттиқ газабланган эди.

Яккатут қишлоғида Комилжон Муҳаммад Умарбоев, Ҳаитбой Абдуқосимов ва Эргашбой Тожибоев бошчилигидаги оломон мардикорликка олиш ҳақидаги фармон ижросига бош қўшган Орифбой Юсуфбоев, Муллаисҳоқ Ҳамрабоев Муллаҳаким Бобожоновни калтаклайди[267].

Тожи қишлоғида эса Абдуқосим Солиҳожиев ва Усмон Исломовлар Мирзараим Мулладавлатовни дўппослайдилар. Гозибобо Муҳаммадбобоев ва Топилди Содиқбоевлар эса амалдор Қурбонбой Мулладавлетовни калтаклайдилар[268].

Ахшак қишлоғида ғалаён кўтарган аҳолининг раҳбарлари Утамбоймирза Оқсоқолов, Эргашбой Ҳайитбоев, Отажон Мирзабоев, Муҳаммадбек Муҳаммадризахўжаевлар оқсоқолнинг уйини ўраб оладилар ва "оқсоқолни ўлдирамиз, бизнинг болаларимизни солдатликка ёзаяпти", деб бақириб, уйга ҳужум қилмоқчи бўладилар. Лекин аҳолидан бир неча кишининг ёрдами натижасида оқсоқол қутулиб қолган[269].

Заркент қишлоғи аҳолиси эса Болтабой Муҳаммадмусабоев ва Муллашерали Ғойибназаров бошчилигида Шермуҳаммад Авермуҳаммедовга ҳужум қилиб, уни дўппослайдилар[270].

Ҳожи қишлоғида соат 12 да қўзғолон раҳбарлари масжид олдига тўпланган аҳолини волость бошқарувчисидан ўч олишга чақирадилар. Бу ҳақда хабар топган волость бошқарувчиси оломон

олдига келиб, улар фронтга солдат сифатида эмас, балки ишчи сифатида боришлари керак эканлигини айтиб тинчлантирмоқчи бўлади. Лекин қўзғолон ташаббускорлари ундан рўйхатни ва муҳрни беришни талаб қиладилар. Волость бошқарувчиси 10 июлда тузилган рўйхат ва муҳрни оломонга топширади. Шу вақт бир йигит волость бошқарувчисига приставнинг мактубини келтириб беради. Волость бошқарувчиси уни баланд овозда аҳолига ўқиб беради ва оломонга кўрсатади. Оломон раҳбари Ёқубжон Абдукаримов хатни ўқиб кўриб, "волость бошқарувчиси бизни яна алдади, бу қоғозда ҳеч қандай муҳр йўқ", деб оломонга бақиради. Аҳоли яна газабга тўлади. Оломоннинг кайфиятини кўрган волость бошқарувчиси аввалига уйига қочиб беркинмоқчи бўлади. Қўзғолончиларнинг унинг уйи томон бораётганини кўргач эса, отга миниб шаҳарга жўнайди. Оломон "биз болаларимизни солдатликка бермаймиз", "яхшиси шу ерда ўламиз", деган ҳайқириқлар билан волость бошқарувчисининг уйини талаганлар, рўйхат ва ҳужжатларни йўқ қилиб ташлаганлар[271]. Бу вақт ичида волость бошқарувчиси қўзғолон ҳақида Скобелев шаҳри пристави ва уезд бошлиғига хабар беришга улгуради. У 10 та казак билан қишлоққа қайтиб келганида оломон ҳалигача унинг уйини талон-торож қилаётган эди. Казакларни кўрган аҳолининг ярмиси қочди, қолгани эса уларга қарата тош, таёқларни ота бошладилар. Фақат ўқ отилгачгина улар тарқаладилар[272].

Қўзғолоннинг қандай кечганлигини тўлароқ тасаввур этишда унинг қатнашчиси, 4 йил сургунга ҳукм қилинган Раҳмон Раззоқовнинг хотира сўзлари диққатга сазовордир: "Яккатут ва унинг атрофидан келган чоракорлар, деҳқонлар бошқалар билан биргаликда қўзғолон кўтариб, золимларга ва чор ҳукуматига қарши курашдилар. Қўзғолончилар Мансурхўжа мингбошини уйидан олиб чиқиб "Бизнинг устимиздаги зулм озми?" деб унга ҳамла қилдилар. Мингбоши қочиб қутулди. Қўзғолончилар унинг уйига бостириб кириб, мол-мулкини талон-торож қилдилар. Новвойчилик билан шуғулланган М.Солиев Мансурхўжанинг уйидаги шакфни очиб, бутун қарздорлик ҳужжатларини ёқиб юборди. Бу орада элликбоши Мирзараим қўзғолончилар томонидан то ҳушидан кетгунча дўппосланди[273]. Қўзғолон кўтарган халқ нафақат мардикорлар рўйхати, балки қарздорлик ҳужжатини ҳам йўқ қилиб, зулмдан қутулишга интиларди.

Чор маъмурияти томонидан қўзғолончилардан Муллаҳасан Муҳаммадназаров, Аъзамхон Шокирхонов, Урмон Нормуҳамедов,

Мўмин Абдуқаюмов, Ойсарабиби Нормуҳамедова, Узоқбой Муродбеков, Бобобек Муминбеков, Отажон Мирзабоев, Карим Қаландаров, Акромхўжа Мирзахўжаев, Ғофур Саидхонов, Ғозибобо Муҳаммадбобоев, жами 70 киши ҳибсга олинди[274]. Қўзғолон натижасида аҳолидан 5 киши ўлди ҳамда элликбоши, оқсоқол ва уларнинг 6 йигити яраланди[275]. Қўзғолон ташвиқотчилари Комилжон Муҳаммадумарбоев, Ҳаитбой Абдуқосимов ва Эргашбой Тожибоевлар бўлиб, улар маъмуриятга қарши ҳужум уюштирганлар.

11 июль куни Скобелев уездининг бир қанча қишлоқларида қўзғолонлар бўлиб ўтди. Аввал волостнинг Лаган қишлоғида оломон тўпланиб ғалаён кўтарди. Оломон орасидан қочишга улгурган волость бошқарувчиси ёрдам чақиришга улгуради. Қишлоққа яқинлашиб келаётган ҳарбий командани кўрган аҳоли тарқалишга мажбур бўлади[276].

Айнан шу куни пристав Яхъин Скобелев шаҳридан Ёзёвон волостига подшо фармонини шахсан тушунтириш учун борган. Бу ҳақда хабар топган аҳоли ҳам уни кутмоқда эди. Йўлга чиқиши билан пристав у ер-бу ерда тўпланиб турган одамларга дуч келади. Аввалига улар 30-50 кишини ташкил этган бўлса, кейин уларнинг сони тобора ошиб борган. Пристав ҳар бир гуруҳ олдида тўхтаб уларга губернаторнинг мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги эълонини ўқиб беради. Аммо аҳоли мардикорликка ҳеч кимни бера олмасликларини, лекин ўрнига пул тўловини беришлари мумкинлигини айтади[277].

Ҳунузлар қишлоғи олдида пристав бир неча юз кишидан иборат оломонга тушунтириш ишларини олиб боргунича, орқадан яна оломон тўдаси келиб, уларнинг сони 500-600 тага етади. Приставнинг "тарқалинглар!" деган буйруғига ҳеч ким қулоқ солмай, аксинча улар бир овоздан "мардикорликка бормаймиз!" деб туриб олганлар[278]. Пристав нарироқ юрмоқчи эди, оломон уни қуршаб олди. Баъзи қўзғолончилар эса унинг отининг жиловидан тортиб, "мардикорликка олмаймиз" деб имзо чекишини талаб қиладилар. Пристав бундай қилишга уларнинг ҳаққи йўқлиги, подшо фармонига ҳеч ким қарши чиқа олмаслигини айтса ҳам, оломон қулоқ солмайди. Пристав оломонга имзо қўйилган ҳужжатни беради. Бу ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Шу пайт Ёзёвон волость бошқарувчиси вазифасини ўтаётган Мирзамаҳмуд Муҳаммадумаров йигитлари билан Чағаноқ қишлоғидан келиб қолди. У ва Пеникан қишлоғи оқсоқоли ёрдамида пристав оломон орасидан қутулиб чиқиб маъмурият

вакиллари билан жўнаб қолади. Улар кетаётганида аҳоли орқаларидан "Ишчиларни бермаймиз!" деб бақириб қолган[279]. Шу тариқа бирин-кетин Ёзёвон волостининг бир қанча қишлоқларида ғалаёнлар бошланди.

Кўприкбоши қишлоқ оқсоқоли Муҳаммадқосим Аминҳожиев пристав билан келаётиб, укаси Отабекнинг уйи олдида бир гала оломон тўдасига дуч келади. Шу вақт улар орасидан "Ушла уни!" деган бақириқ эшитилади. Шу томонга қараган оқсоқол ҳамқишлоғи Солининг бир бўлак кесак отганини кўриб қолади. Унинг ёнида Хунузлар қишлоғидан Муҳаммадисмоил Абдуҳошим Мағзумов бор эди. Бир неча киши оқсоқол орқасидан қува бошлайди. Оқсоқол қочиб қолади. Шовқинни эшитган укаси Отабек уйидан чиққанда оломон "Ана унинг укаси, уни ўлдиринглар!" деб бақиради. Отабек ҳам қўрқиб қочиб қолади. Кечга томон уйга қайтган ака-укалар уйни бутунлай талон-торож қилинганини кўрадилар. Қўзғолончилар уларнинг уйидан милтиқни ҳам олиб кетган эдилар[280]. Улар яна маҳаллий аҳолидан Тожибой Абдукаримҳожиевнинг ҳам уйига бостириб кириб, у ердан ҳам милтиқ олиб чиқ-қанлар[281].

Хунузлар қишлоғидаги аҳоли эса қочишга муваффақ бўлган Яхъиннинг орқасидан кетган. Улар элликбоши Абдураҳмон Эрбоевнинг уйига бостириб кириб, уйни титиб ташладилар ва у ердан ҳам бир милтиқни қўлга киритдилар. Уйга бостириб кирганлар орасида таёқ билан қуролланган Соли ва Ҳамдам Тиллабоев, Жиннилар қишлоғидан Карим Турдибоев, Журабачи Мирзаалибоевлар бор эди[282].

Хунузлар қишлоғидан оломон Чағаноқ қишлоғига йўл олиб йўлда Шомирза қишлоғига кириб ўтадилар. Оломонга Соли ва Ҳамдам Тиллабоев ҳамда Шаҳартепа қишлоғидан Ҳайитбой Эрмуҳамедов бошчилик қилар эди. Улар ҳаммани Чағаноқ ва Шаҳартепа қишлоғига боришга даъват этиб, "Мардикорларнинг рўйхатини тузганларни ўлдириш керак!" деб тарғибот қилардилар. Шундай қилиб, улар аҳолини Чағаноқ қишлоғига бошлаганлар. Гувоҳларнинг айтишича, Ҳайитбой Эрмуҳамедовнинг қўлида қурол бор эди[283]. Шу вақт Юсуфжон Муҳаммадаминов аҳолини Шаҳартепа қишлоғидаги қўзғолонга чақириб йўлида давом этган. Ундан сўнг Саримсоқбой Ортиқбоев, Қирғизбой Қосимҳожиев, Ҳамидхўжа Мақсумҳожиев, Азимқоровул Узоқбоев, Қодир Холмуҳамедов ва Шермуҳаммад Холдорбоевлар ҳам аҳолини қўзғолонга даъват этадилар. Оломон тўпланғач, Чағаноқ қишлоғига

йўл олади. Оломон икки гуруҳга бўлиниб, бири Эски Марғилон, иккинчиси Ёзёвон қишлоғи томонидан борганлар. У ердаги Ёзёвон волости идорасига бостириб борганларида канцелярияда волость бошқарувчиси Муллаабдулла Азимбоев ва унинг ўринбосари Мирзамаҳмуд Муҳаммадумаров, волость мирзаси Солижон Муҳаммадраҳимов, унинг ёрдамчиси Абуназар Отабой Полвоновлар бор эди[284]. Аҳоли бу уйни ўраб олиб ичкарига киришга ҳаракат қилади. Шунда Тиллабоев оломонга "кимни қидираяпсизлар қишлоқда волость бошқарувчиси ҳам, пристав ҳам йўқ", деганда, оломон "Биз сени ўлдириш учун келдик, сен руслар томонидасан", деб бақиради[285]. Тиллабоев буни эшитиб, дарҳол отга ўтириб қочиб қолади. Оломон орасидан бир киши отилиб чиқиб, унинг отининг узангисидан ушлаб қолмоқчи бўлади. Уйдан оқсоқол билан полиция ходимлари ҳам қочиб қолганлар. Шундан сўнг уйга бостириб кирган оломон, ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлайди[286].

Айнан шу вақт давомида оломоннинг иккинчи қисми жамоа бошқарувчисининг уйига бостириб кириб, у ердаги мирза ва унинг ёрдамчисини куч билан олиб чиқади. Бу ишни бажаришда қўзғолончилардан: Устатешабой Муҳаммадризаев, Муҳаммадқобил Муллаохунбобоев, Муҳаммаджон Худойбердиев иштирок этди[287]. Улар Мирзанинг ёрдамчиси Полвоновга "русларга хизмат қилганлиги учун ўлимга маҳкум этилганини" айтадилар. Унга милтиқ ўқталиб турган Чаганоқ қишлоғидан Султонали Юсуфалиевни Полвоновнинг отаси қутқариб қолди. Мирза Солижон Муҳаммадраҳимовни Шаҳартепа қишлоғилик имом Исҳоқали Муллаоталиқов ҳузурига олиб келадилар. Русларнинг кийимини кийиб олган мирзани ечинтириб, маҳаллий кийимни кийишга мажбур қиладилар. Имом эса ундан волость бошқарувчиси ва оқсоқол ҳақиқатан ҳам мардикорликка борувчиларнинг рўйхатини тузиб қўйганмилар, бу рўйхатлар қаерда сақланмоқда, деган саволларни берган. Шундан сўнг мирза Раҳимовга оломон орасида қолиш буюрилиб, унга икки соқчи белгиланади[288].

Оломон бу билан ҳам қониқмасдан, жамоа волость бошқарувчисининг уйидаги барча ҳужжат, рўйхатларни ёқиб юборди, кейин эса уйга ўт қўйди. Оломоннинг яна бир қисми эса Чаганоқдаги Отаназар Ҳамроҳожиевнинг уйига бориб уни русларга мардикорларни сафарбар қилиш масаласи бўйича тилхат берганликда айблайди. Аҳволининг оғирлигини ҳис этган Отаназар орқа томондан қочиб қолган. Кечки пайт уйига қайтгач, уни талон-торож қилинган ҳолда кўради[289].

Чағаноқдаги қўзғолон билан бир вақтда оломоннинг бир тўдаси Хотинариқ қишлоғига жўнаган. У ерда элликбоши Иса Саидалибоев оломон пристав, волость бошқарувчиси ва оқсоқолни ўлдиришни ният қилганини билиб, укаси Муҳаммадали билан боцга қочади. Айнан шу вақтда оломон уйига бостириб кириб, уни қидира бошлади. Қўзғолончилардан эски марғилонлик Маҳмудали Абдураҳмонов биринчи бўлиб уйга бостириб кириб, элликбошининг қуролини олиб чиққан. Қўзғолончилардан Усмоназим Акаев ва бошқалар таёқ билан қуролланган ҳолда девордан боғга ошиб тушадилар. Муҳаммадали қўрққанидан қочиб қолади. Унинг орқасидан Иса Саидалибоев ҳам қочади. Лекин унинг орқасидан оломон қувиб бориб, буғдойзорда қўлга туширади. Улар орасида Ҳамдам Тиллабоев, Усмоназим Акаев, Абдуқосим Устақосимов, Мирзааҳмад Тиллабоев, Ўрмон Абдукаримов, Муҳаммаджон Худойбердиев ва Ислом Худойбердиҳожиевлар бор эди[290].

Қўзғолон давом этаётган вақтда улар олдидан Жиннилар қишлоғи ссуда-омонат жамоаси хазиначиси Муллағози Муҳаммадюсуфов ўтиб қолади. Уни кўрган оломон "ана хазиначи келаяпти, унда оилавий рўйхатлар бўлиши керак, уни тортиб оламиз", деб унга ташланади. Ғазначини калтаклаб, жамоа биносига йўл оладилар. Бинонинг эшик ва деразаларини синдириб, ичкарига кирадилар ҳамда девонхонанинг барча ҳужжатлари, контора китоблари ва ҳоказони остин-устун қилиб ташлайдилар[291] .

Шундан сўнг улар Қўшкўприқ қишлоғига бориб мироб Абдураҳмонҳожи Муҳаммадсаркоров уйига кирганларида, у ўғли билан ўтирган эди. Қўзғолончилар қўлларида таёқлар билан улар томон югурганларида Муҳаммадсаркоров ва унинг ўғли қочмоқчи бўладилар, лекин оломон отасини ушлаб олиб, дўппослашга улгуради. Ўғли эса қочиб қолади[292].

Чағаноқдаги бино ёниб бўлгач, қўзғолончилар Эски Марғилонга катта йўл бўйлаб жўнайдилар. Қўшкўприк қишлоғи масжиди имоми деворга чиқиб олиб, уларни қўллаб-қувватлайди. Қўзғолончилар Шаҳартепа қишлогига келиб тўхтайдилар. Хотинариқ қишлоғидан Ҳайдаралиқори Аҳмадалиҳожиев ёпласига намоз ўқишни ташкил қилади. Кейин халойиқни Эски Марғилон ва Скобелевга бориб у ердаги ҳибсга олинганларни озод этишга даъват этади. Шу вақт "шаҳардан казаклар келаяпти", деган овоза эшитилади. Қуроли борлар уни дарров ўқлаб, казаклар қаршисига қараб юрадилар. Улар орасидаги тўқнашув Жиннилар қишлоғида

содир бўлган. Оломон орасидан казакларга қарата ўқ ота бошлайдилар. Бунга жавобан казаклар ҳам уларни ўққа тутадилар. Аҳолидан бир неча киши ҳалок бўлгач, қамчин билан уларни ҳайдай бошлайдилар. Гувоҳларнинг кўрсатишича, Узоқ Муҳамедов, Соли Содиқов, Ҳайитбой Эрмуҳамедов ва Муҳамаджон Зокиракаевлар қулида қурол бор эди[293] . Қузғолонда Исҳоқали Муллаоталиқов, Султонали Юсуфалиев, Абдулатиф Мағзум Исҳоқалиев, Акбарали Исроилсўфиев, Дадабобо Муҳаммадюсуфов, Устатешабой Устамуҳамадризаев, Урмон Абдукаримов, Муҳаммадисмоил Абдуҳошим Махсумов, Маҳмудали Абдураҳмонов, Абдураззоқ Тошмуҳамедов ва Кенжа Абдукаримовлар ярадор бўладилар[294].

Ёзёвон волостининг Шаҳартепа қишлоғидан Исҳоқали Муллаоталиқов, Абдулатиф Махсум Исҳоқалиев, Юсуфжон Муҳаммадалиев, Ҳайитбой Эрмуҳамедов, Абдураззоқ Тошмуҳамедов, Чағаноқ қишлоғидан Султонали Юсуфалиев, Хонобод қишлоғидан Акбарали Исроилсўфиев, Ёзёвон қишлоғидан Саримсоқ Ортиқбоев, Қирғизбой Қосимҳожиев, Каларик қишлоғидан Муҳаммадқобил Муллаохунбобоев, Кўприкбоши қишлоғидан Урмон Абдураимов, Хунузлар қишлоғидан Муҳаммадисмоил Абдуҳошим Махсумов, Хотинарик қишлоғидан Ҳайдаралиқори Аҳмадалиҳожиев, Лойсан қишлоғидан Абдуқосимуста Қосимов — жами 36 киши жиноий жавобгарликка тортилган[295]. Солижон ва Муҳаммад Раимовлар эса казакларга ўқ отганликда айбландилар, лекин улар қочиб кетганлиги туфайли қидирув эълон қилинади.

12 июль куни Марғилонда қўзғолон қайта кўтарилган. Аҳоли шаҳардан Наманганга борадиган йўлда тўпланади. Приставнинг уларни тарқатишга қаратилган ҳаракатларининг фойдаси бўлмайди. Бу вақтда шаҳарнинг эски деворининг ёнида ҳам оломон йиғилган, улар солдатларнинг ўққа тутиш ҳақидаги дўқларига қарамай, қўзғолончилар тош ва таёқларни ота бошлаганлар. Оломон орасидан 10-12 киши ўлдирилган ва яраланган. Қўзғолончилар чор маъмуриятининг ёнини олган уч кишини хоинликда айблаб, ўлдирадилар. Уларга Пеникан ва Жойбозор қишлоқларидаги қўзғолончилар бошчилик қилганлар.

Қўзғолонда Марғилон шаҳрининг аҳолиси ҳам қатнашганди[296]. Ваҳоланки, икки кун аввал улар Ўрдатагидаги қўзғолонда ҳам иштирок этган эдилар. Улар орасидан кўпчилик ҳибсга олинган ва калтакланган эди. Шунга қарамай халқ ўз озодлиги учун курашни давом эттирди.

Шу куни Шаҳрихон қишлоғига Скобелев шаҳрининг биринчи участка пристави Федулов казаклар отряди билан кириб келади. Волость бошқарувчиси ва соқчи приставга мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги эълонни аҳолидан қўрққанлари сабабли ёпиштириб чиқмаганларини айтадилар. Пристав шу заҳотиёқ эълонни ёпиштириб, кечқурун нуфузли амалдорларга ишчиларни жўнатиш тартибларини тушунтириш лозимлигини уқтирган[297]. Эртасига волость бошқарувчисининг йигити таёқ ва тошлар билан қурол-ланган катта оломон тўдаси бозор томон кетаётгани ҳақида приставга хабар етказади. Буни эшитиб пристав дарҳол отга миниб, бозорга етиб келганида, казаклар кўчага кўндаланг ҳолда туриб олган, 200-300 қадам нарида эса оломон турарди[298]. Пристав маҳаллий тилда аҳолига тинчланиш ва тарқалишни буюради. Агарда илтимослари бўлса, алоҳида кишилар орқали етказишлари мумкинлигини айтади. Шунда оломоннинг олдида турган раҳбарлари Мулла Турдиохунҳожи Алибоқибоев, Тошамин Мулламадалиев, Халилхўжа Розиқбоев, Муллажўрабой Мадшохўжаев, Мамадкаримхўжа Турдихўжаевлар приставга "мардикор бермаймиз!" деганлар[299]. Приставнинг "Олий фармонни бажармаслик мумкин эмас", дейишига қарамай, улар барибир "бизни ўлдиринглар, лекин ишчиларни бермаймиз", деб приставга яқинлашиб кела бошлайдилар ва муштлари билан ўдағайлаб, секин-аста унинг атрофини ўрай бошлайдилар. Бундан қўрққан пристав дарҳол казакларни чақириб, оломонни тарқатишни буюради. Казаклар яқинлашиши биланоқ оломон уларга таёқ ва тошларни ота бошлаган. Иван Холодилин исмли казакни бир қўзғолончи пичоқ билан яradор қилади. Улар казакларни отидан тушириш учун ҳаракат қилдилар. Ишнинг мураккаблашиб бораётганини кўрган казаклар оломонга қараб ўт очадилар[300]. Оломон қочишга мажбур бўлади. Юқорида қайд этилган 5 киши ва аҳолини мардикорликка бормасликка даъват этиб, бош кўтаришга таргиб қилган Муллаабдумажид Муҳаммадшариповлар ҳибсга олиниб, жиноий жавобгарликка тортиладилар[301].

Оренбург казак пунктидаги И.Г.Полинов эса қўзғолонни бостиришда иштирок этган бўлиб, қўзғолон ҳақидаги кўрсатмаси уни тўлалигича ёритишда бирмунча ёрдам беради. Унинг тасвирлашича, қўзғолон қуйидагича бўлган: "12 июль куни мен кечқурун Шаҳрихон қишлоғига келдим. Тун осойишта ўтди. Лекин маҳаллий аҳолидан баъзилари келиб, казаклар олдидан ўтиб, уларни кўриб кетдилар. Эрталаб оломон тўпланаётгани ҳақидаги хабарни

эшитиб, казакларнинг олдига жўнадим. Улар йўлнинг кўндалангига туриб олган, оломон эса нарироқда турган эди. Шу вақт пристав Федулов етиб келди. Мен ва оломон орасидаги масофа юз қадамча эди. Пристав оломон билан маҳаллий тилда гаплаша бошлади, лекин гап нима ҳақида эканлигини билмадим, чунки тилни билмайман. Аммо аҳолининг казаклар томонига қараб муштларини кўрсатганини кўрдим[302]. Пристав ярим соат оломон билан гаплашди. Бу орада аҳоли унинг атрофини ўраб ола бошлади. Пристав дарҳол мендан ёрдам сўраб, соқчи Комелевни юборди. Мен отлиқ взвод билан унинг олдига бордим. Пристав бир оз гапиргач, менга оломонни тинчитишини ўз зиммамга олишимни буюрди. Мен таржимон орқали, ҳаммаларни тарқалинглар, акс ҳолда ўққа тутаман, деб айтсам, оломон аксинча бақириб қўлларини силтаб қўзғала бошлади. Шунда мен казакларга нагайкалар билан оломонни уришни буюрдим. Оломон эса нагайкаларни қўллари билан ушлаб олиб, казакларни отдан йиқитишга ҳаракат қилдилар. Казаклар оломоннинг ўртасига тушиб қолдилар. Улардан бири Холодилин пичоқдан яраланди, баъзиларининг юзлари қонга беланган эди. Менга ҳам бир тош келиб тегди. Аҳвол оғирлашганини кўргач, мен казакларни орқага чекинишга буюрдим ва орқада қолган казакларга оломонга қарата отишга буйруқ бердим. Шундан сўнг аҳоли ерга ётиб олди. Кейин улар аста-секин ўринларидан туриб қочдилар, баъзилари девор бурчакларига суяниб ўтириб олдилар. Мен уларга, тарқалинглар, десам, ярадор бўлганларни олиб кетамиз, дедилар. Шу вақт янги оломон тўдаси пайдо бўлди. Улар аввалги оломонга уларнинг устига бостириб боринглар, деб бақирди. Улар найзалар билан қуролланган эдилар. Федулов эса телеграфга Скобелевга телеграмма бериш учун жўнади. Оломон тўдаси аста-секин менга яқинлаша бошлади. Уларни ҳам казакларга буйруқ бериб ўққа тутдим. Шу тариқа оломон тарқалди. Сунгра Шаҳрихон бўйлаб казакларга айланиб чиқишларини буюрдим. Казаклар полки қишлоқда 22 июлгача бўлди. Қўзғолондан сўнг ўша жойда аҳолининг чархланган пичоқлари топилди. Ўлган ва ярадор бўлганларнинг сони номаълум. Чунки уларни аҳоли олиб кетган"[303].

13 июль куни ротмистр Фридманга қуйидаги мазмунда телеграмма жўнатилган: "13 июль куни Шаҳрихонда сартларнинг (маҳаллий аҳоли) тартибсизликлари бошланди. Казаклар орасида бир киши яраланди, аҳолидан ўлган ва ярадор бўлганлар бор. Аҳоли барча мол-мулкини қамишзорларга яширмоқда, рўзадан сўнг

умумий қўзғолон ҳақида очиқчасига гапирмоқдалар. Кўприк ва темир йўлларни ишдан чиқариш хавфи бор. Кеч бўлмасдан зудлик билан станция ва кўприкларга соқчиларни жўнатишни сўрайман"[304].

Скобелев уезди бошлиғи Е.М.Гоштовтнинг Фарғона генерал-губернаторига берган рапортида: "Маҳаллий аҳолидан қўзғолонлар вақтида Файзиобод волостидан 3 киши ўлди ва 4 киши жароҳатланди; Яккатут волостидан 5 киши ўлди; Ёзёвон волостидан ўлган ва ярадорлар 12 киши; Шаҳрихон қишлоғидан эса 20 киши ўлди ва жароҳатланди. Ҳаммаси бўлиб 44 киши. Лекин кўпчилик ҳалок бўлганларни аҳоли маъмурият вакилларидан яширин ҳолатда кўмиб юборган. Ярадорлар эса уйларида бекиниб олганлар", деб хабар берилган эди[305]. Ҳақиқатан ҳам қўзғолон вақтида кўпгина ярадор ва ўлганларни аҳоли ўзи билан олиб кетган ва агарда маъмурият бу ҳақида хабар топса, унинг оиласи қаттиқ жазоланишини билиб шундай қилганлар. Шунинг учун ҳам шу вақтгача қўзғолон вақтидаги талафотлар ҳақида аниқ рақамларни айтишга имкон йўқ.

Шундай қилиб, зулм ва зўравонликка қарши кураш Скобелев уездининг шаҳар ва қишлоқларини қамраб олди. Чор маъмурияти Андижон ва Наманган шаҳарларида ўтказилганидек, Скобелев шаҳрида ҳам амалдорлар ва савдо-саноат вакилларининг йиғинини уюштиради. Унга вилоят ҳарбий губернатори полковник П.П.Иванов раислик қилади. Йиғинда қуйидаги саволлар муҳокама этилди:

1. Қўзғолонларнинг сабаблари нималардан иборат?

Бу саволга улар шундай жавоб қилдилар: туб аҳоли императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонининг моҳиятини тушунмади. Мардикорлик рўйхатлари фармонни яхшилаб тушунтиришдан олдин тузилди, бу эса англашилмовчиликларни туғдирди. Фармон, айниқса, аёлларни қаттиқ ғазаблантирди. Аммо, кўрсатилган омиллар қўзғолонларни пайдо бўлишига фақат баҳона бўлди, холос. Ҳозирда уларнинг сабабларини аниқлаш қийин. Чунки уларнинг илдизлари чуқурдир. Уларнинг сабаблари туб аҳолининг диний қарашлари ва сиёсий ташвиқотларда ўз ифодасини топиши мумкин[306].

2. Нима учун қўзғолонлар тўхтади, ихтиёрий равишда мардикорликка бориш ҳақидаги фикрлар тўғрими, саволларига эса шундай жавоб бердилар: қўзғолонларни тўхтатишда ҳарбий кучни ишлатиш асосий ўринни эгаллади. Мардикорликка ихтиёрий равишда бориш амалда йўқ. Бу тадбир фақат пул билан

ёллаш ҳисобига айрим кишиларнигина мардикорликка жалб этиш имконини берди. Шу боис ихтиёрий равишда мардикорликка жалб этиш туб аҳолининг Россияга нисбатан ватанпарварлик руҳининг маҳсули дейиш ҳақиқатни акс эттирмайди. Ҳозирда мардикорликка ихтиёрий ёзилганлар асосан туб аҳолининг "тинчландиқ" қисмидан, жумладан банги, безори ва ҳоказолардан ташкил топган[307].

Ушбу мажлис қарорига прокурор, судья ва савдо-сотиқ аҳлининг вакиллари имзо чекканлар. Шунингдек, шаҳар депутати, инспекторлар ҳам қатнашганлар.

Юқорида келтирилган савол-жавобларда император фармони қузғолонларга баҳона бўлганлиги ҳақидаги фикрлар туғридир. Аммо мажлис аъзоларининг узлари мустамлакачилик руҳи билан сугорилганлиги туфайли қўзғолонларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабабларидан кўз юмдилар. Уларнинг кишиларни мардикорликка ихтиёрий равишда сафарбар этилаётганлигини инкор этишлари ҳақидаги фикрларига эса қўшилса бўлади. Ҳақиқатан ҳам собиқ вилоят ҳарбий губернатори А.И.Гиппиуснинг ихтиёрий сафарбарлик бўйича мақтаниб жар солганлиги қурук гап эди, холос. Уездда содир бўлган воқеаларни акс эттирувчи юқоридаги маълумотлар ғалаёнлар Скобелев уезди аҳолисининг бир неча ун йиллик жабр-ситамларининг алами фармон ижроси давомида кескинлашиб, ҳукумат ва маъмуриятга қарши қўзғолонга айланганидан далолат беради. Бу қўзғолонлар деярли ҳар бир шаҳар ва қишлоқни қамраб олган. Уларни халқ орасидан чиққан довюрак, жасоратли кишилар уюштирган, бундай кишилар ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овулда бор эди. Улар зулмга чек қуйиш учун кўкракларини қалқон қилиб, халқни курашга бошлаб борганлар.

3.2. ЎШ УЕЗДИДАГИ ОММАВИЙ ҒАЛАЁНЛАР

Фарғона вилоятининг Ўш уезди ҳудуди 25.253 *кв км*ни ташкил этиб, унинг таркибига 14 та волость ва Ўш шаҳри кирган[308] . Бошқа уездлар қатори Ўш уезди аҳолиси ҳам подшо фармонига қарши бош кўтарди. Июль ойининг бошларида шаҳар ташқарисидаги Сулаймон тоғи яқинида 10.000 атрофидаги аҳоли тўпланди. Бундан хабар топиб дарҳол етиб келган маҳаллий маъмурият вакиллари орасида уезд бошлиғи, участка пристави ва бошқа амалдорлар бор эди. Шаҳар, қишлоқ ва овуллардан тўпланган аҳолига уезд бошлиғи подшо фармонини сўзсиз бажаришга ва ихтиёрий равишда мардикорликка боришга даъват

этади. Бу сўзлар аҳоли нафратини қўзғатиб, улар орасидан "Урушга бормаймиз!", "Уғилларимизни бермаймиз!" хитоблари янграйди[309]. Аҳоли маҳаллий маъмурият вакилларини тошбўрон қилади. Улар қочишга мажбур бўладилар[310]. Кўп ўтмасдан етиб келган жазо отряди аҳолини тарқатиб, қўзғолоннинг фаол иштирокчиларини ҳибсга олади. Қўзғолон иштирокчиларидан Т.Раимхўжаев, К.Мирзаевларнинг хотираларида айтилишича, қўзғолон вақтида меҳнаткашлар вакиллари халқни биргаликда ҳаракат қилишга чақирганлар[311].

Булоқбоши волостининг Хўжаобод қишлоғида рўйхатга олиш ишларининг олиб борилиши аҳоли ўртасида норозиликни кучайтиради. Волость бошқарувчиси ва қишлоқ оқсоқоли ўзлари фармоннинг моҳиятини тўлиқ тушунмаган ҳолда аҳолини тез ва шошмашошарлик билан рўйхатга ола бошлайдилар. Аҳоли орасида "маҳаллий маъмурият кимни хоҳласа шуни рўйхатга ёзади" деган тушунча пайдо бўлади. Бу ҳолат халқ орасидаги норозиликни кучайтириб, 12 июлда улар волость бошқарувчиси ва қишлоқ оқсоқолидан ё рўйхат тузишни тўхтатиш, ёки бўлмаса нима қилаётганларини тушунтириб беришларини талаб қиладилар[312].

Шунда волость бошқарувчилигига номзод Муллamуҳаммаджон Солихўжаев ва Хўжаобод қишлоғи оқсоқоли Раимбобо Исмоилхўжаевлар довдираб, қурққанларидан ҳамма нарсани ташлаб қочиб қоладилар[313]. 200 киши атрофидаги оломон уларни қидира бошлайди. Оломон улардан рўйхатни олиб кўрмоқчи эдилар. Волость бошқарувчиси ва қишлоқ оқсоқолини тополмагач, оломон уларнинг уйига йўл олади. Уйдан ҳам тополмагач, оломон тарқалади[314].

Бундан хабар топган Ўш уезди бошлиғи дарҳол ғалаён бўлган жойга етиб келади. Бу вақтда аҳоли анча тинчиган эди. Ўш уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган рапортида айтилишича, Булоқбоши волости бошқарувчилигига номзод Муллamуҳаммаджон Солихўжаев ўз ишига масъулиятсизлик билан қарагани учун лавозимидан четлаштирилган. Унинг ўрнига Ўш шаҳрида истиқомат қилувчи ва аввал волость бошқарувчиси бўлиб хизмат қилган Шарифбойхўжа Мирсоқибов тайинланган[315]. Хўжаобод қишлоқ оқсоқоли Раимбобо Исмоилхўжаев ҳам волость бошқарувчиси каби ўз ишидан четлаштирилган[316].

13 июль куни кеч соат 11.00 да Чақар қишлоқ жамоаси аҳолиси чойхонада ўтирган элликбошилар Мирзаҳожи Муллamадраимов ва Усмонали Пирназаровни ушлаб олиб, дўппослайдилар ва улардан

эркакларнинг рўйхатини беришни талаб қиладилар. Элликбошилар "бизда рўйхат йўқ", дейишларига қарамай, аҳоли уларни ўлдирмоқчи бўлиб дуппослайверган. Лекин Мулламадраимов ва Пирназаров бир амаллаб оломон қўлидан чиқиб қочишга муяссар бўладилар. Эртасига айнан шу оломон тўдаси элликбошиларнинг уйига бостириб кириб, ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлайдилар, пул, уй жиҳозларини талон-торож қиладилар[317]. Шу куни кечаси соат 2 да элликбоши Абдуғози Солиевнинг уйига бориб, "барча элликбошиларни ўлдирамиз!" – деб ҳайқира бошлайдилар. Буни эшитган Солиев далага, у ердан Уш шаҳрига қочиб кетади. Оломон унинг ҳам уйига кириб, барча нарсаларини талон-торож қилади[318].

Қўзғолоннинг ташаббускорлари Жўра Усмонқулов, Шермат Холматҳожиев, Тиллабой Мамасолиев, Усмон Тошалиев, Ражаб Тошалиев, Ёқуб Қурбоналиев, Ҳасанбой Ғайбназарҳожиев, Жўра Мирзаабдуллаев, Эсанбой Абдуазимов, Соибсўфиҳатамов, Назир Турсунбоев, Отажон Ғоибназаров, Насриддинхўжа Аҳроров, Турғун Тошев, Жўра Йўлдошҳожиев ва Маъмурбой Шомуродовлар бўлиб, улар ғалаёнда фаол иштирок этдилар[319].

Шу куни кечқурун соат 12 лар атрофида Чақар қишлоқ жамоаси аҳолиси, тахминан 40-50 киши атрофида тўп-ланишиб элликбоши рўйхат тузаётган Ниёзали Мадалибоев уйига шовқин-сурон билан "элликбошини ўлдирамиз", деб борганлар[320]. Шовқинни эшитган Мадалибоев боғ орқали қочишга муваффақ бўлади. Оломоннинг олдинги сафида қўзғолончилардан Юнус Муҳаммадюсуфов, Аҳмадали Муҳамедов, Деҳқонбой Мирҳаққулов, Бозорбой Исматов, Қаландар Тошев, Исматали Раҳматиллаевлар бор эдилар[321]. Худди шу вақтда қишлоқнинг бошқа 200 га яқин аҳолиси элликбоши Абдужалилҳожи Болтахўжаевнинг уйига бостириб борадилар ва эркакларнинг янги тузилган рўйхатини беришни талаб қиладилар. Қўзғолонга Қулдош Тухтасинов, Йўлчи Мадисоқхўжаев, Сотиболди Умарсўроқчиевлар бошчилик қилганлар. Улар пичоқ билан қуролланган эдилар[322].

14 июль куни Хужотдаги ғалаёндан сўнг оломон қишлоқ оқсоқоли Назарболтамат Аминовнинг уйига боради. Улар мардикорларнинг рўйхатини тузганлиги учун оқсоқолни ўлдирмоқчи эдилар. Оқсоқол амаллаб қочишга улгуради. Бир неча вақтдан сўнг унинг ҳузурига борган Азимқори Аҳмадохунов қишлоқдаги қўзғолонда оломон унинг уйини ва узумзорини бутунлай талон-торож қилиб ташлаганини айтади. Улар орасида ер, солиқ, қарз ҳужжатлари, пуллар ҳам бор эди[323]. Қўзғолоннинг

ташаббускорлари Йўлдошҳожи Исабоев, Жўра Йўлдошхўжаев, Мирзаабдулла Алназаров, Исроил Исоқхожиев, Нуриддин Юнусалиев, Мамажон Ойсоқов, Жўра Усмонов, Насриддинхўжа Аҳроров ва бошқалардан иборат эди[324].

Қўзғолондан сўнг Назарболтамат Аминов Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А.И.Гиппиусга ғалаён туфайли бутун мол-мулкидан айрилгани, бу ҳам етмагандек, ҳатто қишлоққа ҳам қайтиб бора олмаётгани ҳақида арз қилади[325].

15 ва 16 июль кунлари ҳам Булоқбоши волостидаги қишлоқларда элликбоши ва оқсоқолларнинг уйларига аҳоли томонидан ҳужум бўлиб турган. 25 июль куни Ўзган аҳолиси ғалаён кўтариб, хаскаш, кетмон, таёқлар билан қуролланган оломон волость бошқарувчисиникига бостириб боради. Жазоланишдан қўрққан маҳаллий маъмурият вакиллари уезд бошлиғига хабар берадилар.

Учқўргон қишлоғидаги деҳқонлар ҳам подшо фармонига қарши бош кўтариб волость бошқарувчисининг уйини қуршаб олганларида волость бошқарувчиси қочиб қолади. Оломон рўйхат қидириб, унинг уйини остин-устун қилиб ташлайди. Эртасига қўзғолончилар бойларнинг бир неча дўконларини талайдилар. Ўшдан етиб келган жазо отряди билан тўқнашган оломон орасидан 3 киши ўлган ва 15 киши яраланган.

Халқ ғалаёнлари Ўш уездининг Навқот, Олой, Гулчи, Қуршоб, Қипчоқ каби волостларида бир-бирига уланиб кетган. Қўзғолон кўтарган оломон билан кўпроқ подшо фармонини бажаришга чақирган ва рўйхат тузиш ишларини олиб борган маъмурият вакиллари, волость бошқарувчилари, оқсоқоллар, элликбошилар тўқнаш келганлар. Чор маъмурияти томонидан жўнатилган жазо отрядлари эса қўзғолонни шафқатсизларча бостирарди. Кўпчилик рўйхатга тушганлар тоққа қочиб кетишга мажбур бўлганлар. Чор ҳукуматининг аскарлари ғалаёнларни бостираётганларида ҳеч кимни, ҳатто аёллар ва болаларни ҳам аямадилар. Қамоқхоналар тулиб-тошиб кетди. Улар орасида ёш ҳам, қариялар ҳам бор эди.

27 июль куни Булоқбоши волости аҳолиси яна ғалаён кўтаради. Улар маъмурият вакилларининг уйларига бостириб бориб, мардикорлар рўйхатларини йўқ қилиб ташлайдилар[326].

Ўш уезди бошлиғи вазифасини ўтаб турган Мельниковнинг Фаргона вилояти генерал-губернаторига юборган рапортида Олой волостидаги Иркештом овули жамоасида истиқомат қилаётган қирғизларни тоққа чиқиб кетаётганлиги, уларни тўхтатиш учун зудлик

билан қўшимча куч юборишларини сўраган[327]. Маълумотларга қараганда, "бу ердаги аҳоли ўз жойида тинч яшай олмаган. Чунки Иркиштом гарнизон бошлиғи ўз казаклари билан овулларга галма-галдан бориб, уларнинг ёғ, гилчан, қўйларини тортиб олганлар. Беришни хоҳламаганларни эса калтаклаганлар, агарда шикоят қилса, ҳарбий ҳолатни рўкач қилиб ўлдирамиз, деб қўрқитганлар. Казаклар жуда ҳалдиларидан ошиб кетганлар. Қирғизлар билан ўз хоҳишларига кўра ҳисоб-китоб қилганлар. Овуллар ва Ўш шаҳрига бориш учун улар қирғизларнинг энг яхши отларини тортиб олганлар, кейин эса ўлар ҳолатда қайтариб берганлар. Бу ҳам етмагандек, "агар бироргасига шикоят қилсанглар, ўлгунча дўппослаймиз, деб пўписа қилганлар"[328] .

Шундай зуравонликлардан сўнг овулдаги аҳоли Учтепа жамоасига ўтиб кетмоқчи, агарда улар қабул қилмаса Хитой империясининг чекка ўлкаларига қочиб ўтмоқчи бўлганлар. Бундан хавотирланган Ўш уезди бошлиғи Мельников дарҳол Фарғона вилояти ҳарбий губернатори П.П.Ивановга бу ҳақида хабар берган. П.П.Иванов эса ўз навбатида бу ҳақида Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткинга қуйидагича телеграмма жўнатади: "Ўш уезди бошлиғи Олой қирғизларининг Хитойга қочиб ўтмоқчи эканлиги ҳақида хабар берди, унга бу хабарни Иркештом гарнизони юзбошиси Новокрешченов етказган. Мен зудлик билан приставни ўша жойга юборишга буйруқ бердим. Аҳолини қочишга мажбур қилган нарса казакларнинг юлғичлигидир, бу ҳақида менга хабар беришди". Телеграммада қайд этилишича, П.П.Иванов приставга аҳволни текшириш, сабабларни аниқлаш, қирғизларни олиб қолиш учун тушунтириш, ҳақиқат қарор топишига ишонтириш каби чораларни кўриш, юзбоши Новокрешченовга эса пристав стиб боргунча ҳеч қандай ҳаракат қилмаслик ва 399-божхона постини қўриқлаш вазифасини буюради[329].

Ҳақиқатан ҳам ғалаён кўтарган қирғизлар тоғларга қочиб кетишга мажбур бўладилар. То қор ёғмагунча улар ўз овулларига қайтиб келмайдилар. Қузғолончиларни қамаш ҳам, жазолаш ҳам уларнинг иродасини бука олмади. Тоғлик жойлардаги қирғизларнинг норозиликлари октябрь ойигача давом этган.

Қузғолонлар бостирилгач, мардикорларни фронт орқасига жўнатиш вақтида ҳам халқ ғалаён кўтарган. Сафарга кетаётган мардикорлар, оломон ҳамда чор ҳукумати ва маҳаллий маъмурият орасида очиқдан-очиқ тўқнашувлар бўлиб ўтган.

Ўш уездидаги халқ ғалаёнларининг ташкилотчилари бошқа уездлар каби қозилар, элликбошилар, зиёлилар бўлиб, улар халқни

подшо фармонига қарши бош кўтаришга, фарзандларини мардикорликка бермасликка чақирдилар. Бундай ташвиқотлар чор маъмурияти томонидан қаттиқ таъқиб остига олинган. Ана шундай ташкилотчилардан Уш шаҳридаги эшон, Ўзген қишлоғидаги қози Орзиқулҳожи, қози Сиддиқжон Эшонжонов, Уш шаҳридан Мирзаиб-роҳимжон Муҳаммадшарифов, Чади қишлоғидан Ҳасанбек Олимбек додхо, Ўш шаҳридан Юсуфжон Халифа Салимбоев ва Муҳаммадҳожи Иноятовлар Туркистон райони муҳофаза бўлими томонидан таъқиб остига олинганлар[330] .

Ўш уезди қирғизларида қуролдан ташқари Гулчи чеккасида ерга кўмилган ўқ отадиган қуроллар омбори ҳам бўлгани маълум[331] .

Ҳар бир уезд доирасида бўлиб ўтган қўзғолонларга оид юқоридаги тарихий далиллар бутун Фарғона вилоятида мустамлакачилик зулмига қарши халқ курашлари ниҳоятда кескин ва оммавий тус олганидан далолат беради. Қўзғолонлар шафқатсизларча бостирилса-да, бироқ ҳукумат хавф-хатардан холи бўла олмади. Халқнинг мустамлакачилик сиёсатига нафрати ва қаршилигини яхши англаган ҳукумат водийда ҳарбий қисмларни кучайтириш чораларини кўрди. Чунончи, 1916 йил августда Андижон темир йўлида 53, Андижон-Фарғона темир йўлида 37, Чинобод, Тенгаксой, Пойток, Ҳаққулобод, Қорасув ҳамда Қўрғонтепада 254 кишидан иборат ҳарбий қисм ўрнаштирилади. Високое, Ключи, Страдное, Скобелев, Кутузов, Багратион, Смоленское, Черняев, Бутра, Бородин, Новоселе ва бошқа рус посёлкаларида гўёки уларнинг хавфсизлигини таъминлаш баҳонасида – 329 ва Бозорқўрғон бўлимида – 85 та солдат жойлаштирилган[332]. Уша йилнинг сентябрь ойидаги маълумотга кўра водийдаги ҳарбий қисмларнинг умумий сони қуйидагича бўлган: Скобелев уездида – 919, Андижон уездида – 2392, Қўқон уездида – 1399, Уш уездида – 281 та офицер ва солдатлар ушлаб турилган. Бундан ташқари, темир йўлларга 722 кишидан иборат ҳарбий қисмлар урнаштирилади. Жами ҳарбий қисмлар 5770 кишини ўз ичига олган. Улардан 111 киши офицер эди[333].

Уруш кетаётган ва талафотлар кўрилаётган бир пайтда кўп сонли ҳарбий қисмларнинг водийга жойлаштирилиши мустамлакачилик сиёсати нураб бораётгандан дарак берарди. Чунки Қўқон, Скобелев, Ўш шаҳарлари ва уездларидаги қўзғолонлар бир-бирига занжирдек уланиб кетган эди.

Марғилон шахридаги қўзғолон мустамлакачиларни саросимага солди. Бу ердаги ғалаёнда аёллар ва ҳатто болалар ҳам қатнашган-

ликлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Халқнинг мустамлака зулмига қарши қаҳр-ғазаби қайнаб, золимларнинг айрим йирик вакиллари тошбўрон қилиниб ўлдирилади. Мол-мулки таланиб, уйи ёндирилади. Марғилон шаҳридаги қўзғолон бутун ўлкада кўтарилган ғалаёнларнинг энг йириги бўлиб, унда 20.000 киши иштирок этган. Унинг таъсирида Эшонгузар, Ингичка, Бўстон, Қумтепа, Файзиобод, Ланғар, Равот, Яккатут, Тоти, Ахшак, Заркент, Ҳожи, Хунузлар, Куприкбоши, Чаганоқ, Шаҳартепа, Хотинариқ, Қўшкўприк, Хонобод, Каларик, Лойсан, Шаҳрихон ва бошқа жойларда қўзғолонлар юзага келди. Чор маъмурияти вакиллари ҳарбий кучга таянган ҳолда уларни бостириб, кўп кишиларни қалтаклади ва қамоққа ташлади.

Фарғона вилоятининг чекка уезди Ушда эса ўзбеклар қирғизлар билан биргаликда чор ҳукуматига қарши бош кўтардилар. Кўчманчи қирғизлар нафақат Уш шаҳрида, балки Хўжаобод, Чақар, Учқўрғон, Навқот, Олой, Гулчи, Қуршоб, Қипчоқ ва бошқа қишлоқларда ҳам қўзғолонлар кўтардилар. Кўп кишилар ҳибсга олинди.

Хуллас, Фарғона вилоятининг Наманган, Андижон, Қўқон, Скобелев ва Ўш уездларидаги қўзғолонларда ўн минглаб кишилар қатнашиб, ўзининг эрксеварлиги ва жасоратини намойиш этди. Қўзғолончилар биринчи навбатда фармон ижрочилари бўлган маҳаллий маъмурият вакиллари – волость бошлиқлари, элликбошилар, оқсоқоллар ва миршабларга ҳужум қилиб калтаклашдилар ёки ўлдирдилар. Чунки улар чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатини амалга ошираётган хизмат кордан ҳисобланиб, халқ нафрати ва ғазабига дучор бўлган кимсалар эди. Улар чор маъмурияти паноҳида солиқларни ортиғи билан ундириб, турли мажбуриятларни адо этишга аҳолини зўрлаб, адолатсизлик ва порахўрлик билан шуғулландилар.

Қўзғолонлар жараёнида императорнинг портрети оёқ остига олиб ташланиши, йиртилиши, халқнинг "оқ подшо"га муносабатини, нафрат ва ғазабининг ифодаси эди.

Халқ орасидаги нуфузли кишилар – руҳонийлар, зиёлилар ва бошқа илғор фикрли, жасоратли кишилар халқни мустамлакачиларга қарши бош кўтаришга чақириб, ғалаёнларда бевосита иштирок этиб, оммани курашга отлантирдилар. Бу борада Марғилон шаҳридаги қозилар сулоласига тегишли ака-укалар Қосимхон, Умархон ва Мукаррамхонларнинг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. Мукаррамхон қўзғолоннинг бош раҳбари

сифатида осиб ўлдирилди. Махфий идоранинг маълумотларига қараганда, водийда қўзғолонни зимдан тайёрлашда нуфузли кишилардан 60 киши қатнашган. Улар чор ҳукуматининг сиёсатига қарши аҳоли орасида ташвиқот ишларини олиб борганлар. Демак, қўзғолонлар оммавий тус олиб, жамиятдаги барча тоифаларнинг манфаати ва мақсадининг маҳсули ҳисобланган. Бундан маҳаллий маъмурият вакиллари мустасно дир, албатта.

Қўзғолонлар бостирилди, лекин халқнинг чор ҳуку-матига қарши ғазаби ва нафрати сўнмади. Чор ҳукумати буни жуда яхши англади ва туб аҳолини қандай бўлмасин, рус давлатига миннатдорчилик билдиришига ва содиқ бўлишига қаттиқ ҳаракат қилди. Гўё туб аҳоли Россия империясининг паноҳида бахт-саодатга эришган эмиш. Бунинг эвазига уруш муносабати билан Россия бошига кулфат тушиб турган пайтда унга дилдан хизмат қилиш ҳам шарт ва фарз экан. Ҳатто бу хусусида қуйидаги мурожаатнома эълон қилинди:

"Туркистон мусулмонлари!

Яқин кунларда жаҳон тарихида кўрилмаган урушнинг учинчи йили бошланади. Императорнинг марҳамати билан ҳарбий хизматдан озод этилган фақат Туркистон мусул-монлари давлатни ҳимоя қилишда қатнашмаётирлар. Ваҳоланки улар давлатга нафақат ҳаёти, балки меҳнати билан ҳам тегишлидир. Улар худди тинч вақтлардагидек уйларида тинчликда, ўзларининг меҳнати билан шуғул-ланмоқдалар. Икки йиллик оғир урушдан кейин душман томонидан миллионлаб кишиларга келтирилган вайро-наларни тузатиш, ўзини ва оиласини боқиш учун меҳнат қилиш вақти келди. Ҳозир император олий ҳазратлари Туркистон ўлкаси аҳолисини Россияга содиқлиги ва унинг учун жонни фидо айлашига ишониб, Туркистон мусулмонларини мардикорликка сафарбар этиш ҳақида фармон чиқарди. Туркистон мусулмонлари императорнинг бошқа халқлари сингари фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиб, уларга яхши шароит яратилган. Зеро улар ўқ овозлари ва хавфдан узоқ жойларда ишлайдилар, холос. Сиз мусулмонлар ва бошқа халқлар каби шуни билингларки, оқ подшо ўз фуқароларига ғамхўрликни ва фаровон ҳаётни бахш этишга мажбур. Аммо ватан бошига оғир кунлар келганда у ўзининг содиқ ўғилларидан ўлишгача қурбон бўлишларини талаб қилишга ҳақлидир. Сиз мусулмонлардан қурбон бўлиш талаб қилинаётгани йўқ. Шунинг учун сизлар император олий ҳазратларининг чақириғини хурсандчилик билан қарши олишингиз керак эди.

Оғир кунда камтарин улушингиз билан урушни ғолибона тугалланишидан ғурурланишингиз лозим. Ғалабадан сўнг уруш келтирган қимматчилик ва йўқчиликдан холи бўлинади. Мен ва ҳарбий губернаторлар бу кунгача сизларнинг рус подшоҳига нисбатан самимийлигингиз ва содиқлигингизга, ўзин-гизнинг фуқаролик бурчингизга содиқлигингизга ишонган эдик.

Афсуски, император олий ҳазратининг фармонидан сўнг, қўзғолонлар кўтарилиб, маъмурият вакиллари ўлдирилди, телеграф, темир йўл ва бошқа биноларга шикаст етказилди, ҳамда ихтиёрий мардикорликка боришдан бош тортдингиз. Бу сизнинг юрагингиз тоза эмаслигини, ҳаммавақт ёлғондан оқ подшога содиқлигингизни изҳор этганлигингизни кўрсатди. Сизлар айёр қуллар экансиз. Сизлар оқ подшонинг хоҳиш-иродасини тан олмай, император олий ҳазратининг ва Россиянинг куч-қудратини ва ўзингизнинг фуқаролик бурчингизни унутдингиз. Шуни унутмангларки, ҳар бир кишига ишига қараб баҳо берилади. Сиз қуллар йиртқич ва ёлғончи бўлиб чиқдингизлар. Эндиликда сизларга қулларча муносабатда бўлинади. Унутманглар, ҳар бир рус маъмурияти вакили ва ҳар бир руснинг ҳаёти учун сизлардан минглаб кишилар жавоб беради. Ақл-ҳушларингизни йиғиб, сўзсиз мардикорликка одамларингизни беринглар, Россияга содиқлигингизни кўрсатишга бор кучингизни сарфланг. Акс ҳолда ҳаммангиз қириб ташланасиз!"[334]

Туркистон генерал-губернатори имзолаган мазкур ҳужжатда чор ҳукуматининг зулм ва зўравонлигидан азоб чекаётган Туркистон халқлари гўёки чор Россиясининг раҳнамолиги асосида тинч ва фаровон ҳаёт кечираётгандек кўрсатилади. Чор ҳукумати эса халқнинг меҳрибони ва гамхўри сифатида гавдалантирилади. Туркистон аҳолиси бу билан ғурурланишга ва фахрланишга даъват этилади. Мустабид ҳукуматнинг мустамлакачилик ва улуғ-миллатчилик сиёсати шундай уйдирмалар билан ниқобланади. Халқнинг зулм ва зўравонликка қарши бош кўтариши мустамлакачиларнинг шундай қаттиқ ғазабини қўзғатганки, бутун халқни ёлғончилик, иккиюзламачилик ва айёр қуллар сингари сўзлар билан ҳақорат қилишгача борилган. Ҳужжатда қўзғолонларни қоралашга қаратилган сўзлар билан бир қаторда фармон ижро этилмай яна қўзғолонлар кўтарилган тақдирда ҳамманинг қириб ташланиши маълум қилиниб, таҳдид қилинган. Буларнинг бари мустамлакачиларга хос дағдаға ва қирғинбарот намунаси бўлиб, мустабид ҳукумат шу йўл билангина халқни

жиловлаб турарди. Бироқ 1916 йил қўзғолонлари бу даъдаъа ва қирғинбаротлари халқ иродасини бука олмаслигини, озодлик ва эркка ташна халқ нақадар қудратли тўлқин эканлигини намоён этди. Бу тўлқин шу қадар кучли эдики, у бир неча кун ичида бутун Туркистонни қамраб, ларзага солди. Халқни оёққа турғизиш учун партия ёки митинг, ё бўлмаса варақалар керак бўлмади. Жасур ва мард кишилар даъвати кифоя бўлди. Минг афсуски, халқ қуролсиз эди. Қўзғолон енгилишининг асл сабаби ҳам шундай ҳарбий тенгсизликда эди.

3.3. ҚЎЗҒОЛОННИНГ БОСТИРИЛИШИ ВА СУД ЖАРАЁНЛАРИ

Туркистондаги, шу жумладан, Фарғона водийсидаги қўзғолонлар бутун Россияни ларзага солди, дейилса асло муболаға бўлмайди. Улар пойтахт Санкт-Петербургда ва мамлакатнинг бошқа жойларида, расмий ва гайрирасмий йиғилиш ва суҳбатларда мунозараларга сабаб бўлиши бежиз бўлмаган эди, албатта. Чунки Россияда савдо-саноат доиралари, кўплаб фирмалар, темир йўллар ва завод-фабрика ишчиларининг манфаатлари ва кундалик ҳаёти Туркистонга чамбарчас боғланган эди. Айниқса, пахта кони – Фарғона водийсидаги қўзғолонлар катта хавотирлик ва ташвишни туғдирган эди. Мўмай бойликлардан маҳрум бўлиш хавфи эса капиталистларни ваҳимага солиб қўйди. Шунинг учун ҳам қўзғолонларни шафқатсизларча бостириш ҳақидаги мурожаатлар қулоққа чалиниб турарди. Чунончи Москвада жойлашган ва улуғмиллатчилик руҳи билан суғорилган "За Россию" жамияти Туркистон генерал-губернатори Куропаткин номига қуйидаги хатни жўнатди: "За Россию" жамиятининг бош кенгаши олаётган хабарларига кўра Туркистонда қўзғолонлар вақтида туб аҳоли томонидан рус маъмурияти вакиллари ҳалокатга учратилган, ...жамиятнинг бош кенгаши келажакда россияликларнинг мавқеини сақлаш зарурлигини сўрайди. Шунингдек, илтимос қиламизки, қўзғолонларнинг айбдорлари ва уларга хайрихоҳлик билдирганларнинг ҳаммасига энг қаттиқ жазолар қўлланилсин. Уларнинг ерлари тортиб олиниб, ўзлари Сибирнинг узоқ жойларига сургун қилинсин. Ерлар қаҳрамонлик кўрсатаётган солдатларга, кўпроқ казакларга берилсин"[335].

Россиядаги корчалонларнинг бундай даъволари замирида қўзғолон баҳонасида туб аҳолини қириш, мол-мулки ва ерларидан

маҳрум этиш мақсади ётарди. Улар бундай чоралар билан туб аҳолини ватанидан бадарға қилиб, унинг ўрнига Россиядан одамларни кўчиртириб олиб келиб, посёлкалар, яъни руслар учун шаҳарчалар бунёд қилишни уйлагандилар.

Қузғолонлар ҳақида Россия матбуоти саҳифаларида ҳам маълумотлар ва турли фикрлар баён этиб борилган. Туркистон генарел-губернатори А.Н.Куропаткин уларни ҳисобга олмаслигининг ҳеч иложи йўқ эди. У қузголонларни бостириш ва қатнашчиларини жазолашга қаратилган қаттиқ чораларни амалга оширди. Аввалambор, 1916 йилда бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб ҳарбий ҳолат жорий этилди[336] . Шунингдек, ҳарбий дала судлари тузилиб, қузғолончилар қаттиқ тергов қилинди. Бу хусусда Россия ҳарбий вазири Д.С.Шуваев Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимини вақтинча бажарувчи М.Р.Ерофеевга 1916 йил 17 июлда юборган телеграммасида шундай дейилади: "Қузғолон қатнашчиларининг ишини тезликда кўриш учун шошилинч равишда ҳарбий дала суди тузилсин. Бу суд аъзолари фақат ҳаракатдаги офицерлардан ташкил этилиб, ўлканинг лозим топилган барча жойларига юборилсин"[337].

Чор маъмурияти ҳарбий ҳолат қонун-қоидаларига асосланиб, қатағонларни янада кескинлаштирди. 1916 йил 9 июлда Андижон шаҳридаги қуйидаги шахслар тергов қилиниб, судга берилди: Абдусатторҳаким Оқсоқов, Абдужабборқори Рузибоев, Мамадали Абдукаримов, Абдуллажон Ҳаитметов, Журақори Зунунбоев, Акбар Умарбоев, Муллаабдулҳақ Халфаев, Ашурали Исмоилов, Мамажонмулла Отахонов, Муллакариммирза Азизхўжаев, Абдужалил Қодиров, Носир Абдураҳмонов, Мулламақсудали Устанишонбоев, Юсуфжон Тошпўлатов, Қузибой Солиаминов, Остонқул Юсуфбоев, Усмонжон Мараимов, Ахтам Янгилдин, Мамасодиқ Рузибоев ва Юсуфхўжа Муҳаммадшарифхўжаевлар шулар жумласидандир[338].

Ҳарбий прокурор ёрдамчиси Симонов айбномасида юқорида қайд этилган кишилар Андижон шаҳрида кетмон, таёқ, гишт ва бошқа нарсалар билан қуролланиб, шовқин-сурон кўтариб, чор маъмуриятига ҳужум қилганлари учун қораланган. Хусусан, Абдусаттор миршабни калтаклаш ва қилични миршаб Тарасовнинг бошида айлантирганликда айбланади. Абдужабборқори Рузибоев эса халойиқни маъмурият вакилларини дуппослашга даъват этган. Абдуллажон Холматов, Юсуфжон Тошпўлатов, Муллаабдулҳақ Ашурхалфаевлар уезд бошлиғига ҳужум қилганликлари учун

айбланганлар. Бошқа қўзғолончиларга ҳам шунга ўхшаш айблар қўйилди[339]. Айбномада кўрсатилишича, Қосимжон Мадқосимов деган кимса қўзғолончиларга тарқалишни ва мардикорликка боришни ташвиқот қилганида ғазабланган оломон уни тошбўрон қилган. Бошидан оғир жароҳатланган Қосимжон Мадқосимов ўлган[340].

Гувоҳ сифатида судга асосан маъмурият вакиллари жалб қилинган. Уларнинг ичида Андижон уездининг бошлиғи полковник И.А.Бржезицкий, миршаблардан А.Н.Сологуб, Иван Говоров, Семен Русанов, Григорий Погорелов, Илья Тарасов, Дмитрий Бородин, Василий Ципляков, Степан Ширинкин ва бошқалар, жами 26 киши. Маҳаллий миллат вакилларидан шаҳарнинг маҳалла оқсоқолларидан бири Абдуқодир Абдуғаффоров, Юсуфжон Чоришев ва шаҳар депутати Мирали Умарбоевлар гувоҳликка ўтганлар[341]. Демак, гувоҳларнинг барчаси расмий кишилардан танланган. Бу маълум мақсад билан қилинган иш эди, албатта.

Шарҳланаётган прокурорнинг айбномаси Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин томонидан тасдиқланиб амалга оширилди.

Уезднинг Далварзин қишлоғидаги кўтарилган қўзғолон қатнашчилари устидан ҳам тергов ишлари қўзғатилган. Бу қўзғолон вақтида волость бошлиғи Ҳакимбек Рузибоев ва унинг миршаблари Темир Пайғамбарқулов ва Каримжон Абдулваҳобов ўлдирилган эди. Бу ишда қатнашган Марасул Мадёров, Исмоилҳожи Шокирҳожиев, Тожибой Халфаев, Саид Шокиралиев, Ҳасанбоймулла Қувватов, Тешабек Ҳамдамҳожиев, Ҳазраткул Ҳамдамҳожиев, Муҳаммадазим Муллаумрзоқов, Маҳмудали Хидирбоев, Отажон Ортиқбоев, Абдураҳмонҳожи Гозиқулов, Абдукаримхўжа Ҳусаинҳожиев, Муллаабдураҳмон Муллаабдусатторов, Абдуллахўжа Абдуқодирҳожиев, Жалил Улуғалиев, Абдулвоҳид Ҳасанҳожиев, Муҳаммаджон Муҳаммадбобоев, Усмон Аликодирқулов ва бошқаларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, ишлари судга оширилди[342].

Ўлдирилган волость бошқарувчиси Ҳакимбек Мулларўзибековнинг Меҳриниса Маҳмудалибаева, Хосият Абдуғафурова, Кумушбиби Йўлдошбоева ва Тожибиби Ризоҳожиевалардан иборат тўртта хотини қўзғолончилар келтирган талафотни ундириш мақсадида Туркистон ҳарбий судига ариза беришди. Аризада марҳумдан олтита ёш болалар етим қолгани кўрсатилиб, у 1 йилда 500 сўм маош олганлиги маълум қилинган. У пахта ва умуман деҳқончилик маҳсулотларидан 6000 сўм даромад олган. Бундан

ташқари, унинг ўлимидан кейин хўжаликни бошқариш учун олинган кишига ҳар ойда 100 сўм, бир йилга 1200 сўм харажат қилинган. Шундай қилиб, волость бошқарувчисининг оиласи анча катта талафотга учраган ва қийин аҳволга тушиб қолган. Улар қўзғолончилардан талафотни ундириб беришларини талаб қилганлар. Бу талабни қондириш ҳақида судга мурожаат этилган.

Аризадан шу нарса маълум бўладики, волость бошлиқларининг даромадлари анча катта бўлган. Каттақ ҳажмдаги ерларга эгалик қилиб, пахтачилик билан ҳам шуғулланганлар. Шубҳасиз, улар хўжаликларида деҳқонларни мажбуран ишлатиб нафратини қўзғатганлар. Масаланинг бу томони ҳам қўзғолончиларни биринчи навбатда волость бошлиқларига хужум қилиб, мол-мулкини талашга сабаб бўлган.

Прокурор айбномасига кўра Мойғир волостининг Чуама қишлоғида Муллаобид Муллаҳожиев, Жумақўзи Усмонполвонов, Парпибой Абдувалиев ва Ғоиббой Назаровлар қўзғолонда жонбозлик кўрсатганлар. Хусусан, Муллаобид Муллайўлдошҳожиев халқни бош кўтаришга даъват этиб, қўзғолон кўтарилишида муҳим ўринни эгаллаган[343].

Унинг билан биргаликда Жумақўзи Усмонполвонов ва Ғойиббой Назаровлар волость бошлиғи ва унинг отасининг хонадонига ҳужум қилишда фаол қатнашганлар[344].

"Қўзғолончилар, – дейилади айбномада, – император олий ҳазратларининг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши чиқиб, таёқ, тош ва болталар билан қуролланиб, бозорда тупланишди. Улар "волость бошлиғи ва бошқа руйхат тузувчи кишиларни ўлдирамиз", – деб бақирдилар. Оломон қишлоқ оқсоқоли Қирғизбой Каримбоев ва унинг отаси Каримбой Тўрақуловнинг хонадонига бостириб кириб, дарвоза, дераза ва эшикларни бузиб, синдириб мол-мулкини таладилар[345]. Бу қўзғолонда қатнашганликлари учун Абдулла Қосимов, Мулла Исмоилов, Маматқул Абдулқосимов, Омонбой Ризақулбоев, Акбарали Аҳмадалиев, Тўйчибой Тўрақулбоев, Маҳмудали Тўхтасинбоев, Мирзаёқуб Сулаймоноқсоқолов, Дилдор Темирбоев, Қирғизбой Ризақулов, Мамадёқуб Эгамбердиҳожиев, Абдуниғмон Қосимбоев, Муллараимберди Устаэгамбердиев, Мираҳмад Бўтабоев, Йўлдош Мақсудов, Тошбой Алиқулов ва Ҳайдармирза Раҳмоновлар тергов қилиниб, судга берилди[346].

Қурсатилган шахслар биргаликда қишлоқ элликбошиси Қипчоқбой Мирзаевни ўлдиришда қатнашганликда айбландилар.

Қўзғолон узоқ қишлоқда содир бўлганлиги учун маъмурият гувоҳларни туб аҳолининг орасидан тайинладилар. Бунинг бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Прокурор айбномаси Туркистон генерал-губернатори Куропаткин томонидан тасдиқланиб, "жиноятчи"лар иши судга жўнатилди[347] .

Жалақудуқ волостининг Суфи қишлоғида бўлган қўзғолоннинг фаол қатнашчиларидан 48 киши тергов қилиниб, судга берилди. Улардан Янгибой Мамарасулов, Қўчқорбой, Марайим Қасобов, Тулаганкарим Суфиевлар қўзғолоннинг олдинги сафларида борганлар. Жалақудуқ волостининг бошқарувчиси Муллайўлдош Мирзасулаймонов ва қишлоқ оқсоқоли Йўлдош Ҳайитбоевларни ўлдиришда жонбозлик кўрсатганлар. Шунингдек, қўзғолончилар томонидан Сафар Қосимхўжаев, Абдулқосим Содиқхўжаев ва Носирхўжа сингари кишилар волость оқсоқолини тарафида турганликлари учун тошбўрон билан халок этилган эди[348]. Гувоҳларнинг кўрсатишича, волость бошлиғи Янгибой Мамарасулов, қишлоқ оқсоқолини ўлдиришга Қўчқорбой, Марайим Касобовлар бошчилик қилганлар[349]. Улар калтаклардан сўнг чала ўлик бўлиб қолганда кўрсатилган кимсалар томонидан ўлдирилган. Прокурорнинг айбномаси бўйича Қаландар-Қўрғонча қишлоғидаги қўзғолончилардан бир гуруҳи судга тавсия этилди. Унда кўрсатилишича, оломон элликбоши Эсонқул Раимқуловнинг ўртага олиб жамоа аҳлини рухсатисиз мардикорлик рўйхатини тузганликда қоралаб, рўйхатни беришни талаб қилганлар. Рад жавобини олган оломон уни ўлдирди[350]. Бу иш бўйича 7 киши: Абдураҳмон Мирзаҳусаинов, Жўрабой Уста Тошев, Камол Мадаминов, Маолим Эгамбердиев, Исҳоқ Ўрозбоев, Орзиқул Мадисабоев ва Турабой Дўстматовлар судга топширилдилар[351]. Норин волостининг Яқин қишлоғидаги қўзғолоннинг Хушвақт Мусабоев, Усмонқул Мавлонҳожиев, Усмонамин Алманбоев ва Муллахонбўта Абдуқодировлар сингари сардорлари судга ҳавола этилди.

Избоскан волостининг Илётон қишлоғидаги аҳолидан Хушвақт Мусабоев, Усмонқул Мавлонҳожиев, Усмонамин Алманбоев ва Муллахонбута Абдуқодировлар Тўда қишлоғига оломонни олиб бориб, Яшиқ қишлоғи оқсоқолидан мардикорлар рўйхатини талаб қилиб, оқсоқол ва унинг ўғилларини дўппослаганликда айбландилар ва Туркистон округи судига топширилдилар[352].

Капа қишлоғидаги қўзғолонда фаол иштирок этган ва қишлоқ оқсоқолининг котиби Умархўжа Султоновни ўлдирганлар, хусусан,

Муллақўлдош Холназаров, Сотиболдихўжа Хўжаев, Абдуҳошим Раҳмонқулов, Ҳайдарали Умаров, Абдухолиқ Раҳмонқулов ва тошкентлик Абдулқосимовлар иши суд ҳукмига ҳавола этилди[353]. Чуама қўзғолончиларидан 13 кишининг иши судга оширилди. Андижон уезди бўйича тергов қилинган маҳбуслар гуруҳларга бўлиниб суд қилинди[354].

Маълумки, чор маъмурияти андижонлик қўзғолончиларнинг қўпчилигини осиб ўлдириш ва сургун қилишга ҳукм чиқарган. Зеро Туркистон генерал-губернатори олий жазоларни бирмунча енгиллаштирган бўлса-да, ўлим жазосига ҳукм қилиш фожианинг ўзидир.

Бу чор ҳукумати сиёсатининг нақадар адолатсизлигини кўрсатади. Наманган шаҳрининг Лаббай тоға маҳалласидаги Курашхонада кўтарилган қўзғолон қатнашчиларидан: Абдуазиз Суфиев, Абдураҳмон Розиқбоев, Ортиқбой Абдурасулбоев, Байхонбой Йўлдошмирзаев, Жалолиддин Увайсов, Жўрабой Абдураҳмонбоев, Иброҳимжон Мирзабойсуфиев, Тошпўлат Фозилбоев, Йўлдошхўжа Хўжаев, Юнусбой Ёқуббоев ва бошқалар подшо фармонига қарши бош кўтариб чиққанликда айбланиб Туркистон ҳарбий округи судига топширилдилар[355]. Жами 83 киши ҳибсга олинган эди. Улардан 63 киши етарли далиллар бўлмаганлиги сабабли судга берилмай озод этилди. Уларнинг орасида яралар бўлган Умринисабиби Алихонбоева исмли аёл ҳам бор эди[356] . Маҳбуслардан Нигмонқори Мулламақсуд Халфаев, Йўлдошхўжа Исмоилхўжаевлар 3 йилга қаттиқ режимли қамоқ жазосига, Исмоилқори Мақсудхалфаев икки ярим йил қамоқ жазосига, Жалолиддин Увайсов, Нуриддинхўжа Мақсудхўжаев, Муллаабдуғофур Муллабобожонов, Шарифхўжа Атабоев, Жўрабой Абдураҳмонов ва бошқалар бир неча ойга қамоқ жазосига маҳкум этилдилар[357].

Наманган уездидаги кўп қўзғолончилар шафқатсизларча тергов қилинди. Уйчи қишлоғидаги қўзғолонда иштирок этган Муллаумрзоқ Бобожонов (54 ёш), Аҳмадали Тожиев (46 ёш), Муллаабдужалил Муллаабдуқодиров (39 ёш), Муллаабдураим Қаюмбоев (39 ёш) ва Муллаабдухалил Мадраимбоевлар қўзғолоннинг раҳбарлари сифатида қораланди. Прокурор айбномасига кўра Бобожонов: "Мусулмонлар, қўзғолончилар элликбошини ўлдиргани кетаяпмиз!" – деб одамларни атрофига тўплаган. У бошлиқ оломон элликбоши Мирзаталъат Абдуғофуровни уйига бостириб кириб, уни дўппослаб ўлдирганлар. Бунда Ҳожиев ҳам жонбозлик кўрсатган[358]. Қамалганларнинг барчаси императорнинг фармонига

қарши чиққанликда, элликбошини ўлдиришда айбландилар. Суд Муллаумрзоқ Бобожоновни 12 йилга, Ҳасанбой Ҳожиев ва Муллаабдужалил Абдуқодировни 8 йил сургунга, Муллаабдураим Мадраимбоевни 3 ой қамоқ жазосига ҳукм қилди. Муллаабдураим Қаюмбоев эса оқланди. Жазоланган-ларнинг мол-мулки мусодара қилинди[359].

Ёрқўрғон қишлоғидаги қўзғолон қатнашчиларидан 22 киши тергов қилинди. Масалан: Тухтабой Холиқов, Бобомирза Мирзабоев, Абдуғофур Исачумаков, Пиримбойвачча Бойбобоев, Аҳмадвали Султонвалибоев, Отабой Абдурасулов, Давонбек Полвонов, Турсунбой Домембоев, Абдуқаюм Ҳасанбоев, Абдуҳамидғофур Оталиқов, Болтабой Бобораимов, Ўринбой Муминов, Умрзоқ Йўлдошбоев, Абдуваҳоб Отабоев, Меҳмонбой Оталиқов, Йўлдошбой Ашурбоев, Мадёқуб Юсупбоев, Мирза Орифбоев, Абдуғафур Аҳмадбоев ва Мирзабой Нодирбоев шулар жумласидандир. Айбномада уларнинг ҳар бирининг қўзғолон вақтидаги ишларига баҳо берилган. Суд ҳукми билан Девонбекбой Полвонов (41 ёш), Йўлдошбой Ашурбоев (63 ёш) лар 12 йилдан сургунга ҳукм этилдилар ва уларнинг мол-мулклари мусодара қилинди. Абдуғофур Исачумаков (36 ёш) ва Мирзабой Нодирбоев (40 ёш)лар 2,5 ойга қамоққа маҳкум этилиб, мол-мулки мусодара қилинди. 7 киши етарли далиллар бўлмаганлиги сабабли озод этилдилар[360]. Суд маълумотларининг кўрсатишича, Чиндовулдаги қўзғолонда иштирок этган қўзғолончилардан 48 киши тергов қилинган. Улар ҳукуматнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши курашганликда айбландилар. Хусусан, Эшонпонсод Саидбурҳонов, Исмоилхўжа Бурҳонхўжаев, Қорабой Бойбобоев, Дадабой Юнусов, Валихўжа Султонхўжаев, Аҳмад Дадабоев, Музаффархўжа Иноятиллахўжаев, Мўмин Содиқбоев, Абдужалил Абдуқодиров, Тошбой Қаландарбоев, Мақсуд Усмонқулов, Муҳаммадмуса Муҳаммадсолиҳов, Абдуазизуста Кулиев, Бадалмуҳаммад Ризаев, Умархон Мирзабоев ва бошқалар, жами 50 киши суд қилинди[361].

Айбномада Чиндовулдаги қўзғолон қатнашчилари фаолиятига ҳам кенг ўрин берилган. Улар император фармонига бош эгмай, ҳукумат сиёсатига қарши курашганликда айбландилар. Ушбу ҳужжатда мардикорлик рўйхатларини тортиб олиб йўқ қилинганлиги, волость идорасига хужум уюштирилганлиги ва маъмурият вакиллари сиқув остига олинганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган, қўзғолон шу даражада кучли бўлганлигидан бирданига 50 киши ҳибсга олинган.

Ҳибсга олинганлар орасида маҳаллий маъмурият вакилларига ва уларнинг хонадонларига ҳужумларда бевосита иштирок этмаганлар ҳам бор эди. Ҳарбий суд бу тоифадаги кишиларни озод этишга мажбур бўлдилар.

Пнук қишлоғидаги қўзғолончилардан Тохтарбой Мирзабоев, Тожибой Тохтарбоев, Тоҳиржон Тохтарбоев, Ҳакимбой Назаров, Исмоил Тошматов, Мадали Саидалиев, Ҳамроали Носиралиев, Амир Хужаев, Аҳмад Мирзаев, Ботмат Худойбердиев, Ҳаким Абдуқодиров, Аҳмадхўжа Муллаумаров, Шомирсалим Улуғов, Отабой Зийнатуллаев, Бойқузи Нурхонов, Мирзаали Худойбердиев ва Устафозил Кабилевлар терговдан сўнг судга топширилдилар[362]. Уларга қўйилган айбномада шундай дейилган: "Қишлоқ аҳолиси ўзаро келишиб, тош, таёқлар билан қуролланиб бош кўтарганлар. Улар қишлоқ оқсоқоли Абдуназар Норматовни котиб Муллаабдумўмин Муллашарипов ва элликбоши Маллабой Собировлар билан биргаликда мардикорлик рўйхатини тузаётганлигини билиб, уларга қарши ҳужум қилганлар. Уларни пичоқ, тош ва таёқлар билан уриб, ярадор қилганлар. Натижада, Маллабой Собиров ўлган. Сўнгра унинг уйига бостириб кириб талон-торож қилганлар ва 17 минглик сўмлик мол-мулкини совурганлар[363]. Суд ҳайъати қўзғолончиларни ҳукумат сиёсатига қарши чиққанлари ҳамда етказган талафотларини ҳисобга олиб, 17 кишини осиб ўлдиришга ҳукм чиқарди. Шу билан бирга мол-мулкларини мусодара қилиш алоҳида кўрсатилди. Ўлимга ҳукм этилганлардан: Тохтарбой Мирзабоев (63 ёш), Шомирзасалим Улуғшоев (42 ёш), Ҳамроали Насибалиев (30 ёш), Ҳакимжон Абдуқодиров (30 ёш), Аҳмадхўжа Муллаумаров (48 ёш), Ғафурмулла Мерганов (30 ёш), Бойқузи Нурхонов (37 ёш), Тошмат Қузиев (28 ёш), Нормат Худойберганов (30 ёш), Аширбой Зийнатиллаев (32 ёш), Султонбой Насибалиев (30 ёш), Тожибой Тохтарбоев (20 ёш), Боймат Худойбердиев (17 ёш)[364]. Ушбу маълумотлардан маълум бўладики, ўлим жазосига ҳукм этилганларнинг кўпчилигининг ёши 30 билан 40 орасида бўлган. Энг кичиги 17 ёш, энг каттаси 63 ёшда эди. Бу эса озодлик учун кураш барча ёшдаги кишиларни ўз домига тортганлигидан далолат беради.

Энг катта қўзғолонлардан бири Қуйи Ашт қишлоғида бўлиб, чор маъмурияти оммавий қатағондан сўнг 79 кишини ҳибсга олди. Уларнинг ҳаммасини иши судга оширилди.

Судга берилганлар орасида аёллардан Учулбиби Тошматова, Нуринисо Турсунова, Ҳамробиби Муҳаммадаминова кабилар бўлиб,

улар эркаклар билан ёнма-ён туриб, чор ҳукуматига қарши мардонавор курашганлар.

Бир оиладан бир неча киши бир вақтда судга берилган. Юқорида қайд этилган 79 киши: Камолхўжа Эшонхўжаев, Шербой Турсунбоев, Абдуқодир Ҳамдамов, Қўзибой Мирзаев, Исмоил Муҳаммадаминов, Эргаш Маназаров, Музаффар Султонхўжаев, Дадажон Тошмуҳамедов, Алимбой Мадалиев, Бўрибой Абдужалилов, Мирзабобо Мадкомилов, Содия Қосимов, Ҳайдар Мадалиев, Тожибой Мирзаҳмедов, Низомитдин Зиёвутдинов, Ғиёсиддин Искандаров, Мадхўжа Каттахўжаев, Жўрабой Камолсў-фиев, Шодмонуста Назаров, Абдураҳмон Мажидов, Жўрабой Мадумаров ва бошқалар император фармонига қарши чиқиб тош, таёқ, болта ва пичоқлар билан қуролланган ҳолда Ашт волостининг идорасига бостириб киришди. Яна улар идорадаги мол-мулк ва ҳужжатлар йўқ қилинишида ҳамда маъмурият вакилларини дўппослаб ўлдиришда айбландилар.

Чор маъмурияти ўзининг шаънини уйлаган ҳолда қўзғолонда қатнашган аёлларни суд қилишни ўзига эп кўрмади. Бунинг устига аёлларни эркакларга тенглаштириб суд қилиб, узоқ муддатли сургунга ёки қамоққа ҳукм қилиш туб аҳолининг ғазабини яна кучайтириши турган гап эди. Туркистон генерал-губернатори ва прокурор масаланинг шу томонини ҳисобга олиб Ҳамробиби Муҳаммадаминова, Учулбиби Тошматова, Нуринисо Турсуновалларни қамоқдан озод этишни лозим топди.

Тошбиби Муҳаммадсафаева, Барнобегим Бўрибоева, Хожалбиби Носирова, Рухсорабегим Шаҳриева ва унинг синглиси Нодирабегим, Ибодатбиби Мадазимова, Самарбону Шербоева, Тўхтаниса Шоюсупова, Саодатбиби Муллашарипова, Ойимбону Мадалиева, Нигмонбону Мансурова сингари жасоратли аёллар терговдан сўнг суддаги ишлари ёпилиб, озод қилинганлар[365].

Демак, Қуйи Аштдаги қўзғолонда ўзбек аёллари озодлик учун курашда муҳим роль ўйнаганлар. Улар ҳокимият вакилларини ўзи ва хонадонларига ҳужум қилишда иштирок этганлар. Прокурор айбномаси бўйича Дадахўжа Исмоилхўжаев Қуйи Ашт қўзғолонининг йўлбошчиси ҳисобланган. Унинг тарғиботи ва қаттиқ ҳаракати орқасида қишлоқ аҳолиси маҳаллий маъмурият вакилларининг ўзи ва хонадонларига ҳужум қилиб, 50 минг сўмлик мулкини талаганлар.

Чор маъмурияти Юқори Ашт қишлоғидаги қўзғолонда иштирок этган: Бекмуродмулла Саримсоқов, Мирбобо Моиазов, Собир

Ғозиев, Ирман Бойматов, Меренбой Шасаидов, Исматулла Ниғматуллаев, Тожибой Матқулбоев, Исманча Мирзаматов, Бобожон Ниғматжонов, Уста Ҳурмат, жами 27 киши ҳибсга олинди[366]. Суд уларни волость бошқарувчиси Раҳмонназар Соитбоевни рўйхат тузганлиги учун уйига ҳужум уюштирганликда ва уни ўлдирганликда айблади[367].

Наманган уезднинг Чадоқ қишлоғидаги қўзғолончилар-дан 90 киши ҳибсга олинди. Прокурор қўзғатган "жиноий иш"да улар қуйидагича айбланган: Жилибой Каримбоев, Туйғун Ниёзматов, Насритдинқори Муҳаммадаминҳўжаев ва Ваққосхон Мадалиқориев Чадоқ қишлоғининг оқсоқоли Мирражабовни ва волость бошқарувчиси Муллағози Худойбердиевни мардикорликка олинувчилар рўйхатини тузганликда айблаб, жазоламоқчи булишган. Оломон Жилибой Каримбоев, Турғун Ниёзматов, Наби Шодибоевлар бошчилигида волость бошлиғи Худойбердиевни уйига бостириб кирганлар. Оломоннинг олдинги сафларида Жилибой Каримбоев, Туйғун Ниёзматов, Абдусамад Абдураимов, Наби Шодибоев, Абдусаттор Абдураимов, Йўлдош Ниёзматов, Тухтаназар Исломбоев, Юнусполвон Миршарипов, Шариф Аминов, Насриддинғози Муҳаммадаминҳўжаев, Йўлдош Аширматов, Саид Тошполвонов, Мадамин Мирзиёев, Муҳитдин Сараев, Ваққосхон Мадалиқориевлар турганлар. Улар волость бошлиғига ташланиб, ўқ узганлар, оломон бир нечта эллик-бошиларга ҳам ташланганлар. Улар Шамат Тошбоев, Муяссар Ниғматов, Холмат Дўстматов, Абдулқосим Мадазимов ва бошқалардан иборат эди.

Ҳибсга олинганлар: – Жилибой Каримбоев (45 ёш), Туйғун Ниёзматов (55 ёш), Абдусамад Абдураимов (31 ёш), Наби Шодибоев (55 ёш), Абдусаттор Абдураимов (36 ёш), Йўлдош Ниёзматов (28 ёш), Тухтаназар Арслонбоев (32 ёш), Тоирбой Худоёров (58 ёш), Раҳимбой Шодибоев (67 ёш), Холмирза Холматов (46 ёш), Лочин Шарипов (17 ёш) ва ҳ.к.[368]

Ушбу маълумотда қўзғолончиларнинг ёши 17 – 80 ёш орасида булганлигини кўриш мумкин. Бу шуни кўрсатадики, қўзғолонда ёшидан қатъи назар барча маҳаллий аҳоли вакиллари ҳукуматга қарши бош кўтарганлар. Уларнинг орасидаги Гулчанбиби Бобожонова, Норбиби Розиқова ва Асалбиби Мирзаулуғова сингари хотин-қизлар ҳам судга берилди. Ҳарбий суд генерал-майор Абрамов раислигида олиб борилди. Суд аъзолари эса полковник Блинов ва подполковник Доброохотовдан иборат бўлди.

Бир неча кун давомида суд ўз фаолиятини давом эттириб Абдусамад Абдураимовни, Ғиёс Занлиевни, Жилибой Каримбоевни, Мулла Сирож Маъзумов, Наби Шодибоев, Асалбиби Мирзаулуғова ва бошқалар, жами 22 кишининг мол-мулкини мусодара қилиш ва осиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқарди. Аммо, суд мансабдор шахслар фавқулодда ўлдирилганлигини ҳисобга олиб, ўлим жазосини юмшатиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилган. Абдусаттор Абдураимов, Аширмат Раимдевонбосв, Ваққосхон Мадалиқориев, Ғайбуллахўжа Дарвозов, Эргашуста Рузиев, Соибхўжа Назархўжаев, Саид Тошполвонов, Уроқдевон Эшматов, Устақосим Абдурасулов, Самад Тошбоев ва Йўлдош Аширматовларни ўлим жазосидан озод қилиб, жазони 10 йилга сургунга алмаштирилган[36].

Нормирза Носиров, Саидаҳмадхўжа Дониёров, Холмирза Холматов ва Тоҳир Худоёровлар 4 йил муддатга қаттиқ режимли қамоққа ва мол-мулкини мусодара қилишга ҳукм чиқарилди. Асалбиби Мирзаулугова эса 1 йил қамоқ жазосига маҳкум этилди[370]. Шўрқўргон қишлоғида кўтарилган қўзголон бўйича Муллақўшоқ Раимбоев (36 ёш), Муҳитдин Маткаримбоев (27 ёш), Саидбой Хўжамбердиев (24 ёш), Отамирза Бойбобоҳожиев (26 ёш), Муҳаммадуста Ҳожиевлар (46 ёш) осиб ўлдиришга ва мол-мулки мусодара қилишга ҳукм қилиндилар.

Раимбой Саидбоев (63 ёш), Эшматбой Худойбердиев (33 ёш), Мадраим Бобохўжаев (28 ёш), Абдураҳмонмаъзум Муҳаммадюсупов (58 ёш), ҳар бири 12 йилдан каторгага ҳукм қилиндилар. Бошқа қўзголон иштирокчилари 3 йилдан 3 ой муддатгача қамоқ жазосига маҳкум этилдилар[371].

Наманган уездидаги қўзғолончилар устидан олиб борилган суд жараёни қуйидаги тарзда якунланди. (8-жадвал).

8 -жадвал

№	Маҳбус гуруҳлари	Ишнинг судга берилган вақти	Суд мажлиси	Суд ҳукми
1.	Тухта Холиқбоев ва 2 ҳ.к. Жами: 22киши	10 октябрь 1916	22 ноябрь 1916	2 киши сургунга, 3 киши қаттиқ режимли қамоққа, 10 киши қамоққа. 7 киши озод қилинди.
2.	Жилибой Каримбоев ва ҳ.к. Жами: 22киши	14 октябрь 1916	18 ноябрь	22 киши улим жазоси, 4 киши сургунга 6 киши каттиқ режимли қамоққа, 28 киши қамоққа, 48 киши озод қилинди.

3.	Муллақўшоқ Раҳимбоев ва ҳ.к. Жами: 22 киши	20 октябрь 1916	24 ноябрь 1916	8 киши ўлимга, 4 киши сургунга, 5 киши қаттиқ режимли қамоққа. 3 киши қамоққа. 2 киши оқланди.
4.	Бекмурод Мулла Саримсоқов ва ҳ.к. Жами: 6 киши	7 октябрь 1916	8 декабрь 1916	3 киши сургунга, 1 киши қамоққа. 1 киши оқланди.
5.	Тўхтарбой Мирзабоев ва ҳ.к. Жами: 19 киши	11 октябрь 1916	9 декабрь 1916	17 киши ўлим жазосига 2 киши оқланди.
6.	Пансат Эшонсаид Бурхонов ва ҳ.к. Жами: 50 киши	22 октябрь 1916	16 ноябрь 1916	5 киши қаттиқ режимли қамоққа, 26 киши қамоққа. 19 киши оқланди.
7.	Камолхўжа Эшонхўжаев ва ҳ.к. Жами: 80 киши	1 ноябрь 1916	12 ноябрь 1916	11 киши ўлим жазосига, 4 киши сургунга, 9 киши қаттиқ режимли қамоққа. 22 киши қамоққа. 32 киши оқланди
8.	Абдураҳмон Розиқбоев ва ҳ.к. Жами: 19 киши	9 ноябрь 1916	19 ноябрь 1916	4 киши қаттиқ режимли қамоққа, 13 киши қамоққа. 2 киши оқланди.

Жадвалда қайд этилган ўлим ва сургун жазоси кейинроқ ўзгартирилиб, бирмунча юмшатилган.

Наманганликлар чор ҳукуматига қарши курашда темир йўлларни бузишга ҳаракат қилишган. Чунки ҳарбий куч темир йўллар орқали келарди. Чунончи, Қўшоқбой Раҳмонбердиев Фарғона темир йўлидаги Янгиариқ ва Чортоқ бекатида рельс устига 1 пуд оғирликдаги тўртта тошни қўйиб қўйган. Бу билан у 4-номерли поездни агдаришни режалаштирган, аммо уни қоровуллар пайқаб қолиб, поездни тўхтатишга улгурганлар[373].

Шундан сўнг Қўшоқбой Раҳмонбердиевни иши ҳарбий судда кўрилиб, 15 йил муддатга сургунга ҳукм қилинди[374] .

1916 йил октябрь ойида генерал-майор Абрамов раислигида Скобелев уездида қўзғолон қатнашчиларининг устидан суд олиб борилди. Марғилон шаҳридаги қўзғолончилардан Мукаррамхон Юсупалихўжаев, Нурмуҳаммад Раҳматилламахсумов, Мўминхон Абдумутолипов, Аҳмадхўжа Зоидхўжаев, Тожибой Мадалиев, Майлибой Қосимбоев, Абдураҳмон Мамажонов, Охунжон Бойбуваев, Камолжон Мадмусабоев, Холматхўжа Ёқубхўжаев, Нурмат Мамасодиқов, Муҳаммадали Ҳабибуллаевлар осиб

ўлдиришга ҳукм этилганлар[375]. Ҳаммаси бўлиб 15 кишига ўлим жазоси берилди. Уларнинг орасида қозилар авлодидан Мукаррамхон Юсупалихўжаев қўзғо-лоннинг ташкилотчиларидан бири сифатида қораланди. У ўз халқи ва ватани учун жонини фидо қилган жасоратли мард киши ҳисобланган. Туркистон генерал-губернатори Куропаткин суд қарорини тасдиқлаётганда бир қанча кишиларга берилган ўлим жазосини сургунга алмаштирди. Қўзғолончи Тожибой Мадалиев ҳам шулар қаторига кирган[376]. У бу ҳақида 1950 йилларда Марғилон қўзғолони тўғрисидаги хотирасида ёзиб қолдирган эди.

Улим жазосидан сўнг энг даҳшатли жазо сургунга жўнатиш ҳисобланган. Бу жазога 10 йил муддатга – Қодирхон Масадирхўжаев, Мавлон Лайлаев, Мадраимқори Мирсаидов, Қосимхонҳожи Юсупалихўжаев, Умархонҳожи Юсупалихўжаевлар ҳукм қилинганлар[377]. Мавлон Лайлаев сургундан келиб 50-йилларда ўз хотирасини қоғозга туширди. Ака-ука Қосимхон ва Умархон Юсупалихўжаевлар юқорида ўлим жазосига маҳкум этилган Мукаррамхоннинг акалари бўлган. Шундай қилиб, бир оиладан 3 киши ниҳоятда оғир жазога мубтало бўлган. Бу оила ҳар жиҳатдан нуфузли ва ўзига тўқ кишилар бўлиб, ўз манфаати учун эмас, халқ манфаати учун астойдил курашган. Умархон ака узоқ сургундан қайтгач, 50-йилларда ўз хотираларини ёзиб қолдирган.

Марғилон қўзғолонининг қатнашчиларидан 13 киши турли муддатларга қаттиқ режимли қамоққа маҳкум этилдилар. Масалан: Аҳмадали Аҳмадбоев, Аҳмадали Мамажонов, Аҳмадбек Муллақурбонбеков, Аҳмаджон Жамшидов, Эшонхўжа Орифхўжаев, Мамарасул Оталиқов, Низомитдин Қорабоев, Абдураим Абдусолимаъзумов, Ғофуржон Умрзоқов, Исмоил Мирзаалимов, Муллаэшон Мулламадумаров, Саидумар Юнусалихўжаев, Саидхўжа Эшонхўжаевлар шулар жумласидандир[378]. Суд томонидан юқорида кўрсатилган қўзғолон қатнашчиларига оғир жазолар берилишига сабаб, улар чор ҳукумати ва маҳаллий маъмурият вакилларига қарши ҳужумларда бевосита қатнашганлар. Уларга ёрдамлашган қуйидаги кишиларга нисбатан ҳам ҳукм чиқарилиб, турли муддатларга қамоқ жазоси белгиланган: Маҳмуд Мамадҳожиев, Раимбобо Ҳайитбоев, Отабек Каттабеков, Ашурбой Қосимсуфиев, Додажон Қосимбоев, Тошмат Салайохунов, Ҳакимжон Охунов, Эргаш Абдуқодирхўжаев, Маҳмудали Аҳмадалиев, Муҳаммадабдусодиқ Устаабдурасулов, Низомхўжа Мулла Мадалиев, Саидбой Мусабоев, Комил Хўжабоев, Комилхўжа Уста Эгамбердиев, Муҳаммад Расулқори ва Рустамхўжа Содиқхўжаевлар [379].

Марғилон шаҳридаги қўзғолон қатнашчиларидан ҳаммаси бўлиб 41 киши ўлимга, сургунга ва қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Шуни айтиш лозимки, чор маъмурияти дастлаб жами 59 кишини қамаб, тергов қилган. Вақоланки, уларнинг орасида ҳужумларда бевосита қатнашмай шовқин-сурон кўтариб турганлар оз эмас эди. Абдулҳамид Ёқуббоев, Орифжон Абдураҳмоналиев, Абдулҳамид Исоқбой Хўжаев, Ғофуржон Абдухалилов, Қурбонбой Болтабоев, Саъдуллажон Мадалимов, Холиқжон Бадалбоев, Азимпошшабиби Юсупалихўжаева, Тошбиби Саримсоқхўжаева, Хожалбиби Мақсудбоевалар шулар жумласидан бўлиб, суд уларни оқлашга мажбур бўлган.

Озод этилганлар орасида учта аёллар исми учрайди. Улар 4 – 5 ой мобайнида қамоқда тергов қилинган ва шу вақт мобайнида кўп азоб-уқубатларни тортганлар.

Яккатут қишлоғи қўзғолончиларидан 70 киши тергов қилиниб, судга топширилди. Прокурор айбномасида таъкид-ланишича, Муллазокир Муҳаммадзокиров деган кишининг боғида Муллаэрназар Қушназаров, Раҳмонали Муродалиев, Ҳошимбек Ғозибеков, Эргашбой Ғожибоев, Акбар Мадалиев ва бошқалар мажлис ўтказиб, қўзғолонга тайёргарлик масаласини муҳокама қилганлар. Шу сабабли, улар қўзғолоннинг бош айбдорлари сифатида айбланди. Мажлисда кўрилган режага мувофиқ бир неча кишилар, хусусан, Бобобек Муминбеков, Исмоил Шокиров, Назаруста Касабоев, Каримбой Қаландаровлар атроф қишлоқларда от чоптириб, аҳолини қўзғолон кўтаришга чақирганлар. "Натижада, – дейилади айбномада, – атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси Яккатут қишлоғига тўпланиб бу ердагилар билан биргаликда қўзғолон кўтардилар. Қўзғолон раҳбари Ёқубжон Абдукаримов халойиқни маъмурият вакилларининг сўзларига ишонмасликка чақириб, ҳужумга даъват этган. Бундан руҳланган оломон волость боғлигининг хонадонига ҳужум қилган". Айбномада қўзғолон жараёни тасвирланиб, 70 киши тергов қилинган[380] .

Туркистон генерал-губернатори Куропаткин айбнома асосида қуйидаги қўзғолон қатнашчиларини судга берилишига рухсат берди: Муллараҳмон Устарозиқов (28 ёш), Турсунбой Усмонхўжаев (58 ёш), Акбар Муродалиев (27 ёш), Устаполвон Абдулфайзиев (43) ёш , Муллаҳасан Муҳаммадназаров (60 ёш), Ёқуб Абдукаримов (30 ёш), Аъзамхон Шокирхонов (36 ёш), Абдуқосим Солихўжаев (38 ёш), Ойсарабиби Нормуҳамедова (80 ёш), Ўтамбой Мирза Оқсоқолов (76 ёш), Отажон Мирзабоев (42 ёш) ва бошқалар. Жами 70 киши эди[381] .

Маҳбусларнинг орасида 18 дан тортиб 70 – 80 ёшдаги кимсалар ҳам бор эди. Айниқса, навқирон йигитлар қўзғолоннинг фаол қатнашчилари бўлганлигини кўриш мумкин. Бу истиқлол учун кураш жамоа аҳлининг барча катта-кичик ёшдагиларини қамраб олганлиги ҳақида далолат беради. Улар асосан оддий деҳқон, чоракор, ҳунармандлардан иборат эди.

Маҳбусларнинг ичида 80 ёшли Ойсарабиби Нормуҳамедованинг бўлганлиги аёлларни ҳам курашда четда турмаганлигини кўрсатади.

Бу жасоратли ва мард аёл касаллиги туфайли кафолат билан полиция назорати остида вақтинча қамоқдан озод этилишини сўраб, ҳарбий судга ариза берган. Суд аъзоларидан генерал-майор Монсветьев, генерал-майор Абрамов, ҳарбий прокурорнинг ёрдамчиси полковник Некрасов аризани муҳокама қилишиб: Ойсарабиби Нормуҳамедова хавфли жиноятчи бўлганлиги учун кафолат бериш ёки қамоқдан озод этиш мумкин эмас, деган қарорни чиқардилар[382] .

Салкам 1 йилча атрофида О.Нормуҳамедова қамоқда бетоб аҳволда ётди ва кейин озод этилди.

Прокурор айбномасида у ёки бу маҳбуснинг қўзғолон вақтидаги фаолиятини аниқлашга ҳаракат қилинган. Масалан: Яккатут қишлоғидаги қўзғолонда Камолиддин Муҳаммадумарбоев, Ҳайитбой Абдуқосимов ва Эргашбой Тожибоевлар маъмурият вакилларига қарши ҳужумни бошлаб берганлар. Улар қўзғолоннинг раҳбарлари сифатида қоралангалар.

Тожик қишлоғидан Абдуқосим Солиҳўжаев, Усмон Исломовлар жонбозлик кўрсатиб, халқни бош кўтаришга ва ҳужумни уюштиришга бошчилик қилганлар.

Ахшак қишлоғида Утамбой Мирза Оқсоқолов, Эргаш Ҳайитбоев, Отажон Мирзабоев ва Муҳаммад Ризахўжаев қўзғолонни ташкил этганликлари учун айбландилар. Бундай айблов Заркент қишлоғидаги қўзғолонга раҳбарлик қилган Болтабой Муҳаммадмусабоев ва Муллашерали Ғойибназаровга нисбатан ҳам татбиқ этилди.

Ҳарбий суд 25 кишини қаттиқ режимли қамоққа, 15 кишини 15 йил муддатга сургунга ҳукм қилди. Шу равишда чор ҳукумати қўзғолончиларни узоқ муддатли қамоқ ва сургунга жўнатиб, озодлик курашчиларидан шафқатсизларча ўч олди.

Шаҳрихон қишлоғидаги қўзғолон қатнашчиларидан: Муллатурдиохунхўжа Алибоқибоев (82 ёш), Халилхўжа Розиқбоев (65 ёш),

Тошамин Мулламадалиев (52 ёш), Мамадкаримхўжа Турдихўжаев (43 ёш) ва Муллаабдумажид Муҳаммадшариповлар (79 ёш) судга топширилдилар. Айбномада кўрсатилишича, Муллатурдиохунхўжа Боқибоев мардикорликка олиш ҳақидаги фармонга қарши чиқиб, бир неча кишилар билан олдиндан маслаҳатлашиб, қўзғолонга бошчилик қилган. У приставнинг сўзларига қулоқ солмай, оломонни ўз орқасидан эргаштириб, пристав Федулов қўл остидаги солдатларга тош ва бошқа нарсалар отганлар. Натижада солдат Холодилин яралар қилинган.

Муллаабдумажид Шариповнинг айби шундан иборатки, император фармонини барбод этиш мақсадида халойиқни қишлоқнинг марказий қисми – майдонга туплаб биргаликда курашишга даъват этган. Шу боис айбномада Муллатурди Охунхўжаалибоқиев ва Муллаабдумажид Шариповларнинг фаолиятини, "ҳукуматга қарши қаратилган ошкора кураш", – деб қораланган. Суд худди шу нуқтаи назардан кўрсатилган кишиларнинг ишини кўриб, ҳар бирини 12 йил муддатга сургунга ҳукм қилди[383]. Бу билан бир қаторда суд Тошамин Мадалиев, Халилхўжа Розиқбоев, Муллажўрабой Мадшоҳхўжаев ва Мамадкаримхўжа Турдихўжаевларни қамоқдан озод этиш ҳақида қарор чиқарди[384].

Прокурор Ёзёвон волостига қарашли Шаҳартепа қиш-лоғидаги кўп қўзғолонлар устидан ҳам жиноий иш қўзғади. Унинг айбномасига биноан 36 киши судга берилди: Исҳоқали Муллаолиқов, Абдулатиф Маъсум Исҳоқалиев, Юсупжон Муҳаммадалиев, Уста Ташабой Уста Муҳамадалиев, Ҳайитбой Эрмуҳамедов, Ташабой Акаев, Абдураззоқ Тошмуҳамедов, Муҳаммадзоит Мамазокиров, Отажон Розиқов, Султон Юсупалиев, Ислом Худойбердиҳожиев, Карим Турдибоев, Жўраали Мирзаалибеков, Кенжа Абдукаримов, Эшонполвон Ғоибназаров, Худойберган Сойибназаров, Абдуқосим Уста Қосимов, Мирзаахмад Тиллабоев, Маҳмудали Абдураҳмонов ва бошқалар. Маҳбусларнинг орасидан Хунузлар, Куприкбоши, Чаганок, Қўрғонча ва бошқа қишлоқларнинг қўзғолон қатнашчилари ҳам ўрин олган. Юқорида кўрсатилган кишилардан ташқари қамалган ва тергов қилинган Барданчи қишлоғидаги қўзғолон қатнашчилари судга берилмай қамоқдан озод қилинди, чунки уларни айблаш учун етарли далиллар топилмаган. Бундай ҳолатлар, яъни қўзғолонда қатнашган ёки қатнашмаганидан қатъи назар оммавий равишда қамашлар жуда кўп содир бўлган эди.

Шундай озод қилинганлар қаторида Чиннибиби Бадалбоева, Устарабиби Норматова, Майрамбиби Пулатхўжаева, жами 27 киши

кирган[385]. Улар бир неча ой қамоқда сақлангандан кейингина озод қилинганлар.

Ингичка, Ойимчаарик, Оқарарик, Лангар, Қоракалтак, Қора куч, Сари Мозор, Ракат ва Эшонгузар қишлоқ аҳолиси ҳам қўзғолон кутарганликлари учун судга берилди. Улар: Аминбой Дадабоев, Эржонбой Муҳаммадбоев, Абдулла Юсупхайдаралиев, Тожибой Муҳаммадазимхўжаев, Муллаусмон Муҳаммадраҳимов, Жабборқул Ҳасанбоев, Шожуманхўжа Холхўжаев, Муҳаммадназар Соиббоев, Бобожон Азимхўжаев, Муҳаммаджон Алихўжаев, Усмонхўжа Абдураҳмонхўжаев, Жўрабой Нуралиев, Умарбой Марасулов, Турсунқул Абдухолиқов, Тошбойхужа Авазбадалиев, Муҳаммадбобо Солиев, Дустбой Исмоилбоев, Раҳимбобо Турсунбобоев, Мақсуд Марасулов, Тухтаюсуп Мадқосимов ва бошқалардан иборат эди[386].

Қуйидаги жадвал Скобелев уездидаги қўзғолон қатнашчиларининг устидан чиқарилган суд ҳукми ҳақидаги маълумотларни янада тўлароқ ифода этишга имкон беради (9-жадвал)[387].

9-жадвал

№	Маҳбус гуруҳлари	Ишнинг судга берилган вақти	Суд мажлиси	Суд ҳукми
1.	Мулла Турдиохун Хўжаали Боқибоев ва ҳ.к. Жами: 6 киши	13 октябрь 1916	25 октябрь 1916	2 киши ўлимга 4 киши оқланди.
2.	Исҳоқали Мулла Оталиқов ва ҳ.к. Жами: 36 киши.	18 октябрь 1916	18 ноябрь 1916	6 киши ўлимга 4 киши сургунга. 14 киши қаттиқ режимли қамоққа, 1 киши қамоққа ҳукм қилинди. 11 киши оқланди.
3.	Ҳакимбек Ғозибеков ва ҳ.к. Жами: 70 киши.	24 октябрь 1916	2-4 декбрь 1916	34 киши сургунга, 5 киши қаттиқ режимли қамоққа. 29 киши оқланди.

Жадвалдан маълум бўлишича, 8 киши ўлим жазосига, 38 киши сургунга, 19 киши қаттиқ режимли қамоқ жазосига, 2 киши оддий қамоқ жазосига ҳукм этилган, 44 киши озод этилган.

Туркистон генерал-губернатори водийдаги вазиятни янада кескинлаштирмаслик мақсадида ўлим ва сургун муддатларини енгиллаштирди.

Қўқон уезди бўйича жазоланган қуйидаги қўзғолончилар шафқатсизларча жазоланди. Риштон қишлоғидан Мулла-жалолхўжа Абдуқаххорхўжаев (38 ёш), Муллааҳмадали Бобохўжаев (36 ёш), Муллаасрорхўжа Муллабобохўжаев (46 ёш), Машокирхўжа Мадалбоев (62 ёш), Ақбархўжа Муллабобохўжаев (43 ёш), Муллабобо Саидхўжа Мирзабадалбоев (45 ёш), Масодиқ Мирбадалов (49 ёш), Бобохўжа Ҳасанбоев (46 ёш), Мирхолиқ Бобосаидов (60 ёш)ларга қўзғолоннинг раҳбарлари сифатида айбнома қўйилди[388].

Прокурор айбномаси бўйича Ғозиёғлик қишлоғидан ҳам кўп кишилар жазоланди. Уларнинг умумий сони 116 киши ҳисобланиб, қамоқхона ва терговларда анча-мунча азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар. Маҳбуслар: Умарбой Ҳайдарбоев, Абдусаттор Абдураззоқов, Усмонбой Асадалиев, Эгамберди Имомбердиев, Маматқул Илёсбоев, Назармат Тошматов, Журабой Жумаев, Асқарбой Бегметов, Деҳқонбой Бобосв, Умарали Шералиев, Жалилбой Алимуҳамедов, Рузи Муҳамедов, Абдусаттор Маъзумов, Муҳаммад Холиқов, Уролбой Имомназаров ва бошқаларнинг ишлари судга топширилди[389]. Ғозиёғлик қишлоғидан 100 дан ортиқ кишиларни тергов қилиб, ишини судга оширилиши қўзғолонни оммавий тус олиб, шиддатли бўлганлигидан далолат беради. Юқорида қайд этилган шахслар қўзғолон вақтида маъмурият вакиллари ва солдатларга қарши ҳужумларда олдинги сафларда туриб қурашганлар. Уларнинг фаолияти "ҳукуматга қарши қаратилган қураш" сифатида қораланган.

Чор маъмурияти халқни қўрқитиш ва жиловлаш учун имкони борича кўпроқ одамларни ҳибсга тапланга кучларини аямаган.

Масалан, Қўқон уездининг Қўқон шаҳри ва Аравон волостида бўлиб ўтган қўзғолонлардан сўнг 300 дан ортиқ аҳоли ҳибсга олинди. Бу қўзғолонда Ғозиёғлик, Аравон, Туркман, Чамашби, Қўқон шаҳри аҳолиси иштирок этганлар.

Ҳибсга олинганлар рўйхатида: Хужамқулмирза Ёрбоев, Мирзакарим Абдукаримов, Омонбой Муҳаммадшокиров, Исҳоқбойуста Мадибрагимов, Абдуқаҳормулла Алимов, Қўшоқбой Каримбердиев, Отабойуста Худойбердиев, Солижонмулла Охунов, Болтабой Йўлдошбоев, Соҳиб Назаров, Эгамберди Маназарбоев, Шомурод Эшмуродов, Мамажон Қамбаралиев, Муллақўчқорбой Шералимбоев, Ҳамидбой Муҳаммадризаев, Эрмат Ниёзқулбоев, Ғойибназар Боймуродов, Бектемир Норматов, Пулатхон Соҳибназаров ва бошқалар қайд этилган[390]. Туркистон генерал-губернатори айбномасида таъкидланишича, 250 та маҳбуслардан 41 таси 21 ёшга етмаганлар, бошқа 209 кишини эса айби исботланмаганлиги

туфайли қамоқдан озод этдилар. 51 киши эса қўзғолоннинг ташкилотчилари сифатида ҳибсга олинган. 24 кишининг кийимлари қонга белангани учун қўзғолонда иштирок этган деган далил сифатида ҳисобга олиб, қамоққа жўнатдилар[391].

Умуман, суд ҳукмига биноан 116 кишини иши судга оширилди. Улардан 6 киши ўлим жазосига, 2 киши сургунга, 67 киши қаттиқ режимли қамоққа, 5 киши оддий қамоққа ҳукм қилинди, 36 кишини эса оқлаш ҳақида қарор чиқарилди[392].

Қўқон уездидаги қўзғолонларда иштирок этган қўзғо-лончилар жазодан четда қолмадилар. Уезднинг Шайхлар қишлоғидаги қўзғолон қатнашчиларидан 29 кишининг иши бўйича суд ҳукм чиқарди. Унга биноан 1 киши сургунга, 6 киши қаттиқ режимли қамоққа ва 22 киши оқлашга ҳукм қилинган эди.

Риштон қишлоғидан қамоққа олинган 9 кишини суд оқлади[393]. Туркистон генерал-губернатори икки кишига берилган ўлим жазосини сургунга алмаштирди.

Афсуски, суд маълумотлари тўла сақланмай, масалани батафсил ёритишда бир оз қийинчиликларни туғдирди. Сентябрь ойида берилган расмий маълумотларга кўра қамоқхоналарда ушлаб турилган маҳбусларнинг сони 1470 киши ҳисобланган. Уларнинг кўпчилигини Наманган ва Қўқондаги қамоқда ушлаб турилган. Бу борада Андижон учинчи ўринда турган.

Ўша даврдаги тартибга биноан суд ҳукми Туркистон генерал-губернатори тасдиғидан кейин кучга кирган. Унда ҳукмни ўзгартириш ҳуқуқи мавжуд эди. Жами суд томонидан 70 киши сургунга ҳукм этилди. Уларнинг ҳам жазоси енгиллаштирилиб, қаттиқ режимли қамоққа ва оддий қамоқ жазоларига алмаштирилган. 108 кишига берилган қаттиқ режимли қамоқ жазоси ҳам юмшатилди. Улардан фақат 6 кишига берилган ҳукм ўз кучида қолди. Оддий қамоққа ҳукм қилинган 56 кишининг жазоси ҳам ўзгартирилмади[394].

Шундай қилиб, Фаргона водийсида сентябрь, октябрь, ноябрь ойларидаги ҳукмга биноан 4200 дан ортиқ қўзғолончилар ўлим ва турли муддатли сургун ва қамоққа ҳукм этилдилар. 121 киши эса ўлим жазосига маҳкум этилди. Кейинчалик улардан 9 киши осиб ўлдирилиб, қолганларига жазонинг бошқа турлари алмаштирилди[395]. Бу шу ҳақида гувоҳлик берадики, чор ҳукумати қўзғолон қатнашчиларини шафқатсизларча жазолаб, адолатсизликка йўл қўйди. Қўзғолон вақтида маъмуриятга етказилган талафотлар билан жазоланган қўзғолончилар сони ўртасида фарқ катта эди.

Айрим архив ҳужжатларида кўрсатилишича, қўзғолон пайтида[396] водийда талафот кўрган маҳаллий маъмурият вакиллари сони қуйидагича бўлган (10-жадвал):

10-жадвал

Вилоятлар	Маҳаллий маъмурият вакиллари		Рус маъмурият вакиллари	
	Норасмий маълумот	Расмий маълумот	Норасмий маълумот	Расмий маълумот
Еттисув	2	-	14	3
Сирдарё	7	6	3	3
Самарқанд	12	4	3	3
Фарғона	34	11	1	1
Каспийорти	-	-	3	3
Ҳаммаси	55	21	24	13

Бу маълумотда ўлка бўйича маҳаллий маъмурият вакилларидан, яъни волость бошлиқлари, элликбоши, оқсоқол ва миршаблардан 55 киши ўлдирилган бўлса, шундан 34 таси Фарғона вилоятига тўғри келади. Чор маъмуриятидан водийда 11 киши ўлган бўлса, бошқа вилоятларда бу рақам 3 та эди. Ҳатто у Еттисувда 14 кишини ташкил этган. Фарғона водийсида кўп маҳаллий маъмурият вакилларини ўлдирилишига у ёки бу мансабдорларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилиши, рўйхат тузишда ҳукуматга ёрдам берганлиги сабаб бўлган эди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, чор ҳукумати қўзғолоннинг фаол қатнашчиларини ҳибсга олгач, улар устидан ғайриқонуний равишда тергов ишларини олиб борди. Айниқса, маҳбусларнинг қамоқхоналардаги аҳволи ғоятда ачинарли ва оғир кечган. Қамоқхоналарнинг етишмаслиги ва торлиги сабабли одамлар ҳатто оёқ қўйишга ҳам жой топа олмаганлар. Маҳбусларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш ниҳоятда ночор ҳолатда бўлган.

Натижада маҳбусларнинг орасида дардга чалиниб, ҳолдан тойган кишилар кўп бўлган. Булардан ташқари, терговчиларнинг қийноқлари ва калтакларидан ўлган кишилар оз бўлмаган.

Қўзғолон қатнашчиларини ҳарбий судга берилиши маъмуриятнинг йўл қўйган адолатсизликларидан бири ҳисобланди. Ҳарбий

суд у ёки бу маҳбуснинг ишини тўраларча ва юзаки кўриб ҳукм чиқарди.

Суд ҳукмларига келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, уларнинг барчаси мустамлакачилик руҳи ва шовинизм билан суғорилган бўлиб, мустабид ҳукумат манфаатларини ҳимоя қилди. Кўп маҳбусларнинг гуноҳи тўла исботланмай, улар ўлим жазосига, сургунга ва турли муддатларга қамоқ жазоларига маҳкум этилдилар.

Суд жараёнида қўзғолончиларнинг маълум қисми озод этилиши билан бир вақтда уларга берилган ўлим ва сургун жазолари ўлка генерал-губернатори томонидан бирмунча енгиллаштирилди. Бундай қилишдан мақсад, бусиз ҳам оғир ва хавфли "вазиятни гўёки бир оз юмшатиш" эди.

Қўзғолонлар бостирилиб, уларнинг қатнашчилари аёвсиз жазоланган бўлсалар-да, лекин чор ҳукумати халқнинг қалбидаги озодлик ғояларини қўпориб ташлай олмади.

Аслида, ҳукумат халқ қўзғолонларининг янги тўлқини кўтарилишидан қўрқарди. Ўлим жазосини камайтириш мустабид ҳукуматнинг қўзғолончиларни жазолаш сиёсатидаги ўта шафқатсизлигини хаспўшлай олмас эди. Ҳукумат қўзғолончиларга сиёсий жиноятчилар сифатида қарадилар, уларни "давлатга, унинг сиёсатига ва вакилларига қарши бош кўтаришда" айбладилар. Дарҳақиқат, қўзғолончилар норозилигига мардикорликка олиш ҳақидаги фармон бевосита сабаб бўлган бўлса-да, аслида улар қалбида зулм ва зўравонлик ўтказаётган мустабид ҳукуматдан қутулиш истаги тинмай жўш урар, айнан шу истак уларни маъмурларга қарши бош кўтаришга етаклаганди.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона вилоятининг Скобелев, Ўш уездларида бўлиб ўтган халқ қўзғолонларига ҳам император Николай IIнинг Туркистон аҳолисини мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги 1916 йил 25 июнь фармони туртки бўлди. Халқ ғалаёнларининг асосий сабаби, аслида кейинги ўн йиллар мобайнида чор маъмури-ятининг Туркистонда, хусусан, Фарғонада олиб борган мустам-лакачилик сиёсати билан боғлиқ эди. Ғалаёнларнинг шаҳарлар, қишлоқларни қамраб олгани, ушбу ҳаракатларда ёшу қари, эркагу-аёл, турли ижтимоий табақа вакилларининг иштирок этиши уларнинг том маънода халқ қўзғолони эканлигини кўрсатди.

Қўзғолонлар жараёнида сифат ўзгаришлари юз бериб бориши ҳам яққол кўзга ташланади. Бошида асосий эътибор мардикорлар рўйхатини қўлга киритиш, уни йўқ қилишга қаратилган бўлса,

кейинчалик ҳаракат ташкилий тус ола бошлади. Қўзғолончилар орасида етакчилар шакллана бошлади. Улар Россия империясининг урушда заиф ҳолатда эканлигини, унинг марказида ҳам нотинчлик ҳукм сураётганини сезган ҳолда қўзғолонни мустамлакачилик тузумига зарба бериш томон йўналтириш ниятида бўлганлар. Аммо кучлар тенг эмаслиги, таёқ, тош каби оддий воситалар билан яхши қуролланган мунтазам ҳарбий қисмларига қарши курашнинг нотенглиги, қўзғолончиларга, айниқса, унинг етакчиларига нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўйилиши, кенг миқёсда ва узлуксиз тарзда қуролиш тажрибаси ва салоҳиятининг етишмаслиги оқибатида чор ҳукумати бу қўзғолонларнинг зарбасини қайтаришга муваффақ бўлди.

Фарғона водийсидаги 1916 йил қўзғолонлари Россия империясининг мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсатини яна бир бор кўрсатиб берди. Қўзғолонларни бостириш баҳонасида чор маъмурияти неча йиллардан бери юритиб келаётган сиёсати ўлкани руслаштириш, маҳаллий аҳоли руҳини синдириш, ўлкада катта таъсирга эга масжид, мадрасалар мавқеини тушириш, туб аҳоли ерларини тортиб олиш сиёсатини янада авж олдирди.

Қўзғолон қатнашчиларини жазолаш жараёни қатъий равишда икки босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич, тўғридан-тўғри ғалаёнлар содир бўлиб турганда содир этилди, яъни кўплаб қўзғолончилар шу вақтнинг ўзидаёқ отиб ташланди, қалтакланди ва ҳибсга олинди. Иккинчи босқич қўзғолон бостирилгандан кейин бошланиб, тергов ва суд жараёнларида давом эттирилди.

Чор ҳукуматининг қўзғолончиларни шафқатсиз жазолаш сабаби, энг аввало, ўзига қарши бош кўтарган халқдан ўч олиш эди. Шунингдек, шу йўл билан халқни қўрқитиб, ўз измига солиб олиш ва қайта бош кўтаришга жазм этмайдиган қилиб қўйиш ниятида халққа нисбатан кескин чоралар кўрилди. Жазоланганлар сонининг кўплиги, қўзғолончилар эса ундан ҳам кўп бўлганлиги бу қўзғолон чоризмга қарши халқ уруши, кураши бўлганлигини тасдиқларди.

Чоризм айрим исёнчилар билан эмас, халқ билан тўқнаш келганди. Халқ фармон ижросидан шунчаки бош тортиб қўя қолмади, балки уни амалга ошираётганларни жазолади, ҳукумат қўшини билан тўқнашди. Айни шу ҳол мустабид ҳукуматни ғазаблантирди, халқни унга қарши бош кўтариши унинг жазавасини қўзғатибгина қолмай, халқнинг ҳам курашга қодир эканлигини, унинг қалбида миллий ва инсоний ҳуқуқ, адолат учун кураш ғоялари сўнмаганлигини кўрсатди.

Бу мустамлакачилар учун кутилмаган ҳол бўлди. Улар бу қўзғолонни норозилик исёни эмас, "сиёсий кураш" деб қабул қилганлигининг сабаби ҳам шунда эди. Улар қўзғолончиларга нисбатан "сиёсий маҳбус" каби муносабатда бўлдилар, уларни сургунга жўнатдилар, отиб ва осиб ўлдирдилар, узоқ йилларга қамоқ жазосига ҳукм қилдилар.

Юқорида қайд этилганидек, Россия қонунчилигида бундай жазолар энг оғир жиноятлар, аксарият ҳолда, сиёсий жиноятчиларга берилар эди. Бу ҳол уларнинг қўзғолонга муносабатини яққол кўрсатиб турарди. Қўзғолон ва уни бостириб, қўзғолончиларни жазолаш сиёсати бир томондан халқнинг ўз эрки ва ҳуқуқи учун бош кўтариб ўз манфаати учун курашга отланганини кўрсатса, иккинчи томондан чоризмнинг эндиликда бу халқ билан ҳисоблашишга мажбур эканлигини кўрсатди. Шу туфайли мустамлакачилар ўлкадаги ҳарбий ва сиёсий назоратни кучайтирдилар.

IV БОБ

МАРДИКОРЛИККА САФАРБАРЛИКНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

4.1. МАРДИКОРЛАРНИ САФАРБАРЛИККА ЖЎНАТИШ ЖАРАЁНИ

Чор маъмурияти кўзголонларни шафқатсиз бостиргандан кейин император фармонини амалга оширишга қаттиқ киришди. Аммо бу масалани ҳал этиш осонлик билан амалга ошмади. Бунинг оғир асорати халқнинг бошига тушди, адолатсизлик ва зулм янада кучайди.

1916 йил 1 июлда Фарғона ҳарбий губернатори Наманган уездининг бошлиғига қишлоқларда мардикорларнинг рўйхатини олишни буюрди[397] . Айни пайтда унинг ўзи Туркистон генерал-губернатори М.Р.Ерофеевдан мардикорликка сафарбар этишга доир тартиблар хусусида телеграмма олди. Унда ҳарбий ҳаракат кетаётган жойларда мудофаа ва алоқа иншоотларини қуришга туб аҳолини жўнатилиши баён этилиб, мардикорликка 1897 ва 1885 йилларда туғилган 19 – 31 ёшдаги кишилар олиниши кўрсатилди. Император фармонини аҳолига тушунтириш ва сафарбарликни ташкил этиш маҳаллий маъмурият вакиллари ва бошқа нуфузли кишилар зиммасига юклатилди. Рўйхатга олинган кишилар оғишмай буйсуниб, белгиланган жойларга тупланишлари шарт қилиб қўйилди. Улар доктор кўригидан ўтиб, соғликлари ва юқумли касалликлари йўқлиги ҳақида ҳужжат олишлари зарур эди[398] .

Шундан сўнг, мардикорлар ҳарбий бошлиқларга топширилган, уларга эса ўз навбатида мардикорларни талаб қилинган жойларга тақсимлаш ва жўнатиш ишлари юклатилган.

Россия Ички ишлар вазирлиги мардикорликка олиш тартиби буйича ўз тавсияларини ўлка генерал-губернаторига маълум килди. Ўлка

маъмуриятига у ёки бу волостнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда мардикорликдан озод этиш ҳуқуқи берилди, лекин бунинг учун ички ишлар вазирлигидан рухсат олиниши шарт қилиб қўйилди.

Фирмалар, банклар ва бошқа савдо-саноат доиралари император фармонини катта ташвиш билан қарши олдилар. Уларнинг манфаатлари пахтага чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни ўз вақтида териб олинмаслиги катта талафотларни юзага келтирар эди. Бундан ташқари пахтанинг аҳамияти қўшинни кийим-бош ва порох билан таъминлашдан катта бўлган. Шунинг учун ҳам ички ишлар вазирлигининг тавсияси билан пахта териб олиш лозим бўлган жойларда етарли даражада ишчи кучларини қолдиришга ижозат берилди. Пахтанинг давлат аҳамиятига молик эканлиги уқтириб ўтилди[399] .

Тавсиянома Фарғона вилоятининг юқори ва қуйи раҳбарлари қатнашувида муҳокама қилиниб, водий бўйича 50 минг кишини мардикорликка олиш режалаштирилди. Мардикорликка сафарбар этиш масаласи 1916 йил 2 июлда Тошкентда Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимини вақтинча бажарувчи М.Р.Ерофеев раислигида муҳокамага қўйилди. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд ва Каспийорти ҳарбий губернаторлари — А.С.Галкин, А.И.Гиппиус, Н.С.Ликошин ва Н.К.Калмаковлар қатнашди. Улардан ташқари уезд бошлиқлари, прокурор ва бошқа ўнлаб юқори даражали ҳарбий ва фуқаролик мансабдорлари иштирок этдилар. Биринчи бўлиб сўз олган Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори А.С.Галкин туб аҳолида туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома бўлмаганлиги учун одамларни ёшини аниқлаш ҳақида ички ишлар вазирлигининг кўрсатмасини бажариш қийинлигини баён этди. Унинг фикрича, "одамларни ёшини белгилаш уларда аскарликка олинаётганлиги ҳақида фикрни ҳосил этиб, тўс-тўполонларга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун одамларни сунъий суғориш иншоотларини тузатишга оммавий равишда жалб қилинганга ўхшаб, ёшини суриштирмаслик мақсадга мувофиқ бўлади. Худди мана шундай тарзда одамларни сонини вилоят, уезд ва волостлар бўйича белгилаб, фармонни амалга оширишга киришиш лозим эди"[400] .

Давлат мулки ва ер бошқармасининг раҳбари Булатов эса "Туркистон Россияни пахта билан таъминлаб турган асосий ўлкадир. Пахта эса империянинг жуда кўп тармоқлари ва давлат мудофаасини таъминлаб тураётган муҳим ашёдир", – деб таъкидлаб, йиғилиш қатнашчиларининг диққатини фармонни адо этиш жараёнида пахтачилик манфаатини унутмасликка жалб этди.

Каспийорти вилоятининг ҳарбий губернатори Н.К.Калмаков "туб аҳоли фармонга қарши чиқмайди" деб, йиғилиш қатнашчиларини хотиржам бўлишга чақирди. У туркман полки ташкил қилинганлиги ва фронтда ўзини кўрсатаётганлиги ҳақида, ҳозирда кўп туркманлар Кавказ фронтига жўнаганлиги ҳақида ахборот берди. Унинг фикрича, "мардикорликда яхши ишлаганларни медаллар билан мукофотлашга ваъда берилса, уларда қизиқиш уйғонар эмиш. Чунки туб аҳоли табиатан бундай муко-фотларга берилган халқ эмиш"[401]. Бироқ маҳаллий аҳоли Н.К.Калмаков ўйлаганидек, содда ва шуҳратпараст эмас эди.

Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори Н.С.Ликошин "аҳолига мардикорлик натура солиғи, яъни мажбурият сифатида юклатилса, ғалаёнлар олди олиниши мумкин", деган фикрни билдиради.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус фармонни тинчлик билан амалга ошириш сафарбарликни қандай тартибда бажарилишига боғлиқлигини таъкидлаб, мардикорлик рўйхатларини тузишнинг қийинлиги ва хавфлилигини уқтириб ўтади, рўйхат тузиш кўп қийинчиликлар туғилишини ҳам баён этди. Айни пайтда, А.И.Гиппиуснинг фикрича, кишиларнинг ёши ва саломатлик даражасини аниқлаш иложсиз бўлиб, мардикорликка саралланган соғлом кишиларни олиш имконини бермас эди, шунинг учун у рўйхат тузишни таклиф этади[402] .

Йиғилишда кўрсатилишича, ўлкада эркаклар сони 3.500.000 ҳисобланиб, шундан 250.000 киши мардикорликка олинишини режалаштириш мумкин эди. Йиғилишда маъмурият мансабдорларининг сони жуда озлиги ва ишларининг кўплиги орқасида уйма-уй юриб рўйхатни тузиш жуда чўзилиб кетиши ва фармоннинг бажарилишини кечикиши эътиборга олиниб, рўйхатсиз иш юритиш тавсия этилди[403].

Руҳоний ва мадраса талабаларини, маҳаллий маъмурият вакилларини мардикорликдан озод этиш ҳақида бир фикрга келишилди. Барча уездлардан бир хилда мардикорликка олиш керакми ёки йўқми деган масала буйича ҳам фикр билдирилди. Бунга кўра пахта кўпроқ экиладиган волостларда 6 ҳовлидан бир кишини олиш кераклиги кўрсатилди. Халойиқ ўз ихтиёри билан белгиланган сонда ва жойларга келишлари шартлиги, 1400-1500 кишидан иборат бир эшелон ташкил этилиши ва ҳар икки юз кишига битта бошлиқ ва таржимон тайинланиши топширилди. Намоз ўқишни таъминлаш учун бир имом ҳам бўлиши керак, деб

ҳисобланди. Шунингдек, мардикорларнинг тўпланадиган жойлари белгиланди. Фарғона вилояти учун бундай жойларга Андижон, Қўқон ва Наманган киритилди. Мардикорлар тўпланган жойларида биринчи куни озиқ-овқат билан таъминлаш маъмурият зиммасига юклатилди[404] .

Фарғона вилоят ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус Тошкентдаги йиғилишда мардикорлик рўйхатини тузиш тарафдори сифатида ўз фикрида қолган эди. Тошкентда 2 июлда бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг М.Р.Ерофеев билан А.И.Гиппиус ўртасида мардикорликка сафарбарлик тартиб-лари бўйича келишмовчилик юзага келган. Гиппиус ўз фикрларини ёқлаб, 7 июлда М.Р.Ерофеевга юборган телеграммасида мардикорликка борувчиларга пул, яъни иш ҳақи берилиши ё берилмаслиги ҳақида аниқ маълумот бермаслик ўта хавфли эканлиги таъкидланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мардикорлик – пул учун ёлланма меҳнат бўлиб, унда иш ҳақи ўзаро келишув асосида белгиланади. Император фармони эса бепул мардикорликни кўзда тутган эди. "Фармон эълон қилинган кунданоқ, — дейди А.И.Гиппиус ўз хатида, — 9 июлда Андижонда, кейин Марғилонда, Наманганда ва волостларда қўзғолонлар кўтарилди. Ҳамма жойларда қўзғолонлар авжига миниб, ўлдирилганлар, жароҳатланганлар, оломон томонидан бузилган уйлар кўзга ташланди. Қўзғолонлар ҳарбий қисмларнинг кучи билан бостирилди... ...императорнинг фармони душман билан курашаётган қўшинга ёрдам беришдан иборат. Шундай бўлганидан кейин, фронт орқасида зўрлик ва норозилик билан мажбуран келтирилган кишилар эмас, балки ўзининг хоҳиш-иродаси ва хурсандчилик билан келган мардикорларнинг хизмат қилиши ҳақиқий ёрдам бўлади"[405].

Фарғона вилояти генерал-губернатори водийда мардикорликка жамоа аҳли орасидан соғлом ва бақувват кишиларни ихтиёрий равишда юборишга ҳаракат қилади. Халқ орасида мардикорликка ихтиёрий равишда боришни тарғибот этувчи 20 минг нусхадан иборат чақириқ қоғозлари маҳаллий тилда тарқатилди, ҳатто чақириқ қоғозлари Самарқанд вилоятигача тарқалган. Бу вилоятнинг ҳарбий губернатори Н.С.Ликошин А.И.Гиппиусга чақириқ қоғози Хўжанд бозорларида пайдо бўлганда, уни халойиқ хурсандчилик билан ўқиганлиги ҳақидаги хабарни берган... А.И.Гиппиус чақириқ қоғозларини тарқатиш билан бир қаторда вилоятдаги ҳар бир шаҳарга бориб, халойиқ билан суҳбатлар ўтказган ва ихтиёрий равишда мардикорликка боришга даъват этган[406] .

А.И.Гиппиус маҳаллий аҳоли билан ҳарбий саркарда ва губернатор тарзида эмас, бир инсон сифатида суҳбатлашиш асносида уни ўзига жалб этиб, мардикорликка ихтиёрий равишда боришга кўндиришга уринади. У туб аҳолида "Россия"га нисбатан ватанпарварлик руҳини уйғотишга бор кучини сарфлади. Бунга эришмоқ учун кўзбўямачилик ва иккиюзламачилик қилишгача бориб, Россияни улуғлайди ва гўё туб аҳоли Россия ҳукмронлигида фаровон ҳаёт кечираётганини исботламоқчи бўлади. "Мен, — деб ёзади у, — туб аҳолига рус давлатининг қўл остидаги аҳволини тушунтириб, босиб олингандан кейин фаровон ҳаёт кечираётганлигини, императорнинг марҳамати билан тил ва дин эркинлигини, миллий мактаблар ва ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилганлигини айтдим. Агар улар рус ҳукуматига бўйсунмай, алоқани узсалар, бугун имтиёзларни йўқотишлигини тушунтирдим. Урушдан кейин давлатга ким ёрдам ва ким зиён берганлиги ҳисобга олинишидан огоҳ этдим".

А.И.Гиппиус халқ орасида олиб борган бундай тарғиботларида зулм ва зўрликдан эзилиб ётган халқни фаровон турмуш кечираётган, озод ва эркин халқ сифатида кўрсатишга уриниш бир томондан ниҳоятда кулгили бўлса, иккинчи томондан оғир ҳақорат эди. Халқнинг оғир ва ҳақ-ҳуқуқсиз ҳаётини император марҳамати эканлигига ишонтириш ақл бовар қилмайдиган кўзбўямачилик ва муттаҳамлик эди. А.И.Гиппиуснинг ҳақоратларию таҳқир-лашлари бу билан чекланмади. Унинг фикрича: "Ер қон билан қўлга киритилади ва сақланади. Шундай экан, император қўшинга хизматга чақирганда ҳам хурсандчилик билан рози бўлиш керак, умумдавлат манфаати учун қон тўкиш лозим. Акс ҳолда, сизлар (яъни маҳаллий аҳоли — *Ж.И.*) ерларни эгаллашга лойиқ кишилар эмассиз. Бироқ сизлар ҳарбий хизматга чақирилаётганингиз йўқ. Бунинг сабаби қонун бўйича ҳарбий хизматдан озод этилганлигингизда эмас, балки сизларнинг кўпчилигингиз қўрқоқсизлар, жасоратлилар эса жуда оз. Шунинг учун сизлар қўлларингдан келадиган ишларга мардикорликка чақиряпсизлар. Бунга сизлар қўзғолонлар билан жавоб беряпсизлар, ҳозир ҳукумат учун қўзғолонларни бостириш билан шуғулланадиган вақт эмас. У сизларга қўлини силтаб ташлаб қўйиши мумкин. Урушдан кейин эса барчангиздан ерларни тортиб олиш мумкин. Шунда жуда оғир аҳволга тушасизлар"[407].

Ҳарбий губернатор чор ҳукуматининг туб аҳолига нисбатан сиёсатини кўкларга кўтариб мақташ билан халқда унга нисбатан

мажбуран, сунъий ҳурмат ва муҳаббатни уйғотишга ҳаракат қилди. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасиз бўлиши шубҳасиз эди, албатта. Бироқ ҳарбий губернатор маъмуриятга унинг чоралари яхши натижа берганлигини хабар қилади, халқ мардикорликка боришга тайёрлигини билдираётганлиги, қўлларига рангли латта боғлаб, император портретини кўтариб, ватанпарварлик намойишини ўтказаётганлигини маълум қилади. У ҳатто айрим жойларда мардикорлик гуруҳлари ҳам ташкил этади (пул эвазига қиморбоз, бангиларни ёллаш асосида). Ва ҳукуматга императорнинг 1916 йил 25 июндаги фармонини бажариш масаласини ҳал этганлигини маълум қилади[408]. У буни асослаш мақсадида Андижон шаҳрининг 50 киши атрофидаги нуфузли кишилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар имзосини тўплаб аҳдномасини уюштиради. Унда руҳонийлар, савдогарлар, деҳқонлар, ҳунармандлар, эллик-бошилар ва шаҳарнинг 4 та қозиси император олий ҳазратининг фармонига тўла розилик билдириб, 2000 ёки ундан ҳам кўп кишиларни мардикорликка жалб қилишга ваъда бергандилар[409]. Аслида буларнинг барчаси ва аҳднома ҳужжат ҳам А.И.Гиппиус уюштирган найранглар эди, холос. Ихтиёрий равишда мардикорликка сафарбар этиш ҳаракати амалга ошмади. А.И.Гиппиус уюштирган намойишлар ҳам олдиндан тайёрланган спектакль бўлиб чиқди. Буларнинг бари найранг ва кўзбўямачилик бўлганлиги Андижон, Наманган, Марғилонда рус жамоаси вакиллари қатнашувида ўтказилган мажлисларда, қабул қилинган қарорларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, уларда ҳарбий губернатор А.И.Гиппиуснинг ихтиёрий равишда кишиларни мардикорликка олиш ҳақидаги ишлари ҳақиқатдан узоқлиги баён этилган эди. Туркистон генерал-губернатори лавозимини вақтинча бажарган М.Р.Ерофеев ҳам шундай фикрда бўлиб, у А.И.Гиппиусни катта хатога йўл қўйганликда айблади. Ва уни 28 июлда Тошкентга чақириб олиб, ишдан четлатилганлигини маълум қилди. Чунки А.И.Гиппиус ҳар қанча тарғибот олиб борса-да, Фарғона вилояти энг оммавий галаёнлар ўчоғи бўлиб қолаверди. Халқ мардикорликка ихтиёрий бориш у ёқда турсин, мажбурий рўйхат тузишга ҳам кескин қаршилик билдиргани аввалги бобларда атрофлича ёритилди. А.И.Гиппиус раҳбарларнинг қўйнини "пуч ёнғоқ" билан тўлдирганлиги учун лавозимидан маҳрум қилинди.

А.И.Гиппиус император фармонини тинчлик ва муроса йўли билан ҳал этиш мақсадида кўрган чоралар фойдасиз бўлса, қаттиқ жазони қўллашни таклиф этади. Чунончи, у 1916 йил 27 июлда

Бош Штаб бошлиғига шундай телеграмма жўнатади: "Агар қишлоқ аҳолиси ихтиёрий равишда мардикорликка боришдан бош тортса, куч ишлатмай, қаттиқ қисташни қўллаш зарур. Агар бунга ҳам кунмаса, ерини тортиб олиш ва бу жойларда рус посёлкаларини ташкил этишни билдириб, уларнинг юракларига ваҳима солиш лозим. Қаршилик кўрсатган кишиларга хоҳлаган томонга кетишларига ёки ўз уйларида қолиш ҳуқуқи берилади. Ердан маҳрум бўлганлар рус посёлкаларида қора ишларга жалб қилинади"[410].

Қўзғолон ва Туркистонда мардикорликка олиш билан боғлиқ масалалар хусусида маъмуриятнинг бошқа вакилларининг фикри қандай эди. Туркистон генерал-губернаторлиги лавозимига янги тайинланган генерал-адъютант А.Н.Куропаткин ўлка ҳаёти билан танишгандан кейин 1916 йил 26 июлда ҳукуматга юборган маълумотномасида қўзғолон сабаблари, фармон ижроси ҳақида қуйидаги хулосаларни билдирган эди:

1. Улка аҳолиси ва маъмурияти император фармонини бажаришга тамомила тайёр бўлмаган. Уни шошилинч равишда амалга оширилиши қўзғолонлар кўтарилишига олиб келган, русларнинг (бу ўринда рус маъмурияти кўзда тутилган – *Ж.И.*) қони тўкилган, ҳарбий қурол ишлатишга тўғри келган.

Ҳарбий кучнинг ишлатилиши туфайли ғалаёнлар деярли тухтатилган бўлса-да, лекин улар яна юзага келиши мумкин. Туб аҳоли фармонни адо этишга итоат этишга мажбур бўлди, лекин у жуда эзилган ҳолда турибди.

2. Фарғона вилоятидаги нисбатан тинчлик ҳарбий губернатор А.И.Гиппиуснинг кескин чекиниши маҳсули бўлди. У аҳоли ўртасида "Мардикорликка фақат хоҳловчилар олинади", деб эълон тарқатди. Бундай эълонни бекор этиш аҳолиси ва пахтаси кўп Фарғона вилоятида жиддий тартиб-сизликни пайдо қилиши мумкин.

3. Туркистон ўлкасининг вилоятларида туғилгани ҳақидаги гувоҳнома қўлланилмаган аҳоли ҳарбий хизматга олинмаган. Шунинг учун кимнинг мардикорликка боришини аниқлаш қийин. Мардикорлик рўйхатини тузишга қаратилган ҳаракат қаршиликка учраб, рус ва маҳаллий маъмурият ходимлари ўлдирилди. Рўйхатни тузишни тиклаш яна қўзғолонлар пайдо бўлишига ва яна қурбонлар берилишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Ҳанузгача кимларни мардикорликдан озод этиш масаласи ҳал этилмай мураккаблигича қолмоқда.

Ўлкада бир вақтнинг ўзида ва шошилинч равишда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни мардикорликка олиш туб аҳолига, биринчи навбатда, иқтисодиётга қаттиқ зарба бўлиб тушади. Аҳоли бу йилги ҳосилдан маҳрум бўлиши ва кейинги йилда пахтани етиштириш имконидан ажралиб қолиши мумкин. Кўчманчилар эса ўзларининг кўп чорва молларини йўқотади. Фармонни кескин ва шошилинч ҳолда амалга ошириш давлатга катта зиён келтиради. Биргина пахтанинг ўзидан 100 миллионлаб сўмлар йўқотилади. Қўшинга зарур бўлган чорвачилик молларидан айрилиш тузатиб бўлмайдиган даражада зиёнга дуч келтиради.

4. Қўшинга ёрдамга зўравонлик билан юборилган мардикорларнинг бир қисми бел ва болта билан ишлай олмайдиган қозоқлар ва туркманлар, иккинчи қисми ишлашни хоҳламайдиган кишилардан ташкил топади. Бу мардикорлар алоҳида муносабатни, ўзлари учун алоҳида овқатлар тайёрлашни, алоҳида идиш-товоқларни, кўп таржимонларни, муллаларни қўшишни талаб этади.

Кўчманчилар эса деҳқончиликни билмайдилар. Вилоят аҳолисини мажбуран мардикорликка олиш узоқ вақтлар давомида тузатиб бўлмайдиган хатоларга олиб келади[411] .

А.Н.Куропаткин мажбуран мардикорликка олишнинг салбий оқибатларини яхши англаса-да, лекин ундан воз кечиш имконини топа олмади. Фармоннинг барбод бўлиши аниқ бўлиб қолди, шу боис бунинг олдини олиш учун у ҳукуматга қуйидаги чораларни кўриш зарурлигини маълум қилади:

1. Қўзғолон бошлиқларини шафқатсизларча жазолаш.

2. Фармонни бажариш муддатини 15 сентябрдан бошлаш.

3. Аҳолини қайта руйхатга олишни тухтатиб, статистик маълумотлар асосида вилоят губернаторлари томонидан мардикорликка олинаётган кишиларнинг сонини тасдиқлаш.

4. Узоқ масофада жойлашган, йўллари оғир бўлган ҳудудлар, хусусан, Помир тоғлиги атрофидаги аҳолини мардикорликдан озод этиш.

А.Н.Куропаткиннинг бу таклифлари шахсан император томонидан маъқулланди ва унга қўшинга бош қўмондонлик қилиш ҳуқуқи берилди[412] .

Мардикорликка бормайдиган кишилардан ҳар ойда 25 – 50 сўмгача солиқ олиш тартиби жорий этилди. Бу ўз даври учун салмоқли пул ҳисобланиб, аҳолини янада қашшоқлик ботқоғига чуктириб қўяр эди.

1916 йил 23 августда А.Н.Куропаткин мардикорликка одамларни сафарбар этиш тартиблари тўғрисида буйруқ эълон қилди.

Буйруқда кўрсатилишича, ўлкадан олинадиган мардикорларнинг сони 220.000 киши деб белгиланди[413]. Бу расмий буйруқда ҳам Туркистон аҳолиси Россия тобелигида, унинг мудофаасида яшаётганлиги рўкач қилиниб, бунинг эвазига фронтга мардикорликка бориб, рус халқига ёрдам бериш шартлиги уқтирилди.

Аслида ўлкани шафқатсиз курашлар билан босиб олиб, унга зўрлик билан эгалик қилаётган, аҳолини эзиб, бошликларини талаётган мустабид ҳукумат ўзининг қилмишларини Туркистон учун бир мурувват, ёрдам, ҳимоя сифатида кўрсатиши ҳақиқатга тўғри келмас эди.

Мардикорликка сафарбарлик тартиблари қуйидагича белгиланган эди:

1. Туб аҳолини фронт орқасидаги ишларга сафарбар қилиш 1916 йил 15 сентябрдан бошлаб 3 — 4 ой ичида ниҳоясига етказилсин.

2. Мардикорларни жўнатиш 18 сентябрдан бошланади ва ҳар бир поездда 1000 кишидан жўнатилади.

3. 220.000 кишини сафарбарликка жалб этиш маҳаллий шароит ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилсин. Хусусан, пахта етиштирадиган жойларда мардикорликка олинадиган кишиларнинг сони 40.000 га камайтирилсин. Бу камайтирилган сон деҳқончилик билан шуғулланмаётган кўчманчи аҳоли ҳисобига тўлдирилсин. Ўлка бўйича белгиланган мардикорларнинг сони 200.470 киши вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимланди:

Сирдарё вилоятига	— 60.000
Самарқанд вилоятига	— 32.407
Фарғона вилоятига	— 51.233
Еттисув вилоятига	— 43.000
Каспийорти вилоятига	— 13.820

4. Бериладиган маошнинг миқдори мардикорнинг иш қобилиятига яраша белгиланади.

5. Мардикорликка кетаётган кишилар қишки ва ёзги кийимларини ўзлари билан (ўз ҳисобларидан) олиб кетишлари керак. Бунга етарли маблағи бўлмаган кишиларнинг ҳар бирига давлат ҳисобидан қарзга 30 сум берилади. Сафарбарликни жойлардаги маҳаллий маъмурият амалга оширади. Ундан озод

этиладиганлар жуда озчиликни ташкил этиши керак. Сафарбарликдан Помир, Матчин волости (Хужанд уезди), Фальгар ва Искандар волостлари (Самарқанд уезди) аҳолиси озод этилади[414] .

Фарғона водийсида, умуман, ўлкада қаҳатчилик ва қашшоқлик ҳукм сураётганлигига қарамай, аҳолини мардикорликка олишда уларни кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи етарли ҳал этилмади. Айниқса, ёзги ва қишки кийимларни мардикорларнинг ўзларининг ҳисобларидан тайёрлашлари жуда оғир бўлди. Бу, айниқса, оила аъзоларини ўз ҳолига ташлаб кетаётган камбағалларга катта зарба бўлиб тушди. А.Н.Куропаткин томонидан эълон қилинган буйруққа мардикорликдан кимларни озод этиш мумкинлиги ҳақидаги махсус кўрсатма илова қилинган бўлиб, унга биноан:[415]

1. Волость ва овул бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари;
2. Маҳаллий миршаб ходимлари;
3. Имом, мулла ва мударрислар;
4. Бухгалтер ва ҳисобчилар;
5. Олий ва ўрта ўқув юртлари талабалари;
6. Ҳукумат идораларида хизмат қилаётган маҳаллий миллат вакиллари;
7. Олий насллн ва фахрий граждан унвонли маҳаллий аҳоли намояндалари мардикорликка сафарбарликдан озод этилган.

Суд қилиниши лозим бўлган кишиларни тергов ишлари тўхтатилиб, улар ҳам мардикорликка жўнатилиши кўрсатилди. Алоҳида жиноят содир этган кишилар бундан мустасно қилинди. Мардикорликка ёллаб одам юборишга рухсат этилди. У ёки бу киши фақат ўз миллатига тегишли шахсни ёллаши мумкин эди. Бухоролик, эронлик ва русларни ёллаш тақиқланди. Маҳаллий яҳудий ўзининг наслидан бўлган кишини ёллаши мумкин эди. Сафарбарликка оиладаги ягона ўғилни олмаслик, асосан, буйдоқларни мардикорликка олиш уқтириб ўтилган бўлса-да, амалда бунга амал қилинмади. Мардикорликка боришдан бош тортган кишиларга 3000 сум жарима солиш ёки 3 ойга қамоқ жазосини бериш ҳақида қарор қабул қилинди[416] .

Император фармони чиққанидан салкам икки ой ўтгандан кейин тайёрланган мардикорликка сафарбар этиш тартибларидаги вазифаларнинг асосий оғирлиги оддий кишиларнинг бўйнига тушди. Мардикорликка тайёргарлик билан боғлиқ харажатлар, айниқса, камбағаллар учун оғир юк бўлди.

Фарғона ҳарбий губернатори полковник П.П.Иванов мардикорликка сафарбар этиш бўйича А.Н.Куропаткинга ўз фикр-

мулоҳазаларини маълум қилади. У мардикорликка сафарбар этишда водийдаги жамоа аҳлини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинишини ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоблаган:

1. Коммерсант тижоратчилар ва пахта сармоядорларидан иборат тоифа. Улар иқтисодий жиҳатдан Россияга яқиндан боғлиқ бўлиб, Москва билан савдо алоқалари, рус пулининг пахта савдосига ва савдо-сотиққа кўп миқдорда оқиб келиши, рус фирмалари билан муносабатда бўлиши уларни, яъни маҳаллий савдо-саноат вакилларини иқтисодий жиҳатдан Россияга боғлаб қўйган.

2. Деҳқонлар ва ижарачи чоракорлар тоифаси. Улар пахтадан даромад олсалар-да, лекин руслар билан бевосита муомалада бўлмайдилар. Ердан ажралган кимсалар чоракорларга айланганлар. Бу тоифадаги кишилар ва умуман деҳқонлар иқтисодий жиҳатдан Россияга бевосита боғланмаганлар.

3. Деҳқон — мардикорлар. Булар фирма ва судхўрлар дастидан қашшоқлашиб, мол-мулки ва ерларидан айрилган кишилардир. Бу тоифадаги кишиларни ҳам Россия таъсирига берилган, деб бўлмайди. Улар орасида четдан келган мардикорлар ҳам бор эди.

4. Шаҳар пролетариати, яъни камбағаллари. Улар маълум касбга эга бўлмай, дуч келган ишлар билан шуғулланувчи кишилардир. Уларнинг орасида қарзини тўлай олмай, мулки ва ердан айрилган кимсалар оз бўлмаган. Шаҳарда дайди, наша ва қора дорини истеъмол қилувчи одамлар ҳам бўлган.

Умуман олганда, П.П.Иванов жамиятдаги аҳоли тоифаларини иқтисодий жиҳатдан тўғри таърифлашга ҳаракат қилган бўлса-да, бироқ шаҳар аҳолисини чуқур ва атрофлича баён этишга ожизлик қилган. Маълумки, шаҳар аҳолисининг асосий қисмини ҳунармандлар ташкил этган, зиёлилар ҳам муҳим ўринни эгаллаган.

Полковник П.П.Ивановнинг фикрича, Фарғона водийсида савдо-саноат вакилларигина, яъни у кўрсатган биринчи тоифа кишиларигина Россияга хайрихоҳ ҳисобланиб, бошқа тоифаларга бундай кайфият бегоналигини таъкидлаган. У руҳонийларни халқ қўзғолонларининг илҳомчиси сифатида қоралаб, чор ҳукуматининг душмани эканлигини таъкидлаб ўтади. Қўзғолонда ўзбек аёлларининг тутган ўрнига ҳам тўхталиб, қуйидагича баҳо беради: "Давлатга қарши кураш кайфиятининг шаклланишида мусулмон аёллари иштирок этди. Фармон эълон қилингунча юзага келган ғалаёнлар ҳам аёллар билан ўтди"[417].

П.П.Иванов император фармонини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни тавсия этди:

1. Қозилик судларини тугатиб, рус суд тизимини жорий этиш;
2. Мусулмон таълимининг таъсирини йўқотиш;
3. Чор маъмуриятини моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш;
4. Туб аҳолининг ерга нисбатан ҳуқуқларини қайта кўриб чиқиш;
5. Ўлкада рус посёлкаларини кўпайтириш;
6. Туб аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини қайтадан кўриб чиқиш.

Бу таклифлар шу ҳақида гувоҳлик берадики, П.П.Иванов қўзғолонларнинг баҳонасида туб аҳолини мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм ботқоғига янада чуқурроқ ботиришга ҳаракат қилган. У амалда дин фао-лиятини қаттиқ назорат остига олиб, динни имкони борича халқдан узоқлаштиришни мақсад қилиб қўйган. Водийда русларни кўпайтириш режаси эса туб аҳолининг ерларини тортиб олиб, рус посёлкаларини вужудга келтиришни, яъни руслаштириш сиёсатини янада кучайтиришни назарда тутарди.

А.Н.Куропаткин туб аҳолининг яна қўзғолон кўтаришидан қўрқиб, П.П.Ивановнинг таклифларини амалга оширишга шошилмади.

Гарчи, мардикорликка олишда пахтачилик манфаатини ҳисобга олиш ҳақида кўп гапирилган бўлса-да, лекин амалда Фарғона вилоятига яна қўшимча 27.000 кишини мардикорликка олиш белгиланди. Вилоят бўйича жами 77.000 одам мардикорликка юбориладиган бўлди. Биринчи навбатда 50.000, кейин 27.000 киши жўнатилиши кўзда тутилди[418] .

Шундай қилиб, фарғоналикларнинг зиммасига бир вақтда ҳам пахтани етиштириш ва териб олиш, ҳам мардикорликка бориш мажбурияти юклатилди.

Поезднинг ҳар бир эшелонига 1000 киши жойлаштирилиб, улардан бир киши мингбоши лавозимини бажариши лозим эди. Кетаётган мардикорларга битта таржимон олиниб, ҳар бир эшелонга битта имом тайинланиши кўрсатилди. Ҳар бир кишига бир кечаю кундузга 1 сўм 50 тийин иш ҳақи берилиши керак эди. Ҳар бир эшелондаги одамлар 100 ва 10 кишидан иборат гуруҳларга тақсимланиб, мардикорлар орасидан биттадан юзбоши, таржимон ва имомлар ишлашдан озод этилади[419] .

Чор маъмурияти мардикорларнинг саломатлиги ва юқумли касалини аниқлаш мақсадида уларни доктор кўригидан ўтказишни шарт қилиб қўйди. Мардикорларнинг таъминоти, яъни уларнинг кийим-бошлари ва иш қуроллари ҳам уларнинг ўз ҳисобидан эди. Архив ҳужжатида кўрсатилишича, ҳар бир мардикорда пишиқ

тикилган этик, ёзги ва қишки кийим ёки пўстин, ўрин-кўрпа, ёзлик ва қишлик пайтава бўлиши лозим эди. Мардикорлар ўзлари билан кетмон, болта, арра ва бошқа ўзи фойдаланиб юрган иш қуроллари билан келиши буюрилган[420].

Ҳар бир мардикорга худди турма маҳбуси каби рақам белгиланиши, уларга нисбатан муносабат қандай таҳқирли бўлганлигидан далолат берарди. Мингбоши ва бошқа кишиларга мансабини билдирувчи белги тикиб қўйилган. Мардикорликка жўнатишда халқнинг манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида ўлкадаги илғор ва халқпарвар кишилар саъй-ҳаракати билан қўмиталар тузилди. Полиция пристави томонидан бошқарилган, аъзолари маҳаллий нуфузли кишилардан иборат қўмиталар – "туземлар қўмитаси" деб аталган. Улар мардикорлик рўйхатларини тўғри тузилганлигига, уларнинг оилалари билан почта алоқасига, уларга оилавий ва бошқа сабабларга кўра таътил берилишига доир масалаларни ҳал этиш керак эди[421].

Бу қўмиталар тузилишида зиёлилар, айниқса, жадидлар катта роль ўйнадилар. А.Н.Куропаткиннинг буйругида бу қўмиталар вазифаси шундай белгиланган: "Халқ орасида ҳукуматнинг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонини тушунтириш, уни амалга ошириш тартибларини тарғибот қилиш, мардикорликка олинган кишилар ва уларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш асосий мақсаддир"[422] .

Қўмитага волость элликбошилари томонидан танланган ва халқ ишончини қозонган кишилар вакил сифатида киритилади. Бу вакиллар ўзларининг орасидан бир кишини раис этиб сайлайдилар. Қўмита мардикорларга ва оилаларга хайрия ҳисобидан моддий ёрдамни уюштирди. У ўлканинг шаҳарларида фаолият кўрсатди.

Жадидларнинг таниқли вакили Убайдулла Асадуллаҳўжаев ўлка қўмита раислигига сайланди. Бу қўмита ишида Мунаввар қори ҳам бевосита қатнашди. Сиртдан қараганда жадидлар ўз ватандошларини мардикорликка жалб этишда чор ҳукуматига ёрдамлашган бўлиб кўриниши мумкин эди. Аслида эса, қўмита ўз фаолияти давомида мардикорларни ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган оилалар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни моддий жиҳатдан қувватлашда катта роль ўйнади. Уша давр шароитида зиёлилар халққа имкон қадар ёрдам бериш учун шу йўлни тутишга, ҳукумат билан келишиб, халққа оз бўлса-да, енгиллик туғдиришга мажбур бўлдилар.

Бу жадидларнинг ўз ватандошлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора бўлди. Бундай жамоат ташкилотининг

зарурлигини 23 июлда Озарбайжон жадидлари ҳам ўзларининг "Ошиғи сўз" номли газеталарида баён этган эдилар. Улар Туркистонда мардикорликка сафар-бар этиш масаласига муносабат билдириб, мусулмон жамоа ташкилотларининг ёрдамисиз бу ишни ҳал этиш қийин-лигини таъкидлаганлар[423] .

Фарғона вилоятида август ойига келиб мардикорлик рўйхатини тузиш, уни амалга ошириш тартиби ва қоидаларини тайёрлаш ниҳоясига етказилди. Салкам бир ой давом этган қўзғолонлар, ғалаёнлар, таъқиб, жазолар, адолатсизлик, қаҳатчилик ва қашшоқликдан катта талафот кўрган халқ қурол кучи, зўрлик билан бостирилди. Юзлаб қўзғолон қатнашчилари қамоқхоналарга тиқилди. Улкадаги ҳарбий ҳолат, жазо чоралари туфайли халқ оммаси мардикорликни бўйнига олишга мажбур бўлди. Чор ва маҳаллий маъмурият вакиллари бутун август ойи ичида мардикорликка олинадиган кишиларнинг уезд ва волостлар бўйича сонини белгилаб чиқди. Бу ишни амалга ошириш жараёнида ҳам халқнинг ғазаби ва қаршилиги яққол намоён бўлди.

Айниқса, ўзбек аёлларининг қаттиқ норозилиги уларни биринчи бўлиб ғалаён кўтаришида кўринди. Чунки оиланинг асосий таъминловчи боқувчиси – эркакларнинг олиб кетилиши катта йўқотиш бўлиб, мисли кўрилмаган азоб-уқубат ва кулфатларни юзага келтириши турган гап эди. Бундай фожиа, биринчи навбатда, аёлларнинг бошига тушарди, шунинг учун ҳам улар қўзғолонларда фаол қатнашиб, чор ҳукуматининг сиёсатини қораладилар. Туркистон генерал-губернатори Куропаткиннинг тан олишича: "Аёллар оталари, эрлари ва ўғилларидан ажралишини англаб айрим вақтларда қўзғолонларнинг олдинги сафларида турганлар"[424].

Чор маъмурияти халқ оммасининг норозилиги ва нафратини яхши англаб, Фарғона водийсида ҳарбий кучларни кўпайтирди. Уни қўрқув ва ваҳимада ушлаб туриш учун фармонга бўйсунмаганларнинг мол-мулки ва ери тортиб олиниши ҳақида жар солди. Хуллас, юқорида кўрсатилган шароитда мардикорлик рўйхати тузилиб, уезд ва волостлар бўйича сафарбар қилинадиган кишиларнинг сони белгиланди (11-жадвал).[425] Бунга кўра Андижон уезди – 10600, Наманган уезди – 11300, Қўқон уезди – 10700, Скобелев уезди – 11700 ва Ўш уезди – 5700 кишини жўнатиши керак эди. Одамларнинг сони жиҳатидан Скобелев ва Наманган уездлари биринчи ва иккинчи ўринни эгалладилар.

Жадвалдаги рақамларга келганда шуни айтиш лозимки, эркакларнинг умумий сони Андижон уездида – 208.086, Қўқон

11-жадвал.

Уезд, волость ва шаҳарлар номи	Эркаклар-нинг умумий сони	Улардан 8 % и киши	Пахта районлари ҳисобига қанча қўшилди ва олинди.		Қанча ишчи белгиланди	Янги тақсимот сони бўйича қанча киши
			+	–		
		Андижон	уезди			
Ёрбоши волости	8649	691	“	320	371	371
Ҳаққент волости	6772	541	“	225	316	316
Олтинкўл волости	9650	772	“	274	498	498
Балиқчи волости	16188	1295	“	387	908	908
Жалақудуқ волости	5725	458	“	118	340	340
Қўрғонтепа волости	9700	776	“	310	466	466
Ойим волости	11998	959	“	303	656	656
Қорасу волости	6691	535	“	38	497	497
Қўқон қишлоғи волости	11261	902	“	515	387	387
Мойғир қишлоғи волости	6990	559	“	132	427	427
Наукент волости	3578	286	14	300	286	
Массин волости	5764	461	“	66	395	395

Бозор-қўрғон волости	5764	461	“	66	395	395
Кўкгарт волости	4422	358	“	53	300	300
Жалолобод волости	11129	890	“	219	671	671
Чанкент волости	3110	248	155	“	403	248
Избоскан волости	10610	848	“	546	284	284
Хаққулобод волости	11763	941	“	388	553	553
Норин волости	16188	1295	“	387	908	908
Майли сой волости	1926	154	46	“	200	154
Қоракал Сарой волости	2054	1642	2	“	166	95
Кенкал-Қора-қир волости	2444	195	97	“	292	195
Андижон шаҳри	39102	3128	“	2046	1082	1082
Ҳаммаси	208086	16640	314	6336	10618	10304

Қўқон уезди						
Зодиёна волости	15254	1220	“	576	644	644
Қорақалпоқ волости	8380	670	“	493	177	177
Найман волости	9434	754	“	354	400	400

Янги-қўрғон волости	10737	859	“	403	456	456
Риштон волости	9953	797	“	377	420	420
Илтармин волости	10227	859	“	388	430	430
Конибодом волости	9455	756	“	355	401	401
Маҳрам волости	4820	385	“	183	202	202
Исфарин волости	9267	741	“	155	586	586
Сух волости	4340	347	“	69	278	278
Найгут-Қипчоқ волости	5592	447	“	6	441	441
Лайлак волости	2929	234	“	48	186	186
Бешариқ волости	9691	775	“	570	205	205
Жанжал волости	11873	949	“	700	249	249
Қудаш волости	10674	853	“	402	451	451
Яйпан волости	14104	1128	“	533	575	575
Чириқ жилдин волости	10902	872	“	642	230	230
Қипчоқ волости	5627	450	“	214	236	236
Аравон волости	5643	451	“	93	358	358
Ганжировон волости	7550	604	“	248	320	320

Биби Убайдин волости	9015	721	“	244	477	477
Қайнар волости	9002	720	“	346	374	374
Кенегез волости	8184	654	“	278	376	376
Қўқон шаҳри	54104	4328	“	982	3346	3346
Маҳаллий яҳудийлар	772	61	“	11	50	50
Ҳаммаси	257539	20594	“	8706	11888	11888

Наманган уезди

Хонобод волости	7499	599	“	374	225	225
Қирғиз кўрғон волости	7199	575	“	325	225	225
Капа волости	8683	694	“	244	450	450
Уйчи волости	12655	1012	“	372	640	640
Тўрақўрғон волости	11112	888	“	518	370	370
Янгиқўрғон волости	11943	955	“	587	368	368
Чортоқ волости	11502	920	“	561	359	359
Пашқарон волости	7385	590	“	344	246	246
Косон волости	14093	1127	“	665	462	462
Тергаучин волости	5836	466	“	121	345	345

Поп волости	8297	663	“	263	400	400
Олмос волости	11890	951	“	376	575	575
Чардоқ волости	8839	707	“	277	430	430
Ашт волости	7987	638	“	163	475	475
Бободархон волости	7400	592	“	392	200	200
Чуст шаҳри, волости билан	10765	862	“	573	325	325
Ахси-Шоқон волости	10557	844	“	284	560	560
Ворзик волости	7728	618	“	218	400	400
Қутлуқ-Саид волости	6548	523	“	91	432	432
Чотқол волости	2632	210	“	30	180	180
Нанай волости	7737	618	“	278	340	340
Боёстон волости	5826	466	“	82	384	384
Боғим волости	4475	358	“	58	300	300
Сари волости	6244	499	“	87	412	412
Қирқ ўғил волости	3091	247	“			
Қизилжар волости	3587	286	“	133	400	400
Орим волости	4440	355	“	55	300	300

Сусамир волости	6332	506	“	86	417	417
Наманган шаҳри	3119	2969	“	1969	1000	1000
ЖАМИ	259401	20738	“	9518	11220	11220

Ўш уезди

Манёқ волости	8959	716	“	303	413	413
Оқ бўри волости	7090	567	“	159	408	408
Туруқ волости	6222	497	“	185	312	312
Қашғар қишлоқ волости	7756	620	“	162	458	458
Булоқбоши волости	13177	1054	“	495	559	559
Наукаш волости	12507	1000	“	467	533	533
Олай волости	4024	321	“	81	240	240
Қуршаб волости	9297	743	“	223	520	520
Қипчоқ волости	2389	191	179	“	370	191
Гулчин волости	14540	1162	“	912	250	250
Қоратош волости	3207	256	“	91	165	165

Узган волости	5688	455	“	91	364	364
Оқ жар волости	5336	426	“	170	256	256
Ясси волости	7276	582	“	230	352	352
Уш шаҳри ва Уш вилояти	23246	1859	“	759	1100	1100
ЖАМИ	130714	10449	179	4328	6300	6123

Скобелев уезди

Скобелев шаҳри	2313	186	“	116	70	70
Марғилон шаҳри	25204	2016	“	946	1070	1070
Олтиариқ волости	12981	1038	“	433	605	605
Аравон волости	11595	927	“	367	560	560
Асака волости	13250	1060	“	410	650	650
Аввал волости	8515	681	“	261	420	420
Ичкилок волости	13037	1043	“	738	305	305
Қўқон қишлоқ волости	9681	774	“	304	470	470
Қоратепа-чадкент волости	17411	1393	“	568	825	825
Марғилон волости	6797	543	“	218	325	325
Қува волости	13301	1064	“	414	650	414

Қули волости	10828	866	“	351	515	515
Марҳамат волости	8502	680	“	260	420	420
Найман волости	7120	570	“	320	250	250
Сағазин волости	11077	886	“	321	565	565
Файзиобод волости	12597	1008	“	403	605	605
Чимён волости	14905	1192	“	497	695	695
Шаҳрихон волости	25742	2059	“	774	1285	774
Яккатут волости	9126	780	“	270	460	460
Ёзёвон волости	16389	1311	“	486	825	825
Яуқсесек-бостон волости	5543	443	“	313	130	130
ЖАМИ	255914	20470	“	8770	11700	11700
Жами областлар бўйича	1111654	88891	493	37658	51726	51233

уездида – 257.539, Наманган уездида – 259.401, Ўш уездида – 130.714 ва Скобелев уездида – 255.914 кишини ташкил этган. Улардан ўрта ҳисобда 50 фоизи мардикорлик рўйхатига киритилган. Бундай катта тақсимот водийдаги ишчи кучларининг сафига катта зарба ҳисобланиб, кундалик ҳаёт мисли кўрилмаган даражада ёмонлашишига олиб келган эди. Эркакларнинг талай қисмининг Россияга жўнатилиши орқасида кўплаб оилалар боқимандасиз қолдилар. Чор маъмурияти пахтанинг давлат

аҳамиятига моликлигини ҳисобга олиб, пахта экиладиган туманларда мардикорларнинг сонини бир оз қисқартиришни лозим топди. Масалан, Андижон уездининг Олтинкўл волостидан 498 киши ўрнига 274, Балиқчи волостидан 908 киши ўрнига 387, Жалақудуқ волостида 340 киши ўрнига 118, Ойим волостида 650 киши ўрнига 303, Қўқон уездининг Исфара волостида 586 киши ўрнига 155, Лайлак волостида 186 киши ўрнига 48, Аравон волостида 358 киши ўрнига 93, Наманган уездининг Уйчи волостида 640 киши ўрнига 372, Поп волостида 400 киши ўрнига 263, Ашт волостида 475 киши ўрнига 163, Скобелев уездининг Олтиариқ волостида 605 киши ўрнига 433, Аввал волостида 420 киши ўрнига 261, Қува волостида 650 киши ўрнига 414 киши, Шаҳрихон волостида эса 1285 киши ўрнига 774 киши мардикорликка олинди.

Айтиш лозимки, пахтакорларга берилган маълум даражадаги имтиёзлар, яъни мардикорлар сонининг камайтирилиши пахта етиштирмайдиган волостлар ва кучманчи аҳоли ҳисобига тўлдирилди. Масалан, Скобелев уездига қарашли Ичкилак волостидан 305 киши ўрнига 738 тага, Найман волостида 250 киши 320 тага, Наманган уездининг Қирғиз Қўрғон волостида 225 киши 325 тага, Тўрақўрғон волостида 370 киши 518 тага, Чортоқ волостида 359 киши 561 тага, Қўқон уездининг Жанжал волостида 177 киши 492 тага, Андижон уездининг Қўқон қишлоқ волостида 387 киши 515 тага ва Избоскан волостида 284 киши 546 тага оширилди. Умумлаштирганда Фарғона вилояти бўйича жами 51.233 киши мардикорликка олинди. Улар ёш, соғлом ва бақувват кишилар ҳисобланиб, талай қисми қўзғолонларда қатнашган кимсалар бўлган.

Вилоят шаҳарларидан, хусусан, Андижондан – 1082, Қўқондан – 3346, Намангандан – 1000 ва Скобелев шаҳридан – 70 ва Марғилондан 1070 киши мардикорликка олинадиган бўлди. Бу ерларда аҳолининг сонига қараб иш юритилди.

Вилоятнинг ҳар бир уезди бўйича мардикорларни қайси жойлардан ва қайси вақтда поездда олиб кетилишининг режаси тузилди.

Улар 1000 кишини ўз ичига олган катта гуруҳларга бўлинди. Буни яхши англаш учун мисол тариқасида Андижон уездига доир маълумотларни (12-жадвал)[426] келтириш мақсадга мувофиқдир. Унда таъкидланишича, мардикорларни қабул пунктларига келтириш, сўнгра эшелонларга жойлаштириш 17 сентябрдан

бошланади. Шундан кейин тузилган график бўйича поездларни жўнатиш октябрь, ноябрь, декабрь ва 1917 йил январининг биринчи ярмида тугалланиши керак эди. Бу тадбир қандай амалга оширилганлиги хусусидаги мисолни келтириш ўринлидир. Андижон уездидан юборилган мардикорлар[427] :

1916 йил 18 сентябрда	1000
11октябрда	1000
18 октябрда	1000
4 ноябрда	997
19 ноябрда	662
ҳаммаси	4649 киши

Андижон уезди мардикорларини эшелонларда жўнатиш режаси

12-жадвал

Андижон йиғилиш жойига келиш вақти	Жўнатиш пунктлари	Ишчилар сони	Андижондан жўнаш вақти	Поездларни жўнатиш вақти	Тошкентга келиш вақти ва №
1	2	3	4	5	6
17 сентябр соат 7.00	Андижон шаҳри 2 ч. мах. №	100	18 сентябрь 1916 й.	№ 104-а соат 8 дан 17 минут.	19 сентябрь
—	—	100	—	—	100
—	—	100	—	—	100
—	—	100			
—	Андижон ш.2 ч.мах. №	45			
—	Андижон ш. 3 ч. мах				№55
—	Андижон ш. 3 ч. мах				№100

—	—	100			
—	—	100			
—	—	100			
	ЖАМИ:	1000			
30 сент.	Андижон 3 ч. мах. №.....	82	1 окт. 1916 йил	Петербур вақти билан	Соат 7.00 соат 8.17
—	—	100			
—	—	100			
—	Чанкент вол.аул. №	30			
—	Жалолобод в.к. №	70			
—	Жалолобод қиш. №	100			
—	Жалолобод қиш. №	100	—	—	—
—	—	100	—	—	—
—	—	100	—	—	—
—	—	100	—	—	—
—	—	100	—	—	—
	ЖАМИ	1000			
18 окт.	Жалолобод в. қишлоғи.№	1	11 окт.	№104- а	12 окт.
соат 7.00	Кугарт в.қишлоғи.№	99	1916 й	Петер-бург	
	Кугарт в. қишл. №	100		8 дан 17 дақиқа	

—	—	100			
—	Кугарт в. қишлоғи. №	1			
—	Майлисой в. қишлғи	99			
—	Мойлисой в. қишлоғи. №	55			
—	Қоракўл сарасу —	45			
—	—	100			
—	—	19			
—	Кенгкул-Каранг. в. №	81			
—	—	100			
—	—	14			
—	Массин в. қишл. №	86			
—	—	100			
	ЖАМИ	1000			
октябрь —	Массин в. қишл. № —	100 100 9	октябрь ўрта-ларида		
—	Бозорқўрғон қишл.	№	91		
—	—	100			
октябрь	Бозорқўрғон қишл. № —	100. 100	октябрь ўрта-ларида		
	—	100	—	—	
—	—	4	—	—	
—	Мойғир в. қишл. №	96	—	—	
—	—	100	—	—	

–	–	100	–	–	
–	–	100	–	–	
	ЖАМИ	1000			
ноябрь	Мойғир в. қишл. №	31	Ноябр-нинг	биринчи	ўн кунлик
	Қўқон қишл. в. қишл. №	69			
–	–	100			
–	–	100			
–	–	100			
–	–	18			
–	Наукан в. қишл. №	82			
–	–	100			
–	–	100			
–	–	4			
–	Избоскан в. қишл. №	96			
–	–	100			
–	–	88			
–	Ҳаққулобод в. қишл.№	12			
	ЖАМИ	1000			
		100			
–	–	100		–	–
–	–	100		–	–
–	–	100		–	–
–	–	100		–	–
–	–	41		–	–

ноябр-нинг	Норин в. қишл. №	59	ноябр нинг	биринчи ўн кунлиги
—	—	100		
—	—	100		
—	—	100		
—	—	100		
	ЖАМИ	1000		
декабр	Норин в.қишлоқ. №.	100	декабр-нинг	биринчи ўн кунлиги
1 - ўн кунлик	— —	100 52		
—	Қорасув в. қишлоқ.№	48		
		100		
		100		
		100		
		100		
		49		
—	Ойим в., қишлоқ. №	51		
—	—	100		
—	—	100		
	ЖАМИ	1000		
декабр	Ойим в. қишлоқ №	100	декабр-нинг	ўртаси-да
	—	100		
—	—	100		
—	Ўш уезди	100		

	ЖАМИ	1000		
—	Ойим в. қишлоқ. №	100	—	—
—	—	5		
—	Қўрғонтепа в. қишлоқ. №	95		
—	—	100		
		100		
		100		
декабр	Қўрғонтепа в. қиш.	71	декабр-нинг	ўрталарида
—	Жалолқудуқ в. қишлоқ. №	29		
—	—	100		
—	—	100		
—	—	100		
—	—	11		
—	Олтинкўл в. қишл. №	89		
	ЖАМИ	1000		
1917 йил январь	Олтинкўл в. қишлоқ № —	100 100	1917йил	Январ боши
		100		
		100		
		9		
	Ёрбоши в. қишлоғи. №	91		
—	—	100		
—	—	100		
—	—	80		
—	Балиқчи в. қишлоқ №	20		

—	—	100		
—	—	100		
	ЖАМИ	1000		
—	—	100	—	—
—	—	100		
—	—	100		
—	—	100		
—	—	100		
—	—	100		
1917 йил	Балиқчи в. қишлоқ. №	88	1917 й.	Январь ойининг боши
январъ	Ҳоқан в. қишлоқ. №	12		
—	—	100		
—	—	100		
—	—	100		
	ЖАМИ	1000		
	Ҳоқан в. қишлоғи. №	4		
—	Скобелев уезди	700		
	ЖАМИ	704		
	Ҳаммаси бўлиб Андижон уездидан 10304 киши			
	Ўш уездидан 700 киши			
	Скобелев уездидан 700 киши			

Чор маъмурияти қарорига мувофиқ мардикорларга хазина хисобидан қилинадиган харажатларни амалга оширишга ҳаракат қилинди. Зеро, вилоят бўйича 1 ой илгари қарзга бериладиган маошга 1.500.000 сўм, 14 кунга стадиган нонга — 140.000, озиқ-овқатларга —

1542 сўм ва харажатларга ҳаммаси бўлиб 1.733.958 сўм ҳажмида смета тузилди[428]. Бу маблағлар қандай сарфланғани номаълум. Аммо айрим маълумотларга кўра бай пулини тўлашда айрим камчиликлар содир бўлган. Масалан, Фарғона губернатори мардикорларга бериладиган бай пули барча кишиларга эмас, балки муҳтожларга берилиши, у пул эса ҳали давлат томонидан ажратилмаганлиги, берилган тақдирда мардикорларнинг ярмига етиши ҳақида ахборот бериб, тежамкорлик билан иш юритишга даъват этган[429].

Мардикорларни қизиқтириш мақсадида поездга ўтиришдан олдин 1 ойлик маош белгиланган жойга бориб ишлаган пулидан қайтариш шарти билан қарзга берилди.

Хусусан, бундай маош Андижон уезди мардикорларига – 99735, Ўш уездидагиларга – 60990 сўм, жами 160.725 сум ҳажмида берилди[430]. Бироқ қарз пули оз ажратилганлиги орқасида барча кишиларга бериш имкони бўлмади.

Умуман айтганда, маъмурият қарорларида мардикорликка борувчиларга бериладиган моддий ёрдамлар ҳақидаги ваъдалар старли даражада амалга оширилмади. Бу мардикорлар учун катта қийинчилик ва азоб-уқубатларни туғдирди.

Маъмурият вакиллари қандай бўлмасин, мардкорларнинг белгиланган сонини тўлдириш мақсадида бемор кишиларни ҳам эшелонларга жойлаштирганлар. Бундай эшелонлардан бири тиббий кўрикдан ўтказилганда 175 киши трахея, 37 киши бошқа касалликлар ёки қарилиги туфайли ишга яроқсизлиги аниқланди. Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин бундай ҳолатни танқид қилиб, ўлкадаги ҳарбий губернаторларга мардикорларнинг соғлиғига алоҳида аҳамият беришни буюрди[431].

1916 йил 30 октябрда Россия ҳарбий вазири Шуваев Денгиз, Ички, Молия, Темир йўллар ва бошқа вазирликлар билан келишилган ҳолда мардикорларни империя ичида давлат мудофаасига доир ишларда фойдаланиш тартиблари бўйича буйруқ эълон қилди. Бунга кўра мардикорлар ҳарбий идоралар ва ташкилотлар томонидан давлат мудофааси учун ишлаётган давлат ва хусусий корхоналарга жўнатилди. Ҳарбий идораларга мардикорларни белгиланган жойларга жўнатиш ҳуқуқи берилди[432].

Поездларнинг етишмаслиги ёки бошқа сабаблар биланми мардикорларни жўнатиш 1917 йил январи охирларигача чўзилган. Ҳарбий ахборот бошлиғининг Туркистон генерал-губернаторлигига юборган телеграммасида Қўқонда мардикорлардан иборат 100 та эшелоннинг йўлга чиқиши қайд этилган. Бундай эшелон Наманганда ҳам мавжудлиги кўрсатилган.

Халқнинг хоҳиш-иродаси билан эмас, зўравонлик билан иш юритилиши орқасида император фармонини амалга ошириш катта тўсқинлик ва қийинчилик билан ўтди. Унинг бажариш муддати чўзилиб, 1917 йил февраль ойида ҳам давом этди. Чор ҳукумати режалаштирган 220.000 ўрнига 123.000 дан ортиқ мардикор жўнатилди. Улардан Россиянинг Европа қисмига – 101.600 киши, Сибирга – 4000 киши, Кавказга – 7405 киши жўнатилди. Туркистон заминида эса 10.000 дан ортиқ мардикорлар темир йўллар ва бошқа ҳарбий аҳамиятга молик жойларда ишлатилди[434]. Кўриниб турибдики, мўлжалланган мардикорларнинг сонини ўрта ҳисобда ярмиси сафарбар этилди.

1916 йил 14 февралда Туркистон генерал-губернатори Куропаткин Петроградга бош штаб раҳбарига юборган телеграммасида шундай фикрни баён этган: "Мен томонимдан олдин режалаштирилган 220 минг кишини мардикорликка олишга барча чоралар кўрилди. Аммо ҳозирда фронт орқасига юборилган мардикорларга эътиборсизлик билан қаралаётганлиги тўғрисида маълумотлар олмоқдаман. Мардикорларнинг аҳволидан хабар олинмай ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай нохуш ҳолат мардикорликка сафарбар этишни қийинлаштиради. Бир эшелонни ташкил қилиш халққа 300 мингдан 1 млн сўмгача тушмоқда. 220 эшелон учун 100 млн сўм сарфланиши мумкин. Шуни тан оламанки, халқни сиқишни давом эттириш мумкин эмас. Чунки қўзғолон қайталаниши мумкин"[435].

Ушбу мазмундаги телеграмма 5 ноябрда Россия ҳарбий вазирига ҳам юборилган. Унда жуда муҳим маълумот келтирилган. Чунончи, унда қайд этилишича, бир эшелонда жўнатилган 1000 та мардикорларга сарфланадиган харажат аслида туб аҳолининг ҳисобидан ташкил этилиб, унинг ҳажми 300 минг сўмдан бир миллион сўмгача борган. Шубҳасиз бу катта маблағ турли яширин йўллар билан халқдан ундирилган. Боши берк кўчага кириб қолгандан кейингина А.Н.Куропаткин қийинчиликларни ошкора айтишдан бошқа иложи қолмади. У масалага шундай ёндашмаганда белгиланган 220 минг мардикорларни тўла сафарбар этишни барбод бўлганлиги учун қораланиши мумкин эди. У буни яхши англаб, ҳақиқий аҳволни очиқ изоҳлашни лозим топган.

Маҳаллий маъмуриятнинг айрим вакилларининг ғайри-қонуний равишда пул тўплаши аҳолининг турмушини янада ёмонлаштирди. Қўқон уездининг Конибодом волостида амалдорлар мардикорларга ёрдам бериш баҳонасида ҳар бир хонадондан 50 – 100 сўм олинган.

Волостдаги 800 дан ошиқ хонадондан 500.000 минг сўм йиғиб олинган. Ваҳоланки, волостдан олинган 401 мардикорга бериладиган ёрдам пули ўрта ҳисобда 150.000 сўм ҳажмида белгиланган эди. Шундай қилиб, волость раҳбарлари халқдан 400.000 га яқин ортиқча пулни қўлга киритган. Чор маъмурияти халқни бундай ғайри- қонуний ишга қарши қўзголон кўтариши мумкинлигини яхши биларди[436].

4.2. МАРДИКОРЛАРНИНГ ҚИСМАТИ ВА УЛАРНИНГ НОРОЗИЛИКЛАРИ

Мардикорлар Россиянинг кўп шаҳарларида оғир ишларга жалб қилинди. Улар Москва, Рязань, Смоленск, Пенза, Петербург, Тула, Двинск, Қозон, Самара, Брянск, Нижний Новгород, Перм, Киев, Екатеринбург (Свердловск), Оренбург, Одесса, Харьков, Керчь, Батуми, Тбилиси, Запорожье, Екатеринослав ва бошқа жойларда ишладилар. Улар Россиянинг қайси шаҳарлари ва корхоналарида ишлаганликлари ҳақидаги аниқ далиллар 13-жадвал маълумотларида ўз аксини топган[437] (13- жадвал). Маълум бўлишича, ўлканинг турли жойларидан, шу жумладан, Фарғона вилоятидан юборилган мардикорлар Ўш, Кавказ, Батуми, Витебск, Коломна, Тернополь, Черновиц, Киев, Дубно ва бошқа жойларда ишлашга мажбур қилинган. Улар темир йўл ва станцияларда, ҳарбий фронтнинг таъминот бўлимида ва турли қурилишларда ишлаганлар. Бизнинг қўлимиздаги жанубий-ғарбий Францияда темир йўлларда ишлаётган наманганликларнинг исми шарифини ўз ичига олган қуйидаги ноёб ҳужжатда Ниғматилла Намбуллаев, Отабой Гўзалбоев, Муҳаммаджон Розиқов, Абдуғаффор Ражабов, Убайдулла Юсуфбоев, Исомиддин Муҳамедов, Худойберди Муҳамедов, Охунбой Икромбоев, Иззатилла Қирғизбоев, Иноъмбой Мўминбоев, Холмирза Этамбердиев, Этамберди Мансурбоев, Абдуқодир Садриддинов, Турғунбой Мансурбоев, Абдуқодир Садриддинов, Турғунбой Мансурбоев, Ҳамидбой Омонбоев, Исомиддин Тоҳирхўжаев, Улугхўжа Саримсоқхўжаев, Мирзараҳим Мақсудбоев, Нормирза Исҳоқбоев, Исмоилхўжа Исҳоқов, Усмонбой Ҳайдарбоев, Юнусбой Маюсупов, Нуриддин Муҳаммадалиев, Боймирза Холмирзаев, Абдуқодир Қорабоев ва Юнусбой Именбоевлар қайд этилган[438].

Кўрсатилган кишилар билан бирга Андижон, Тошкент, Қўқон ва бошқа жойлардан келган мардикорлар ҳам ишлаганлар. Мардикорлар Россиянинг иқлим жиҳатидан жуда ноқулай ва совуқ жойларига юборилган.

13-жадвал

Жўнатилган жойлари	Мардикорлар сони	Жойлаштирилган бекати	Иш жойи
Тошкент	887	Орш	ҳарбий фронт
Самарқанд	977	–	–
Андижон	1000	–	–
Жиззах	1012	–	–
Скобелев	1002	–	–
Урсот (Хўжанд)	1016	–	–
		Ўрта Осиё темир йўл қийшиқ буйин бекати. 544	Романов ўсимлик бекати
Жўнатилган жойлари	Мардикорлар сони	Жойлаштирилган бекати	Иш жойи
Қўқон	954	Орш	Снабсой
Черняев (Черн.у)	930	Сариқамиш (Кавк.)	"Земгор"қурилиш-инженер
Каттақўрғон	1040	Орш	Снабзай
Наманган	1000	–	–
Черняев (Аулисаутин у)	1006	Кавказ	–
–	993	–	–
Самарқанд	1045	–	–
Андижон	948	–	–
Жиззах	1043	–	–
Александров форти	876	Ботуми (Кавк.)	қурилиш-инженер друж.
–	868	Сариқамиш	–
–	698	–	–

Казалин	463	Кавказ	Батуми-Трапез. темир йўллари қурилиши
ЖАМИ	7888		
Черняев	1009	Киев жан.-ғарб. темир йўл	Инженер Марков
Казалин	795	Елисоветград-150	Жан.-ғарб. темир йўл
		Тираспол-150	уч.бошлиқи
		Троянов вал-150	
		Черновиц-195	
Наманган	1000	Киев ж. -ц. темир йўл	Инженер Крюгер
Жиззах	1043	Киев-300	Жан. ғарб. тем. йўл уч
		Святошино-150	бошлиғи
		Жмеринка-150 Казатин-150	Гаев техника уч
		Ровно-150 Дубно-143	
Скобелев	1019	Ж.-ғар.тем йўл. бошқар.0	Жанубий-ғарбий йўллар
		Антоновка - 150 Кременец - 150	Уч. ишчилар бошлиқлари
		Волочист - 150	
		Прочкуров - 150	
		Коростел - 150 Дебальцево - 109	Екатеринск темир йўллар
		Екатеринослав - 150	бош бошкармаси
Черняев	1030	Черновиц - 55	Жанубий-ғарб. тем. йўл

		Коломия - 100	бош бошқармаси
		Одесса-150 Сарни - 300	Бош бошқарма -1 бўлим
		Ровно - 300	– II
		Тарнопол - 125	– IV
Андижон	997	Тарнопол - 105	–
		Здолбугово - 300	– III –
		Колочин - 300	– VI –
		Новоселиц - 292	– VII –
Қуқон	1000	Тарнопол - 70	– IV–
		Березовици - 300	– V –
		Копичинци - 8	–VI –
		Коломия - 300	– VIII –
		Монахово - 100	0-в Тулин Пулилин
		Шегловка - 100	Чўян зав. ин. Кучеров
Черняев	984	Витебск-500	Рига-Орлов темир йўллар
		Смоленск - 278	бош бошқармаси
		Брянск - 206	
Наманган	1000	Мардикорлар	Снарскийга юборилади
Қуқон	1000	Новосоколь 300	Москва винобалиқ темир йўллар бош хиз.
		Орша - 100	Киев

		Брянск - 100	Рига-Орлов темир йуллар бошқармаси.
		Осипович - 100	Либаво-Ром.тем йуллар
		Руденов - 200	бош бошқармаси
		Березина - 200	
Скобелев	1000	Орш	ҳарбий фронт
Чоржуй	1038	Рязань - 90	Рязан губернатори
		Орел - 78	Орлов
		Самара - 40	Самара
		Тула - 152	Тула
		Перм - 245	Перм
		Екатлав - 29	Екатер.т.й.б-си
		Екат-бург - 143	Перм.т.й.б-си.
ЖАМИ	20926		

Маълумотларга кўра, мардикорлар Петербургда мутасадди вазирликларда, хусусан, ҳарбий вазирликда турли жойларга тақсимланган. 18 октябрь – 18 ноябрь давомида ўлкадан жўнатилган 38 та эшелондаги (38.000) мардикорлар Рязань, Самара, Орлов ва Тула губерняларига, Петроград ва Москва темир йўлларига, Москва ва Нижний Новгороддаги заводлар ихтиёрига юборилган[439] .

Россиядаги темир йўллар, завод ва фабрикалар, конлар ва бошқа корхоналарнинг бошлиқлари мардикорларни оғир шароитларда ишлатганлар, бироқ оддий меҳнат ва турмуш шароитини, инсоний муносабатни таъминлаб бера олмаганлар. Натижада уларнинг ҳаёти жуда ёмонлашиб, турли касалликларга чалинганлар. Мардикорларнинг орасида норозилик ва нафрат туйғулари борган сари кучайиб боради. Улар ўзларининг оғир аҳволи ҳақида турли идораларга шикоят қиладилар. Херсон губерниясидаги Кривой-Рог деган ерда жойлашган Бухинлик конида ишлаётган мардикорлар

Фарғона ҳарбий губернатори номига шундай ариза юборадилар: "Бизлар ҳукумат қарорига биноан мамлакатнинг жанубий фронтидаги давлат мудофаа корхоналарида ишлашга юборилган эдик. Бизларни вилоятдан бу ерга юборилаётганда уч ойдан сўнг қайтасизлар, дейилган эди. Биз 25 сентябрда уйимиздан чиққан эдик. Ҳозир, мана, 4 ой ўтиб кетдики, кон бошлиги бизларни уйимизга қайтаришни истамаётир. Биз хужалигимизни 3 ой муддатга режалаштириб келган эдик. Бу ерда узоқ туриб қолишимиз хужалигимизни тамомила хонавайрон бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, бизнинг орамизда 55 – 60 ва ҳатто 65 ёшдаги кекса кишилар кондаги оғир ишларни уддалай олмай қийналяптилар. Мардикорлардан кўплари оғир турмуш шароити, об-ҳавонинг ноқулайлиги орқасида касалликка чалиндилар ва майиб бўлиб қолдилар. Бу ерда бизлар жуда оғир шароитда ишлаяпмиз, совуқ ҳаводан қийналаяпмиз, бу ҳолат давом эта берса, ҳаммамиз қирилиб кетишимиз мумкин"[440] .

Чернигов губерниясидаги Нежин деган кишининг ерида ишловчи қуқонликлар қаттиқ совуқ, озиқ-овқатларнинг етишмаслиги ва пуллари қолмаганлигидан нолиб, Туркистон генерал-губернаторига ариза юборганлар[441] .

Шунга ўхшаш шикоят хатлари ёғилиб кетган эди.

Ромендаги Георгий заводидаги мардикорлар овқатларнинг етишмаслиги, хоналарнинг совуқлиги ва маъмуриятнинг золимлиги ҳақида А.Н.Куропаткинга телеграмма юборганлар[442] .

Чернигов губерниясида ишлаётган мардикорлардан 30 кишининг қўлларини совуқ уриб, ишга ярамай қолганлар. Улар совуқдан ва оч қолганликларидан шикоят қилганлар[443] .

Қуқон шаҳрининг ёнидаги қишлоқда 60 та мардикор бир помешчикнинг хизматига жалб қилинган. У бу ерда рус тилини билмасликлари ва оғир шароит ҳақида ёзиб, бошқа корхоналарга ўтказишларини сўраганлар[444] .

Қуқон уездидан юборилган мардикорлар Екатеринослав губерниясидаги металлургия заводида кўп қийинчилик ва азоб-уқубатларни бошларидан кечирганлар. "Биз, – дейди улар ўз аризаларида, – ниҳоятда оғир шароитда яшаётирмиз. Заводда сероводород гази ҳавони бузиб, соғлиғимизга катта хавф туғдирмоқда. Совуқ ҳаво ҳам ёмон таъсир этмоқда. Чунки бизлар енгил-елпи кийинган бўлиб, пўстинларимиз йўқ. Булардан ташқари завод раҳбарлари бизга жуда оз иш ҳақи тўламоқдалар. 1 ойга 1 сўм беришмоқда. Бу арзимаган пулга ҳозирги қимматчилик вақтида

кийим ва пойабзал сотиб олиш у ёқда турсин, ип, махорка, совун ва бошқа нарсаларни харид қилиш мумкин эмас". Аризага Ҳасан Исмоилов, Эргаш Тошхўжаев, Абдурахим Абдулғозиев, Юсуп Рўзибоев, Усмонали Абдураҳмонов, Усмон Сотиболдиев, Абдужалил Абдухолиқов, Мелибой Йўлдошматов, Абдураҳим Умрзоқов, Хаймоч Бойтўраев, Муқимбой Мамадбоқиев, Ҳасанбой Нурматов, Мамарасулхўжа Аҳмедов ва бошқалар, жами 65 киши имзо чеккан.

Бу кишиларнинг арзномаси билан танишган А.Н.Куропаткин металлургия заводининг директорига: "Мардикорларга жуда оз иш ҳақи тўланмоқда. Улар бу пулга кийим олиш у ёқда турсин, кундалик овқатларини таъминлай олмаётирлар, шунингдек, совуқ ва касалликлардан арз қилмоқдалар. Мардикорларнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чораларни кўришни сўрайман", — деб телеграмма юборган"[445].

Витебскдаги мардикорлар ҳам кундалик турмушнинг оғирлигидан шикоят қилиб, ўрмонларда ишлашдан бош тортганлар. Улардан 30 киши қулини совуқ олдирган эди[446]. Бундай воқеа Киевда ҳам содир бўлиб, мардикорлардан 100 дан ортиқ кишининг танасини совуқ олган.[447]

Запорожьедаги Днепрск заводининг директори Максимовскийнинг берган маълумотига кўра мардикорларнинг 30 фоизи ногирон бўлиб, 60 дан ошган ва ҳолдан тойган кишиларнинг сони 100 кишини ташкил этган. Улар 15 градусли совуққа одатланмаганлиги ва бундай шароитда мухтасаб қилишлари орқасида шамоллаш касали кенг тарқалди. Натижада мардикорлардан атиги 30 фоизи ишга чиқиб турган[448] .

Ромен деган жойда ишлаётган ўшлик мардикорлар ёппасига дардга чалинганликлари учун ишга чиқмай қўйганлар[449]. Андижонликлардан 185 киши Владимир губерниясидаги Колчигин станциясида жойлашган заводда ишлаш жараёнида қаттиқ совуққа чидай олмай, азоб чекканлар.

Шу боис улар ватанга қайтаришни ёки иссиқроқ жойга юборишни сўраганлар[450] .

Ўшлик мардикорлар Киев шаҳри Чунтавский губерниясига қарашли В.Баришниковнинг мовут фабрикасида ишлаб, маблағ етишмаслиги орқасида эскириб кетган оёқ кийимлари ва бошқа кийим-кечаклар билан юришга мажбур бўлганлар. Мардикорлар ўз она юртига қайтаришни талаб қилиб, ариза ёзганлар[451] .

Мардикорлар фронтга жуда яқин бўлган жойларда ҳам

ишлатилган. Уларнинг кўпчилиги совуқдан оғир дардларга мубтало бўлганлар. Мардикорларнинг деярли барча шикоят аризаларида "барча кишилар касалга чалинганликлари" ҳақидаги маълумотлар қайта-қайта такрорланган[452].

Барши темир йўлида ишлаётган мардикорлар номидан минг-боши Сафар Ҳусаинбеков "мардикорлар ниҳоятда чарчашди, касалга чалиндилар ва ҳалок бўлмоқдалар", – деб Туркистон генерал-губернаторига телеграмма юборган ва уларни ватанига қайтаришни сўраган[453].

Курск губернияси Алексеев номидаги қанд заводида ишлаган мардикорларнинг турмуш тарзини текширган махсус комиссиянинг кўрсатишича, уларнинг тураржойи бирмунча яхшироқ бўлиб, бир кунлик овқат харажати 60 тийинни ташкил этган. Аммо ўрмонда дарахтларни кесиш билан шуғулланаётган мардикорларнинг тураржойи совуқ бўлган. Завод ичида ва ўрмонда ишлайдиганлардан 100 кишининг қўлини совуқ урган. Уларнинг овқатларининг сифати ҳам унчалик яхши бўлмаган[454].

Харьков губерниясидаги Волчан уездида жойлашган генерал-майор М.Н.Скалон ерларида ишловчи мардикорларнинг тураржойлари ниҳоятда ачинарли ҳолатда бўлган. Комиссиянинг сўзича, тураржойлар талабга тамомила жавоб бермай, одамлар зах ва қоронғи ярим ертўлага жойлаштирилиб, махсус ошхона ҳам бўлмаган. Мардикорларнинг кўпчилиги ҳаммом юзини кўрмаганлар. Ифлос жойларда ётганлар. Дам олиш куни ва байрамларга пул тўланмаган. Ҳатто касал бўлганларга ҳам пул тўланмаган.

Мардикорлар орасида қўлини совуқ олдирган, сил ва бошқа касалликларга чалинганлар кўп бўлган.

Марғилон шаҳрининг Машад маҳалласидан келган Собиржон Юнусов ўрмонда бутун аъзои баданини совуқ олдириш натижасида ҳалок бўлган[455].

Россиядаги мардикорларнинг ачинарли ҳаётини кўрса-тишда "Ўрта Осиё ва Туркистон бегона /инородческих/ партияларининг инспектори"нинг тўплаган маълумотлари диққатни жалб этади.

У Киев атрофидаги мардикорлар ишлаётган жойларга бориб аҳвол билан бевосита танишган. Бу ерларда 2 ярим мингдан ортиқ мардикорлар ишлаганлар. Улар томлари шохлар ва барглар билан чала ёпилган ертўлаларда яшаганлар. Бордию ёмғир қаттиқ ёғса ертўлада сув тўпланиши аниқ эди. Чунки у ер чуқур бўлганлиги учун сув чиқиб кетадиган жой бўлмаган. Ертўланинг деразаси йўқлиги учун офтоб нури тушмаган. Мардикорлар орасида хусусий

хонадонларда ижарага турувчилар ҳам бўлган. Улар хонадонларнинг отхона ва шунга ўхшаш жойларида ҳар кишига кунига 50 тийин тўлаш шарти билан турганлар. Агар белгиланган вақт ўтса ёки пул тўланмаса у вақтда хонадон эгалари мардикорлар ўтирган жойга чўчқаларни киритиб юборган. Мардикорлар улардан ҳазар қилиб, дарҳол отхонани ташлаб чиқиб кетганлар[456] .

Қишда совуқнинг қаттиқ келиши муносабати билан улар хонадонларда ижарада яшашга мажбур бўлганлар. Пуллар йўқлигидан кийимсиз ишга чиқолмаганлар. Баъзи мардикорлар ижара пулини контора /идора/ тўлашига умид қилганлар, лекин умидлари пучга чиққан. Улар йўқчиликдан конторадан олган қарз пуллари ўз даври учун салмоқли 6 минг сўмга етган[457] .

Мардикорлар техника билан таниш бўлмаганлари сабабли корхоналарда иш қуролларига шикаст етказганлар. Бунга кетган харажатлар эса уларнинг маошларидан ушлаб қолинган.

Мардикорларга кўпинча от гўштидан овқат берилиб, ун, картошка ва донли озиқларни сотиб олишга имконлари бўлмаган. Корхонада чой қайнатишга самовар ёки бошқа идиш бўлмаганлиги сабабли улар чой ичишдан ҳам маҳрум бўлган. Инспектор ертўлада касал ётган 150 кишини кўрган. Улардан 8 киши вафот этган[458] . Ҳаётнинг оғирлигидан 400 кишилик гуруҳдан 110 киши қолган, холос. Бошқалар қочганлар, уларнинг қаердалиги номаълум бўлган.

Қозон шаҳрида ишлаётган мардикорларнинг аҳволи оғир бўлиб, кўп қийинчиликларга дучор бўлганлар. Мардикорларга сафарга жўнашдан олдин чор ва маҳаллий маъмурият вакиллари маош ҳисобидан 1 сўм ва хазинадан 50 тийин, жами 1 сўм 50 тийин кундалик овқат пули берилиши ҳақида ваъда берилган эди. Аммо Қозон шаҳар маҳкамаси таржимони Бурнашевнинг берган маълумотига кўра кунига 1 сўм 40 тийин бериб, ундан 1 сўмни квартира ҳақига ва 5 тийинни мардикорлар орасида хизмат қилаётган мингбоши, ўнбоши, имом ва таржимонларнинг маошига босиб қолиш тартиби ўрнатилган. Натижада мардикорга 1 кунлик овқат пулига 35 тийин қолдирилган. Бу қимматчилик даврида мардикорларни текинга ишлатиш билан тенг эди[459] .

Бундай адолатсизликларнинг чеки йўқлиги мардикорларнинг уйига жўнатган хатидан, касаллиги туфайли уйига қайтган мардикор-ларнинг хабарларидан маълум бўлган. Бундан хабар топган маҳаллий аҳоли маъмурият вакилларини алдамчиликда айблаб, мардикорларни оч қолаётганларини айтиб, норозилик билдирганлар[460] .

Саратов губерниясининг Царицин уездидан ўшлик мардикорлар "иш хақини бермаяптилар, очлик ва совуқни азобини чекаяпмиз, 15 киши касалхонага жўнатилди", – деган телеграмма жўнатганлар[461] .

Шу мазмундаги телеграммани Киев губерниясининг Чигиринск уездидаги мардикорлар ҳам Ўшга жўнатганлар. Буни эшитган аёллар галаён кўтариб, маъмуриятдан эрларини қайтаришни шовқин-сурон билан талаб қилганлар.

Уезд бошлиғи норозилик билдирган 4 та хотинни 3 кун муддатга ҳибсга олган. Уларнинг ёнини олган 3 та қарияни ҳам ҳибсга олган[462]. Фарғона водийсида шунга ўхшаш воқеалар кенг тарқалгач, вилоят ҳарбий губернатори оқсоқоли Рустам Тошмедовни мардикорларнинг шароитини билиш мақсадида Кавказга юборди. У Батумига келиб темир йўлларда ишлаётган мардикорлар билан учрашади. Бу ерда шароит оғирлигидан 250 кишидан 150 таси ишлашдан бош тортиб бекор ўтирган. Кейинчалик уларнинг сони 200 кишига етган. Мардикорларнинг кийим-кечаклари эскириб кетган. Уларни тоғга олиб бориб, туннель қазишга мажбур этилган. Мардикорлар бундай оғир ва хавф-хатарли ишни бажаришга рози бўлмай, 50 кун мобайнида ишга чиқмаганлар[463] .

Андижонлик мардикорлар Сухуми-Батуми темир йўл қурилишида ишдан тамомила бош тортиб, бошқа жойларга ўзбошимчалик билан кетиб қолган вақтлари ҳам бўлган. Улар фақат уч ой муддат билан келганларини ва ўз ватанларига қайтиш вақти келганини айтиб, мингбоши ва юзбошиларга ҳам буйсунмаганлар[464] .

Ишдан бош тортиш Тбилисидаги Катарск номли заводда ишлаётган мардикорлар орасида ҳам содир бўлди. Бу ерда 600 кишидан фақат 150 киши ишга чиққан[465] . Мардикорларнинг иш жойларидан қочиш ёки ишдан бош тортиши бошқа ерларда ҳам кўзга ташланди.

Масалан, қуйидаги наманганлик мардикорлар Харьковдаги заводлардан қочганлар: Насим Хаимов, Аширбой Турдибеков, Йўлдошхўжа Саримсоқхўжаев, Нурибой Рустамбоев, Қосимбой Холиқбоев, Абдуқаҳҳор Ҳусанбоев, Дадахўжа Комилбоев, Абдусаттор Марозиқхўжаев, Абдуазиз Комилбоев, Абдукарим Зиёбоев, Абдуқаҳҳор Абдужалилбоев, Дадабой Орифбоев, Умархўжа Келгибоев, Мирзаобод Ҳасанбоев, Муҳаммаджон Ёқуббоев, Абдуллахўжа Муллахолмирзаев ва бошқалар, жами 48 киши эди[466] .

Бесўроқ ишдан кетиб қолган марғилонликлар Киев районидаги Днепр пароход ва электр жамиятларида рўйхатга олинган[467].

Умуман олганда, мардикорлар орасида юзлаб кишилар ишлашдан бош тортган ёки қочганлар. Биргина Чупаховский қанд заводида 275 киши ишга чиқмаганлиги қайд этилган[468] .

Харьков заводида эса 13 киши ҳалок бўлганлиги рўйхатга олинган бўлиб, улардан 3 киши наманганликлар /Жўрабой Ҳусанбоев, Собиржон Юнусбоев, Асқарали Шомирзаев/ эди[469] .

Россиядаги оғир шароит мардикорларнинг оммавий равишда иш ташлашига, яъни ғалаён кўтаришига сабаб бўлган. Москва шаҳрининг Москва районидаги заводлар бўйича кенгашнинг раиси ўзининг қўл остидаги корхонада ишлаётган мардикорларнинг кўпчилиги ғалаён кўтарганликлари ҳақида ташвишланиб, Тошкентга, А.Н.Куропаткин номига телеграмма юборган[470] .

Мардикорлар Қора денгиз бўйидаги темир йўл қурилишида ҳам кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, 3 ойлик ишдан сўнг ватанга қайтиш ҳақида ваъдага амал қилишни ва она юртга қайтаришларини талаб қилдилар. Улар бунга эришмоқ учун ишлашдан бош тортдилар. Бундан хабардор бўлган А.Н.Куропаткин Тифлисга генерал Якушкевичга қуйидаги телеграммани юборди: "Қора денгиз темир йўл қурилишида ишлаётган андижонликларнинг ишдан бош тортганликларини билиб уларнинг ҳузурига нуфузли кишилардан бирини боришини буюрдим. Бу киши андижонликларга насиҳат қилиб, тўғри йўлга солиши керак. Мардикорларга уч ойда ватанига қайтишларини ҳеч қачон айтилмаган. Тартибсизлик ва бўйсунмасликни уюштираётган мардикорларнинг бошлиқларини қаттиқ жазолаш ва қамоққа ташлашни лозим топаман. Туб аҳоли жазоланмаса, ҳаддидан ошади ва зўравонликка ўтади. Қатъий туриш ва ҳатто қурол ишлатиш туб аҳолини ақлини жойига киргизиб қўяди".[471]

А.Н.Куропаткин шунга ўхшаш телеграммани Георгий заводига таржимон Абдуллаев номига ҳам юбориб, бўйсунмаган мардикорларни жазолашни буюрган[472] .

А.Н.Куропаткин Россиядаги мардикорларнинг кайфияти ва сиёсий фаолияти ўсаётганлигини яхши англаб, қандай бўлмасин, уларни итоаткорлик ва хоҳиш-ирода билан ишлатишга қаратилган чораларни кўрди. У 1916 йил декабрь ойида махсус буйруқни эълон қилиб, вилоятларнинг ҳарбий губернаторларининг диққатини мардикорларнинг фаолиятига жалб қилиб деди: "Мен олаётган маълумотларга кўра, мардикорларни уч ойга юборилганлиги ҳақида гаплар кенг тарқалган. Аслида бундай дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Улар қўшинимиз тўла ғалабага эришиб, уруш ниҳоясига етмагунча

ватанига қайтмайди. Кавказдан ҳарбий ахборот бошлиғидан, Бош штаб раҳбарларидан олинган маълумотларга қараганда мардикорларнинг айримлари ишдан бош тортмоқдалар. Уларнинг орасида Фарғона вилоятидан ҳам одамлар бор. Бундай мардикорлар қаттиқ жавобгарликка тортилади ва қамалганларнинг ўрнига вилоятлардан бошқа одамлар юборилади. Вилоят ҳарбий губернаторлари ўз қўл остидаги аҳолига шуни тушунтирсинларки, мардикорлардан кимки ишлашдан бош тортса ва шикоят қилса мардикорларнинг сони кўпайтирилиб, яна Россияга юборилади"[473].

Афтидан, айрим мардикорлар Россиядан қочиб келган бўлсалар керакки, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, П.П.Иванов уезд бошлиқларига ўзбошимчалик билан қочиб келганларни ушлаш ва қайта эшелонга қўшиб Россияга жўнатишни топширган[474].

Водий аҳолиси Россияга юборилган мардикорларнинг оғир ҳаётини билиб, қаттиқ норозилик билдирган. Скобелев уездига қарашли Чимён волостидан кетган юзбоши Мадали Солиев қайтиб келгандан кейин мардикорларни очликдан ва совуқдан азоб чекаётганлигини ва улар сургундан баттар шароитда яшаётганлиги ҳақида гап тарқатган. Бундан ғазабланган 500 киши мардикорларни қайтаришни сўраб ариза ёзганлар. Айниқса, аёллар эрларини қайтаришни қаттиқ туриб талаб қилганлар[475].

Одессада иш юритаётган Бирлашган Мусулмонлар Жамиятига мардикорларнинг вакиллари ҳам киритилган эди. Бу шу ҳақда гувоҳлик берадики, ниҳоят мардикорларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи жамият юзага келган эди. Бу жамият мардикорларнинг ғоятда оғир ҳаётининг гувоҳи сифатида уларни турмуш тарзи, иш шароити ва меҳнатининг қанчалик унумдорлиги билан қизиқиб, махсус текширув ўтказган. Текширув хулосасида шундай дейилади: "Масалани тўғри ҳал қилишнинг йўли мардикорларни ўз ватанига қайтаришдир. Бу ерда улар самарасиз ва фойдасиз ишни қилганларидан кўра ўз она юртида моҳир мутахассис сифатида ишлаб, гуруч ва пахта сингари давлат аҳамиятига ва бутун мамлакатга фойдали маҳсулотларни етиштиришлари мақсадга мувофиқ эди. Улар Россиядаги иқлим ва шароитга мослашмасликлари катта зиён келтирмоқда. Чор ҳукумати туб аҳолини мардикорликка олишда давлатга фойдаси тегадими ёки йўқми, деган масалани ўйламай иш юритганлар. Россияда мардикорларнинг ишининг самарасизлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий шароити ёмонлиги туфайли улар давлатга ҳам, ўзларига ҳам фойда келтирмайди.

Паст иш ҳақи ва рус тилини билмаслик, мингбоши, юз-

бошиларнинг зулми мардикорларнинг аҳволини жуда оғирлаштириб юборди. Шу боис мардикорларни ватанга қайтариш зарур"[476].

Прапорщик С.Акчурин, доктор Т.Г.Палвондов, И.Арифбосв, И.Миржамолов ва М.Мирйўлдошевлар имзо чеккан бу ҳужжат чор маъмурияти номига ёзилган. Ҳужжатда кўрсатилганидек, мардикорларнинг вакилларини Одессада Бирлашган Мусулмонлар Жамияти билан биргаликда иш юритиши, уларнинг ўз сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаши учун курашга жиддий киришганликларидан далолат беради.

Айтиш жоизки, ўлканинг ўзида қолдирилган мардикорларнинг ҳаёти ҳам яхши бўлмаган. Масалан, Тошкент темир йўлида ишлайдиган қўқонлик мардикорларнинг аҳволи жуда оғир эди. Уларнинг ҳаётини текшириш Давлат Думасининг собиқ аъзоси Солижон Алимжоновнинг зиммасига юклатилди. У темир йўлларга бориб аҳвол билан танишиб, ёмон таассурот билан қайтган. Унинг тўплаган маълумотида қайд этилишича, мардикорларнинг ётоқхонаси шу даражада тор бўлганки, ётган одам қимирлаши мумкин бўлмаган. Пулсизликдан айрим мардикорларнинг кийимлари жуда хароб ҳолга тушиб қолган. Мингбоши ва юзбошилар мардикорларнинг ишлаган пулларини олиб, қайтариб бермай, қўпол сўзлар билан ҳақорат қилганлар. Улар ўз ватандошлари ҳисобидан бойлик орттириш, эзиш, хўрлашдан ҳам ор қилмаганлар. Солижон Алимжонов мардикорларнинг бошига тушган кулфатларни ёзиб, мингбоши ва юзбошиларни ишдан четлатишни сўраган[477].

Шундай қилиб, олдинги саҳифаларда шарҳланган маълумотлар Россияда мардикорларга нисбатан адолатсизлик ва зўравонлик нуқтаи назаридан қаралганлигидан далолат беради.

Аммо рус оммавий ахбороти саҳифаларида ҳақиқий воқеани сохталаштирувчи мақолалар босилди. Рус газеталаридан бири Юрий Сердюкнинг "Туркистонлик мардикорлар Россияда" номли мақоласини эълон қилди[478]. Унда ёзилишича: "Сирдарё, Фарғона, Самарқанд ва Каспийорти вилоятларидан юборилган мардикорларнинг барчаси яхши кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминланган. Улар диний ақидаларни имомлар бошчилигида бемалол адо этмоқдалар. Аммо имомларнинг етишмаётганлиги сезилмоқда. Бу масала яқинда ҳал этилса ажаб эмас. Туб аҳолига умрида кўрмаган ва билмаган рус шаҳарлари яхши таассурот қолдирмоқда. Улар кенг кўчаларни ва у ердаги одамни кўплигини, катта ва

ҳашаматли рус биноларини кўриб ҳайронликдан "вой бой, вой бой" (вот как здорово) – деб қойил қолганлар. Бундай дақиқаларда уларда шундай сезги пайдо бўлдики, гўё ерда эмас, осмонда тургандек ўзларини ҳис этдилар. Мардикорлар ватанига ёзган хатида ўз таассуротларини шу даражада таъсирчан ёзганларки, натижада одамларда кетган мардикорларга нисбатан ҳавас туғилиб, Россияда бўлишни истаб қолганлар. Мардикорларда қудратли рус давлатини енгиб бўлмаслигига ишонч ҳосил бўлди"[479] .

Бу сафсаталар ҳақиқатни қанчалик тўғри акс эттира олганлигини билиш учун юқоридаги маълумотлар етарли бўлса-да, биз яна бошқа бир рус ёзувчисининг асаридан бир лавҳа келтиришни лозим деб топдик:

"Кўчадан соқчи отлиқлар назорати остида зангори тўнлар(халат)да минглаб ўзбеклар ўтиб борарди. Ўрта Осиёдаги қўзғолон бостирилган эди, ўзбекларни эса Мурманскка шимолий темир йўл қурилишига ва ўлимга ҳайдаб кетмоқда эдилар. Биринчи ёғаётган қуруқ қор уларнинг кумуш рангда тикилган қора дўппиларига сочилмоқда. Бу маҳкумлар оқими бир неча кун давом этди"[480] .

1916 йил 11 декабрда матбуотда: "Мардикорликка сафарбар қилинганлар, айниқса, Фарғона вилоятидан борганлар орасида норозиликлар, ишдан бош тортишлар, бизни фақат уч ойга ёллаганлар, деган гаплар пайдо бўлди... Бундай ишчилар қамоқ жазосига маҳкум этиладилар ва ўрниларига бошқалари келади", деган хабар босиб чиқарилди[481] .

1917 йил чор ҳукумати ағдарилиб, февраль буржуа-демократик инқилоби ғалаба қилгандан сўнг, Петроградда вақтли ҳукумат тузилди. Бу ҳукумат ўша йилнинг 6 мартида бутун мамлакат бўйича сиёсий амнистия (афв) эълон қилди. Бу қарор Россиядаги мардикорлар томонидан зўр хурсандчилик билан қарши олиниб, ватанига қайтиш имконига эга бўлдилар.

Ўша куниёқ Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткин ўлкадаги барча вилоятларнинг ҳарбий губернаторларига телеграф орқали қуйидаги телеграммани жўнатди: "Тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун олдинги йилда мардикорликка олишга қарши кўтарилган қўзғолонларга барҳам берилсин, қўзғолон қатнашчиларига нисбатан олиб борилаётган тергов ишлари тугатилсин, маъмурий тарзда қамалган қўзғолон қатнашчилари озод этилсин, суд ҳукми билан кесилган қўзғолон қатнашчилари озод этилсин ва баъзиларининг муддатлари юмшатилсин".

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, мустабид ҳукумат

қўзғолон ва жазолардан ҳолдан тойган халқни зўравонлик ва адолатсизлик билан мардикорликка жўнатишга эришди. Фарғона ҳарбий губернатори А.И.Гиппиус билан марказий маъмурият раҳбарлари ўртасида сафарбар этиш бўйича икки хил бир-бирига қарши сиёсат кўзга куринди.

Биринчидан, ташвиқот ва тарғибот воситасида халққа фармоннинг моҳияти ва йўналишини тушунтириб ва унда хоҳиш уйғотиб ихтиёрий равишда одамларни мардикорликка олишлик ғояси намоён бўлди.

Иккинчидан эса, фақат қурол ва куч ишлатиш, назорат ва қўрқитиш билан мардикорликка сафарбар этиш сиёсати ўз аксини топди. А.И.Гиппиус ўзининг режасини амалга ошириш учун кўп чора ва найрангларни амалга оширди. Аммо унинг ҳийласини яхши англаган халқ ихтиёрий равишда мардикорликка боришликка қарши турди. Натижада, чор маъмурияти мажбурий суратда ва зуравонлик сиёсатини қўллаб, тинкаси қуриган халқни Россияга мардикорликка жўнатишга киришди. У сафарбарликни ташкил этишга, мардикорларнинг моддий ҳаётини яхшилашга доир қатор тартиб-қоидаларни, яъни имтиёзларни белгилади. Уларга Россияда меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатилиши ҳақида дабдабали ваъдалар берилди. Аммо буларнинг ҳаммаси қуруқ ваъдалигича қолиб кетди ва мардикорлар мисли кўрилмаган даражадаги қийинчилик ва азоб-уқубатларни бошларидан кечирди. Тураржойларнинг яроқсизлиги, зўравонлик ва хўрлик мардикорларни ғоятда оғир аҳволга солиб қўйди. Шу боис улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб ишлашдан бош тортдилар, бошқа жойларга қочдилар ва ҳатто ғалаёнлар ҳам кўтардилар. Ўн минглаб мардикорларнинг Россияга олиб кетилиши Фарғона водийсидаги шусиз ҳам оғир иқтисодий аҳволни янада мураккаблаштириб юборди. Катта иқтисодий талафотни юзага келтирди. Кўп оилалар боқимандасиз қолди.

Натижада чор ҳукуматига қарши бир томондан мардикорлар, иккинчи томондан уларнинг оилалари ва қариндошларидан иборат кучли оппозиция шаклланди. Бу мухолифат ҳарбий жиҳатдан катта хавф туғдирмаса-да, маънавий, сиёсий жиҳатдан ниҳоятда хавфли эди. Зеро, зулм нақадар кучли бўлса, унга нисбатан кураш ва қаршилик ҳам шу қадар кучли бўлиши тарихий тажрибада кўп кўрилган. Дарҳақиқат, Туркистон халқларининг мустабид ҳукуматга нафратининг чеки йўқ эди. Бу тузумнинг ҳалокатга маҳкумлиги унинг нафақат мустамлака Туркистон, балки эзилган Россия халқларининг чексиз норозилиги билан ҳам белгиланган

эди. Шу боис императорнинг тахтдан ағдарилиши кўп миллионли империя халқлари учун улкан ва оламшумул воқеа бўлди. Ўзининг кейинги 70 йиллик тақдиридан ҳам бехабар халқлар "оқ подшонинг ағдарилиши"ни жуда катта хурсандчилик билан озодлик рамзи сифатида қабул қилдилар.

Бироқ, бу озодлик учун ҳали жуда кўп машаққатлар чекиш, узоқ ва кескин курашлар керак эди.

4.3. ҚЎЗҒОЛОН ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИДАГИ МУҲОКАМАСИ

1916 йилда Туркистонда императорнинг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонининг эълон этилиши ва оммавий тус олган қўзғолонлар ўша даврда жамиятнинг турли тоифа вакиллари томонидан ҳар хил баҳоланади. Турли тоифа вакилларнинг бу воқеага муносабати уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари билан белгиланарди. Бу борада Туркистонда ўша даврда энг илғор фикрли зиёлилар, хусусан, жадидларнинг муносабатига доир бўлса-да, қимматли маълумотлар бор. Маълум бўлишича, жадидларнинг энг йирик вакилларидан бири, ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи адвокат Убайдулла Асадуллахўжаев Тошкентда чиқарилган "Туркестанский голос" газетасининг муҳаррири А.А.Чайкин ва унинг укаси Вадим Чайкинлар билан биргаликда Петербургга бориб, Россия Давлат Думаси аъзоларига Туркистондаги қўзғолонлар ва умуман, туб аҳолининг бошига тушган азоб-уқубатларни маълум қилиб, арз қилганлар. Убайдулла Асадуллахўжаев халқнинг номидан мардикорликка тегишли фармоннинг бекор қилинишини ва ўлкадаги кескин аҳволни ўрганиб, тегишли хулоса чиқарилиши, чора кўрилишини сўраган. Мустабид ҳукумат архивида айрим қайд этилган маълумотларга қараганда, Убайдулла Асадуллахўжаевни Петербургга боришини таъминлаш учун ўлканинг турли шаҳарларида маблағ тўпланган. Тошкент шаҳрида бу ишни амалга оширишда Мунавварқори Абдурашидхонов фаол қатнашган. Демак, Петербургга бориш масаласи жадидлар вакилларининг иштирокида ташкил этилган дейишга асос бор. Тўпланган маблағ Убайдулланинг укаси Башруллo Асадуллахўжаевга берилган. У бу пулни Петроградга акасига жўнатган[482]. Ўлкада содир бўлаётган воқеалардан хабар топган Дума аъзолари бу масалага турлича муносабат билдиришган.

"Туркестанский голос" газетасининг 1916 йил 23 июль сонида босилган маълумотда қурсатилишича, Думадаги мусулмонлар фракциясининг вакиллари Ю.Жаъфаров ва Тевкелевлар Туркистонда мардикорликка олинадиган одамларни ва уларнинг оилалари ҳақ-ҳуқуқларини белгилаш, сафарбарликни аста-секин амалга ошириш ҳақида чор ҳукуматига хат юборганлар. Хатда мардикорликка олишни уюштиришни халқнинг ўзига топширилиши, тавсия этилган аҳолини мардикорликка жўнатилиши қишлоқ хўжалигига зарба бериши таъкидланган.

Мусулмонлар фракцияси, Меҳнаткашлар фракцияси, Тараққийпарварлар фракцияси ва социал-демократлар партияси Россия Давлат Думасида Туркистондаги аҳволни муҳокама қилишни лозим, деб топганлар. Шундан сўнг Думада Туркистондаги император фармони ва қўзғолонлар бўйича текширув ишларини олиб бориш учун А.Ф.Керенский (Трудовик фракцияси), Тевкелев, Ю.Жаъфаров (Мусулмонлар фракцияси)лардан иборат комиссия тузилади. Ю.Жаъфаров зарур иш билан Кавказга кетганлиги учун Туркистонга А.Ф.Керенский ва Тевке-левлар келдилар. Маълумотда айтилишича, оддий халқ уларнинг келишини орзиқиб кутганлар.

Дума аъзоларининг ўлкага келишида жадидлар, хусусан, Убайдулла Асадуллахўжаев катта роль ўйнадилар. Петроград университетини тамомлаган ва кейинчалик Туркистон мухториятига бошчилик қилган Мустафо Чўқаев Дума аъзоларидан иборат комиссияга таржимон ва қузатувчи бўлди[483].

1916 йил 7 августда Дума аъзолари Тошкентга келдилар, 22 августда эса Мустафо Чўқаев қузатувида Жиззахга жўнадилар. Маълумки, бу ердаги қўзғолон ниҳоятда шиддатли равишда ўтганлиги учун юзлаб кишилар ўлдирилган, мол-мулклари таланган ва ерлари тортиб олинган, Жиззах шаҳри тамомила вайронага айлантирилган эди. Чор маъмуриятининг бу ердаги амалга оширган ваҳшийлиги чексиз эди. Дума аъзолари мана шу ваҳшийлик ҳақида жонли гувоҳлардан маълумотларни қўлга киритадилар. Улар 23 августда Жиззахдан Самарқандга, бу ердан Мустафо Чўқаев билан биргаликда Андижонга келадилар. А.Ф.Керенский ва Тевкелев Жомъ масжидига бориб, халойиқ билан суҳбатлашадилар. Уларни ўраб олган жамоа аҳли ўз дарду аламини тўкиб солади. Улар халқ билан гаплашаётганда полиция ходимларини атайин яқинлаштирмайдилар. А.Ф.Керенский нутқ сўзлаб, аҳоли талабини қондиришга ҳаракат қилишини билдиради[484].

У чор ҳукуматининг юргизаётган нотўғри сиёсати орқасида

мамлакатнинг ҳамма жойларида қўзғолон ва тартибсизликлар ҳукм сураётганлиги, уруш тугагандан сўнг, Россияда революция кўтарилиб, чор ҳукуматининг ағдарилиши ва сайловлар асосида подшоҳсиз ҳокимият тузилиши ҳақида гапиради[485].

Ўлкадаги махфий хизмат бўлими А.Ф.Керенскийнинг Андижондаги фаолияти ҳақида ҳукуматга қуйидагича ахборот беради: Давлат Думасининг аъзоси ва Трудовик фракциясининг раиси Керенский ўзининг сўзлари билан туб аҳоли орасида давлат сиёсатига қарши ташвиқот юргизиб, унинг онгида миллатчилик руҳини уйғотишга ҳаракат қилди[486] . Дума аъзолари Андижонда ўзбек, рус ва бошқа миллат вакиллари билан учрашиб, уларнинг талаби ва шикоятларига қулоқ солдилар. Аҳолини мардикорликка олиш ва унга боғлиқ ҳолда кўтарилган қўзғолонлар ҳақида ахборот берганлар. Тевкелев эса бу масалаларни ҳал этиш ишларини кутиб туришни таъкидлади".

А.Ф.Керенский "Туркистон ва Россияда ўзбек ва бошқа туб аҳолининг тақдирини ўйлайдиган руслар борлигига, туб аҳолини оддий бир оломон деб ўйлаб, уларни ҳукуматга хизмат қилиш керак, деган фикрга қарши турадиганлар мавжудлигига ишониш кераклиги" ҳақида гапирган. У мусулмонларга мактабларни яхши ташкил этиш ва фарзандларини ўқитишга ҳаракат қилишларига ишонч билдиради[487] .

26 августда Дума аъзолари Андижондан чиқиб, Қўқон шаҳрига келдилар. Улар билан келган йирик савдогар Шоҳайдар Иноғомов билан биргаликда ҳаммалари "Лондон" меҳмонхонасига жойлашдилар. Бу ерда туб аҳолининг вакиллари билан суҳбат ўтказилади. Шундан сўнг Дума аъзолари "Треугольник" фирмасининг бошлиги И.Е.Зубаревнинг уйида уюштирилган нонуштада қатнашдилар. Зубарев сўл гуруҳларнинг, яъни прогрессив оқимнинг вакили ҳисобланган. Нонуштада социал-демократик партиянинг аъзоси доктор Д.И.Чернобородов ҳам қатнашди. Демак, ҳукуматга қарши бўлган мухолифат кучлар бир жойга йиғилишган. Бу ерда Думада Туркистондан вакил бўлиши, ўлкани бошқаришни такомиллаштирилиши лозимлиги, қўзғолонларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида савол-жавоблар олиб борилди. Дума аъзолари бу масалаларни Дума мажлисида кўтаришга ваъда бердилар.

Сўнгра улар Қўқоннинг эски шаҳар қисмига бориб, у ерда туб аҳолининг вакиллари билан суҳбатлашдилар. Айниқса қўзғолонларнинг сабаблари ва оқибатларига, мардикорликка сафарбар

этишга доир масалаларга қизиқиш билан қаралди. А.Ф.Керенский ва унинг ҳамроҳлари Аравон волостининг бошлиғини ўлдирилиш сабабларини сўради. Бунга жавобан унинг ойлик маоши 80 сўм бўлиб, порахўрлик ҳисобига 200 минг сумлик бойлик тўплаганлиги ва шунинг учун ўлдирилганлиги маълум бўлди[488] .

Қўқоннинг туб аҳолиси вакиллари Дума аъзоларининг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида зиёфат бермоқчи бўлдилар. Аммо маъмурият зимдан йўл бермади.

Дума аъзолари Тошкентда туб аҳоли вакиллари билан учрашдилар. Уларнинг шарафига "Регина" ресторанида бўлган зиёфатга шаҳар ҳокими Н.Г.Маллицкий, истеъфодаги подполковник Оллоқулбек Жўрабеков, Убайдулла Асадуллахўжаев, шаҳар бойларидан Орифхўжа Азизхўжаев ва рус жамоасининг вакиллари, жами юздан ортиқ меҳмонлар ташриф буюрди. Улар ўзларининг нутқларида Дума аъзоларининг Туркистонга эътибор берганликлари ва Дума мажлисларида адолат ва ҳақиқат учун ҳаракат қилаётганлари учун миннатдорчилик билдирдилар. Сўзга чиққан Убайдулла Асадуллахўжаев Дума аъзолари ўлкада бўлиб, туб аҳолининг тинчлик тарафдорлигига ишонч ҳосил қилганликларини қайд қилди.

Сирдарё вилояти мактаблар бошқармасининг раҳбари С.М.Граменицкий ўлкада бошланғич мактабларнинг қониқарсиз аҳволи қўзғолон сабабларидан бири эканлиги ва бу масалага Думанинг эътиборини жалб этишни сўради.

Шаҳар бошлиғи Маллицкий ўлканинг барча шаҳар-ларида ўзини-ўзи бошқариш тизимининг жорий этилишини таклиф этди. 1 сентябрда "Буфф" ресторанида ҳам зиёфат берилиб, унда юқорида кўтарилган масалалар бўйича суҳбатлар ўтказилди. 2 сентябрь куни А.Ф.Керенский Петроградга, кейинги куни эса Тевкелев Уфага жўнаб кетдилар.

Дума аъзоларининг ўлкага келиши ва олиб борган суҳбатлари маҳаллий аҳолида император фармонини бекор қилинишига ёки юмшатилишига ишонч ҳосил қилган эди. Бундан мамнун бўлган нуфузли кишилар хусусан Сарикбой Акаевнинг ташаббуси билан Дума аъзоларига мукофот тариқасида пул тўплашга киришдилар. Бу пуллар А.Ф.Керенский ва Тевкелевга берилган[489] .

Шундай қилиб, Дума аъзолари Туркистондаги аҳвол, мардикорликка сафарбарлик ва қўзғолонлар ҳақида маълумотлар тўплаб, ўлканинг манфаатини ҳимоя қилиш руҳи билан жўнаб кетганлар. Зиёлилар саъй ҳаракати билан уюштирилган бу ташриф ва

учрашувлар фармон ижросини тўхтата олмаса-да, Тевкелевнинг аралашиши туфайли мардикорларнинг сони 2000 кишига камайтирилди[490]. Бу эзилиб ётган халқ учун катта мадад эди.

1916 йил 9 сентябрда А.Ф.Керенский Туркистон генерал-губернатори Куропаткин номига шундай телеграмма юборади: "Шахсан ўзим Туркистон ўлкаси билан танишдим. Сизнинг эътиборингизни қуйидагиларга жалб қиламан. Туб аҳолини мардикорликка жалб этиш ички ишлар вазирлиги томонидан кўрсатмалар ишлаб чиқилмай бошлаб юборилган. Император фармонининг мақсади ва тартиби одамларга тушунтириб берилмаган. Маҳаллий маъмурият ўз мансабини суиистеъмол қилиб, аҳолининг тинчлигини бузган. 15 сентябрда мардикорликка сафарбарликни бошлаш қўшинни ва мамлакатни ғалла, пахта ва гўшт билан таъминланаётган вилоятларнинг хўжалик ҳаётини қўпоришга олиб келади. Мени кузатишларим шуни кўрсатадики, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти қонуний кўрсатма тайёрлангунгача мардикорликка сафарбар этишни тўхтатишни тақозо этади. Керак бўлган тақдирда мен сизга кўрганларимнинг барчасини маълум қилишим мумкин"[491].

Бу телеграмма 18 сентябрда етиб келди, бу пайтда тайёргарлик ишлари асосан ниҳоясига етказилган эди. Бундан ташқари, А.Н.Куропаткин учун Дума аъзосининг таклифи кучга эга бўлмай, у марказий ҳукумат раҳбарларининг кўрсатмасини инобатга олиши мумкин эди. Ҳукумат эса ҳамон император фармони бажарилишини талаб этмоқда эди. А.Ф.Керенский буни яхши англасада, лекин ҳукуматга нисбатан оппозицияда бўлганлиги учун ўз бурчини адо этишни лозим, деб топди. Тез орада Туркистон воқеалари Давлат Думасига киритилди.

Думада мардикорликка сафарбарлик ва қўзғолонларга доир масалани кўриш декабрь ойига режалаштирилди. А.Ф.Керенский асосий маърузачи этиб тайинланди.

Дума мажлиси 1916 йил 13 декабрда очилди. А.Ф.Керенский маърузани Туркистондаги қўзғолонлар нафақат ўлкани, балки бутун Россиянинг ҳаётига таъсир кўрсатганлигини баён этиш билан бошлади. Унинг таърифлашича, қўзғолонлар иқтисодиётга ва тинч ҳаётга зарба бериш билан бирга бир неча минг русларни ва бир неча ўн минг туб аҳолини ҳалок бўлишига олиб келди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, чор маъмуриятининг расмий ҳужжатларида маҳаллий аҳолидан бир неча ўн минг киши ҳалок бўлганлиги қайд этилмаган, чунки маъмурият ўзи уюштирган шафқатсиз

қиргинбаротни яширган эди. Аммо бу сир А.Ф.Керенский томонидан очиб ташланди.

У императорнинг фармони Россия империясининг қонунларига зид равишда ўзбошимчалик билан эълон қилинганлигига алоҳида эътибор қаратди. Уни тайёрлашда ўлка маъмурияти билан келишилмаган ва маҳаллий шароит, имконият билан ҳисобланилмаган.

"Туркистон, – дейди А.Ф.Керенский, – бу Тула ёки Тамбов губернияси эмас. Унга Англия ёки Франция ўз мустамлакаларига қандай қараган бўлса шундай муносабатда бўлиши керак. Туркистон ўзига хос турмуш тарзи, иқтисодий ва сиёсий хусусиятларга эга бўлган катта бир дунёдир"[492] .

Бу ерда А.Ф.Керенский ўлканинг ўзига хос хусусиятларини тўғри айтиш билан бир қаторда мустамлакалар билан муомала қилишда Англия ёки Франциядан ўрнак олишга даъват этади, улар мустамлакачилик сиёсатини ниҳоятда пухта ва маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда юргизганлигини таъкидлади. Демак, А.Ф.Керенский ўзини қанчалик адолатпарвар деб кўрсатмасин, барибир мустамлакачилик кайфияти ва манфаатларини инкор этмайди, бу сиёсатни юмшатишни таклиф этади, холос. А.Ф.Керенский партияси, дунёқараши ва эътиқоди турлича Давлат Думасининг аъзоларига шундай савол билан мурожаат қилади: "Тамбовми ёки Москва губерняларида дала ишлари қизғин тус олган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириш мавсумида бугун эркакларни қанақадир номаълум жойларга жўнатиш ҳақида тутуруқсиз ва жиннисифат фармон берилса бажарилармиди? Бундай фармонни бажариш бошланиши биланоқ Туркистондагига ўхшаш қўзғолонларнинг кўтарилиши турган гап эди. Тамбов губерниясида эса бу ердагидан ҳам кучлироқ қўзғолон кўтарилишига ишончим комил"[493] .

А.Ф.Керенский "Туркистондаги қўзғолонлар панисломистларни, немисларни ёки бошқа бир мамлакатларнинг таъсирида юзага келганлиги" ҳақидаги фикрларнинг асоссизлигини алоҳида таъкидлайди. А.Ф.Керенский фармонга аҳолининг салбий муносабати сабабини тушунтириб, император фармонини эълон қилиш арафасида Туркистон ўлкасида фронт эҳтиёжлари учун туб аҳолидан жуда катта ҳажмда пул ва бошқа турли нарсалар йиғиб олинганлигини, маъмурият вакиллари уларни олаётганда: "Куприк бераверинглар, сизлар бошқа ҳеч қандай солиқларни тўламайсизлар, армияга ҳам бормайсиз", – деб халқни ишон-

тирганлиги, туб аҳоли эрлари ёки фарзандлари фронтга кетган рус оилаларига 100.000 сўмдан ортиқ пул ёрдамини кўрсатганлиги, бу ўз даври учун катта маблағ ҳисобланган ҳақида аниқ маълумотлар келтиради. Керенский туб аҳолининг тинчлик-севарлиги ва олижаноблигини тасвирлаб, фармон арафасида ўлканинг узоқ жойларида ҳам руслар тинчлик ва хотиржамликда, ҳеч қандай ваҳима ва қўрқувни билмай бемалол яшайвергани, ҳатто туб аҳолининг орасида эркакларсиз яшаётган аёлларга ҳам ҳеч ким тегмаганини таъкидлайди. Туркистон халқи давлат арбобларининг ақлсизлиги ва нотўғри сиёсати туфайли Россия империясига қарши курашга кўтарилганини алоҳида уқтириб ўтди"[494] .

"Туркистонда, – дейди А.Ф.Керенский, – қўзголонлар-нинг сабабчиси тамомила марказий ҳокимиятдир. У ғайриқонуний фармонни эълон қилиб, барча қонун ва ҳуқуқларни бузди. Шунингдек, уларнинг айблари шундан иборатки, гуллаб-яшнаётган Туркистонни харобага айлантириб шундай шароитни юзага келтирдиларки, натижада туб аҳоли очликка мубтало этилди. Уларнинг айби яна шундаки, улар иккинчи Туркистон фронтини юзага келтирдилар"[495] .

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган эди. Зеро, бутун ўлканинг шаҳарлари, қишлоқ ва овулларини қамраб олган қўзголонларни бостириш жараёнида катта ҳарбий куч ишлатилди, ўн минглаб одамлар ўлдирилди ёки жароҳатланди. Ўлкада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши ҳам фронтнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

А.Ф.Керенский император фармони авжи деҳқончилик мавсумигагина эмас, балки рўза кунларига тўғри келганини таъкидлади. Июлнинг иссиқ кунларида қуёш чиқишдан то уни ботгунича бир қултум сув ичмай, рўза тутиш вақтида эркакларни мардикорликка олиш туб аҳолининг газабига газаб, нафратига нафрат қўшган.

Маърузачи фармонни тайёрлашда Туркистон аёлларининг ўзларига хос шароити ҳисобга олинмаганлигини кўрсатиб ўтди. Унинг фикрича, Россия империяси туфайли аёллар "дунёдаги ягона энг қолоқ" кишиларга айланганлар. Улар ҳатто кучаларда ҳам паранжи ёпиниб юриб, жамоа ишларидан четда қолганлар. Уларни эркакларсиз деҳқончилик, савдо-сотиқ ва бошқа ишлар билан шуғулланишлари қийин. Улар асосан уй ишлари билан банд бўлиб, ўзлари оилани таъминлай олмайдилар. Аёлларнинг аҳволи мана

шундай бўлиб турган бир шароитда Туркистонда эркакларнинг мардикорликка олинишини тасаввур этиб бўлмайди. Маърузачи пул эвазига одамларни мардикорликка ёллашга рухсат этилган-лигини қоралади. Чунки маҳаллий маъмурият вакиллари ундан бойлик орттиришга қаттиқ киришганлар. Натижада порахўрлик авжига миниб, унинг бутун оғирлиги меҳнаткаш омманинг зиммасига тушган ва порозилик кучайиб кетган. Маърузачи бунинг учун бутун айбни фақат маҳаллий маъмуриятга тўнкашини нотўғри деб билади.[496] Негаки мингбоши, элликбоши, оқсоқоллар синфари маҳаллий маъмурият вакиллари чор маъмуриятининг хизматкорлари сифатида иш юритиб, унинг чизган чизиғидан чиқмаган. Порахўрлик билан топилган бойликлар биргаликда баҳам кўрилган. Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернатори чор маъмуриятининг кўп ходимларини ишдан четлатишга мажбур бўлган[497].

А.Ф.Керенскийнинг қайд этишича, маҳаллий маъмурият тугилганлик ҳақидаги гувоҳнома жорий этилмаганлиги учун мардикорликка олинадиган одамларнинг ёшларини аниқлашда гирромликка йўл қўйган. Пора берган 20 – 30 ёшли кишиларнинг ёши 50 ёш, 60 ёшли камбағаллар эса 30 ёш қилиб ёзилган. Улар бу йўл билан ҳам бойлик орттирган[498]. "Бунга қарши, – дейди А.Ф.Керенский, – қайси ўзбек ёки қозоқ волость бошлиғи, оқсоқол ёки полиция устидан шикоят қилишга журъат эта олади. Бордию шундай қилинса борми, бекордан-бекорга итга ўхшатиб отиб ташлайдилар. Аёлларнинг аҳволига бир назар ташлайлик. Улардан эркаклар тортиб олиниб, очлик ва қашшоқликка дучор этилади. Шунинг учун ҳам бир умр юзларини бегона эркакка кўрсатмаган аёллар паранжиларини ташлаб, солдатларнинг отининг оёги остига ўзларини отдилар ва "бизларни очлик ўлимига учратгандан кўра отиб ўлдиринглар", – деб бақирдилар[499].

А.Ф.Керенский чор маъмуриятининг Туркистондаги кирдикорларини бирма-бир очиб ташлади. Чунончи, аҳолини судга бериш, ҳатто осиб ўлдириш синфари ваҳимага солувчи сўзлар билан қўрқитиб, мол-мулки охиригача шилингани, Наманган ва Қўқон уездларида минглаб кишилар – эркак, аёл, ёш ёки қари барибир қамоққа ташлангани, кимнинг пули бўлса озод этилгани кўрсатиб утилди. У ўлкада содир этилган адолатсизлик, зўравонлик ва талончилик бир неча ўн йилларга татигулик ёмон таассурот қолдирганини тан олиб, чор амалдорлари томонидан амалга оширилган бундай жирканч ишлари рус давлати ва маданиятининг вакилларига уятдир, – деб эътироф этди"[500].

А.Ф.Керенский ўз сўзида чор маъмурияти доирасида ва матбуотда гўё қўзғолонлар Туркия ёки панисломизм таъсирида кўтарилиши ҳақидаги фикрнинг сохталигини ҳам исботлаб берди. Унинг айтишича, Туркия билан уруш эълон қилинганда, ўлкадаги ҳарбий ҳокимият ва махфий хавфсизлик бўлими Петроградга "Туркистондаги туб аҳоли Россиянинг Туркия билан урушаётганлигига асаби бузилаётганлиги ва бунинг оқибати ёмон бўлиши" ҳақида ахборот берганлар. Кўп ўтмай Андижон шаҳарида миллионер Миркомилбой Мирмўминбоевнинг хонадонида панисломистик ғояни тарғибот этувчи прокламация (чақириқ қоғозлари) топилиб, Миркомилбой ҳибсга олинади. Бундай далил ҳужжатнинг топилиши чор маъмуриятини суюнтириб юборган. Бироқ амалдорлардан бири ишонмай, шахсан ўзи текширув ўтказиб аниқлашича, прокламациялар аввал маҳаллий хавфсизлик бўлимининг агенти (айғоқчиси) Тимофеев хонасида сақланган экан. У уларни Миркомилбойнинг уйига яширинча қўйган экан[501]. Бу туҳмат фош этилган бўлса-да, лекин Миркомилбой пора бериб, зўрға озод бўлган.

Тошкентда ҳам барча қозилар Афғонистон подшоҳига хат ёзганликда айбланиб, ҳибсга олинди. Аммо суд уларнинг ишини кўриб чиқиб, қамоқдан озод қилди. Чунки хат уюштирилган, яъни қалбаки бўлиб чиқди[502]. Шунингдек, қозоқ қўзғолончиларига турк генерали бошчилик қилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам уйдирмадан иборатлиги исботланди[503].

А.Ф.Керенский Фарғона, Самарқанд ва бошқа вилоятлардаги қўзғолонларни мисли кўрилмаган даражада раҳмсизларча бостирилганлигига алоҳида тўхталди. Хусусан, Жиззахда ҳарбий қисм бошлиги солдатларга йўлда учраган уйларни ёқишни, аҳолининг ёши ва жинсига қарамай, ёппасига қиришни буюради, ҳатто кексалар ва чақалоқлар ҳам ўлдирилади. Шаҳарнинг 20.000 кишилик аҳолиси тўзитиб юборилди. Тирик қолган кексалар, аёллар ва болаларнинг ҳаммаси шаҳарнинг чеккасидаги чўлга ҳайдаб чиқилиб, калтакланади, хўрланади ва мол-мулки таланади.

"Мен, – дейди А.Ф.Керенский, – шунча фронтларда бўлиб, ҳеч қаерда Жиззахдек вайронага айлантирилган шаҳарни кўрмаган эдим. Уларни мол-мулки ва ерлари ҳам ҳукумат томонидан тортиб олинди"[504]. Жазо отрядлари минглаб қирғизлар ва қозоқларни қириб, тураржойларини харобага айлантирдилар[505].

А.Ф.Керенский маърузасининг охирида шундай хулосага келди: Европанинг йирик давлати Россия номидан Туркистонни бошқараётган чор маъмурияти раҳбарликни Бухоро ва Туркия

сатрапларидан кўра ёмонроқ ҳолда олиб бормоқда. Чунки Бухоро хонлигида халқни ёппасига қиришга қодир ҳарбий қуроллар йўқ. Худога шукрлар бўлсинки, Бухорода бир-икки ҳафтада минглаб тинч аҳолини, аёллар ва болаларни қиришга қодир такомиллашган ҳарбий қуроллар, пулемётлар ва кучли мунтазам қўшин йўқ. Императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонини бажариш туб аҳоли устидан зўравонлик, адолатсизлик қилиш билан олиб борилди. Бу давлат учун шармандаликдан бошқа ҳеч гап эмас. Фармон янги ва тузатиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келди. Туб аҳоли чор ҳукуматининг кимлигини билиб олди. Хуллас, мен Тевкелев билан Туркистонда бўлганимиз ва туб аҳоли билан суҳбатлашганимизда даҳшатли фожиаларнинг гувоҳи бўлдик".

А.Ф.Керенский ишончли далиллар асосида чор ҳукуматининг барча адолатсизлиги ва зулмини фош этиб шундай деди: «Туркистон генерал-губернатори Жиззах шаҳрини яксон қилиш билан чегараланмай, аҳолининг катта ҳажмдаги ерларини давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида фармон берди. Одамларнинг айби борми ё йўқми, ерлар ёппасига мусодара қилинди. Шу тариқа туб аҳоли ва унинг авлодлари ўзларининг мулкидан маҳрум этилди. Бундай чора Еттисувда ҳам қўлланилди. Айтинглар-чи, Россиянинг қайси қонунларида терговсиз ва судсиз мол-мулк мусодара қилинган[506].

Бордию Россияда яҳудийларнинг ғалаёни кўтарилса, Туркистондагидек мол-мулкни мусодара қилиш ва қирғинларни уюштириш мумкин бўлмас эди. Чунки бунга жамоатчилик йул бермаган бўлар эди. Сизлар қаердан эшитгансизлар, у ёки бу давлат узининг фуқароларини мол-мулкидан маҳрум этганини? Қаерда кўргансизларки, бизнинг нодон ҳукуматимизга ўхшаб ўз фуқароларини шафқатсизларча жазолаганини?

Чор ҳукумати фақат Жиззахда эмас, балки Туркистоннинг бошқа шаҳарларида, жумладан, Тошкент уездидаги Тўйтепада талон-торожликни, зўравонлик ва қирғин-баротларни сурбетларча амалга оширди. Қайси давлат қўзғолонда икки кишининг хуни учун 200 кишини ўлдирган?

Қозоқларни жазолаш ўтроқ халқни жазолашдан ҳам ўтиб тушди. Улардан 500 киши Беловодск қишлоғига келтирилиб, таёқ ва тошлар билан уриб ўлдирилди. Қолган кишилар Пишпекка олиб келиниб, Собор майдонида оркестр садолари остида ўлдирилди. Лугово қишлоғида кўп сонли қозоқлар отилди ва дарёга чуктирилди. Тўқмоқда эса барча аҳоли ва овуллар қириб ташланди.

Кўчманчилар шу тарзда жазоланиб, қўй, от ва бошқа молларни солдатлар қўлга киритдилар. Жазо отрядлари тоғларга жўнатаётган аёллар, болалар ва кексалардан иборат қочоқларни ҳам совуқ ва очликка мубтало этди. Бундай оғир шароитда уларнинг қирилиши турган гап эди".

А.Ф.Керенский Туркистоннинг бошқарув тизимини қоралаб, қўзғолонлар ва бошқа тартибсизликларга йўл бермаслик учун қисқа муддатда бир қатор масалаларни ҳал этишни ўртага ташлади. Унинг фикрича, "Туркистонда ҳокимият бошқарувини такомиллаштириб, Европа хилидаги, яъни демократик давлатни дарҳол ташкил этиш лозим, Туркистон ривожланаётган Ҳиндистон, Эрон ва Хитой сингари мамлакатлар қуршовида турганини ҳисобга олиш керак. Бу жойларда янги тизимни бунёд этишга, янги ҳаёт ва ижобий, илғор ўзгаришларга интилиш кетмоқда. Улар давлатчиликни бошқачароқ тушунмоқда. Биз эса ҳамон ўша 1865 йилда Туркистонни босиб олган тушунчада қолиб, эски тартиб ва бошқарув тизимида Туркистонни бошқараётирмиз. Бу ҳақ-ҳуқуқ ва адолатни билмаслик, деган сўздир. Ваҳоланки, бундай тартибда бошқариш ҳозирда тамомила тўғри келмайди. Генерал-губернатор А.Н.Куропаткин олдинги раҳбарларга қараганда анча етук, лекин ундан Туркистонни қандай бошқариш керак, деб сўрасангиз, ҳайратда қоласиз. Чунки у туб аҳолини ҳуқуқи чегараланмаган ҳокимият воситасида бошқариш ягона йўл, деб жавоб беради. У XX асрда Туркистонда ўзини-ўзи идора этиш зарурлигини инкор этиб, ўзини кўп сонли болалар ва фуқароларнинг отаси, деб кўрсатмоқда. Бундай қилиш ҳеч ҳам мумкин эмас. Чунки бу халқ ўз маданиятига эга, бу эса уни чор мансабдорларидан юқорида олиб туради. Туркистондаги воқеалар, яъни қонунсизлик, зўравонлик ва қўзғолонлар нафақат ҳокимиятнинг нодонлиги ва калтафаҳмлигини, балки маҳаллий бошқарув тизимининг чиришининг ҳам маҳсулидир. Рус давлатчилигининг гавҳари, пахта макони ҳисобланган Туркистон пухта ва оқилона равишда тузилган бошқарув тизимида эмас, тамомила "нима бўлса бўлар" деган нотўғри йўлдан бормоқда. Шу боис уни бошқаришни тубдан ўзгартириш – шу куннинг долзарб масаласидир.

Туркистонда адолатли ҳокимият ўрнатиш ва тараққиётни таъминлаш учун бу қадар жон куйдираётган А.Ф.Керенский ўзи ким эди? У 1881 йилда Симбирскда туғилган. Эсерлар партиясининг аъзоси ва йирик сиёсий арбоб эди. 1917 йилда чор ҳукумати ағдарилгач, унинг ўрнида тузилган Муваққат ҳукуматнинг Адлия

вазири, сўнгра эса шу ҳукуматнинг бошлиги этиб тайинланди. Большевиклар ғалабасидан сўнг, 1917 йил 7 ноябрда Қишки саройдан қочиб, шимолий фронт (Псков)га келди. Бу ерда қўшинни Петроградга қарши юборди. Краснов бошчилик қилган аскарлари билан жангда маглубиятга учратилди.

Шундан кейин умиди узилган А.Ф.Керенский чет мамлакатга яширинча қочишга улгурди. У 1918 йилдан Францияда, 1940 йилдан умрининг охиригача (1971) Америкада яшаб, 92 ёшида вафот этди.

Дума минбарига А.Ф.Керенскийдан сўнг Бокудан сайланган депутат Ю.Жаъфаров чиқиб, Мусулмонлар фракцияси номидан гапирди. Унинг кўрсатишича, императорнинг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармони туб аҳоли ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган ҳолда тайёрланган. У Россия қонунларига мос тушмайдиган гайритабиий фармон бўлиб,[507] унда туб аҳолининг манфаатлари ва муносабатлари эътиборга олинмаган. Аслида, фармон давлат кенгаши, Давлат думасининг тасдиғидан ўтгандан сўнггина императорнинг имзоси билан эълон қилиниши лозим эди. Аммо бундай қилинмади. Ички ишлар вазирлиги қонун билан ҳисоблашмай, туб аҳолини мардикорликка сафарбар этиш ҳақида кўрсатма берган. Чор маъмуриятининг туб аҳолини менсимай ҳокимиятни суиистеъмол қилиши ҳеч кимга сир эмас. Мусулмон фракциясига Туркистонга мардикорликка олиш масаласи ва адолатсизликлар бўйича кўп шикоятлар келган. Шунга биноан, фракция тегишли вазирликларга хат юбориб, норозилик билдирган. Бироқ вазирликлар қулоқ солмаганлар. Ю.Жаъфаров Андижон, Қўқон ва бошқа жойлардаги кўтарилган қўзғолонлар ҳақидаги маълумотларни Дума аъзоларига ҳавола этди. Маҳаллий маъмурият вакиллари мардикорлик рўйхатини тузаётганда унга пора берган бойларни киритмаган. Бироқ пул бермагани учун фарзанди йўқ, бева оилалар ҳам рўйхатга киритилган. Умуман, рўйхат тузишда адолатсизликка йўл қўйилган. Бу хусусда Ю.Жаъфаров шундай маълумотни келтирган: "Мардикорликка одамларни ёллаш тартиби кўп қийинчилик ва адолатсизликни юзага келтирди. Ёллаш пули кун сайин ошиб, 75-100 сумдан 200-300 сўмгача кўтарилган. Шундай вақтлар бўлдики, шунча катта пулга одам топиш амримаҳол бўлиб қолди. Фарзанди йўқ аёллар эса мардикорлик солиғини тўлаш учун чувринди ҳовлисини сотишга мажбур бўлган.

Кейин доктор кўригидан ўтилади, деб рўйхатга бемор ва шол

касаллигига чалинганлар ҳам киритилган. Бундай оғир дардли кишилар фақат пул бериб қутулишлари мумкин эди.

Мардикорликка олинмаган хонадон эгалари мардикор олинган оилаларга пул тўлашга мажбур қилинди. Масалан, Скобелев уездидаги Марҳамат қишлоғидаги аҳолига 90 та мардикор бериш топширилди. Мардикор бермаганлар 90 кишининг оиласига 3 – 4 ой мобайнида 100 сўмдан бериб туриши керак эди. Найманча қишлоғида ҳам шу мақсадда 12.000 сўм пул йиғилган. Шундай қилиб, туб аҳоли ҳам пул, ҳам мардикор берганлар.

Темир йўлларда юриш маҳаллий аҳоли учун тақиқланиб, қариндошларникига бориш, савдо-сотиқ билан шуғулланиш, умуман, бир жойдан иккинчи жойга бориш буйруқ билан тақиқланди. Шу равишда бутун ўлка қамоқхонага айлантирилди".

Улканинг бош раҳбари туб аҳолига офицерларни ва амалдорларни кўрганда таъзим қилишга буюрди. Бу билан чор маъмуриятининг шаънини кўтаришга ҳаракат қилинган. Таъзим қилмаган одамлар хўрланди ва калтакланди. Шунинг учун одамлар чор амалдорларининг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилдилар.

Ю.Жаъфаровнинг фронтдаги ҳаракат зонасида ишлаётган ўзбек, қозоқ ва қирғизлар ҳаётига тегишли маълумотлари қимматлидир. У мардикорларнинг Мусулмон фракциясига келган шикоятларига асосланиб, уларнинг кундалик ҳаёти жуда оғир ва ачинарли бўлганлигини Дума аъзоларига гапириб берди. Мардикорлар солдатлар томонидан қаттиқ назорат ва таъқиб остида ушлаб турилган. Уларни калтаклаб, қадр-қимматини ерга урганлар. Арзимаган тартибсизликка ҳам ваҳшийларча муносабатда бўлинган. Ётоқхона санитар нуқтаи назаридан талабга мутлақо жавоб бермай, мардикорлар зах ерларда азоб чекканлар. Ҳатто сувда тикка туриб ишлаганлар. Совуқ туфайли мардикорларда бел ва оёқ оғриғи касаллиги кенг тарқалган. Тиббий ёрдамнинг суслиги орқасида касаллар ётоқхонада қаровсиз бир неча кунлар ётганлар. Мардикорлар касаллик ва чарчаганликлари ҳақида шикоят қилсалар, жавобига ҳақоратланганлар, ҳатто калтакланганлар. Мардикорлар болта, арра ва бошқа иш қуролларига шикаст етказсалар, жарима солиниб маошдан босиб олинган. Натижада уларга жуда оз иш ҳақи олишга тўғри келган.

Ю.Жаъфаров ўз сўзини якунлаб, "Туркистондаги ниҳоятда оғир ва мушкул ҳаёт назоратсиз ва масъулиятсиз ишлаётган, халққа зўравонлик ва зулм қилишга одатланган ҳукуматнинг ишидир", деган хулосага келади.

А.Ф.Керенский ва Ю.Жаъфаровларнинг сўзларини депутат С.Н.Мансуров қувватлаб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини Дума аъзоларига ҳавола этди. У уч йил Туркистон заминида солиқ инспектори лавозимида хизмат қилганлиги учун маҳаллий шароитни яхши билган. У ҳам император фармонини гайриқонунийлиги ва самарасизлигини таъкидлаб, таассуротларини баён этди. У Туркистонда ишлаганда икки хил манзарани кўрган:

1. Қақраб ётган чўлларда бир неча чақиримга чўзилган ва бир томчи сувсиз ариқ излари ёйилиб ётган. Булардан каттакичик сув йўллари турли томонларга таралган сув иншоотларининг қолдиқлари. Улар XIV – XV асрларда Темур ва Темурийлар давлати даврида, сўнгра XVI асрда қурилган экан. Сув каналлар орқали Туркистон ерларини суғориб турган. Демак, ўлкани Россия томонидан босиб олинишидан олдин у ерда катта ва ажойиб сув иншоотлари бўлган. Бу вақтда ўлкада катта ҳажмда галла ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Аммо чор ҳукуматининг ҳукмронлиги вақтида ўша сув иншоотлари харобага айланган[508]. Бу С.Н.Мансуровнинг биринчи таассуроти эди.

2. Иккинчиси шундан иборат бўлганки, уни миршаблардан бири кузатиб юрганда, мудҳиш воқеага дуч келган. Улар бозорга яқинлашганда бир гуруҳ кишилар келиб, миршаб билан нималарнидир гаплашган. Бозорга киришганда улар миршаб бошлиқ тўпланиб турган одамларни дуч келган жойига қамчи билан ураверишган. С.Н.Мансуров ҳайрон бўлиб, тўс-тўполонни тўхтатишга ҳаракат қилганда фойдаси бўлмаган. Кейин шу нарса маълум бўлдики, одамларни калтаклаш чор маъмуриятининг нуфузли вакилларига ҳурмат ва иззат белгиси сифатида қилинар экан[509]. Бу ҳолат босқинчиларнинг туб аҳолини одам сифатида кўрмай хўрлаши ҳақида далолат беради. С.Н.Мансуров ўша воқеа мисолида Дума аъзоларига чор ҳукумати Туркистонда ваҳшиёна сиёсат юргизаётганлигини намойиш этган эди.

"Эҳтимол, – дейди С.Н.Мансуров, – ҳозир суғориш тизими бирмунча яхшиланиб, чор маъмурияти бир оз юмшагандир, лекин туб аҳоли аҳволининг оғирлиги ва сунъий суғоришдаги қолоқлик ҳукм сурмоқда. Чунки ўлкада маъмурий лавозимларда ишлаётганлар чаласавод, порахўр ва тирриқ кимсалар ҳисобланиб, биринчи навбатда ўзларининг шахсий манфаатини ўйлайдилар. Улар ўзларини ўлканинг ҳақиқий ва ягона эгаси, деб ҳисоблаб, барча одамлар уларга таъзим қилиши ва боқиши керак. Улар туб

аҳолига ўзича фикр-мулоҳаза қила олмайдиган ва қотиб қолган "зоти паст" кимсалар сифатида қараб, уни оёқости қиладилар. Ҳатто, чор маъмурияти олдида аёллар очиқ юз билан кўринсин, деб уларнинг паранжиларини ечишган. Бу билан халқнинг урф-одатлари ва иззат-нафсини таҳқирлаган. Чор ҳукумати вақф ерларни аниқлашда ҳам қўпол хатоликларга йўл қўйганлар. Унинг адолатсизлиги ва порахўрлиги монанд равишда мингбоши, элликбоши ва оқсоқоллар сингари маҳаллий маъмуриятнинг фаолияти шаклланди. Улар аслида лавозимга сайланишлари лозим бўлса-да, лекин амалда чор маъмурияти томонидан ўзларига содиқ кишилар тайинланган.

Волость бошлиғига номзоди кўрсатилган одам 30 минг сўм сарфлаган. Ваҳоланки, унинг ойлик маоши 500 сўмдан ошмаган. У мансабга ўтиргач, харажатини бир неча бор ортиқ турли ҳийла-найранглар билан халқ ҳисобидан қоплаган. С.Н.Мансуров чор маъмуриятининг асл қиёфасини кўрсатувчи яна бир бошқа мисолни келтирди. 1916 йил сентябрь ойида ўлка билим юртининг инспектори Кузнецов йиғилишда ўқиган маърузасида туб аҳолининг қобилиятини, маданиятини, фан ва саноатини ривожлантиришга қодирлигини мақтаганда генерал-губернатор А.Н.Куропаткин унинг сўзларига қарши чиқиб, қоралаган.

Депутат С.Н.Мансуров юқорида шарҳланган маълумотларга асосланиб, ўлкадаги оғир ҳаёт ва қўзғолонларнинг сабабчилари марказий ва маҳаллий ҳукумат раҳбарларидир, деб кўрсатди. "Улар туб аҳолининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини инкор этган ҳолда уни мисли кўрилмаган даражада эзиб сувини ичаётганлигига, бойликларини талаётганлигига ва зулмининг авжига чиққанлигига" Дума аъзоларининг диққатини жалб этди. У сўзининг охирида агар чор ҳукумати ва унинг ўлкадаги маъмуриятнинг ҳозирги сиёсати қўпориб ташланмаса, ўлкани бошқариш ўзгартирилиб такомиллаштирилмаса ва адолат ўрнатилмаса, янада даҳшатлироқ қўзғолонларнинг кўтарилиши турган гаплигини алоҳида таъкидлади.

Думада депутат граф Д.П.Капнисть ҳам Туркистонда юзага келган оғир аҳволни таърифлади.

У қўзғолонлар орқасида кўрилган катта талафот ва тартибсизликларга доир маълумотларни келтирди. Айниқса кўчманчи халқ ерсизлиқдан жуда қийналиб, нафрати қайнаган[510] .

Д.П.Капнисть ҳам чор ҳукуматини Туркистонда юргизаётган сиёсатини ва бу сиёсат қўзғолонлар кўтарилишига сабаб

булаётганлигини гапириб, ўлканинг бошқариш соҳасида ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини таклиф этди. Ҳозирги юзага келган шароитда Россиянинг пахта мустақиллигини таъминлаб турган Туркистонни самарали бошқаришни ислюжи йўқ. Уни қўлдан чиқиб кетмаслигини ҳаракатини қилиш лозим[511] .

Депутат М.С.Ажемов сўз олиб, император фармонини ва чор маъмуриятининг фаолиятини қоралаб, унинг фожиавий оқибатларини қуйидагича қайд этди:

"Туб аҳолига жуда катта талафот келтирилиб, миллионлаб кишилар хонавайрон қилинди. Улар ўзлари яшаб турган жойларидан бутун хўжаликларини ташлаб тоғларга қочдилар. Натижада бутун ўлка хонавайрон бўлди[512] . Бундай ҳолат учун Министрлар Советининг собиқ раиси Штюрмер жавобгардир. Бунинг учун у судга берилдими, йўқ. Мана фожиа қаерда.

Туб аҳолининг кўпчилиги ўлим жазосига маҳкум этилди ва дорга осилди. Нимага асосланиб шундай қилинди? Гайриқонуний равишда қоғозга ёзилган қуруқ фармонгами? Бунга жавоб бериш амримаҳол".

Нотиқ чор маъмуриятининг золимлигини қаттиқ қоралаб, Россиядан одамларни кўчирилиб келтирилиши орқасида туб аҳоли ерларидан маҳрум этилаётганлигининг салбий оқибатларига эътибор қаратди. Ҳукуматнинг бундай сиёсати аҳолини хонавайрон қилаётганлигини алоҳида таъкидлади[513] . Сўзга чиққан депутатлар А.Ф.Керенский, Ю.Жаъфаров, С.Н.Мансуров, Д.П.Капнисть ва М.С. Ажемовлар Туркистонда юзага келган ниҳоятда оғир ва аянарли аҳвол ва қўзғолонларнинг сабабчиси чор ҳукуматининг адолатсизлиги ва зулми натижасида бўлганлигини исботлаб бердилар.

Дума аъзолари уларнинг сўзларини инобатга олиб, 1917 йил 14 январгача, яъни бир ой мобайнида Министрлар Советига, Ҳарбий, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига Туркистондаги воқеаларга жавоб беришлари ҳақида қарор чиқардилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Россия Давлат Думасида Туркистондаги 1916 йил воқеаларининг турли сиёсий партияларнинг қатнашувида муҳокама этилиши ва у ҳақида якдиллик билан ижобий қарор қабул қилиниши муҳим воқеа эди. Аввало Дума мажлиси ёпиқ эшиклар ортида бўлса-да, унда чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсати, ўлкада ҳукм сураётган адолатсизлик, ҳуқуқсизлик, талончилик ва порахўрликларини фош қилувчи маълумотлар ошкора баён этилди. Думанинг юксак минбаридан бундай ҳолатнинг баралла

ғапирилиши чор ҳукуматининг мавқеи ва салоҳиятига зарба беришда катта аҳамият касб этди. Хўш, нима учун Дума чор ҳукуматига қарши чиққан эди?

Дума аъзоларининг асосий қисми савдо-саноат ва умуман капитализмнинг манфаатлари учун курашаётган фракциялардан ташкил топган. Улар эндиликда Россиядаги ожиз ва чириган ярим феодал-помешчик давлатни ағдариб, буржуа-демократик Республика тузишнинг тарафдорлари эди. Улар нафақат Россиянинг ўзида, балки мустамлакаларида, жумладан, Туркистонда капиталистик ало-қаларни кенг кўламда ривожланишига йўл бермаётган чоризм тузумини ағдаришни режалаштирган эди. Бу Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш кучларини ўстириш бойликка бойлик ва даромадга даромад қўшиш имконини берарди. Айнан худди мана шундай мақсад кўзда тутилган эди.

Шуларга қарамай, Туркистон масаласи империя пойтахтида Давлат Думасида кўрилиб, унинг вакиллари ўлкага келиб туб аҳолига хайрихоҳлик билан қараши аҳолининг дардига бир оз малҳамдек бўлиб туюлди.

Думада баён этилган маълумотлар ўлканинг ўша даврдаги озодлик курашларини, умуман, тарихини ўрганишда ва унга баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни айнан Россия жамоатчилиги вакиллари томонидан эътироф этилиши ва тан олиниши муҳим аҳамиятга эга эди. Гарчи, Дума депутатлари Туркистонга озодлик беришни хаёлларига келтирмасалар-да, ҳақиқатни тан олишлари ўлка зиёлиларининг катта ютуғи бўлди. Давлат Думасидаги Туркистонга хайрихоҳлик кайфияти, уларнинг ҳукуматдан ўлкадаги аҳволни кўриб чиқишни талаб этиши аҳволни ўзгартира олмади. Аксинча, маъмурият ўз кирдикорларини хаспўшлашга, ўзини оқлаб, Туркистон аҳолисини қоралашга уринди. Ҳукумат архивида сақланиб қолган, декабрь-январь ойларида императорга 1916 йил воқеалари ҳақида тайёрланган ахборот ва ҳисоботлар шу мақсадда юзага келди. Бироқ таг-туги билан чириган, мустабид ҳукуматнинг ўзини оқлашга уринишлари фойдасиз эди. Орадан 2 ой ҳам ўтмай, 1917 йил февралда бу ҳукумат ағдариб ташланди. Туркистондаги 1916 йил қўзғолони эса бу ҳукуматни илдизига болта урган муҳим омиллардан бири бўлди. Ағдарилган императорнинг 1916 йил 25 июнь фармони ҳам ўз кучини йўқотди. Ўзга юртларда юрган мардикорлар оммавий суръатда ўз Ватани бағрига интилдилар.

ХУЛОСА

1916 йил Фарғона қўзғолонига оид катта ҳажмдаги ишда архив ҳужжатлари ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни эгаллаган Россия подшолиги Ватанимизда миллий мустақилликни тугатиб, мустамлакачилик ва миллий зулмга асосланган сиёсий-маъмурий бошқарув тизимини ўрнатди.

Мустабид ҳукуматнинг аграр сиёсати давлат ва капиталистларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган эди. Ер ва сувга давлат эгалик қилди, вақф ерлари қисқартирилди, улардан солиқ олиш жорий этилди. Россиядан кўчириб келтирилган минглаб кишилар Фарғона водийсида маҳаллий аҳолидан тортиб олинган 75 минг гектар ерга жойлаштирилди. Бу аҳоли орасида ерсиз ҳужаликларнинг сонини кўпайишига олиб келди. Водийда пахтачилик ривожлантирилиб, унинг Россияни пахта билан таъминловчи асосий манбага айлантирилиши ҳам туб аҳоли ҳаётини ҳаддан ташқари кескинлаштирди. Пахтанинг кўп экилиши озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирадиган ерларнинг қисқаришига ва уларнинг нархини ошишига олиб келди. Солиқ ва мажбуриятларнинг оғирлиги, маъмуриятнинг порахўрлиги ва юлғичлиги халқнинг типкасини қуритди.

Халқ оммаси, айниқса, биринчи жаҳон уруши даврида (1914 – 1917) шафқатсиз эзилди. Бу вақтда талон-торож бўлган деҳқон оммаси қарзга ботди, ерсиз аҳолининг сони кўпайди, қаҳатчилик, оммавий касалликлар, адолатсизлик ва зўравонликлар авжига чиқди ва буларнинг барчаси биргаликда аҳолининг ҳаётини мисли кўрилмаган даражада оғирлаштириб юборди. Буларнинг ҳаммаси Фарғона водийсини Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилишининг маҳсули эди. Бундай фожиали ҳолат халқнинг маънавий ҳаётини ҳам қашшоқлашишига олиб келган эди. Чунончи, чор ҳукумати миллий тил ва маданиятнинг ривожланишига йўл бермади. Ислом динининг мавқеига зарба берилиб, руҳонийлар қаттиқ назорат ва таъқиб остида ушлаб турилди. Водийда саводсизлик кучайди. Юқорида шарҳланган омиллар қўзғолонларнинг иқтисодий ва маънавий замини ҳамда сабабларини ташкил этди.

Император Николай II нинг 1916 йил 25 июнда туб аҳолини

мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонининг эълон қилиниши бусиз ҳам курашга отланиб турган халқ оммасининг ёппасига бош кўтаришига баҳона бўлди. Қўзғолонлар Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон, Ўш шаҳарлари ва 80 дан ортиқ қишлоқларни қамраб олиб, унда ўрта ҳисобда 100 мингдан кўп киши қатнашди. Қўзғолонларда деҳқонлар, ҳунармандлар, мардикорлар, чоракорлар, зиёлилар ва юқори табақа вакилларининг илғор қисми қатнашдилар. Шу тариқа зулмга қарши кураш жамиятдаги турли табақаларни умумий душман — мустабид ҳукуматга қарши биргаликда курашиш учун отлантирди. Бу курашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда аёллар жуда фаол иштирок этдилар.

Мустабид ҳукумат юзлаб қўзғолончиларни ҳибсга олиб, уларни қаттиқ жазолади. Қўзғолончилар иши бўйича суд жараёнлари ҳарбий вазир Д.С.Шувалов фармони билан ташкил қилинган махсус муваққат ҳарбий судлар томонидан амалга оширилган. Уларнинг кўпчилиги ҳуқуқшунослик асосларидан деярли хабардор бўлмаган подшо қўшинларининг зобитлари бўлиб, бошлиқларининг талаблари ва Россия империясининг "ҳарбий суд низоми" бўйича ҳаракат қилардилар. Жазолаш ниҳоятда тез ва шафқатсиз бўлиб, одатда 2 — 3 кун мобайнида миллий озодлик ҳаракатининг ҳибсга олинган унлаб қатнашчилари ишлари юзасидан ҳукм чиқарилади. Қўзғолончиларнинг ишларида, айниқса, жиноий жавобгарликнинг 100-моддасини кўпроқ қўллашга интилганлар, у ерда, асосан, қўзғолоннинг фаол қатнашчилари учун ягона жазо — ўлим ҳукми қайд этилган эди. Қўзғолончиларнинг асосий қисмига "Жиноий ва ахлоқни тузатиш жазолари ҳақидаги Низом"нинг 262 — 269-моддалари бўйича ҳукм чиқарилиб, унда турли жазолар бор бўлиб, энг асосийси — сургун эди.

Суд ишлари ёпиқ эшиклар ортида, мутлақо яширин тарзда ўтказилган. Мустабид ҳукумат юзлаб қўзғолончиларни ҳибсга олиб, ҳарбий суд орқали ўлим, сургун ва турли муддатларга қамаш жазоларини бериш билан қўзғолон қатнашчиларидан қаттиқ ўч олди. Ҳарбий суд қўзғолон иштирокчиларига ўлим, сургун ва қамоқ жазосини берилиши ҳақида ҳукм чиқарган. Улардан 184 киши осиб ўлдиришга ҳукм қилинди.

Қўзғолонлар бостирилгандан кейин император фармонини амалга оширишга киришилди. Водийдан мардикорликка 50 минг кишини жўнатиш режалаштирилди, улар орасида қўзғолон қатнашчилари ҳам бор эди. Мардикорлар Россиянинг марказий

районлари, Сибирь, Кавказ ва фронт орқасида ғоятда оғир шароитда ҳаёт кечирдилар. Улар бу ердаги зулмга ҳам қарши иш ташлашлар билан жавоб бериб, ҳақ-ҳуқуқлари учун курашдилар. Чор ҳукумати мардикорлар учун оддий инсоний шароитларни ҳам яратиб бермади. Натижада совуқ иқлим, озиқ-овқат етишмаслиги, санитария ва меҳнат шароити йўқлиги ва оғир меҳнат туфайли улар орасида кўпчилик оғир дардга чалиниб, қирилиб кетди.

1916 йилги халқ қўзғолонлари марказлашган раҳбар куч бўлмаганлиги ва ташкилий жиҳатдан яхши уюшмаганлиги, ҳарбий бошлиқлар ва қурол-аслаҳалар йўқлиги орқасида енгилди ва ўз мақсадига ета олмади. Улар, асосан, болта, пичоқ, кетмон, таёқ ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан тиш-тирноғигача пулемёт, милтиқ ва қиличлар билан қуролланган мунтазам ҳарбий қисмларга бардош бера олмадилар.

1916 йил қўзғолонининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва қора-қалпоқлар биргаликда мардонавор курашдилар. Кураш давомида халқларнинг тарихан шаклланган биродарлиги ва дўстлиги яққол намоён бўлди. Қўзғолонда нафақат камбағаллар, балки юқори табақаларнинг ўз ватанига содиқ ва эрксевар вакиллари ҳам фаол қатнашиб, озодлик курашини қўллаб-қувватлаши катта аҳамият касб этди.

Қўзғолон ниҳоятда оммавий тус олганлиги сабабли унинг дорвуғи Россияга ҳам етди. Айниқса уни бостириш билан боғлиқ фожиалар даҳшатли бўлди. Шу боис у ҳатто Россия Давлат Думасининг диққатини жалб этди. Бу оппозициядаги фракциялар махсус комиссия тузиб 1916 йил қўзғолонининг сабаблари ва оқибатларини ўрганди. Сўнгра Дума мажлисида комиссия аъзолари ва музокарага чиққанлар чор ҳукуматининг сиёсатининг ғайриқонунийлигини, адолатсизлиги ва туб аҳолининг устидан юргизган зулмини фош этдилар.

Бундан мақсад, Туркистон аҳолисига эркинлик бериш эмас эди, албатта. Чунончи, Думадаги фракциялар чоризм бошлиқ капиталистик алоқаларни ривожланишига тўсқинлик қилаётган эски бошқарув тизимини ағдариб, Россия ва Туркистонда демократик республикани ташкил қилиш учун курашаётган эдилар.

Халқ қўзғолонларининг Петербургда Россия Давлат Думасида муҳокама этилиши ва император сиёсати ҳамда фармонининг қораланиши мазлум халқнинг дарду аламига малҳам бўлгандек туюлди. Бу ишда жадидларнинг йирик вакили Убайдулла Асадуллахўжаевнинг хизмати катта бўлди.

1917 йилда чор ҳукумати ағдарилиб, буржуа-демократик республика ўрнатилиб, янги ҳукуматнинг раислиги лавозимига ўтирган А.Ф.Керенскийнинг ташаббуси билан Россиядаги мардикорларни ватанига қайтариш ҳақидаги ҳукумат қарори чиқарилди.

Хуллас, Фарғона водийсидаги истиқлол кураши ўзининг оммавийлиги ва шиддати билан ажралиб, мустақиллик ва озодликни тиклаш учун олиб борилган курашлар тарихида муҳим ўрин эгаллади. Водий Туркистондаги озодлик учун курашлар маркази бўлиб, XIX асрнинг 80-йиллари ва 1898 йилда кўтарилган қўзғолонлар, сўнгра Туркистон мухториятининг тузилиши ва мустабид совет ҳокимиятининг зулмига қарши курашларнинг бошланиб, авж олиши айнан шу ерда кечди.

Миллий озодлик ҳаракати маркази айнан Фарғона водийсида бўлишлигига сабаб, ҳар икки мустабид тузумнинг ижтимоий-иқтисодий зулмининг барча фожиалари ўлканинг иқтисодий салоҳияти жойлашган Фарғона водийсида жуда кескин намоён бўлганлиги, илгари мустақил Қўқон хонлигининг маркази билан водийда мустақиллик давридаги эркинликни қайта тиклаш учун интилиш ва кураш учун имконият кучлилиги билан изоҳланади.

Айнан шу сабаблар туфайли 1916 йил қўзғолони Фарғона водийсида оммавий ва шиддатли тус олди. Гарчи бошқа вилоятларда ҳам қўзғолонлар ниҳоятда кескин тус олсада, Фарғона вилоятида улар ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овулни қамраб олгани билан ажралиб турди.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ВА УМУМИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ

Стенографик ҳисобот

Д А В Л А Т Д У М А С И

Тўртинчи чақириқ 5-сессия

УН ОЛТИНЧИ МАЖЛИС

1916 йил 13 декабрь

12-навбат
2 пара

Соат 8 дан 50 дақиқа ўтганда Раис раҳбарлигида мажлис ўз ишини давом эттиради.

Раис Давлат Думасининг мажлисини очиқ деб эълон қиламан. Менимча, Туркистон ва (Дашт) Степной генерал-губернаторликларининг айрим жойларида юз берган ҳодисалар юзасидан 133-модда тартибида Министрлар Совети Раисига, Ҳарбий, Ички ишлар, Юстиция (Адлия) вазирларига мурожаат ҳақидаги аризани кўриб чиқишга киришганимиз маъқул. Бир-бирига ўхшаш бир нечта талаб тушган. Давлат Думаси уларни жамлаб, биргаликда кўриб чиққани маъқул эмасми? *(Овозлар: маъқул, шундай бўлсин).* Кейин улар чоп этилгани учун минбардан ўқиб бермасликка рухсат этсангизлар. Талаб муаллифлари уни шошилинч тан олишни таклиф қилишаяпти. Бунга тарафдорлар ва қаршилардан иккитадан кишини эшитганимиздан сўнг йўл қўйилади. Гапиришни хоҳловчилар йўқми? Музокарани тугади, деб эълон қиламан. Саволни овозга қўяман: Давлат Думаси қонун лойиҳасини шошилинч эътироф этиши лозимми? *(Овоз берилади).* Қабул қилинди. Масаланинг моҳиятини кўриб чиқишга ўтсак бўладими? Эътирозлар йўқми? *(Овозлар: йўқ).* Давлат Думаси аъзоси Керенский.

Керенский (Саратов губ.) Жаноблар, муҳтарам Давлат Думаси аъзолари! Бугун биз кўриб чиқишимиз лозим бўлган ҳодисалар бундан анча вақт олдин юз берган, лекин уларнинг оқибатлари ҳақида шу пайтгача гапирилаяпти ва нафақат Туркистон ёки Дашт вилоятлари ҳаётида, балки бутун Россия ҳаётида бу ҳақда ҳали кўп гапирилади. Бугун сизнинг олдингизда, жаноблар, мен мавжуд

ҳужжатларга асосланиб Туркистон ва Дашт вилоятларида юз берган воқеаларни холисона баён қилиб бермоқчиман...

12-навбат
3 пара

Керенский... Ва ўйлайманки, ушбу масалада, узоқ бир чекка вилоятлар масаласида, узоқ Осиёдаги ғайритабааларга оид давлат сиёсати масаласида бизнинг ўзаро мураккаб ва кўпқиррали келишмовчиликларимизни оз-моз деб кўрсатиб хаспўшлаш мумкинмикан? Ҳолбуки бу келишмовчиликлар Россия сиёсий ҳаётидаги кўплаб ёки деярли барча маса-лаларда бизни ажратиб туради. Бу воқеалар, жаноблар, нафақат иқтисодий вайронагарчиликка олиб келди, нафақат Россиянинг катта-катта вилоятларидаги тинч ҳаёт оқимини алғов-далғов қилиб юборди, балки улар руслар томонидан ҳам, маҳаллий аҳоли томонидан ҳам берилган қурбонлар билан боғлиқдир. Бир неча минг рус аҳолиси, бир неча ўн минглаб маҳаллий аҳоли ҳалок бўлди.

Ушбу мудҳиш фожиа сабабларини таҳлил қилиш, ҳодиса айбдорларини аниқлаш, Туркистондаги аҳволни шу даражага етказган сабабларнинг илдизини топиш ва келажакда бунга йўл қўймаслик лозим — мана мен ўз олдимга қандай масалаларни қўйганман. Жаноблар, 1916 йил 25 июнда чиқиб, 6 июлда... (?) чоп этилган Олий фармон ёдингиздами? Бу...

12-навбат
4 пара

Керенский... бу Олий фармон билан мудофаа иншоотлари қуриш, армия ҳаракатланаётган жойларда ҳарбий истеҳкомлар барпо этиш ишларига Империядаги ғайритабаа аҳолига мансуб 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклар мажбуран жалб қилинган эди. Жаноблар, мазкур Олий фармон қандай қилиб чиқиб кетди, чиқмаслиги керак эди-ку. Негаки, ушбу Олий фармон Россия Империясининг асосий қонунига зиддир. Қонуннинг 71-моддасида фуқаролар фақат қонунга кўра айбдор деб топилган тақдирдагина белгиланган муддатни ўташи кўрсатилган. Ушбу фармонда реквизиция тўғрисидаги қонунга, унинг 87-моддасига таянилган. Бироқ бу мутлақо нотўғридир. Ушбу қонунда, фармоннинг ўзида ҳам айтиладики, ёшни аниқлаш ва муфассал тартиб ўрнатиш керак,

бу тартиб-қоидаларни реквизиция тўғрисидаги қонунга мувофиқ ишлаб чиқиш зарур. Ва ҳақиқатан ҳам 137, 138, 139-моддаларни, рек-визиция тўғрисидаги қонуннинг бундан кейинги моддаларини, 1914 йилги Ҳарбий маҳкама буйруқларини олиб қарасангиз, уларда, яъни реквизиция тўғрисидаги қоидаларда 25 июнда чиқарилган фармондаги чалкашликлар назарда тутилмаганини кўрасиз.

Реквизиция тўғрисидаги қоидалар қўшин қўмондонлари ва армиянинг маҳаллий бошлиқларига...

1-навбат
5 пара

Керенский... маҳаллий аҳолини, айнан маҳаллий аҳолини мажбурий равишда ишга жалб қилиш ҳуқуқини беради. Иккинчидан, барча аҳолини истисносиз. Ва ҳақиқатан ҳам фронтда ва фронтга яқин жойларда окоп қазиш ва бошқа мудофаа истеҳкомлари қуриш учун реквизиция тартибида барча маҳаллий аҳоли у ёки бу ишга жалб этилган ҳоллардан хабардормиз. Мазкур ҳолатда маҳаллий аҳоли (яъни, Туркистон аҳолиси — *тарж.*) айнан шундай, маҳаллий аҳоли сифатида эмас, армия қўмондонлиги ёки ҳатто ҳарбий вазир қўл остида ишга жалб этилиши мумкин бўлган аҳоли сифатида эмас, шунчаки Россия империясидаги ғайритабаа аҳоли вакили сифатида мажбурий ишга жалб этилган. Шундай бўлгач, ғайритабаа деб номланган бир гуруҳ рус фуқароларини айбдор деб топиб мажбурий меҳнатга жалб қилиш 71-модда талаблари бўйича амалга оширилиши керак эди. Шундай қилиб, 6 июль кунги фармон ўз мазмунига кўра ҳукуматнинг қонунчилик ва буйруқлари тўпламида эълон қилинмаслиги керак эди. Ва Сенат...

8-навбат
6 пара

Керенский... ўз мазмунига кўра Асосий қонунни бузувчи ушбу қонуннинг эълон қилинишини тўхтатиб туриши лозим эди. Бундан ташқари, жаноблар, Асосий қонуннинг 93-моддасида жойларда янги қонунлар ёки олий ҳокимият фармонлари қай тартибда амалга киритилиши аниқ кўрсатиб қўйилибди. Унда айтиладики, ҳукумат томонидан қонунлаштирилган у ёки бу фармойиш у чоп этилган ҳукуматнинг расмий фармойишлари

тўплами ўша жойга етиб борганидан кейингина амалга киритилади. Агар бу қонун чиқарилган заҳоти амалга киритилиши лозим бўлса, бу ҳақда мазкур қонуннинг ўзида гапирилган бўлиши шарт. Ҳақиқатан ҳам, уруш даврида жойлардаги олий бош қўмондон ва қумондонларнинг ваколати олий ҳокимият қадар кенгайтирилган шароитда 1914 йил 19 августда чиқарилган фармойишнинг 5-бандида шундай дейилган эди: мазкур фармон телеграф орқали қабул қилинган заҳоти унинг ижросига киришилсин. Шундай қилиб, 25 июндаги Олий фармонда бундай банд йўқ; маҳаллий ҳокимият эса 53-моддада кўзда тутилган шароитда ушбу фармон ижросига киришишга ҳақли эмас эди. Министрлар Советининг Раиси ҳам, Ички ишлар вазири ҳам июннинг охирида, яъни ҳукуматнинг расмий фармойишлари тўплами чоп этилмасдан туриб, мазкур тўпламда 6 июлда эълон қилиниши мўлжалланган фармоннинг ижросини маҳаллий ҳокимиятлардан телеграф орқали талаб қилишга ҳақли эмас эдилар...

9-навбат
7 пара

Керенский... Ва ниҳоят, жаноблар, маҳаллий ҳокимиятлардан мазкур фармоннинг ижросини талаб қилар экан, Ички ишлар вазири ҳам, Министрлар Советининг Раиси ҳам Олий фармоннинг аниқ ижросини назорат қилишни ўзига эп кўрмаган. Олий фармоннинг 2-бандида шундай дейилади: "Мажбурий меҳнатга жалб қилиниши лозим бўлган ғайритабаа аҳолининг ёшини аниқлаш, уларни ишга жалб қилишнинг муфассал қоидаларини Ҳарбий Советнинг 1914 йил 3 августда тасдиқланган тартибига мувофиқлаштириш Ҳарбий ва Ички ишлар вазирлари тасдиғига тақдим этилади". Ва Олий фармонни зудлик билан ижро этиш ҳақида телеграф орқали буйруқ бериб, Ички ишлар вазири ва Министрлар Советининг Раиси, шунингдек, Ҳарбий вазир ҳам Олий фармоннинг 2-бандини бажармаган. Ҳалигача Ички ишлар вазири ва Ҳарбий вазирнинг розилиги билан ўрнатилган муфассал қоидалар мавжуд эмас. Ва ҳалигача Олий фармоннинг 2-бандида белгиланган тартибда неча ёшли ғайритабаа аҳоли вакиллари мажбурий меҳнатга жалб этилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган. Шундай қилиб, жаноблар, кўраяпсизлар: 25 июндаги биргина Олий фармонни эълон қилиш ва ҳаётга татбиқ этишда Россия империясининг асосий ва асосий бўлмаган

қонунларидан нимани бузиш мумкин бўлса, бари бузилган. Бу факт, бу ҳодиса жуда антиқа, чунки бу ерда сиз вазирларнинг фақат асосий қонунларга ҳурматсизлигинигина, мамлакат манфаатлари ва эҳтиёжлари билан ҳисоблашмасликнигина кўрмаяпсиз. Улар ўзларини Россия империясидаги мутлақ ҳукмдор деб биладилар. Гўё Россияда уларнинг иродасини чеклайдиган ҳеч бир куч йўқ. Улар учун ҳатто олий ҳокимият фармонларининг бажарилиши ҳам гўё мажбурий эмас. Агар шундай бўлса, жаноблар, 25 июндаги Олий фармонни шу тариқа ҳаётга татбиқ қилиш ҳеч бир хунук оқибатларга олиб келмаган бўлсайди, ҳақиқатан ҳам ушбу фармон моҳияти ўзида қандайдир мантиқни акс эттирса ва бу мантиқ турмуш талабларига мос бўлса, мазкур фармон ижросининг машъум оқибатлари бутун мамлакатни ларзага солмаганда эди, афсуски буларнинг мутлақо тескариси содир бўлган экан, қонун бизга шундай дейишга ҳуқуқ берса айтар эдик: фаолиятнинг бундай усулига, Олий фармонни бу тариқа ҳаётга татбиқ этишга, давлатни бундай бошқаришга йўл қўйиб бўлмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ушбу фармон эълон қилиниши ва ҳаётга татбиқ қилиниши шундай оқибатга олиб келди деб унинг сабабчиларини қидираётган эканмиз, айбдорларни у қадар узоқдан излаш керак эмасдир, балки улар шундоқ ёнгинамиздадир, балки ушбу фармонни чиқарган кишиларнинг айнан ўзлари айбдордирлар?.. Россия империясининг қонунлари бу қадар нобоп, гарчи уларда эълон қилиш ҳамда жойлардаги

1-навбат
10 пара

Керенский... ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган аҳолини бошқариш чораларига доир алоҳида тартиб-қоидаларга оид муайян мантиқ ва муайян фикр бўлса ҳам. Бу аҳолини бошқариш ва буйруқлар ижросида ҳам қонун уларнинг айрим ўзига хос жиҳатларини назарда тутади. Вазирлик Муассасалари Умумий Низомининг 205-мод-дасида айтиладики, ўлканинг умумий манфаатлари ва хазинасини бойитиш йўлидаги генерал-губернатор жорий этган тартиб-қоидалар қабул қилинмайди, ундан хулоса ва фикр-мулоҳазалар олдиндан талаб қилинмагани каби. Шунинг учун бундай чораларни қабул қилиш қонуний ёки маъмурий йўл билан тасдиқланаётганда, бу чора ҳақида маҳаллий ҳокимиятнинг муфассал мулоҳазаси баён қилинади. Ва бу 205-модда ҳам

бажарилмаган. Юқоридаги барча гапларимга, жаноблар, шуни ҳам қўшимча қилишим керакки, маҳаллий ҳокимиятлар учун ҳам, Туркистон генерал-губернаторининг ўзи учун ҳам, Дашт генерал-губернатори, барча губернаторлар учун ҳам бу фармон бошга тушган қор каби кутилмаган фармон бўлди. Аҳоли ҳам бунга тайёр эмас эди.

1-навбат
11 пара

Керенский... Шундай улкан аҳамиятга молик тадбирни амалга ошира туриб жон койитмадилар. Ҳатто маҳаллий ҳокимиятдан "Сизлар нима деб ўйлайсизлар, ушбу фармонни бажариб буладими ўзи? Мумкин бўлса уни қачон ва қай тартибда амалга ошириш керак? Кимларни мажбурий меҳнатга жалб қилса бўлади? Бу ишимиз хунук оқибатларни келтириб чиқармаслиги учун қандай маҳаллий шароитларни ҳисобга олишимиз керак?" деб сўраб ҳам ўтиришмади. Ахир, жаноблар, Туркистон ва Дашт қирғиз вилояти бу Тула ёки Тамбов губернияси эмас. Уларга инглиз ёки французлар ўз мустамлакаларига қандай қараса, биз ҳам шундай қараши-миз лозим. Булар ўзига хос маданий, иқтисодий, сиёсий хусусиятларга эга улкан бир олам дсгани. Спаранский (?) давридаёқ яратилган эски қонунда, у пайти рус олий ҳукмдорлари оз бўлса ҳам соғлом фикр юритар эдилар, жаноблар, ўзига хос хусусиятга эга чет-чекка вилоятларни қандай идора қилишнинг йўл-йўриқ ва воситалари назарда тутилган эди. 205-моддада кўрсатилган бу кўрсатмалар, илгари айтганимдай, бажарилмади. 25 июнда фармон пайдо бўлди, яъни имзоланди, 29 июлда уни зудлик билан, кўр-курона бажариш ҳақида жойларга телеграф орқали хабар қилинди. Қай тарзда эканлигини юқорида айтдим.

1-навбат
12 пара

Керенский... Телеграмма қуйидагича эди: "25 июндаги Олий фармон зудлик билан ижро этилиб, 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган маҳаллий аҳоли фармонда кўрсатилган мажбурий ишларга жалб қилинсин". Давлат Думасининг аъзолари, қайси партияга мансублиги, қизиқиши ва нуқтаи назарларидан қатъи назар шу ерда ўтирган барча жаноблар, сизлардан шуни сўрайман, агар

Тамбов ёки Москва губерняларида айни деҳқончилик мавсумида, далада иш қизғин кетаётган пайтда меҳнатга яроқли эркак аҳолини тезлик билан номаълум бир жойга олиб кетиш ҳақида тутуруқсиз, аҳмоқона буйруқ чиқса, бу буйруқ бажарилармиди? Агар у ҳаётга татбиқ этила бошласа ўша Тамбов губерниясида қандай оқибатларни келтириб чиқарар эди? Мен аминманки, жаноблар, бу оқибатлар худди Туркистон ёки Дашт вилоятларидаги каби, балки ундан ҳам катта миқёсда ва хунукроқ бўлар эди. Нафақат Ички ишлар вазири, балки Министрлар Советининг Раиси ҳам имзолаган фармонни олган маҳаллий маъмурият ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Бу фармон бугунги рус вазирининг тушунчалари доирасидаги хусусиятларни, бундан ташқари унинг ўзи тепасида турган давлат бошқарув тизимидан ақлга сиғмайдиган даражада жуда узоқлашиб кетганлигини акс эттиради.

2-навбат
1 пара

Керенский... Мисол учун Туркистонга жўнатилган телеграммада шундай дейилади: "... Ушбу тадбирни амалга ошириш маҳаллий аҳоли бошқармасига топширилсин". Ҳолбуки, Туркистонда бундай бошқарма мавжуд эмас эди. Шу билан бирга, ушбу фармоннинг аҳамиятини тўлиқроқ англаш учун ўзимизни воқеалар ривожидан бир дақиқа четга оламиз-да, фармон эълон қилинмасдан олдинги Туркистон ва Дашт вилоятларидаги вазиятни кўз олдимизга келтирамиз. Одамлар, ҳатто ҳукумат аъзолари ҳам, мисол учун яқинда бўлган ҳарбий-денгиз комиссияси йиғилишида айтишаяптики, бу ҳаракат, уни шундай аташаяпти, бу ҳақда кейинроқ гапираман, гўё исломпарастлар, немислар ёки қандайдир бошқа кучларнинг ташвиқоти билан содир бўлган эмиш. Сизни ишонтириб айтаманки, жаноблар, Олий фармон Тошкентда эълон қилиниши арафасида бутун Россияда Туркистон ёки Дашт генерал-губернаторлигидан кўра тинчроқ жой йўқ эди. Мен фикримни далиллар билан исботлашим мумкин. Ахир ўша даврда, бутун уруш давомида рус қўшинлари Туркистонга киритилмай, аксинча, у ердан олиб чиқилди-ку. Мен ҳамма маҳаллий маъмуриятлардан, "ҳамма" деганда кўпчиликни назарда тутаяпман, маъмуриятнинг барча табақаси вакилларидан сўраб чиқдим, барча маҳаллий аҳоли...

13- навбат
2 пара

Керенский... ҳамда ўша воқеалардан жабр кўрганлар билан гаплашиб чиқдим. Уларнинг барчаси бир овоздан эътироф этишдики, Олий фармон эълон қилингунга қадар Туркистонда бўлажак тўс-тўполондан заррача ҳам асар йўқ эди. Ҳатто Жиззахда ўлдирилган уезд бошлиғи Рутковскийнинг аҳоли тинчлигига шу қадар ишончи комил эдики, Эски шаҳарда тўс-тўполон бўлаётганлиги ҳақида хабар қилинганда у уёққа битта фотоаппарат билан, қиличини ҳам олмасдан, биргина таржимон ҳамроҳлигида, ҳеч нимадан хавфсирамаган ҳолда пиёда йўл олган. Ҳудди ўша уезда рус аёллари — врачлар, доя, муаллима, кейинчалик касалхонада улардан сўраб билишимча, бутун уруш давомида Туркистоннинг чекка-чекка жойларида ҳеч бир қўриқчисиз, нафақат қўриқчисиз, биргина рус эркак киши бўлмаган ҳолда, маҳаллий аҳоли аёллари орасида якка яшаганлар. Бундан ташқари, жаноблар, бутун уруш давомида маҳаллий аҳолидан тўхтовсиз равишда реквизиция (мол-мулкни унинг қий-матини тўлаш шарти билан мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиш — *тарж.*) йиғимлари, отлар, аравалар, асбоб-ускуналар олиб турилган. Аҳоли шилинаверган, шилинаверган, бу срда шуниси қизиққи, жаноблар, уларнинг пул, мол-мулкини олиб қўйишар экан, ҳар доим уларга "яна кўпроқ беринглар, уруш даврида сиздан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди (яъни, сиз урушга олинмайсиз — *тарж.*)" дейишган. Ва мана...

13-навбат
3 пара

Керенский... талаб қилинмади, қилинмайдиям. Мана, менинг олдимда маҳаллий маъмур томонидан имзоланган, қишлоқ хўжалигида ишловчи урушга кетган рус кўчкинчилари оилаларига ёрдам тариқасида 100.000 рубль маблағ йиғилганлиги ҳақида тузилган ҳисоботлардан бири. У шундай тугалланади: "Шу билан бирга комиссия мол-мулк берувчиларга, хусусан, урушга кетганларнинг оилаларига берилаётган моддий ёрдамнинг бутун оғирлигини елкасида кўтарган, маданий ҳаётдан анча узоқда турувчи ярим ёввойи кўчманчиларга ҳеч бир ёруг умид қолдирмайди". Бу гаплар ўша, кейинчалик онгли равишда Россиядан юз ўгириб, унга қарши курашаётган ярим ёввойи кўчманчилар

ҳақидадир; ўша кўчманчилар энди ўн минглаб кишиларни режали равишда мунтазам қирғин қилишаяпти. Мен бу ҳужжатни, жаноблар, сизда хавотирланиш ёки ачиниш туйғусини уйғотиш учун ёки улар ўзларига диққатни жалб этиш мақсадида шундай қилганлар дейиш учун келтирганим йўқ. Чунки улар бу йўлда кўп нарсани қурбон қилишди, урушга кетганларга ёрдам беришди. Юқори-дагиларни айтишим учун бу бир баҳона эмас, менимча, ҳар бир фуқаро қайси табақага мансублигидан қатъи назар қонун ҳимоясидан фойдаланишга бурчлидир (ҳақлидир). Мен бу ҳақда кўз олдингизда воқеликнинг ҳақиқий манзарасини чизиш учун гапираяпман, бу ўлкалар нақадар уруш-жанжаллардан узоқ эди, бу ерларда нақадар тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурарди. Ва нима учун бирдан...

2-навбат
4 пара

Керенский... 29 июнь куни фармон берилади, 7 июлда эса дастлабки тартибсизликлар рўй беради. Уларни келтириб чиқарган асос қаерда? Ва мен шу ерда сизга қатъий ва мутлақо аниқ жавобни бераман: Туркистонда юз берганларнинг ҳаммасига сабаб истисносиз қонун ва ҳуқуқ талаб қилувчи элементар хатоликлар, ноқонуний тартибсизликка йўл қўювчи ноқонуний буйруқни чиқарувчи ва уни ҳаётга татбиқ қилувчи марказий ҳукумат. Буларнинг барчасига айбдор улар, негаки, улар бу гуллаётган ўлкани хонавайрон қилдилар, маҳаллий аҳолининг очликка юз тутишига шароит яратиб бердилар. Бунга айбдор улар, жаноблар, негаки барча уруш фронтларига янги Туркистон фронтини қўшишди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен фармоннинг моҳияти ҳақида гапираяпман, у жойларга етиб борганда, қаранг, нима бўлган эди ва нима бўлиши керак эди, бу сизга батамом равшан бўлади. Ахир маҳаллий шароит бор, турмуш, ўша аҳолининг иқтисодий шарт-шароитлари бор, улар жойларда муҳокама қилинмасдан, ҳеч қандай тайёргарликсиз фармонга киритилган ҳамда бу маҳаллий турмушни чилпарчин қилдики, у амалиётга жорий қилишга мутлақо яроқсиз эди. Ва ҳатто фармонни амалга оширишда танлаш имконияти бор ҳолда энг ноқулай, энг нўноқ давр танланди. Бу вақтда Туркистонда нафақат қишлоқ хўжалиги мавсуми авжида эди, маҳаллий шароитга кўра у ерда бу августда эмас, октябрь охирида тугайди, бу пайтда 19 дан 43 ёшгача бўлган кишилар

нафақат далаларда, боғларда иш билан банд эдилар, бу вақтда мусулмонлар ўзларининг йилдаги энг буюк байрамлари — Катта Рўза деб аталмиш буюк мусулмонлар рўзаси даврида эдилар. Мусулмон аҳолиси қуёш чиқишидан ботгунича, биласизми, ёзда кун қандай узун бўлади, ҳеч нарса ичмайди ва емайди ҳамда фақат кечаси ибодатини амалга ошириб, овқат еб ўзини қувватлантиради. Бу даврда барча мусулмонлар ўзларининг диний эҳтиёжларини қондиришга киришиб, бутун тун бўйи ухламай диний маросимларини адо этиб чиқадилар. Ва ниҳоят, ўйлаб кўрсангиз, жаноблар, Туркистонда хотин-қизлар аҳволи мутлақо ўзгача. У ерда, айнан Туркистонда эркакларнинг қишлоқ хўжалигидан кетиши оилани батамом кўмакчисиз қолдиради, айнан катта ёшдаги эркакларнинг кетиши. Негаки, маҳаллий аҳоли аёллари Россия империясида қолаётган дунёдаги ягона шундай аҳволда: мусулмон аёллари ташқи дунё билан алоқа қилишдан батамом узилган. Негаки, улар ҳатто кўчага юзлари мутлақо беркитилган ҳолда махсус пардали кийимда чиқадилар ҳамда уларга ҳар қандай бегона эркаклар билан суҳбатлашиш ман қилинган. Шу тариқа ҳосилни йиғиштириб олиш, уни бозорга чиқариш, пахтани ижарадорга етказиб бериш, агар катта ёшли эркаклар кетса, тўхтайди. Жаноблар, ушбу фармоннинг қабул қилиниши маҳаллий аҳоли учун ниҳоятда оғриқли бўлишига сабаб бўлган бошқа сабабларни айтиб ўтирмайман. Ва ўйлайманки, бу тадбир, аввало, жойларда уйлаб кўрилиб, маҳаллий кишилар ва маҳаллий ҳукумат кўрсатмалари билан мувофиқ равишда амалга оширилганида бундай қўшимча англашилмовчиликлар рўй бермас эди. Аммо, жаноблар, Туркистон генерал-губернатори бу буйруқни олгач, барча ўлка губернаторларини йиғди ҳамда улар буйруқни муҳокама қилишиб, ушбу тадбирни амалга ошириш мумкин эмас, деган қарорга келдилар. Бироқ, қонун рус чиновниги учун иккинчи даражали, бошлиқлар буйруғи эса у учун энг муҳими, ҳамда доимо уни бажарадилар. Ва бу кенг кўламдаги маҳаллий ҳукумат вакиллари ичидан ўзига хос қарашларга, фуқаролик жасоратига эга ҳамда маҳаллий ҳукуматнинг бундай аҳмоқона буйругига бўйсунмайдиган биргина губернатор топилди — генерал Гиппиус. Бу шундай деган ягона губернатор эди: бундай мақсадда ва бундай тартибда ўтказиладиган тадбирнинг муваффақиятли кечиши амримаҳол. Буни қандай ўтказишни ўйлагандан кўра, жаноблар, сиз аҳолини тинчлантириш ва ушбу тадбир келтирган оқибатлар билан қандай курашиш лозимлиги ҳақида қайғуринг.

У шундай ўзига хос фикр билдирди ҳамда ўзида, Фарғонада генерал-губернаторнинг фармойишини амалга оширишдан бош тортди. Бу тадбирда ўз тартибини ўрнатиб, бошқа вилоятлар, айтайлик, Еттисувдаги каби тартибсизликларга йўл қўймасликка эришди ва бунинг учун ҳақиқий рус ташаккурига эга бўлди. Бу шундай йўл тутган ва ўз фуқаролик ҳамда маъмурий бурчини тўғри англаган ягона киши эди. У айнан олий ва юқори ҳукумат фармойишига бўйсунмагани учун зудлик билан ишдан олиниб, ўз вазифасидан озод қилинди. Шу тариқа июнь ойининг бошидаёқ барча губернатор, пристав, уезд бошлиқлари ва бошқаларга, окопларга олиб кетиш учун зудлик билан эркак аҳолининг рўйхатини тузиш ҳақида фармон берилди. Ва шунда жаноблар, барча эркакларни уруш кетаётган жойга, ҳаракатдаги армияга, окопларга жўнатиш ҳақидаги бу миш-миш, бу хабар аҳоли томонидан маҳаллий ҳукумат иштирокисиз мутлақо тескари тушунилди.

2-навбат
9 пара

Керенский... Бу шундай тушунчаки, жаноблар, шу тарзда маҳаллий аҳоли фронтга олдинги чизиқда, рус солдатлари олдида окоплар қазиш учун жўнатиладилар, шу тариқа барча маҳаллий аҳоли қуролсиз, ҳам немислар, ҳам руслар отаётган ўқлар орасида қоладилар. Бу тадбирни худди шундай тушундилар, улар нафақат окопларга, балки солдатликка ҳам жалб қилинади, мен буни ўзимда бор бир ҳужжат билан тасдиқлайман, мансабдор бир шахс аҳолига чақирув ҳақида эълон қилиб, дейди: маҳаллий аҳолини солдатликка олиш учун зудлик билан рўйхат тузилсин. Дашт вилояти генерал-губернатори генерал Сухомлинов айтганларимни тасдиқлайди. Бу губернатор алоҳида эълон чиқариб, унда дейди: "Менга хабар келдики, аҳоли ўртасида қирғизлар ўзимизникилар ва душманларнинг олдинги жанговар позицияларида окоп қазишга жалб қилинадилар ва шу тариқа у ва бу томоннинг ўқларидан қочиб қутула олмайдилар, деган қўрқувга олиб келувчи мишмишлар тарқалган". Аҳоли ўртасида айланиб юрган бу миш-мишларни генерал-губернатор рад қилади. Биласизми, жаноблар, рус аҳолиси учун қандайдир маъмурнинг рад қилиши нимани англатади?

13 декабрь
2-навбат
10 пара

Керенский... Махсус одамлар томонидан тарқатиладиган бундай мишмишлар барча аҳоли қатламини забт этганда, айнан бу Олий фармон талаб қиладиган тартибдаги чақирув ҳақида маҳаллий ҳукуматнинг ўзи билмаса, бу мишмишлар билан қандай курашиши мумкин? Бу тадбирни аҳолига қандай тушунтириш ҳамда улар қаерга ва нимага жунатилаётганини айтиш мумкин? Ва ҳатто, худди ўша кескин ғалаёнлар кечган Еттисув губернаторининг расмий органи исён сабабларини белгилар экан, сабаблардан бири айнан мишмишлар булган. Уларнинг келиб чиқишига сабаб ёки маҳаллий аҳолининг ғашини келтирган нарса уларни окопларга олиб боришади, у ерда уларни қуролсиз қолдириб ўлдирадилар, чўчқа гўшти билан боқадилар ва ҳоказо, деган мавзудаги рус кишиларининг ўзаро суҳбатлари бўлган. Аммо, жаноблар, Олий фармон жойларда эълон қилинганданоқ юзага келган бу ҳаракатлар билан солиштирганда бу мишмишлар иккинчи даражали роль ўйнайди. Мен сизларга айтдим, жаноблар, мен Олий фармонни ягона сабаб деб ҳисоблайман ҳамда тасдиқлайман ки, бу фармон бажарилмайди, жойларда бажарилмади ҳам. Буни, жаноблар, худди шу тартибда, шу ерда, Петербургда кўриб чиқилгани тасдиқлайди. Бу Олий фармон ҳеч қаерда бажарилмади...

2-навбат
11 пара

Керенский... Ҳамма жойда маҳаллий ҳокимият мардикорликка мажбурий жалб қилиш тизимидан тезликда бадал бериш (откуп) тизимига ўтиши керак эди. Гарчи ажойиб ҳарбий қўмондон ҳисобланса-да, ниҳоятда чекланган маъмур, Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи генерал Дорофеев ўзининг 25 августдаги буйруқларидан бирида шундай ёзади: фронтга бормаслик учун бадал тўлаган маҳаллий аҳолига келсак, улар... Жойлардаги маъмуриятларнинг хатти-ҳаракати билан бошланган бу олди-берди маҳаллий аҳоли орасида норозилик, ғалаён келтириб чиқарди. Маъмуриятнинг хатти-ҳаракати шу билан изоҳланар эдики, бажариб бўлмаслиги ойдай равшан бўлган бу фармонни олгач, маъмурият дарҳол тушундики, улар олдида ажойиб имконият, илгари кўрил-

маган олтин фаввора (булоқ) пайдо бўлаяпти. Англадиларки, бу бойлик орттиришнинг, аҳолини эзиш ва қўрқитиб пулини олишнинг янги муъжизавий манбаси. Ва мана шу олий фармон олди-бердиси, ҳали имкон бор экан, бир кечада бойиб қолиш ҳаракати жойларда ўтакетган тартибсизликларни келтириб чиқарди. Мен, жаноблар, алоҳида ҳодисаларга тўхталиб ўтирмайман, қандайдир Петров, Иванов, Сидоровларнинг айбини айтиб, майдалашиб ўтирмайман, зеро булар олий (мартабали) палатанинг диққатини жалб қилишга арзимайди, лекин мен қатъият билан...

2-навбат
12 пара

Керенский... ҳукумат томонидан қабул қилинган тахминга, яъни юқорида айтилган фирибгарлик ва порахўрликка фақат энг қуйи маҳаллий маъмуриятлар айбдор деган тахминга қаршилик билдираман. Бу тахмин, жаноблар, мутлақо асоссиздир (нотўғридир). Маҳаллий маъмурият — бу мингбоши, оқсоқол ва бошқалар илгаридан тил бириктириб аҳолини эзиб, талаб, айнан мана шу амалдорлар воситасида бойиб келган рус маъмурларининг қўлидаги ўйинчоқ, холос. Айнан шундай, чунки бу рус маъмурларининг кўпчилиги ҳозирда вазифасидан бўшатилган, Туркистон генерал-губернатори Куропаткининг буйруқларидан бирида, бу буйруқни ҳозир сизга топиб бераман, тўғридан-тўғри бир қатор кишини жуда аччиқлантирадиган порахўрлик ва фирибгарликлар (товламачилик) ҳақида гап боради. Мен нега шундай деяпман? Фикримни шу билан тасдиқлашим мумкинки, бир-биридан мутлақо хабарсиз ҳолда Тошкентда ҳам, худди Еттисувдаги каби, Самарқанд вилоятида ҳам Фарғона вилоятидагидек, Туркистонда ҳам Дашт вилоятидаги каби галаёнларнинг бошланиш вақти мардикорлар рўйхати тузилиши вақтига тўғри келган. Ҳа, жаноблар, наҳотки сиз рус маъмуриятини билмасангиз? Наҳотки сиз ўзлари Маҳмудча деб атайдиган кишининг ёшини ўз таъби ва кўз қараши билан аниқлаш имкони берилган, амалдорлик мундири кийиб олган Иванов ёки Петров бундай вазиятда нима номаъқулчиликлар...

3-навбат
1 пара

Керенский... қилишига шубҳа билан қарасангиз? Сиз у ёқда оилавий рўйхатлар юритилмаслигини, Туркистонда ҳарбий мажбурият йўқлигини назарда тутаяпсизми? Шунинг учун у ерда кимнинг ёши 19 да, ким 18 га кирган, ким 43 яшар, ким 53, ким 30 га кирган, ким 48 га — аниқлашнинг имкони йўқ. Буни кўз қараш билан аниқлаш керак эди. Бутун маҳаллий маъмурият кўз қараш билан одамларнинг ёшини аниқлашга киришганда нималар бўлганини кўз олдингизга келтира оласизми? Бу ёш белгилашдан уларнинг чўнтагига қанча муллажиринг тушди экан? Бундан аҳоли қанча жабр тортди экан? Рўйхатда 30 яшар деб кўрсатилган чолнинг ёшини 60 да деб исботлашга беҳуда уринаётган одамларни кўрганман. Чунки у камбағал, 300 рубль тўлашга қурби етмайди. 25-30 яшар болакайни эса 50 га кирган деб ёзишибди, чунки у бой. Ва аҳолидан келаётган шикоятлар маҳаллий маъмуриятнинг кирдикорлари билангина чекланиб қолмаган, ахир. Лекин қайси сарт ёки қирғиз ҳарбий полиция мундирини кийиб олган бу маҳаллий жаноб — "тўра" устидан арз қилишга журъат этади, айниқса бу тўра хоҳлаган кишисини итдай отиб ташласа-ю, жазосиз қолаверган ҳолатда? Сиз бу қўрқитилган, талаган, дарди фасод боғлаган омманинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг, эрлари олиб кетилганлиги туфайли ўзлари очлик ва қашшоқлик ёқасига келиб қолган аёлларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг.

14-навбат
2 пара

Керенский... Ва 7 июлда ё 5 июлдамикан, Хон... да бўлган дастлабки тартибсизликлар, жандармлардан биринг менга айтишича, бекорга хотинлар ғалаёни бўлмаган. Маҳаллий аёллар кўчага чиққанлар, гарчи илгари айтганимдек, улар бегона эркаклар олдига юзи очиқ ҳолда чиқиши мумкин эмасди, паранжисиз чиққанлар, казак отларининг оёғига йиқилиб, очликдан ўлишга мажбур қилгандан кўра, ўзлари ўлдириб қўя қолишни илтижо қилганлар... *(Чап томондан овоз: шармандалик).* Биласизми, бу ҳеч бир рус киши жабрланмаган Жиззах уездини ҳисобга олмаганда сарт вилоятлари водийси деб аталадиган бутун Туркистондаги энг биринчи ғалаён эди. А, кимлар жабр чекди?

Қуйи амалдорлар — уезд бошлиғининг буйруғини бажариб, аҳолини бир жойга йиққан мингбоши, яъни қишлоқ оқсоқоллари, мазкур рўйхатни тузган волость котиблари жабрланганлар. Одамлар йиғилиб бу рўйхатлар ноқонуний тузилган деб, уларни йўқ қилишни талаб қилишган, шу пайтгача бўлиб келган ушбу рўйхатлар билан боғлиқ товламачиликларга чек қўйилишини талаб қилганлар. Туркистоннинг янги генерал-губернатори Куропаткин келганида — бахтга қарши жуда ҳам кеч — буларнинг ҳаммаси тан олинган, ҳамма фактлар аниқлаб бўлинган эди. Шундай қилиб, Туркистондаги воқеалар тарихини билган ҳар бир киши қатъият билан тан олиши керакки, бу воқеаларнинг мазкур фармон чиқиши ва уни ижро этишнинг шакл ва усулларидан бошқа сабаби йўқдир. Эндигина фармонни ижро этиш тартибини ўзгартирувчи чоралар...

14-навбат
3 пара

Керенский... қабул қилиниши билан; маҳаллий аҳоли билан озми-кўпми одоб доирасида гаплашила бошлагач, ҳамда улардан нима исталаётгани ва буни қандай амалга ошириш тушунтирилгач, Петербургда туриб айтилаётгани каби, қайноқ қонлар совиб, қўзғолон барҳам топган. Нима учун? Агар бунинг чуқур сабаблари бўлган бўлса, агар фитна бўлган бўлса, агар бунга хорижий таъсир бўлган бўлса, унда нима учун бу ҳодисалар мазкур фармон чиқиши билан юзага келди ва амалда ушбу бемаъни фармойиш бекор қилиниши билан барҳам топди? Жаноблар, шу ерда Туркистонда бўлиб ўтган ҳодисаларга мазкур фармон ва унинг ижросидан бошқа сабаб йўқ деган фикримга мисоллар келтириб, чуқурлашиб ўтирмасликка ижозат берсангиз. Агар ҳақиқатни гапирмай, гапларимга эътироз билдирадиган бўлишса, рухсат этинг, мен фикримни далиллар билан исбот қиламан. Лекин илгари айтганимдек, Туркистонда тартибсизликлар келтириб чиқарган ушбу асосий актдан (фармон) ташқари, унинг ижро қилиниши ҳам асосий роль ўйнади. Бу ижро юқорида айтганимдек, хиралик билан пора ундириш, шунингдек, маҳкамавий шантаж билан боғлиқ эди. Аҳолидан нима олиш мумкин бўлса олиб бўлиб, аҳоли нима беришга қодир бўлса, шунга мажбур қилиб бўлингач, товламачиликнинг иккинчи босқичи бошланади; унда аҳолини маҳкамага (судга) тортиш билан қўрқитиб, яна нимадир ундиришга ҳаракат қилишади. Қаршилик қилганларга салкам ўлим жазоси берилади, дея таҳдид солишарди.

3-навбат
4 пара

Керенский... Гоят маданиятли маҳаллий сартлар ва уларнинг шаҳарларидаги маданиятли русларнинг гапларига кўра, бу ярим ёввойи кўчманчиларнинг маҳкама жаҳаннамидан қутулиш учун қандай қилиб бадал тўлашлари замирида қанчалик ғам-ғусса ётиши ҳақида эшитиш нақадар уятли, нақадар шармандали, жаноблар...

Ёдингиздами, ушбу минбардан туриб Кавказда Дашноқлар иши билан боғлиқ қандай воқеалар бошимиздан кечганлиги ҳақида гапириб берган эдик. Ўшанда ҳам ўнлаб миллионер ва бойлардан бадал ундириш мақсадида улар қамоққа тиқилган эди. Худди ўша тизим, ўша усул Туркистонда, кичик шаҳарчаларда, Наманганда ёки Қўқонда такрорланди. Юзлаб, баъзан минглаб, жинси ва ёшидан қатъи назар ҳар томондан олиб келинган кишилар қамалди ва фақат яхшигина эваз бериши мумкин бўлганларигина озодликка чиқарилди. Сўнгра, агар шундай дейиш мумкин бўлса, Туркистон бошқарувида янги давр бошлангач, янги тартиблар қабул қилиниб, уларнинг кўпчилиги озод этилди. Бироқ омма бошидан кечирган бу кўргиликлар унинг руҳиятида чуқур из қолдирди. Бу жароҳатлар йиллаб, ун йиллаб ўз таъсирини кўрсатар балки. Ва биз, рус давлатчилиги, рус маданияти вакиллари, қайси партияга мансублигимиздан қатъи назар барчамиз ўша ҳақоратлаш, ўша хўрлаш, рус маданиятининг рус амалдори томонидан таҳқирланишидан қаттиқ уялишимиз, изтироб чекишимиз лозим. Бу билан...

8-навбат
5 пара

Керенский... бизнинг маданиятимиз бу омма, маҳаллий аҳоли оммаси кўз ўнгида тупроққа қориштирилди. Айтаяпманки, жаноблар, бу бемаъни буйруқ натижасида унинг жойларда чидаб бўлмайдиган даражада бажарилиши натижасида шубҳасиз, ушбу ижтимоий тартибсизликнинг бузилиши ва галаёнлар бошланди. Бироқ, бу ерда, жаноблар, ҳар доим халқ оммаси тўлқинланганидек, маҳаллий аҳоли тўлқинланиши — бу бетартиб ғалаён чақнаши, даҳшат ва тушкунлик, нафрат, жоҳиллик, бахтсизликка олиб келувчи қора, тушунарсиз сабаблар келтириб чиқарган кишиларнинг бетартиб равишдаги ғалаёни эди. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда

тарқалган бу ҳаракат худди шунга ухшаш илгари Россияда ҳам бўлганидек, доим бўладиган бетартиб ҳаракат эди. Бу доимо бир хил усулда, аҳолининг кучли даражада ижтимоий эзилиши ҳамда ҳокимият тарафидан қонунсизликларга йўл қўйилиши оқибатида юзага келади. Бу маданий давлатлардаги каби қолоқ давлатларда ҳам мавжуд бир усул — восита. Оммaнинг ақлидаги охирги нур, сўнгги тоқати барҳам топади. У ўлоқтиради, тор-мор қилади, қирғин қилади, қотилликларга йўл қўяди ва ўзи ҳозир бўлиб ўтган воқеалардан даҳшатда. Қўрқувнинг сабаби, у ўзи орқага улоқтириб бўлиб, майдалаб ташлаган оммани шу ҳолда ҳеч қачон топа олмайди. Туркистондаги барча тартибсизликлар худди шундай бўлиб ўтди. Бу ғалаёнларга рус ҳукумати маъмурлари нафақат маданий Европа давлатлари, балки зулмкор Шарқда ҳам йўл қўйилмайдиган, ўйланган тартиб ва системали террор билан жавоб берди. Туркларнинг Арманистондаги зўравонликларини сизга айтиш жуда оғир; немисларнинг Бельгияда амалга оширган зўравонликларини сизга айтиш жуда оғир, Еттисув тоғларидаги юз берган воқеаларни мен ҳеч қачон кўрмаганман. Жаноблар, пастликлар, водий вилоятлари, жойларда сарт аҳолисидан рус кишилари фақатгина бир уезд — Жиззах уездида зарар кўрдилар: у ерда юзга яқин одам ўлдирилди ва жабрланди. Булар тоғлардан Жиззахга ва Жиззах уездининг турли жойларига кечаси тушиб келган кўчманчиларнинг шиддатли ҳужумига дучор бўлган эркаклар ва аёллар эди. Улар ҳалок бўлдилар. Бу бетартиб тўполон эди. Бу уюштирилмаган қўзғалиш, душманларимиз томонидан аввалдан тайёрланмаган, демак, қўзғолон ҳам эмас. Бу шундан кўринадики, жаноблар, барча жабрланганларнинг айтиш-ларича, айтиб ўтганимдек, бўладиган ҳодисалардан икки кун олдин нима бўлишини ҳеч ким билмаган ҳамда бир қанчаси икки кун, бир ҳафта ҳам бўлиши мумкин, кейин нималар рўй беришидан хабарсиз бўлган. Бир сўз билан айтганда, жабрланган, жароҳатланганлардан бири, сўраганимда...

3-навбат
7 пара

Керенский... аҳолининг авзойи ўзгаргани ва жўнаб кетиш истагини бир неча кун олдин ҳис қилганларини айтди. Ва ўзига хос равишда, жаноблар, улар аҳолининг авзойи ўзгарганини қандай билдилар: улар буни бир фактдан, Зомин посёлкасида яшовчи фельдшер аёлга уриб жароҳатланган талабаларнинг келишидан

билганлар ва дейдики, шубҳасиз, тоғдан тушишдан олдин улар ўртасида қаттиқ кураш кетган. Кураш қандай савол атрофида бўлган; бу кураш, жаноблар, Фарғона ва Жиззахда, Еттисувда ҳам юз берган бўлиб, бу кураш камбағаллар ва бойлар синфи ўртасидаги курашдир. Расмий ва норасмий хабарларга кўра айнан ўша Жиззах шаҳрида ва қирғизлар ўртасида ҳам ғалаён яна ўша савол — кетаётганларнинг ўз жонини қолаётганларга сотишидаги бу инсон учун тўланиши керак бўлган баҳо устида бошланган. Баҳс мулкдорлар, маҳаллий бойлар ва қолган маҳаллий омма ўртасида кечган. Негаки, маҳаллий аҳоли бу солиқ, сотиб олиш солиғи бойлар ва қолган аҳоли ўртасида тенг тақсимланиши талаби билан чиққанлар. Бойлар эса рус маъмурияти билан биргаликда юзага келган дим аҳволни сақлаб қолганлар. Бу вақтда қайсидир бир қишлоқда савдогар бой ёки катта ер эгаси учун 10 ёхуд 50 рубль тўлаш ҳеч нарса бўлган пайтда, камбағаллар, менга Фарғонада бир кичик кредит чиновниги таъкидлаганидек, энг сўнгги сигирларини гаровга қўйганлар, гаровга энг охирги бойликларини қўйганлар...

3-навбат
9 пара

Керенский... Энг сўнгги сигирлари, энг сўнгги бойликларини маҳаллий судхўрларга ойига 30-40 фоизга гаровга қўйганлар, ўзлари пахта етиштирадиган бир парча ерларини гаровга қўйганлар. Мана шу тўлов асосида қуйилар ва юқорилар ҳисобланмиш маҳаллий аҳоли ўртасида ижтимоий душманлик келиб чиққан ҳамда маъмуриятнинг юқорини қўллаб-қувватлаши қуйиларнинг ушбу рус маъмуриятидан ҳам нафратланишига олиб келди. Худди мана шундай бўлган эди, жаноблар. Айни ўша Жиззахда ғалаён ва тартибсизликлар бошланди ҳамда маҳаллий аҳоли ва бойлар ўртасида тўқнашув юз берди. Ва шундан кейин уезд бошлиғи Лукин омма олдига чиққанида, ўзини йўқотган оломон томонидан тилка-тилка қилинди. Ва бу нима эди, жаноблар, кўринадики, бу тасодифан, Туркистоннинг барча ҳудудида ва Дашт вилоятида маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланган ҳеч қандай ҳарбий қурол йўқ эди, улар қуролланмаган эдилар. Улар ихтиёрида бир нечта эски чақмоқ милтиқ, кейинчалик ушбу ҳодисалар учун тайёрланган ўроққа ўхшаш темир буюмлар, гурзига ўхшаш таёқлар, гадир-будир гаврон, санчқилар ва ҳоказо бор эди. Фақатгина

Еттисувда тартибсизликларнинг авжида улар бир қанча винтовкаларга эга бўлишди. Буни қирғизлар Еттисув вилоятининг узоқ бир уездига қурол олиб кетаётган машинадан қўлга киритишган.

3-навбат
10 пара

Керенский... ва бу рус намунасидаги ва умуман, замонавий типдаги ягона винтовкалар бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан ғалаён даврида қўлга киритилган. Бундан ташқари, Жиззахда улар тоғ ва водийлардаги уларнинг ҳаракатларидан жабрланган ўрмон соқчиларидан бир нечта милтиқларни тортиб олганлар. Ва шундан кейин, жаноб-лар, албатта, ҳаракатнинг энг авжида маҳаллий воизлар, монах (руслар мусулмон уламоларни ҳам шундай атаганлар — *тарж.*) эшонлар — бу мусулмонларнинг ўзига хос унвони — тарафидан диний даъватга уринишлар содир бўлган. Машҳур диний ғоялар, сиёсий бўлмаган диний ғоялар ҳамда рус кишилари зўравонликларидан озод бўлишга ташвиқот қилишга уринилган. Бироқ, бу уринишлар бир нечтагина, икки-уч жойдагина аниқланган ва бу барибир факт.

Раис Давлат Думаси аъзоси Керенский, вақтингиз тугади *(овозлар: илтимос қиламиз, илтимос қиламиз)*. Давлат Думаси узайтирилиши маъқулми? *(Овозлар: илтимос қиламиз, илтимос қиламиз.)*

Керенский... Ва мана, жаноблар, бизга панисломистик ташвиқотларга уринишлар, у ерда немис агентлари бўлгани ҳақида айтар эканлар, сизга икки аниқ ахборот, қизиқарли воқеани айтиб беришим мумкин. Туркия билан уруш эълон қилинганда маҳаллий—ҳарбий ҳукумат эмас, маҳаллий қўриқчи бўлинма Петербургга ва маҳаллий губернаторга маълумот бериб, маҳаллий аҳоли Россия Туркия билан урушаётганига фавқулодда асабий ёндашаётганини...

3-навбат
11 пара

Керенский... ҳамда бунинг асоратларини кутиш лозимлигини айтган. Бунинг асоратлари билинмади-ю, бироқ Андижонда, бундан бир неча йил олдин машҳур андижонлик эшон бошчилигидаги исён юз берган уездда маҳаллий пахтачилик марказида охири бир

панисломист тарғиботчини тутишди. Маҳаллий миллионер бой жиноят устида қўлга олинди. Унинг уйидан панисломистик уюшма томонидан маҳаллий тилда чиқарилган панисломистик ҳаракат фойдасига жиҳод қилишга чорлов, пул туланмаганда ўлдиришга таҳдид ифодаланган ташвиқот варақалари топилди. Маҳаллий органчилар ва маъмуриятнинг бир қисми буни катта байрамдай қабул қилишди. Аммо, маъмурлардан бири бу ҳодисага ишонмади; у қарши текширув ўтказди ва бу варақалар маҳаллий охрана бўлимининг бир агентининг уйида босилгани ва сақланганини аниқлади... *(чапдан овоз: жуда яхши, ҳар доимгидек)*... ва бу агент Тимофеев фамилияли рус киши бўлиб, у ўзининг бу асарларини сиртдан қараганда ўша бойнинг уйида кутган. Мана, жаноблар Туркистонда панисломистик ташвиқотни қандай юзага келтиришаяпти.

3-навбат
12 пара

Керенский... Ва ўз вазифалари ва ўз мақсадлари билан бу чинакам сотқинлар, ҳақиқий давлат жиноятчилари ўзларининг бу ташвиқотлари яхши асосда қабул қилиниши мумкин деб бу ҳақда ўйламадилар; улар панисломист ташвиқотчиларникидек, маҳаллий аҳоли бу варақаларга ҳам жиддий эътибор берганида юз берадиган ҳодисалар ҳақида ўйламадилар ва агар бу ғояларга маҳаллий аҳоли томонидан панисломистик ғояларга кучли интилиш бўлиши ҳам мумкин эди, жаноблар. Аслида эса, бу одамлар, яъни бу ерда, Петербургда туриб, жойлардаги ғалаёнлар ҳақида рапортлар ёзиб, шовқин солганлар аслида ёлғон айтишаётганини жуда яхши билишлари мумкин ва шунинг учун ҳам ўзларининг фокус-уйинларини мутлақо қўрқмасдан амалга оширадилар. Мана энди эса бу ҳаракат бошланган вақтда, тўғрисини айтганда, у Тошкентда ниҳоясига етганда бу ерда ҳам улар чет эл державалари ҳаракатини исбот қилмоққа уриндилар. Ва ўша Тошкентда деярли барча маҳаллий қозилар ҳибсга олиниб, уларнинг барчасига афғон амири билан жиноий мақсадда хат ёзишиш айби эълон қилинди. Аммо, бу қозиларни тезда қўйиб юбориш-га тўғри келди. Хатларни эса яшириб қўйишга тўғри келди, негаки, бу хатлар ҳам худди Андижондаги панисломистик кўзголонга оид варақалар каби тарихга эга эди. Мана бу, жаноблар, сиз буни худди министрлик курсисида ўтириб тинглар экансиз.

4-навбат
1 пара

Керенский... сизга Туркистонда юз берган панис-ломизм ва фитналар ҳақида, бизга душман державалар ҳақидаги афсоналарни қайтаришади. Биласизми, улар сизни фақат алдашга уринишаяпти, ўзларининг айбларини нафақат сог, балки охири йўқ жабрланган бош оғриги билан оғирлаштиришга уринишаяпти. Мен билмайман, айтишаяптики, Ички ишлар вазирлиги вакили бу ерда, Думада мишмишларга кўра, қирғиз ҳарбийлари бошқарувида турк генерали турибди, деб айтишга журъат қилган. Бироқ, жаноблар, бу ахборот мутлақо латифа, уни тасдиқлаш мутлақо мумкин эмас, негаки, қирғизларнинг ким эканлигини, уларнинг Туркияга ва умуман, мусулмончиликка муносабатини ис-таган киши, ким билмайди? Бундай воқеа умуман бўлмаслигини ҳозироқ таъкидлаш мумкин. Мен айтаяпман, жаноблар, инкор қилмайман, ғалаёнлар бўлди ва бу бетартиб газабланишдан бир неча жойда рус аҳолисининг ҳам кичик гуруҳи, уша Еттисувда ҳам Пржевальск ва Жаркент уездини истисно қилганда, жабрланишди, шундай эса-да, нега — яна айтаман — бошқа жойларда руслар томонидан қурбонлар яккам-дуккам эди. Жиззахда тартибсизликлар юз берганда эса у ерга, 3 турда қуролланган пиёдалар, артиллерия ва отлиқлардан иборат жазо отряди келади ҳамда отряд бошлиғи...

15-навбат
2 пара

Керенский... шундай-шундай йуналиш буйича юриб, йўлида дуч келган барча уйларга ўт қуйиш, маҳаллий аҳолини жинси ва ёшидан қатъи назар ўлдириш ҳақида буйруқ беради. *(Чапдан овоз: шармандалик.)* Кўкрак эмувчи болалар ўлдирилдилар, қари чоллар, кампирлар ўлдирилдилар. *(Шингарёв: бу ваҳшийлик.) (Родичев: бу мамлакат ғурури.)* Шу вақтда, 13 июлда Жиззахда туполонлар юз берган бўлса, бу буйруқ 3 августда чиқарилган. Мана, жазо экспедицияси ҳақида сўз кетадиган буйруқ. 3 августда, қайтараман, бу оломон ғалаёнларидан деярли бир ой кейин бу буйруқ чиқарилади, унга кўра Жиззах шаҳрининг барча маҳаллий аҳолиси — мен у ерда бўлганман, мен кейин харобаларда бўлдим ва ҳаммасини кўрдим, — бир неча минг киши, балки 10000 дан ошиқ аҳоли... *(овоз: 20000)*... Ҳа, 20000 маҳаллий аҳоли яшаган,

агар улар уч кун муддатда, 6 августгача барча уездлардан қотилларни топширмаса, ҳудуддаги барча бир неча минг қотиллар кўз илғамас тоғларга тутқич бермай чиқиб кетган, барча аҳоли шаҳардан шафқатсиз равишда қувғин қилинади. 6 ёки 7 август куни бу буйруқ бажарилади ва эрталаб...

15-навбат
3 пара

Керенский... тўп ўқлари остида асосан болалар, аёллар ва чоллардан иборат бу оломон уй-жойларидан, ўчоқбошидан сувли воҳага эмас, аксинча уезд ичкарисидаги чўлу биёбонга ҳайдаб борилган, шаҳар эса режали ва узлуксиз равишда бутунлай вайрон қилинган. Мен, жаноблар, иккита — Гарбий ва Кавказ фронтларида бўлганман, лекин ҳеч қасрда Жиззах каби ер билан битта бўлган душман шаҳрини кўрмадим. Ҳолбуки, Жиззах Россия ҳудудидаги рус шаҳридир. Бироқ бу билан чекланишмаган, жаноблар. Шундан сўнг Туркистон генерал-губернатори жиз-захликларга тегишли бўлган шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги 900 десятина ерни мусодара қилиш ҳақида буйруқ беради. Бу ерлар мусодара қилинади ҳамда аҳоли, айбсиз ва айбдорлигидан қатъи назар, бундан кейин ўз хусусий еридан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Энди Етгисувда ҳам шундай қилишаяпти ва сиз бундан бошқача йўл тутиб бўлмайди дейсиз. Россиянинг қайси қонунларида суд ва терговсиз жиноятчинигина эмас, ҳатто унинг меросхўрини ҳам мол-мулкидан маҳрум қилиш ҳуқуқи кўрсатилган? Россиянинг қайси қонунида шундай деб ёзилган? Ва нима учун, жаноблар, агар бу ерда аграр ёки яҳудийчасига тартибсизликлар бўлар экан,

...

4-навбат
4 пара

Керенский... унинг зарари ҳам шунга яраша бўлади, ушбу мусодара ўтказилмайди ва ўтказилмаслиги ҳам керак, чунки бу ерда қандайдир маънода жамоатчилик фикрининг таъсири ҳам бор. Шундай қилишга тўғри келди дейсиз. Унда қандай қилиб душманларимиз немислар ва туркlар қилаётган ишлардан нафратланасиз? Бельгияда фуқаролар хусусий мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилинибди, деб эшитганмисиз? Фуқаролар

душман томонидан эмас, ўз ҳукумати томонидан шундай ит эгасини танимайдиган тартибсизликка дучор этилганини бошқа қаерда кўргансиз? Бўлди, жаноблар, мен ушбу жазо экспедицияси Жиззахда, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида, ҳатто бирорта ҳам рус жабрланмаган Тошкент уездидаги Тўйтепада амалга оширган хунрезлик, талончилик, зўрлаш, мародёрлик ҳақида бошқа гапирмайман. Қайси давлатчилик, қайси давлат икки киши учун икки юз кишини йўқ қилиш керак деган нуқтаи назарда туриши мумкин? Ва сиз, ўнг томонда ўтирганлар, кўпчилигингиз хоч тақиб олгансиз, қичқирасиз: шундай қилиш керак эди, деб. Бу хатти-ҳаракатингиз Инжилга хилоф, билмайман қандай... *(шовқин-сурон), (ҳеч нимани эшитиб бўлмайди), (овоз: ёлғон бу).*

Раислик қилувчи Давлат Думаси аъзоси Якубович. Илтимос, нотиқнинг гапини бўлманг. *(Ўнг томондан овоз: ёлғон бу).*

Илтимос, нотиқнинг гапини бўлманг. Акс ҳолда жазо чорасини кўришга мажбур бўламан.

Керенский... Қирғизлар каби сартлар ҳам ҳеч нарсага арзимайди. Ишонинг, мен сизни толиқтирмоқчи эмасман, агар керак бўлса мен буни бошдан-оёқ исботлаб бераман...

4-навбат
5 пара

Керенский... Қирғизлар ғалаёнига ҳам шу нарса сабаб бўлган эди. Худди ўша сабаб худди ўша оқибатни келтириб чиқарган эди. Лекин у ерлар ҳали маданиятдан жуда-жуда узоқда, у ерда темир йўл йўқ, у ерда ҳали қулочни кенг ёйса бўлади, у ёқда ҳокимиятнинг ва бахтга қарши бир қисм рус аҳолисининг ўта жазавали хатти-ҳаракати мисли кўрилмаган кўламга етди. Яқинда шу ерда Деҳқончилик вазири бизга маҳаллий аҳоли томонидан ўлдирилган рус мактаб ўқувчилари ҳақида гапириб берди. Биламан, бу жуда аламли, жуда қайғули, жаноблар, лекин худди шундай болаларни онгсиз оломон эмас, ҳукумат режали равишда (хотиржам) совуққонлик билан ўлдираётганини қандай баҳолаш мумкин? Ҳолбуки, рус аҳолиси иккитагина уездда: Пржевальск ва Д... (?) да жабр кўрди, қирғиз аҳолиси билан боғлиқ ҳаракатлар эса қолган бутун уездларда бўлиб ўтди. Бу икки уездда алоҳида рус фуқаролари, асосан маҳаллий аҳолига мутлақо алоқаси бўлмаган кишилар, яъни Бутун-россия чорва рўйхатини ўтказиш учун ёзда

юборилган статистлар, у ердаги ирригация ишларида ишлаётган гала-балар жабрландилар. Ушбу даҳшат, ушбу ғалаён пайтида ҳокимият уларни буткул унутди, эсга олмади, жаноблар, ўз вақтида уларнинг муҳофазаси ҳақида ҳеч қандай чора кўрмади, қирғизларга мазкур фармон моҳиятини тушунтириш борасида ҳеч иш қилмади.

15-навбат
6 пара

Керенский... Мана, масалан, волостга жўнатиш учун Оқсув қишлоғига 500 қирғизни келтиришади. Волостда эса уларни уезд шаҳрига жўнатиш учун рўйхат тузилаётган эди. Маҳаллий рус аҳолисига эса бу қирғизларни муҳофаза қилиш керак эмасдай туюлади ва бу қуролсиз, руслар орасига ўз ихтиёри билан тушиб қолган одамларнинг кўпчилигини тош ва таёқ билан уриб ўлдиришади. Қолганларини уезд шаҳри Пишпакка олиб кетишади ва раҳбариятнинг кўз ўнгида ўша куни кечқурунок Собор майдонида кинематограф мусиқаси садолари остида ўлдиришади. Лугово қишлоғида эса аскарлар отряди бир қанча маҳаллий рус аҳолиси билан биргаликда қирғиз-ларнинг катта бир тўдасини ўраб олади ва бу қуролсиз кишиларни тик қояли дарё қирғоғига ўқ отиб қисиб боради. *(Чап томондан овоз: бу даҳшат).* Тўқмоқ деган кичик шаҳарчада эса генерал Фальбаум томонидан жўнатилган жазо экспедицияси бошлиғи, ҳозирда марҳум Соколов-Соколинский, қирғизларнинг бутун овулларини ва ўзларини йўқотиш ҳақидаги буйруқ билан...

4-навбат
7 пара

Керенский... Тўқмоққа келади ва барча рус зиёлилари олдида бошлиғининг буйругини ажойиб тарзда бажарганини айтиб мақтанади. Ва ҳатто унинг азаматлари бир дарёчадан уларнинг олдига ўз ихтиёри билан келган тинч қирғиз волостида гаровга олинганларни тасодифан ёки ҳазиллашиб сувга чўктириб юборишади. Уйлаб кўринг, жаноблар, буларнинг бари муболаға, яна мана, эшитиб кўринг, расмий газета Еттисув тоғларида яқинда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида улуғворлик билан, хотиржам ҳикоя қилади: "Албатта, исёнчилар қасосга йўлиқдилар, жангчилар томонидан кўп минглаб қирғизлар яксон қилинди... *(Чапдан овоз: шармандалик)*... уларнинг қароргоҳлари йўқ

қилинаяпти, кўп миқдордаги улар тўдаси жангчилар ва маъмурият қўлига ўтди. Бироқ бу ҳаммаси эмас. Ҳарбийлар уюштирган операциянинг асосий натижаси, исёнчилар шундай бир тоғли районларга ҳайдаб борилдики, тезда совуқ тушиши ва очлик натижасида улар ўзларининг аҳмоқона қўзғолонлари оқибатини тўла ҳис қиладилар... *(Чапдан овозлар: шармандалик)*... Аллақачон улар ўртасидаги йўқотишлар ва касалликлар ҳақида гаплар юрибди. Ҳарбийларга душманга шафқат қилмаслик ҳақида буйруқ берилган. *(Чапдан овоз: душманингизни топибсиз)*... Сиз бу жамики фикрни...

12 декабрь
4-навбат
9 пара

Керенский... эпик адабиёт намунасидан олинг... *(Овозлар: Бу қандай газета?)* Расмий маҳаллий газета. Сизлар у ерда нима бўлаётганлигини англасангиз эди, рус қўшинларининг бирлашган кучлари билан дараларга ҳайдаб киргизилган, ҳолдан тойган, силласи қуриганлар кимлар экан деб ўйласангиз керак. Сизлар уларни қуролли исёнчилар, ҳақиқий душманлар деб ўйласангиз керак? Йўқ, жаноблар, бу ёппасига ва асосан аёллардан иборат бўлган қирғиз аҳолисидир. Улар фармон эълон қилиниб, тартибсизликлар бошланганда оммавий равишда, бутун уруғлари билан водийдан кўтарилишиб, ўзларига янги паноҳ топиш учун тоғларга, янги ватан топиш мақсадида Хитойга йўл олишди. Уларнинг қўзғолони пассив қўзғолон эди. Улар фақат бир нарсани истардилар — ўзлари билан бешафқат муносабатда бўлган эски Ватанини ташлаб, Хитойга отланиш. Шундай қилиб, қирғиз аҳолисининг ушбу оммаси водийдан, дарё ёқасидан тоғларга кўтарилиб, Россиядан қутулиш мақсадида тоғ дараларида тўпланишганда, бу ерда қўшинларнинг бирлашган ҳаракатлари амалга оширилиб, аёллар, болалар, кампалар ва қариялардан иборат омма совуқ ва тинчгина очлик ўлимига маҳкум бўлди. Шундай экан, қандай қилиб қора, маърифатсиз, қолоқ, биздан анча йироқ бўлган маҳаллий халқ, юқоридаги мен таъкидлаганларнинг барчасини бошидан ўтказган бўлса-да, сабрлари тугаб, ...содир этганларини айблай оламиз?

13 декабрь
4-навбат
10 пара

Керенский... Ва бузгунчилик актларини содир этишиб, қилган ишларига шу срнинг ўзидаёқ афсусланиб, айбларига иқрор бўлишмоқда. Биз ҳақиқатан ҳам шармандали саҳифа, рус тарихида кечириб бўлмас шармандалик саҳифаси олдида турганимиздан кейин бу ҳақда қандай қилиб газабланмай гапиришимиз мумкин? Бу борада қўзғолонни бостиришгандан кейин содир этилган Жиззахдаги ишларнинг бирида иштирок этган ўша ҳарбий-прокурорлик назорат вакили, Тошкентга уйга қайтишда айтган гаплари қанчалик тўғри эди: биз уятдан ўзларимизни қўярга жой топа олмадик, Россия тарихининг шармандали саҳифасини кўрдик. Шундай қилиб, жаноблар, энди бажарилиши жиҳатидан мардонавор ва ноқонуний бўлган мазкур Олий фармоннинг қандай оқибатларга, қандай натижаларга олиб келганлигини бир хаёлингизга келтиринг. Бу Фармон, балки бажарилиши ҳам керакдир, аммо ундаги чора, сизларнинг Думадаги фикрларингизга, узоқдаги маҳаллий аҳолини ҳам умумий фидокорликка жалб қилиш, аҳолини ҳақорат қилиш, унга куч кўрсатишга айланиб кетиб, рус ҳукумати учун шармандали ҳол бўлди ҳамда энди янги ва кечириб бўлмас оқибатларга олиб келмоқда. Бу, жаноблар, энди нафақат иқтисодий, балки сиёсий мазмунга ҳам эга бўлади. Бу, айни пайтда, маҳаллий аҳоли олдида уларга қоралиги ва йироқлиги натижасида билинмаган рус ҳукуматининг бошқа томонларини ҳам очиб берди. Энди улар англадиларки, жаноблар, бу... номидан бошқараётган рус маъмурлари...

4-навбат
11 пара

Керенский... буюк Европа давлати номидан бошқараётган рус маъмурлари ана шу бухоролик ва туркиялик амалдорлардан яхши бўлмасаямки, ёмон эканлиги аниқ. Зеро, уларда аҳолини йўқ қилишнинг айнан шундай такомиллашган усуллари йўқдир. Худога шукрки, у ерда, Бухорода, масалан, пулемётлар ҳали мавжуд эмас, шунингдек, у ерда ўн мингдаб тинч аҳоли, аёллар ва болаларни икки-уч ҳафта давомида йўқ қилишга қодир доимий қўшинлар ҳам йўқдир. Жаноблар, мана биз бошдан кечираётган натижалар.

Туркистонда нима бўлишини мен билмайман; бир нарсани аниқ биламанки — балки уларни қизиқтирмаслиги мумкин бўлган сиёсий оқибатлардан ташқари, иқтисодий оқибатлар ҳам сезилмоқда. Аммо бўлиб ўтаётганларнинг барчаси, менинг фикримча, бизнинг олдимизга анча муҳим ва аҳамиятли масалани қўйиши лозим. Ўйлайманки, жаноблар, гарчи гуноҳсизлар қони тўкилган экан, қасос бўлиши мумкин ва у ўз аксини топиши лозим. Бунинг барчаси бизнинг номимиздан, рус халқи номидан, Россия халқлари номидан қилинаётганлиги боис елкамиздаги алоҳида масъулиятни тушуниб етмоғимизни талаб қилиши табиийдир. Биз шу нарсани тўлиқ англаб олмоғимиз керакки, жаноблар, мана шундай бошқарув тизими давлатнинг нафақат Европада тинч мавжуд бўлиши, балки...

13 декабрь 1916 й.
4-навбат
12 пара

Керенский... у узоқ Осиё даштларида ҳам мумкин бўлмайди, бу тизим у ерда ҳам унга бўйсунувчилар учун катта фожиа ва катта жазо олиб келувчи қандайдир халқ душманига айланади. Шу ерда, жаноблар, биз ташрифимиз давомида бор йўқлиги номаълум қандайдир фаразий рус давлатчилиги, тасаввурдаги қандайдир рус давлат арбоблари ва Давлат Думасига бўлган маҳаллий аҳолининг муносабатини эслашимиз даркор. У ерда биз ўртоқ Тевкелев билан бирга бўлган ва маҳаллий ерликлар билан суҳ-батлашган жойларнинг барчасида бир нарсани — ўзларини қуршаб турганларга нисбатан катта ваҳима ва ўзларидан йироқ бўлганларга нисбатан юксак ишончни кўрдик. Улар биз бу ерга келиб, кўриб, билиб ва кетаётиб кимгадир, масалан, сизларга, давлат Думаси аъзоларига, уларнинг ушбу мажлисда қандайдир бошқа рус давлат арбобларининг бўлиши, рус давлатчилигининг қандайдир бошқа замини мавжудлигига бўлган беғубор ишончларини қаранг, уларга ёрдам берадиган зўравонларга тўкилган қон учун омма айбдор эмаслиги, бунда Қонун ва ҳуқуқни поймол қилганларгина айбдор эканлиги ҳақида етказади, деб ўйлашди. Мен ҳайрон ва таажжубда эдим, жаноблар, ана шу қора оммада бўлган беғубор ишончнинг, беғубор ҳайратнинг чуқурлиги турк султонига нисбатан эмас, қандайдир хорижий агентларга нисбатан эмас...

5-навбат
1 пара

Керенский... балки бизга, ўзларини боғлаган мана шу рус давлатчилиги номига эди. Ва биз уларга, ҳа, Россияда бошқа идеалларга хизмат қилувчи, бошқа мақсадлар сари юрувчи бошқа одамларнинг борлигига ишонч ҳосил қилиб, тўғри қилишаётганлигини айтар эдик, шундай жавоб қайтарардик. Биз уларга ўзлари боғланган халққа ишончини йўқотмасликларини таъкидлардик — биз ҳам ўша одам-ларнинг бошқарувидан ваҳимага келишимиз ва ўз халқимизнинг озодлиги ва бахти учун улар билан курашаётганлигимизни айтдик. Энди, жаноблар, бизда, рус жамоатчилиги олдида нафақат ўз халқимиз, балки рус давлатчилигининг оғир занжири билан боғланган, бизга бегона бўлган халқлар ва миллатлар оммаси олдида ҳам юксак масъулият турибди. Туркистонда бўлиб ўтган воқеалар бизга ана шундай ҳодисаларни қайтариш имкониятини томири билан йўқотиш зарурлиги тўғрисидаги масалани қўймоқда. Улар бизга чекка ҳудудларни, жумладан, Туркистонни бошқаришнинг янги тартиби ҳақидаги каби янги долзарб масалаларни қўймоқда. Биз энг қисқа муддатда у ерда Европа давлатчилигининг шаклланиши борасида барча чора-тадбирларни кўришимиз даркор. Жаноблар, Туркистон, Фарғона, Еттисув, Закаспий вилоятлари дунёнинг чеккаси бўлиб, Помирга бориб тақалиши ва қандайдир қоронғулик ва бедаракликка кетгандек бўлиши аллақачон ўтган замонлардир...

13 декабрь 1916 й.
16-навбат
2 пара

Керенский... Ҳозир эса бу ҳамма томондан уйғонаётган ёки уйғонган ва маданиятга талпинган халқлар билан ўраб олинган бизнинг чекка ҳудудимиздир: у ерда ахир Ҳиндистон инглизлар билан, у ерда янги ҳаёт тикланаётган Эрон, у ерда бошқарувнинг янги шаклларига ўтаётган Хитой бор, атрофдаги барча халқ янги идеаллар билан яшамоқда ва янги мақсадлар сари талпинмоқда. Улар давлатчиликни Туркистон босиб олинган 1865 йилдагидан бошқача тушунишаяпти. Ён-атрофнинг барчаси ёруғлик ва тараққиёт сари қадам қўймоқда, биз эса ўша жойимизда, эски кўникмалар, бошқарувнинг эски тартибида қолдик (ҳақиқат ва

адолат ҳақидаги оддий тушунчалардан йироқ бўлган Осиё амалдорлари). Лекин ўша пайтда мумкин бўлган нарсанинг ҳозирда ҳеч иложиси йўқ. Генерал-губернатор Куропаткин Туркистондаги бошқа маъмурларга қараганда, ушбу тартибсизликларни содир этганлар билан таққослаганда "оқ қарға" ҳисобланади. Аммо сиз у билан Туркистонни қандай бошқариш кераклиги ҳақида гаплашсангиз, унинг давлатчилик ҳақидаги дунёқарашини ўргансангиз, ваҳимага тушасиз. Сабаби, бу инсон шу кунгача халқ учун бошқарувнинг биргина (ягона) шакли — якка ҳокимиятчиликка асосланган мустабид шаклини ушлаб турган ва исботлаётган ёлғиз одамдир. *(Ўнг томондан овоз: тўғри),* бу XX асрда... инкор қилаётган инсон...

16-навбат
3 пара

Керенский... чекка ҳудудда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш зарурлигини инкор қилаётган инсондир, у ўзини кўп сонли болалар ва фуқаролар, яъни сартлар ва қирғизларнинг отаси сифатида намойиш қилиш ҳозирда мумкин эмаслигини мутлақо тушунмайди, зеро, бу ерда ўз маданияти туғилиб, маҳаллий аҳолидан иборат маданий жиҳатдан рус маъмур-ларидан анча устун турувчи одамлар пайдо бўлган, сабаби, бу ерда, жаноблар, ушбу ўтган давр мобайнида тамоман янги бошқарув тизимини талаб қилувчи йирик рус колонияси ҳам яратилгандир. Туркистонда бўлиб ўтган ҳодисалар нафақат ёвуз ироданинг, балки юқоридагиларнинг жаҳолати ва ўйламай иш қилишининг натижасидир. Шунингдек, бу маҳаллий бошқарув тизимининг парча-ланишга келганлигининг натижаси ҳамдир. Биз ўз кўзларимиз билан Россия давлатининг маржони ҳисобланмиш, пахта ишлаб чиқариш бўйича ягона бозор бўлган бутунлай кенг ҳудуд фақат Худонинг иродаси билангина мавжуд бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳолини онгли равишда ва ақл билан бошқариш тизимининг ҳеч қандай белгилари йўқлигини кўрдик. Мана, жаноблар, менинг олдинги, мен у ерда илгари ҳам бўлганман, тажрибам асосида кўрганларим ва назорат қилганларим, Туркистонни ўрганиш жараёнида қилинган кўп сонли суҳбатлар, ҳудудни синчиклаб ўрганганимдан кейин қилган таассуротларим шулардир. Ҳаммаси... Кўрганларимни тўлиқ сўзлаб бердим,...

5-навбат
4 пара

Керенский... доимо ҳикоячи бўлишга ҳаракат қилиб, воқеаларни ҳеч қандай сиёсий баҳо ва тус беришдан холи ҳолда баён этишга ҳаракат қилдим. Ишонгим келадики, жаноблар, бу масалада биз воқеаларни баҳолашда якдил тушуниш ва ягона ечим топа олишимизга ишонаман. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, воқеалар учун барча айбловлар кечириб бўлмас фавқулоддаги қонунсизликни содир этган рус ҳукуматига тўғри келмоқда. Яна шуни таъкидлашимиз жоизки, зиммасида ўн минглаб бегуноҳ ўлдирилганлар бор жиноятчиларга нисбатан қўриладиган қасосдан ташқари, биз зудлик билан Туркистон ва бошқа чекка ҳудудларимизни бошқаришнинг янги шаклларини жорий қилиш навбатини талаб қилишимиз ва қўйишимиз керак.

Раислик қилувчи Давлат Думаси аъзоси Жаъфаров.

5-навбат
4 пара

Жаъфаров... (Боку, Елисоветполь ва Эриван губ.). Давлат Думаси аъзолари, жаноблар. Уз нутқимни бошлашдан олдин, биз бугун мана шундай муҳим масалани, ушбу масала билан боғлиқ бўлган ҳудудларнинг вакилларисиз муҳокама қилаётганлигимизни таъкидламоқчиман. Бу гайритабиий ҳолдир, бундан буён бунга чидаб бўлмайди. Сўнг мен қуйидагини таъкидламоқчиманки, ушбу ойнинг 27-нчи санасида...

6-навбат
5 пара

Жаъфаров... мен ҳарбий ҳайъатда ушбу масала юзасидан ўз қарашларимни кескин ибораларда билдирган эдим, аммо бугун бундай ибораларда ўз нутқимни охиригача етказа олмаслигимдан хавотирланиб, мен ўзимни маълум бир доирага қўйиб, ўзим мусулмонлар фракцияси номидан бўлиб ўтган воқеаларга фикримизни билдирмоқчиман ва бу воқеалардан келиб чиққан вазиятлар ва сабабларга эътиборларингизни қаратмоқчиман. 6 июлда эълон қилинган Олий фармойиш Россиянинг шарқий ҳудуд-

ларида, Кавказ, Туркистон, Сибирь ва Даштли вилоятларидаги ғайритабаа аҳоли ҳаётида бутун бир даврни очди. Улуғ жаҳон уруши жараёнига шу кунгача алоҳида иқтисодий вазиятда яшаган, ўз ҳуқуқлари чекланган, умумдавлат тузумида айрича ўринга эга бўлган фуқаролардан иборат юз минглаб ғайритабаа аҳоли тортилди. Бу ҳукуматни мазкур ғайритабаа аҳолини бирма-бир чақириш актига алоҳида эҳтиёткорлик билан ва теран ўйлаган ҳолда муносабатда бўлишга мажбурлаши керак эди. Лекин, ҳаётда эса биз тескарисини кўрамиз: ғайритабааларни чақириш Империянинг Асосий Қонунларини бузувчи тартибда амалга оширилган ва ғайритабаа аҳолининг хўжалик ҳаётида бесабаб изтироблар келтириб чиқарувчи шаклда ҳаётга татбиқ этилган. Олий ҳукумат агентларининг ғайриқонуний саъй ҳаракатлари маҳаллий ҳукуматнинг чексиз ўзбошимчаликларини юзага келтирди. Чақириш тўғрисидаги фармон чоп этилиш актининг ғайриқонунийлиги...

13 декабрь
16-навбат
6 пара

Жаъфаров... шунингдек, актни ҳаётга татбиқ қилишнинг ҳам ғайриқонунийлиги — асрлар давомида ишлаб чиқилган ва ғайритабааларга мансуб бўлган сиёсат анъаналари, яъни нафақат аҳоли фикрларини, балки унинг ҳаётий қизиқиш-ларини ҳам менсимаслик сиёсатининг аниқ натижаларидир. Мен бу ерда сизларнинг диққат-эътиборларингизни мазкур масаланинг юридик томонига батафсил қаратмоқчи эмасман: масаланинг юридик томони бизнинг талаб-номамизда батафсил қайд қилинган ва у терилиб, сизларга тарқатилган. Мен Асосий Қонуннинг 71-моддасига тўхталмоқчиман. Бу модда қуйидаги талқинга эга: Россия фуқаролари Қонун билан белгиланган солиқлар ва божларни тўлашга мажбур, шунингдек, Қонун қарорига асосан мажбурий ҳарбий хизматни ўташи шарт. 86-модда эса: қандай янги қонун Давлат Кенгаши ва Давлат Думаси томонидан маъқулланишисиз чиқиши мумкин эмас ва Император жаноби олийлари тасдиғисиз кучга кирмайди. Ҳарбий вазир, 25 июндаги Олий фармойишни сўраб, Асосий Қонунларнинг юқорида қайд этилган бобларини бузди. Очиқроқ айтсак, мазкур Олий фармойиш янги мажбуриятли ғайритабаа аҳолиси бор жойларда кучга киради. Шундай бўлса ҳам, Асосий Қонуннинг 71-бобида

айтилишича, рус фуқароларининг ҳарбий мажбуриятларини ўташи қонуний тартибдан бошқача белгиланиши мумкин эмас. Зеро, ҳарбий қонунчилик тартибида, 96-боб тартибида умумий қонунлар предметини ташкил қилувчи буйруқнинг чиқиши мумкин эмас. Айтилганлардан ташқари, Ички ишлар вазири лавозимини суиистеъмол қилиб, Олий фармойишнинг 2-бўлимидаги талабларга қарамай, Ҳарбий вазир билан олдиндан келишиб олмай, ғайритабааларни оширич равишда чақириш ҳақида ўзбошимчалик билан буйруқ берган...

5-навбат
7 пара

Жаъфаров... 25 июнда битилган фармон Ҳарбий вазирнинг розилигига ва чақирув тўғрисидаги мукаммал қоидаларнинг дастлабки ишлаб чиқилишига муҳтож эди. Шундай қилиб, қонуннинг яққол маъносига қарамай, ғайритабаа аҳолига қонуний тартибдагидан бошқача бўлмаган янги айбномалар қўйилади. Бу кам бўлгандек, асосий қонунларни бузиб қўйилган айбномалар чақирув тўғрисидаги расмий ҳужжатнинг талабларига риоя қилинмай амалга оширилади. Ҳамон иш қирғиз, сарт, туркманларга тегишли бўлса, қонун талаблари билан ҳисоблашиш керакми? Бу ғайритабаа аҳоли учун қонунлар ёзилмаган. Ҳукмронликни ошириш — бу рус ҳукмронлигининг ғайритабиий сиёсати принципи: ишга чақириш, ва албатта, қарши ҳаракат қилган ҳолда по-лиция ҳукмронлигининг кучларига таянган зўр маъмурий механизм мавжуд эмасми? Айрим ғайритабаа гуруҳларнинг иқтисодий турмушининг ҳар хиллигини ҳисобга олмай, айрим вилоятлар хўжаликлари, шунингдек, бутун мамлакат хўжаликлари кўрадиган зарарни назарга олмай, ҳукумат айрим жойлар ҳаётининг ўзига хос шароитларига эластик мослаштирилган ҳаётга очиқ равишда чоралар жорий қилмоқда. Бизнинг олдимизда ҳақиқатан ҳаёт ҳайқириғи бўлган қатор ҳужжатлар борки, улар иқтисодий маънода зарарли оқибатларга олиб келадиган қанчалик асоссиз чақириқ эканлигининг яққол исботи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ғайритабааларни чақириш тўғрисида фармон чиқиши билан, ўша заҳоти...

12 декабрь
5-навбат
9 пара

Жаъфаров... ғайритабаалар чақириғи тўғрисида, шу заҳоти Империянинг ҳар хил чеккаларидан Ички ишлар вазири ва Ҳарбий вазирлик идораларига муддатини орқага суриш ва имтиёзлар зарурлиги тўғрисида кўрсатмалар ва илтимослар келиб туша бошлади. Биз мусулмонлар гуруҳига ҳам бундай материаллар кўп миқдорда келиб тушди. Ҳаммага яхши маълумки, фармон ёзги йиғим-терим қизиган пайтида чиққан эди. Чўллик вилоятларда ғайри-табаалар кўп миқдорда ўз ерларида ва рус аҳолиси ерларида қишлоқ хўжалик ишлари билан банд эди. Кўп жойларда ғайритабаалар рус халқига ачиниб ҳақ олмасдан бу ишларни бажарар эдилар ва фармон ниҳоятда ноқулай пайтда юзага келди ва Давлат Думаси аъзоларига бир қанча чоралар кўришига тўғри келди. Биз шу вақтда Ҳарбий вазирлигига, Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилдик ва ғайритабааларни чуқур кавлаш ишларига чақирувнинг нуқсонларини кўрсатдик. Биз тезлик билан ғайритабааларни бу ишларга чақирувнинг мукаммал шароитларини ишлаб чиқишни таклиф қилдик. Бироқ, бизнинг овозимиз ҳеч ким қулоқ солмайдиган гапга айланиб қолди. Туркистон ўлкасида бўлиши мумкин бўлган ғалаёнлар ҳам Дума аъзолари Ржевский, Некрасов ва бошқалар томонидан Олий бош қўмондон Штаби бошлиғи ва Ҳарбий вазир номига ёзилган телеграммаларда кўрсатилган эди. Аммо битта Туркистон ўз олдиларида келажакдаги хўжалик тартибсизликлари очилгани билан ҳайратланган йўқ. Айтиш мумкин, Россиянинг ҳамма бурчакларидан шошилинч телеграммалар юборилди. Петроград жуда олис жойлардан келган депутациялар билан тўлиб-тошди...

13 декабрь
5-навбат
10 пара

Жаъфаров... энг узоқ жойлардан. Петроград идораларида шу пайтгача узоқ чўлни ташлаб, бу ерда адолат ва шафқат топиш умидида пойтахтга келган ноёб илтимосчи пайдо бўлди. Аммо ҳокимият ўйламай, тўғри ҳаракат қилишга ўрганиб қолган. Мен ўзимиздаги ҳужжатлардан цитата келтириб сизнинг эътиборингизни

қийнаб қўймоқчи эмасман, қайсики бизнинг фикримизни тасдиқлайдиган ғайритабааларнинг оммавий чақириғи чекка жойларнинг иқтисодий ўзига хос хусусиятларини, фронт орқасининг кўнгилдагидек ҳолатида маҳаллий хўжалик ролини ҳисобга олмаган, натижада гўёки фронт ташкил қилинаяпти ва бу вақтда ҳақиқатда фронт орқаси издан чиқарилади. Бу бузғунчилик Россиянинг кенг чекка жойларида ғайритаба-ларнинг чуқур кавлаш ишларига бефарқ чақируви яна бу чекка ўлка халқининг антиқа маиший фазилати билан кучайтирилади, бунга албатта мен кўрсатиб қўйиш зарур дейман. Бу ўзига хослик ниҳоятда муҳим ва у ғайритабаа аҳоли аёлларининг маиший аҳволида намоён бўлган. Шу вақтда рус деҳқон оиласининг аёллари хўжалик бирлиги деб аталади, қайсики у армия сафига чақирилган эркаклар ўрнини бемалол боса олади, ғайритабаа аҳоли аёли бу ролни бажара олмайди: у ташқи дунё билан боғланишдан ажратилган анъаналар билан боғланган. Бу муҳим маиший ўзига хослик марказий ҳокимиятнинг кўриш назаридан четда бўлган. Қисқаси, ғайритабааларни чуқур кавлаш ишларига чақирув ҳужжатида кўп айблар қилинди: бу ерда Империянинг асосий қонунлари бузилган, тадбирларнинг мантиқсизлиги, зарарли дангаллик ва иқтисодий ночорлик.

5-навбат
11 пара

Жаъфаров... Қисқаси, мавжудотни кўрмайдиган, осойишталикда бюрократик идоралар маълумотнома ва илтимосномалари билан тарбияланган ҳокимият содир қилиши мумкин бўлган айблар, мамлакат олдида масъулиятсиз ҳокимият, тирик халқ кучига таянмаган ҳокимият. Албатта бундай ҳокимиятнинг тадбирларида давлат донолиги ва мақсадга мувофиқликни кутиш қийин. Ғайритабаа тўғрисидаги чақириқ ҳужжати — бундай ҳокимиятнинг давлат ишининг ёрқин образи. Биз марказий ҳокимият тадбирларининг умумий баҳосига бошқа тўхтаб ўтирмаймиз; жойларда бу тадбирларнинг амалга оширилиш тавсифига ўтамиз. Бизнинг олдимизда иккита катта туман: Туркистон ва Дашт вилояти. Марказ томонидан унга маълум йўналишда туртки берилганда жойлардаги маъмурий механизм қандай ишлаганлигини кўрамиз. Аввал Туркистонга тўхталамиз. Туркистон ҳокимияти тезлик билан чуқур кавлаш ишларига

ғайритабааларни чақирув ҳужжатини олиш учун ишчиларни йиғишни истаб пастки ҳокимиятларга зудлик билан 19 ёшдан 31 ёшгача бўлган кишилар рўйхатини беришни топширишди. Бу борада чекка ҳокимият уларга топширилган янги мажбуриятлар хусусиятлари билан маҳаллий аҳолини тўлиқ, кенг қамровли таништиришни бутунлай ортиқча деб ҳисоблади. Мана уларнинг қилган иши. Мана шу рўйхатни бериш талабномаси қатъий аниқлик билан ажралиб туради. Самарқанд шаҳри аҳолисининг кўп сонли имзолари билан тўлдирилган Туркистон генерал-губернаторига ёзилган талабномада айтилишича, бунда фармойишга мувофиқ...

13 декабрь
5-навбат
12 пара

Жаъфаров... ҳарбий губернатор Ликошиннинг фар-мойишига мувофиқ беш кун давомида улар бошлиқлари билан 19 ёшдан 31 ёшгача бўлган кишилар рўйхатини топширишлари лозим эди. Қишлоқ бошқарувчилари ва қишлоқ оқсоқоллари бу ишга киришдилар ва бир қанчалари ярмини тамомлаганларида Тошкентдан 2 июлда ҳарбий губернаторлар кенгаши бўлиб, бу рўйхатларнинг керак эмаслиги тўғрисида маълумот олинди. Ундан кейин Самарқанд ҳарбий губернаторининг сўнгги эълонида губернатор уезд бошлиқлари ва полицмейстерлар билан биргаликда Самарқанд вилояти улушига баробар келадиган ҳарбий ишчиларни ва ҳар бир шаҳар ва қишлоқ жамоаси кимларни ҳарбий ишчилар қилиб бериши айтилган. "Илгари бизга гапирганлари, -- деб ёзади Фарғона вилояти Андижон шаҳридан 50 ёшли Хўжаев депутатлар Тевкелев ва Керенскийга,— бизнинг болаларни аскарликка олмайдилар, шунинг учун сизлар отларингизни астойдил пана қилишингиз ва барча мумкин бўлган нарсалардан бошлиқлар сизларга мурожаат қилганда беришингиз лозим ва биз имкониятимиз борича пул ва буюмлар бердик; урушга кетган деҳқон ерларини ишлов беришга одам юбордик — биз ишлов бердик..." Аммо маъмуриятнинг доимо маҳаллий аҳолини урушда қатнашишдан озод эканлигини, айниқса, маҳаллий аҳолига уруш эҳтиёжларига кўнгилли равишда иона бериш учун мурожаат қилган вақтда қўллаб-қувватлади. Маҳаллий аҳолининг жангчилик мажбуриятдан озод эканлиги ва маъмуриятнинг "Сизнинг болаларингизни аскарликка олмайдилар"

сўзларининг ҳаққонийлиги аҳолининг кўз ўнгида 1915 йил 19 апрелидаги қонунда тасдиғини топди...

6-навбат
1 пара

Жаъфаров... Унга асосан аҳолининг натурал ҳарбий мажбуриятдан озод қилинган қисмига давлат маж-буриятининг оғирлигини тенглаштириш ва тақсимлаш мақсадида оддий солиқларга қўшимча ҳарбий йиғимлар тўлаш мажбуриятини юклайди. Натижада маҳаллий аҳоли ундан нима талаб қилмаётганлигини мутлақо тушунмаган; у кутилмаганда юкланган янги мажбуриятнинг на мақсадини, на характерини тушунмаган эди. Маҳаллий матбуот эҳтимол ҳарбий цензурадан қўрқиб, бу масалани ёритмаган. Мен рус матбуоти тўғрисида гапираман, чунки Туркистонда маҳаллий матбуот бўлмаган, агар Тошкентда нашр қилинадиган сарт тилидаги ярим расмий орган матбуотини ҳисобга олмасак. Дастлаб фақат 15 июлда, қачонки Туркистоннинг кўп шаҳарларида ўрин эгаллаган тартиб бузилишлар поёнига келди, қачон тинч, қўрқитилган маҳаллий аҳоли устидан маъмурият ишни яратиш ва тақиқлашдаги барча маҳоратини ва тадбиркорлигини намойиш қилди, расмий "Туркистон ахборотлари"да кечиктирилган изоҳ билан мақола пайдо бўлди. Фақат шундагина маҳаллий аҳоли фронт орқаси ишлари нима, улардан фронт орқасида нима талаб қилинади ва қандай шароитларда фронт орқаси ишчилари ҳаётини ўзларининг кўз олдиларига келтирмасликларини яққол кўрдилар. Агар шу мақола билан бир қаторга "Туркистон ахборот-лари"даги бошқа мақолани қўйсак...

13 декабрь
17-навбат
2 пара

Жаъфаров... фақат бир кун олдинги чиққанидагисида бир ҳарбий муҳандис у ерда бўлганида маҳаллий аҳолидан 10000 гача ишчи йиғди ва маҳаллий аҳоли армия орқасидаги ишларга жуда хоҳлаб ёлланадилар ва улардан бир неча минги иш жойларига жўнатилди, у ҳолда ишчиларни йиғишда уларга юқоридан келган фармонларнинг мақсадини бевосита ва аниқ тушунтиришнинг қандай роль ўйнаши яққол ва тушунарли бўлиб қолади. Шу аснода

Петроградда телеграф орқали узатилган Олий фармон Туркистоннинг ҳар хил жойларида ҳар хил изоҳланди. Демак, Фарғона губернатори генерал-лейтенант Гиппиус маҳаллий аҳоли орасидаги уларни жангчилар сафига чақириш тўғрисидаги дараклар тарқалганини тушунтириш, Олий фармонни изоҳлаш, кўнгилли ишчилар сифатига эътиборни жалб қилиш; бу, айтгандай Гиппиуснинг нотўғри изоҳлари учун бушатилишига олиб келди. Самарқанд вилоятида губернатор Самарқанд шаҳри бўйича маҳаллий аҳоли мудофаа ишларига жалб қилинади деган эълон тарқатди... вилоятининг бошқарувчиси эса Б... қисми маҳаллий полиция бошлиғининг Б. ... кўрсатмасига асосан чиқарилган 6 июлдаги ўз кўрсатмасида овул полиция бошлиқларини, оқсоқолларни ва қишлоқнинг фахрли кишиларини қирғизларни аскарликка олишга чақириш кўрсатмасини эшитишга таклиф қилади. Олий фармон 25 июлда Туркистон ўлкасига аҳолига мана қандай кўринишда етиб келди. Натижада, қатор шаҳарларда ҳодисалар содир бўла бошлади. Улардан бир нечтасига тўхталиб ўтамиз.

17-навбат
11 пара

Жаъфаров... Андижон шаҳри аҳолисига уезд бошлиғи, полковник Д. томонидан 9 июнда эрталаб Жомеъ масжидига йиғилишга эълон қилинди. Халқ кўп йиғилмади, чунки у вақтда мусулмонларнинг рўза кунлари эди ва сартлар, очликдан эзилган, иссиқ июнь кунларида кўчага истамай чиқишар, вақтини уйда ёки дўконларда ўтказишар эди. Полковник Д. ... ҳамма бозордан халқни чақиришга буюрди. Катта оломон йиғилди; Хитой фуқаролари кўп бўлди... ва Бухоро фуқаролари... Сўзлар: йиғиш, ҳаракатдаги армия туманидаги ишлар, 19 ёшдан 31 ёшгача бўлган шахсларнинг рўйхатини тузиш талабномаси сартларни довдиратиб қўйди. Овозлар эшитилди: бизларни алдадилар, подшоҳнинг қоғозини кўрсатинглар. Мусулмонлар рўзаси тугагач, унга одам йиғишни қолдиришни сўраймиз. Полковник Д. ҳеч қандай сўз айтмай, мачитдан чиқиб кетди ва бир қанча вақтдан кейин казаклар взводи билан кириб келди. Одамлар тўдаси тинчгина тарқалди. Бозорда уезд бошлиғига 150-200 киши чамасидаги оломон рўбарў келди. Улар билан гаплашиш тезда отишмага айланди. Тинч кайфиятли, қуролсиз маҳаллий аҳоли ҳар қаёққа қочиб кетишди. Бир қанча киши ўлдирилди, купчилик яраланган. Хитой фуқароси

ҳам ўлдирилган. Тошкентда маҳаллий аҳолини фронт орқаси ишларига жалб қилиш тўғрисидаги Олий фармон 7 июлда... ўнбоши ва имомлар орқали эълон қилинган. Ҳеч қандай изоҳ берилмаган.

6-навбат
4 пара

Жаъфаров... 10 июлда элликбошилар ва имомлар яна Тошкентнинг маҳаллий аҳоли қисми полицмейстри бошқармасига таклиф қилинди. У тўғрида билиб қолиб маҳаллий аҳоли тўдаси, асосан аёллар, бир неча минг киши тўпунтириш олиш ва чақириқни орқага суриш мақсади билан йўл олдилар. Полициячилар бошқармаси дарвозаси олдида уларни ҳовлига қўйишмади. Тўда борган сари кўпаяётганини кўриб полициячилар бошқармага киришди ва у ердан полицмейстр бошлиғи вазифасини бажарувчи Масолов бошчилигида чиқдилар. У майдон бўйлаб сартларни ва уларнинг орасидаги сарт аёлларини ҳам ҳақоратли сўзлар билан сўкиб, зўрлик билан тарқалишга буюриб ва шу заҳоти тўдага қарата ўқ отишни буюрди. Ўқлар отилди, бир аёл Масоловга мурожаат қилиб деди: "Нега бегуноҳ ёш одамларни ўлдирасиз, яхшиси мени ўлдиринглар". Ўша ернинг ўзида ўлдирилди. Ундан сўнг яна бир неча ўқ отилди, натижада ўнтадан кўп киши ўлдирилган, яралорлар кўп. Қўқон уезди Кончарабан қишлоғида қишлоқ оқсоқоли ўзига пулга бир қанча маҳаллий аҳоли одамларини рўйхатга киргизмаган деган шубҳани орттириб олди. Маҳаллий аҳоли тузилган рўйхатни ўқиб беришни талаб қилди. Қишлоқ бошқарувчиси бу ҳақда уезд бошлиғи, катта маслаҳатчи Лядинскийга маълум қилди. У Қўқон шаҳар 2-қисм назоратчиси билан қуролланган аскар юборишга буйруқ берди ва қишлоқ бошқаруви ҳовлисида турган маҳаллий аҳоли ҳаммалари боғландилар, уларни аравага солиб шаҳар кўчалари бўйлаб олиб юрдилар. Йўл бўйлаб қўлга тушганларни аёвсиз урдилар.

6-навбат
5 пара

Жаъфаров... Маҳаллий аҳоли ҳар қаёққа қочди, жабрланганлар кўп бўлди, ҳамма дўконлар ёпилди, казаклар чақирилган эди ва кейин бозорга Қўқон уезд бошлиғи, стат маслаҳатчи Мединский

келди. Қўрқитилган оломонга мурожаат қилиб, уларга: сизларнинг қиймаланган гўштдан қилинган котлет тўғрисида тушунчангиз борми? Агар ўзларингизни хотиржам тутмасангиз, ҳаммангизни котлетга айлантираман, деди. Қўқон уезди Аравон қишлоғи бошқарувчиси мардикорликка олиш тўғрисида фармойиш олиши билан 9 июлда тегишли ёшдаги эркакларнинг рўйхатини тузишга киришди. Рўйхатдан тушириб қолдиришга эътибор бериб, қайсики маҳаллий аҳоли тушунтириши бўйича бу пора олиб сотилганлигининг оқибатидир ва улар бу рўйхатни ўқиб беришни талаб қилдилар, бунга жавобан ҳақорат сўзлари эшитила бошлади ва бунда қишлоқ бошқарувчиси бир неча кишиларни кўрсатиб, гапирди: мана бу аскарликка ярайди, битта ёки иккита ўқ билан йиқита олмайсан. Қишлоқ бошқарувчисининг бу сўзлари боисидан маҳаллий аҳолини аскарликка олишини ўйлаб қолдилар. Бу хабар бирпасда қишлоққа тарқалди ва маҳаллий аҳоли тўдаси қишлоқ бошқарувчисига иккиюзламалик қилмай тузилган рўйхатни кўрсатишни талаб қилдилар. Қишлоқ бошқарувчиси уларга бошқа қоғозни берди, алдов билиниб қолди ва эртасига яна қишлоқ бошқарувчисига рўйхатни талаб қилиб ва уезд бошлиғига шикоят қиламиз, деб қўрқитган ҳолда келдилар. Оломон ҳақоратомуз сўзлар билан кутиб олинди; кейин чиққан қишлоқ бошқарувчиси қичқириб, шу ондаёқ унинг рўйхатни тузишда қилган адолатсизлигини кўрсатиб, бақираётган маҳаллий кишини тўпончадан отиб ўлдирди, шунда оломон қишлоқ бошқарувчисига ташланди...

17-навбат
6 пара

Жаъфаров... ва уни ўлдирди, шунингдек, чопар ва котиб ўлдирилди, қайсики қишлоқ бошқарувчиси билан биргаликда ҳақорат қилдилар ва тўпонча билан қўрқитдилар ва ҳамма оломон, тахминан 300 киши ҳибсга олинди. Бу фактлар қанчалик маъюсли бўлмасин, барибир улар қонли тарих олдида бўзариб туради. Узининг ўрнига бошқа одамни юбориш билан ишга чақириқдан қутулиш аҳолининг мулки бор ва йўқ табақалари орасида бир талай англашилмовчиликлар келтириб чиқарди, худди шу ерда жанжал чиқишини қидириш керак, у Жиззах уезди бўйлаб қонли оқим билан тарқалсин ва қутулиб қолган бойваччалар камбағалларга ўз оиласини мажбуран қолдириб, ҳаракатдаги армияга боришини тўхтатсинлар, бу вақтда камбағаллар ўз қони ва ўз ҳаёти билан

қутуладилар, бойлар эса пул билан қутуладилар. Маҳаллий аҳолининг миясида бошлиқлар бойлар тарафида деган фикр туғилди ва шунинг учун уларнинг устидан турган қандайдир ҳукмрон бўлган, ишчилар йиғишга даҳлдор бўлган, хоҳ рус ҳокимияти, хоҳ рус ёки мусулмон, уларнинг кўзларида уларнинг ҳаракатдаги армия ҳудудига ишга жўнашига айбдор бўлганлар. Ҳавода золимларни, бойларни ва уларни қўллаган, яъни бошлиқларни жазолаш хавфи осилиб турарди. Улар қонун бўйича ҳарбий мажбуриятдан озод ва ишга боришни рад қилишлари мумкин...

6-навбат
7 пара

Жаъфаров... агар улар билан биргаликда бойлар ҳам олинмаса ва агар уларни эшитишни хоҳламаса, унда бойларни ғаразли мақсадларда ҳимоя қиладиган маҳаллий ҳокимият айбдор бўлади. Бу жуда ишончли бўлиб кўринди ва оломон шаҳар чеккасида зудлик билан аҳолида шубҳа уйғотган рўйхатни талаб қилишни истаган маҳаллий аҳолининг бошқарувчисини ўлдирди. Шундан сўнг 1916 йил 13 июнда Жиззах уезди бошлиғи полковник Дукин, ... полиция назоратчиси Заторгло... ўз ҳамроҳи билан қишлоқ бош қарувчиси ўлдирилган жойга чиққанида ўлдирилди. Ақл орқага чекинди, гоҳ бу ерда, гоҳ у ерда ҳеч қандай айбсиз одамлар ўлдирила бошланди. Жиззах тарихи ҳақидаги хабар Тошкентга етганда, полковник Иванов бошчилигидаги жазолаш экспедицияси қуролланди, бир қанча вақтдан сўнг полковник Ивановни полковник Красноярцев алмаштирди, қайсики 3 августдаги буйруқ билан Жиззах шаҳридан ва қишлоқ чеккаларидан ва боғлардан аёвсиз қувиш хавфи билан ҳамма қатнашчиларни ва исён иғвогарларини тутиб беришни талаб қилади. Уч кун муддат ичида Жиззах аҳолисига майдонга чиқишга буйруқ берилди ва сафланган аскарлар олдида ундан зудлик билан ўтган воқеанинг айбдорларини кўрсатишни талаб қилдилар. Жуда даҳшатли манзара бўлди...

12 декабрь
6-навбат
9 пара

Жаъфаров... дейди маҳаллий мулла Морозов. Жазолаш отряди бошлиғи Красноярцевнинг биринчи буйруғига биноан ҳаммани

отишга шайланган қуролланган аскарларнинг кўриниши жиззахликларга изоҳлаб бўлмайдиган қўрқинч сингдирсин. Айбдорлар ҳар қандай бўлганда ҳам айнан шу бахтсизларнинг ўртасида топилиши керак, айбдорларни топиб бериш кечиктирилиши бир неча юз ва балки минг тинч кишиларнинг қони тўкилиши хавфидир, йиғи ва инграш ҳавога таралди ва шундай кутилмаганда тушуниб бўлмайдиган ҳолат билан қандайдир хоинларнинг аҳволига тушиб қолган бахтсиз жиззахликлар бир қанча айбсиз кишиларни келтириб беришлари керак эди. Кўзларини юмган ҳолда ўзларининг орасидан гоҳ буни, гоҳ бошқани итариб чиқара бошладилар. Улардан бир нечтаси тиз чўкиб, тартиббузарликка алоқам йўқ деб, онт ичдилар ва бизларни қолдиринглар, деб ялиндилар. Шундай қилиб, айбдорлар уларга берилди ва уларни қамоққа олиб кетдилар, аҳолига эса шаҳарни ташлаб кетиш таклиф қилинди, қайсики бузишга топширилиши керак. Аҳолиси 20000 атрофида бўлган Жиззах шаҳрининг харобалари ўзи ҳақида ўзи гапиради. Биронта ҳам бутун бино қолмаган, фақат шаҳар четида турган мачит тасодифан бузилмай қолган. Иккита пушка ўқи унинг минорасини тешиб ўтди. Шаҳар ер билан баробар бўлган. Шаҳар бузилишдан олдин талон-торож қилинган. Жазолаш экспедицияси Жиззах уездининг жуда ичкарисигача кирди ва у ким дахлдор, ким йўқлигини текшириб кўрмади ҳамда маҳаллий аҳоли халатини кийган ҳаммани жазолади. Қўшни шаҳарга ҳайдалган жиззахликлар 2-3 ҳафта давомида кўринишга журъат этмадилар...

13 декабрь
6-навбат
10 пара

Жаъфаров... икки-уч ҳафта давомида очиқ жойда кўринишга журъат эта олмадилар, худди қўён кетидан тушгандек уларнинг изига тушдилар, шаҳарни эгаллаб олган жазолаш отрядининг кўзи тушганларга муқаррар ўлим хавфи бўлган. Тоғлардаги бошпаналарини ташлаб келган, очликдан азобланган кўпчилик ўлди. Чекка қишлоқ аҳолиси ўзлари кўрган қотиллик манзарасини қўрқув билан сўзлайдилар. Аёллар ва болалар дарёларда ва хандақларда бекиндилар, ўт ва дарахт барглари билан ўзларини пана қилдилар, чунки жазолаш экспедицияси уларни аямаган.

Биз кўрсатган воқеалар ўлка сиёсатининг ва ўлка ташкилоти томонидан оқилона тадбирларнинг йўқлигининг натижасидир. Олий маъмурият ҳар бир шаҳардан олинадиган ишчилар сонини аниқлаш ва тезлик билан ишга жалб қилинадиганлар рўйхатини тузиш талаби билан тинчланди. Қуйи маъмурият бўлса бунда ноҳақ йиғимлар ва пораларнинг бой манбаларини кўрдилар. Бир томондан бадавлат шахслар кўпинча рўйхатга кирмаган бўлиб чиқади, бошқа томондан кўпчиликнинг этаплари инструкция талабларига мосланган бўлади. Маҳаллий аҳолининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари йўқлиги маъмуриятга у ёки бу кишининг ёшини ўз хоҳишига кўра белгилашга тўлиқ имконият яратади. Чаққон одамлар ўлка тартибсизликлари лойқа сувида балиқ тутишни бошладилар. Аҳоли рўйхатга тегишли ёшдаги шахсларни киритишни ва ёшни аниқлашдаги хатоларни тузатишни талаб қилди...

6-навбат
11 пара

Жаъфаров... Қачон бу ёки бошқа ҳолларда аҳолининг бошлиққа шикоят қиламиз дейиши ҳокимиятга қарши ҳаракат маъносида талқин қилинди ва натижада вилоят бошқарувчиларига қарши ғазаб қотиллик билан тугаган. Мана шу ҳолатларнинг ҳаммасида олий маъмурият шу заҳоти қуйи томон тарафини олди ва аҳолининг адолатли шикоятлари нафақат эътиборсиз қолди, унга қарши жуда аянчли репрессив жазолар чорасини келтириб чиқарди. Аҳоли ўзининг норозилигида ва ғазабланишида ҳақми, буни кейинги мисоллардан билиш мумкин. Шаҳарлар бўйича керакли ишчилар сонини ҳисоблаш усулида тўхталамиз. Ҳисоблаш номерлар сони бўйича, оклад варағи, яъни ҳар бир шаҳардаги ҳовлилар сони, сўнг ҳар бир мавзедаги, унда яшайдиган аҳоли сонидан қатъи назар амалга оширилди. Бу ҳолат чидаб бўлмайдиган аҳволга олиб келди, ундан чиқиб кетиш йўлини ҳеч ким топа олмади. Мавзедан талаб қилинган ишчилар сони 19 дан 43 ёшгача бўлган эркаклар сонидан ошиб кетган. Масалан, ... Самарқандда бир мавзедан ҳаммаси бўлиб 100 ҳовли, 90 та ишчи талаб қилинган. 19 дан 43 ёшгача бўлган эркаклар 30 нафар эди. Уй эгаларининг рўйхатига боласиз аёллар ва бевалар ҳам кириб қолган...

13 декабрь 1916 йил
6-навбат
12 пара

Жаъфаров... маҳаллий қуйи маъмурият батартиб ҳамма уйларни рўйхатга киритди ва ишчиларни беришни талаб қилди; киритилган сотиб олинган ҳуқуқ, яъни ўзини ёллаш йўли билан узаро келишувга биноан бошқа шахс билан алмаштириш кўп тартибсизликлар келтириб чиқарди. Ишчиларни очиқ-ойдин сотиш натижасида баҳолар чегарасиз оширилди: улар, қайсики илгари кимнингдир ўрнига 75-100 сўмга келишган бўлса, энди бўлса 200-300 сўм талаб қила бошладилар. Ишчилар пулга ҳам тополмаган ҳоллар бўлди, улар шунчаки етишмас эди. Боласиз бевалар, уларнинг ҳамма мулки фақат ҳовлидан иборат, ишчи мажбуриятини бажариш учун ҳовлиларни сотишга мажбур бўладилар. Тошкентда, Самарқандда, Андижонда юзтубан йиқиладиган аёлларни кўриш мумкин, кўзларида мунг билан ялиниб оқ подшога уларнинг оғир аҳволини етказмоқчи бўладилар: "Бизлар биламиз, бизларни бу ерда алдамоқдалар, чунки подшо ҳеч қачон бизларни жабрланмасин деб бундай фармон чиқармайди" ва шу вақтда ишчиларга касалларни, шол бўлганларни кейин доктор аниқлашини рўкач қилиб ёзадилар. Фақат пул ёрдамида бундай касал қолган умрини тинчгина ўтказиши мумкин, пулни нафақат ўзининг ўрнига одам ёллаганлар тўлаши ва яна тўлаши керак бўлмаганлар ҳам, ҳовли эгалари, қайсики ишчи бермаган оиласидан ишчига кетган оилаларга пул беришлари керак. Масалан, Скобелев уездидаги Марҳамат қишлоғи 90 ишчига пул бериши керак. Ҳовли эгалари хақиқатан ишчи бермаганлиги учун бу...

7-навбат
1 пара

Жаъфаров... бу 90 ишчига 100 сўмдан бериши керак эди. Биринчи яшаш шароитини яратишга ҳар бир ишчи оиласига 3-6 ой давомида 100 сўмдан пул бериши керак. Найман қишлоғида ҳам шундай бўлди. Шундай қилиб, Кулий волостининг Куликск қишлоғида 12000 сўм йиғилди, ўша волостнинг Асаф қишлоғида 74000 сўм. Бу пул йиғимлари ўзида бор нарсани гаровга қўйишгача мажбур қилиб, унинг хўжаликларини хонавайрон қиладиган даражада бўлди. Шундай қилиб, ишчиларни йиғиш тартиби

тўғрисидаги мукаммал қоидаларнинг йўқлиги натижасида аҳоли икки мажбуриятни ўтаяпти: ишчи ва пул. Аммо пулни бериб аҳоли унинг сақланиши ва мақсадли ишлатилишига ишонмаган эди. Кўрсатиб ўтиш зарурки, пулга ёлланганлар асосан қашқарликлар, Хитой фуқаролари ва Бухоро фуқароларидир. Маъмурият уларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни мукаммал текширмай ёзаверган. Юқори ўлка ҳокимияти маҳаллий аҳолининг аҳволини тасдиқлаб, Куропаткин келгунча ўлка аҳволини ҳолдан тойдирадиган "ташимоқ, аччиқлантирмай ва қўй шохидек эгмоқ" шаклидаги чоралар билан қуюқлаштирди. Аҳоли ўртасида биринчи қўзғалишда Туркистон ҳокимияти ҳамма маҳаллий аҳолига темир йўл бўйлаб маъмуриятнинг махсус рухсатисиз юриш тақиқланади, деган фармойиш чиқаради.

13 декабрь
18-навбат
2 пара

Жаъфаров... Маъмуриятнинг махсус рухсатномасисиз ҳар доим маҳаллий аҳолидан кимгадир шахсий, оилавий ёки савдо ишлари билан темир йўл бўйлаб бир неча чақирим юришга махсус рухсатнома сўраш зарур. Битта бундай тадбир энг ювош одамни ҳам ғазаблантира олади. Бу қандай ҳокимият, қайсики ҳар бир маҳаллий аҳолини энг жиноий ўйлаб қўйилган фикрларда гумон қилиш ва бунинг асосида тинч ҳаёт учун зарурий, асосий ҳуқуқдан, бемалол ҳаракат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга тайёр ва бир қалам тортиб шаҳарлардаги жўшқинлик билан ривожланаётган саноати билан кўп сонли одами бор ўлка яхлит қамоқхонага айланади. Лекин бу кам. Бу қамоқхона ҳар бир рус кишисини жиноятчи қилади ва агар ҳаёти устидан бўлмаса, маҳаллий аҳолининг ҳамёни устидан эгалик қилади. Ҳамма маҳкамалардаги ва ҳамма даражадаги зобитларни ва тўраларни туриб ва таъзим қилиб мажбурий табриклаш тўғрисида буйруқ чиқарилган. Бу буйруқнинг маъносини ўйланг. Бизнинг рус шароити учун инсон қадр-қимматини бу қадар камситишлик, туб жойли кишиларнинг шахсияти полиция ҳукмронлигининг ўзбошимчалиги ва зўравонлигидан ҳимоя қилинмаган. Бу буйруқ билан рус ҳокимиятининг обрўсини кўтаришни ўйладилар. Лекин бу обрўни лойга ботиришди ва рус тўрасининг номини жабр-зулм қилувчи ва қул қилувчига айлантирдилар. Рус бюрократияси бу ўлкага мана қандай хизмат кўрсатган. Мен кўрсатилган фармойиш таъсирида, агар янги Туркистон генерал-губернатори Куропаткин уни бекор қилмаса, ўлканинг ҳаётида қандай

оқибатлар содир қилиши устида батафсил тўхталиб ўтирмайман. Шуни айтаманки...

18-навбат
11 пара

Жаъфаров... мажбурий саломлашиш тўғрисидаги буйруқ қабул қилинди ва Туркистоннинг бир қанча шаҳарларида ва қишлоқларида маҳаллий халқнинг устидан зўравонлик ва таҳқирлашнинг ғазаблантирадиган саҳналарига баҳона бўлиб хизмат қилди. Бу буйруқ ҳамма тўраларнинг қўлидаги даҳшатли қурол бўлиб, ҳукумат ҳукмронлигига айланганлар томонидан ва уларга маҳаллий аҳолининг ҳокимият фармойишига ҳурматсизлик ва қулоқ солмаслик учун ҳеч қаерда кўрсатилмаган жазога тортмоқ ва калтаклашга буюрмоқ учун имконият ва ҳуқуқ берди. Бу жазолар айбдорнинг ижтимоий аҳволига қараб, маълум миқдордаги пулга олиб ташланади. Айрим тўралар ўзлари маҳаллий аҳолига уларнинг янги мажбуриятлари тўғрисида эслатиш ҳолларини қидира бошладилар. Манзарани фахрий маҳаллий аҳолидек, қари чолдек кузатиш мумкин, тезда отдан учиб тушиши ва қўлларини кўкрагида қовуштириб қандайдир кокардаси ва маҳкама тугмалари бор тўра билан салом-лашади. Кўп зиёли маҳаллий аҳоли хўрланишни истамай, кўчага чиқмай қўйдилар ва кун бўйи уйда ўтиришга мажбур бўлдилар. Сартни орқасидан келаётган полицмейстерни сезмай, йўлдан бурилгани, отдан тушмагани ва таъзим қилмагани учун урдилар, у сотувчиларга мол бериш билан банд бўлиб, пештахтадан чиқиб, шу онда кўчанинг нариги томонидан ўтган тўрага таъзим қилмагани учун урдилар. Полиция тўралари бозорда юрганлиги ва бойроқ маҳаллий аҳоли билан учрашувни қидириб, бамисоли полиция қуршови ташкил қилдилар, деб гапириш керакми? Маҳал-лий аҳоли темир йўл бўйлаб юришга рухсат олиш учун кўп меҳнат ва моддий қувват сарфлаши керак...

7-навбат
12 пара

Жаъфаров... Улканинг ўзи хоҳлаган йўлларидан юриш учун рухсатнома олмоқчи бўлган маҳаллий киши маъмурият рухсатини олиб бўлгач ҳам, ўзи зарур деб билган вақтда боришига ишончи

комил эмасди. Шундай пайтлар бўлардики, у ҳатто темир йўл билети билан ҳам қандайдир амалдор тўрага ялинмагани, таъзим этмагани учун вагоннинг ҳибсхонасига тушиб қоларди. Маъмуриятга генерал-губернатор Куропаткиннинг келишини (ва ундан кейинги бошланган жараённи) Туркистондаги ўтакетган тартибсизлик, йиртқичлик, зулм-ситамлар, зўрликлар, ноҳақ ва оғир солиқларнинг ёркин намунаси сифатида келтириш мумкин. Бир неча ҳафта ичида Куропаткин майда маъмурий мансабдорлардан тортиб то губернаторгача бўлган лавозимдаги ўнлаб амалдорларни ишдан олиб ташлади. У Сирдарё вилояти губернатори Галкинни, ... губернатор Гиппиусни, Тошкентнинг рус қисми полицмейстери (ўша даврда шаҳар полицияси бошлиғи) Кочановни, маҳаллий қисм полицмейстери К. ..., Қўқон уезди бошлиғи Жилинс-кийни ишдан бўшатди. Қўқоннинг 4 та пристав (ўша даврда район полиция бошлиғи)ларидан 3 таси, Қўқон шаҳар полицмейстери Игнатюсь, Самарқанд пристави Алексеев, Қўқон уезди бошлиғи ... , Фарғона пристави С. ... ва бошқалар ишдан олинди. Биз Туркистонда ген.-губ. Куропаткин миссияси билан ортиқ бошимизни айлантирмаймиз, юқорида айтиб утилган маъмурий тозалаш Куропаткиннинг Туркистон маҳаллий аҳолисига нисбатан алоҳида хайрихоҳлиги натижаси эди ва ёки бу эзилган ўлкада қандайдир янгича даврни бошлаб берди, деган фикрда ҳам эмасмиз. Биз ўйлаймизки, бу адолатлиликнинг оддий (кичик) бир кўриниши, холос. Куропаткин ҳам ўзидан олдин келганлар сингари ўлкадаги рус ҳокимияти байроғини баланд кўтариб турди.

17-навбат
5 пара

Жаъфаров... Ана шу байроқ обрўси учун Куропаткин илгари узи маъмурий тозалаш утказган пайтда урнатган адолатга рахна солувчи чоралар кўришдан ҳам қайтмади. Рус одамларининг ўлдирилганлиги учун қасос сифатида Куропаткин қориларни судга олиб боришга буйруқ берди, руслар қони тўкилган ерларни давлат ихтиёрига мусодара қилди. Бунда ўша ерларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли вакилларига ўз экинларини йиғиштириб олиш ва янги мулк олиш, олиб бўлмайдиган дарахтларни қолдириш учун рухсат берилди. Албатта, жазо экспедицияси даҳшатларига дучор этилган бахтсиз аҳолининг олиб кетадиган ҳеч нарсаси йўқ эди — аянчли кулбалар, экинлар, талон-торож қилинган ва вайрон

бўлган мол-мулк. Энди эса улар ўзларининг ерга нисбатан охирги ҳуқуқидан ҳам маҳрум этиляптилар. Ажабланарли томони шундаки, катта уруш кетаётган бир пайтда рус ўлка ҳукумати фуқаролари мулкини экспроприация (жамиятдаги бир синфнинг иккинчи синф томонидан ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиниши) билан шуғулланяпти.

Ғалати-а. Ҳукумат учун жазо экспедициясининг ҳаракатлари ҳам, ҳарбий судларнинг ишлари ҳам етмаганидек, яна ўз нуфузини ушлаб туриш учун руслар қони тўкилган ерни мусодара қилиш каби фавқулодда чораларни ҳам кўрмоқда. Ва ҳукумат ўзининг нисбатан адолатли ва яхшилик истайдиган вакили тимсолида ҳам бу шафқатсиз экспроприация ўша ишларда айбдор бўлмаган (алоқаси бўлмаган) ва бахтсиз ҳаёт кечираётган ўша қонли воқеалар содир бўлган ерларга яқин жойда яшаганлар зиммасига тушиши ҳақида ўйлаб кўришни лозим топмади.

13 декабрь
18-навбат
6 пара

Жаъфаров... Хўш, шу йилнинг 29 август куни 400 десятина ер мусодара қилинган қишлоқлар ва даҳалар яшовчилари Туркистон генерал-губернатори Куропаткинга мурожаат қилишиб, ундан дастлабки тергов ўтказиш ҳақида ёзма фармойиш бериш ва маълумотлар аниқланғач, оғир жиноий воқеаларга дахли бўлмаган қориларни озод қилишни талаб қилдилар. Сизга айтишни лозим топган Туркистон ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси шу. Энди Дашт вилоятларида содир бўлаётган воқеалар тўғрисида гапириб беришга рухсат этгайсиз. Бу ерда ҳам ғалати аҳвол: 25 ёшгача бўлганларнинг ҳаммаси мажбурий меҳнатга чақирилди ва бу нарса қирғиз Дашт ўлкасида бесаранжомлик ва ташвиш уйғотмай қўймади. Бу ерда ҳам маҳаллий маъмуриятнинг атайин қилгандай қўйган қадамлари нафақат барқарорликни ўрнатишга ёрдам бермади, балки аксинча. Энг аввало, чақирув ўтказиш фавқулодда шошилинч равишда бошланаяпти: ... Олий фармон 6 июлда эълон қилинди; ўша куниёқ губернатор барча қишлоқ бошлиқларига зудлик билан Олий фармонни ижро этиш ҳақида буйруқ берди. Бу қишлоқ бошлиқлари учун биринчи қабул куни қилиб 15 июль белгиланди. Урал вилояти 1-участкаси қишлоқ бошлиғи рўйхат тузиш учун 3 кун муҳлат белгилади. Бу шошқалоқлик шу жиҳати билан

гайриоддий ва тушунар-сизки, танлов қандай олиб борилади, шахсларга нисбатан раҳбарлик қайси қоидалар асосида бўлади, чақирув ҳақидаги Олий фармон ҳаётда қандай қўлланилади — ҳеч нарса аниқ эмас. Аниқ ишлаб чиқилган тартибларнинг йўқлиги тақдирлари маъмуриятнинг қуйи мансабдорларига боғланиб қолганлигидан хавотирга тушган қирғизлар учун муҳим эди; қуйи амалдорларнинг кўриб чиқиши эса қиргизларни хавотирга солиши табиий эди, чунки кирғизлар уларнинг қилиқлари билан ҳар кунги ҳаёти орқали яхши таниш эдилар.

7-навбат
7 пара

Жаъфаров... Айни пайтда чақирув билан боғлиқ баъзи саволлар билан қилинган мурожаатлар муваффақиятли чиқмаётган эди. Маҳаллий ҳукумат қониқарли тушун-тиришлар бермасди, Кустанай уезди 1-участкаси қишлоқ бошлиғи Назаровга ўхшаган баъзи маъмурлар қирғиз вакилларини қабул қилмай қўя қолар, ўзлари нима қилишни билмаганликлари сабабли уларни қамчи билан ҳайдаб юборарди. Табиийки, бундан аҳоли ташвишга тушди ва шимолда ҳам худди Туркистон ўлкасидагидай жазо чоралари қўлланила бошланди. Масалан, 15 июль куни чақирув бўйича қандай янгиликлар борлигини билмоқчи бўлиб Кустанайга йиғилган қирғизлар губернаторнинг телеграф орқали берган буйруғи билан ҳибсга олиндилар; 18 июлда эса улар тиббий кўрикдан ўтказилиб ёшидан қатъи назар ишга олинди. Шу билан бир вақтда рўйхатга олиш билан боғлиқ зулмлар ва йўл қўйиб бўлмас тартибсизликлар борарди. Чақирилувчилар ёшининг аниқ чегаралаш мезонининг йўқлиги маҳаллий ҳукуматга хоҳлаган ишини қилиш имконини берган эди. Қуйи мансабдорлар пайтдан фойдаланиб нафақат ўзи учун маълумот олиш, балки асосан, ўз чўнтагини тўлдириш учун ҳам ҳаракат қила бошладилар. Баъзи ҳолларда рўйхатга олиш билан боғлиқ андишасизларча қилинган савдо-сотиқлар халқнинг сабр косасини тўлдирди, натижада, ур-йиқит ва оломон.

7-навбат
9 пара

Жаъфаров... Ижтимоий тартиббузарликлар бўлиб ўтган бу жойлар Дашт ўлкасида алоҳида ажралиб турарди. Маҳаллий

амалдорларнинг ўз мансабини суиистеъмол қилиши уларга яқин бўлган рус маъмуриятининг ўзбошимчаликларидан кейин "ўлганнинг устига чиқиб тепгандай" эди. 1916 йил 29 ноябрда Мусулмонлар Фракциясига Астрахань губерниясининг ички қирғиз ўрдасидаги бир қирғиз томонидан берилган ёзув суиистеъмолчилик ва шафқатсизликнинг аянч-ли манзарасини чизиб беради. Мен сизнинг диққатингизни бу ёзувнинг икир-чикиригача жалб қилмаган ҳолда, унинг асосий мазмуни ҳақида қисқача гапириб ўтаман. Ёзувда қирғизларни мажбурий меҳнатга танлаб олиш бўйича масъул шахслар — Астрахань губернияси Талан ва Қамиш-Самар қисми бошлиғи Аракчеев, Қамиш-Самар маъмури Қорабой, врач Тихомиров, ўқитувчи Қорабоев, волость старшинаси, Талан қисми волости старшинаси Хиражан. Қонунбузарлик ва порахўрликка қарши курашга отланган кўп сонли қирғиз зиёлиларининг аксарияти баъзи масъул шахслар томонидан қувғин қилиндилар, кўпчилиги ҳибсга олинди. Ноқонуний пул топиш манбаси сифатида ўқитувчи Қорабоевнинг маслаҳатларидан, врач Тихомировнинг тиббий хулосаларидан фойдаланаётган ва мажбурий меҳнатдан озод қилиш учун ҳатто 500 дан 1000 сўмгача тариф ҳам жорий қилиб қўйган Аракчеев маъмурияти хизмат қиларди. Ўз аҳолисини бу қийинчиликлардан холос этишни талаб қилиб борган баъзи оқсоқоллар ҳукумат вакиллари олдига илтимосномалар қўярдилар.

7-навбат
10 пара

Жаъфаров... Бу илтимосномалар аксарият ҳолларда рад жавобини олар, илтимос қилувчиларнинг ўзлари эса жазолар, ҳибслар ва сургунларга дучор қилинардилар.

Раислик қилувчи... Давлат Думаси соат 11 да якунланиши лозим эди. Балки Давлат Думаси нотиққа ўз нутқини тугатиш учун рухсат берар, унинг чорак соат вақти қолди *(овозлар: сўраймиз, сўраймиз)*.

Жаъфаров... 1-чақириқ Давлат Думаси аъзоси Колиманов губернатор фармойишига биноан Астрахань губернияси чеккасидан шунинг учун келганким, у 8 июль куни Хон қароргоҳида Астрахань губернаторига нон-туз олиб чиқаётиб қирғизлар номидан уларнинг маиший ҳаёти шарт-шароитини яхшилаш учун турли имтиёзлар беришни сўраган. 22 июлда барча даҳалар ва волостлардан келган қирғиз фахрийлари Тўрғай губернатори қабулида бўлиб, унга

Даштдаги тартибсизлик Фармонга қарши ҳаракат эмас, балки уни тушунмаслик оқибати экани ҳақида баён этилган мурожаатнома бердилар. Улар Император Ҳазратларидан ўзларининг буғдой ва пичан ўриб олиш учун чақирув муддатини чўзиш, ҳар бир оилага биттадан эркакни қолдириш, рўйхатни ўзлари томонидан кўриб чиқиши ва хатоликларини тўғрилаш учун ижозат бериш, тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини яхшилаш ҳақидаги илтимосномаларини ижобий ҳал қилиб беришини сўрадилар. Бунга жавоб сифатида Тўрғай губернатори шундай жавоб берди: "Сизлар исён кўтаришни режалаштиргансизлар, аёллар, болалар ва кексаларга эҳтиёт бўлинг — ҳеч кимни қолдирмай қириб ташлайман".

7-навбат
11 пара

Жаъфаров... Уз таҳдидини амалга ошира бориб, Тўрғай губернатори Даштнинг турли районларига жазо отрядлари юборди. Шунингдек, Тўрғай губернатори томонидан Дашт ўлкасининг бошқа вилоятларига ҳам жазо отрядлари юборилди. Пойтахт газеталаридан бирига юборилган, бироқ дунё юзини кўрмаган қуйидаги корреспонденция мазкур жазо отрядларининг қилиқлари ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилиш учун имкон беради: "Мен, ҳақиқатан ҳам аҳамиятга молик бўлган ва Семипалатин губернаторига телеграф орқали ҳам, почта орқали ҳам шу заҳоти юборилган воқеалар ҳақидаги ушбу корреспонтни, яъни чоп этишингизни илтимос қиламан. Таҳририятдан буни нашр этишни сўраймиз. Биз, қирғизлар бизга нисбатан қилинган кўз кўриб қулоқ эшитмаган зулмни Россия қилди ва бизнинг ҳолатимизга бўлган муносабат, деб биламиз. Қирғизларни ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган жойга мажбурий равишда хизматга олиш эълон қилингач, аҳоли дастлаб ваҳимага тушди, аммо кейин, юзага келган ҳолатдан фикр қилиб, бўйсунишга ва ишчиларни беришга қарор қилди. Шунга қарамай, қиргизлар қочиб юрибди, деб бизнинг Еттисув вилояти, Зайсан уездининг 2-участкасига жазо отряди юборилди... (эшитилмай қолди)... Зайсан уезди бошлиғи Кублицкий, 1-бўлис пристави Болдишев, қозоқ офицери Красноперов, бундан хабар топган қирғизлар ташвишга тушдилар, бироқ аксарияти отряд тепасида зиёли шахслар турганига имони комил бўлгач, улар итоатгўй аҳолини кўриб, зўрлик ва босқинчиликка йўл қўймасдилар, деган фикрга келдилар. Отряд "нон-туз билан"

дегандай яхши кутиб олинди, уларнинг ҳар бир талаби шу заҳоти бажарилди, аммо шунга қарамай, шундай жазо ҳаракатлари қилиндики, кунлар бизга худди даҳшатли тушдай туюлади. Экспедицияга бўлис пристави Болдишев раҳбарлик қилганди, энди эса болаларни унинг исми билан қўрқитмоқдалар.

7-навбат
12 пара

Жаъфаров... Болдишевнинг раҳбарлиги ва буйруғи билан казаклар қирғизларни калтаклади, пулларини, кийим-ларини, отларини, кўрпа-ёстиқларини тортиб олдилар, аёлларни зўрладилар. Шундан сўнг, Болдишев буйруғи билан ўт очишлар бошланди, маълумотларга кўра, 10 дан ортиқ қирғиз, Болдишевнинг сўзларига қараганда эса, 50 дан ортиқ киши ўлдирилди. Хусусий мулк ва ҳуқуқ каби тушунчалар умуман йўқолди, казаклар ўзлари хоҳлаган ҳамма нарсаларни тортиб олдилар. Қирғизлар ўзлари омон қолганига ҳам шукр қилиб, қаршилик кўрсатмадилар. Тортиб олинган нарсаларни казаклар ... га ва бошқа жойларга сотиб юбордилар. Қандай нарсалар ва улар кимларга сотилганлиги ҳақида губернаторга берилган илтимосномада кўрсатилган. Ва ниҳоят, мутлақо айбсиз жуда кўпчилик кишилар ҳибсга олинди. Ксйинроқ уларнинг кўпчилиги терговчилар ва прокурорнинг танишлари ёрдами билан озод қилиндилар. Хулоса қилсак, Қора-Буғай, Басар, Карим, Лавин ва бошқа волостлардаги қирғизларга нисбатан қирғин бўлди, шунинг учун бу волостларнинг қолган қирғизлари бу кўргуликларга чидай олмай мулкини, мол-ҳолини, она тупроғини ташлаб, дод-фарёд билан бош олиб кетмоқда.

8-навбат
1 пара

Жаъфаров... Қирғизлар бошига тушган фалокат манзараси даҳшатли эди. Эрлар ўз аёлини, болаларини, фарзандлар ота-оналарини, ота-оналар ҳатто ёш болаларини ҳам ташлаб кетарди. Мен сизларнинг диққатингизни Дашт ўлкаси ва Туркистон ўлкасида бўлиб ўтган воқеаларга қаратдим. Энди эътиборингизни ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган районлардагилар, ишчилар қандай аҳволда эканлигига қаратмоқчиман. Менга у ерларда ишлаётган қирғизлар ва сартларнинг шахсан ўзларидан жуда кўплаб

хатлар келмоқда. Ана шу хатларнинг биридан битта парча кўчирма ўқиб беришимга рухсат этгайсиз. "Ишга олинган қирғизлар учун ўта қатъий қамоқхона режими ўрнатилган. Уларга ёру биродарлари билан кўришиш учун рухсат йўқ. Фақат дарвоза ортидан гаплашиш мумкин. Улар олиб келган овқатларни олиш учун дарвоза олдида турган солдатларга пул бериш керак. Прапорщик Елизаровга, афтидан у ишчилар бўлими бошлиғи бўлса керак, бу ҳолатлар ҳақида баён қилишнинг ҳеч қандай имконияти йўқ. Арзимаган айби учун ҳам у қамчи билан калтаклайди. Солдатларнинг калтаклашлари ишчилар ҳатто ҳожатга борганларида ҳам тинмайди. Тахминан 23 ноябрда 6 нафар ишчи бошлиқ Бронниковдан рухсат олиб уйга тунаш учун кетдилар. Эртасига улар хивчинлашга маҳкум этилдилар ва калтакланаётганларнинг бақириқлари ҳатто кўчага ҳам эшитилиб турарди.

13 декабрь

Жаъфаров... Биз бу "бахтсиз" инсоннинг номини айтишдан қўрқамиз, бироқ текширувда бу тасдиқланади. Бу бошлиқни алмаштириш ва унинг ўрнига сал юмшоқроқ одамни тайинлаш жуда зарур. Ишлашга биз тайёрмиз, аммо калтакланишдан холис бўлсак, калтаклашлар ҳақидаги овозалар қирғизларни чўчитмоқда. Бундай калтакланишларга ортиқ дош беролмай қолган икки қирғиз ишчи қоровулга пора бериб қочиб кетдилар ва қайтиб келмадилар. Кўзимизда ёш билан сизлардан ўтинч сўраймиз, бизни прапорщикнинг калтаклашларидан халос этинг. Биз депутат Дзюбинскийга ҳам хат жўнатганмиз". Кейинги хатда эса шундай дейилади: "Ишчилар белгиланган жойга етиб келгач, ҳар бири 500 та ишчидан ташкил топган ва 1 тадан прапорщик раҳбарлик қиладиган 2 та партияга бўлинди. Ишчилар ҳамиша ҳарбийлар назоратидадир. Айрим маълумотларга қараганда, уларнинг яшаш тарзи санитар талабларга мутлақо жавоб бермайди. Ишчилар фақат сув кечиб ишламоқдалар ва захликдан қаттиқ қийналмоқдалар. Қаттиқ иқлимга ўрганмаган туркистонликлар оғир даражадаги ревматизмдан азоб чекмоқда, кўпчилик дабба касалини орттириб олди. Барак (енгил-елпи қурилган ёғоч уй)лар ҳам зах. Тиббий ёрдамнинг йўқлиги сабабли касал ишчилар баракларда ҳеч қандай кўриксиз бир неча кун қолиб кетмоқдалар. Касаллик ва чарчоқ ҳақидаги шикоятлар бошлиқ томонидан уятсиз сўзлар билан сўкиш орқали қарши олинади ва ҳатто калтакланишлар ҳам бўлган ҳоллар

оз эмас. 102-партиянинг бошлиғи бундай ишларга чаққонлиги билан ажралиб туради".

19-навбат
3 пара

Жаъфаров... Бу партия бошлиги арзимаган сабаблар туфайли ишчиларни отиб ташлаш билан қўрқитиб, калтаклайверади. Жазо турларидан яна бири 2-3 кун нон ва сувсиз қамаб қўядиган карцерлардир. Бундан ташқари, жарима тизими ҳам мавжуд бўлиб, айбга қараб синдириб қўйилган болта учун 13 сўм 50 тийин, арра учун 19 сўм 50 тийин ва натижада айрим ишчилар бир ойда олинадиган 30 сўмдан шунга ўхшаш жарималар чегириб ташланиб, жуда арзимаган ҳақ оладилар. Ўз нутқимни якунлар эканман, мен яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳандақ қазиш ишларига бошқа ерлик халқларни мажбурий меҳнатга чақириш ҳақидаги ғайриқонуний равишда ишлаб чиқилган фармон кўплаб ҳуқуқбузарликлар билан қўлланилмоқда. Юқори маъмурлар томонидан ҳам, қуйи амалдорлар томонидан ҳам маҳаллий аҳолига нисбатан жуда кўплаб зуғумлар қилинди, уларнинг иқтисодий аҳволи вайрон бўлди. Бизнинг ҳозирги ички ҳаётимиз харобасининг манзараси ана шундай чуқур қайгули аҳволда. Бу манзара назоратсиз ва масъулиятсиз равишда мамлакатга эгалик қилувчи, халққа жабр-ситам ва зўрлик ўтказишнинг тарихий анъаналаридан озуқа олган, ўз ҳарбий вазирининг сўзи билан айтганда, қонун унинг учун ёзилмаган, дейишдан сира андиша қилмайдиган ҳукумат фаолиятининг бевосита натижасидир. Ҳарбий вазир Шуваевнинг ҳарбий-денгиз комиссиясида айтган гапини эсланг: балки мен ҳокимиятни ошириб юборгандирман, — деган эди у, — ...

8-навбат
4 пара

Жаъфаров... ҳарбий денгиз комиссиясида "мен балки ошириб юборгандирман", деди у, ва кейинчалик ҳам, агар лозим топсам, ҳокимиятни кучайтираман. Агар юқори ҳокимият вакиллари қонунчилик ҳақида шундай тушунчага эга бўлсалар, жойлардаги ҳукумат вакилларидан нимани ҳам кутиш мумкин. Лекин барибир ишонгинг келадики, ҳали Қонунчилик китобини очиб, жазолар

ҳақидаги қонунлар тўпламининг 341- моддасини ўқиш пайти келади. Унга кўра, ҳокимиятни мутлақ эгаллаганлик (мутлақлаштирганлик) учун барча ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, жазони ўташ жойларига жўнатилади.

Раислик қилувчи... Вақт ўз ниҳоясига етганлиги боис, мажлис ҳозир ёпилади. Давлат соғлиқни сақлаш бошқармаси муассасаси ҳақидаги қонун лойиҳасини кутмасдан, шу ягона нусхага асосан халқ саломатлиги комиссиясига жўнатиш ҳақида суровнома тушганлигини билдиришга ижозат этгайсиз. Муҳрланган нусхалар олинди ва мажлис ўз томонидан халқ саломатлиги комиссиясига қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этишини билдиришга рухсат этгайсиз. Қаршилар йўқ. Қабул қилинди...

8-навбат
5 пара

Раислик қилувчи... кўриб чиқиш учун. Қаршиликлар йўқми? Қабул қилинди. Кун тартибини эълон қилишга ижозат этгайсиз: пайшанба куни, 15 декабрь эрталаб соат 11 да ёпиқ мажлисда комиссия доклади (ўқийди). Мажлисни ёпиқ деб эълон қиламан. Мажлис кеч соат 11.30 мин.да ёпилади.

Раис... қабул қилинди. Кун тартибининг навбатдаги пунктига ўтамиз. Дума аъзоси кн. Мансиров.

Кн. Мансиров (Рига шаҳри). Давлат Думаси аъзолари, аввало шуни айтишим зарурки, мен бутунлай қўшиламан...

Раислик қилувчи... гражданин Бобринский. Жаноблар, марҳамат қилиб тинчланинг. Жойларингизни эгаллаб, нотиқни тинглашингизни сўрайман. Ўтиринглар, жаноблар.

Кн. Мансиров Мен аввало шуни таъкидлашим керакки, ўзимдан олдинги нотиқларнинг ушбу ҳолат юзасидан билдирган, айнан депутат Керенский ва депутат Жаъфаровнинг Туркистонда маҳаллий халқни окоп қазиш каби ҳарбий ишларга ноқонуний ва бешафқатларча жалб қилишга уриниш туфайли юзага келган галаён ва унга қарши кўрилган жазо чоралари ҳақидаги фикрларига тўла қўшиламан. Шу билан бирга мен масаланинг юридик тузилишига ҳам, Министрлар Советининг Раиси ҳам, бошқа вазирлар ҳам ушбу тадбирни ўтказишда ўтказган қонунсизликка йўл қўйганлигини таъкидлаган ҳолда қўшиламан. Шахсан мен сизга бир умум шароитни, яъни Туркистон аҳолиси Туркистон Россияга

қўшиб олинганидан бери шу умумий шароитда яшаётганини ва шу нарса яқинда юз берган қайғули ҳодисаларга боғлиқлигини айтмоқчиман. Депутат Керенский нутқ сўзлаётган пайтда Туркистонда кўрган-кечирганларим яққол кўз олдимга келди. Мен у ерда уч йилдан кўпроқ вақт амалдор (чиновник) бўлиб ишлаганман. Ва мана алоҳида... билан...

8-навбат
12 пара

Кн. Мансиров... Мен илк бор Туркистонга ташриф буюрганимда хотирамга ўзгача қуринишдаги ўша иккита таассурот ўрнашиб қолган. Биринчиси — бу менинг биринчи хизмат сафарим чоғидаёқ, ёввойи, ташландиқ ва маданиятсиз чўл ўртасида улкан, унлаб чақирим масофани эгаллаган ҳеч қандай намдан асар ҳам қолмаган жарлик ва улардан турли катталикларда ҳар томонга кетган каналлар бўлди. Бу жарлик ва каналларнинг аҳамиятини англашда биринчи бор қийналдим ва менга тушунтириб беришларича, булар XIV, XV ва XVI асрларда Амир Темур ва унинг авлодлари Темурийлар ҳокимлиги даврида Туркистон ерларини суғориш учун бунёд этилган сув иншоотларининг қолдиқлари экан. Шундай қилиб, биринчи таассуротим шу бўлдики, анча асрлар илгари, бу ўлка Россия таркибига қўшиб олинмасдан олдин катта ва ажойиб жиҳозланган суғориш иншоотларига эга бўлган ва рус ҳукумати ҳокимлиги даврида ташландиқ ҳолга келиб қолган (ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилган). Қачонлардир Ўрта Осиёда галла кони ҳисобланган ҳамда катта миқдорда нон ва деҳқончиликнинг турли маҳсулотларини ишлаб чиқарган, етиштирган бу ўлка ташландиқ ва ўлик ҳолга келиб қолган эди. Мен ўзгача кўринишда эслайдиган иккинчи ҳолат эса бу менинг солиқ йиғувчи инспектор сифатида биринчи марта маҳаллий бозорларнинг бирига бўлган ташрифим вақтида юз берди

1 пара

Кн. Мансиров Мен шу ерлик бўлган хизматчи йигит ҳамроҳлигида кетаётган эдим. Бозорга яқинлаша бориб, бир чақирим масофада, менинг ҳамроҳим бирдан тўхтади ва ўзи тўхтаб туриши лозим эди. Қаршимизга маҳаллий аҳолидан бўлган

қандайдир бир нечта нотаниш кишилар чиқиб келдилар ва йигит билан қисқа сўзлашувдан кейин ҳаммамиз улар ҳамроҳлигида йўлга тушдик. Бозордан бир неча саржин нарида нотаниш кишилар бирдан, шу қатори менинг ҳамроҳим ҳам бозордаги минглаб аҳоли орасига ёпирилдилар ва жон-жаҳдлари билан бозордаги савдогар, сотувчи ва харидорларни қамчи билан орқа-олдига қара-масдан калтаклай кетишди — улар юз, орқа ёки бошқа жойларига тегишини ўйламасдилар. Албатта, мен ҳайрат ичра бундай калтаклашни тўхтатишга интилдим, лекин мени ҳеч ким эшитмади ва охир-оқибатда бу бўлиб ўтган воқеа, ҳол сабабини тушуниб етдим. Маҳаллий мансабдорларга нисбатан ҳурмат билдириш маъносида маҳаллий аҳоли ўртасида рус ҳокимияти вакилларини кутиб олиш одати шундай тарзда амалга оширилар экан. *(Чап томондан кулгу.)* "Қурқ ва қалтира, титра". Лекин қалтирасанг ҳам барибир бундай калтакдан бенасиб қолмайсан. Мана икки ҳолат — бир томондан Россияга қўшилгандан 30 йилдан сўнг ер ва деҳқончилик соҳасида қуриб ётган ариқлар,

2 пара

Кн. Мансиров... бошқа томондан маиший ва маъмурий шарт-шароитларини акс эттирувчи кўриниш.

Бу, жаноблар, Туркистон ўлкасида кечаётган турмуш тарзининг, ҳаётнинг умумий кўриниши, схемаси. Баҳслашмайман, балки ҳозирги кунда, мен кетганимдан 15-16 йилдан кейин анча нарса ўзгаришга улгургандир. Ер ҳўжалиги борасида анча ишлар бажарилганлигини, айниқса, Давлат Думаси фаолият юритган даврда кўплаб чўл-даштлар сув билан таъминланганлигини рад қилмайман. Лекин аниқ ва ишончли хабарларга кўра, ташландиқ ерлар ҳали ҳам ўзгаришсиз, хароб аҳволдалиги, қачонлардир ўзлаштирилган майдонларнинг кичик қисмигина сув билан таъминланганлиги маълум. Маъмурий феъл-атворлар эса, жаноблар, балким анча юмшагандир, балким аҳолини калтаклашлар амалга оширилмас, лекин барибир қисман бўлса ҳам бундай воқеалар содир бўлмоқда, кўзга ташланмоқда. Маҳаллий ва рус маъмуриятининг аҳволини сизга умумий кўринишда тасвирлаш учун олдин сизларнинг диққатингизни Туркистон ва рус маъмуриятининг кадрлари қаердан ёлланаётганликларига (етишиб чиққанлигига) қаратмоқчиман. Сиз, жаноблар, ҳаммангиз Шчедриннинг "Тошкентлик жаноблар" асари билан танишсиз:

бу асарда Россиянинг ҳеч қаерида ўзларига қўним топа олмаган, ҳокимиятга эга бўлишдек катта иштаҳа билан бизнинг чекка ўлкаларимизга отланган ва у ерда рус маданиятини ўрнатган шундай жанобларнинг нусхалари тасвирланган. Бу тошкентлик жанобларнинг барча туриш-турмушлари, маъмурий фаолиятлари 1872 йилда "Неделя" – "Ҳафтанома" журналида қачонлардир чоп этилган, ҳозирги кунда эса унутилган Ильиннинг романида жуда яхши тасвирланган бўлиб, "Янги ўлкада" деб номланади.

Кн. Мансиров Ўзларидан кейин давом эттирувчи авлодлар қолдирган ва анчайин тўқ, таъминланган, Россия марказида ўз меҳнатига жой топа олишга кўзи етган бу жанобларда Туркистондек чекка, япаш шароити оғир бўлган ўлкада қолишга иштиёқ йўқ эди. "Тошкентлик жаноблар"нинг ўлкада қолган авлодлари ўз даврасида тарбияланиб, кейинги таълимни олмас, олий маълумотлилар, умуман, ўрта маълумотлилар эса анчайин кам учрарди ва Туркистон ўлкасидаги маъмурий хизматчилар сафини бир авлод кетидан кейингиси тўлдириб борар эди. Ўлканинг Россия таркибига қўшилганидан 30 йилдан кейин борганимда, шу ерлик чиновниклар ўрнида рус чинов-никларидан ҳам, маҳаллий аҳолидан ҳам, ҳатто қандайдир махсус топшириқлар билан бу ерга жўнатилган чиновниклардан ҳам ажралиб қолган, бегона тоифани учратдим. Бу тоифа ўзи билан ўзи бўлиб қолган, такаббур, ўзига ишонган ва ўзини шу ўлканинг ҳақиқий ва ягона хўжайини ва бутун ўлка улар қаршисида қўрқиб титрашлари ва ҳурмат бажо келтиришлари шарт, деб ҳисобларди. Порахўрлик энг юқори даражада ривожланган бўлиб, ҳар қандай қулай ёки ноқулай баҳона, пул остида...

9-навбат
4 пара

Кн. Мансиров... Шу маъмурий оҳанг белгилари қаторида туб аҳолини доимий камситиш ва четлатиш, уларга нисбатан нафрат ва ишончсизлик, уларни фикрлаш ва ҳис қилиш қобилиятларидан маҳрум паст табақа деб қараш кабилар ҳисобланарди. Мен сизга гапириб берган бир қатор ҳодисаларда шу турдаги қарашлар ўзининг қисман ифодасини топган, лекин бошқа ҳолларда бу нафрат, айирмачилик, ажратишлар ҳар доим ва ҳар жойда кўзга ташланар эди. Маҳаллий маъмурият томонидан аёлларга бўлган муносабат орқали буни кўрсатиш етарлидир. Мен ўзим шахсан Туркистонни

рус маданиятига бўйсундиришни ўйлаган ва шу мақсадда аёлларнинг бошлиқлар ҳузурида юзларини ёпишга ҳақлари йўқлигини гапириб, уларнинг юзларини очишга мажбур қилган бир нечта приставларни билардим. Маълумки, Туркистонда аёлларга фақат юзлари ёпиқ бўлган ҳоллардагина кўчага чиқиш ёки бегоналар билан суҳбатлашиш рухсат этилган. Бу халқ одатлари ва миллий ғурурни камситиш, таҳқирлашдир, лекин албатта, бу эътиборга олинмаган. Ишлар бошланганидаги бошқа ҳолат... Ер тарқатиш ишлари буйича ишлар бошланганида бу бошқармадаги комиссарлар бирон-бир маълумотга эга бўлмаган, фақат кўчириб ёзиш маҳоратига эга шахслар бўлиб, улар ўлкада хўжалик қисмларини тузишга, ер ўлчовлари ва янги ер солиқларини ўтказишга чақирилган эди. Ушбу вазифаларнинг ва ер хўжаликларининг иқтисодий тавсифи вақт ўтиши билан комиссар унвонига эга бўлган вилоят бошқармасининг чиновниклари томонидан қай даражада "адолатона" олиб борилганини ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин. Шунинг баробарида улар зиммасига вақф ҳужжатларининг ҳақиқийлигини текшириш вазифаси юклатилган бўлиб, бу ҳужжатларга асосан кўчмас мулк эгалари ихтиёрига кўра бу мулкларнинг даромади мачит ва диний бошқармалар ҳисобига ўтказилади. Комиссарлар эса маҳаллий аҳоли тилини билмай туриб, маҳаллий тилда ёзилган шундай ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тек-ширишлари ва бу ҳақдаги ўз хулосаларини баён қилишлари лозим эди. Мен Туркистонда 3 йилдан ошиқ вақт мобайнида хизмат қилдим ва ўтган вақт мобайнида ер тарқатиш комиссияси ишларида иштирок этиб, бирон-бир вақф ҳужжатларининг ҳақиқий деб эътироф этилганини эслай олмайман: улар ҳаммаси олдиндан ўйлаб қўйилган режа асосида йўққа чиқарилар эди. Бу билан эса, табиийки, ҳақ-ҳуқуқлар поймол этиларди.

Мусулмонларнинг хайрия ва диний эътиқодлари, ҳуқуқлари бузилиб, шу билан биргаликда ўзга эътиқод, яъни рус таъсирига гоҳ қўзғалишлар, гоҳ яширин қаршиликлар юзага кела бошлади. Бу ҳаракатлар Керенский айтиб ўтган диний (руҳоний) тоифалар томонидан амалга оширилиб, айнан эшонлар вақф ҳужжатларининг тан олинмаганлиги боис, ўз ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борганлар. Аҳолини адолат, ҳақиқатга эга қилиши керак бўлган бу уринишлар ўз самарасини бермади. Лекин рус маъмурлари билан бир қаторда волость бошқарувида маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам бор эди. Улар қонун буйича ярим сайлов асосида чегараланган

вазифани бажарувчилар эди. Маҳаллий волость ёки қишлоқ жамияти сайланадиган шахслар рўйхатини тузади ва бу рўйхатни маҳаллий маъмурият тасдиқлаши керак. Маъмурият ўз истакларига кўра сайловларни бекор қилиши ёки кўрсатилган номзодлар ўрнига янгиларини ёки умуман ҳеч қандай сайловларни тайинламаслиги, тўғридан-тўғри ўз шахсий қарашлари асосида бу вазифаларга одамларни тайин қилиши мумкин. Вазифага бундай йўл билан тайинлаш усули кам ҳолларда ишлатилади,лекин сайлов ўтказиш ва сайловларда энг катта ролни сотиб олиш, пора бериш, бошқа шундай ҳолатлар эгаллайди. Бу аҳволга мен ўлкага биринчи келган кунимдан бошлаб, то хизмат сафарим тугагунча гувоҳ бўлдим. Шундай ҳолларнинг ҳам шоҳиди бўлганманки, қонун бўйича 500 рублдан кўп маош олмайдиган волость бошқарувчиси сайловлар учун 30 минг рублгача сарф қилишга мажбур эди.

Хизмат вақти 3 йил бўлган, мансабини шунча пулга сотиб олган волость бошқарувчисининг қилган харжини маҳаллий аҳолидан қанча миқдорда ундириб олишини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бу ерлардаги порахўрлик олдин гапириб ўтган депутатлар томонидан етарлича тасвирлаб берилди, мен фақат уларнинг фикрларини тасдиқлайман. Лекин маъмуриятнинг омадсиз таркибидан ҳам кўра, маҳаллий ўлкани бошқаришда архаик — умуман, ҳақиқий аҳволга тўғри келмайдиган, эскирган ва Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги саводсизларча ёзилган ҳужжат ҳалокатга элтувчи асосий ролни ўйнади. Бу ҳужжат бундан 30 йил олдин, яъни 1886 йили, ҳали ўлка бутунлай Россия измига бўйсунмаган вақтларда кучга кирган эди. Бу вақтда ҳарбий қизиқишлар биринчи ўринда бўлиб, шу қизиқишларга маданий қизиқишлар қурбон қилиниши керак эди. Лекин барибир, секин ривожланиш суръатига қарамасдан бу ўлкада ҳаёт давом этиб, бой ўлка талаблари ва эҳтиёжлари ўсиб, хўжалик шароитлари мураккаблашиб борди. 1886 йилдаги ҳужжат эса ўзгаришсиз, бир нуқтада қолиб кетди. Бу ўлка Россия томонидан Ички ишлар вазирлигининг умумий бошқаруви тартибларидан олинган ягона ўлкадир ва Ҳарбий вазирлик тасарруфига берилган. Бунинг натижасида ўлкадаги ҳар қандай иқтисодий, хўжалик, савдо-сотиқ ва ҳаётнинг бошқа маданий йўналишлари ҳам ҳарбий вазирликка боғлиқ бўлиб қолди. Бундан нималар келиб чиқиши ҳақида мен сизнинг диққатингизни жалб қилмоқчи эмасман, фақат айтмоқчи бўлганим: шубҳасиз Туркистондаги ҳарбий бошқариш, 1886 йилги эскирган ҳужжат бу ўлкада нормал шароитда эришиш мумкин

бўлган фойданинг энг кам миқдордаги қисмига олиб келувчи кучли тормозланишга сабаб бўлди. Лекин 1886 йил ҳужжатида биз ҳозирга қадар маҳаллий аҳолига нисбатан 63-моддани учратиш мумкин. Бунда ҳар бир маъмурий шахсга қуйида кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар учун — бу ҳақда ҳозир мен эслатиб ўтаман — ҳар бир туб аҳоли вакилидан, шахсдан 30 руб миқдорида жарима олиш ёки бир ой қамоқ жазосига маҳкум қилиш ҳуқуқи уезд бошлиғи, мансабдор шахслар, пристав участкавойи, унинг ёрдамчиларига берилган. Ушбу моддада кўрсатилган хатти-ҳаракатлар қуйидагилардир: жамоат тинчлигини бузиш, шовқин қилиш, жанжаллашиш, ман-сабдор шахсларни беҳурмат қилиш ва ҳақоратлаш, қўполлик қилиш. Қўполлик ва ҳурматсизлик тушунчалари остида хоҳлаган ҳамма нарсани жамлаш ва ҳукумат қонунлари томонидан кўзда тутилган жазоларни қўллаш мумкин. Шу тариқа маъмуриятнинг крепостнойлик ҳуқуқи амалга оширилади ва бу шубҳасиз аҳоли руҳиятига таъсир ўтказади. Агар сиз маҳаллий аҳоли тавсифномаси ва маҳаллий маъмурларига қулоқ тутсангиз, кўз олдингизда бир томондан уларнинг ўта маданиятсизлиги, бошқа томондан улар характеридаги салбий томонлари: сотилувчанлик, ёлғон, дангасалик, қолоқлик ва ҳ.к. намоён бўлади. Бу тасаввурларни рад қилишдан шу ўлка учун қизиқ бўлган бир ҳол, яъни шу йилнинг сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси халқ билим юрти инспектори Кузнецовнинг докладидир. Кузнецов шу нуқтаи назардан ҳамма айтиб ўтилган маҳаллий аҳоли камчиликларини тавсифлаб ўтди. Кузнецов, кўриниб турибдики, Тошкент чиновникларининг типик вакили (намояндаси). Ушбу докладда иштирок этган генерал губернатор Куропаткин айтиш мумкинки, Россия мисолида мисли кўрилмаган ҳолатни кўрсатди. Катта ҳокимиятга эга бўлган ўлканинг маҳаллий бошлиғи бу ерда докладчига нисбатан қарши чиқди ва Кузнецовнинг фикрини рад қилди. Куропаткин маҳаллий аҳолини, уларнинг маданиятлари, меҳнаткашликлари, ҳаётнинг барча тармоқларидаги ривожланишлари, фан ва ишлаб чиқаришдаги қобилиятларини қаттиқ ҳимоя қилди. Унинг бу чиқиши гулдурос қарсаклар билан қарши олинди. Шуниси эътиборга моликки, бинода маҳаллий аҳолини яхши билган одам ўтирибди ва маҳаллий чиновник ёлғондан иборат докладини ўзига эп кўради ва маъмурий бошлиқ томонидан қаршиликка дуч келади. Айни дамда Туркистон ўлкасидаги илк воқеалардан кейин сиз маҳаллий маъмурият вакиллари билан суҳбатлашсангиз, жуда кўп ҳолларда яширин тарзда германизм томонидан маълум агентлар борлиги ва

уларнинг туб аҳолини Россияга қарши қўяётганликлари ҳақида хабар оласиз. Шунингдек, панисломизм ғояларининг тарғиб қилинаётганлиги ва бу ғояларнинг маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги ҳақидаги кўрсатмаларни учратасиз. Лекин бу фикрларнинг тўғрилиги борасида Кузнецов ўз докладида баён этган фикрлар билан баро-бардир. Шу ўринда мен ўзим гувоҳи бўлган 1898 йилги Андижон қўзғолонини эслаш жоиз деб билдим. Ушанда бу воқеада чет эл таъсири етарли даражада айбланган бўлса, яъни Афғонистон орқали Ҳиндистондаги инглиз интригаси деб кўрсатилган бўлса, эндиликда немис хуфялари кўрсатилмоқда. Агар эндиликда панисломизм эслатилаётган экан, у пайтда ҳам панисломизм ғояларининг тарқалиш маркази деб ҳозиргидек Туркия эмас, балки Афғонистон ва Эрон (форс) қисми кўрсатилган. Саволнинг қўйилиши, бу интригаларнинг ғоявий ҳимоячилари бир хилгина қолдилар, мен шунга гувоҳлик беришим мумкинки, Андижон қўзғолони маҳаллий маъмуриятнинг йўл қўйиб бўлмас муносабатлари нуқтаи назаридан юзага келди, ушанда сал олдинроқ бўлиб ўтган оммавий руйхатга олиш ва шу билан боғлиқ юзага келган миш-мишлар, мусулмон аҳоли ўртасидаги муҳокамалар ва бу ҳолни ҳеч ким тушунтирмаганлиги, ҳаракат ҳам қилинмаганлигидир. Ҳозирги дамда ўша ҳолатнинг айнан аналогияси: буйруқларнинг чидаб бўлмас даражада бўлиши, уларни амалга оширишдаги номутаносиблик, маҳаллий маъмурлар томонидан туб аҳолига бўлган муносабат, бирон ҳолатни тушунтиришнинг йўқлиги ва ҳ.к. Мана рўй бераётган воқеаларнинг асл сабаблари — бу менинг чуқур мулоҳазаларим. Панисломизм ташвиқот ёки олмон интригаларига нисбатан бўлган бу мулоҳазаларнинг қаердан келиб чиқиши ҳам тушунарли. Ахир бу каби уйдирмалар ўз манфаатларини қўзловчи, шундай миш-мишлар орқасига ўз асл қиёфаларини яширувчи, янги маъмурият олдида ўзларини оқ кўрсатувчи жаноблар томонидан ўйлаб топилгандир. Туркистонда бўлиб ўтган воқеалар ғоят ачинарлидир, айниқса бунда ҳалок бўлган ҳимоясиз рус аҳолиси қурбонлиги даҳшатдир. Шунингдек, Туркистонда юз берган ҳуқуқсизликлар туфайли неча минглаб туб аҳоли ҳам жабр тортдилар. Булар ҳаммаси ҳозирги даврда ўлкани бошқараётган ва бошқарган жаноблар виждонида ётади. Агар биз, жаноблар, ўзимиз кечаги кунгача унвонсиз маҳаллий ва марказий самодержавларнинг қаҳрамонликлари ҳақида, уларнинг қонун бажарилишидан кўра нима бўлишига қарамасдан улар учун "менинг оёғим нимани хоҳлайди" принципи муҳимлигини исботлашга ҳаракатлари ҳақида фикр юритишимиз мумкин.

15 декабрь
10-навбат
2 пара

Кн. Мансиров... ва нима бўлишидан қатъи назар, агар бу қаҳрамонликлар шу ерда, бизнинг кўз олдимизда, пойтахтда, ён-веримизда юз берса, у ҳолда бизгача маълумотлар бир ҳафта мобайнида етиб келадиган узоқ чекка ўлкаларда бу жанобларнинг ўз хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатлари туфайли маҳаллий аҳолини ўзларига нисбатан нафрати, ғазабини уйғотиб, қарши қайраб қўйишлари қай даражада эканлигини сизларнинг ҳукмингизга ҳавола қилмоқчиман. Маҳаллий маъмурият ва марказий бошқарма (маҳкама)даги бу жанобларнинг кузатиш имкониятига эга бўлинмаган ўзбошимчаликлари чегараланмас (ўзгартирилмас) экан, ўлкани бошқаришдаги маҳаллий аҳвол тубдан ўзгартирилмас экан, жаноблар, биз яқиндагина гувоҳи бўлган бундай ёки бундан ҳам мушкул ва қўрқинчли воқеалар содир бўлиш имкониятлари ҳар доим мавжудлигича қолади. *(Чапдан қарсаклар)*

Раислик қилувчи... Давлат Думаси аъзоси фуқаро Капнисть.

Фуқаро Капнисть (Полтава губ.) Давлат Думаси аъзолари. Мен кафедрага бирон киши билан баҳслашгани ёки Давлат Думаси аъзоси Керенский келтирган фактларга қаршилик билдириш учун чиққаним йўқ. Балки аксинча мен сизларга у чизган расмни тўлдирмоқчиман. Мен бутунлай бу расмга ишонаман, лекин уни етарлича тўлиқ деб ҳисобламайман. Гап шундаки, у асосан рус ҳукмронлари ёки кўчиб келган руслар томонидан амалга оширилган даҳшатликлар тўғрисида тўхталди. Лекин маҳаллий халқлар томонидан рус аҳолиси устидан қилинган даҳшатликлари ҳақида оз гапирди. Бу қисм қолди...

Фуқаро Капнисть... руслар қузатувида бўлган маҳаллий аҳолини, бу қисми қоронғулигича қолди ва энди уни, менимча, расмни тўлдириш учун ушбу кафедра орқали ёритиш лозим. Мана менинг олдимда, кўчманчи халқлар томонидан йўқ қилинган фақатгина Пржевальский уездининг қишлоқлари рўйхати турибди. Қуруқ гап ёки фақат рақамлар берибгина қолмасдан, мен сизларга қишлоқларни аниқ кўрсатаман. 1342 нафар эркак ва 1300 нафар аёл ўлдирилган, 969 та ҳовли ёқилган. Ахир бу ... даҳшат, бу қарийб бутун колонизацияни йўқ қилиниши. Бу фақатгина Еттисой вилоятининг Пржевальский уездидагина амалга оширилган. Бузғунчилик ва ҳайвонийликдан ташқари, йўқ қилинган...

Фуқаро Капнисть... қўпорувчиликдан ташқари ҳайвонийлик

қилинган. Бутун Пржевальский қишлоқ хўжалиги мактаблари йўқ қилиб ташланган. Секул монастири барбод қилинган, 7 нафар монах ўлдирилган. Роевлардан бўлган руҳоний тоққа олиб кетилган. Соч-соқоли олинган ва мусулмончиликка ўтишга рози бўлмагани учун отиб ташланган. Хотини ва қизи зўрланган. Кўриб турибсизки, чидаб бўлмайдиган ҳолат, лекин мен бу расмни келтиришим билан, Керенский маҳаллий аҳолини кечиришни хоҳлаган ёки бу қисмини билиб туриб қилган, демоқчимасман. Мен ишонаманки, Давлат Думаси аъзоси Керенскийда бундай ният бўлмаган ва менда ҳам шундай. Илтимос, ишонинглар, бу маҳаллий аҳоли томонидан тўкилган рус қонини фақат уларнинг айби деб ҳисоблашга ҳеч қандай ният йўқ. Мен биламан ва кўрганман, тўда ҳаракати нималиги, менга 1905 йилда барбод қилиш ва аграр тартибсизлик нималигини кўриш насиб этган эди. Мен кўрганман, бу ҳеч нарсани англамаётган, ҳар қандай ваҳшийликка тайёр, ҳайвон мисол ...лари қон сўраётган, йўлида ким учрашидан қатъи назар хоҳ у аёлми, хоҳ у болами йўқ қилишга ва одам деб аталган мавжудотни қиришга тайёр маст қутурган тўдани. Тўданинг қирғинбарот ҳаракати ҳар доим бир хил ва ҳар доим бир оқибатларга олиб келади. Лекин ижозат беринг, мен сизларга қандай қилиб, бу ерда Петроградда нима рўй берганини, кейин Туркистонда ва бошқа халқларни ёш кўрсатиш билан қўшин сафига чақирув тўғрисидаги юқори буйруқни нима ташкил этганлигини, билганимни сўзлаб берай.

9-навбат
5 пара

Фуқаро Капнисть... 19 ёшдан 43 ёшгача бўлганлар чақируви ҳақидаги буйруқни мен уезд полиция бошлиғидан телефон орқали эшитдим. У ҳар доим кечқурун келадиган агентлар телеграммаларини ўқиб берди. Буни телефонда эшитганимдаёқ айтдим: аниқ ишонаманки, бир ҳафтадан сўнг Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилинади.

Бир ҳафтадан сўнг худди шундай бўлди. Нега бундай бўлди, нега мен Полтава губернияси, Золотоноша уездида ўтирган ҳолда нима бўлишини аниқ билдим? Негаки, мен Туркистонда бир йил яшаганман, сенатор гр. Паленнинг ревизиясида иштирок этганман. Туркистон билан танишиб чиққанман ва менга аниқ тушунарлики, у ерда бўлган ҳодисалар юз бермаслиги мумкин эди. Бу менга

нима учун тушунарли, негаки: мен Туркистоннинг руслар томонидан мустамлака қилинишининг қизғин тарафдориман, аммо доимо бунинг қандай амалга оширилаётганига қарши бўлиб келганман. Ёпиқ мажлис бўлаётганлиги сабабли рус ёки ўзга миллатлар ҳадигини кучайтиришдан қўрқмай, очиқча сўзлашим мумкин. Мен ғайрируслариинг ерлари қандай ўзлаштирилганини биламан: содда қилиб айтганда, кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли ўзларини унчалик ёвуз ният билан тутмаяпти, аммо улар босқинчилик қилмоқдалар... *(Чапдан овоз: тўғри)*... ва қандай босқинчилик қилишмоқда: округ чегарасига катта қисмини бемалол утказиб юборишмоқда. Бу округ чегараси нимани англатишига эътибор бериш лозим. Бу чегаралар баъзан ҳайдалиб сугориладиган ерлар, бедазорлар, мачитлар, қабристон ва бошқалар бўлиши мумкин, аммо улар бу доираға кириб келдилар. Шубҳасиз, бу оддий, бироқ мустамлаканинг шундай жўн усулики...

10-навбат
6 пара

Фуқаро Капнисть... Бу турдаги содда мустамлакалаш-тириш 1909 ва 1910 йилларда Туркистонда юз бергани каби 269-модда аграр тартибсизликлар аломатини берган эди. Худди Россияда юз берган катта ер эгалари ва деҳқонлар ўртасидаги қарама-қаршилик каби у ерда руслар ва маҳаллий аҳоли орасида зиддият юзага келди. Туркистонда русларнинг ўз ҳокимияти йўқ, у ерда 90 минг кв.чақиримга, биттага тўғри келади. Сизга бир мисол келтирсам, Қўқон уездида бир пристав бор ва бошқа ҳеч нарса. Ва мана, сттисувлик бир ақлли уезд бошлиқларидан бири, суҳбатлашганимизда менга ҳатто бир қоғоз берди — айтадики, Туркистонда рус ҳокимиятини қатъий ушлаш учун нима қилиш кераклиги фақат худога аён, фақатгина ғайрируслар ва Николай мўъ-жиза келтирувчининг тўла итоаткорлиги ҳамда мулойимлигига... *(Чапдан овоз: тўғри)*.

Демак, шундай ўзига хос ҳолат: кўчиб борган русларга ғайрируслариинг кескин муносабати ва таъкидлаш керакки, кўчиб борган руслар ҳам бунга хоҳламай муносабатда бўладилар. Бунинг сабаби шундаки, биз қон тўкдик, эҳ-ҳе, у ерда қанча қон оқди, негаки бу урушгача бўлган эди — биз ерларни қон тўкиш йўли билан эгалладик ҳамда маҳаллий аҳолига ёмон бир тарзда муносабатда бўлдик. Мана улар ва кўчиб борган руслар ўртасидаги тортишув-

нинг кучайиши. Уруш бошланган пайтда рус ҳукумати ишчи кучи тақчиллигига дуч келди. Бундай етишмовчилик сизга Керенский айтганидек ғайрирус аҳоли ўртасидаги оилавий рўйхат йўқлигидандир.

10-навбат
7 пара

Фуқаро Каннисть... Маъмурият, сайланган маъмурият ҳалиям паст даражада. Ертисув вилоятидаги волостной бошқарма сайловларга ўртача 20 минг рублдан кам бўлмаган пул сарфлайди. Бу ҳолат жаноблар, жуда ўзига хос: у ерда сайлов ташвиқоти жуда узоқ давом этади, баъзан қотилликлар билан тугайди. Мисол учун, ҳеч қандай терговчи бора олмайдиган тоғларда 7 та жасад ётганини кўрдим. Мен сурадим: "Бу 7 жасад бу ерда нима қилаяпти?" "Булар волость бошқарувчисини сайлашаяпти". Кўпчилик сайлов вакиллари — булар барча маҳаллий аҳолининг шаклланган босқинчилари; бинобарин, оилалар бўйича рўйхат ўтказилмаслиги ва бундай шароитда бундай рўйхат ўтказилиши маҳаллий маъмурият томонидан амалга оширилиши керак. Сиз бундай ҳолатдан чиқиб кетиш кераклигини жуда яхши биласиз. Шубҳасиз, волость бошқарувчиси томонидан тадбир оғир солиқлар билан бошланди, бир кишини иккинчисига алмаштириш билан бошланди, норозилик, катта жанглар ҳамда волость чеккаларидаги жасадлар шундан келиб чиқди. Яна панисломистик тарғибот ҳам бунга алоқадор. Мен уни умуман тўласинча тасниф қилмайман, менимча, панисломистик тарғибот борлигини буткул инкор қилиш ишонарсиз бўлур эди. Менда у айнан ҳозир борлиги ҳамда унинг шаклини сизга айтиб бериш учун ҳеч қандай аниқ маълумотлар йўқ...

15 декабрь
10-навбат
9 пара

Фуқаро Каннисть... Аммо Туркистонда мутаассиб диндорлар борлиги менга ҳам аён. Мана, ҳозирги Дума бўйича ўртоғимиз — князь Васильчиков билан биргаликда Самарқандда бўлдик. У ерда энг гўзал тарихий мачитлардан бирини томоша қилдик. Уша мачитда ички ҳовли бор. Ички ҳовли бўйлаб қатор ҳужралар бўлиб, уларда Қуръонни ўрганувчи талабалар ўтиришади. Талабалар у ерда 25 йил ўтириб, Қуръонни ўрганадилар ва ҳар биригиз бу

Қуръон ўрганувчи талабаларнинг кўзларига қарасангиз, умрбод ёдингизда қолади. Уларни қандай эсдан чиқараман, ишонаманки, князь Васильчиков ҳам уларни яхши эслаб қолган. Булар қоп-қора, нафрат билан боқувчи кўзлар. Мачитлар, жаноблар, у ерда инқирозга юз тутган. Мен бундан шундай хулоса чиқараманки, мачитларда ўтирган бу мутаассиблар кенг доирадаги мусулмон аҳолининг кенг қўллаб-қувватлашга эга эмас. Бироқ, бундай мутаассиб мусулмонларни тўла инкор қилмайман, фақат тўғри деб қолдираман. Мусулмон қирғизлар нисбатан камроқ; уларнинг кўпчилиги умуман мусулмон эмас ҳамда менимча, динга қарши, бироқ шубҳасиз ташвиқот уларга ҳам бўлиши мумкин, буни мен инкор қилмайман. Ҳозир тўла тушунишимча, худди Давлат Думаси аъзоси Керенский ва князь Мансирев каби инкор қилишмоқда, энди немисларнинг ташвиқотини инкор қилишмоқда. Мен уни инкор қилмайман...

10-навбат
10 пара

Фуқаро Капнисть... Уруш энди бошланганда ҳарбий ҳукумат қандай ақлсизликка йўл қўйган эди. Уша вақтда бизга юз минглаб асирлар келган эди. Ахир бу юз мингдан Туркистонга биттасинигина жўнатишмади, бу аниқ, тушунарли бўлган факт. Бу асирлар, билишимизча, уларнинг бир қисми Эронга қочиб ўтган, у ерда ташвиқот билан шуғулланган бўлишлари мумкин, жуда мумкин, худо билади. Мен бир қанчаси Туркистонда бўлган немислар масаласини ҳам инкор қилмайман. Аммо, менимча, ҳеч қандай элементни инкор қилиш керак эмас. Жаноблар, мен бу билан нима дейишни хоҳлайман? Мен шуни айтишни хоҳлайманки, рус ҳукумати буларнинг ҳаммасини билиши лозим ёки лозим эмас. Агар мен, масалан, бундан 6 йил аввал Туркистонда бор-йўғи бир йил яшаган одам Полтава губерниясида ўтириб, рус ҳукуматининг шу қадар ўйламасдан қилинган фармойишидан нима келиб чиқишини тушуниб, аниқ билиб турган эканман, буни рус ҳукуматининг ўзи, ўзгинаси қандай қилиб ўйламасин, дод-вой солмасин ва билмасин. Ахир бу, жаноблар даҳшат, аммо бу рус ҳукуматига хос: амалга оширдилар ва ўйламадилар. Бошқариш бу олдиндан кўриш демак. Мана, сизларга бу бир мисол, рус ҳукумати тушунади — бошқаради, демак, олдиндан кўради, амалга оширади, кейин эса даҳшатга тушиб, чекинади ҳамда ўзини оқлашни бошлайди. Ва мана мен шундай ҳисоблайманки, жаноблар, тўкилган бу

қонлар, хоҳ у маҳаллий аҳоли, хоҳ кўчиб борган руслар, хоҳ маъмуриятники бўлсин, балки баъзи ўринларда уларни амалга ошириш шарт бўлган бўлиши мумкиндир тартибсизликни тўхтатиш учун, аммо барибир бу қон, у кимда бўлмаган...

10-навбат
11 пара

Фуқаро Капнисть... у нима бўлганда ҳам биринчи навбатда жисмоний айбдорларнинг эмас интеллектуал айбдорларнинг устида ётибди.

Бизнинг жазолар ҳақидаги қонунимиз, жаноблар, шулар ва бошқаларнинг жавобгарлигини билади ҳамда нисбатан оқилона йўл тутади, яъни интеллектуал айбдор қаттиқроқ жазо олади. Агар сен қотиллик қилсанг, бир даражада жазо оласан, аммо агар қотилликка ундасанг, кўпроқ жавоб беришга тўғри келади. Ва шу ерда мен шундай ҳисоблайманки, жисмоний айбдорлар жазоланиши керак, улар кўпроқ даражада жазоланиши ҳам мумкин, аммо бундан нима келиб чиқишини билмаган ҳолда шундай фармойиш берганлар ҳам жазога тортилишлари лозим, негаки ҳукумат жавобгарликни зиммасига олиши керак. (Родичев ўз жойидан: обер-камергерларни жазолашди-ку)... жаноблар, бу ҳали яримкулфат, бу ўтмишдаги иш, аммо мен келажакда ҳам шундай давом этишидан қўрқаман. Ахир Еттисувнинг бир қисми, Пржевальск уездида нима қилишди? У ерда барча рус мустамлакачилари ўлдирилди. Ўйлаб кўринг, бу мустамлакани яна амалга оширишда қандай қийинчиликлар турибди. Ва мана энди, албатта, буни амалга ошириш аввалгидан кўра қийинроқ бўлади. У ерда энди маҳаллий аҳоли томонидан очиқча нафрат билан кутиб олинишига тўғри келади. Бу мустамлакани амалга оширишда сиёсий одоб ва эҳтиёткорлик қай даражада бўлиши керак? Ва мана, менимча, рус ҳукуматини эҳтиёткорликка чорлашга тўғри келади, негаки, биз, мустамлака тарафдорлари бундай зўрлаб мустамлака қилиш ҳолатида умуммақсадимиздан воз кечиб қолмайлик.

10-навбат
12 пара

Фуқаро Капнисть... Рус ҳукуматининг Туркистонни мустамлака қилишдан воз кечиши бу — Хитой мустамлакасига йўл қўйиш

деганидир, негаки, менга аниқ тушунарлики, Кульжинский райони анча вақтдан буён Еттисувга интилади ҳамда бу Туркистоннинг биздан чиқиб, Хитой қўлига ўтиши билан тугаши мумкин. Унда биз қачон уни ҳимоя қиламиз, битта Худога аён. Аммо шубҳасиз аниққи — бу қуруқ гап эмас, Туркистон рус тожидаги энг яхши жавоҳирлардан бири. У ерда ҳеч бўлмаганда Америкадан бизнинг бор пахта мустақиллигимиз ётибди. Ва шундай бой мустамлакалари-миздан бирини бу кўринишда идора қилиш мумкин эмас. Бир неча йилдан бери деярли ҳар йили Бош штаб лойиҳасини моддама-модда уқишга киришишда мен Туркистонда ислоҳот ўтказиш таклифини сизга айтавериб жонимга тегиб кетди. Сиз бу таклифни қабул қилдингиз, аммо, ахийри Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Қонун кўриб чиқилгандан кейингина озчилик қисмингиз бу таклиф билан қизиқиб қолдингиз. Ахир ҳамма материаллар тайёр, кутубхонага боринг, у ерда 24 томлик Пален ревизияси матери-алларини кўрасиз, унда бой маълумотлар йиғилган. Бундан ташқари худда ўша Қонун Тошкентда ишланган ҳамда мана деярли беш йилдан буён у ерда олдинга бир қадам ҳам қўйилгани йўқ. Бундан кейин шундай давом эттириш мумкин эмаслиги ҳақ. Мен аминман-ки, бўлиб ўтган барча даҳшатли ҳодисалардан сўнг энди сиз бу йил ихтиёрсиз равишда эмас, балки англаган ҳолда, балки ҳозир ёпиқ мажлис вақтида эмас, Бош Штаб лойиҳаси муҳокамасида ва ниҳоят Туркистон ўлкасини бошқаришни қайта ислоҳ қилиш, ислоҳ қилганда ҳам у бизга бу йил бўлиб ўтган даҳшатлар каби воқеалардан сақланишни кафолатлаши мумкинлигини англаб, таклифни қабул қиласиз.

15 декабрь 1916 й.
11-навбат
1 пара

Раис. Давлат Думаси аъзоси Ажемов.

Ажемов (Дон ҳарбий вилояти). Жаноб Дума аъзолари. Уртоқ Ҳарбий вазир 1916 йилги мардикор олиш бўйича олдингизда чиқиш қилиб, айтдики, ишчи кучи масаласи ниҳоятда танг ҳолатда, зўр бериб катта миқдорда обдан йиғиш зарур, бу урушни бундан кейин ҳам давом эттириш, охиригача галабага олиб боришимиз учун зарур. Ва мана, узингга савол қўясан, бу соҳага яқин кишилар буни яхши билишади, айни дақиқаларда инсон ҳаёти ниҳоятда юқори баҳода, қай тарзда улар ғайрирус аҳолини жалб қилиб, шунчалик керакли чорани қабул қилишди. Улар бу чақирувни

қандай енгил ўйланган ҳолда уюштирдилар. Айтиш мумкинки, бундай енгил ўйлаб қилинган иш одатий жиноятчилик билан чегараланади. Бизнинг душманларимиз одам тақчиллигига дуч келишмоқда. Биз эса ўша душманлар билан солиштирганда бундай тақчилликка ҳали учраганимиз йўқ.

15 декабрь
11-навбат
2 пара

Ажсмов... Улар тушунмаяптиларки, агар кўп миллионли гайрирусларни ушбу давлат хизматига жалб қилсак, ишлар силлиқ кечса, янада кўпроқ миқдорда одамга эга бўламиз. Уларни шу даврда ишга жалб қилиш лозимки, улар янада кўпроқ фойда келтирсин. Худди шу йўсинда ҳозирги вазифамиз эҳтиёткор бўлишдир. Уруш шуни талаб қилади. Агар бизнинг жиноий ишларга оид қонунларимизга қарасангиз, шундай мисолни кўрасиз; Жиноий Қонуннинг баъзи моддаларини кўринг, у ерда қандай умумий аниқлик берилган, кўраяпсизми, ўзгаришларни. У ердаги истаган беларволик душман фойдасига ишлайди, баъзан кичик даражадаги мақсад ҳам. Ножўя, хато хатти-ҳаракат ҳам душман фойдасига қилинган ҳаракат деб ҳисобланади. Ҳукумат ёки аниқроғи, бу ҳукуматнинг бир қанча вакиллари бу давлатга ушбу урушда ёрдам бериш учун эмас, балки зарар етказиш учун зўр бериб, барча кучлар жалб қилиниши учун эмас, қайтанга акси учун ҳаракат қилишаётир. Шундай қилишаяптики, кучлар жиғибийрон бўлиб, тутақиб кетмоқда. Нафақат янги ҳарбий кадрлар тайёрлашаяпти, балки, аксинча, янги уруш театрлари (томошалари) юзага келтиришаяпти. Кўраяпсизми, бу ерда муайян жиноий хатти-ҳаракат белгилари мавжуд. Ва, жаноблар худди шу нуқтаи-назар — Туркистонда ҳамда Россиянинг бошқа гайрирус губерняларида нима бўлаётгани ва бўлганига эътибор беринг. Жаноблар, агарда кимдир чекка ўлкаларда яшовчи чиновниклар учун фойдалироқ моддаларни юзага келтириш вазифасини қўйса ҳаёт бундан яхшироқ, қимматлироқ бўлади, истасанг, душманимиз — германларга ёрдам зарурати бўлса бор, бу худди ўйлаганингдек. У 25 июнда гайрируслар чақириғи ҳақидаги Олий фармойишнинг ушбу шакл ва йўсинда амалга оширилиш заруратини ўйлайди, бошқа ҳеч нарса қилиш керак эмас. Бизда эса буларнинг барини қилсанг, шунга эга бўласан — олий сарой оберькамергери. Бунинг

ўрнига судланувчилар курсисига ўтириш. Худди энг сўнгги жиноятчи шахслар каби, у олий сарой унвонини олади. Жаноблар, бу ахир ғайрирусларни йўлдан оздирадиган нарса. Ахир сиз кенг миқёсда моддий зарар етказган ғайрируслар улкан ҳаётий йўқотишга учрадилар. Кўплаб кишилар нафақат хонавайрон бўлдилар, улар энди йўқ, миллионлаб одамлар ўз жойларини ташлаб кетдилар, тоғларга қочаяптилар, бутун ўз хўжаликларини ташлаб кетдилар, бутун бир ўлкалар хонавайрон бўлди...

11-навбат
4 пара

Ажемов... ва буларнинг сабабчиси ким? Министрлар Советининг собиқ раиси Штюрмер. Нима ҳам дердик, у судга берилган. Ғайритабаалар бу ҳақда биладиларми? Бўлмаган гап, у обер камергер. Мана, жаноблар, аҳволнинг фожиавийлиги шундаки, ҳеч нима қилиб бўлмайди. Жаноблар, ҳозир айтиб ўтганимиз Туркистонда содир бўл-ган воқсалар қирғиз даштларида бундан ҳам ёрқинроқ кўринишда содир бўлди. У ерда, жаноблар, бунинг алоҳида сабаблари бор. Қирғиз даштларининг шимолий қисмида аҳоли хўжалик юритишда у ердаги янги кучиб келган деҳқонлар усулига ўтмоқда. Даштнинг жанубий қисмида бу хўжалик кўпинча улкан миқдордаги қорамол подаси ва йилқи уюридан иборат, буларнинг бари катта-катта яйловларга кучиб юришни тақозо қилади. Ва мана шу қирғиз даштида, иш қизиган даврда, 25 июнда қирғиз хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмасдан ғайритабааларни мардикорликка олиш тўғрисидаги олий фармон чиқарилади. Лекин, жаноблар, ғайритабааларни биринчи марта чақираётган экансиз, энг аввало, бу чақирув қонунга мосми деган савол устида ўйлаб кўришимиз керак. Бу, жаноблар, шунинг учун ҳам жуда керакки, сиз уларни кучириб, иссиқ ўрнини совутаяпсиз, сиз уларни турмушни мутлақо янгидан бошлашга мажбур қилаяпсиз, бу эса уларга берилган манифестларга зиддир, қилаётган ишларингизни асослаш учун ҳаракатларингиздан ҳеч бўлмаса биттаси қонунга мувофиқ бўлиши керак.

10-навбат
5 пара

Ажемов... Шу билан бирга, Асосий Қонуннинг 71-моддасининг қатъий талабига қарамай, яъни ҳеч бир янги

мажбурият аҳолига қонунда кўрсатилганидан бошқача тарзда юкланиши мумкин эмас, деган талабга қарамай, бу талаб яна қонуннинг 87-моддасидан ташқари Олий фармон билан ҳам мустаҳкамланган, неки юз берган бўлса, ҳукуматга қаршиликми ёки ҳукуматнинг ваҳшиёна хатти-ҳаракатими, ҳаммаси аслида ноқонуний бўлган ушбу актга асосланиб содир этилган. Давлат бошидагиларга қандай улкан маънавий зарба келиб тушади: сиз давлатга қаршилик кўрсатгани учун қора курсига ўтиргизаётган ҳар бир ғайритабаа шундай дейиши мумкин ахир: мен қонунни сизларнинг бос-қинингиздан, душман манфаатлари йўлида бизнинг ўлкамиз устидан тажриба ўтказган кишилардан ҳимоя қилдим, сиз эса мени суд қилаяпсиз. Уларнинг кўпчилиги ўлимга ҳукм этилди, уларнинг кўпчилиги нимага асосланиб осилди? Қонунга ҳеч бир алоқаси йўқ мана шу қоғозга асосланиб осилди. Хўп денг, жаноблар, бундай шароитда сиз мазкур аҳолига нисбатан ҳеч бир талаб қилишга ҳақли эмассиз. Сиз қонунни буздингиз, лекин бундай дейиш ҳам кам. Сиз руслар учун илгари кўрилмаган янги шароитда бўлса ҳам қонунга номувофиқ Олий фармон чиқардингиз, лекин жаноблар, ушбу Олий фармонда...

11-навбат
6 пара

Ажемов... керакли қоидалар Ҳарбий вазир ва Ички ишлар вазири келишувига биноан ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Бироқ бу қоидалар йўқ, аммо Министрлар Советининг раиси Штюрмернинг телеграммаси бор, унда ушбу Олий фармон чиққанидан бир неча кун ўтгач, шундай деб ёзилган: 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган ҳамма ғайритабаалар мардикорликка олинсин. Ҳа, жаноблар, бу одам ё жиноятчи, ё хиёнаткор, ё ақлдан озган. Бўлмаса қандай қилиб ҳеч бир ҳарбий комиссиясиз, ҳарбийлар иштирокисиз, аҳоли тайёргарлигисиз, қайси табақани қай тартибда мардикорликка олишни аниқламай туриб, буни ким амалга оширишини айтмай, аҳолига қаёққа ва нима учун чақирилаётганини маълум қилмай, жойларда йиғилишлар ўтказиб буни қонунлаштирмасдан 19 ёшдан 43 ёшгача булган аҳолини мардикорликка олиш ҳақида оддийгина телеграмма жўнатиш мумкин? Нима, Штюрмер ақлдан озган жиноятчими?.. *(овоз: Хоин...)* Ҳаммангиз биласиз — йўқ. У хиёнаткорми — билмадим, лекин у Россиядаги миллионлаб одамларни норозилик ўтида

қовурган кишидир, бу рад қилиб бўлмайдиган факт (Чапдан овоз: Туппа-тўғри)... Чунки соғлом фикрли, хусусан, давлат тепасида турган ҳеч бир киши 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган аҳоли мардикорликка олинсин деган телеграмма жўнатиши мумкин эмас. Мана бизда, Россияда ўнлаб йиллардан бери мунтазам равишда умумий ҳарбий мажбурият юритилади. Бизда, Россияда ҳатто уруш даврида ҳам аҳоли биринчи кунлардан оммавий равишда ҳарбий хизматга чақирилмаган, сиз махсус олий манифестга кўра қонун қабул қилганингиздан кейингина...

Ажемов... кўнгиллиларни армияга ола бошлашган. Қандай қилиб мамлакатнинг бир чеккасида, ҳарбий мажбурият мутлақо мавжуд бўлмаган жойда аҳолига гап нимада эканлигини тушунтирмасдан уни янги мажбурий ишларга оддий телеграф орқали берилган буйруқ билан жалб қилиш мумкин? Бу ахир, жаноблар, шундай ахлоқ-сизлик, давлат ҳокимиятининг шу қадар паст кетишики, бундан баттари бўлмайди *(Ўнг томондан овоз: тўппа-тўғри; Чапдан овоз: таққирлаш).* Лекин, жаноблар, иш бу билан тугамайди, иш шу билан тугайдики, улар аҳолини чақи-ришгану уларга нега чақирилганликларини тушунти-ришмаган. Аксинча бир қатор фармойишларда, масалан, 1916 йил 3 июлдаги деҳқон бошлиқлари буйруғида, (?) Штюрмердан кўра инсофли ва ақлли эканларки, улар аҳолига тўғридан-тўғри "25 июндаги олий фармонга асосан ҳамма қирғизлар, соғ-носоғлигидан қатъи назар, 20 июль куни эрталаб соат 6 да белгиланган жойга келиши сўралади" дейишади. Яна айтишадики, "барча ишдан бўйин товловчилар ҳарбий мажбуриятдан бўйин товловчи сифатида жавобгарликка тортилади; кимки, ишдан ўзини олиб қочса, ҳарбий..

11-навбат
7 пара

Ажемов... қисмдан кетиб қолган аскар каби жазоланади ва ҳоказо ва ҳ.к.". Шундай қилиб аҳоли қуйи бошлиқлардан уни ҳарбий мажбуриятни ўташ учун чақиришаяпти деган мазмунда тушунтириш олади. Хусусан, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб аҳолига шундай туюладики, гўё уларни қўшиннинг олдинги қисмига жўнатишмоқчи, уларга айтишганидек, окоплар жанг қилаётганларнинг олдида, ўз навбатида улар окоп қазишлари керак, бу — олдинда, ҳеч бир қуролсиз, биринчилардан бўлиб душман ўқига учишади, деганидир. Сиз бундай эмас дейишингиз мумкин,

балки буни ўзимиз ўйлаб чиқаргандирмиз? Бўлмаган гап. Анча вақт ўтгач, генерал Куропаткин Туркистон ўлкаси бўйича алоҳида буйруқ чиқариб, буларнинг барини тан олади ҳамда бундан ҳам кейинроқ, 23 августда у аҳолига уларни мардикорликка олишдан мақсад ҳам армияга чақирилмаган қуйи амалдорлар ва ишчиларни ҳарбий хизматга жалб қилиш учун ишдан озод этиш эканлигини тушунтиради. Унинг гапига кўра, бу ишлар ҳарбий ҳаракатлар олиб борилмаётган жойларда амалга ошириларди. Англаяпсизми, жаноблар, махсус ваколатлар билан Туркистонга жўнатилган генерал губернатор нима қилаяпти? Ҳеч нима, қилиниши керак бўлган ҳеч нима, аммо кўп ишлар қилиниши зарур. 23 августда, деярли икки ой ўтгач, ўз буйруғида у аҳолига ушбу чақирувнинг асл моҳиятини очиб беради. Узоқни кўзлаб чиқарилган ушбу буйруқда баъзи икир-чикирларга ҳам, яъни мазкур чақирув атрофида келиб чиққан турли миш-миш ва афсона (ёлғон-яшиқ)ларга барҳам бериш ҳам назарда тутилади. Мана таққосланг: 2 ойдан сўнг генерал губернатор кслади-да, шундай буйруқ чиқариб аҳолига бор гапни тушунтириб беради, Олий фармон чиққандан сўнг 5 кун ўтгач эса юқорида айтганимдек Штюрмер телеграмма жўнатади: 19 ёшдан 43 ёшгача аҳолини мардикорликка ол. Агарда, жаноблар, Штюрмер суд қилинганида, уни обер-камергер унвонидан ва барча ҳуқуқлардан маҳрум қилиб жазо ротасига жўнатиш учун старли даражада далил-исбот мавжуд эди. Ахир бу жаноб ўз хатти-ҳаракатлари билан Россияга шунчалик даҳшатли оқибатлар келтирдики, уларни бар-тараф этиш учун ҳали бизга ўнлаб йиллар керак бўлади. Қирғиз даштларида юз берган ҳодиса нима билан боғлиқ? Қирғиз даштларида ушбу фармон олиниши биланоқ дарҳол "уддабурон" олғир кишилар томонидан шундай бажарилган: улар қирғиз овулларига бир-бир кириб чиқишиб шундай дейишган: "Сизни армияга олишларини истамасангиз, тезда биз тузаётган ишчилар рўйхатига ёзилинг". Руслар ҳам, армиянинг хўжалик қисмига пичан ва бошқа озиқ-овқатлар етказиб берувчи айрим маҳаллий қирғизлар ҳам шундай дейишган ва шу тариқа қирғизларни икки пулга, арзон-гаров ёллашган ва бу билан уларни гўё ҳарбий мажбуриятдан озод қилишган. Бу юзлаб бечора, содда одамлар рўйхатга ёзилганлар, фақат Штюрмернинг қўлига тушмаслик учунгина рўйхатчиларга ўз пичанларидан беришган, етмаса сотиб олиб келиб беришган. Лекин бу ҳам, жаноблар, уларга ёрдам бермади, чунки бу Штюрмернинг бошқаруви даврида ўзлари учун кенг имкониятлар очилганини англаган олғир одамларнинг

юлғичликлари учун бир асос эди. Мана, кўраяпсизми, у ерда чақирув учун вакил ҳам тайинлашган. Вакил қирғизлар орасидан урф-одатлардан фойдаланиб ушбу буйруқни, айтишим мумкинки, ҳукумат томонидан берилган, мутлақо бажариб бўлмайдиган жиноий буйруқни бажариш учун ёрдамчи топади. У нима қилади, жаноблар, у аввало шунчаки пора олиш билан шуғулланади. Сўнг янада жўнроқ қилиб айтади: "Урушга кетишни истамайсизми, ариза беринг, ким ариза берса озод этилади, фалон муаллимга боринглар, ариза ёзиб беради". Муаллим эса ҳар аризани 2 рублга ёзиб беради. 4000 та ариза берилади, бу фақат битта округ бўйича, сўнг яна айтишади: энди ҳар бир аризага 2 тадан гербли марка керак, маркасиз бу аризалар шунчаки қоғоздан фарқ қилмайди. Гербли марка эса йўқ. Айтишади: ҳечқиси йўқ, сиз учун тупканинг тагидан бўлса ҳам топиб келамиз, яна 2 рублдан берсангиз бўлди. Мана, жаноблар, қандай...

11-навбат
12 пара

Ажемов... усулларни ўрнатдилар: ҳар бир арзнома 4 рубл. Мен истардимки, ўртоқ Ҳарбий вазир бу масала бўйича тўғридан-тўғри тадқиқот ўтказса. Аҳоли учун қимматли бўлган қизиқарли, оддий маиший мавзудаги саволлардан иборат 4000 та арзнома тушган. Сўнгра, жаноблар, бу ғайритабаалар чақируви бошланади ҳамда албатта, озодлик ниятидаги ғалаёнлар ҳам бошланади. Қатъий баҳо 300 сўмдан 4000 сўмгача деб белгиланади ва жаноблар, ҳамма нарсаларини сотадилар, отларини, энг сўнгги сигирларини, ким нимага эга бўлса шуни сотадилар. Нарх-наво бутунлай тушиб кетади, саросима ортиб кетади ва қарзлар— бизда хушомадли қарзлар, у ёқда эса, ҳарбий мажбуриятдан қутулишни хоҳловчиларнинг қарзлари. Ва яна — фамилиялар жудаям бир-бирига ўхшаш. Ва мана, таркибида врачлардан бири булган комиссия бахтга қарши Жудачалиев фамилияли бир кишини озод қилишга рози бўлди. Бу фамилия биздаги Ивановларга ўхшаб ушбу округда кенг тарқалган эди. Ва мана шу пулини тўлаган Жудачалиев озод қилинган бўлса-да, у пулини тўлагани, аммо уни озод қилишмаётганини айтади, жанжал кўтарилади, ҳаммаси аниқ бўлади ва шундан сўнг 32 нафар Жудачалиев озод қилинади. Мана, жаноблар, давлат аҳамиятидаги юқори даражали масала атрофида қандай латифанамо кулгили ҳолат юзага келмоқда.

12-навбат
1 пара

Ажемов... Мустамлака охирги ролни ўйнамайдиган ерда қайғули ҳодисалар рўй берди, бироқ бу ишга рус ҳаёти ҳам қурбонлик сифатида келтирилди. Фуқаро Капнисть ҳақ — у ерда озмунча руслар ҳалок бўлишмади. Аммо, жаноблар, очигини айтганда, сиз, бу ғайритабаа аҳолининг, айтиш мумкин бўлса, ҳимоячиси ҳисобланасиз. Дума аъзоси Керенский сизга ёрқин тасвирлаб берганидек, уларнинг бу ҳукуматдан қандай кўнгли қолди, уларнинг кўзлари очилди, охир-оқибатда барча рус халқи ҳамда унинг вакиллари сифатида сизлардан ҳам ҳафсаласи пир бўлган бўлиши мумкин. Ва мана бу энг мудҳиш давр, у ерда руслар хавф-хатарга йўлиққан пайтда, Керенский бу ҳақда сизга айтиб беради, у бу жойларнинг барини ўзи эркин айланиб чиқди, шунинг учунки, бу ҳукуматнинг қудрати ва кучига бўлган ишончлари хом хаёлга айланиб, чил-парчин бўлган, бу ғайритабаа аҳолининг энг сўнгги ҳимоячиси эканлигини билишди. Улар сизларга ишонишади, аммо сиз улар олдида, шубҳасиз, тезда тўғриланиши керак бўлган гуноҳларга эгасиз. Биринчи гуноҳ шундан иборатки, 3 июндаги қонун бир қатор ўлкаларни, Туркистон ва қирғизларни ўз вакилларидан жудо қилди. У ерда айтишаяптики, жаноблар, Кавказда бу расво қонун татбиқ қилинмаган, чунки...

12-навбат
2 пара

Ажемов... уларнинг бу ерда ўз вакиллари бор. Уларнинг вакиллари июнь қонунини йўқ қилдилар. Бу биринчи зарба эди. Иккинчи зарба эса — уларнинг хўжалик турмуши, ҳаёт шароити билан ҳисоблашмаган ҳолда қирғизлардан участкаларнинг зўрлик билан тортиб олиниши, кўчиб борганларнинг зўрлик билан ўрнаштирилиши ҳамда қирғизлар қалбида ҳукуматга эмас, русларга нафратнинг уйғониши. Энди хавф янада кучлироқ кўринмоқда. Сабаби, бу босқинчилик шароитида юз бермоқда. Чунки, Деҳқончилик вазирлигининг "холис" ҳаракатларидан кўришингиз мумкинки, жаноблар, у ерда бир уй учун, масалан кўчишга участка берилиб, бу уйлар бузилиши олдидан 30000 сўм турувчи уй учун 500 сўм тўлашган. Буни сиз кўчиш ишлари бошқармаси материалларидан топишингиз мумкин. Аҳоли ўзининг вакили

йўқлиги, яқинида жойлашган маъмуриятда унинг тилини тушунмасликлари туфайли уларга бирон иши тушса улар томонидан қўйилган маҳаллий шахслардан фойдаланади. Бу шахслар аҳолини талайди, мумкин бўлганда, у ерга, чет ўлкага русларни маданият олиб кириш учун кўчириб оборадилар, қирғизга ҳеч нарса тўламай хароб қиладилар, қирадилар, ахийри мажбуриятга чақирилганда, у кўрадики, бойлар сотиб олишаяпти, порахўрликнинг кенг миқёсда авж олиши бошланаяпти, бир қисм қиргизлар рус амалдорларининг беҳурматлик билан сотқинлик қилаётганини, ёвузлик ишлатаётганини кўради. Мол-мулки, сигир ва отларини қийматини тўлаш шарти билан мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиш тадбиридан сўнг уларга пул ўрнига сўкишларни тақдим этишса, қандай муҳитни кўз олдингизга келтирасиз? Ва худди шу вақтда, шундай вазиятда бу деярли тайёр гулханга кучли ўтиндай бўлиб Министрлар Совети раисининг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлганларни чақирув ҳақидаги телеграммаси келиб тушади. Ахир, ҳукуматнинг ўзи тезда 43 ёшгача чақирувдан воз кечди; агар у кейин рад қилинган экан, бу ният бошидан давлат манфаатларини умуман фаҳмламайдиган инсоннинг нияти эканлигидан далолат эмасми? Ва жаноблар, бу ишда сиз бутун обрў-эътиборингиз билан, рус давлатининг манфаатлари номи билан, келажак қизиқишлари номи билан айтишингиз керакки, шундай дақиқаларда, шундай ўта кескин дақиқаларда бу ҳукумат рус номига муносиб эмас, фақатгина нафратга муносиб (қарсаклар).

Раислик қилувчи... Давлат Думаси аъзоси Трегубов. *(Келмаган.)* Давлат Думаси аъзоси Керенский.

12-навбат
4 пара

Керенский... (Саратов губернияси). Жаноблар, мен фақат бир дақиқага диққатингизни жалб қиламан. Мен Капнистнинг нутқидан кейин туғилиши мумкин бўлган тушунмовчиликларга аниқлик киритишни хоҳлайман. Мен аҳоли томонидан юз берган ҳеч қандай исёндан кўз юмиб ўтганим йўқ, бу ҳақда гапирдим, фақат мен қирғиз ва рус аҳолисининг исёнларини кенгайтириб тасвирламадим, чунки бир томонга каби бошқа томонга ҳам ҳукуматга юклаш лозим бўлган жавобгарликни юклаш мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Мен бу саволга тўхталмадим, чунки жаноблар, бу исёнининг жойларда кўчириб борилган рус деҳқонлари

томонидан амалга оширилган барча қайғули жиҳатлари ва зулматини сизнинг олдингизда очиб ташлашни истамадим.

Шунчаки ушбу дақиқаларда ўзимиз ҳасрат чекиб турганда буни айтиш мен учун жуда оғир ҳамда охиригача ҳақиқат томонида қолиш учун на қирғизлар, на руслар исёнига батафсил тўхталмадим. Ва ўйлайманки, бу айни вақтдаги энг тўғри нуқтаи назар. У ерда юз берганларнинг барчаси марказий ҳукуматнинг жиноий фаолияти натижаси эди. Гап шундаки, қайғули қирғиз оммаси ёки бу нотинч руслар гуноҳсиз, уларга ҳеч ким ҳеч нарсани ўр-гатмаган, ҳеч ким ҳеч қачон ҳуқуқ ва адолат принципларини уларга уқтирмаган. Шунинг учун кўз юмиб ўтишни хоҳламадим, онгли равишда бу ҳақда гапиришни истамадим ва яна эсласангиз, мен аграр масалаларга мутлақо тўхталмадим. Яна, жаноблар, ёлғиз бир мулоҳаза бўйича:

11-навбат
5 пара

Керенский... марказий ҳукуматнинг жиноят суратини маҳаллий ва нисбатан иккинчи даражали сабаблар билан қоришгириб юборишни хоҳламадим. Агар бу Фармон ва унинг ижроси бўлмаганида маҳаллий қирғиз аҳолиси бугунлай чиқиб бўлмайдиган ҳолатга қарамасдан юз берган исёнгача етиб келмаган бўлур эди. Мен фақат энг асосийсига тўхталдим, аммо бугун бошқа нотиқлар аграр масалаларга ҳам тўхталдилар, рухсат берсангиз, мен ҳам бир воқеани келтирсам. Мана шу ерда Капнисть қирғин қилинган бир қатор рус посёлкаларини санаб ўтди. Бу Еттисув вилоятининг Жаркент ва Пржевальск уездларида рўй бериб, у ерда руслар томонидан 2 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди. Бу нима учун, жаноблар, шунинг учунки, бошқа барча сабабларга у ерда қишлоқ хўжалигнинг аҳволи ҳам қўшилди. Мана энди Туркистон генерал губернаторининг буйруғи билан Пржевальск уездидаги Иссиққўл кўлининг барча қирғоқлари қирғиз аҳолисидан "тозаланган" ҳамда қирғиз аҳолиси тоғли вилоятларнинг юқори қисмларида чўпонларга хос ҳаётга қайтиш ҳақида мурожаат қилган.

12-навбат
6 пара

Керенский... Нима учун бу исёнлар айнан Иссиққўл соҳилидаги бу уездда рўй берди? Шунинг учунки, жаноблар, рус

деҳқонларига ер бўлиб берилган айни вақтда қиргиз аҳолиси бу кўп қирғоқларидан қувилган. Сув ва яйловлардан фойдаланиш имконияти йўқ қилинган, ушбу кўл соҳилларида яшаб келганлар энди яйловларига ўхшаш тоғли вилоятларга ҳайдалиб, силласи қуриган эди. Ҳамда ерга боғлиқ бўлган бу аҳмоқчилик ёки ерга оид маҳаллий аҳолига нисбатан талон-торожлик айнан ушбу жойларда кескинроқ эди ва Капнисть у ерда 269-моддада кўзда тутилган ҳол — ерга оид муносабатлар асосидаги тартибсизликлар амалга оширши муқаррар эди, деганда мутлақо ҳақ.

Ва у ерда, ерга оид муносабатлар ҳаддан ташқари кескин, чидаб бўлмайдиган даражада бўлган жойда, маҳаллий аҳолини талаш, айтиш мумкин бўлса, Геркулес устунлари (қозиқлари-столба) гача етиб борган жойда янада мудҳишроқ ҳодисалар рўй берди. Ва бу ҳодисалар, рус аҳолиси томонидан амалга оширилган исёнлар учун, менимча, кимлигидан қатъи назар, русларми, қирғизларми, бу эзилган оммани айблаш тўғри эмас.

12-навбат
7 пара


Керенский... Шунинг учун, яна бир марта такрорлайман, жаноблар, мен нимадандир кўз юмишга уриниш, менинг нутқимдан Капнисть топганидек, гўё хаспўшлашга уриниш эмас, олдингизга фақатгина асосий сабаб, менга раҳбарлик қилган ҳукумат ҳақидаги асосий ва ягона масалани қўйиш истагида эдим.

Раислик қилувчи... Трегубов. *(Овозлар: рад килинг.) (Рад қилади).* Музокара тугади, овоз беришга ўтамиз. Овозга 3 та кечиктириб бўлмайдиган расмий масала қўйилади, ҳар бирига алоҳида-алоҳида овоз берилади. Биринчи сўровни овозга қўяман. 227-баённот (ўқийди).

Уни овозга қўяман *(овозга қўяди).* Қабул қилинди. Қуйидаги таркибдаги 228-масалани овозга қўяман. *(Ўқийди):*

Уни овозга қўяман *(овозга қўяди).* Бир овоздан қабул қилинди. Учинчи — 229-масалани овоз беришга қўяман. *(ўқийди):*

(овозга қўяди). Қабул қилинди. Бундан кўринаяптики, мажлиснинг давоми очиқ эшиклар билан ўтади, танаффус эълон қиламан.



Указъ ЕГО ИМПЕРАТОРСКАГО ВЕЛИЧЕСТВА
САМОДЕРЖЦА ВСЕРОССІЙСКАГО, изъ Правительствующаго Сената.

Туркестанскому Генералъ-Губернатору.

Въ Имени ЕГО ИМПЕРАТОРСКАГО ВЕЛИЧЕСТВА [illegible] Правительствующій Сенатъ въ Царской Ставкѣ, 1916 года Іюля [illegible] дня
за Собственноручнымъ ЕГО ВЕЛИЧЕСТВА подписаніемъ [illegible]

Повелѣваемъ объявить на военномъ положеніи Туркестанскій военный округъ съ подчиненіемъ всего гражданскаго управленія въ этомъ округѣ Командующему войсками. - Правительствующій Сенатъ У П Р А -
В И Л И: О семъ ВЫСОЧАЙШЕМЪ ЕГО ИМПЕРАТОРСКАГО ВЕЛИЧЕСТВА
Указѣ напечатать въ установленномъ порядкѣ, а Военнаго Министра
и Туркестанскаго Генералъ-Губернатора увѣдомить указами. Августа
25 дня 1916 года.

За Обер-Секретаря

Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилиниши ҳақидаги подшо фармони.



Абдуқаххоров Абдураззоқ.
Марғилон. 1916 й.



Ҳасанов А.
Андижон. 1916 й.



Мавлонов Лайли.
Марғилон. 1916 й.



Эгамбердиев Раҳимбой. Андижон 1916 й.



Ғофуров М., Мадалиев Т., Эгамбердиев К.
Марғилон. 1916 й.



Бадалбоева Чиннибиби - қўзғолон иштирокчиси.
Марғилон. 1916 й.



Минск губерниясида хизмат қилган
Марғилонлик қўзғолон қатнашчилари.



Отамуротов Р.
1916 йилги қўзғолон иштирокчиси.



Марғилонлик кўзғолончилар.



Мурманск темир йўлидаги мардикорлар.



Россиядаги мардикорлар кўтарган ғалаёнлар ҳақидаги телеграммалар.



Мардикор Ҳошимовнинг станокда мажақланган қули. 1916 й.

С П И С О К ъ

умершихъ рабочихъ-инородцевъ изъ числа поступившихъ въ распоряженіе Харьковскаго Заводскаго Совѣщанія.

№№ по п.п.	Имена и фамиліи	Партія и № эшелона	Названіе болѣзни	Время смерти
1.	Шамкатъ Салахетдиновъ	Астраханской губ. №36105.	Дизентерія	1916г. 20 ноября
2.	Мирза Касимъ Мирза Каримовъ	Ходжентской №36674	Порокъ сердца	5 Ноября
3.	Каршибай Кульматовъ	Джизакской № 36679	Продолж. болѣзнь	15 Декабря
4.	Хаджи Мушакир Мухамедъ Сапиховъ	Ходжентской № 36674	Круповск. воспал.легк	17 Декабря
5.	Джорамбе Хусанбаевъ	Намангинской № 36672	Столбнякъ	28 Декабря
6.	Мутигулла Хусаиновъ	1-го Приморскаго округа №36105	Разрывъ сердца	1917г. 9 января
7.	Сабирджанъ Шукубаевъ	Намангинск. № 36672	Воспал. легкихъ	26 января
8.	Джамалетдинъ Мулла Мухамедъ Алиевъ	Тоже.	Корь	13 Февраля
9.	Джурабай Шалибаевъ	Ходжентской №36674	Цирозъ печени и водянка	23 Февраля
10.	Мулла Абдуджебаръ	тоже	Сильный ушибъ желѣзомъ	26 Февраля
11.	Аскеръ Али Шамирзабаевъ	Намангинск. № 36672	Порокъ сердца	14 марта
12.	Джурабай Авезъ Магомедовъ	тоже	Воспален. легкихъ	20 марта

Харьков заводида ҳалок бўлган мардикорлар рўйхати.
1917 йил.

ИЗОҲЛАР

КИРИШ

1. "Халқ сузи". 1998 , 28 июль.

2. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент. 1992 . 2-жилд. 92 б.

3. Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана). М., 1921. Рискулов Т. Из истории борьбы за освобождение Востока. Восстание киргиз Туркестана против царизма в 1916 г. "Новый Восток". 1924. № 6. Его же: Восстание туземцев Туркестана 1916 г. В кн: Очерки революционного движения в Средней Азии в 1916 г. Кизил Орда. 1927.

4. Шестаков А.В. К 20-летию восстания в Средней Азии. М.,Л. 1931; Брайнин С. Восстание казахов в Семиречье в 1916 г. Алма-ата, 1930. Кастельская З.Д. Восстание 1916 г в Узбекистане (к 20-летию восстания) Т., 1937; Мавлоний Э. Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони. "Коммунист". Т., № 6-7, 1946; Додонов И.К. Некоторые вопросы национально-освободительного движения в Узбекистане. Т., 1947; Миронов П. Джизакское восстание в 1916 г. в Узбекистане. В сб.статьей "Национально-освободительное восстание 1916 года в Узбекистане". Т., 1947. Серий Я.Н. Восстание 1916 г. в Ферганской долине. В сб.статьей "Национально-освободительное восстание 1916 года в Узбекистане". Т., 1947; Якунин А.Ф. и Кулиев О.К. Восстание 1916 г. в Средней Азии. "Вопросы истории" № 3, 1953; Чехович О.Д. К вопросу о характере восстания 1916 г. в Узбекистане. Доклады АН УзССР. Т, № 6, 1953 и др. Галузо П. За большевистскую концепцию истории восстания 1916 г. в Средней Азии. Туркменоведение. № 7-9, 1931.

5. Ҳўжаев Ф. Танланган асарлар. 3-жилд. 1980. Т., 6-б.

6. Материалы Объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана. Алма-Ата. 1955. 8-б.

7. Бу хақда кейинги саҳифаларда суз юритилади.

8. Елеуов Т.Е. Национально-освободительное движение 1916 г. в Казахстане. Алма-ата. 1955. 8-бет.

9. Турсунов Х.Т. Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1962. 8-б.

10. Ўша жойда, 8-б.

11.Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони. Тошкент. 1966. 9-б.

12. Усенбоев К. Восстание 1916 г. в Киргизии. Фрунзе. 1967.

13.Ковалев А.П. Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны. Ташкент. 1957. Его же: Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявление в Туркестане. Ташкент. 1971.

14. Кастельская З.Д. Основные предпосылки восстания 1916 г. в Узбекистане. М.,1972.

15. Абдурахимова Н.А.,Садиков С.А., Шамабетов Ш.Б Политические процессы в Туркестане (1905-1917). Нукус. 1988, 10-б.

16. Edward Denis Sokol. The revolt of 1916 in Russian Central Asia. Baltimore. 1954.

17. B.Hayit.Turkestannin qisqaca tarihi. Berlin. 1944; Zeki Velidi Togan. Bigunki Turkili ve yakin Tarihi. -Istanbul. 1942-1947. Abdulla. Rajab Boysun. Turkistan Milli Hareketlari. Istanbul,Vn-t., 1945. 189 p; Cagatay, Kizil imperalizm. Ankara, 1967; Mehmet Saray. Ozbek turkleri. Tarihi. Istanbul, 1993.

18. Абдурхимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX вв. Ташкент – 2000.

19. Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). Ташкент. 1997.

20. Содиқов Х. Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш (XX аср бошлари). Тошкент. 1994.

21. Ахмаджанов Г.А. Российская империя в Центральной Азии (история и историография колониальной политики царизма в Туркестане). Т. 1995.

22. Чориев З. Усиление колониальной политики и национального гнета и их последствия в Туркестане в начале XX в. Ташкент. 1999.

23. Суюнова О. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати (Сирдарё вилояти мисолида). Тошкент. 1997.

24. Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати. Тошкент. 2000.

25. Усенбоев К. 1916 год: Героические и трагические страницы. Бишкек. 1997; Хайдаров Г. История таджикского народа XX века. Ходжанд. 2001.

1 БОБ

1. Заорская В.В. и Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Пг. 1915 г., с.107.

2. Ўша жойда, 170-б.

3. К.П.Кауфмандан (1867-1882) кейин унинг ишини қуйидаги генераллар давом эттирдилар: Т.А.Колпаковский (1881-1882), М.Г.Черняев (1882-1884), Н.О.Розенбах (1884-1889), А.Б.Вревский (1889-1898), С.М.Духовский (1898-1901), Н.А.П.П.Иванов (1901-1904), Н.Н.Тевяшев (1904-1905), Д.И.Субботич (1905-1906), Н.И.Гродеков (1906-1908), П.И.Мишенко (1908-1909), А.В.Самсонов (1909-1916), М.Р.Ерофеев (1916), А.Н.Куропаткин (1916-1917).

4. Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Спб. 1910, с.4.

5. Подшо фармонига биноан 1908-1909 йилларда граф К.К. Пален томонидан Туркистон ўлкасида ревизия ўтказилган эди.

6. Пален К.К. Сельскос управление. Спб. , 1910, с.199.

7. Ўша жойда.

8. Ўша жойда, 101-б.

9. Абдурахимова Н. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I-я четверть XX в. 1999, 38-б.
10. Рабочие и аграрные движения в Казахстане в 1905-1914 гг. Сборник документов и материалов. № 253.
11. Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Ташкент, 1913, с.136.
12. Ўша жойда.
13. Абдураҳимова Н., Рустамова Г.Ўша асар, 83-б.
14. Туркестанский голос. 1916 йил 2 сентябрь, № 49.
15. Пален К.К. Поземельно-податное дело. Спб., 1910. С. 10.
16. Пален К.К. Поземельно-податное дело. Спб., 1910. 11-б.
17. Обзор Ферганской области за 1915 г. М. 11-б.
18 Ўша жойда, 1915 йил учун. 15-б.
19 Статистичекий ежегодник, 1917 — 1923 гг. Т. 1-2. Ташкент, 1924 г., с. 12.
20. Демидов А.М. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. М., 1922, с. 140.
21. Статистический обзор Ферганской области за 1911 г. 1914 , с. 77.
22. Ўша жойда, 78-б.
23. Статистической обзор Ферганской области за 1911 г. М. 1914, с. 70.
24. Ўша жойда, 184-б.
25. Статистичекий обзор Ферганской области за 1904 г. М. 1906, с. 67.
26. Статистический обзор Ферганской области за 1904 г. 1906, с. 79.
27. Статистический обзор Ферганской области за 1911 г. Т., 1914, с. 67.
28. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идораси фонди. 903-иш, 23-б.
29. Туркестанское сельское хозяйство, 1916, № 4, с. 377.
30. Туркестанское сельское хозяйство. 1916, № 4. С. 475.
31. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона вилояти Андижон уезди бошлиғи бошқармаси фонди (Ф.25), 1-рўйхат, 1177-иш, 44-б.
32. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 149-б.
33. Красный архив. Том 3(34), М., 1929, с. 80.
34. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идораси фонди, 31-рўйхат, 1144-иш, 42-б.
35. Заорская В.В. и Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Пг. 1915. 46-б.
36. "Русская мысль". 1909, июль.
37. Гейер И.И. Туркестан. Ташкент. 1909, с. 29.
38. Гейер И.И. Туркестан. Ташкент. 1909, с. 29.
39. Кауфман К.П. Начальное народное образование в Туркестанском крае. Спб. 1910. 13-б.

40. Собрание узаконений и распоряжений правительства. Отд. 1. № 182. 6 июля, 1916 г. 174-б.

41. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штаби фонди (Ф.1396), 3-рўйхат, 549-иш, 576-б.

42. Ўша жойда.

43. Ўша жойда, 294-б.

44. Ўша жойда.

45. Туркестанские ведомости. 1916, № 206.

46. Красный архив. Том 3(34), 1929. 53-б.

47. Россия Марказий Давлат ҳарбий архиви. Бош штаб фонди, Осиё бўлими, (Ф. 400) 263/916 рўйхат, 42-иш, 7-б.

48. Ўша жойда.

II БОБ

49. Гейер И.И. Туркестан. Т. 1909, 320-б.

50. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф. 1.), 1-рўйхат, 1144-иш, 42-б.

51. Бу ўринда элликбоши, минбоши вазифасини бажариб, халқни фармон ижросига даъват этган мансабдор хонлар кўзда тутилган.

52. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчи-лари. 53--54-б.

53. Ўша жойда.

54. Ўша жойда, 56-б.

55. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276.), 2-рўйхат, 149-иш, 1– 2-б.

56. Ўша жойда.

57. Ўша жойда.

58. Ўша жойда. 1135-иш, 35-б.

59. Ўша жойда. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона вилояти, Андижон уезди бошлиги бошқармаси маҳкамасининг фонди (Ф.25), 1-рўйхат, 185-иш, 284-б.

60 ЎзР МДА. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 905-иш, 55-б.

61. ЎзР МДА, 904-иш, 12-б.

62. Ўша жойда, 904-иш, 283-б.

63 . Ўша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф. 276.), 1-рўйхат, 904-иш, 3-б.

64. Ўша жойда.

65. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Бош Штаб фонди, Осиё қисми (Ф.400), 263/916-рўйхат, 4-иш, 122–124-б.

66. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари, 64-б.

67. Ўша жойда.

68. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 353-иш, 80-б.

69. Ўша жойда. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723.), 1 рўйхат, 353 иш, 102-б.

70. Ўша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди, (Ф.276), 2-рўйхат, 149-иш, 31-б.; Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1.), 31-рўйхат, 1132-иш, 166-б.

71. Ўша жойда.

72. Ўша жойда, 2-рўйхат, 149-иш, 92-б.

73 Ўша жойда, 94-б.

74 Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1.), 31-рўйхат, 1100-иш, 41-б.

75. Ўша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди, 1-рўйхат, 904-иш, 70-б.

76. Ўша жойда, Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф. 461.), 2-рўйхат, 1887-иш, 337-б.

77. Ўша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 2-рўйхат, 149-иш, 38-б.

78. Восстание 1916 г. в Средней Азии. Сборник документов. Т., 1932. 59-б.

79. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276.), 2-рўйхат, 149-иш, 37-б.

80. Ўша жойда. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 348-иш, 2-б.

81. Ўша жойда.

82. Узбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари. 65-б.

83. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари, 65-б.

84. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1888-иш, 664-б.

85. Ўша жойда. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 361-иш, 11-б.

86. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 347-иш, 1-б.

87. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари. 62-б.

88. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 347-иш, 1-б.

89. Ўша жойда, 2-б.

90. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 351-иш, 29-б.

91. Ўша жойда, 347-иш, 4-б.

92. Ўша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276) 1-рўйхат, 909-иш, 26-б.

93. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1887-иш, 338-б.

94. Ўша жойда,Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1.), 31-рўйхат, 1140-иш, 17-б.

95. Ўша жойда.

96. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штабининг фонди (ф. 1396), 4-рўйхат, 233-иш, 639-б.

97. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Бош Штаб фонди (Ф.400), Осиё булими, 4-рўйхат, 40-иш, 66-б.

98. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 904-иш, 70-б.

99. Уша жойда, Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат.

100. Уша жойда, 1-рўйхат, 352-иш, 25-б.

101. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 352-иш, 26-б.

102. Узбекистонда 1916 йил халқ қузғолони қатнашчилари, 61-б.

103. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 1886-иш, 160-б.

104. Уша жойда, Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф. 276), 1-рўйхат, 904-иш, 86-б.

105. Уша жойда.

106. Уша жойда.

107. Уша жойда.

108. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 2-рўйхат, 148-иш, 66-б.

109. Уша жойда, 67-б.

110. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276.), 1-рўйхат, 286-иш, 285-б.

111. Уша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1132-иш, 89-б.

112. Уша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276.), 1-рўйхат, 937-иш, 286-б.

113. Уша жойда, 287-б.

114. Уша жойда, 288-б.

115. Уша жойда, 287-б.

116. Уша жойда, Туркистон генерал-губернатори идораси-нинг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1132-иш, 171-б.

117. Уша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 1-рўйхат, 1100-иш, 18-б.

118. Уша жойда, 1888-иш, 351-б.

119. Уша жойда, 1100-иш, 180-б.

120. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 3-рўйхат, 1132-иш, 243-б.

121. Гейер И.И. Туркестан. Т. 1909. 320-б.

122. Уша жойда. Туркистон генерал-губернаторлиги идорасининг фонди (Ф.1), 32-рўйхат, 350-иш, 6-б.

123. Уша жойда, 8-б.

124. Уша жойда, Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 2-рўйхат, 905-иш, 9-б.

125. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Бош штаб фонди, Осиё бўлими (Ф.400), 4-рўйхат, 40-иш, 17-б.

126. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 2-рўйхат, 153-иш, 7-б.

127. Ўша жойда, 1-рўйхат, 1888а иш, 3-б.

128. Ўша жойда.

129.Ўша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1132-иш, 11-б.

130. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 371- иш, 199-б.

131. Турсунов Ҳ. Узбекистонда 1916 йилги халқ қузғолони. Т. 1966. 79-б.

132. Узбекистон Давлат Тарих музейи архиви (Ф.149), 1,04. 3-в.

133. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 373-иш, 50-б.

134. Ўша жойда.

135.Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 373-иш, 15-б.

136. Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстана. Сборник документов. М. 1960, 724-б.

137. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 1888-иш, 8-б.

138. Ўша жойда.

139. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 373-иш, 91-92-б.

140. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 905-иш, 43-б.

141. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1888-иш, 9-б.

142. Ўша жойда, 9-б.

143. Ўша жойда, 10-б.

144. Ўша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф. 276), 2-рўйхат, 153-иш, 7-б.

145. Ўша жойда, 902-иш, 26-б.

146. Ўша жойда, 27-бет.

147. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф. 276), 1-рўйхат, 902-иш, 21-б.

148. Ўша жойда, 27-б.

149. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округ суди фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 368-иш, 210-б.

150. Ўша жойда, Туркистон райони муҳофаза бўлимининг фонди (Ф. 461), 1-рўйхат, 1888-иш, 5-б.

151. Ўша жойда, Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф. 276), 2-рўйхат, 153-иш, 24-б.

152. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Бош штаб фонди, Осиё қисми (Ф.400), 1916 йил, 263/916-рўйхат, 4-иш, 126-б.

153. Ўша жойда, Туркистон ҳарбий округи штабининг фонди (Ф. 1396), 3-рўйхат, 34-иш, 29-б.

154. Ўша жойда.

155. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф. 276), 1-рўйхат, 902-иш, 49-б.

156. Ўша жойда, 51-б.

157. Ўша жойда, Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 367-иш, 4-б.

158. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 367-иш, 6-б.

159. Ўша жойда, 7-б.

160. Ўша жойда, 6-б.

161. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штаби фонди (Ф. 1396), 3-рўйхат, 367-иш, 6-б.

162. Ўша жойда, 4-б.

163. Ўша жойда.

164. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернаторлиги идорасининг фонди (Ф. 1), 32-рўйхат, 350-иш, 13-б.

165. Ўша жойда, Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 357-иш, 763-б.

166. Ўша жойда, 764-б.

167 Ўша жойда.

168. Ўша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1179-иш, 103-б.

169. Ўша жойда, Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 357-иш, 763-б.

170. Ўша жойда, 356-иш, 765-б.

171. Ўша жойда.

172 Ўша жойда. Туркистон райони муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.461) 1-рўйхат, 1888-иш, 228-б.

173 Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернаторлиги идорасининг фонди (Ф. 1), 1-рўйхат, 1110-иш, 181-б.

174 Усенбаев К. Восстание 1916 года в Киргизии. Фрунзе. 1967 й., 166-167-б.

175. Ўша жойда, 168-б.

176. Усенбаев К. 1916 г. Героические и трагические страницы. Бишкек. 1997. 75-б.

177. Ўша жойда, 76-б.

178. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 1-рўйхат, 1179-иш, 25-б.

179. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф. 1), 31- рўйхат, 1084-иш, 48-б.

180. Уша жойда.

181. Уша жойда. Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди, (Ф. 461), 1-рўйхат, 1886-иш, 259-б.

182. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 32-иш, 96-б.

183. Уша жойда, 97-б.

184. Уша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1132-иш, 98-б.

185. Уша жойда.

186. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1128-иш, 21-б.

187. Уша жойда.

188. И.И.Гейер. Туркестан. Т. 1909. 320-б.

189. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 2-рўйхат, 146-иш, 13-б.

190. Уша жойда, 19-б.

191. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1144-иш, 43-б.

192. Уша жойда.

193 Уша жойда, 13-б.

194. Уша жойда, 5-б.

195. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 314-б.

196. Уша жойда, Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1887-иш, 149-б.

197 Уша жойда, 150-б.

198. Уша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 903-иш, 47-б.

199. Уша жойда, 48-б.

200. Уша жойда.

201. Уша жойда, 47-б.

202. Уша жойда, 48-б.

203. Уша жойда, 32-б.

204. Уша жойда, 48-б.

205. Уша жойда, 16-б.

206. Уша жойда, Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723) 1-рўйхат, 355-иш, 7-б.

207. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 2-рўйхат, 146-иш, 48-б.

208. Уша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 314-б.

209. Уша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 903-иш, 40-б.

210. Ўша жойда, 39, 40-б.

211. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви, Туркистон ҳарбий округи штабининг фонди (Ф.1396), 4-рўйхат, 233-иш, 699-б.

212. Ўша жойда, Бош штаб фонди, Осиё бўлими (Ф.400) 4-рўйхат, 40-иш, 24-б.

213. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви, Туркистон ҳарбий округи штабининг фонди (Ф.1396), 4-рўйхат, 233-иш, 699-б.

214. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1132-иш, 12-б.

215. Ўша жойда. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди, (Ф.723), 1-рўйхат, 354-иш, 3-б.

216. Ўша жойда.

217. Ўша жойда, 2-б.

218. Ўша жойда, 354-иш, 3-б.

219. Ўша жойда, 3-б.

220. Ўша жойда, 356-иш, 61-б.

221. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 903-иш, 27-б.

222. Ўша жойда.

223 Ўша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 905-иш, 38-б.

224. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 42-б.

225. Ўша жойда.

226. Ўша жойда, Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 903-иш, 49-б.

227. Ўша жойда, 18-б.

228. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1199-иш, 10-б.

229. Ўша жойда

230. Ф.1, 31-рўйхат, 1199-иш, 50-б.

231. Ўша жойда, 1-рўйхат, 1100-иш, 176-б.

232. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 176-б.

233. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 909-иш, 328-296-б.

234. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1132-иш, 107-б.

235. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штаби фонди (Ф.1396), 1-рўйхат, 128-иш, 318-б.

236. Ўша жойда.

237. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 1-рўйхат, 1132-иш, 107-б.

238. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 905-иш, 39-б.
239. Ўша жойда, 908-иш, 95-б.
240. Ўша жойда, 140-б.
241. Ўша жойда, 1199-иш, 75-б.
242. Ўша жойда.
243. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1132-иш, 146-б.
244. Ўша жойда.
245. Ўша жойда, 235-б.
246. Ўша жойда
247. Ўша жойда, 1139-иш, 3-б.
248. Ўша жойда.
249. Ўша жойда, 5-б.

Ш БОБ

250. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 900-иш, 16-б.
251. Ўша жойда.
252. Ўша жойда.
253. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари, 27-28-б.
254. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари. 30-31-б.
255. Ўша жойда, 33-б.
256. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари. 36-б.
257. Ўша жойда.
258. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон район муҳофаза булими фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 897-иш, 665-б
259. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон райони муҳофаза булимининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1888-иш, 1-б.
260. Ўша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1179-иш, 8-б.
261. Ўша жойда, Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 2-рўйхат, 152-иш, 7-б.
262. Ўша жойда, Туркистон район муҳофаза булимининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1888-иш, 1-б.
263. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 909-иш, 294-б.
264. Ўша жойда.
265. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 365-иш, 7-б.

266. Ўша жойда, 8-б.

267. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 365-иш, 8-б.

268. Ўша жойда.

269. Ўша жойда.

270. Ўша жойда, 9-б.

271. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 365-иш, 3-б.

272. Ўша жойда.

273. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолонининг қатнашчилари. 33-б.

274. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 365-иш, 11-б.

275. Ўша жойда, 900-иш, 8-б.

276. Ўша жойда, Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.461) 1-рўйхат, 1887-иш, 337-б.

277. Ўша жойда, Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 359-иш, 3-б.

278. Ўша жойда.

279. Ўша жойда.

280. Ўша жойда, 4-б.

281. Ўша жойда.

282. Ўша жойда, 5-б.

283. Ўша жойда.

284. Ўша жойда.

285. Ўша жойда.

286. Ўша жойда, 6-б.

287. Ўша жойда, 6-б.

288. Ўша жойда.

289. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 359-иш, 7-б.

290. Ўша жойда, 8-б.

291. Ўша жойда. Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 1887-иш, 172-б.

292. Ўша жойда.

293. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 359-иш, 9-б.

294. Ўша жойда.

295. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.461), 31-рўйхат, 1101-иш. 13-б.

296. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.723), 2-рўйхат, 152-иш, 25-б.

297. Ўша жойда, Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 360-иш, 2-б.

298. Ўша жойда.

299. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон район муҳофаза булимининг фонди (Ф.461), 1-руйхат, 1887-иш, 134-б.

300. Ўша жойда.

301. Ўша жойда, 360-иш, 2-б.

302. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-руйхат, 366-иш, 43-44-б.

303. Ўша жойда, 44-б.

304. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон район муҳофаза булимининг фонди (Ф.461), 1-руйхат, 1886-иш, 68-б.

305. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-руйхат, 900-иш, 37-б.

306. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1100-иш, 178-179-б.

307. Ўша жойда.

308. Гейер И.И. Туркестан. Ташкент. 1909. 320-б.

309. Усенбоев К. 1916: Героические и трагические страницы. Бишкек, 1997, 76-б.

310. Ўша жойда, 77-б.

311. Ўша жойда, 78-б.

312. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276) 1-руйхат, 901-иш, 3-б.

313. Ўша жойда, 4-б.

314. Ўша жойда.

315. Ўша жойда, 5-б.

316. Ўша жойда

317. Ўша жойда, 64-б.

318. Ўша жойда.

319. Ўша жойда, 65-б.

320. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276) 1-руйхат 901-иш, 65-б

321.Ўша жойда.

322. Ўша жойда, 66-б.

323. Ўша жойда, 151 иш, 20-б.

324. Ўша жойда.

325. Ўша жойда, 151 иш, 20-б

326. К.Усенбаев. 1916 г. Героические и трагические страницы. Бишкек, 1997, 78-б.

327. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлата архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276) 1-руйхат 151-иш, 285-б.

328. Ўша жойда, 901-иш, 392-б.

329. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1132-иш, 260-б

330. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.1) 31-рўйхат 1132-иш, 109-б

331. Уша жойда, 107-б.

332. Уша жойда, 175-б.

333. Уша жойда. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф. 276) 1-рўйхат 897-иш, 173-б.

334. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1127-иш. 83-84-б.

335. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат 1128-иш, 200-б.

336. Уша жойда, 909 иш, 26-б

337. Россия Марказий Давлат ҳарбий Тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штаби фонди (Ф.1396), 3-рўйхат, 4-иш, 1-б.

338. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 343-иш, 1-б.

339. Уша жойда, 3-б.

340. Уша жойда, 5-б.

341 Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди, (Ф.723), 1-рўйхат, 343-иш, 1-3-б

342. Уша жойда, 353-иш, 1-б.

343. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 343-иш, 1-б.

344. Уша жойда.

345. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 1-б.

346. Уша жойда, Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.176), 1-рўйхат, 937-иш, 283-б.

347. Уша жойда. Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф. 461), 1-рўйхат, 1888-иш, 143-б. Иш бўйича қишлоқ оқсоқоли Қирғизбой Каримбоев, Карим Турақулов, Суванбой Оталиқбоев, Муллахолмат Жалолохунов, Жуманазар Холибоев, Хамидхужа Ҳожиевлар гувоҳликка ўтганлар.

348. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штабининг фонди (Ф.1396), 3-рўйхат, 34-иш, 49-б.

349. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат,) 1-рўйхат, 362-иш, 1-б.

350. Уша жойда.

351. Уша жойда, 346-иш, 2-б

352. Уша жойда, 347-иш, 4-б.

353. Уша жойда, 361-иш, 11-б.

354. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон район муҳофаза бўлимининг фонди (Ф.461)1-рўйхат, 1888-иш, 70-80-б.

355. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат 371-иш, 199-б

356. Ўша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди, (Ф.1) 31-рўйхат 1142-иш, 3-б.

357. Ўша жойда, Туркистон ҳарбий округ судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 371-иш, 214-б.

358. Ўша жойда, 372-иш, 146-б.

359. Ўша жойда, 372-иш, 147-б

360. Ўша жойда, 723-иш, 181-183-б.

361. Ўша жойда. Туркистон район мухофаза бўлимининг фонди (Ф. 461), 1-рўйхат, 1837-иш, 177-б.

362. Ўша жойда. 1889-иш, 169-б.

363. Ўша жойда.

364. Ўша жойда. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 370-иш, 169-б.

365. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округининг штаби фонди (Ф.1396),3-рўйхат, 34-иш, 33-34-б.

366. Ўша жойда.

367. Ўша жойда.

368. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штабининг фонди (Ф.1396), 3-рўйхат, 34-иш, 23-26-б. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (723), 1-рўйхат, 367-иш, 9-б.

369. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий-округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 367-иш, 1-б.

370. Ўша жойда.

371. Ўша жойда, 368-иш, 216-218-б.

372. Ўша жойда, Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф. 1), 31-рўйхат, 1101-иш, 76-81-б.

373. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон район мухофаза бўлимининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1887-иш, 132-б.

374. Ўша жойда. 624-б.

375. Ўша жойда. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 357-иш, 698-б.

376. Ўша жойда.

377. Ўша жойда.

378. Ўша жойда.

379. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат. 357-иш, 698-б.

380. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 365-иш, 9-б.

381. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди, (Ф.723), 365-иш, 10-б.

382. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи суди фонди (Ф. 723), 1-рўйхат, 356-иш, 81-б.

383. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-рўйхат, 356-иш, 82-б.

384. Уша жойда, 83-б.

385. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округининг штабининг фонди (Ф.1396), 3-руйхат, 34-иш, 23-б.

386. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон район муҳофаза булимининг фонди (Ф.461), 1-руйхат, 1888-иш, 113-б.

387. Уша жойда, Туркистон генерал-губернатори фонди (Ф.1), 131 руйхат, 1101-иш, 76–81-б.

388. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-руйхат, 354-иш, 3-б.

389. Уша жойда. Туркистон район муҳофаза булимининг фонди (Ф.461), 1-руйхат, 1887-иш, 148-б.

390. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276) 1-руйхат, 903-иш, 13-б.

391. Уша жойда, 14-б.

392. Уша жойда, Туркистон генарал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1101-иш, 18-б.

393. Уша жойда.Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1101-иш, 76-б.

394. Красный Архив. Том 3. (34). М., 43-б.

395. Уша жойда. 76–81-б.

396. Уша жойда.

IV БОБ

397. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон ҳарбий округи судининг фонди (Ф.723), 1-руйхат, 373-иш, 17-б.

398. Уша жойда.

399. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон округи судининг фонди (Ф.723), 1-руйхат, 373-иш, 17-б.

400. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон округи судининг фонди (Ф.723), 1-руйхат, 373-иш, 17-б.

401. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона вилояти Андижон уезди бошлиғи бошқармасининг фонди (Ф.25.), 1-руйхат, 184-иш, 28-б.

402. Уша жойда.

403 Уша жойда.

404 Уша жойда, 34-б.

405. Уша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1.), 31-руйхат, 1194- иш, 14-б.

406. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1194-иш, 15-б.

407. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1),31-руйхат, 1194-иш, 16-б.

408. Уша жойда, 11-б.

409. Уша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг

фонди (Ф.1), 31 рўйхат, 1194 иш, 11-б.

410. Ўша жойда, 1199-иш, 56-б.

411. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1198-иш, 4-б.

412. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Туркистон ҳарбий округи штабининг фонди (Ф.1396), 3-рўйхат, 549-иш, 294-б.

413. Ўша жойда. Бош штаб, Осиё бўлимининг фонди (Ф.400), 263/916-иш. 42–16-б.

414. Россия Марказий Давлат ҳарбий тарих архиви. Бош штаб, Осиё бўлимининг фонди (Ф.400), 263/916–42-иш, 17-б.

415. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1158-иш, 201-б.

416. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1158-иш, 201-б.

417. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 909-иш, 295-б.

418. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.276), 1-рўйхат, 909-иш, 299-б.

419. Ўша жойда.

420. Ўша жойда. Фарғона вилояти Андижон уезди бошлиғи бошқармасининг фонди (Ф.25), 1-рўйхат, 185-иш, 108-б.

421. Ўша жойда, Фарғона вилояти Андижон уезди бошлиғи бошқармасининг фонди (Ф.25), 1-рўйхат, 185-иш, 109-б.

422. Ўзбекистон Давлат Тарих музейи фонди. П. 11.3, 4-б.

423. "Туркестанский голос", 1916-йил, 23-июль.

424. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1.) 31-рўйхат, 110-иш, 144-б.

425. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1157-иш, 178–182-б. Ўзбекистон Давлат Тарих музейи фонди П. 11. 3, 10-б.

426. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. Фарғона вилояти Андижон уезди бошлиғи бошқармасининг фонди (Ф.25), 1-рўйхат, 185-иш, 224-225-б.

427. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1146-иш, 120-б.

428. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона вилояти Андижон уезди бошлиғи бошқармсининг фонди (Ф.25), 1-рўйхат, 185-иш, 104-б.

429. Ўша жойда, 242-б.

430. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1146-иш, 160-б.

431. Ўша жойда, 1160-иш, 473-б.

432. Ўша жойда, 1159-иш, 304-б.

433. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон

генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1146-иш, 236-б.
434. Ковалев П.А. Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны. Т. 1952. 88-б.
435. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фарғона ҳарбий губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1174-иш, 342-б
436. Ўша жойда, 1132-иш, 236-б.
437. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1172-иш, 142-б.
438. Ф.1, 31-рўйхат, 1172-иш, 353-б.
439. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 32-рўйхат, 1139-иш, 233-б.
440. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1174-иш, 147-б.
441. Ўша жойда, 221-б.
442. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат. 1177-иш, 76-б.
443. Ўша жойда.
444. Ўша жойда.
445. Ўша жойда, 55-б.
446. Ўша жойда, 1174-иш, 153-б.
447. Ўша жойда, 1177-иш, 136-б.
448. Ўша жойда, 119-б.
449. Ўша жойда, 51-б.
450. Ўша жойда, 44-б.
451. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фони (Ф.1), 31-рўйхат, 1177-иш, 15-б.
452. Ўша жойда, 36-б.
453. Ўша жойда, 200-б.
454. Ўша жойда, 206-210-б.
455. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1177-иш, 213-217-б.
456. Ўша жойда, 31-рўйхат, 1172-иш, 84-б.
457. Ўша жойда.
458. Ўша жойда, 85-б.
459. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1172-иш, 228-б.
460. Ўша жойда.
461. Ўша жойда, 1177-иш, 168-б.
462. Ўша жойда, 38-б.
463. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1172-иш, 265-б.
464. Ўша жойда, 1169-иш, 331-б.
465. Ўша жойда, 1172-иш.
466. Ўша жойда, 331-б.

467. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1). 31-рўйхат, 1170-иш, 204-б.

468. Ўша жойда, 1172-иш, 204-б.

469. Ўзбекистон Давлат Тарих музейи архиви, П. 10.8, 12-б.

470. Ўша жойда, 1177-иш, 56-б.

471. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1160-иш, 333-б.

472. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1177-иш, 78-б.

473. Ўша жойда. Туркистон район муҳофаза булимининг фонди (Ф.461), 1-руйхат, 1887-иш, 59-б.

474. Ўша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1177-иш, 148-б.

475. Ўша жойда, 168-б.

476. Ўша жойда, 287-б.

477. Ўша жойда Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1177-иш, 21-б.

478. Туркестанский голос. 1917. сент. № 8.

479. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.461), 1-рўйхат, 1888-иш, 87-б. Туркестанский голос. 1916-йил сент.

480. К.Паустовский. Собр. соч. Т, 4. Повесть о жизни. М., 1982. 492-б.

481. Туркестансие ведомости. 13 декабрь, 1916. № 269.

482. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1139-иш, 1-б.

483. Ўша жойда.

484. Ўша жойда, 9-б.

485. Ўша жойда.

486. Ўша жойда, 1-б.

487. Ўша жойда, 4-б.

488. Ф. 1, 31-рўйхат, 1139-иш, 5-б.

489. Ўша жойда, 3-б.

490. Ўша жойда.

491. Ўша жойда, 1158-иш, 224-б.

492. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 265-б.

493. Ўша жойда.

494. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистонда генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 267-б.

495. Ўша жойда, 268-б.

496. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-рўйхат, 1100-иш, 275-б.

497. Уша жойда.

498. Уша жойда. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1100-иш, 277-б.

499. Уша жойда.

500. Уша жойда, 279-б.

501. Уша жойда Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1100-иш, 285-б.

502. Уша жойда, 286-б.

503. Уша жойда, 287-б.

504. Уша жойда Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1100 иш, 289-б.

505. Уша жойда, 292-293-б.

506. Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Туркистон генерал-губернатори идорасининг фонди (Ф.1), 31-руйхат, 1100-иш, 296-301-б.

507. Уша жойда, (Ф.1), 31-руйхат, 1100-иш, 302-303-б.

508. Уша жойда, 339-б.

509. Уша жойда.

510. Уша жойда, (Ф.1), 31-руйхат, 1100-иш, 355-б.

511. Уша жойда, 361-б.

512. Уша жойда, 374-б.

513. Уша жойда.

МУНДАРИЖА

Кириш....3

I боб. 1916 йил қўзғолонининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблари

1.1. Халқ норозилигининг сиёсий сабаблари....12
1.2. Қўзғолонга сабаб бўлган иқтисодий ва маънавий омиллар....19
1.3. Императорнинг мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармони ва унинг акс-садоси....29

II боб. Халқ қўзғолонининг бошланиши ва воқеалар ривожи

2.1. Андижон уездидаги халқ ғалаёнлари....34
2.2. Наманган уездидаги қўзғолонлар....57
2.3. Қўқон уездидаги қуралнлар....75

III боб. Қўзғолонларнинг давом этиши ва унинг оқибатлари

3.1. Скобелев уездидаги қузголонлар....95
3.2. Ўш уездидаги оммавий ғалаёнлар....111
3.3. Қўзғолоннинг бостирилиши ва суд жараёнлари....120

IV Боб. Мардикорликка сафарбарликнинг амалга оширилиши

4.1. Мардикорларни сафарбарликка жўнатиш жараёни....143
4.2. Мардикорларнинг қисмати ва уларнинг норозиликлари....175
4.3. Қўзголон ва унинг оқибатларини Россия Давлат Думасидаги муҳокамаси....190

Хулоса....207
Илова. Умумий йиғилиш ва умумий ишлар бўлими ҳисоботи 1916й. 13 декабр....211
Изоҳлар....290

Адабий-бадиий нашр

Жаннат Исмоилова

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИ

(1916 йил қўзғолони мисолида)

Муҳаррир *Ҳикоят Маҳмудова*
Мусаввир *Александр Кива*
Бадиий муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Кичик муҳаррир *Назми Фозилова*
Мусаҳҳиҳ *Машжуда Насриддинова*
Компьютерда саҳифаловчи *Зуҳра Аҳмедова*

ИБ№ 4053

Босишга 26.08.2003 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Таймс гарнитура. Офсет босма. 20,5 шартли босма тобоқ. 19,06 нашр тобоғи. Нусха 500. 120 рақамли буюртма.

Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси
Олмазор 171.